

НАЗАР ЭШОНҚУЛ

ЯЛПИЗ ҲИДИ

Қиссалар ва ҳикоялар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2008

84(59)6

Э 99

Тақризчилар:

Тура Мирзаев,
филология фанлари доктори, профессор

Умарали Норматов,
филология фанлари доктори, профессор

Нашрга тайёрловчи:

Жаббор Эшонқул,
филология фанлари номзоди.

Ю 34654
391

Эшонқул, Назар


Ялпиз ҳиди: Қиссалар ва ҳикоялар/Н. Эшонқул. —
Т.: «Шарқ», 2008. — 400 б.

Назар Эшонқул ўзининг "Шамолни тутиб бўлмайди", "Маймун етаклаган одам" каби ҳикоялари, қиссалари билан китобхонларга яхши таниш бўлган иқтидорли ижодкорлардан бири. Асарларида инсоннинг қалби, ички дунёси, руҳий оламини рамз ва метафора орқали бетакрор чизгиларда акс эттиради. Шунинг учун ҳам Назар Эшонқулнинг асарлари адабиётимизнинг ўзига хос янги йўналишдаги ижод намунаси сифтида эътироф этилган.

Муаллифнинг "Уруш одамлари", "Момоқўшиқ", "Тун панжаралари", "Қора китоб" қиссалари ва қатор ҳикоялари ўрин олган ушбу китоб барча ўқувчиларга бирдек манзур бўлади деган умидимиз бор.

ББК. 84(59)6

ISBN 978-9943-00-221-0



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2008.

Қ И С С А Л А Р

УРУШ ОДАМЛАРИ

*«...Мен катта бўлсам милтиқ сотиб
оламан.»*

«Милтиқни нима қиласан?..»

«Отамни отаман!!!»

I

Қирқ тўртинчи йил декабрининг бошларида, қорахат келганидан роса бир йилдан сўнг, ёғин-сочинли кунларнинг бирида терсоталик Нормат полвон бир оёғидан айрилиб урушдан қайтди. Урушдан мажруҳ бўлиб қайтиш одатдаги воқеа бўлиб қолганлиги учун ҳеч ким унинг майиб бўлиб қайтганлигига ажабланмади. Сўнги уч йил ичида урушга соппа-соғ кетиб, бирон мучасидан айрилиб қайтиш ҳодисаси тез-тез содир бўлиб турарди. Уруш бошланган йилиёқ юқори Тераклидан уста Пирназар қўлидан ажралиб қайтганди. Икки йил олдин эса Қўроности қишлоғидан Мулла Турди кўзидан айрилиб қайтди. Шу йилнинг бошида Янгибой ҳисобчи қишлоққа гилдиракли аравада кириб келди. Унинг қуллар уруғидан бўлган хотини икки-уч ой сочини юлиб юрди-ю, кейин кўникиб қолди. Бироқ, ёз бошларида отланиб Қамашига тушиб кетди, бир ҳафталардан кейин эски юк машинасида қайтиб келиб, эрини қаёққадир олиб жўнади.

Ўн кунлардан сўнг бир ўзи якка қайтди. Одамлар унинг эрини Қаршидаги ногиронлар уйига ташлаб келганини билишди. Янгибойнинг соқов укаси ёзнинг охирида янгасини ўласи қилиб савалади. Қўшнилари эртаси чошгоҳ маҳали уни оғзи-бурнидан қон келиб беҳуш ётган ҳолда оғилхонадан топиб олишди. Терсоталикларга Янгибой ҳисобчига қараганда Нормат полвоннинг майиблиги арзимас бўлиб туюлди. Унинг фақат бир оёғи, шунда ҳам тўпиқнинг усти кесиб олинган ва ўрнига ясама оёқ ўрнатилган эди. Шу сабабли чўлоқланиб бўлса ҳам у бемалол юра оларди.

Эртасига қишлоқ чеккасидаги катта айвонли пахса

уйда кичкина тўй бўлди. Қари бўлса ҳам анчагина семиз эчки сўйилди. Қайноқ шўрванинг ҳиди Терс-отага ёндош Олма ва Супа қишлоқларигача таралиб турди.

Нормат полвонни кўриш учун келган қишлоқдошлари ўзлари тасаввур қилган норғул, барваста, умрида олишиб кўрмаган, лекин суяги йирик бўлгани учун «полвон», деб ном олган, қишлоқнинг олд чавандозларидан бири, қоматидан куч ёғилиб турган, ўттиздан энди ошган ўктам Нормат полвонни эмас, озиб, мушаклари шалвираб, бўйин томирларида ажинлар пайдо бўлиб, яра излари қолган, ҳали дориларнинг бадбўй ҳиди кетмаган, кўринишидан элликни берса бўладиган, сочлари оқара бошлаган, ўзлари эшитган урушнинг тирик гувоҳини кўрдилар. Қишлоқдошлари унинг юзидаги заҳилликка, куйган қулоқларининг орти олакула бўлиб қолган бўйинларига ва тез-тез сарак-сарак қилиб, силкиниб турадиган бошига ҳеч кўника олмадилар.

Йиғилганлар беш-олтита қари қартангдан ва оналари қошида ёки ҳовлида ўйин бошлаб юборган болалардан ташқари аксарияти аёллар ва кампирлар эди.

Жойни аввал печкали хонанинг ўнг тарафидаги катта, кенг совуқ хонага солишганди. Аммо кампирлар келиб, жойни иссиққина печкали ётоқ уйга ўтказишди.

— Шусиз ҳам Норматбойнинг меҳмонхонаси борлигини биламиз. Бу ерда ҳеч ким бегона эмас. Бизга шуниси маъқул. Бесаришта, тўзиб ётган уйда ўтирма-сак, ўтиргандай бўлмаймиз, — дейишди улар.

Печкали хона ҳам кенг эди, тўрда тахмонга кирчир ва қуроқли кўрпачалар, турли рангга бўялган ҳосилот пўстақлар, ҳар хил гуллар чизилган наматлар, қўлда тўқилган гиламлар йиғиб қўйилганди. Хонанинг шифти баланд, лойсувоқ деворларнинг икки томонига қуш, кийик, бир тувак бодомгулни ўртага қўйиб, бир-бирига тикилиб турган йигит ва қизнинг сурати, қўзилар ўтлаб юрган тоғ этагининг ҳамда кўклам кунларининг тасвири солинган иккита узун сўзана осилган эди. Кашталар тагидан иккита қизил гулли яшил рўмол илинган, рўмоллар кўп вақт турганидан деворнинг нусхи уриб, рангсизланиб қолганди. Сўзанага қараган одам уни тиккан қиз чевар бўлганини ва бу кашталарда

ўша чеварнинг қизлик орзу-умидлари барқ уриб турганини, булар келинлик сарполари эканини сезар, бу кашталарда баловат орзуларини кўриб, беихтиёр энтикиб қўярди.

Одатдагидай урушдан қайтганларга қилинадиган ҳурмат маъносида тўрда Нормат ясама оёғини соғ оёғи устига қўйиб, учта лўлаболишларга суяниб ўтирар, унинг икки томонида ёнбошлаган ёки деворга суяниб олган чоллар Норматни шунчаки гапга солиб ўтиришарди. Печка атрофида эса кампирлар ўнг томонда ўтирган чоллар томон энгашганча қизғин суҳбатга беришган эдилар; гоҳида чоллар шумлик қилиб, секин чимчилаб олса, улар ўшшайиб қолган, ажин босган юзларига уялган тусини беришганча тилларида «ҳе, ўл, қариб суюлмай, соқолинг остида қолгур», деб тишсиз оғизларини очиб ҳиҳилар, ўзлари эса чолга яқинроқ сурилиб ўтирар, хотинлар ҳам гўё бу ерга бир-бири билан чуғурлашиш учун келишгандай эди: гоҳ ажабланганини, гоҳ хурсанд бўлганини, гоҳ қайғуришаётганини билдириш учун юзларини буриштириб, қошларини ёзиб, ёқаларини ушлаб, яна қўйиб юборишиб, лабларининг бир четидан «чўлп» этиб товуш чиқариб, ҳайратланган бўлишар, ҳамишагидек кимларнидир ғийбат қилишга киришиб кетишган эди. Таш-қарида қозонтовоқнинг даранг-дурунги, болаларнинг «Бўлмайти, бўлмайти, қайтадан», деб чувиллашаётгани ва аёл кишининг: «Ҳа, жувонмарг тўқол, укангди ўйнатмай эрларингминан ўйнаясанми?»— деган шан-ғи овози орасида Шариф чавандознинг нимадир буюрган ёки кимнидир, афтидан, болани: «Ҳап, сеними, отангнинг илигига... Шундай қилаберсанг қизимди бермай қўяман», деган бир оз хирқироқ, қувноқ овози келар, гўё ҳамма бу ерга нима учун келганини бир лаҳзадаёқ унутишгандай ёки унутишга ҳаракат қилишаётгандай туюлар эди. Нормат эса қишлоқдошларининг юзларига сўзсиз, жим тикилиб қўяр, нимадандир изтироб ёки хижолат чекаётгандай эди. Ҳаммининг олдида чўзилиб ётишни эп кўрмай, ўрнидан туриб ўтиришга ҳаракат қилар, бироқ ясама оёғи халақит берар, у яна аввалгидай чўзилиб олар, икки кундан бери келиб-кетаётганларнинг, қишлоқдошларининг юзидаги ачиниш ва ҳамдардлик ифодаларини кўриб, оёғини кесишаётганда бошланган камситилгандек туйғу уни яна гирдобига

олмоқда, ичкарига кириб-чиқиб турган, кечаси билан унинг кўкрагига уриб, оҳ-воҳ қилиб, йиғлаб чиққан, ҳозир ҳам сулувлигини йўқотмаган хотинини жим кузатар, ундан тўрт йиллик айрилиқ асоратини ахтарар, лекин негадир излаётганини илғамаётгандек, бу асорат унга сабаби номаълум бўлган бегоналик ва тундлик билан қоплангандек туюлар эди.

Норматга ҳамма нарсдан ҳам хотинининг ана шу тундлиги ёқмаётган эди.

— Ичкарига кириб олишинглар, ичкарига! — деб бақирди ташқаридан Шариф чавандоз қувноқ овозда. — Бепадарлар, силарга айтяпман. Нормат боваларингга кўрсатиб олишинглар, қани, юринглар...

У ичкарига ўн-ўн бир ёшлардаги иккита болани етаклаб кирди. Болаларнинг бири йўл-йўл эски бекасам чопон, барратери қулоқчин, иккинчиси қора сатин чопон, афтидан, отасиники бўлса керак, кўкиш, катта аскарый телпак кийиб олган, иккаласи ҳам пишнашар, беўхшов ўтирган Норматга ҳадик билан қараб туришар эди.

— Полвон боваси, буларга дуо беринг, олишмоқчи, сизнинг қўлингизди олмоқчи, — деди Шариф чавандоз Норматга қараб, болаларни ўртага, дастурхон етмаган жойга итариб. — Дастурхонни қайириб турунглар... дастурхонни! Нега тимирскиланасиз, сизга айтяпман, Зубай бойбича, қайтариб турунг, ҳеч нарса қимайди... Катта полвонлар бовасига олишишни кўрсатсин...

Нормат полвон ҳамиша болаларни олиштириш билан бошланадиган, энди негадир ўзига жуда узоқ хотира бўлиб туюлаётган тўйларни эслаб, жилмайиб қўйди.

Болалар ҳам ҳадиксираб, четдаги одамларга қараб олишди-да, бегона кўрмагач, бир-бирига худди жўжа-хўрозлардай хурпайиб, кичик даврани айлана бошлашди.

— Қани, хаҳ!.. — деди Норматнинг олдида ўтирган Келдиёр сўпи. Аскарый қулоқчин кийган бола унинг ўғли эди. — Берган тузимни ҳалолламасанг, бугун кеча энангди ўзим олиб ётаман...

Ўтирганлар унинг гапига қийқириб кулиб қўйдилар.

— Оввв! — қувлик билан ҳайратланган бўлди боя

Шариф чавандоз «Зубай бойбича» деб чақирган, буғ-дойранг, ўтгиз бешлардаги аёл. — Энангди отанг бир кеча қўйнида олиб ётса, кейин энанг қўйнига ёпишиб, чиқмай қолади. Отангнинг қўйнида желими бор...

Қулоқчин кийган бола отасининг гапидан дадилланиб, Зубай бойбичага ўқрайиб қўйди-да, хужумга ўтди, беқасам чопонлининг белидан қучоқлаб олиб, орқага итарди. Беқасам чопонли дафъатан хужумдан ўзини тутолмай орқасига ўтириб қолди. Сўпининг ўғли унинг устига ўзини ташлади. Шариф чавандоз ажрим қилди. Иккаласи яна давра айлана бошлади.

— Ҳа, уккағар ёҳиё-е! — деди ёнбошлаб мудраб ўтирган, ўртада олиш бошланиши билан сергакланган Мулла Саттор. У эликлардан ошиб қолган бўлишига қарамай, анча норғул эди. Бу йил икки эчки, уч қоп оқ ун бериб, Тиниқ кампирнинг ўн беш яшар етим қизига уйлангач, яна яшариб кетганди. — Нуқул фирромлик қилади-е, тирранчасидан тортиб каттасигача...

У нима учун бундай деганини ҳамма тушунди. Беқасам чопонли бола унга аскарый телпақлисида кўра яқинроқ эди.

Беқасам чопонли қайта хужумда ўзини анча тутиб олди, қип-қизариб, аскарый телпақлининг ҳамма чилларини оппа-осон қайтариб турди. Аскарый телпақли кучи етмаслигига ишонгач, ҳийлага ўтди; беқасамлининг ёқасидан ушлаб, қорнига оёқ тираб, ошириб юборди. Бироқ, беқасамли яна елкаси билан йиқилди.

— Бўлди. — деди Келдиёр сўпи. — Катта полвондики шунча бўлади-да, шуйтиб йиқитганам катта гап.

— Бас-э, — деди Мулла Саттор унга зарда билан, — олиш кўрганмисиз?! Дустаман, қимаса полвонма?..

Шариф чавандоз ҳам унинг гапини маъқуллаб, болаларни қайтадан олишгирди. Аскарый телпақли ҳийласи ўтмагач, хўрлиги келиб, кўзларини қисиб, йиғламсираб, беқасам чопонлини ўнг томондан қучоқлаб олди. Беқасам чопонлига худди шу керак эди. У аскарый телпақлининг чап қўлини икки қўллаб қисиб, ёнлама чил берди. Аскарый телпақли ошиб кетди-ю, орқаси билан тушди.

— Ҳалол! — бақириб юборди Шариф чавандоз. Бунга йиқитиш дейди-да! Уккағарди ули, чоржетимей, дустаман қилди-я!.. Ҳой, Хайруллобой! — ташқарига

бўй чўзиб чақирди. — Полвондинг жилигини опке-линг...

Беқасам чопонли тушиб кетган теллагини олиб, бошига кийди-да, атрофга қолибона назар ташлаб, кетишни ҳам, кетмаслигини ҳам билмай туриб қолди. Аскарый телпакли эса отасининг олдига ўтиб, хўрлиги келганидан пиқ-пиқ этиб йиғлаб юборди.

— Энангдан айрилдинг, — деди унинг баттар аламини келтириш учун Зубай бойбича.

Бола йиғили кўзи билан унга чўчинқираб тикилиб турди-да, бирдан Зубай бойбичани чапанилаб сўкиб берди. Унинг сўкишидан Зубай бойбича кулимсираб, тилини тишлади, қўлини қайчи қилиб:

— Ҳозир... кесиб оламан, отанг тўй қиламан, деб кийналиб юрмайди, — деб пўписалади.

Бола лип этиб, отасининг орқасидан ташқарига чиқиб кетди, айвонга боргач, эшиқдан бўйнини чўзиб, онасидан ўрганган лақабни айтди:

— Зубай...Зубай маймоқ — масхара қилиб тилини чиқарди. Зубай ўрнидан таҳдидли кўтарилгач, унинг дўпир-дўпир қочиб кетгани эшитилди.

— Шу ёҳиёнинг боласи ҳам жуда жиртаки бўлади-да, — деб тўнғиллади Мулла Саттор.

— Нормат бовангди олдига ўтир, — деди беқасам чопонлига Шариф чавандоз. — Боваси, энди унга қўлингизди беринг. Чоржетимдинг обрўйини энди шулар ҳамоя қилсин...

Бола Норматга бегонасираб қаради-да, бироқ қолиб бўлгани учун ҳамма жойда суюкли эканини англаб, Норматнинг олдига бориб ўтирди.

— Кимди улсан? — деди Нормат ҳам боланинг олишидан ва ўзига таниш одатлардан завқланиб, болага меҳр билан жилмайган кўйи тикилиб.

— Эшонқулдинг, — деди Мулла Саттор боланинг ўрнига. — Қонида бор-да полвонлик...

Нормат ўзи билан тенг амакиваччаси, барваста гавдали Эшонқулни эслади. У урушга бошидаёқ кетган, шундан бери ҳеч қандай хабар йўқ эди.

Нормат боланинг кифтига уриб қўйди:

— Бундан ҳали зўр полвон чиқади...

— Масилдинг кунига шу яраб ётибди-да, — деди Шариф чавандоз. — Охбўта бобо, знангни менга бер деса, эшагининг думидан ўт қўйиб юборибди...

Ўтирганлар боланинг бу ботирлигини маъқуллаб кулиб қўйишди.

Бола ўзи ҳақида гапиришаётганидан, гапиришганда ҳам мақташаётганидан эриб кетди.

— Менинг отамди урушда кўрмадингизми? — сўради бола ҳам эркаланиб.

Нормат унинг соддалигидан кулиб бош чайқади. Сўнг боланинг кўнглини нимадир деб кўтаргиси келди:

— Отанг келади, мана мени айтди дейсан, шу баҳорда келади, — деди худди ўзи ҳам қайтишига ишонгандек жиддий оҳангда.

Болага катта илик теккач, бу мукофотни бошқаларга кўрсатиб, мақтаниш учун у югуриб ташқарига чиқиб кетди.

Болалар курашидан сўнг суҳбат жонланиб қолди. Кимдир ўглини мақтади. Кимдир болаларнинг касали кўпайганини гапирди.

— Ҳов, Зубай бойбича, — деди Мулла Саттор гавдасини болишдан кўтариб, оғзидаги носни гиламни қайириб туфлар экан. Ўринбойдан хат-хабар борми?

— Ҳа, тога, келди, аввали кун келди, — деди Зубай ўзини ҳам эслайдиган топилганидан хурсанд бўлиб. — Келди. Зовут-пабрикада ишлаётганмиш...

— Ўхў, шундай катта ишга кўтарилиб кетибдими?! — ростакамига ҳайратланиб сўради қишлоқ подачиси Ражаб чўпон.

— Ҳа, ака, чин, — деди Зубай. — Ўзи шундай ёзибди, кичкина Шарипдинг ули ўқиб берди.

— Ўзи бўладиган бола эди-да, — гапга аралашди чўнқайиб ётиб, Келдиёр сўпининг етти яшар қизига бошидаги битларни тердираётган Қудурат кампир. — Нуқул ўрисчалаб сўкарди. Ўрис мироблар минан ҳам қишлоқда пақат шу гаплаша оларди. Ҳатто бир марта начайликнинг ўзи елкасига қоқиб, «луччи узбекски говори, чем руски, деб мақтаганини» ўз кўзим билан кўрганман...

— Бу нима дегани экан? — сўради Мулла Саттор, кампирнинг ғалати талаффузда айтган гапларига тусунмай.

— Бу, сен русчани ўзбекчадан яхши биларкансан дегани, — деди донолик билан Келдиёр сўпи.

— А... — деди яна мулла, бош чайқаб. — Унда зовут-пабриқда ишласа ишлайдиган экан-да...

— Вой... қора босгур... — бирдан Қудурат кампир вой-войлаб, битини тераётган қизни чимчилаб олди-да, бошини қирт-қирт қашиди. — Ха, тўқалсақ, чочимди юлиб оддинг-ку! Ҳалигача чоч кўришди билмайсан, сени ким ҳам оларди бу ҳолингда. Эринг уриб ўлдиради-ку..

Нормат уларнинг гапига завқи келиб, жилмайиб кўйди. Унга бу соддалик ва самимийликларнинг ҳаммаси таниш, ҳам ҳузурли эди. У шу тўпори гапларни соғинган, тўрт йил дунё кезиб, хилма-хил одамларни кўриб, ҳеч қаерда она қишлоғидагидай гурунгу гаштакларни кўрмаган, эшитмаган эди. Унинг бу гаплардан юраги орзиқиб кетаётганди.

— Ҳой, Келдиёр ака! — ташқаридан Турсун гуж-гужнинг овози келди. — Улингизни тиясизми, йўқма, улимди энангди... деб сўкибди... Ҳе, отангнинг ҳалиги... жойига нашватир... қани, кел... Шу гапинг учун сени иштонимдинг ичига соп қўяман... кейин кўрасан томошани...

Ташқарида кимдир қувган, кимдир қочган товуш эшитилди.

— Хайруллабой, ушлаб келинг, оғзига носимди ту-пурай.

Яна Турсун гуж-гужнинг шаңги товуши эшитилди: — Энангди дейди-я... олдин Шарип бовангдан рухсат ол...

— Бунча сасимасанг!.. — ташқаридан тўйга ҳам баковуллик, ҳам қайвонилик қилиб юрган Бийди момонинг заҳарли товуши эшитилди. Эрталабдан бери келинларга иш, юмуш буюравериб, танбеҳ беравериб чарчаган, шекилли, товуши жуда ҳорғин чиқди ва гапириб бўлиб охирида уфлаб кўйди. — Боланг тенгигаям шундай дейсанми, уятсиз. Сизларда ўзи бет деган нарса қолмабди.

— Аммам заҳарлигини қўймади-қўймади-да, — деди фикингандек Зубай бойбича паст товушда. — Бундай ёйилиб гаплашиб ҳам бўлмайди, шаппа оғзига уради одамнинг.

— Қалинингнинг ярмини тўласа, майли, мен розиман. — Ўтирган жойида чийиллади Шариф чавандоз, Бийди момонинг гапига парво ҳам қилмай хотинига.

Норматнинг юрагига ёқимли бир ҳис ёприлиб кира бошлади. У ҳозир ўзини унутиб, яна ўз ташвишлари,

гашларига берилиб кетган қишлоқдошларини кўриб, ўзида уруш жароҳатини енгилга қудрат сезди, қалби янги, умидбахш туйғуларга тўлди.

У изма-из келиб-кешиб турган қишлоқдош ва қариндошларини кўрганда ҳам, тушдан кейин бошқа қишлоқлардан у танийдиган одамлар келганда ҳам ана шу туйғуни ҳис қилди. Номига бошланган тўй бирдан хурсандчилик, урушдан олдингидек хуш-хурсандчилик тусини олганди. Кампирларнинг ҳам сўлиб қолган тириш юзларидаги шўх ва қувноқ боқувчи кўзлари худди сўлиган отқулоқ баргига тушган икки томчи шудринг каби ялтирай бошлаганди.

— Тўй тўйга ўхшасин-да! — деди эрталабдан бери печка олдида иссиққа елкаларини тоблаб, чолларнинг гапига қулоқ солиб ўтирган Бўстон момо қайдандир ёриқ чилдирма топтириб келиб, тарақ-туруқ қилиб, шўх-шўх чалиб, мискину шўх оҳангда кўшиқ бошлаб юборди:

*Шафтолининг тағуда
Шамоллаган қайнонам.
Кўп хотиннинг ичуда
Жомоннаган қайнонам*

Эркаклар унга нашъа қилиб, қийқириб қўйдилар. Чилдирманинг мақомига силкиниб, ўртага Норби кампир тушди. Желатини отиб юборди-да, қўлларини қуш ёзиш қилиб ўйнай кетди. Унинг ўйинига завқи келган эркаклар яна қийқиришиб кулишди. Келдиёр сўпи шу йил шаҳарга тушиб ўрганиб келган ҳуштагини чалди: «Оҳ-ҳа-ҳа-ҳай, ҳушшт». Норби кампир оёқларини енгил кўтариб, чўзиқ товушда лапар бошлади:

*Оҳ, оғажон, оғажон,
Тутни букиб ўтдингиз.
Менинг ҳам журагимди
Тутгай тўкиб ўтдингиз...*

Бир неча келинчак деразадан бош суқиб қаради. Эшик ва айвон болаларга тўлиб кетди. Улар нимжонгина, ҳозир тўкилиб тушаман деб турган кампирнинг қушдай енгил ўйинидан қиқирлаб кула бошладилар. Тезда хотин-халажлар айвонга чиқиб, даврани катта олишди-да, қизларни ўйинга тортишди. Норби кам-

пир терма айтиб турди. Терсоталиклар тўрт йил да-
вомида хурсандчилик қилишмаганини ва тўрт одам бир
ерга йиғилиб суҳбат қурмаганини энди эслаб қолиш-
гандай аламларидан чиққунча хурсандчилик қилиша-
дигандек шаштлари бор эди.

Эрталабки болаларнинг олишида ҳам, гурунгларда
ҳам, кампирларнинг ишшайишларида ҳам, ҳаммасида
шу кайфият ҳукмрон эди. Ғам-аламга тўлган турли
қалблар ўзларини бир зум, ақалли бир нафас хур-
санд қилишга уринишар, бир-бирининг гапига ша-
қирлаб кулар, ёш келинчаклар эри қайтиб келиб, оёғи
енгил бўлиб қолган Анзиратта қочирим гаплар қили-
шар, гаплари гарчи кулгили бўлмаса ҳам кулишар, бу
куннинг тезроқ тугаб қолишидан, яна уруш хотирала-
ри ва ваҳималари ётган уйларига қайтишдан, яна ўша
ташвишли ёлғиз, ҳорғин ҳаётлари бошланишидан чўчи-
шаётгандек кўринишарди.

Аслида ҳам бу қалбларни бир варақ орқага ёки
олдинга варақласа, ҳали урушли ҳаёт бор, ҳар иккала
томонда ҳам уруш кезаётган ва бу қалбларнинг энг
яқин кишилари, эрлари, болалари, жигарлари, оға-ини-
лари ана шу урушда ўлаётган, мажруҳ, ногирон бўла-
ётган ёки бирон нарсасидан айрилаётган эди...

Кечга яқин ҳамма уй-уйига тарқалди. Фақат уч-
тўртта эркак аламаҳалгача гурунглашиб ўтирди.
Ахийри улар ҳам Норматнинг мудраётганини кўриб,
ўринларидан туришди. Нормат чўлоқланиб, уларни
кузатишга чиқди. У бутун жуда ҳориган, бироқ ўша
ўзи қайтаман, деб ўйламаган урушдан олдинги ҳаёт-
га қайтганидан юраги енгилгина ҳаприқиб турарди.

— Энди нима қилмоқчисан?! — деди ҳаммадан охи-
рида қолган Шариф чавандоз ошнасининг қўлидан ту-
тиб, четга бошлар экан. — Ўйлаб кўрдингми?

— Йўқ...

— Сенбоп бир иш топилиб турибди. Агар йўқ де-
масанг... Обрўли иш...

— Қандай иш?!

— Бригадирлик. Икки-уч қишлоққа...

Нормат урушдан уйига қайтганига ҳали тўла ишон-
гиси келмай турган бир лаҳзада уни эски турмуш
ташвишлари гирдобига олаётган, шу сабабли иккила-
наётган, журъатсиз кайфиятда эди. Буларнинг барча-
сида қандайдир бошқа бир аломат бор эди. Бу аломат

ўзини чорлаб турган урушсиз ҳаёт эканига у ҳамон ишонгиси келмаётганди.

— Бўлмайди, — деди у ниманидир ўйлаб. — Менга тўғри келмайди.

— Нега?! Айнан сенбоп... Колхоз от беради... сен пақат буюриб юрасан.

— Қўй, ўзимиздинг деҳқончилик яхши. Ерди соғинганман... Тушларимга кириб чиқади ер... Урушда кўп қон тўқдим, бунни ювишим керак... бўлмаса одам қони тутади.

— Раис сўраб кўр деганди... Бу оёқ минан тирикчилик ўтказишинг қийин-ку?..

Нормат офир тин олди ва ошнасининг гапини эшитмагандек тунга суқ билан тикилди, ўпкасини тўлдириб нафас олди... Кечани туман қоплаган, совуқ эди. Қишлоқда итлар акиллар, уларнинг ҳуришлари дарёнинг у бетидаги зовларгача етиб борар ва уларда акс-садо олиб қайтар эди.

— Қўй, ошна, биздан катта одам чиқмаган, урушдан ер ҳайдайман, бугдой экаман деб қайтдим, от миниб юраман деб эмас, — деди у орзуманд товушда.

Уйга кирганда Анзират болаларни печка атрофида ухлатиб, тўрга солинган икки кишилик жойнинг бир четида ўтирарди. Норматнинг кирганига парво ҳам қилмади. Ўша алфоз ўтираверди. Нормат ечиниби, тўшакка чўкди.

— Анзират...

У қўнғиротларнинг қишлоқ удумини бузиб, хотинининг исмини айтиб чақирарди.

Хотини бошини кўтармай:

— Ҳа... — деди совуқ оҳангда. Бироқ Нормат бунни сезмади. У ҳозир сезадиган ҳолатда эмас эди. Унинг қалби эҳтиросга тўлиб бормоқда эди.

— Анзират... — хотинини ўзига тортди. — У жойларда ҳар куни сени ўйладим. Болаларди ўйладим... Худога ёлбордим... Шулардинг бахтига мени омон асра, дедим. Уйда менинг зўр хотиним бор, дедим... болаларим бор дедим... Анзират... бир нима де! Кеганим бери ҳеч кулмайсан... гапирмайсан.

Хотини ўзини тўшакка ташлади-ю, йиғлаб юборди. Нормат гарангсиз қолди.

— Анзират... сенга нима бўлди?..

Анзират ётганча пиқ-пиқ йиғлади.

— Анзират!..

— Ҳеч нарса... — бўғилиб жавоб берди хотини. — Сиздан қорахат келди... ўлди дейишди...

Нормат енгил тортди. У хотини шу йиғлаши билан ўзига даҳшатли бир ҳақиқатни очади ёки оёғингиз билан менга эрлик қиласизми деб қочади деб ўйлаганди. Қорахат келган пайтдаги хотинининг кайфиятини тасаввур қилиб, енгил тортди: Анзират ҳам уни соғинган. Хотинининг сочини силади.

— Мана, энди ёнингдаман-ку... Энди ҳеч қаёққа силарди ташлаб кетмайман... Анзират...

Анзират бошини кўтарди, ёшли кўзларини унга худди раҳми келаётгандай тикди, чуқур хўрсинди, сўнг туриб, чироқни пасайтириб келди.

II

Ўтроқ кўнғиротлар Ҳисор тоғининг этакларида, унча катта бўлмаса ҳам негадир Каттасув деб аталадиган дарё бўйларида ўша Боботоғ ва Бойсунтоғдан кўчиб келганларидан бери муқим яшашади. Катта дарё азалий чўққиларидан бошланиб, юзлаб қишлоқни ора-лаб, Пачкамарга қўйилади. Бошида тўполон ва шигдат билан бошланган дарё Лангардан ўта бориб, кичкина сойликка айланиб қолади. Дарёнинг битта қилиғи бор: баҳор кунлари тўполон қилиб оқади. Унинг ичи харсанг, сангар тошларга тўла, сув пасайганда тошлар худди улкан тухумларга ўхшайди. Баҳорда эса улар сувга яшириниб олади. Сел пайтлари унда одам оқса, соғ чиқмайди: тошларнинг ўзи уни адо қилади. Нариги Қирғоқ билан мутлақо алоқа узилади. Иши чиқиб қолганлар дарёнинг икки бетида туриб, бемалол гаплашса бўлади, ўзан унча катта эмас. Баҳор кунлари нариги бетдаги болаларга байрам бўлади — мактаб ёпилади, бериги бетдаги мактабга келиб ўқишнинг ҳеч иложи йўқ. Ўқитувчиларнинг нариги бетга ўтгилари келмайди, дарёдан кўрқишади.

Бундан йигирма йил олдин Олма қишлоқлик — Қобил чолнинг катта ерларда ўқиб келган ўғли нариги қишлоқларга бориб дарс берган дейишади. Айтишларича, у Терсота қишлоғининг рўпарасидан, саёз жойдан от билан сузиб ўтаркан. Бир кун қаттиқ жала бўлади, итнинг увлашидан ажабланган Қобил чол кеча-

си гарё бўйига — томорқасининг гарёга туташ жойидаги бодом дарахти остига борса, одамга ўхшаш кўланкани кўради. Қўрқиб кетиб, қишлоқдошларини чақириб бориб кўрса, жасаг ўзининг ўғлининг жасади экан. Кейин Қобил чол қир ортидаги Ёнғоқли (кўнғиротлар Жонғоқли дейишади) қишлоғига кўчиб кетди.

Баҳор кунларини айтмаса, Катмасувдек сокин ва беозор гарё бошқа ҳеч қаерда йўқ, унинг суви тиниқлигидан ҳатто муз устидан ҳам тагини кўрса бўлади. Катта гарё атрофига келиб ўрнашиб қолган ўтроқ кўнғиротлар элик-олтмиш қишлоқни ташкил қилади. Бу уруғ асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Чорвачилик ва деҳқончилик алоҳида-алоҳида эмас, бир кишининг ўзи ҳам деҳқон, ҳам чорвадор бўлиши мумкин. Шу сабабли бу уруғда ўта бой ҳам, ўта камбағал ҳам бўлмаган. Камбағал ҳисобига кирганнинг ҳам ери, ҳам моли бўлган.

Уруғ бошқа уруғга қиз бермайди. Бошқа уруғни ўзлари билан тенг кўришмайди. Шу сабабли қир ортидаги тожик овуллари билан ёшларнинг уруғ ҳам, тил ҳам танламайдиган муҳаббат мажоралари деб тез-тез жанжаллашиб туришади.

Айтишларича, кўнғиротлар бу ерларга бир неча асрлар олдин келиб қолишган экан. Нима учун бу ерларга келиб қолишганини билишмайди-ю, бироқ уруғ жуда тўзиб, тарқалиб, ниҳоятда оз қисми келиб қолган. Чолларнинг чўпчакларига қараганда, аввалги ерларида улар жуда тотув ва фаровон яшашган экан. Улар уч нарсани: ерни, оловни, сувни муқаддас тутишар, ўзларини бу уч муқаддас нарсанинг фарзандлари деб билишар экан. Шу сабабли уларнинг орасида ҳеч қачон ихтилоф чиқмаган. Шу учта муқаддас туйғу уларни бирлаштириб турар экан. Ерлари ҳам бой, серҳосил экан. Жойларини Нилуфар водий деб аташар экан. Уруғни оқсоқоллар бошқаришар, бой-камбағал деган гапнинг ўзи йўқ экан. Кейин нима бўлибди-ю, уларнинг осойишта ҳаётига уруш кириб келибди. Уруш уларнинг ҳамма нарсасини вайрон этибди, бир-бирига ёв, душман қилиб қўйибди. Ер ҳосил бермай қўйибди, қурғоқчилик бошланибди, одамлар очликдан ўлиб кета бошлашибди. Уруғ уруғ билан, аймақ аймақ билан, ака ука билан урушга киради. Уруғ ўртасида ихтилофлар чиқа бошлайди, уларнинг тотув турмушлари издан чиқади. Эски зъти-

қодларидан воз кечиб, бойликка ҳирс қўя бошлайдилар. Бойлик эса уларнинг бир-бирига муҳаббатини ўғирлаб олади.

Шунда ўша даврлардаги уруғ оқсоқоли Бойхун (балки Бойсундир) энди бу жойларда яшаб бўлмаслигини ва қон тўкилган ер энди ҳосил бермай қўйганини, сув ҳам, офтоб ҳам улардан юз ўтирганини, энди бу ерлардан урушсиз юрт излаб кетиш кераклигини айтибди. Унинг гапини ҳамма маъқуллабди. Уруғ турли томонга: урушсиз юрт ахтариб тарқалиб кетибди.

Бойхун бошчилигидаги ўтроқлар эса қуёшга, муқаддас оловга томон йўл олибди. Улар қуёш томонда урушсиз юрт бор, деб ўйлаб, табора тижроққа кўтарилишибди. Бироқ улар қаерга борса, уруш изларидан қувлаб етар, уларнинг ҳаётига хавф солар, қонларига тобора сингиб борар экан. Охири шу Катта сув атрофига келиб ўрнашиб қолишибди. Бу даврда Бойхун жуда қариб, ўлим тўшағида ётар экан. У: «Агар урушсиз юртни топмасаларинг, унда ака укага, дўст дўстга, хотин эрга, одамлар бир-бирига хиёнат қиладиган, бир-бирини алдайдиган бўлиб қоладилар. Қаерда қон оқса, ўша ерда хиёнат кўп содир бўлади, бахт у ердан юз ўтиради, одамлар яшаш илмини эмас, бир-бирини ўлдирish илмини ўргана бошлайдилар, сув ўрнига қон ичадиган махлукқа айланадилар. Уруш — ер юзигаги ҳамма эзгу нарсани қуритади, сизларни ер юзидан супуриб ташлайди. Сизлар ҳаммаларинг жоҳил ва адашган уруш одамларига айланиб қоласизлар. Шу сабабли сизлар урушсиз юртни топинглар, урушни ораларингдан ҳайданглар, тотув яшашга ўрганинглар. Билингларки, одамизотнинг отаси битта: онаси битта — ҳамма бир-бирига жигар, кимки урушга қарши бўлса: улар сизларнинг жигарларингиз — урушсиз юрт ахтариб кетган қўнғиротлар. Уларни қўлланглар. Агар урушсиз юрт топсаларинг, бошқаларни ҳам олиб келинглар...» деб жон берибди.

Шундан бери қанча замонлар ўтибди, қанча сувлар оқиб кетибди, лекин одамлар урушсиз юртни топиша олмабди, у ҳеч қаерда йўқ экан. Бошқа уруғдошлари ҳам тополмаган шекилли, улардан ҳам дарак бўлмабди. Қўнғиротлар урушнинг қонли гирдобида ҳамон яшаб келишар, уруш уларни аста-секин ер юзидан супуриб ташлаётган экан...

Бу чўпчакнинг қанчалик ҳақиқатта яқин эканини ҳеч ким билмайди, бироқ ҳамма шундай бўлганига ишонади, болаларига Бойхун, Бойсун деб исмлар қўйишади ва қаерлардадир урушсиз юрт борлиги ҳақида эртаклар айтишади. Ҳўроқларнинг энг катта аймағи — тўрт етим аймағининг ўзи ўттиз-қирқ қишлоқни ташкил қилади. Бу аймақ ўзининг урушқоқлиги ва жангарилиги, бир қолипга сифмаслиги, аёлларининг эркаклардек барча масалага аралашиб кетиши, узун ва барвасталиги билан ном қозонган, шу сабабли бошқалар бу аймақдагиларни айиқдан тарқаган ҳам дейишади. Бу аймақдагилар яна сал овсарроқ ҳам. Овсарликлари кўпроқ муғомбирликка ўхшаб кетади, лекин ростдан ҳам эсарроқ. Тегирмондан қайтишда унни тупроққа тўкиб юбориб, уч кунгача ундан тупроқни ажратаман деб, шопириб ўтирган машҳур эсар худди шу аймақдан бўлган. Эркаклари ҳам, хотинлари ҳам жуда бақувват ва басавлат бўлишади.

Ўтган асрнинг охирларида Олма қишлоғидан чоретим Бердишукур қизил(бу лақабнинг большевикча «қизил»га алоқаси йўқ, ранг тус маъносида) Беккам оқсоқолдан Терсота шаршараси остидаги ерларни сотиб олиб, қишлоқ қуради. У ҳам ҳар хил жанжаллардан, келишмовчиликлардан, аймақлар, қариндошлар ўртасидаги низолардан безиб, фақат ўғиллари ва невараларидан иборат битта тотув қишлоқ қурмоқчи бўлади. Урушгача ростдан ҳам бу қишлоқ аҳиллиги билан ном қозонган эди. Тупроғи қора, ҳосилдор бўлган ер Бердишукурни анча давлатманд одам қилиб қўяди. Терсота аста-секин бошқа аймақликлар ҳисобига ҳам кенгая бошлайди. Уруш арафасида қишлоқда йигирма, йигирма бешга яқин уй бор, лекин жуда сийрак жойлашган, бошқа уйдагилар кўланка бўлиб кўзга ташланар, дарахтлари ҳам сийрак, арчазор билан ўралган қишлоқ эди.

Нормат Бердишукур бобонинг кенжасидан ёлғиз (тўққиз қиздан кейин) ўғил эди.

III

Бу ерларга қиш ноябрнинг адоғида юз кўрсатади. Сўнг, токи мартнинг охиригача тоғда ягона ҳукмдор бўлиб олиб, хоҳлаган ўйинини ўйнай бошлайди. Ле-

кин анча пайтгача дарёлар музламайди, булоқ сувлари иссиқ бўлиб қолади. Баъзи-базидогагина, шунда ҳам чила кирар ва чиқар пайтларидагина қорасовуқ бўлиб, дарахтларни совуқ уради.

Бу йил қиш декабрнинг бошларида юз кўрсатди. Аввал муз аралаш қор учқунлади. Кейин гупиллаган қорга айланди. Эртасига эрталаб одамлар уйғонганларидан сўнг ташқарига чиқиб, ҳайрат билан узоқ-узоқларга боқдилар: ҳаммаёқ оппоқ қор эди, гўё бутун дунё оппоқ эди. Бу — шу йил ҳисобидан ёққан биринчи қор эди...

Нормат келганидан буён бирон ишга қўл урмади. Мумиё ичиб, мадорга кирди. Ўзида қувват сеза бошлади. Юришни машқ қилди. Кучга киргач, Янгибой оқсоқолнинг минилмай ётган қоратўшини насыяга олди. Отда юриш унга анча қулай эди. Отга ўзи минадиган бўлгунча бирон ёққа чиқмади. Оёғининг оғриши қўйгандек бўлгач, отда айланиб келадиган бўлди. Бироқ, келганидан бери юраги хижил эди. Анзират у билан тортиниб муомала қилар, оёқсиз қайтганимга шундай қиляптими, деб ўйлар ва эзилар эди. Болалари эса ундан бир зум ажралмас, айниқса, Холмат, аста-секин гапириш ва иш қилишда унга тақлид қила бошлаган эди. Кечқурун болалари Нормат полвонни ўраб олиб, нима учун оёғи бундайлигини сўрайвериб, безор қилиб юборар, кейин Ҳожар елкасига чиқиб олиб, ерга ўзини ташлар, бу ишидан завқланиб, қиқир-қиқир кулар эди. Анзират эса шу пайтлари печка олдида индамай урчуқ йигириб ўтирар, кўзларида уни нимадир эзаётгани сезиларди. Уни кўриб, Нормат полвон ҳам эзилар, лекин юзага чиқармас: сабаби ўзига тақалишидан ва бунинг ошкор бўлиб қолишидан кўрқар эди.

Охири бир куни чидай олмади. Ётганларида хотиндан: «Менинг ўлганим чин бўлганда қовоқ-тумшунинг очилиб юрармиди?» — деб сўради. Анзират бу гапни эшитиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Нормат полвон нима қилишини билмай қолди:

— Сенга нима бўлди? — деди кўрқиб кетиб. — А, нима қилди?!

Анзират анчадан кейин йиғидан тўхтади-да, секингина, эркаланган товушда:

— Каклик гўшти егим келяпти, — деди.

Бу гапи урушдан олдинги Анзиратнинг нозли гапи-га ўхшагани учун Нормат хурсанд бўлиб кетди.

Эртасига Нормат милтигини ва Қоратўшни олиб каклик овига жўнади. Уруш бошланганидан бери каклик овлаш одамларнинг эсидан чиқиб кетган, какликлар кўпдан безовта бўлмай қўйган бўлишига қарамай, Нормат Бухор зовларигача биронта каклик учратмади... Бухор зовларига келганда унинг каклик овлаши ҳам эсидан чиқди. У бу ерларда ўтган урушдан олдинги ҳаётини, тожик овулларидан кўпқаридан қайтганда тўхтайдиган булоқни қўмсаб, ўша энди сира қайтмайдигандек туюлаётган мунаввар, серташвиш йигитлик-навқирон йилларининг хотирасига берилиб кетди. Болалигида қўзи ҳайдаб келиб, устига чиқиб ўтирадиган катта қизил харсангтошни, бир-бирига туташиб кетган зовларни урушда кўп қўмсарди. Зах окопларда ётиб, ўша зовларни яна бир кўрсам армоним йўқ, деб ўйлар, ҳозир эса қалбида ғайритабиий ҳиссиётлар уйғонмоқда эди. У йигитлик ва болалик хотираларига берилиб, Бухор зовларида узоқ кездди. Зовлар орасида хирагина туман бор эди. У виқор тўкиб турган қорни катта қирларга ёпишиб олган, тожик овуллари тарафдан эсаётган шабада билан дарё томон силжиб бормоқда эди. Ҳавонинг авзойи солиқ, эриниб ёмғир ёғарди. Икки томони қирлар билан ўралган арава йўли тойғаноқ бўлиб қолган, юриш қийин, айниқса, йўл тепаликка кўтарилганда юриш яна ҳам қийинлашар, от туёғи сирпалиб кетаверар, шу сабабли йўл чеккасидаги сарғайиб қолган ўт-ўланлар устидан юришга тўғри келарди. Қорайиб қолган қирлар негадир ғамгин тусга кирган, бу ғамгинлик ранги сўла бошлаган арчаларга қадар ўтганди. Норматга арчалар қора кийиб чўнқайиб ўтирган кампирларга ўхшаб кетди. У болалигида устига чиқиб ўтирадиган кекса арчанинг олдига борди. Арчанинг шохлари тарвақайлаб кетган, баъзи шохлари қурий бошлаган, танасида пўстлори чириб, нимхуш, ачимсиқ ҳид келарди. Арчанинг шу туриши жуда ачинарли эди. «Қарияпмиз, ошна, — деб ўйлади ичида Нормат. — Аслида ҳаммамиз ҳам ердан озик оладиган арча эканмиз».

Тўсатдан зовлар ичидан какликнинг «қийиқ, қийиқ», деган зорланиши эшитилди, сўнг бу товуш ҳам қоялар ичига сингиб кетди. Норматнинг юраги йўқотиб қўйган

онасини бирдан кўриб қолган гўдакниқандай безовта эди. Ҳатто энг кичик тошлар ҳам жой-жойида турган бўлса-да, унинг назарида ҳамма нарса ўзгаргандай, ўз руҳига мос синиққандай эди.

Бухор зовларидан ўтиб, Қотнинг устидаги дарага йўл олди. Кейин Терсота сойи бўйлаб, Читга жўнади. Тоғда сокинлик ҳукмронлик қилар, ўт-ўланлар саргайиб, мевали дарахтлар қип-яланғоч ечинганди. Йўл четидаги ёввойи бодомлар етти-саккизтача мевани ушлаганича, энди буни ҳеч кимга бермаймиз, деётгандай силкиниб-силкиниб қўйишарди. Фақат арчалар ўша-ўша — ям-яшил эди. Булар ҳаммаси Норматта тинч, осуда ҳаётни эслатди. У завқи келиб, отини ниқтади. Сойлик бўйлаб, отда чопмоқчи бўлди, бироқ қари от лўк-лўк этиб йўрғалади-ю, яна аввалги юришига қайтди. Нормат юрагидаги туйғуларни бошқаролмай, ҳе-е-ей, деб бақирди. Унинг товушидан от чўчиб, қулоғини диккайтди, зирк орқасидан қандайдир куш пир этиб учиб кетди. Бақиривига жавобан зовлар акс-садо берди. Акс-садо анчагача тинмади, унинг товушини ҳар хил қилиб қайтариб турди. Зовларнинг бу эркалаши Норматга ёқиб қолиб, яна бақирди... Акс-садога қулоқ тутиб, яна бошқачароқ қилиб бақирди. Зовлар унга бошқача жавоб қайтарди. Нормат хурсанд бўлиб кетиб, товушига яна ҳар хил тус бериб бақира бошлади. Томоғи хириллаб қолгач, ўзини енгил сезди-ю, нима учун келгани эсига тушиб, қоратўшни изига бурди. Нормат кечгача иккита, шунда ҳам биттаси оқсоқ каклик овлай олди. Кечга яқин қишлоқ устидаги булоққа келди, отни кекса арчага боғлаб, ўзи булоқнинг бошидаги нам тошга ўтирди. У бутун уруш давомида ўйлаган, орзу қилган тинч, осуда ҳаётга қайтганини энди англади. «Энди бу тинчлигимни ҳеч нарсага алмашмайман, хотинимни ҳеч ҳам ўкситмайман, одамларнинг кўнглини оламан, мана шу тоғлар ҳурмати... энди хотинимни ҳам, мени интизорлик билан кутиб олган одамларни ҳам бошимда кўтариб юраман. Бир умр уларнинг иззатини қиламан, менинг учун энди уруш, қон, ўлим, деган нарсалар тугади», деб ўйлади. Келганидан бери ҳеч ишонмаётган, ҳеч ўзини кўниктира олмаётган, худди бировнинг ўрнида яшаётгандай туюлаётган ҳаёти ўзиники эканини, бегонадек бўлиб қолган Анзират ҳам, мана шу тоғлар ҳам, шу тоғлар-

да яшовчи одамлар ҳам фақат ўзиники эканини ва дунёдаги ҳамма нарса унинг бахти, қувончи учун яратилганини туйди, энди бу нарсаларни ҳеч нарсага, ҳатто худоси келса ҳам алмашмайман: булар менинг ҳаётимдан ҳам азиз, менга ҳаёт бахш этди, деб ўйлади. У, шу дафъа хотиним мени қандай кутиб олади, деган ҳадиги энди ўтиб кетганини, хотини дунёдаги энг яхши хотин эканини ҳис этди. Кўнгила дарчаларини яшнаб-яшнаб келаётган ҳаётга қарата ланг очиб кўйди.

Шу куни Норматнинг уйида сал кам байрам бўлди. Анзират ҳам очилиб-сочилиб гаплашиб ўтирди. Унинг товуши хушнуд ва жарангдор чиқа бошлади. Болалари Норматни ўраб олиб немислар ҳақида гапириб беришини сўрайди, уни от қилиб минишди.

Анзират уларни ҳавас ва меҳр билан кузатади, уларга кўшилиб кула бошлайди.

— Пашист нимага ўхшайди? — деб сўрайди Холмат. — Малимимиз бўрига ўхшайди, дейди.

Нормат нима дейишини билмайди. Бизга ўхшаган одам, деса ўғлининг тассаввурига путур етадиган, кўнгли чўкадиганга ўхшайди, ўғлимнинг сазаси ўлмасин, дейди.

— Ҳа, Малик бовонгдинг итига ўхшайди, — дейди.

Холмат Малик чўпоннинг кўринганга қутургандек ташланадиган итини кўз олдига келтиради. Тушунганга ўхшайди. Лекин яна сўрайди:

— Уларам тўрт оёқлими-а?

Нормат полвон ўғлининг сергаплигидан, фаросатидан ғурурланади:

— Ҳа, уларам тўрт оёқли, икки оёғида юрса, икки оёғида ажал олиб юради...

Анзират уларга жилмайиб, ўз ҳаётидан, бахтидан миннатдор бўлиб қараб ўтиради.

IV

Нормат полвон каклик овидан қайтгач, ҳеч қаёққа чиқмади. Бузилиб қолган чолғи, ўроқларни тузатган бўлиб, ўзини авраб юрди. Яраси газак олиб кетмаслик учун рутубатда ҳам кўп юрмас, қорасовуқ ва об-ҳавонинг бирдан ўзгариши унинг ярасига таъсир қилган, йиринглай бошлаганди. Фақат баъзи кунлари Қоратўш-

ни миниб, Қотнинг устига — ҳар йили деҳқончилик қиладиган даласига бир чиқиб тушар эди.

— Ер ишланмай қотиб кетибди, — дер эди у тоғдан қайтгандан сўнг. — Чакалакзор бўлиб қолибди. Суғуриб ташладим. Бироқ, томирлари ҳали ҳам одамни роса қийнайди.

Норматни деҳқончилик ташвишлари тобора яшартириб бормоқда эди. У омбордаги занглаб ётган омонни топиб олиб, унинг мих-чўпларини қайтадан қоқди ва кўкламга созлаб қўйди.

Аммо бу ишлар тез тугаб қолди. Унга деярли юмуш йўқ эди. Молхонани Анзират ёки Холмат кураб қўярди. Ўтин ёриш ҳам Холматнинг бўйнида эди. Нормат эса кунни уйда қамалиб, эски чорикларни ямаш, учи синган чойнакларга тумшуқ ўрнатиш билан ўтказарди. Бекор пайтлари печка ёнида ухлаб ёки орқасини печкага бериб ўйланиб ётарди. У хаёлга берилиб, мудраб ётганда унинг оромини бузишга ҳеч ким журъат этолмасди. Баъзи кунлари у йўқ ердаги эрмакни ўйлаб топарди. Бир куни ташқаридан лой олиб келди-да, туяга ўхшатиб, ичини ковак қилди. Икки-уч жойдан яна тешик қолдириб, ажабтовур махлуқ ясади ва печканинг остига тиқиб қўйди.

— Ота, бу нима? — деб сўради ҳайрон бўлиб, уни кузатиб ўтирган Холмат.

— Ҳали кўрасан, — деди у сирли қилиб, катта иш қилгандай жилмайди.

Ярим соатлардан кейин печканинг остида қуриган «махлуқ»ни олиб, тузатган бўлиб, орзига солиб, пуфлади. «Махлуқ»дан ингичка, аммо ёқимли товуш чиқа бошлади.

Бошига катта рўмол ўраб олган Ҳожар шодланганидан қийқириб юборди-да, Норматнинг қўлига ташланди.

— Менга бейинг, — деди хурсандлигидан ўзини йўқотиб. — Менга бейинг, менга... менга...

— Сен чалишни билмайсан, — деди Холмат уни орқага итариб. — Отам менга ясаб берди.

— Йўқ, менга, — дея чийилади Ҳожар ва Холматнинг қўлидан итариб, жонҳолатда хуштакка интилди.

Нормат эса уларнинг қувониб кетганини кўриб, ўзи ҳам суюниб, хунук қилиб, ҳиринглай бошлади. Унинг

ҳиринглашини кўриб, Анзиратнинг юраги орқага тортиб кетди: мулла Абдулланинг гунг ўғли Хайруллони биров елкасига қоқиб мақтаса, шундай ярим тентак ҳиринглаши эсига тушди.

Эртасига Нормат хаёлга берилиб ётди-да, сўнг ниманидир эслагандай, хамир қораётган Анзиратга қаради:

— Ҳе-ей, ийирган ипинг йўқми?

Анзират унга ялт этиб қаради-ю, гапига тушунмагандек, унга тикилиб турди.

— Ипни нима қиласиз?

— Тўқийман.

Анзират ажабланди.

— Нима қиласиз? — ишонқирамай сўради.

— Тўқийман, — деди Нормат сирли қилиб.

— Энди бир камингиз ип ийиришингиз қолганди, — деди ва жилмайиб қараб қўйди. Норматни ип йигириб ўтирган қиёфада тасаввур қилди-ю, шарақлаб кулиб юборди. Ўзини кулгидан тўхтата олмай, деворга суяниб қолди. Сўнг бирдан Норматга қараб, жиддий тортиди-да:

— Урчуқ ҳам ийирасизми? — деб сўради.

Нормат унинг айёрони тикилиб туришидан келинчаклигидагидек бирон мувоабирликни ўйлаганини сезиб, хафа бўлиб, хўмрайди.

— Сенга ҳазиллашаётганим йўқ, — деди хафа алфозда. — Ипинг бўлса, бачаларга қўлжилоп* тўқиб бераман.

Яна кулиб юбормаслик учун Анзират унга синовчан қаради:

— Балким, гиламам тўқирсиз? — деб сўради у яна ўша шўх ва кинояли оҳангда.

— Йўқ, — деди соддадиллик билан Нормат. — Сен ишонмаяпсан. Биз у ёқларда, госпиталда ётганимизда, духтур қиз зерикиб қолмаслигимиз учун ипдан ҳар хил нарсалар тўқишни ўргатарди. Сават, солдатларга жилоп, қўлжилоп тўқирдик. Баъзилари ўзларига эгнилик ҳам тўқиб олган эди.

Анзират Норматнинг зерикаётганини, ишга ўрганган одамнинг бўш тургиси келмаётганини англади, би-

* Жи́лоп (шева) — пайпоқ.
Қўлжи́лоп — қўлқоп.

роқ ўзи ҳам эрини зериктирмасликнинг чорасини топишга ожиз эди.

— Сиз ҳам бундай меҳмон-сеҳмон бўлиб қидирсангиз-чи? — дерди унга қараб ўтириб, ачиниб кетган Анзират. — Боринг, кўринг, одамнинг тафтини одам олади. Ётаверсангиз, хуннайиб, ҳаммадан ажраб қола-сиз-ку.

— Менинг боргим келмайди деяпсанми! — зорланди Нормат. — Борсам одамлар сўрайверишади, сўрайверишади. Фалон эмиш, чинми, писмадон эмиш, чинми, одам қони дарё бўлиб оқиб, шаҳарларни селдек оқизипти, чинми, деб. Урушни эсласам, кўнглим айнийдиган бўп қолган. Эсласам, бошим айланади, юрагим куйиб кетаберади. Худди мени биров ҳозир отиб кетадигандек туюлаверади. Э... қўй, баҳоргача уйда бўп турай... кейин бир бориб даволаниб келаман...

Анзират бундай пайтда эрини тушунарди. Нормат номусли одам эди. Ўзининг ожизлигидан уялишни ва бундан ниҳоятда қийналишини биларди. Шу сабабли у Норматга меҳмондорчилик тўғрисида бошқа гапирмади. Холмат билан Ҳожар Норматнинг ёлғиз овунчоғи эди. Холмат бўш бўлди дегунча, отасининг олдидан жилмас, у тўқиётган пайпоқларга ҳавас билан қараб турар, сўнг отасининг қўлидан олиб, ўзи ҳам тўқимокчи бўларди. Шундай пайтлари Анзират номус қилган бўларди.

Ҳожар юзи лўппи, Норматнинг опаларига тортган, дўмбоқ, тўладан келган қиз эди. Эсини энди таний бошлаган Ҳожар отасининг севимли «мушуги» эди. У отасининг қўйнидан чиқмас, уни от қилиб ўйнар, юрганда елкасидан тушмас, кечалари ҳур-ҳур этиб, Норматнинг қўйнида ухлаб қолар, Анзират уни ўз жойида ётишга зўрға кўндирар ва уни «отасининг мушуги» деб эркалар эди. Нормат урушдан келганидан бери болалаларига айрича меҳр билан қарарди У Холмат дарс қиляптими, йўқми — мунтазам текширар, Холматдан билимли ва ўқимишли одам чиқишни истарди.

— Қани энди шу болалар ҳам катта бўлиб қолса-ю, сен билан мен буларнинг роҳатини кўриб чўзилиб ётсак, — дерди Нормат қариялардек орзу қилиб. — Мен у ёқларда юриб, Холматимни катта бўлса, кемачиликка ўқишга қўяман, Ҳожарди эса духтурликка қўяман, деб ҳавас қилардим. Бизда кемачилар бор

эди. Матрослар дейишарди, улар жуда ҳурматли, об-
рӯйи зӯр эди. Доим кемада юришарди, ҳатто бозорга
ҳам кемада бориб келса бўларди. Мен Холмат катта
бўлса кемачилар ўқишига қўяман дердим .

Норматнинг болаларча орзу қилиши қолмаган эди.
Балки шу сабабли ҳам ҳаётта ташналик билан боққан-
дир? Ҳар қалай, у болаларининг катта, ўқимишли одам-
лар бўлишини истарди. «Ахир, кема яхши-да! — деб
ўйларди у. — Дарё бўлса бор, шартта ўтиради-ю, ис-
таган тарфга кетаберади». У фақат бу дарёда кема
сузолмаслиги ҳақида ўйлаб кўрмаганди. Орзулари унга
ҳаётта тик ва ҳаққоний қарашга халақит берарди.

* * *

Бир куни тонг маҳал Нормат полвонникига Ша-
риф чавандоз отланиб, қўлида милтиқ ва анча таш-
вишли қиёфада келиб қолди.

— Нормат, сени Шўро чақиряпти, милтифингни олиб
бораркансан.

— Нима гап?! — деб сўради Нормат ҳайрон бўлиб,
шўро раисининг ўзини бунчалик кеч эслаганига ҳай-
рон бўлиб. Шариф чавандоз Анзират турган томонга
имо қилиб, Норматга кўз қисди. Шунда Нормат бирон
муҳим нарса юз берганини англади.

— Иссиқроқ кийиниб ол, — деди Шариф чаван-
доз. — Кечгача келмасак керак.

— Ака, чой ичиб олсаларингиз бўларди, — деди
Анзират Шариф чавандозга, унинг тонг-сахарлаб, яна
милтиқ билан келганига тушунолмай, хавотирланиб.

— Чойга бошқа вақт. Бизни Олма қишлоғида —
идорада кутиб туришибди.

— Эшитган бўлсанг керак, Ҳотам мерган урушдан
қочиб келувди, — деди Шариф чавандоз йўлга чиқ-
қач. — Уч йилдан бери ушлай олишмаётганди. Тожи-
кистонда, тоғларда қочиб юрибди экан. Кеча ярим ке-
часи Сапар ўғри хабар берди, уйга келган эмиш. Бу-
гун ушламасак, яна қўлдан чиқади. Раис сени фронт
кўрган, опкел деди. Яна военкоматдан уч киши бор.

Тераклилик Ҳотам мерганнинг урушдан қочгани ва
қаерлардadir яшириниб юрганини Нормат илгари
эшитганди. Бироқ, бирдан юраги хижил бўлди. «На-
ҳотки, энди ҳам тинч қўйишмаса?!» деб ўйлади у
кўнглининг бир четида норози бўлиб.

Идора олдида тўрт киши уларни кутиб турарди. Иккита қозоқ солдат, ҳарбий комиссариатда ишлайдиган нўғай капитан ва қишлоқ шўросининг раиси Мирзакул ҳам бор эди. Нормат уни негадир урушдан олдин раис бўлган пайтиданоқ ёқтирмасди. Нормат қайтгандан сўнг уни Норсапар бечоранинг жанозасида кўрган ва «Бунча семириб кетибди?», деб ўйлаганди.

— Нормат, вой, занғар-ей, сенам ҳеч кўриниш берасанми ўзи, — деди Мирзакул ярим чин, ярим ҳазил дўқ уриб. — Хотинингнинг қўйнидан чиқмай ётаберасанми?

— Раис бова, шу менсиз ҳам кўп экансизлар, бормасамми, деб эдим. Оёғим совуққа чидамайдиган бўл қолган, — деди таваккалига баҳона қилиб.

— Ҳу-у! — товушига расмий тус бериб, қўлини пахса қилди Мирзакул. У негадир Норматни кўриб, типирчилаб қолганди. — Менинг томорқамга ишга бораётганинг йўқ. Ҳукуматдинг буйруғини бажаряпсан... Сенга ўхшаш занғар урушдан қочиб, ҳаммамизни шарманда қилди.

— Чоржетимликлар ҳали ҳеч кимди шарманда қилмаган, оғизга қараб гапиринг, раис, — деди Шариф чавандоз ўксинган ва ҳақоратланган қиёфада. У жуда оркаш, лекин сипо одам эди. Ўзи бригадирлик қиладиган қишлоқлар ҳақида ёмон фикр бўлишини истамасди.

— Менга деса иккаловинг ҳам борма! — зарда билан қўл силкиди Мирзакул. — Лекин мана, ҳукуматдинг одами келиб, талаб қияпти, тушуняпсанми, илтимос қилаётгани йўқ, талаб қияпти. Дизиртирни тутишга кўмак бер, деяпти. Кучимиз камлик қияпти, деяпти.

Нўғай капитан уларнинг жанжалига эътибор ҳам бермади. У оёғи ясама Норматга қараб, нимадир деб гўлдиради-да, бошини чайқаб, отига минди.

— Давай, канчай, Ташанич! — деди у Мирзакулга. — Поедим.

Олтита қуроланган киши Тераклига қараб йўл олишди. Тонг энди бўзара бошлаган, секинлаб майда қор ёғар, ҳаво баҳридилни очарди.

— Ташанич, — деди капитан Каттасувни кечиб ўтишгач, — кишлақда отишма нельзя, а у него можетъ

оружия. Вот так сделаем, сен адамларинг билан дарага чиқиб, йўлни тўс. Кишлакни ўраб олиб, уни кишлакдан суриб чиқарамиз. Дарага блокада этабиз. Сен ана уни олиб, — Норматни кўрсатиб, — дарага боком турасизлар. Биз сенга гонят қилиб борамиз.

Мирзакул Норматга ижирғаниб қаради-да, отни дарага бурди.

— Ташанич, помни, живой нада, понил?

Мирзакул бош силкиди ва дарага қараб— отини йўрттириб кетди. Нормат ҳам унинг изидан Қоратўшини дарага бурди. Ер ҳали эрмаган, отни чоптириб бўлмасди. Нормат оёғининг устидаги қорни тез-тез қоқиб борар экан, безовта бўлар, юрагининг бир чеккасида ўжарлик ва терслик уйғонганди. «Наҳотки, бу падаркусур урушдан ҳеч қутула олмасам? — деб ўйларди у. — Қаерга борсам, қувиб етади, Ҳа, Бойхун бобом тўғри айтган, меҳр-оқибат кўтарилган юртдан уруш аримайди деб. Эл қаерга борса, уруш қувлаб етади деб. Одам қони оққан жойда меҳр-оқибат, барака кўтарилади. У ернинг нонини еган қонхўр бўлади, деяр эди отам бечора. Пайғамбарча умр кўриб, одам ўлдирмай кетди. Ҳатто уйини талаётганда ҳам қўлига милтиқ олмади. Ким қўлига милтиқ тутса, у уруш одамидир, у одамнинг ўзини ҳам уруш ҳалок қилади, дер эди. Шу одамнинг ўғли, мен, қанча одам ўлдирдим!... Аххх-хха! Ўша Бойхун бобомиз айтган урушсиз юрт бормикан, бор бўлса, қаерда, қайда? Қуёш олдин чиқадиган юртда, дейишарди. Қуёш олдин қайси элда чиқаркин?!»

Нормат булутли осмонга, қуёш чиқадиган томонга суқ ва изтироб билан боқди. Порох дудини яна ҳидлашни ўйлаганда, кўнгли айниб кетди.

Даранинг оғзига кираверишда сойликда тўхташди. Олдинга ўтиб кетган Мирзакул у ёқ-бу ёқни кўздан кечирди-да, Норматнинг олдига келди. Унинг боядан бери хўмрайиб олгани бироз ёзилган, юзига қизиллик югуриб, анча мулойимлашганди чоғи, очиққўнгилик билан буйруқ бера бошлади.

— Сен нариги бетга чиқ, анови харсанг орқасида тур, отдан тушма. Отингни кўриб, қочиб қолиши мумкин.

Қор ёғиши тезлашган, бир қадам нарини зўрға кўриб бўларди. Нормат қизғиш харсанг олдига келди-

да, раиснинг гапларини эсидан чиқарди. Отдан тушди. Харсангга ҳорғин суянди. Уюшиб қолган оёғини ёзиш учун силкиб қўйди. Бирдан бадани титраётганини, иситма тутаётганини англади. Эти қалт-қалт титраб, юрагини нохуш бир кайфият эгаллади. У бўзрангга кирган осмонга, ўқпар бўлиб, учиб тушаётган учқунларга, оппоқ далаларга, рус шаҳарларида кўрган черков куббаларидек учбурчак гумбаз шаклидаги чўққиларга қараб, кўнглига бу гўзалликни сингдириб олмақчидек, чуқур нафас олди. Кейин бир нарсага аҳд қилгандек, милтиғини тошнинг устига қўйди. «Бўлди, шунчаси, агар қирқ йил қирон келса ҳам энди одам отмайман. Ўзлари отаверсин», деб ўйлади. Қор қуюқлашганидан даранинг нариги томони зўрға кўзга ташланарди.

— Нормат, — товуш эшитилди у ердан, — бу, даюс қор ҳам халақит берадиган бўлди-да. Йўл умуман кўринмаяпти.

Нормат юрагининг дукиллашини босиш учун ерга ёнбошлади ва ютоқиб қор ялай бошлади. «Йўқ, отмайман, ўзлари отаверишсин, — ўйларди у. — Ҳеч курса, тушимда тинч қўйинглар, алаҳсирамай, одамларга ўхшаб яшай дейман, хотиним, болаларим ҳаққи, қон тўкмайман. Фашистлар у ёқларда, узоқларда қолди».

— Раис бова, балки бошқа ёқдан қочиб қолгандир? — бақирди у. — Менинг оёғимдан зах ўтиб кетди. Совуб қолди. Кетаверсам, бўлмайдими?

— Бошқа ёқдан қочолмайди, — Мирзақулнинг тантанавор товуши эшитилди. — Шу ердан қочади, ўтган йили шу ердан тоғга қараб қочиб кетувди...

У гапини тутатмасдан қишлоқ тарафдан от дупури, «Стой, стой, стрелят буду», деган товуш эшитилди-ю, варанглаб милтиқ отилди. «Бу солдатлар эмас, — деб ўйлади Нормат шошиб турар экан харсангга пусиниб. — Шариф отолмайди, қўли чўлтоқ. Демак, Ҳотамда милтиқ бор экан-да?» Шу пайт яна бир ўқ узилди. Отлар дупури аниқ кела бошлади, кимнингдир ҳансираб югуриб келаётгани эшитилди. Нормат қишлоқ томонга қаради-ю, сойлик бўйлаб, югуриб келаётган кўланкани, қўлида косовдек нарсани кўрди. Кўланка Мирзақул турган томонга бурилди-ю, бироқ осмонга қаратиб ўқ узилгач, йўлини Норматга қаратиб бурди.

Мирзакул Ҳотам билан юзма-юз келишдан кўрққан ва ўзидан балони узоқлаштирганди.

— Нормат, эҳтиёт бўл!.. — деб бақирди у.

Кўланка Нормат турган томонга жонҳолатда эмак-лаб чиқа бошлади. Нормат унинг оқиш пўстинини, қоп-қора соқолини кўрди. Кўланка тошга йигирма қадмча қолганда, у пусиб турган жойдан отилиб чиқди. Кўланка уни кўриб, милтиқни даст кўртарди-ю, Норматнинг милтиқсиз, чўлоқланиб турганини кўргач, бос-тириб кела бошлади.

— Қоч, Нормат, йўлимди тўсма, қоч, отиб ташлайман.

Нормат серрайганча унга қараб турар, фақат унинг озғин юзини, ўсиб кетган соқолини, қонга тўлган кўзларини кўрарди.

— Қоч, Нормат! — деди ёввойи товушда Ҳотам. — Сен ҳам сотилдингми, уккағар?! Кимларга сотиляпсан, қоч. Булар бутун халқни қириб ташлашди... қоч.

Нормат унинг улкан гавдасига, терлаб кетган юзига қараб тураркан: «Мени отмаяптими, демак, оз бўлсам ям имони бор экан», деб ўйлади.

Нормат Ҳотам мерганни энг ҳалол ва мард чавандоз ҳам деб биларди. Ҳотам кўпқарида фирромлик қилмас, қўнғиротнинг олд отларини минарди. Носир жовканинг тўйида иккови зотнинг тенг ярмисини айриришган, шунда Ҳотам мерган Норматга «фирромликни билмас экансан, ке, от алмаштириб чопамиз», — деган ва от алмашишган эди. Шундан кейин иккови ўртасида ошначилик пайдо бўлганди.

— Қоч, Нормат, қонимди қайнатма, — дея бостириб келарди Ҳотам мерган.

— От!! — бақирди турган жойидан Мирзакул. — От, Нормат, отиб ташла, ҳозир қочиб кетади, отиб ташла, знағар!..

Нормат Ҳотамнинг йўлини тўсди.

— Ҳотам, қочишинг бефойда, барибир отишади. Яхшиси, ўзинг таслим бўл...

— Менга ақл ўргатма! — Милтиғининг затворини тортди Ҳотам. — Барибир отиб ташлашади. Ҳаммамизни отишади бу динсизлар...

— Бўлмаса мендан ўтолмайсан, — деди Нормат, унинг йўлини тўсиб. — қани, зўр бўлсанг, мени от! Сени кўйиб юбормайман.

Ҳотам милтиғининг тепкисини ушлади-ю, нимадир эсига тушиб, ақлдан озаётгандек ўкириб юборди.

Отолмайди деб ўйлаяпсанми, уккағар, қоч, бўлмаса барибир отаман.

— Йўл бермайман, — унинг милтиғига ўзини ташлади. — Эсингди йиг.

Орқадан от дупури тобора яқинлашиб келарди. Кимдир русчалаб сўкинди. Ҳотам чавандоз Норматни силкиб ташлади, ундан қутулолмагач, орқага чекиниб, қорнига тепди:

— Ўзингдан кўр, чўлоқ!

Киндигининг устидан тепки еган Нормат «иҳ» деди-ю, милтиқни қўйиб юборди ва қорнини ушлаб юз тубан йиқилди. Ҳотам мерган унга эътибор ҳам бермай, юқорига тирмашди. Харсангни айланиб, йигирма қадам юрмасдан етиб келган Мирзақул изидан ўқ узди. Ҳотам мерган илкис орқага бурилди-ю, раисни кўриб, хунук қилиб тиржайди-да, чалқанча йиқилди ва пастга думалаб кетди.

Мирзақул унинг милтиғини отнинг устидан узалиб олди-да, атрофга ғолибона назар ташлади. Ҳотам чавандоз боя Нормат ўтирган харсангга таяниб, осмонга қараган кўйи қотиб қолган, қийшайиб турган телпаги остидан ўсиб, патак бўлиб кетган сочлари кўзга ташланиб турар эди.

Нормат ўзини ўнглаб, ўрnidан турмасдан орқадагилар етиб келишди. Бир солдат отдан тушиб, жасаднинг бошини кўтарди-да:

— Тамом, — деди, — пуля на сердцу.

Нормат ўрnidан туриб, букчайган ҳолда Ҳотамнинг тепасига борди. Ҳотам мерган оёқларини чўзиб, улуввор қиёфада чалқанча тиржайиб ётар, бўйни, оқ пўстиннинг ёқалари қонга беланганди. Норматнинг қонга кўзи тушииши билан бирдан боши айланиб кетди, миясига нимадир урилгандай бўлиб, кўнгли беҳузур бўла бошлади, кўзларини чиртта юмиб олди.

— Ҳой, даюс! — бақирди унга қараб, от устидан Мирзақул. — Ҳали сенми, сотқинга ёрдам берадиган? Сен ҳам шу билан қўшмозор бўл! — У Норматнинг юзи аралаш устма-уст қамчи туширди. — Бу ишинг учуп Сибирь қиламан!

Юзига тўсатдан тушган қамчи зарбидан Нормат-

нинг кўз олди чарақлаб кетди. У секин Мирзақулга қаради. Кўзлари қонга тўлганди. Мирзақул унинг юзи аралаш иккинчи қамчини тушириш учун кўтарди, бироқ Норматнинг бақувват қўли қамчини ҳаводаёқ ушлаб олди. Нормат қамчини силкиб тортди. Мирзақул отдан учиб, ерга қулади. Нормат унинг устига бостириб борди. Унинг қулоқлари тагида бирдан гуввиллашга ўхшаган шовқин бошланган, аскарларнинг уларнинг орасига тушганини ва ўзини бир четга тортаётганини ҳам билмасди. Кейин у бир силикиниб, аскарлар қўлидан чиқиб, Мирзақулга қараб юрди ва шу дафъа бирдан хириллаганча ерга қулади.

Шариф чавандоз отдан тушиб Мирзақулни ўрнидан турғизди. Қўрқиб кетиб пишқираётган отига қайта миндирди. Норматнинг олдига бориб, хавфсираб қаради. Норматнинг чакка томирлари бўртиб чиққан, кўзларининг атрофи кўкариб кетган, оғзининг бир чеккасида сарғиш кўпик пайдо бўлаётган эди.

— Қўйинглар, ўўзиммм... — деди у солдатларга ва Норматнинг қўлтиғидан олиб, турғизди. Бироқ у Норматни суяб қололмади. Нормат чинқирганча, икки қўли билан чакка томирларини ушладию, гир айланиб ерга қайта йиқилди.

Капитан нима ҳол юз берганини англадими, Мирзақулга зарда билан қараб, отдан ирғиб тушди, Норматнинг чакка томирларини уқалай бошлади.

— Снег... снег!.. — бақирди у аскарларга, сўнг Шариф чавандозга қараб, — втирайте со снегам... втирайте со снегам!.. — деди бор овози билан.

Бу ерда турганларнинг ҳаммаси, ҳатто Мирзақулнинг ўзи ҳам эсанкираб қолди. У оғзидан кўпик келиб, ерда типирчилаб ётган Норматта чўчиб ва ваҳима билан қараб турарди.

V

Бийди момо — бутун Терсота қишлоғига Бердишукур бобо томонидан амма бўларди. Аслида қишлоқ бир авлоднинг унча узоқлашиб кетмаган шахобчалари эди. Шу сабабли ҳар бир уйда азами, тўйми, кампирнинг ўрни бор, ҳар бир нарсага, хоҳ жанжал бўлсин, хоҳ тўполон — ҳаммасига аралашишга ҳақлиман деб ҳисоблар, ҳеч бир нарса унинг иштирокисиз ёки мас-

лаҳатисиз ўтмасди. Мабодо унинг йўқлигида бирон мажоро ёки қиз узатиш маросимлари бўлиб қолса, у бундан ўзини жуда хўрланган ҳисоблар, ўша қизнинг ота-онаси билан гаплашмай қўяр ёки маросимни қайтадан бошлаб, ҳамма шов-шувига ўзи аралашиб, яна ўзи тинчитиб қайтар эди. Усиз ҳеч ким совчи жўнатолмас, кимнинг зоти паст, кимнинг тоғаси ўғри, кимнинг отаси хотинчалиш, кимдан яхши қайнона ёки қайнота, кимдан яхши куёв ёки келин чиқади — ҳаммасини билар, ҳаммасини ҳал қилар эди. Унинг бу қайвонилигига терсоталиклар ҳам ўрганиб қолган, унинг аразидан қўрқибми ёки у ҳар бир ишни жуда осон ҳал қилишига ишонгани учунми, ҳар қалай, улар бу катта аммаларини энг кичик оилавий йиғинлардан ҳам қуруқ қолдиришмас, ҳурматини жойига қўйиб, чақириб боришарди. Кўпгина хотинлар унинг аччиқ сўзларидан, койишларидан безор бўлган бўлса ҳам уни ичида ёмон кўришса ҳам сиртларида жилмайиб туришар, уни кўрганда югуриб бориб, кўришар ва шунда ҳам ундан бирон койиш эшитишдан чўчиб туришарди. Ҳамиша уни кимгадир, танбеҳ беришаётган ёки кимнидир уришаётган қиёфада учратиш мумкин эди. «Шулар ҳам аёлми! — дерди у аёллар ҳақида. — Аёл деган рўзғорни қантдай қилиб юриши керак, булар эса овларини кўрсатиб кўчада ўтиришни яхши кўради». «Эркак деган, эркакдай бўлиши керак, — дерди у эркаклар ҳақида. — Хотинга ўхшаб, мижғов бўлмасин. Бизнинг даврларда эркакларнинг изидан бир ҳафта юриб ҳам бир оғиз сўз эшитмасдик. Ҳозиргилар эса, гап чайнаб юришади». Бийди момо қишлоқда ҳар бир нарсага аралашинга ҳаққим бор деб ҳисоблаши бир томондан аммалиги бўлса, иккинчидан кўпни кўрган, бошидан кўп нарсаларни ўтказган қишлоқдаги энг кекса кампир эканлиги эди. Бошига тушган қийинчиликлар, кулфатлар унинг қадини букишдан кўра, тик қилиб қўйган, у ҳали ҳам қариликни бўйнига олгиси келмас, айратли эди. Баъзи чоллар: «Бийди, кундан-кунга яшариб боряпсан, ке, совчи қўйиб, сенга уйлана қолай, юрасанми ўғилларингди эшигида сарғайиб», дея тегишарди. Бу ҳазилдан кўра унинг чиндан ҳам ёшариб бораётганлигига ишора ҳам эди. «Раҳматли Бухор полвоннинг полвонлиги у ўлгандан кейин хотинида қолди», дейишарди чоллар. Авваллари анча тортинчок

аёл эри ўлгандан кейин бирдан қишлоққа аралашиб, тўй-азасида бел боғлаб хизмат қилиб, элнинг арзандасига айланганди. Бухор полвондан икки ўғил билан жуда ёш қолган бўлишига қарамай, бошқа эр қилмади. Бутун кучини шу ўғилларини одам қилишга сарфлади. У ўроқ ўрар, ўтин ёрар, беда ташир, буғдой янчар, тегирмон тортар, овил тозалар, навбатида мол боқар, тўйларда эркаклардан қолишмай хизмат қилар эди. Одамлар доим уни эрининг эски қора чопонини кийиб, белини чилвир билан боғлаб, ўғиллари ёнида бирон иш билан шуғулланаётганини кўришарди. Унинг катта-катта тошларни кўчириб, томорқасига сув ҳайдаётганини, Бухор полвоннинг баркашдай кетмонини баланд кўтариб, лой қориётганини, эшакка боғ-боғ қилиб ўтин ортиб келаётганини кўришиб, унинг бунчалик куч-қудратни қаердан олаётганига ҳайрон қолишарди. Бўлмаса жиккаккина аёл эди. «Бутун гавдасини битта ун халтага жойласа бўлади, лекин ўзи бутун қишлоққа жой бўлмайди», дерди Ражаб чавандоз.

Ҳамма босмачидан қўрқиб, ўтин теришга чиқмай қўйганда, у бемалол қари эшагини етаклаб ўтин териб келарди. Очарчилик бошланиб, бир бурда нон топиш учун бошқалар Маккага бориб келишга ҳам рози бўлган пайтлар унинг дастурхонида нон бўларди.

Ҳеч ким унинг нима учун бунчалик жонини жабборга бериб, куйиб-пишаётганини билмасди. Қўлини сўраб келган совчиларни бир хил жавоб билан қайтарарди: «Мени эрим талоқ қилмаган, ҳали ҳам унинг никоҳидаман». Ҳеч ким уни бу фикридан қайтаролмади. Орадан йиллар ўтиб, келинли, неварали бўлгандан сўнг у нима учун ўша пайтлар бунчалик куйиб-пишганини ва биронта ўзига тўқ одамга тегиб олиб, умрини ташвишсиз ўтказмаганини келинларига аён қилгандек бўлди: «қайноталаринг қандай одам эди-я, ҳар бир елкасига тўрттадан одам ўтирарди, икки бети қип-қизил, кўзлари бургутникидай. Ундан ҳатто Амир Олимхон ҳам қўрқарди»... Сўнг доимгидай Бухор полвоннинг қандай ўлганини гапириб берарди. Бухор полвон авлоди азаддан полвонлиги ва чавандозлиги билан доврўқ қозонган қадим қавмлардан бўлган. Бу авлод ота-бобомиз айиқ бўлган деб, фахрланишарди. Бухорогача доврўғи кетган Бухор мерган шу авлоднинг ягона сўнгги вакили эди. Ундан фақат бошқа уруғлик-

лар эмас, Шахрисабз беги ҳам чўчиб муомала қилган. У учиб бораётган чумчуқнинг кўзидан урган. Ўчакишган одамидан ўчини олмай тинчимаган. Унинг даврида ўтроқ қўнғирот қишлоқларга бирон марта ҳам босмачилар бостириб кирмаган, қўрбошилар Бухор мерган билан ўчакишишни истамаганлар. Амир Олимхоннинг ўзи унинг қўлидан каклик, тустовуқ оттириб еган. Унинг хурматини доимо сақлаган. Амир Бухорога чорлаб, унга одам қўйганда, у «Амирингда менинг ишим йўқ, агар иши бўлса ўзи келсин», — деган. Шундай одам кичкина, бор-йўғи калладай келадиган тошнинг остида қолиб ўлган. Тошни ким думалатганини, ким уни Боқирчининг зови устида ярим кечагача пойлаб ўтирганини чоретимликлар ҳозиргача билишмайди. Билганлари шуки, тош унинг қоқ кўкрагини эзиб юборган, Бухор полвон ўлими аниқлигини, шу тош Азроилнинг хабарчиси эканлигини билиб, уйигача зўрға етиб келган, етиб келган-у, айтган охирги гапи шу бўлган: «Хотин, уйнинг чироғини ўчирма, болаларимни бировга хор қилма, агар уйимнинг чироғи ўчса, тоабад сендан рози эмасман...»

Бийди момо бу ҳикояни неча марта айтган бўлса ҳам яна айтаверади. Ҳар айтганда қўшиб-чатиб айтади. У, келинларим билсин, айиқ авлодининг чироғи мендан кейин ҳам ўчмасин деб, атайлаб қайта-қайта айтади. Айиқ авлодини ўстираётганларидан, бу авлодга келин бўлганларидан фахрланишларини истайди. Келинларига невараларини орийтли, номусли қилиб ўстиришларини, ҳеч кимга хор қилиб қўймасликни талаб қилади. У набираларини боболаридай полвон бўлиб ўсишини истайди, чунки ўзи болаларини шундай қилиб тарбиялаган эди. У ўғилларини одам қилиш учун қўлидан нима келса, одамзод нима қилиши мумкин бўлса, ҳаммасини қилди. Болаларига бировнинг бир қошиқ сутини ичирмай, ҳеч кимга хор қилмай ўстирди. Ўзи тиланди, ўзи ямоқ кийди, ўзи хўрланди, лекин болаларини тилантирмади, ямоқ кийгизмади, хўрлатмади. Болалари ҳам ўзи ўйлагандек орийтли, номусли, зийрак йигитлар бўлиб вояга етишди. Каттаси отасининг изидан борди, тўйларда олишиб, ном қозонди. Кичиги — мўминроғи чавандозликдан ном олди. Ўғиллари биринчи зотларини келтириб ташлаганда, у шунча чеккан заҳматлари бекорга кетмаганини ан-

лаб, эри ўлгандан бери биринчи марта тўйиб-тўйиб йиғлади.

Бироқ унинг орзуси энди амалга ошиб, Чоршанби оқсоқолнинг қизига совчиликка бораман деб турганда, катта ўғли Тераклидан Пирназар печкачининг қизини олиб қочиб келди. Бийди момо қанчалик ўжар бўлмасин, ўғли ундан ҳам ўжарроқ эди — сўзидан қайтмади. Пирназар қизини оқ қилди. Катта ўғлида етишмаган орзусига кичик ўғлида етишди. Мулла Ташаннинг кенжа қизини келин қилиб олди.

Бийди момонинг катта келини оққўнғил бўлгани билан укувсиз, бўш-баёв, бирон ножўя иш қилиб қўйишдан чўчиб юрадиган соддагина аёл эди. Ўғай онанинг ҳамиша бошига муштлаб қарғашидан қилпанчиқ бўлиб қолганди. Тезак териш, молхона кураш, сув ташиш, ўчоқ ёқиш, умуман, қора ишларни қилиб юриб, қўли овқат қилиш, тикиш-бичиш, уй ишларидан узоқлашиб қолганди. «Сен менинг суқсурдай ўғлимни хор қилдинг, — дерди унга Бийди момо. — Сен кўзингни сузиб, иштонингни тагингга тўшаганингдан кейин, у нима қилсин? Агар сендан бошқа бўлганда, менга келин бўлганидан миннатдор бўлиб, қўлимни совуқ сувга урдирмасди. Сен бўлса... Изингдан биров ишингни қайтадан қилиб юриши керак».

Бийди момо токи кенжа келин тушгунча, катта келиннинг кунини бермади. Уни койир, йиғлатар, йиғласа, яна койир, унинг ожизлигини кўриб, гаши келар, чунки унинг ўзи ҳеч қачон ожизлик қилган эмас, гап қайтарса, ўғлига айтиб урдирарди. «Сен Бухор полвон авлодининг давомчисимисан? Бу ҳолда Бухор полвоннинг шўри қурийди. Бурнингни тортишни билмайсан, қандай қилиб бола ўстирасан?» Ёки жаврагиси келиб турганда, қарғишнинг қуюнини чиқариб ташларди. «Йлоё у дунё-бу дунё ўнганма. Сен менинг бутун йигирма йил чеккан заҳматимни бир этагингни кўтаришинг билан чиппакка чиқардинг, менинг хонумонимни кўйдирдинг. Бухор полвоннинг арвоқини чирқиллатдинг. Бу авлоднинг кушандаси бўлдинг. Йлоё, ажалинг ўзингдан бўлсин. Сен Бухор полвоннинг авлодини хор қиладиган бўлдинг».

Катта ўғли оғир одам эди. Энасининг жаврашларига жилмайиб қўярди, холос. Баъзан нимжон хотинини ўлардай савалаб, ўзининг уйига киритиб таш-

ларди-да, индамай ишини қилаверарди. Хотини ўласи бўлиб қолса ҳам, гинг демай, на эрига, на қайнонасига сўз қотмай, икир-чикирларини қилиб кетаверарди. Бийди момо унинг шу хусусиятини — эрига содиқлигини ёқтирарди.

Кичик келин тушгандан кейин у негадир яна ўша уқувсиз, ўзининг орзу-умидига зомин бўлган келин билан қолди. Кичик ўғлига эса ҳаётнинг ўртасидан жой қилиб берди. Уй ажралган билан қозон бир ерда қайнади, бир дастурхонда овқат ейилди, бир това-тошга нон ёпиди.

Кичик келин — ўзи орзу қилиб олган келини келишган, ширинсўз, хушмуомала чиқди. Бийди момонинг айтганини айтган, деганини деган қилиб бажарар, унинг ишидан бирон қусур топиш қийин, шундай бўлса ҳам номига унинг бундай эпчиллигини койиб қўярди. Кичик келин одобли, фаросатли, одамнинг ичига кириб кетай дерди. Бир оз керилиб юришга мойил бўлса ҳам, Бийди момонинг олдида ўл деса ўша заҳоти ўларди. Ҳаммага меҳрибон, одамнинг кўнглидан чиқадиган келин эди. Катта келин тушганидан бери унча бордикелдиси йўқ, қишлоқдошлари билан у бир ойда чиқишиб кетди, азалдан худди шу қишлоқда туғилгандай, ҳамма кичик келинни ёқтириб қолди. Катта келин эса ҳали ҳам ҳуркак, ўз соясидан чўчийгандек юрар, бу эса Бийди момонинг рашини келтирарди. Ўғлига неча марта бунингни олиб бориб ташла отасиникига деса ҳам ўғил гапга кирмади. Изма-из туғилган болалардан кейин Бийди момо ҳам тақдирга тан берди. У «ҳамма умидим кенжа келиндан, Бухор полвоннинг давомчиларини шу тарбиялайди» дерди.

* * *

Бийди момонинг ўғилларини урушнинг биринчи йилиёқ бир пайтда олиб кетишганди. Келинлар энди Бийди момонинг қаромовида қолди. Кенжа келин бу пайтда бу уйга тушганига энди бир йил бўлганди. Бошида онда сонда келиб турадиган хат кейин таққа гўхтади. Бир ой бурун эса унинг уйига Абдулла почтачи билан шўро котиби Панжи чўлоқ кириб келишди. Улар анчагача жим ўтиришди Гўё бу уйга нега келишганини ҳам эсларидан чиқаришгандек эди. Иккита келин ҳам печка ортида қулоқларини динг қилиб

туришарди. Бийди момо эса дастурхоннинг попутини ўйнаб, улардан гап кутиб турарди. Охири у чидолмади. Абдуллага қаҳрли кўзларини тикди. Абдулла унинг қарашидан довдираб қолди.

— Момо, ўзи яхши юрибсизми? Оббо, сизей... — деди у титраб-қақшаб.

— Гапни чўзма! — ўша оҳангда деди Бийди момо — Нима бўлди?

Абдулла ҳам ерга қаради. Қийналди.

— Каттангиздан қорахат келди .

Бийди момо сесканиб кетди-ю, лекин ўзини йўқотмади. Почтачи билан чўлоқ кириб келганда у намоз ўқиётган эди. Ўша пайтдаёқ булар беҳудага келмаганини сезган ва ўзини ҳар нарсага тайёр туришга ҳозирлаганди. Бу аёлмижозлар олдида ўзини йўқотиб қўймасликка — чидашга қарор қилганди. Катта келин, «вой», деб юборди-ю, деворга суяниб қолди Унинг ранги оқариб кетганди. Кичик келиннинг юзи қизариб, ҳеч кимдан яширмай, эркин нафас олди: юзида хурсандлик аломати ярқ этиб кетди.

— Вой, акажоним, — дея у овозига ясама тус бериб, йиғлаб юборди.

Бийди момо худди намоз ўқиётгандек, яна узоқ кўз юмиб турди. Йиғлаб юборган келинларига ўқрайиб қаради. Сўнг яна бардам, худди ҳеч нарса юз бермагандек, Абдулла сариққа тикилди. Иккови ҳам бошини эгиб ўтирарди. «Йўқ, бу ерда яна бошқа сир ҳам бор, агар фақат шу гап бўлса, сариқнинг ўзи ҳам келтириб бераверарди. Чўлоқ, бу ерда нима қилиб юрибди?»

— Шуми? Йўқ, сенлар яна бир нарсани яширяпсилар. Айтинглар, менга ҳеч нарса қилмайди... Мендан яширсаларинг тириклай ўлдирасилар... гапир, гапир!..

Абдулла сариқ гапирайми декандек Панжи чўлоққа қаради. Панжи чўлоқ бошини эгтанча ўтирарди.

Бийди момо бўғзидаги куйикни зўрға ютди. Ўзини йўқотиб қўйишдан қўрққандек, бир қўлига суяниб, Абдулла сариққа яна еб қўйгудек қаради:

— Вой, чурра-ей, вой чурра-ей, отанг сипочилик қилмаган, энанг сипочилик қилмаган, шўрликлар бир парча нонга зор бўб, бир иштонни алмаштириб кийиб юришар-ди... Сенга ким қўйибди сипогарчиликни, чурра..! Айтавермайсанми тўғрисини?!.

Кичик келин йиғлашдан тўхтаб, уларга қулоқ сол-

ди. Панжи чўлоқ оғринди. Ҳатта шўро идорасида ҳам унга Панжи Турдиевич деб муомала қилишса-ю, унинг қўл остидаги бир исқирт кампир унинг нозик касалини эслатиб, ҳақорат қилиб ўтирса... Бошқа пайт бўлганда у кенглик қилган бўларди. Бироқ, ҳозир у ўзини хўрланган ва ҳақоратланган, деб ҳисоблади. Бунинг учун ўзининг ким эканини эслатиб, аламини олмақчи бўлди.

— Бўлмаса, момо.. кўпга келган тўй экан... азани иккита қилинг. Кичигингиздан олти ой олдин қорахат келган экан. Абдулла ака сизга беришга кўрқиб юрган экан..

Кичик келин ўкириб, ўзини ерга ташлади. Печка орқасидан катта келин хўнгилай бошлади.

— Ташқарига чиқинглар! — ўшқирди Бийди момо — Чик, кўзимга кўринма! Кимларнинг олдида йиғляпсанлар?! Шу нокасларга кўрсатиб йиғляпсанларми, чиқинглар, икковларинг ҳам чиқ, чиқ!.. Куйдиргилар.. вой... шўрпешонам!..

Икки келин ҳам унга биринчи марта қулоқ солишмади: ўкириб йиғлай бошладилар.

— Вой, шунқорим-а! — бақириб, ўзини ерга ура бошлади кичик келин. — Вой, бургутим-а, арслоним-ай, арслонгинам-ай... Мени ташлаб кетдингми-я, мени кимга қолдириб кетдинг-а, сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, арслоним-эй!..

Бийди момо бошқа ҳеч нарса демади. Панжи чўлоқ фотиҳага юз тортди. Бийди момо уларнинг далдасига ҳам, чиқиб кетаётиб айтган гуноҳқорона «Момо, бизда нима айб, катталар бориб айтинглар, яхши бўлади, дейишганди» деб минғирлашганларига ҳам, келинларнинг йиғисига ҳам эътибор бермади. Бир нуқтага тикилиб ўтираверди. «Уларнинг олдида манави шаллақиларга ўхшаб айюҳаннос солмаганим яхши бўлди... бировга сиртингни берма, деб ўргатарди Бухор полвон. Ҳа, бечора Бухор полвон, шундай ўргатарди. Э, Бухор повон, энди мана иккимиз ҳам бечора бўлдик. Сенинг орзунгни амалга оширолмадим, меңдан рози бўларсан. Қўлимдан келганини қилдим. Мана энди сенинг Айиқ авлодингга ҳам чек қўйилди, Пешонада ёзилгани шу экан, Бухор полвон».

...Эртасига Бийди момо икки ўғлига аза очди. Жаноза ўқитиб, қора кийди. Шундан кейин у қишлоқ-

да бошқа ишларга аралашмай қўйди. Кун бўйи уйда, бир бурчақда, ўғилларининг кийимларини титиб, аллаким биландир гаплашиб ўтирадиган ва одамларга бегонасираб қарайдиган, одамлардан хавфландиган ва уларга адоват билан тикиладиган одат чиқарди.

VIII

Қиш чиллага киргач бекорчиликдан зериккан, Нормат ҳаётининг Келдиёр сўпи билан туташ қисмига гўнг таший бошлади. У дарадаги воқеадан кейин ўзини анча олдириб қўйган, юзидаги заҳиллик яна ҳам ортганди. Анзират тушгача унга ёрдам берди, сўнг уй йиғиштиришга тушди.

Тушдан кейин Анзиратнинг олдига Шариф чавандознинг хотини Турсуной гуж-гуж чиқди. Анзират меҳмонхонада чанг босиб ётган келинлик кўрпаларини авдар-тўнтар қилиб, уй кўтармоқда эди.

— Келин, — деди Турсуной меҳмонхонага бурни узун бошини суқиб. — Нима ташвиш қиляпсиз? Вой-бўй, кўчаяпсизларми?..

— Қуриб кетсин, куя еб кетяпти буларни, — деб зорланди Анзират. — Индамай десанг, кўзнинг нури сингган, индасангиз, кўриб турибсиз. Уф... чарчаб қолдим...

— Роҳат қиз кўрибди, юринг, аёллар йиғини бўлаётган эмиш.

— Вой, қиз эканми? — Анзират ўтириб қолди-да, суюнганидан чапак чалиб юборди. — Орзусига етибди-да. Бечора ҳаммаси ўғил, деб куйиниб юарди.

— Юринг, бутун чақирган экан, — деди Турсуной гуж-гуж, қат-қат кўрпаларга ҳасад билан кўз югуртирар экан.

— Ҳозир мана бу дардисарларди йиғиб олай. — Анзират кўрпаларнинг орасига куядори сепди. Хонани ачимсиқ ҳид тутиб кетди. Анзират кўрпаларни буклаб жойига қайтиб йиға бошлади. Қуроқли кўрпалар оғир эди. Тезда у хансираб қолди. Турсуной гуж-гуж ичкарига кириб, бир бўҳчанинг устига ўтирди-да, Анзиратга қараб ўзи ҳам уфлаб қўйди.

— Муслим эри ўлганини эшитгандан бери қадамини суюқ оляпти эмиш, — деди у яхшилаб ўтириб

олгач. — Ойхол айтди. Эркак ўтса, изидан термилиб қолармиш.

— Унгаям қийин-да, — деди Анзират Бийди момонинг кичик келини ҳақида аввал ҳам шунга ўхшаш гапларни эшитганини эслаб, кўнгли ғаш тортди. — Бир йил ҳам келин бўп яшагани йўқ, шўрлик.

— Бийди момонинг ўзи ҳам буни билса керак, — гумон қилди Турсуной гуж-гуж. — Ўзиникини яшириш учун бошқаларни йўқ жойдаги айбни бетига айтиб, қошиб олаётганмиш.

Анзират Бийди момонинг Турсуной гуж-гужни ўшакчилиги учун ёқтирмаслигини ва ҳамиша уни мулзам қилиб юришини, биларди. Бийди момо бор даврада Турсуной гуж-гуж ўтиролмасди. Турсуной гуж-гуж заҳил — қизғиш юзли, узун бурун, кўп гапиришидан лаби доимо тупукланиб юрадиган бу аёлга миш-миш сув ўрнида эди. Қишлоқда ва қўшни қишлоқларда нима ҳодиса юз бергани, ким хотин қўйган, ким хотин устига хотин олган, кимнинг қизи ким билан кулишиб турган, кимни эри урган, ҳаммасини шу аёлдан билиб олиш мумкин эди. Хотини Шариф чавандознинг акси эди. Шу сабабли уни доим пешонаси шишган ёки моматалоқ бўлган, яъни эрининг жаҳдининг асоратларини кўриш мумкин эди.

— Бийди момо ҳам қариди. Олдинлари жуда одил эди. Энди ўзимники тўғри дейди, ўзиникини зўрлаб ўтказди. — Турсуной гуж-гуж гап мавзусини бошқа мавзу билан улаш учун бидирлай бошлади.

— Аммамга ҳам қийин, — ёнини олди Анзират кўрпаларни тахлар экан. — Бирдан икки ўғли... туф-туф, худо кўрсатмасин. Бу дунёда ёлғиз шуларни деб, яшаб юрибди. Энди нимаям қилсин, ўзини урарга чў тополмай юрибди. Келинларигаям ишонмайди. Шунинг учун ичини ит тирнаб ётибди. Ўх-ўҳ-ў...ҳў...ў...ў...ў!..

Анзират гапини тугатмасдан бошини ушлаб ўтириб қолди, бир қўли билан оғзини ушлади.

— Вой, келин! — Турсуной унинг олдига келди. — Нима бўлди сизга?! Вой, ўлмасам...

— Ў...ў...ў!.. — Анзират зўриққанидан кўзларидан ёш чиқиб кетди. Ҳеч нарса демай, югуриб айвонга чиқди-да, бир бурчакка бориб, «ў-ў-ўҳў», деганча шариллатиб қайд қилди. Изидан югуриб чиққан Турсуной гуж-гуж унинг бошини икки қўллаб ушлади.

— Вой, ўлмасам, бу нимаси?! — унинг юзига чўчин-қираб назар ташлади Турсуной.

— Ий... ис... — деди Анзират. — Ис кўнглимни кўтарди. Бошим айланиб кетди.

— Келин?.. Келин, бу нима деганингиз? Бошингиз айланди?!.

У Жангил табибга ўхшаб, Анзиратнинг қорнига косовдай қўлларини жўнатди ва худди бир нарса топ-моқчидек, ҳаммаёғини ушлаб чиқди.

— Ие...ҳмммм... қани, уйга кириш-чи... Вой, мен ўлай, бўйингизда бор-ку, юринг... юринг... ётинг.

Анзират зўрға ўрнидан турди. Атрофида гирдика-палак бўлаётган Турсунойнинг гапларини деярли эшитмади. Эшитса ҳам нима деяётганини тушунмади... У Турсуной гуж-гужнинг ёрдами билан зўрға ўрнидан турди-да, печкали хонага кирди.

— Қатиқ борма, қатиқ ичинг, — деди Турсуной гуж-гуж. Уни ётқизиб, қорнини яна секин пайпаслаб кўрар экан, бирдан қўлини тортиб олди-ю, Анзиратнинг юзига қараб, бирпас безрайиб қолди. Сўнг югуриб катта қадидан ёғоч косага қатиқ солиб келиб, Анзиратга ичирди.

— Ичинг, босади, ичинг, — деди у парвона бўлиб. — Қачондан бери шундай бўлаяпти?

Анзират ҳолсиз ва яна айниётган кўнглини босиш учун беихтиёр жавоб қайтради:

— Бир ойча бўлиб қолди, — шундай деб яна ўхчиди.

— Бир ой? — Турсунойнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Анзиратни энди кўраётгандек, анграйиб тикилиб қолди. Кейин унга қатиқ ичирди. Ўрин солиб берди-да, унинг кўзини юмиб, мадорсиз ётганини бирпас кузатиб, лип этиб ташқарига чиқди. Айвонга чиқиб, нима қилишини билмай, тарадудланиб турди, сўнг қишлоқнинг нариги чеккасига қараб шошиб жўнади. Тез юрганидан икки марта қоқилиб кетаёзди. Унинг юзида қандайдир ташвиш билан бирга безовталиқ акс этмоқда эди. У ичида гап ётмайдиган аёл эди. Шў сабабли у ўзи олдин гувоҳи бўлган воқеани кимгадир тезроқ айтиб ёрилгиси келарди. Унинг бундан бошқа нияти ҳам йўқ эди.

— Турсуной бойбича, мунча тиржаясиз, отангиз тирилиб келдим-а? — деди йўлда учрашиб, тўқнашиб

кетаёзган Аляр чол. — Сал кўзга қараб юрсангиз-чи, тилла топгандай ҳовлиқмай.

— Вой, тоға, кўрмай қопман, — деди Турсуной ишшайиб. — Лекин тилла топганданам каттароқ нарса бор. Ҳали эшитасиз.

Аляр чол унинг гапига ҳайрон бўлиб, тўхтаб изидан қараб турди: «Сочингдан осилгур, бу ҳовлиқма, яна нима машмаша топди? — ўйлади чол. — Бийдиникига бораяппа? Ҳа, Бийдиникига. Нима бало? Бийдининг бирон боласидан хат кеп, ўлгани ўтрик чикдимикин?! Шундайга ўхшайди, бу тўқалакни Шарип қандай қилиб хотин қип юрибди экан, нақ тоғ эчкисининг ўзи-я!»

Аляр чол оғилхона эшиги олдида катта ёғоч куракка суянганча уни кузатиб турарди. «Бийди қурғур чўкиб қолди-да! — ўйлар эди у. — Эҳ, шундай кампир икки ойда чўпдай бўлиб қолди-я? Худди тутдай тўкилди!» Аляр чол чуқур хўрсинди-да, соқолини қувлик билан силаб қўйди. У Бийди момонинг уйига кириб кетганини, бошига йўл-йўл желак ташлаб, Турсуной гуж-гуж билан ўзига қараб келаётганини ва унга етмасдан, сал наридан бурилиб, Норматникига қараб ўрлаганини кўриб турарди. Аляр чол ўрнидан туриб, оғилхонанинг устига чиқди. У Бийди момони бунақа тез юрганини кўрмаганди. Чолнинг қишлоқдаги қизиқ бир воқеадан қуруқ қолгиси келмаётганди. Иккала аёл Норматнинг уйига кириб, анча йўқ бўл кетишганини, уйга кириб чиққан Бийди момонинг тиззасига уриб, бақириб-чақираётганини, унинг бақирлишига одамлар тўпланаётганини кўриб турарди. Қулоғи оғир эди, эшитмади. Лекин юраги ёмон бир нарсани сезгандай, ваз тортди. У Бийди момонинг ҳаёт* ўртасида чўлоқланиб гўнг ташиб юрган Норматнинг олдида бориб, нималардир деб, ер тепиниб, ўтириб олганига, юзига кўрсаткич бармоғини тираб, ер муштлаётганига қараб турарди. Норматни уйига томон етаклаб жўнаганини, уйига кириб кетган Нормат Анзиратнинг сочидан тортиб айвонга чиқарганини, буралиб тепаётганини кўриб турарди. Ҳаммасини кўрарди-ю, ҳеч нарсага тушунолмасди. «Булар ақлдан озибди, — деб ўйларди чол. — Анови туёғи йўқ, шайтондинг урғочиси бекорга югур-

* Ҳаёт (шева) — томорқа, боз, экинзор.

гилаб қолмаган экан-да...» Чол оқсоқлана-оқсоқлана одамлар йиғила бошлаган Норматнинг уйига қараб жўнади. Жанжалга йиғилганларнинг аксарияти болалар ва аёллар эди. Аляр чол қулоғини динг қип бора-верди. «Одамлар кўп бекор қолса, тез-тез шундай ақлдан озиб туришади, — деб гўлдирарди чол. — Бу лўлилар яна бир ўйинни бошлашди». Чол Норматни-кига етиб келганда томошабинлар давраси анча кенгайиб қолганди. Нормат ерда лойга ва қонга беланиб ётган Анзиратни тўғри келган ерига тепарди.

Аляр чол аввалига ҳеч нарсага тушунмади, тушунгач, юраги дириллаб кетди.

Нормат кўринишидан ҳам, ҳаракатидан ҳам ақлдан озганди. Унинг кўз косалари катталашиб, юзи қорая бошлаган эди. Кўзлари қонга тўлганди.

У ерда тупроқ ялаб ётган Анзиратнинг ёқасидан ушлаб, лип этиб кўтарди-да, қўлига сочини ўраб, нафрат ва жирканиш билан сўради:

— У ким?! Ким, қанжиқ?! Айтмасанг, ҳозир бурда-бурда қиламан.

Унинг товуши хириллаб, бўғилиб чиқарди. Анзират ҳолсизгина кўзларини юмиб олди.

— Айтмайди, бузуклик қилишга қилиб, энди тилини қисиб ўтиради... қаранглар... вой, шарманда, вой... Бутун қишлоқни шарманда қилди.

— Ким эди? Ким у нокас?! Ҳозир чолиб ташлайман! — деди Нормат унинг бўйни аралаш қамчи соларкан.

— Ундан гап сўрагунча ўлдир, — деб бақирди Бийди момо дағ-дағ титраб. — Қишлоғимиз устидан нега кулпат аримай қолди десам, гап буёқда экан-да. Ҳой, одамлар, урушга ҳам мана шундайлар сабаб бўлади, мана шундайларнинг дастидан уруш келиб чиқади. Болаларимиз қон тўқади, бу эса бузуклик қип юради. Тошбўрон қилинлар уни. Қорнида бола бўлгунча қишлоғимизни булғаб юрган. Яна эри билан индамай яшай берган, билмайди деб ўйлаган...

— Вой, ўлай! — деб юборди Қудурат кампир. — Писмиғ-ей, ҳали мен бу билан олди-берди қип юрипман, мениям ҳаром қипти-да. Тфу-тфу... ер ютгур!..

— Бизнинг ҳаммамизни гуноҳга ботирган, ҳаммамизни хорам қилган... — Унинг гапидан янаям дадилланиб шанғиллама Бийди момо.

— Олдинлари тошбўрон қиларди бундайларди!

— Буни ҳам тошбўрон қилиш керак! Уруғи кўпаймасдан тошбўрон қилиш керак...

— Шундайларди деб бир куни ҳаммамизни қора ер ютади...

— Охир замоннинг хотинлари-да!..

Нормат Анзиратнинг сочидан бураб офилхонага судраб жўнади.

— Осаман, агар айтмасанг осаман!..

У офилхонанинг равига бир қўллаб чилвир боғлади-да, сиртмоқ қила бошлади.

— Ақлингни ема, Нормат! — югуриб бориб, қўлини ушлади Аляр чол. — Эсингди йиғ!..

— Нарн туринг! — унга ўшқирди Нормат вазаб билан, — Аралашманг...

Аляр чол сиртмоқни икки қўллаб маҳкам ушлаб олди.

— Болаларингни тирик етим қилмоқчимисан?! Падарлағнати...

— Кетинг! — итариб юборди Нормат. — Онаси шу бўлса болалариданам кечдим.

— Унда мени ос... — Унинг қўлига осилиб олди Аляр чол. — Мени ос, эртага одамлар у ерда Аляр чол ҳам бор эди деб юришмасин... Мени ос...

— Ҳой, эчкисоқол, — унга қараб бақирди Бийди момо хириллоқ товуща — Ақлинг етмаган нарсага аралашиб нима қиласан? Ундан кўра майиб кампинг-ни тўсиб кел! Буни тошбўрон қилиш керак! Қишлоқни саситди.

Қудурат кампир Бийди момонинг гапидан дадилланиб, қор орасини титкилаб каттагина тошни Анзиратга қаратиб отди. Тош Анзиратнинг қаншарига тегди-да, бирон из қолдирмай сирғалиб тушди.

— Ким тош отса савоб қилган бўлади, — жазаваланди. Бийди момо ерда ётган қор уюмини чангаллаб тўдаларкан, қалт-қалт титраётган қўллари орасидан қор эзгиланиб тушиб кетди. Бундан асабийлашиб кўпроқ қорни тўдалай бошлади. Муштдай қорни бир амаллаб отди. Қор тегмай ўтиб кетди. Яна кимдир ҳўл кесак отди.

— Осаман! — бақирди Нормат Анзиратнинг сочидан тортиб турғизиб. — Ўлдираман сен знағарди.

У Анзиратнинг сочини дор қилиб, қўллари қалт-

қалт титраб бўйнига ўрай бошлади, қўллари қалтираганидан сочни ҳеч ўраб ололмас, бундан баттар қаҳри кўзиб, Анзиратнинг бошини силкиб-силкиб ташлаётган эди.

— Вой, осиб кўяди! — бақирди бир аёл олдинга югуриб чиққанча. — Тентак бўп қопсизлар. Нима қилаётганларингни биласанларми?

Аёл югуриб бориб, Норматнинг қўлидан Анзиратнинг сочини силкиб тортди. У Анзират тенги, сарғиш озғин, юзидан касалмаңдлиги билиниб турган аёл эди

— Қоч, Ханипа! — хириллади Нормат. — Қоч, йўқса икки путингди орасига пичоқ соламан.

Ханифа унинг қўлига осилиб олди-да

— Мени ўлдир! Ўлдир, бўлақол! — Шаллақилик қила бошлади у. — Бўғақол, ўлдир, мен туғмасни ўлдир, етти пушти куйиб кетган мен туғмасни ўлдир, буни ўлдирсанг, анави қоракўзларинг тирик етим бўлади Ё, уларам, бузукликдан орттирилганми? А?!

Нормат сесканиб, унга қаради-ю, бир дам туриб, қолди. Кейин яна аввалги ҳолатига қайтиб:

— Йўқол! — деб ўшқирди қутурғандек талвасага тушиб. — Мени тириклай ўлдирди, ўлдирди мени!... — У қаҳр билан Анзиратни бўғишга тушди. Лекин унинг қўлларига ёпишиб олган Ханифа дод солди.

— Қутурган бўлсанг, мени ўлдир. — Ханифа унинг қўлига тобора оғирини сола бошлади. — Агар шу бугун одам ўлдираман деб қасам ичган бўлсанг, мени ўлдир!

У Норматнинг қўлини Анзиратнинг сочидан бўша-тиб олгач, ўзини Анзиратнинг устига ташлади.

— Аввал мени ўлдир, кейин уни ўлдирасан!

Йиғилганлар ичидан яна кимдир, «Ётар энди», деди кўрқа-писа. Нима гаплигига ҳали ҳам тушгунмай ўтирган Маҳамади кал хотинининг ботирлигидан ўзига келиб, бориб, Норматнинг қўлидан ушлади, қамчини силтаб тортиб олиб, бир чеккага улоқтирди.

— Эшитганлар нима дейди? — деди у чучук тилда. — Чоржетим ўзи билан ўзи қирилишиб ётибди, демайдим! Нима, жонларинг ортиқча бўп қолдимиз?

Яна икки келинчак даврадан чиқиб ҳушидан кетган Анзиратни қучоқлаб турғизди-да, суяб уйга кирита бошлади.

Уларнинг ҳаракатидан Бийди момо эсанкираб қолди, яна зуғумга ўтди:

— Нима, шерикмисилар бунга? Нормат уни ўлдир!

Лекин ҳеч ким унинг айтганини қилмади. Нормат бир силкиниб, Маҳамади чўпоннинг қўлидан чиқди-да, келинларнинг олдини тўсмоқчи бўлди. Бироқ Маҳамади кал яна уни маҳкам қучоқлаб олди.

— Уят бўлади, тентак! — деди у кучаниб. — Хотиннинг бузуқ бўса кўчага чиқиб бақирасанми?

— Нима бўляпти бу ерда? — товуш келди Норматнинг орқасидан.

Нормат товушни таниб, ижирғаниб қўйди.

— Нима тўполон, Бийди момо? — деб сўради яна Шариф чавандоз — Нега ҳаммани тўдалаб олиб, қий-чув қилиб ўтирипсизлар?

— Ўлмабсан-да, чавандоз, — деди Бийди момо унга масхараомуз тикилиб. — Қачондан бери шундай савол бериб, жавоб оладиган бўлдинг?

— Айғоқилик қилманг, — деди Шариф чавандоз таҳдид билан. — Уни биров босиб ётганини кўзингиз билан кўрдингизми? Йўқ?! Унда нега қий-чув қиляпсизлар? — Сўнг Норматга қаради. — Ҳа, Норматбой, сизам кўрдингизми, силар-чи? Сизлар кўрганмисизлар, бойбичалар?..

— Йўқ!

— Кўрмаганмиз.

— Ким пойлаб турибди бузуқини?! Бузуқига қоравулмизми?

— Ҳеч ким кўрмаган?! Вой, лўлилар-ей, йўқ нарсага шунча говғами?! Йўқол ҳамманг уй-уйингга!

Безрайиб қолган Норматга ҳам ҳамма эшитсин деб дўқ урди.

— Яна уруш кўрган одам эмиш!.. Бор, уйингга кир, хотинларнинг ботири.

— Кирмайди, — Норматнинг олдини тўсди Бийди момо. — Бу ҳаром уйга кирмайди. Қачон бу бузуқи бу ердан кетади, ана ўшанда... шунда киради. Юр, буларнинг ҳаммасининг гапи бирга ўхшайди. Юр, сенга ўзим жой бераман, бу ҳаром уйда энди сениям бирон фалокат босади. Ўзингни хор қима...

Нормат бир Шариф чавандозга, бир Бийди момога қаради-да, анграйиб тургач, Бийди момонинг изидан судралиб жўнади.

Улар кетгандан сўнг йиғилганлар тарқала бошлади. Фақат бир-икки аёл Анзиратнинг изидан кириб кетди. Шариф чавандоз эса молхонага суяб қўйилган куракни олди-да, ўчоқ бошида айланиб, унинг кўзига кўринмаслик учун икки пақирни олиб, дарёга қараб зиппиллаб кетаётган хотинининг изидан кетди.

IX

У эрининг жаҳли чиққанини жуда кам кўрганди. Нормат босиқ, ҳар қандай вазиятда, ўзини тута оладиган, лекин феъли келса, отасини ҳам аямайдиган одам эди. У эрининг орияти келганини фақат бир марта, урушдан олдин, Қотнинг устида, беда ўримида кўрганди. У пайтлари Холмат эндигина юрадиган бўлган, Анзиратнинг ташвиши кўпайган кунлар эди. Холмат сал кўздан пана бўлиши билан ариққа ёки ўрага тушиб кетган, ё бўлмаса ўчоқ бошида кул титиб турган бўларди. Бу ташвишларининг устига қишлоқда яна бир ташвиш — беда ўрими бошланганди. Бир куни эрталаб Нормат полвон уни эргаштириб Қотнинг устига, беда ўримига олиб чиқди. Холматта катта рўмолдан чайла қилиб беришди. Эр-хотин бири чалғида ўрди, иккинчиси боғлади. Тушга яқин Анзират чой дамлагани булоқ бошига кетганда, узоқдан эрининг шўро раси — бўз отли Мирзақул билан нимадир тортишаётганига кўзи тушди. Мирзақулнинг қаттиқ-қаттиқ гапларини эшитиб, ажабланиб қараб қўйди. Нормат полвон эса индамай беда ўрар, афтидан, у гаплашишни истамаётган эди. Ўчоққа овора бўлган Анзират кимнингдир чинқириб юборганидан чўчиб, ўтирилди-ю, эрининг чалғи дастасини сермаганини, Мирзақул от устидан учиб тушганини кўрди. У саросималик билан эрига қараб югурди. Югуриб борганда Мирзақул индамай отини етаклаб кетаётган, эри эса қайтадан ўримига тушиб кетганди. У эрининг олдига бориб юзига тикилди: эрининг юзи ғазабдан қип-қизариб кетган, чалғини зарб билан силтади.

— Нима бўлди?!

Нормат унга ғазаб билан қаради.

— Ҳеч нарса?! Бор, ишингни қил?!

У эрининг авзойи бузуқлигини кўриб, индамай булоқ бошига қайтди. Мирзақулни нима учун урганни

эри кейин ҳам айтмади. Анзират фақат бир нарса-ни — унинг беҳуда аччиғи келмаганини биларди. Бу воқеанинг тагига анча йиллардан кейин — Нормат урушга кетган йили Мирзақулнинг ўзидан эшитди. Қишлоқ хотинлари билан ўримдан қайтаётганда Мирзақул унинг олдига келиб, суқ ва писанда билан тикилди:

— Эрингдан хат келяптима?

У, афтидан, Нормат полвоннинг урушга кетганидан, хат келмаётганидан хурсанд эди. Юзида намо-йишкорона зафар ифодаси бор, буни қип-қизил юзи ниқоблаб турса ҳам, лекин, кўзлари ошкор этиб турарди.

— Давлатнинг бедаси учун хотинингни солиқ қилиб берасанми, деганимда ўлдириб қўёзганди, бошимни олиб қочмасам, бўйнимни узиб ташларди, қони суюқ, сенсиз қандай чидаяпти экан?!

Анзиратга эри ҳақида ҳақорат оҳангида гапириш ёқмади. Эрини соғинган, уни қўмсар, шу сабабли эри ҳақидаги ҳар бир гап унинг хўрлигини келтирар эди.

— Ҳов, Мирзақул, — деди хотинларнинг олдини тўсганидан ваши келган Қудурат кампир. — Кўзингга қара, бўлмаса, каллангданам ажраласан. Нега йўл тўсасан?!

Хотинлар пиқ-пиқ кулиб, нари кетишди-ю, бирдан хахолаб кулиб юборишди.

Анзират эри ўзининг шаънини ҳимоя қиламан деб Мирзақулни урганидан ўша пайт кўнгли тоғдек кўтарилган ва эридан қанчалик ғурурланган бўлса, энди шунчалик қўрқар эди. Мирзақул кулфсиз гап қилган, аччиқ устида шундай деган. Унинг тайини йўқ одам эканини Нормат ҳам биларди. Билиб туриб, қандайдир хотинмижоз эркакнинг ўзини ҳақоратлашини ис-тамаганди. Оддий, ҳар куни содир бўлиши мумкин бўлган бир тийиқсиз тили туфайли Нормат шунчалик қилди, бир кишини ўлдириб қўйишига сал қолди. Анзират қилган гуноҳ эса... Йўқ! Худонинг ўзи асрсин! Ҳали ҳам Шариф чавандоз чалғитди. Унинг ўлими аниқ эди.

Ҳаммаси Нормат полвон урушга кетганига бир йил ўтгандан кейин бошланди. Холматни уйга қўйиб, кун бўйи колхозчилар билан бирга ўроқ ўргали, бошоқ тергали, қўш ҳайдагали, буғдой янчгани борар, улар

эркакларнинг ишларини қила бошлаган, эркаклар эса қишлоқда санокдигина қолган эди. Қолганлари қариқартанглар, майиблар ва болалар эди.

У кун бўйи тиним билмасди-ю, бешиқдаги қизчаси ва Холматнинг очликдан кичрайиб бораётган гавдасига, очликнинг даҳшатли, талвасали қадамига қарши туролмасди. Ҳамма нарса тўзиб бўлган, иккита сигирнинг биттасини колхоз олиб кетди, иккинчисини илон чақиб, шишиб ўлди. Улар бор-йўғи колхоздан бериладиган бир ҳовуч арпа уни-ю учта ориқ эчкининг сутига қараб қолишган эди. Анзират ишлар, эчкиларга ўт олиб келар, ёзда молхона сувар, ўтин ғамлар, қишда ўтин терар, молхона курар, баҳорда ҳам ўз ерида, ҳам колхоз учун қўш ҳайдар эди. Ҳаммасига улгурар, улгуриши керак эди. Кечаси эса ҳам эрини қумсаб, ҳам чарчоқдан толиққан вужуди қалтираб, танасини совуқ кўрпанинг ичига ночоргина тикиб йиғлар, кейин ёстиғини ҳўл қилиб, ухлаб қолар, эрталаб яна шу ташвишлар билан югурар эди.

Бу йиғилар аста-секин уни чарчатди. Энди бу машаққатлар олдида енгилла бошлади. Одамларга қўшилмай қўйди. Холмат билан икки яшар Ҳожарни урадиган, бекордан-бекорга жаврайдиган одат чиқарди. Қарғишни ўрганди. Шанғи бўлиб қолди. Бу ҳолатлар унинг сулув чеҳрасига мос келмасди; ўзи ҳам, асаблари ҳам чарчаган, шу вақтгача фақат ўз иши, аёллик ташвишлари билан юрган, шундан бошқасини кўрмаган, бошқасининг ташвишини тортмаган аёлнинг бошига бирданига иккита вазифа тушган: у энди ҳам эркак, ҳам аёл бўлиб яшаши керак эди. У яна дунёда энг оғир юмушни бажариши — кутиши керак эди. У ҳаммасидан ҳам шу азобга тоқат қилолмасди. Ўзига тўқ оилада — етти акаси ва обрўли ота қарамоғида ташвиш нима билмай ўсган Анзиратни бу вазифалар ҳолдан тойдириб, довдиратиб қўйган эди. Уруш бошланганининг учинчи йили айниқса унга оғир бўлди. Унинг иккита акасидан қорахат келди. Онаси бу қайғуни кўтаролмади. У ҳам йиғлайдиган одат чиқарди. Ҳамма ишни қилиб, болаларни жойига ётқизарди-да, туни билан йиғлаб чиқарди. Бутун вужуди ўт бўлиб ёнар, қони томирдан тошиб чиққудай бўлиб, аъзои бадани таранглашар, вужудида қўмсаш... ниманидир қўмсаш туйғусини сезарди. Бу қўмсаш баъзи кунлари ақлдан оз-

дирадиган даражада асабий қилиб қўяр, авж олар, тўғри унинг юрагини, бутун танини кемирарди. У эркак кучоғини кўрмаганига ҳам уч йил бўлганди... Ўша йилнинг охирига бориб, у кўп нарсага чидамсизлик қила бошлади. Энг катта чидамсизлиги эса кейин содир бўлди. Ўша йили у ўша эридан чалғи еган Мирзақул билан ўзи билмаган ҳолда ўралашиб қолди. Мирзақул гаргар билан Анзиратнинг узоқ қариндошлиги ҳам бор эди. Бироқ бу қариндошлик алақачон узилган, борди-келди қилишмасди. Урушдан олдин Анзират уни фақат икки марта: бир марта тўйда, иккинчи марта Нормат билан Қот устида жанжалда кўрганди. Барваста, келишган, юзидан газаб ёғиб турадиган, аммо аёлларни ўзига чорлайдиган нимадир, балким, юзидан ёғилиб турган ҳирс ва сурбетликдир, бор эди. Ана шу узоқ қариндоши унга алоҳида эътибор бера бошлагандан кейин Анзиратга кун чиқди. Аввалига унинг эътибори эриш туюлди, балким эрининг чалғиси учун мени бирон шармисор қилмоқчидир, деб ўйлади. Лекин Мирзақулнинг авзоида ҳеч бир ёмон ният сезилмасди. Раис кўп нарсада унга қайишадиган, алоҳида муомала қиладиган бўлди. Аста-секин унга бу муомалалар беғараз туюла бошлади. Унинг ёрдамини бажону дил қабул қиладиган бўлди. У баъзида Анзиратни кига ҳозир тиллага ҳам топиб бўлмайдиган оппоқ буғдой уни олиб келар, бунинг учун ҳақ ҳам сўрамас, «қийналиб кетибсан, ола қол, болаларинг одам бўлса, менинг ҳам ҳожатимни чиқаришар», деб жўнаб кетарди. Бу муносабатга ҳайрон қолмаса ҳам бўларди; бу ёрдамларни қариндошчиликка олиб бориб тақаш мумкин эди. Буни Анзират беғараз ёрдам, деб ўйлар, унинг олдида ўзини тобора қарздор ҳис қилиб борарди. Унинг қандай қилиб, кўнглини олишни билмасди. Раиснинг унга қайишиши, айниқса, Нормат полвондан қорахат келгандан кейин кўпайди. Энди унинг баҳонаси кўп эди: «Фронтвик оилага ёрдам», «Кўнгли яримта, кўнглини олиш керак», ва ҳоказо, ва ҳоказо. Анзират булар учун фақат Мирзақулдан миннатдор бўларди. Унинг номига дуолар ўқир, уни ҳамма эркаклардан ва қариндошларидан яқин тутарди.

Ўтган йили қиш жуда оғир келди. Қиш билан қўшилиб Нормат полвондан қорахат келди. Ноябрьнинг охирида бошланган қиш мартнинг охиригача забтига олди.

Кунлар аёзли, чўл томондан изғиринли шамол эсарди. Анзиратнинг йиққан ўтини февралнинг ўрталарида тугаб қолди. Буғдой эса... Улар кейинги ҳафтадан бошлаб, арпа нон ейишаётган, арпанинг ҳам таги кўришиб қолган эди. Уруш улар ишониб ва умид қилиб ўтирган ёлғиз сигирларини ҳам олиб кетгач, арпа нондан бўлак илинжлари қолмади. Арпа нон ични суриб кетар, егани юқмас, Холмат билан Ҳожар тез-тез, очқаяпмиз, опа, очқаяпмиз, деб турар, Анзират уларнинг қоринларини тўйғизишга қурби етмас эди. Арпа ҳам тугагач, улар ёлғиз колхозга умид боғлаб қолдилар.

Мартнинг бошларида Ҳожар тўсатдан иситмалаб ётиб қолди-ю, Анзиратни кўрқитиб юборди. Ҳожарнинг аҳволи оғир эди: қаттиқ шамоллаган, устига-устак, қорда оёқ яланг юраман, деб ўзини совуққа олдирган эди. Анзират ўтин тиланиб уйма-уй югурар, уйлари совуқ, зах, устидан чакка ўтиб, кўлмак бўлиб қолган, синган деразанинг бир четидан ҳувиллаб изғирин кирар, қишнинг охири кўринмасди. Қишлоқдошларнинг ҳам ўтини ўзига етмасди. Эркаклар етишмас, эркаклари борлари ҳам ўтин қиладиган эркаклар эмас, ўзларини зўрға амалларди. Ҳожарга иссиқ овқат зарур, лекин ёғ ҳам, гўшт ҳам қиш бўйи тугаган, фақат аталагина кунига ярарди.

— Товуқ шўрва ичирсанг, мадорга киради, иссиқни ўзи қувади, — деди уни кўрган Ўрол табиб. — Бу туришда айрилиб қоласан...

Товуқ гўшт эса фалон пул эди. Ўнта товуқнинг пулига бир сигир сотиб олса бўларди. Анзиратда эса пулнинг ўзи ҳам йўқ, ҳаммасини урушнинг бошидаёқ Норматга олиб бориб топширганди. Уйларида егулик нарсани топиш қийин, сотишга эса... ким ҳам сути қуриб қолган эчкига товуқни алмаштирарди? Эчкини сотай деса, ким ҳам эчкини Бошчорбоғга олиб бориб берарди?! У отликқа икки кунлик йўл. Пиёдага эса...

Анзират Ҳожарнинг бошида туни билан ухламай ўтириб чиқар, унинг алаҳсираб, оғриқ аралаш ҳушига келолмай ётишига қараб, ўт бўлиб ёнаётган пешонасига лабини босарди.

— Опажон, мени кутқайинг, мени кутқайинг, ўлиб қоламан? — алаҳсиради Ҳожар. — Сув бейинг, сув ичгим кеяпти... қор сув бейинг, опажон...

— Қизим, сенга совуқ сув ичиш мумкинмас, —

дерди Ҳожарни бағрига босиб Анзират. — Эртага тонг отсин, товук топиб, шўрва қип бераман, тузалиб кетасан, тонг отсин...

— Мен шуйпа ичмийман... — йиғламсирарди Ҳожар. — Сув ичаман, сув бейинг...

Ҳожар кейинги кунларда кўзини умуман очмайдиган, очганда ҳам бир зумга очиб, Анзиратга ялинчоқ алфоз қараб: «Опажон, ёниб кетаяпман... опажон», дерди ва яна юмиб оларди.

— Қизим, қизгинам, дардларингни менга берсин, қизим!.. — Йиғларди Анзират нима қилишни билмай. — Худойимга сен нима қиб эдинг, менга берса бўлмасмиди бу касални, қизгинам. Э, худойим, шунча қилаётганинг каммиди!..

Ҳожар сурункасига икки кун кўз очмади. Анзират дод-вой қилиб, у ёққа югурди, бу ёққа югурди, лекин товук ҳеч кимдан топилмади.

Учинчи куни Анзират эрталаб туриб колхоз идорасига — Олмага, Мирзақулни излаб борди. Охирги умиди ундан эди. Агар у ҳам йўқ деса, Ҳожардан айрилиши турган гап эди. Мирзақул уни очиқ юз билан кутиб олди ва унинг дардини эшитиб, кўп афсус чекди.

— Бирдан менга келавермабсан-да, — деди у бош чайқаб, ўпкалангандек. — Фронтчининг оиласига шундай пайт ёрдам бермасак, қачон берамиз? Бизди ҳукумат нима учун бу ерга қўйиб қўйибди... Эҳ, сиз хотинлар, кимдан талаб қилишни билмайсилар...

Мирзақул колхоз отбоқарини қаёққадир жўнатиб, бир соатларда Анзират уч кун излаб тополмаган товукни — яна сариқ товукни оп-осон топиб берди.

— Худо ёрлақасин сизни! — йиғлаб дуо қилди Анзират. — Мендан қайтмаса, худодан қайтсин, болаларингизнинг роҳатини кўринг, илоё, мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин!..

— Бўпти, бўпти, майли боравер, эртага ҳам кел, яна битта товук топиб қўяман, — деди Мирзақул, сўнг ниманидир ўйлаб: — Яхшиси овора бўлма, — деди. — Халил отбоқарникига ўзинг бора қол, мен обориб қўяман... Бор, бор энди.

Анзират қайта-қайта дуо қилиб, севиниб жўнаб кетди. Бора солиб, товукни шўрва қилиб, уч марта ичирди. Ярим кечаси Ҳожарнинг пешонасидан тер чиқа

бошлади. Анзират худога шукурлар қилиб, кечаси билан Мирзақулни дуо қилиб чиқди. Эртасига қишлоқнинг чеккасидаги Халил отбоқарникига жўнади. Халил отбоқар ўрисиқат, элга аралашавермайдиган, доим ичиб юрадиган, очарчилик йиллари Фарғонами, Андижон тарафлардан келиб қолган, сўққабаш одам эди. Унинг уйда бўлишидан бўлмаслиги кўп эди. Анзират нима учун Мирзақул айнан шу жойни танлаганини хаёлига ҳам келтирмас, Мирзақулнинг имони бутун одам эканига ишонган, ҳеч қандай шубҳага бормаганди.

У Халил отбоқарнинг кичкина, худди катакка ўхшатиб қурилган уйига етиб борганда, уй олдида ҳеч ким кўринмасди. Деразасига тахта кўйиб михлаб ташланган, эшиги қия очиқ эди. У айвонда туриб, «Халил ака!», деб чақирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмагач, секин эшиқдан ичкарига бош суқди ва печка ёнида ўриндан тураётган Мирзақулни кўрди.

— Кел, киравер, — деди у хижолат бўлгандек. — Мен ҳам Халилни кутиб ўтирибмаи, келмаяпти. Кутиб, мизғиб қопман. — Мирзақулнинг юзида қандайдир хавотирлик ва аёлни кўрганда голиблик нашидалари бор, у нимадандир хурсанддай эди.

Анзират ичкари кирди.

— Кел, ўтир, — деди Мирзақул, сўнг уни бошдан-оёқ кўздан кечирди-да, кўзлари йилтиллаб кетди. — Анча совиб қопти, мен печка ёқай,

— Мен ёқа қолай, — деди Анзират ундан миннатдор, қарздор оҳангда. — Ўтин қаерда?

— Йўғ-э! — деди Мирзақул. — Майли, ана, айвоннинг нариги бурчагида, устига пичан ташлаб кўйилган.

Анзират ўтин келтириб печкани ёқди. Мирзақул ўтирган ерида уни кузатиб турар, ниманидир режалаштираётгандек бесаранжомлик бор эди юзида. У филқ этиб ютиниб, гоҳ ёнбошлар, гоҳ яна қаддини кўтариб, ўтирарди. Анзират печкани ёққач, эшик олдида турган хуржундан боғланган товуқ чиқарди.

— Мана буни опқўй, — деди Анзиратта узатиб. — Хўш, энди айт-чи, яшашинг ёмонми?

— Бир нав, — деди Анзират. — Ўтиб турибди. Кўпчилик қатори. Элга келган тўй.

— Энди қийналмайсан, — деди Мирзақул тўсатдан

унга яқин келиб, мулойим-юмшоқ оҳангда. Унинг ово-зида меҳр бор эди.. — Кел, яқинроқ ўтир. Нега осто-нага ўтириб олдинг? Чақиб олмайман, мана, кел, тўшак-да ўтир...

— Ҳозир тураман, — деди Анзират. — Қизимди бир ўзини ташлаб келгандим.

— Товуқ шўрва ичирган бўлсанг, қизинг ухлаб қол-гандир? Ҳозир кетасан, озроқ гурунг қил, мен ҳам фронтчиларнинг оиласи қандай яшаётганини билишим керак... Кел.. яқинроқ ўтир...

— Яшаяпмиз... — деди Анзират. Мирзақул ёмон хаёлга бормасин деб унинг қаршисига, тўшакка чўк-ди. — Қийналганимиз билан додимизни кимга айтар-дик? Элга келган тўй, ака.

— Энди қийналмайсилар, — деди Мирзақул юзига ясама кулгу эндириб, Анзиратнинг тиззасига, нимча-сини туртиб чиқиб турган сийналарига суқ билан ти-килар экан. — Мен қийнаттириб қўямийман сизлар-ни.

— Раҳмат, ака, шусиз ҳам кўп яхшиликлар қил-дингиз, худо ярақасин, умрингиз узун бўлсин.

— Қуруқ дуо билан иш битармиди?.. — ишшайди Мирзақул унга кўзларини лўқ қилиб тикилиб.

Анзират унинг тикилишидан хижолат бўлди. Га-пини ўзича тушунди.

— Биз бечораларнинг қўлидан фақат дуо келса нима қилайлик, ака, қани, биз сизнинг бир хизматингизга ярасак... ўзимизди зўрға эплаймиз.

— Э, Анзират, ундай дема, сенинг қўлингдан кўп иш келади. Мунақа чирой билан подшони оғдириб оласан.

Анзират қизариб кетди. Қизарганда қошлари яна-да қорайгандек, кўзлари тўрт йилдан бери эркак ки-шидан эшитмаган энг роҳатбахш сўзни эшитгандек бўлди.

— Қўйинг, ака, одамди уялтирманг. Бу ҳолатимда биров менинг чиройимди пишириб ермиди...

— Пишириб ейдиганлар топилади. — Мирзақул сирли қилиб, сўнг олдинга эгилганга ўхшади-ю, Анзи-ратни чап қўлидан ўзига силтаб тортди, бўйнидан қат-тиқ қучоқлаб олиб, лабларидан очкўзлик билан ўпа бошлади.

— Вой... вой! — шивирлади қўрқиб кетган Анзи-

рат. — Вой... ака... нима қияпсиз... кўрганлар нима дейди?... Қўйиб юборинг... қўйиб юборинг...

— Бу лаҳзаларни олти ойдан бери кутаман... — деди ҳансираб Мирзақул ва Анзиратнинг сочини қўлига ўраб, чопонини еча бошлади.

Анзират унинг қўлларидан қутулишга ҳаракат қилар, бироқ кучли қўлларнинг олдида у ожиз эди.

— Қўйиб юборинг! — бақирди у. — Қўйиб юборинг. Ҳозир додлайман, шарманда қилманг, қўйиб юборинг.

— Йўқ, энди қўйиб юбормайман. Қачондан бери кутаман сени... чиройингни кўргандан бери сени пойлайман. Энди етишдим деганда, қўйиб юбораманми? Сенга шунча хушомад қилганим етмайдими? Энди сен ҳам эри-да. Нимадан қўрқасан?! Эрингдан қорахат келган бўлса. Олдинг очиқ, даврингни сурмайсанми?!..

У Анзиратни даст кўтариб, тўрдаги тўшак устига олиб ўтди. Анзират унинг қўлларида типирчилар, юз-кўзига аямай урар, «шарманда қилманг», деб ялинар, Мирзақулни кўксидан нарига итарар, бироқ барибир халос бўлолмасди.

— Берган нарсаларингга куйдирги чиқсин... — йиғлаб юборди у Мирзақулнинг терлаб кетган башараси аралаш кучсизгина шапалоқ уриб. — Ҳаммасини тўлайман, фақат қўйиб юбор.

Мирзақул унинг чопонини ечиб бўлгач, кўйлагининг ёқасига қўл солиб бир тортишда охиригача айириб ташлади. Оппоқ сийналарга ҳирс ва очкўзлик билан ташланди.

— Ҳи-ҳи... — ҳансираб ва беўхшов ишшаяр эди у. — Жоним, ўзим сенга уйланаман, хотинимни қўйиб юбораман. Сени деб қанча ойдан бери тинч ухломмайман... Сенсиз... сенсиз... — Анзират икки қўли билан сийналарини яширишга уринар, Мирзақулни қарғар, сочларидан тортар эди. Бироқ Мирзақул ҳеч нарсага парво қилмас, ютоқиб тишлар, бўш қўли билан Анзиратнинг очиқ қорнини... силарди... Анзират кўп олишди. Охири мадори қуриб, индамай қолди...

...Ўша кундан кейин анчагача Анзират бу воқеа қандай содир бўлганини англолмай гарангсиб юрди. Ўз ёғига ўзи қоврилди. Ҳар нарсадан чўчийвериб, тентак бўлиб қолаёзди. Йигирма тўққиз ёшида сочига оқ тушди. Кейин... гуноҳининг кечирилмаслигини англаш,

Мирзақулнинг кейинги келишига замин яратди. Эридан қорахат келгани уни бир оз хотиржам қилди: гуноҳи унча катта кўринмади. Англашилган ва содир бўлган гуноҳ иккинчи гуноҳнинг остонасидир. Аслида унга барибир эди. Энди қандай қилиб бўлса ҳам яшаса бўлди, қийналмаса бўлди эди. Қийинчиликлар унинг юрагини олиб қўйганди. У бу туйғуни туйиши билан ҳеч нарса унга қизиги қолмади. Ҳаммаси тутагандек, энди бошқа биров бўлиб яшаётгандек сезарди ўзини. У болаларимнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шундай қилдим, бўлмаса, улар ўлиб кетарди, ана, шусиз ҳам қишлоқда очликдан касал бўлиб ўлаётганлар озми, деб ўйларди ва енгил тортганга ўхшарди. Бироқ бу ерда яна бошқа биров бор эди. Ўша бошқа биров, бошқа бир вужуд ҳар куни Мирзақулнинг суйиб эркалашини, соқоли олинмаган чакаги билан бўйнини қитиқлашини, уч йилдан бери эркак ҳидини кўрмаган сочларини эркак қўллари силашини... хуллас, эркакни, эркакнинг дағал қилиқларини, улардан келадиган ёқимли ва эҳтиросни кўзгайдиган ҳидни кўмсарди. У энди ўз қисматига қарши гапиролмас, гапирганда ҳам қисмат унинг бутун айбини очиб ташлаган, ҳалок қилган бўлар эди. У вужудидаги ўша бошқа бировни бўғиб ўлдиролмас, аста-секин унга таслим бўлган, ўзининг бутун инон-ихтиёрини, келажагини, орзу-умидларини унга топширган; унинг қули, унинг одами бўлиб қолган эди.

Бироқ, қишнинг бошларида, худди момақалдиरोқдек, гумбурлаб Нормат полвон урушдан қайтиб келди. Унинг урушдан қайтиши Анзиратнинг ҳаётида кескин бурилиш яшашга мажбур қилди. У эрини худди аввалгидай кутиб олишга, аввалгидай муомала қилишга уринди. Эрининг болалари ёнига қайтиб келганини кўриб, хурсанд бўлиб, бўғзида тикилиб ётган алами тарқагунча йиғлади. Лекин кечаси эрининг оғушига киратётгандагина бу одам учун ўзининг энди ҳаром эканлигини, ўзи учун энди чинакам бахт ҳаром эканини ҳис қилди. Барибир яшаш, Нормат полвондаги иштиёқ унга ҳам таъсир қилди. Болаларининг чулдираши, уйда эркак овозининг борлиги унда яна яшашга иштиёқ уйғотди.

Ҳаммаси унинг учун яхши тутаган бўлса ҳам у ҳали бу нарсаларни хотима деб билмас эди. Хотимаси

ҳали олдинда эканини, энг даҳшатлиси ҳам олдинда эканини ҳис қилар, ҳис қилган сайин қўрқувдан даҳшатга тушар эди. Бир куни юрагида ўлиб бораётган ўша биров бирдан бош кўтариб, ўзининг аччиқ ҳақиқат тўла найзасини унинг қаеригадир, эҳтимол юрагига санчишини, ундан тирик қолиши даргумон эканини билар эди.

Бир куни Нормат қайгадир чиқиб кетган, Холмат эса эски наमतнинг устида Ҳожарга ошиқларини кўрсатиб мақтаниб ўтирар, ўзи эса сўкилиб кетган хуржуннинг бурчагини ямаётган эди. Бигизлар тўқималар орасидан усталик билан алмашиб ўтар, қўлида чеварлик билан айланар, чок жой-жойига тушар эди. У бундай нарсаларнинг устаси эди. Кун тушдан ошган, ташқарида қор ёғар, унинг эса кўзлари тиниб, ўз-ўзидан юраги тўлиб бормоқда, ғашлик уйғонмоқда эди.

Шунда ошхона томондан Норматнинг таҳдидданми ёки қувончданми — фарқлолмади:

— Анзират, — деган ўкириги келди.

У чўчиб туриб, ирғиб турди-ю, миясига лоп этиб урилган фикрдан тиззалари қалтираб ўтириб қолди. У энди ҳаммаси тамом, эрим бир нарсани эшитиб келди, ўша мен кутган лаҳза содир бўлди, у ана ташқарида туриб, ҳозир мени кўриб, янчиб ташлайди, деб ўйлади, нажот кутгандек Холматга жовдираб боқди. Холмат югуриб ташқарига чиқди: кимнингдир чийиллаб гапирган товуши эшитилди. Салдан кейин эшикдан Холмат билан унга жуда ҳам таниш ва жуда ҳам муқаддас чеҳра — отаси Мулла Хидирнинг нигоҳи кўринди.

— Отажон! — унинг увишиб қолган тиззалари қарсиллаб кетди, димоғида таниш ҳидни туйиб, отасининг бўйнидан кучоқлаганча йиғлаб юборди. Унга ҳозир бу одам жуда зарур, жуда керак эди. Йўқ, у отасига гуноҳини айтиб, ўзини оқламоқчи эмасди. Фақат кўздан бери тўлиб турган юрагини бўшатиб, хижилликларини ёйиб олмоқчи эди. Отасининг бағрида узоқ йиғлади. Акалари ва онаси ўлгандан кейин отасининг гавдаси кичрайиб, чўкиб қолган, анча кексайганди. Отаси уни ўзича тушунди.

— Қўй, қизим, юрагимни эзма... Мана, эринг қайтибди, болаларингнинг бахтига шукр қил, қизим, худо де...

У отаси айтмаса ҳам худо дер, шукр қилар, худодан худди ўзидан қўрққандай қўрқар, уни Нормат билан бирга яшашга қайтарган куч ҳам, уни хатоси учун доим тергаб турадиган куч ҳам худди шу қўрқоқлиги ва ишончи эди. Бироқ унга ҳозир шукр қилишнинг ўзи етмас, худо дейиш унга камлик қилаётган, бу шукроналик, бу товба унга ёрдам бермаётган, аксинча, уни иккиси ўртага олиб, сўроқ қиларди — у бу ишга қадам қўйган кечасидан бошлаб икки киши бўлиб яшай бошлаганди.

Мулла Хидир бир кеча ётди-ю, зртасига қайтиб кетди.

— Энди бошингдан нима ўтган бўлса, унут, — деди отаси кетиш олдидан унга худди кўнглини уққандай. — Энди у кунларни унут. Нима кўрган бўлсанг, кўрмадим де. Уруш ҳаммани йўлдан оздирди. Эринг яхши одам. Уни ҳурмат қил, унга меҳр қўй...

Анзират бу гапларга чидай олмади, хўрлиги келганидан ва алаmidан ялинчоқ оҳангда:

— Отажон! — деди-ю, отасининг оғзини ёпди. У эри ҳақида бошқа гап эшитишдан, ўзининг бу гапларга бардош беролмай қолишидан қўрқди.

Отаси кетгандан кейин у Норматга меҳр қўйганга ўхшаб юрди-ю, барибир кўнглини ўша бир парча муз совутиб турди. Яна аввалгидай гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ яшай бошлади. Аста-секин шундай муаллақ яшашга кўникди ҳам.

Х

У болалигида Катта дарёнинг қуйроғидаги қишлоқларининг қандай ёнганини, болалар ва одамларнинг қандай осилганини кўрган эди. Қишлоқларига дарёнинг нариги бетидан бир тўда милтиқ кўтарган одамлар ўтиб келар, қишлоққа қий-чув солар, талар, кетиш олдидан ёқиб, яна нариги қирғоққа ўтиб кетишарди.

У болалик тасаввури билан қанча кузатмасин, қишлоқдошларига ўлим, кулфат, йиғи олиб келадиган ўша одамлар ҳамиша дарёнинг нариги қирғоғидан ўтиб келишар, яна талаб, уриб, ёқиб қайтиб кетишарди, Ўша пайтлардан бери Анзиратнинг тасаввурида нариги қирғоқ (у «нариги бет» дерди) жуда ёмон из қолдир-

ган, у дарёнинг икки бетидеги икки хил ҳаётни ҳис қилар, бири тер тўкиб йиғар, иккинчиси талаб кетар — назарида, нариги қирғоқ бахтсизлик келтирадиган қирғоқ эди. Энди эса ўзининг ҳозирги ҳаётини ҳам дарёнинг икки қирғоғига ўхшатар, ҳатто бу даражада ўхшашликдан ҳайрон ҳам қоларди.

Унинг эри кетгандан кейинги ҳаёти дарёнинг шу қирғоғи — ўлим, очарчилик соя солиб турган, алланечук серкулфат қирғоқ эди. Бу қирғоқда у ўлиб кетиши, бутун орзу-умидларидан айрилиши, икки бола билан ёш, сулув бўла туриб, бева қолиши (у ҳаммасидан ҳам шу нарсадан кўрқарди) мумкин эди. У ўзининг бахтига ўзи зомин бўлишни истамасди. У ҳам ҳамма аёлларга ўхшаб, яхши яшашни, турмуши фаровон бўлишини, ҳаётда ҳеч нарсанинг ташвишини тортмай яшашни истарди. У ҳамма гўзал аёллар каби ўз гўзаллигини билар, билгани учун ҳам ўзининг ҳаётда сиқилиб яшаши мумкин эмасдай туюлар, орзу-умиди ҳам шунга яраша эди.

Бироқ у жуда таъсирчан аёл эди. Бу таъсирчанлиги унга отасидан ўтган эди. Мулла Хидир ўжар бўлгани билан кўнгли бўш одам эди. У бировни сўқар, жеркиб ташлар, ҳайдаб соларди-ю, кейин ўзи пушаймон бўлиб юрарди. Анзиратта отасининг худди шу феъли ўтган эди.

Норматга текканда у қизлик орзусининг амалга ошганини англади. Нормат ҳам ўзи каби ўт, олов, ғайрати ичига сиғмаган, қони қайноқ йигит эди. У яхши деҳқон, номи чиққан чавандоз эди. Топари ҳам яхши, фақат кўпкарининг ўзидан тушгани билан катта бир оилани боқса бўларди. Яна келинлар учун битилгувчи қисмат — қайнона ва қайнота Анзиратга ато этмаган, улар сал олдин ғойибга бирин-кетин сафар қилган эдилар. Нормат ёлғиз эди, Анзират ана шу ёлғизнинг файзсиз, фараҳсиз кулбасига файз ва чироқ бўлиб кириб келди. Ўзи орзу қилгандек хонадоннинг маликаси бўлди.

Келинлик либосини ечмай, Норматга ўрганиб қолди. Кечалари унга отаси ва ўзи ўқиган эртақлардан айтиб берар, «сиз келмасингиздан олдин ўзимни эртақдагидек тутар эдим», дерди қизлик пайтларини эслаб. «Негадир ўша сизни кўрган булоқ бошига келиб, хаёл суришни яхши кўрардим. Булоқ бошига қандай-

дир шахзода отини суғорғали келади, оти оппоқ бўлади, у мени отига мингизиб, ўз юртига олиб кетади, мен малика бўламан, деб ўйлар эдим. Сиз кулманг, ростдан ҳам шундай ўйлардим. Кулманг, дедим-ку! Ана, куляпсиз, чиндан шундай ўйлардим, менга ишонмаяпсиз-а? Ана, куляпсиз-ку, мен эса тўғрисиани айтяпман, сиз оқ от миниб борганингизда сиздан кўрқиб кетганман, худди ёввойи одамга ўхшардингиз, ростдан ҳам ёввойи эдингиз, ҳозир ҳам ёввойисиз. Назаримда, ўша подшо жодутар кампирнинг гапига учиб, мени чўлдаги қудуққа ташлайди, мен эса қудуқда ҳеч нарсани кўрмай, кўп йиллар яшайман, биздан туғилган ўғил мени қутқаради, деб ўйлардим. Қаранг, жинниман-а, ғирт жинниман!.. Шундайми, сиз менинг устимдан куляпсиз, мен эса сизга... Ана, ана, кулдингиз». Булар унинг энг ширин хотиралари эди. Унга ўша пайтда — серкулфат қирғоқда ёлғиз қолган пайтда хотира эмас, меҳр, аёл меҳридан, одамлар меҳридан ўзгачароқ, аниқроғи, эркак меҳри керак — у шу меҳрга ташна эди. У ҳаммасига чидаши мумкин, бироқ меҳрсиз яшай олмасди, меҳрсиз тобора ўз ўзанига сиғмай бораётган эди.

Шундай кунларда дарёнинг нариги қирғоғидан жуда кўркам ва худди эртақлардаги каби кема келиб, уни нариги қирғоққа олиб кетди..

Унинг ўзи ҳам бир умр фақат гам, қайғу ташвишларнинг зах соясида яшагандан кўра бир кун бўлса ҳам ташвишлардан йироқ, қандай бўлишидан қатъи назар, ўша ўзи ахтарган меҳр бор қирғоқда яшашни истарди. Бунинг учун у ўзининг эски хотиралар либосини ечиб ташлаши; янги, ҳаммиша таъқиб этиб юрадиган либос кийиши керак эди. У шундай қилди ҳам. Кемага ўтириб, нариги қирғоққа борди. У қирғоқнинг гарчи йиғили, изтиробли бўлса ҳам, лекин қийинчиликлардан, ёлғизлик ва ташналиқдан йироқ ҳаётда пушиб, чўчиб яшай бошлади.

У одамови ва ҳар бир галдан ҳадиксирайдиган бўлиб қолди. У истамагани ҳолда Мирзақулнинг боқимандасига айланди. У бу қирғоқда қанча кўп яшаса, шунчалик тубанлашиб, шунчалик номуссиз хотинга айланиб борарди. Аммо йилнинг охирида уни жуда улкан куч нариги қирғоқдан тортиб олиб, ўзининг эски либосини қайта кийдирди ва аввалги турмушини изга солиб юборди.

Анзират мих устида юргандай юрар экан, ўша ўзини нариги қирғоқдан тортиб олган кучга ўз ихтиёрини топширди. Бу куч унга таниш, уни бахтиёр қилган ва зор қақшатиб, уч йил куттирган куч эди. Бу куч уни яна бахтиёр қилмоқда, ўтмишдаги хатосини ўчириб ташламоқда, қалбида ҳаётга муҳаббат уйғотмоқда эди. Лекин бу муҳаббат унинг муаллақлигини эслатиб турарди. Анзират на эски-ю, на янги ҳаётга тўла кириша олар, на уни ташлаб кета оларди. У ўзи босаётган қадамидан чўчиб яшар, ўз хатосидан қўрқарди. Анзират бу кунларнинг хотира, эртанги кун бўлиб, ёхуд қачонлардир бўлиб ўтган ёшлиқдаги хатоси бўлиб қолишни истар, ухласам-у тонгда бошқа дунёда, мутлақо бегона одамлар орасида уйғонсам, уларнинг орасида чўчиб эмас, ҳаётга, одамларга ўша аввалги ҳалол, содиқ аёл кўзи билан қарасам, деб орзу қилар, баъзан бошқа узоқроқ қишлоққа кўчиб кетсак-чи, ахир, уруш бошлангандан бери қанчадан-қанча уйлар эгасиз, ҳувиллаб ётибди, кейинроқ уруш тутагандан сўнг ўзимизга яхшилаб уй қуриб олармиз, деб ўйларди. Бироқ кўчиш ҳақида Норматга гап ҳам очиш мумкин эмас, у сабабини суриштириб қолишидан қўрқарди. У ҳамма одам менинг Мирзақул билан бўлган муносабатимни билади, билгани учун ҳам мен билан аввалгидай, билинтирмай муносабат қилади, ичида эса кулади, деб ўйлар, унга одамларнинг ҳар бир ҳаракати ўзининг гуноҳига шаъма, пичинг бўлиб туюлар, ҳар бир одамнинг гапини кўнглига олар, ўксир, одамларни тобора ёмон кўриб борар эди.

Бир куни Бийди момо уларникига келиб ўтирди-да, кетиш олдидан томдан тараша тушгандай қўллари-ни дуога очди ва:

— Илоҳи тўполонга кетганлар омон қайтсин, тўполон бошлаганнинг ўзи тўполоннинг остида қолсин, бу ерда қолиб, аскарнинг хотинини бузганларни ҳам тўполонли қора ер ютсин, — деди.

Унинг нима учун шундай деганини на Анзират, на Нормат англай олди. Анзират унинг гапини эшитиб, сесканиб кетди-ю, кўзини ерга олиб қочди ва энди нима бўлишини кутди. Бироқ у кутган ҳеч нарса содир бўлмади. Бийди момо ўрнидан туриб, инқиллаб букчайганча, қариб, сўлиб қолган гавдасини зўрға судраганча ичида нималардир деб гўнғиллаб чиқиб кетди.

Салдан кейин унинг уйи тарафдан: «Ҳа, қора босгурлар-ей, уйда ҳеч туришмайди, нуқул эркак иси бор жойга югуришади», деган жавраши эшитилди. У кетгандан кейин ҳам Анзират анчагача ўша ҳолатда, дастурхон бошида ўтириб қолди. Сўнг бирдан ҳамма одамни ёмон кўриб кетди, бу ерлардан кетгиси, одамларнинг кўзидан йироқроқ яшагиси келди.

Майли, бирон чордевор бўлса ҳам бўларди, ўйларди у, ҳаммасига чидайман, оч қолишдан қўрқмайман... Фақат эри, болалари ёнида бўлса бўлди, у ҳаммасига чидайди, музлаб ўлишга, тиланчилик қилишга, ҳаммасига рози, юрак ҳовучлаб яшамаса бўлди, ҳамма нарсага тоқат қилади, фақат одамларнинг кўзидан нарироқ турса бўлди...

Бу фикрлар унга бир йил кечикиб келаётганига ўзи ҳам ажабланарди. Агар бу туйғуни олдинроқ, ақалли олти ой олдин ҳис қилганидами, бу воқеа содир бўлмаган; у ҳам бу тариқа зил кетиб яшамаган бўларди. Унга ҳаммасидан ҳам эрининг сокинлиги ёқмасди. Нормат ҳам деярли ҳеч нима бўлмагандай, сезмагандай, у билан аввалгидай дам қайноқ, дам жиддий муомала қилар, болаларга кўпроқ андармон бўлар, гўё улар билан овунмоқчидай эди. У уч йил урушда юриб, ўзи ҳам болага айланиб қолгандай эди. Унинг ҳамма ҳаракатлари худди боланикидай, лекин беўхшов эди. Анзиратга атайлаб шундай қилаётгандай туюлар, болалар билан ўйнаётганини, унинг елкасидаги Ҳожарнинг қиқир-қиқир кулаётганини ёки Холматнинг ҳайратланиб, эшитган бўлса ҳам яна ўша Бобо Бойхун ҳақидаги эртакни берилиб эшитаётганини кўрса гаши келар, кўнглининг бир чеккасида ҳасад уйғонар эди.

Гоҳида Норматнинг ва болаларнинг кулгисини кўриб, унинг кўнглидаги ғубори бир оз ёзилар, у ҳам мана шу шовқинли-шавқли ҳаётга қўшилиб кетишни истар, лекин бу ҳаётнинг остонасидан ҳатлаб ўтиш билан дарров изига қайтар, яна шубҳа уйғонар, эрининг сукути, бу шодонликлари катта сел олдидаги дарё жимлиги деб ўйлар, яна турли хил гумонлар уни турли томондан қистовга олар, бадбуруш панжаларида аямай эзғиларди. У ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдиган бўлиб қолганди.

Мирзақулни дарё бўйида учратгандан кейин унинг кўзлари ярқ этиб очилгандай бўлди ва эрининг майиб

бўлиб келгани ногаҳон эсига тушиб қолди. У Норматнинг қайтиб келишидан шунчалик қўрқиб кетган эдики, токи Мирзақул айтмагунча, шу қўрқув таъсирида эрининг бир оёқ бўлиб қайтганига ҳам унча эътибор бермаганди. Мирзақулнинг гапидан кейин эрининг оёқсиз қайтгани унинг қоронғи кўнглига чироқ ёққандай бўлди; ахир у оёқсиз, яримжонга ким ҳам тегарди, у менинг гуноҳимни кечирса бўлади, уни фақат мен шундай авайлаб-асраяпман, унинг чўлоқлигига фақат мен кўникиб яшаяпман, бошқа бўлганда ёш жонини шу майиб одамни деб қурбон қилиб ўтирмаган, шартта жавобини олиб кетиб юборган бўларди. Ана, Розия шундай қилди-ку, у ҳам яшаб юрибди-ку, менга ўхшаб, қийналиб ҳам юргани йўқ, эри тирик ва соппа-соғ бўлса ҳам, боши қалтирайди деб, онасиникига ташлаб, ҳосилотнинг уйига бориб олди-ку, одамлар ҳам шунга кўниқди, одамлар ўзи ким — бир тўда фисқу фасодчи, менга ўхшаган кўнгли бўшларнигина ғийбат қилишади, ким ўз йўлидан қайтмаса, ўшаникини маъқуллашади; илгарилари тўғри айтишган, «одамлар подага ўхшайди, қаёққа ҳайдасанг кетаверади» деб. Мирзақул билан ҳозир ҳам ўйнашиб юрсам, эрим хурсанд бўлиши керак, унинг тумтайишини, ғурурини ким кўтаради, у замонлар ўтиб кетди, энди ҳар ким ўғрилиқ, ғарлик қилиб бўлса ҳам яшаб қолсам бўлди, деган замон; унинг яримжонлигига фақат мен чидаяпман, унинг сассиқ оёғини ким ҳам кучоқлаб ётарди, мен эса унинг исқиртлигига кўникиб яшаяпман, деб ўйлайдиган бўлиб қолган эди. Бу ўйидан ўзи ҳам қўрқар, лекин бу ўй аста-секин тасалли бера бошлаган, Норматнинг баъзи қилиқлари энсасини қотирадиган бўлиб қолган, унинг эзмаликлари кўнглига урган, назарида эри кўп бекорчи ишлар билан шуғулланаётгандай бўлар, келганидан бери бирон ишнинг бошини тутмай, уйда ағнаб ётиши жонига тега бошлаган, ҳамма ташвиш ўзининг бошига тушганини, у шу уйни деб ўлиб-тирилаётганини, афтидан, Нормат билмаётгандай, билса ҳам билмасликка олиб, мурдага ўхшаб чўзилиб ётишни одат қилиб олгандай туюларди. Айниқса, эри оёғининг яраларини очганда унинг кўнгли айнир, ўзининг юрагида бу ярага ачиниш аломатини сезмас, ярани ювиш ва боғлашга зўрға чидар, баъзан яра кўнглини ағдараётганини эридан яширмас,

яра эса кўтир бўлиб, бита бошлаган бўлса ҳам йиринглаб, илвираб турар, унга ҳар ҳафтада малҳам кўйиб, боғлаб туриши керак эди.

Шариф чавандоз қаердандир олиб келиб ташлаб кетган бир шاپалоқ гўштни қайнатиб, шўрвасини ичиб ўтиришганда худди шундай қилди. Дастурхон атрофида ҳамманинг димоғи чоғ эди. Анзират ҳам негадир ўпа куни жуда хурсанд эди, у бундай пайтларда очилиб-сочилиб кетар, шарт бўлмаса ҳам болаларини эркалар, уларни «сизлар» эди. Ҳамма ўртадаги катта тол косадаги овқатни ҳур-ҳур ичишар, болалар бир оз шўхлик қилаётган бўлса ҳам дастурхон устида ширин суҳбат кетар, у эри билан бу йилги баҳор, экин-тикинлари ҳақида гаплашарди. Эрининг оёғи билан тегишишдан ийиб кетган Анзират: «Қани энди ҳамиша шундай бўлса? Яқинда уруш тугайди, кўклам келади. Яна биз учун ҳамишагидай ташвишлар бошланади. Ойдонанинг ўғли галагов* ҳайдаганида қанчалар ҳавас қилгандим. Энди менга худди шундай ҳавас қилади-ганлар бўлади. Биз кўш ҳайдаймиз. Холмат ҳўкизни етаклаб юради. У ҳам катта йигит бўлиб қолди. Тавба, худди отасига ўхшайди. Худди қуйиб қўйгандай. Қишлоқда ҳам тинч ҳаёт бошланади; қани энди мен ҳам боламнинг кўш ҳайдаб юрганини бир кўрсам. Дунёда ҳеч армоним қолмасди», деб ўйларди.

Холмат билан Ҳожар худди чумчуқ болаларига ўхшаб чирқиллашаётган эдилар. Нормат катта дўлаболлиш кўйиб, ясама оёғини сал орқага тортиб, ёнбошлаб ўтирган эди. Шўрвадан кейин ҳил-ҳил пишиб, буғи кўтарилиб турган гўшт ўртага кўйилди. Гўштнинг қайноқ ҳиди гул этиб димоғларга урилди, ҳаммаси яна ҳам хурсанд бўлиб кетишди. Гўштни тўфрагунча, Холмат билан Ҳожар Анзиратнинг кўлига осилишиб, шовқин кўтаришди. Анзират уларга одобсизлик қилгани учун, қовоғини уюб, дўқ уриб кўйди. Нормат кўлидаги гўштни тўфраб бўлиши билан ҳамма унга иштаҳа билан ёпишди. Анзират икки бурда гўштни оғзига солиб, мазасини олиш учун яхшилаб чайнай бошлади. Шунда унга тегажоялик қилиб ўтирган Нормат гўшт еяётган кўли билан ярасини шошиб қашиб қолди. Кейинги кунларда унинг устки яралари битаётган, шу сабабли,

* Галагов — (шева) кўш ҳайдаш

тез-тез қичиб турарди. Нормат почасини тиззагача кўтариб қашлар экан, бирдан яра кўчиб кетди, бармоқлари қон аралаш йиринг бўлиб қолди. У хижолат аралаш, Анзиратга қарамай, ярасини ечиб кўра бошлади. Анзират унга қаради-ю, оғзида чайнаётган гўшти бўғзига тикилиб қолди, кўнгли кўтарилиб, оғзини шартта юмганча югуриб чиқиб кетди, ўчоқбошига етар-етмас қайд қилди.

Ювиниб уйга кирганда, дастурхонда гўшт ўша ҳолатда турар, Холмат билан Ҳожар бир гўштга, бир тумшайиб олган Норматга, бир унга қараб, ҳайрон бўлиб туришарди. Нормат унга даф-даф қалтираганча, кўзлари қизариб қаради. Унинг жағлари учаётган эди. Анзират эса, касали тутиб қолдими, деб қўрқиб кетди.

Шу кечадан кейин Анзират уч кунгача Норматнинг тумтайиб юрганидан хурсанд ҳам бўлди. Кейин ярашиб кетганларида эса ўкинди. Уч кун ичида у Норматга керакли жавобларни тайёрлаб юрди. Ким ўзи у, нимасига ноз қилади, бор-йўғи мажруҳ одам, агар бирон нарса деб тергайдиган бўлса, у шуни айтади. Бор, бошқасини топа қол, дейди, ўзига эса ўлиб турганлар сон мингта, майиб одам кимга ҳам керак, пешонам шўрлигидан менга тушиб қолган-да...

Бироқ Нормат ундан ҳеч нарса талаб қилмас, аввал қандай бўлса шундай муомала қиларди. Бу эса уни баттар қийнар, Норматдан ўзини ҳақоратлашни, уришни, уйдан ҳайдаб солишни кутган, шунга яраша тайёргарлик ҳам кўрган эди. Лекин Нормат ҳеч нарса демас эди.

Эрига бўлган меҳр ҳали буткул совуб улгурмаган, икки боласи эса ана шу сўнаётган чўғга ўт қалаб турарди. Нима бўлса ҳам Нормат унинг кўз очиб кўргани эди. Уруш, назарида, Норматни ҳам енгган, уни кўп жаврайдиган, феъли тор одам қилиб қўйганди. У уруш ҳақида гапирар экан, Анзират бир вақтлар ўт-олов бўлган эрининг бўлар-бўлмасга жаврайдиган одам бўлиб қолганини сезар, юраги ғашланар эди.

— Биласанми, уруш дегани нима? Билмайсанми? Мен ҳам билмасдим, — дерди Нормат. — Бизни урушга солаётганда билмасдим. Кейин билдим. Уруш дегани — иккимизнинг шундай гурунглашиб ётишимизни истамайди. Уруш — биз ҳалол пешона тери билан нон топиб ейишни, қўш ҳайдаш, экин экишимизни иста-

майди. Бизни ҳамиша шу нарсалардан жудо қилишни истайди Уруш — худди оёғинг остидаги кўчиб турган тошга ўхшайди, кўтарсанг ҳам ўласан, кўтармасанг ҳам. ...Мен токи бу ерга келгунимча, назаримда, сен бошқа бировга тегиб кетганга ўхшаб туюлаверардинг. Нима учунлигини билмайман, шундай туюлаверарди. Шундай пайтлари, агар Анзират бошқага тегиб, уйимнинг чироғини ўчирган бўлса, мен бораману ўзимни Бухор қоясининг устидан ташлаб, тилка-пора қиламан, бундай номуссизликка чидай олмайман, деб ўйлардим... Одамларни отар эканман, эгим ҳамиша сесканиб кетар, худога тавба қилар, иложи борича тегизмай отишга ҳаракат қилардим. Буғдойзорларда одамларнинг қони оқиб ётганини кўрганимда, йиғлагим келар, шунда қоним қайнаб, тўғри келган ҳар бир кимсани отиб ташлагим келарди...

...Бутун уруш давомида агар урушдан омон қайтсам, фақат деҳқончилик қиламан, кўпкарини ташлайман, буғдой эканман, одамларга қандай ишлаш кераклигини, қандай ишласа одам урушни эсдан чиқариб юборишни ўргатаман, ҳар бир уйга буғдой бошоқларидан илиб қўйиб, мана шунга сифинаверинглар, мана шу дунёнинг яккаю ягона неъматини, ким урушга қарши бўлса, шу буғдой бошоғига сифинсин, деб айтардим, ўзим эса бутун дунёга етадиган буғдой эканман, уни хотиним, болаларим билан ўриб, одамларга текинга улашаман ва ҳар бир бошоққа одамларни тотувликка чақириб турадиган кўнғироқ осиб қўяман, деб орзу қилардим...

Анзират бу сўзларни эрининг ўзининг майиблигини яшириш учун қилаётган хушоматини, деб ҳам тушуниши мумкин эди. Бироқ у Норматнинг гапларидаги орзу билан ўзининг ичидаги ниятларни солиштириб, уялиб кетар ва йиғлар, эзилар, бу орзулар эрига қарши тузган ҳамма режаларини ўзгартириб юборарди. Норматнинг гаплари унга жуда қаттиқ таъсир қилар, эрим урушда қон кечириб юрганда мен бу ёқда ўйнаш орттириб, давримни суриб юрдим, қандай нодон ва енгилтак аёлман, худо шунинг учун ҳам менинг пешонамни шўр қилиб яратган, деб хилват-хилватда йиғлаб оларди.

«Менда нима гуноҳ?!», — ўйларди у гоҳида, «ҳамма айб урушда, агар уруш бўлмаганда, эрим ёнимдан жил-

маганда мен бундай қилмасдим. Бутун меҳримни эримга, болаларимга берган, ундан баҳра олган, уларнинг қувончини қувонч, севинчини севинч деб билган, мен ҳам бошқалардек эримга содиқ аёл бўлар эдим, деб ўйларди у.

* * *

Мирзақул Шибоқлидан — амакисининг тўйидан қайтгач, эрталаб Олмага тушиб борди-ю, Норматнинг бир оёқдан айрилиб қайтганини ва Шариф чавандоз идорадагиларни «аскар кўришга» айтиб кетганини эшитди. Аввалига у ишонмади, сўнг колхоз ҳосилоти уни Лангарда, аравада келаётганини кўрганини айтгач, юрагига ғулғула тушди.

— Қизиталоқ, арвоҳга ўхшаб қопти, — деди ҳосилот ачинган киши бўлиб бошини қашларкан, тилини танглайига уриб чулпиллатди. — Қандай одам эди-я?! Кўрса одам кўрқади! — Сўнг бир зум Мирзақулга синовчан кўз ташлаб турди. — Лекин сизга қайтмагани тузук эди, — деди сирли товушда. — Суқсурдай хотини бор дейишади... ҳа-ҳе-ҳе, урушга кетаётганида комиссариатда «хотиним менинг ярим полвонлигим эди, энди дармон қолдими бизда», деб айтган экан... Шундай зўр хотин қаёқдаги бир ялангоёққа тушиб қолганини қаранг...

Мирзақул ҳосилотнинг кинояли гапиришидан гижиниб қўйди. «Туллак, вирт тулак бу! — ўйлади у алам билан. — Хотинининг йили ўтмасдан ёшгина келинчакни уйига олиб бориб ўтирибди-ю, яна нафси тўймайди...»

Идорадан чиқиб, тўғри уйга борди. «Нима қилиш керак? — деб ўйлади у. Норматнинг омон қайтгани учун ўзининг кўрқаётганини ҳис қилиб. — Агар Нормат ўша оркашлигида қолган бўлса, хотинидан ҳамма нарсани эшитади-ю, бу ерга бостириб келади. Ундан соғ қутулиш қийин. Унинг авваллари ҳам сал қони суюқлиги бор эди, деб эшитардим, нима иш қилаётганини ўзи ҳам билмай қоларкан... Агар эшитса, шундай қилади... кўрқаяпманми, ҳа, кўрқаяпман. Тентакдан кўрқмай бўладими?!»

У ростдан ҳам кўрқаётган эди. Урушдан қайтиб келганлар унинг ҳирсдай гавдасига ҳасад билан қараб, хўмрайиб, ичларида нимадандир норози бўлиб юри-

шар, бўйсунгиси келмасди. Унинг мансаби энди уларни чўчитолмасди, аввалгидай салобатли ва ҳар нарсага қўли етадиган эмасди. Урушдан қайтганлар билан ҳисоблашиб гаплашиш кераклигини у тушунар, Норматнинг худди шу нарсасидан кўпроқ ташвишга тушаётган, қўли калта келиб қолишидан чўчиётганди.

Мирзакул кўп хотинларни кўрган, бирига хушомад билан, бирига мансаби ва қўли узунлиги билан эришганди. У хотинларни шунчаки кўнгилочар тоифа деб биларди.

Шўроликка сайланган иккинчи йили Мирзакул овулма-овул юриб, бригадаларда ўримнинг кетишини текшириб юрар экан, тожик овулларида бирига борганда, ўроқ ўраётган келинчақлардан бири, бир пайтлар ўзи орзу қилгандек истараси иссиқ, лўппигина келинчақ отига ва ўзига суқ билан тикилиб, хумор қилиб жилмайиб қўйганини кўрганда, юрагида қандайдир ширин, жунунваш режалар уйғона бошлаганди.

Бир неча кундан кейин тиниқ, мусаффо ёз осмонига қараганча жилдираб оқаётган булоқ сувининг роҳатбахш товушини ва чакалакзор ичида тожик келинчагининг бутун вужудни қитиқлайдиган энтикишини, ўзбекчани бузиб: «Око Мирзо, сиз ёмон экон», деб эрининг бўшанглиги ҳақида бидирлашини эшитиб ётарди. Тонгги шабада ёқимли, хушбўй беда ҳидини олиб келарди. Мирзакул бу тотли ҳаётининг беда ҳидидай бир лаҳза эмас, бир умр давом этишини истаган эди ўша саҳар.

Бу орада уруш бошланиб қолди. Уруш Мирзакулнинг ризқини эри ўлган ва енгил яшашга ўрганиб қолган уйларга сочиб ташлади. Лекин у уста одам, бу ризқини териб олиб, эл-юрт қаҳрига учрамоқчи эмасди. Шу сабабли у ўзини тийиб юрди.

У бир илож қилиб, эски танишларини ўртага солиб, урушга бошқа бир адашини жўнағиб юборгач, бутун бир аёллар армиясининг қўмондони бўлиб қолди.

Аёлларга, айниқса, кўнғирот аёлларига бош бўлиш ва уларни бир мақсадга бўйсундириш қийин бўлмасин, бу иш Мирзакулнинг қўлидан келди. У ишнинг кўзини биладиган, хушмуомала, аёлларнинг ёшига, кўнглига қараб муомала қиладиган раис эди. Фронт учун, Ленинград учун, Москва учун галла, кийим-

бош, пул маблағи, озиқ-овқат тўплашда у ҳамма йўллардан фойдаланди. Бировни алдади, бировга ялинди, бировга дўк урди ва фронт учун ишлашда юқоридагиларнинг кўзига тушди, катталарнинг ишончини қозонгач, аста-секин ўз мақсадлари учун хизмат қила бошлади. У эридан қорахат келган аёлларга кўпроқ меҳрибон эди, кўпроқ ўшаларга хушмуомала эди.

Урушнинг учинчи йили, ёшлигида кўриб, лабини тишлаб қолган, чоретимликлардан Нормат чавандозга тушган Анзиратнинг эридан қорахат келганини эшитгач, унга шу вақтгача билдирмаган қариндошлик меҳрини намойиш қила бошлади.

У Халил отбоқарникида ўз режасини амалга оширгач, бирдан хотиржам тортди. Мирзақул, Анзират энди гаҳ десам кўлимга кўнади, уни ўзимга ром қилиб кўйдим, деб ўйлаган эди. Чунки олдинги аёллар шундай бўлганди. Бироқ Анзират ундай қилмади; кейинги сафар уни ҳайдаб солди, худони ўртага кўйди, йиғлади-сиқтади, ялинди, уришди, қарғади — барибир ожизлик қилди: «уруш тугаса оламан, болаларингга ўзим оталик қиламан», деганига ишонди, уни қарғаб, ундан чўчиб, уни ҳайдаб, ахийри ўзини унинг ихтиёрига топширди.

Кейинги боришларида Мирзақул дадил ҳаракат қилди, энди у бир адашган аёл кетма-кет адашаверишини, бир алданган кетма-кет алданаверишини, тоғда кўчган битта тош бошқа, тошларнинг кўчишига олиб келишини кўп йиллик тажрибасидан яхши билар эди. У Анзиратнинг қалбидаги ўша битта тошни кўчира олган, энди бошқа тошларни осонгина қулатавериши мумкин эди. Кўчки остида қолган Анзиратнинг қалбига у энг заиф томонлардан кириб борар, ўзи ҳам унга аста-секин боғланиб бораётганди.

Мирзақул Норматни қайтганидан беш кунча кейин Янгибой оқсоқолнинг уйдан икки киши бўлиб чиқиб келаётганини кўриб, бу чўлоқ одамга нисбатан юрагида англаб бўлмас ҳасад уйғонди. Нормат оқаринқираган, бир оёғини силтаб босар, юриши узоқдан беўхшов кўринар, у ҳар оёқ босганда бир томонга майишиб кетар, олдидаги — Шариф чавандоз билан Мирзақул танимайдиган телпаги катта одамга у дарёнинг нариги бетида салобат солиб кўриниб турган Қотнинг устини, кўкиш туманли чўққиларни кўрсатиб ни-

мадир деб кўяр, Шариф чавандоз билан телпакли одам у кўрсатган томонларга қараб, бошларини қимирлатиб, тасдиқлашар эди. Мирзақул уни кўриб, бўғилиб ётган кўксида алам олови алангаланиб кетди. Шундагина у Анзиратдан кўнгил узиш маҳоллигини ҳис этди. Сулув бўлгани учун эмас (қанча сулувларни кўлидан ўтказди), Анзиратда унга ёқадиган яна бир нима бордай эди. Бир вақтлар хотинининг йиғлаши қанчалик гагини келтирган, жаҳдини чиқарган, кўнглини совутган бўлса, Анзиратнинг қаргагани ва йиғиси шунчалик хуш ёқар, йиғлаш ва қарғаш унинг чиройини очиб юборгандек, бу билан эркалик қилаётгандек туюлар, унинг тошдай бўлиб ётган кўнгил музларини бу эркалиги билан эритиб юборар, жунбушга соларди. Агар у қувнаб кутиб олса, балки, кўнглим совиб кетарди, деб ўйларди у баъзан.

Нормат қайтгандан кейин у Анзиратнинг кўзига кўринмади. Фақат кечқурунлари уларнинг уйи орқасида оти билан ўралашиб юрар, Анзиратнинг ёшли кўзлари, катиқ ҳиди келадиган нам сочларини кўмсар, у дунёдаги энг ширин неъматдан айрилиб қолгандай эди. У бундай тенгсизликдан — бир чўлоққа шундай сулувни кўшган тақдир таҳқиридан ғоят ўкинар, Анзиратни соғинарди.

Қиш бошларида Терсота атрофида айланиб юриб, дарё бўйида, муз ўйиб, сув олаётган Анзиратни учратиб қолди. Оқшом эндигина чўккан, ерда енгилгина қор бор, атроф ҳали ёруғ ва сокин эди.

Анзират уни кўриб қўрқиб кетди: кўлидаги пақирини ташлаб юбориб, унга ваҳима билан тикилиб қолди. Мирзақул унинг ҳолатини тушунди.

— Яхшимисан, Анзират, — деди у мулойим товушда. — Эринг келиб, тинчиб қолдингми?!

Анзират индамади. Унга ҳам ҳуркиб, ҳам кўрқиб тикилиб тураверди.

— Анча тўлишиб қолибсан, — давом этди Мирзақул ўша оҳангда. — Эринг билан турмушинг ширин шекилли-а?! Ҳеч мени ҳам ўйлайсанми, Анзират?!

Анзират қўлларини ёқасига олиб бориб, унга чўчиб тикилганча ўтириб қолди.

— Мен эса сени ҳар куни ўйлайман, ҳар куни тушимга кирасан, ҳар куни сени бир кўраманми деб,

уйинг атрофида ўралашиб юраман, сен эса қиё ҳам боққинг келмайди...

Анзират бирдан кўзларини ундан олиб қочди-ю, ирғиб турди.

— Кетинг, — деди у қаҳр билан шивирлаб, унинг юзи вазабдан кўкариб кетганди. — Кетинг... Одамлар кўриб қолади... Кетинг... Шунча азоб берганингиз ҳам етади...

— Мен ўз ваъдамни унутганим йўқ, — аланглаб пишиллади Мирзакул. — Ташла, уни... ташла, Анзират, ўзим оламан сени, бошинггача зарга кўмиб ташлайман... Анзират, ахир ўзинг уйланинг дегандинг-ку!.. Мен ўйлаб кўрдим... бошингни очиқ қилиб олсанг, уйланаман...

— Керакмас... керакмас... — ҳўнграб юборди у. — Мени тинч қўйинг... Эримнинг ўзи яхши... Тинч қўйинг. Худо хайрингизни берсин... тинч қўйинг... шусиз ҳам юзим қора бўлиб қолади...

Мирзакул унинг йиғисини, таниш гапларини эшитиб, юраги орзиқиб кетди. Отдан тушиб унинг қаршисига борди.

— Нима қиласан ўша чўлоқни?! — Илтижоли сўради у. — Бошингга урасанми? Ўзингни хор қилишга арзимайди. У ҳеч нарсага ярамайди... Умринг азобда ўтади...

— Майли... — Тез, шошиб гапини бўлди Анзират. — Майли... ишингиз бўлмасин... фақат мени тинч қўйинг, умрингизга дуо ўқиб ўтай, тинч қўйинг.

— Истасанг, сени ундан тортиб оламан... Истасанг, эрингни яна қайтариб жўнатиб юбораман... ўша ёқларга...

Мирзакул аёлнинг қўлини ушлади. Анзират чўчиб орқага чекинди...

— Истасанг, эртага тўй қип оламан. Эшитяпсанми, эртага... Фақат сен истасанг бўлди. Эринг ҳеч нарса қилолмай қолади.

— Йўқ, йўқ! — Анзират орқага тобора кўпроқ чекинаркан: — Уни тинч қўйинг, — деди. — У сизга нима гуноҳ қилди... Тинч қўйинг бизди... Менга ҳеч нарса керак эмас... — У йиғлар экан, қўллари қалтирар, кўз ёшлари юзини ювиб, лабининг бир чеккасига келиб қуйилар, пақирни қаттиқ қучоқлаб олган эди.

— Мени ҳам ўйласанг-чи, мен ҳам одамман... —

деб аламли зорланди Мирзакул. — Сени кўриб ҳузур-ҳаловатимдан айрилдим, ҳаётимда маъни қолмади...

— Керак эмас... — Эшитишни ҳам истамай так-рорлади Анзират, пақирни олиб, қишлоқ томон тойғана-тойғана чопиб кетди, эллик қадамча бориб тўхтаб, изига қаради. — Болаларингизнинг роҳатини кўринг, бошқа келманг... бошқа кўришмайлик!

Сўнг бўш челақларни даранглатганча югуриб кетди.

— Тинч қўймайман! — Хўрлиги келиб, ақлдан озар даражада хириллаб бақирди изидан Мирзакул. — Эрингни сургун қиламан... сени тортиб оламан... ҳали қараб тур, меники бўласан!..

Аёл гапини эшитдим, эшитмадим — билолмади. У Анзират токи қишлоққа кириб кетгунча изидан қараб турди. Сўнг отини етаклаган кўйи Тераклига жўнади.

У Норматдан беҳуда қўрққан эди. Унинг Норматсиз ҳам иши чатоқ эди. Уруш охирлаб, олдингидек, фақат қуруқ гапларга ва раҳбарларнинг ёзма ахборотларига ишониб келинган замонлар ўтиб, урушдан нафасини ростлаб олган ва фақат уруш ҳақида эмас, уруш орқаси ҳақида ҳам ўйлайдиган замонлар келиб, текшир-текширлар бошланганда, Норматсиз ҳам унинг тагига сув кетган эди. Йил бошларида унинг ҳарбий комиссариатдаги эски ошнасини гап-сўзсиз фронтнинг олдинги қаторига жўнатиб юборишди ва урушга бормай юрган кўпгина кишиларнинг ҳақиқий исм-шарифларини излаб топишди, уларга ҳам қайтадан чақирув қоғози берилди.

Бу иш шу даражада тез юз бердики, Мирзакул танишларини орага сололмай ҳам қолди. Ошнасининг фронтга жўнатилганини эшитиб ва колхоз раисининг ишдан кетганидан қўрқиб юрган кунларида унга ҳам чақирув қоғози берилди. Унга уруш даврида қилган катта хизматлари эвазигагина суд бўлишдан халос этилиб, ўз ихтиёри билан фронтга жўнатилаётганини айтишди.

Анзиратнинг калтакланиши ва унинг чала туғиб қўйгани, Норматнинг уйини ташлаб кетгани, лекин ўйнаши кимлиги номаълум эканлиги, чоржетимликларнинг бошқа уруғ ичида бошини кўтара олмай қолишгани, уларнинг тутантириқдай тутаб ётганлиги ҳақидаги миш-мишлар қўшилиб-чатилиб, унинг қуло-

фига етиб келгач, у дафъатан эсанкираб қолди. Лекин Анзиратнинг миқ этмагани ва ўз номи сирлигича қолганини билгач, кўнгли сал тинчиди. Анзиратнинг ўлим тўшагида ётганини эшитгач, унинг кўнгли, ўзи ҳам тушунмас бир меҳрга тўлди.

Урушга кетишдан олдин у Анзиратни кўп қўмсади. Агар ўлиб кетсам, у мени ҳамиша қарғаб ўтади, юрагимда армон қолади, деб ўйлади. Охирги марта унинг қатиқ ҳиди келадиган сочини ҳидлагиси, умрининг энг ширин дамларини бир зум қайта ҳис қилгиси келди: агар шундай қилсам, урушга армонсиз кетаман деб ўйлади. Норматнинг уйини ташлаб, бошқа уйда яшаётгани унга умид бағишлади.

Урушга кетиш олдидан Анзиратни кўриш истаги унинг бутун вужудини қамраб олди ва охири бу мақсадга, ёввойи ва яна ўша тийиқсиз мақсадга айланди.

XII

...Терсотадан бошланган миш-мишлар жилғаси аста-секин узайиб, жуда катта тўлқинга айланди ва тоғу тош демай бир неча ҳафта ичида бутун қўнғирот элини қамраб олди. Бу тўлқин шу даражада шиддатли ва оҳанрабо эдики, унинг сувига юз ювмаган одам деярли қолмади. Миш-мишлар тўлқини улкан дарёга айланиб, худди баҳор пайтидагидек, қутуриб, қоп-қора бўлиб, йўлида учраган тўсиқларни йиқитиб, шиддат билан қишлоқма-қишлоқ бостириб кира бошлади. Терсотадан кичкина жилға бўлиб чиққан бу дарё тезда Ҳисор тизмаларидаги қишлоқларнинг ярмини босиб олган баҳайбат кўлга айланди. Бу кўл ўз чегарасини аста-секин кенгайтира борарди.

Ҳар ким бу миш-мишлар шарини кучи борича пуфлаб, шиширишга ҳаракат қилар, урушдан чарчаган одамларга бу шар жуда қулай эрмак эди. Воқеалар пуфаги шу даражада семириб кетдики, охир-оқибатда одамлар бу воқеа қайси қишлоқда, қай маҳал, қай тарзда содир бўлганини ҳам эсдан чиқариб, қуруқ воқеанинг ўзини ҳикоя қила бошладилар. Фалон қишлоқда, фалон киши урушдан уйига қайтиб келса, хотини ўйнаши билан ётган эмиш, у аламидан ўзини осиб қўйибди... Ёки, фалон киши урушдан қайтса, хотини ўйнашидан бола орттириб ўтирганмиш, у бола-

сола билан хотинини уйига қўшиб ёқиб юборибди... Фалон киши урушдан келса, хотини бошқа бировга тегиб кетибди, бечора номусга чидай олмай яна урушга қайтиб кетибди ва ҳоказо...

Бироқ Норматнинг ўзигина юз берган ҳодисага ишонгиси келмас ва бу воқеадан ўзига келолмасди. У бунинг ҳаммасини қандайдир ёмон туш ва мен туш кўряпман, тезда уйғониб кетаман, ҳаммаси биратўла тугайди, деб ўйларди. Аммо, бу туш узоқ ва сўнгсиз тушга ўхшарди, уни азоблар, ўзини ўнгариб олишга имкон бермасди. У ўша куни нималар қилганини эслай олмас, Анзиратни бўғдими ёки урдими, ҳаммаси аланг-жалаң эсида қолган, бошидаги жароҳат қўзиб, хотирасини заифлаштириб қўйганди. Унинг алданган кўнглида хилма-хил режалар кезар, булар ҳам алданган ва хўрланган кишининг режалари эди. Бу шармандаликка чидай олмай, қаёққадир бош олиб кетгиси келарди. Унинг хаёлида дам-бадам бу номуссизликларни кўргунча, нега ўша ёқларда ўлиб кетмадим, нега мен қабрини худо ҳам унутган кишиларнинг бири бўлмадим, деган афсус ва надомат кезар эди. У элимюртим, болам-чақам деб, қирғинлардан омон қайтдим, бошқалардай бегона хотинларга кўз олайтирмадим, хотинимни ўйладим, уни энг вафодор, деб билдим, унга хиёнат қилмадим, уни деб етиб келсам-у мен сиғинган эл мени мана бундай кутиб олди, деб ўйлар, ўқинар, ўқинар эди. Шундай пайтлар оёғини кесган врачни, унинг далдаларини, ураллик солдатни ва доимо «сизлар бу ердан туриб ўз ерларингни, бола-чақаларингни химоя қиляпсизлар, голиб бўлсангиз, элларинг сизларни поёндоз тўшаб кутиб олади, мағлуб бўлсаларинг, сизларни қувиб ҳайдайди», деб ташвиқ қиладиган замполитни эслар экан, уларнинг ҳаммаси уни алдагандек ва гаплари ҳам бемаъни, кераксиз нарсага, ўзининг устидан кулиш учун атайлаб тўқилган маталарга ўхшаб қолган эди. Мени, аввало, урушга бор, деб алдашган, кейин урушда алдашган, хотинини йўлдан уриш учун уни урушга юборишган — урушда ишларни битказиш учун алдашган, уни ҳамма алдаган, кўрган ҳар бир киши алдаган, келган биринчи кунлариёқ алдашган, йўлларда алдашган, госпиталда алдашган, уни мана шу машғум воқеани кўрсатиш учун уйига қайтаришган, сўнг устидан кулиб юришган, уни ҳамиша

алдаб келишган... деб ўйлар эди. Келган кунлари одамларнинг жилмайишлари ҳам, ҳаракатлари ҳамма-ҳаммаси мана шу нарсадан дарак бўлган. У эса уларнинг масҳараомуз жилмайишларига кўр-кўрона қўшилиб, жилмайиб юраверган.

Юраги туб-тубидан оғрирди. Бу оғриқ асабларини эзиб ташлаётган ва бошидаги яра ҳам оғрий бошлаганди. Нимадир игнага ўхшаш нарсалар унинг юрагига келиб урилар, ичи, бўтзи ёниб, қуруқшаб, ачишиб борар, бошидаги оғриқ тобора кучаяётган эди. Кимдир унинг миясини тинмай чангаллар — эзғилар эди.

У қайтган кунлари Анзиратда алланечук бегонасираш сезган, лекин буни урушга ва кўришмаган тўрт йилга йўйган эди. У Анзиратга хос бўлган кўнгилчанлик ва ўзига ярашадиган нозли ишваларидан энди қандайдир енгилтаклик топгандай, у бутун умр бир бузуқ хотин билан ўзини булгаб келгандай, қўйнида илонни сақлаб юргандай бўларди. Анзиратнинг авваллари унга ёқадиган барча келинлик одатлари энди унга ўша бузуқликдан даракчидек туюларди. Унинг ожиз ва беқарор қалби яна урушда юрган кунларидагидек тушкун ҳолатга қайтган, ишончсизлик ва қайғуга тўлган эди.

У боғ тўридаги уч йилдан бери қаровсиз ётган Бийди момонинг кенжа ўғли уйида яшай бошлагач, бошқа ҳеч қаёққа чиқмай қўйди. Унинг бош кўтариб юришга қурби етмас эди. Уни кам кишилар йўқлаб келарди. Баъзида иссиқ-совуғидан хабар олгани Бийди момо ёки катта келини ва Шариф чавандоз келарди. Бийди момо унга жавраб-жавраб кетарди. Кейинги кунларда Норматнинг шу аммасидан бўлак яқин кишиси қолмагани учун у аммасидан кўпроқ миннатдор бўларди. У боғнинг ўртасидаги бу уйда худди беватан дарвишларга ўхшаб кун кечирарди. Бийди момо унга уйланишни ва шунда хотини куйиб қолишини, аёл зоти азалдан куйинчак бўлиб яратилганини, уйланса бўлди, Анзиратдан муносиб ўч олган бўлишини айтиб, Норматни ҳоли-жонига қўймасди. Нормат эса бошқа уйланишни хаёлига ҳам келтирмасди. У шундай пайтлари ёлғизликни истарди. У ерга кигиз, пўстак тўшаб ташланган кенг хонада ёлғиз ётар экан, ичи совиб бораётганини, кўксига қандайдир муз пайдо бўлганини, унга ҳаммасидан ҳам шу муз кўп азоб беришини ҳис қилар, муз

эса тобора катталашиб борарди. Хонанинг чирогини ҳам ёқмай ётаркан, музлаб ётган вужудида қандайдир ўлимтик ҳис кезаётганини сезар, ўзини дунёдаги энг бахтсиз киши деб ҳисобларди.

Баъзи-баъзида уни Шариф чавандоз йўқлаб келарди, эски гапдан оғиз очиб, ошнасининг кўнглига озор бергиси келмай, унинг олдида соатлаб ўтириб кетарди. Нормат уни кўриб вижиниб ўтирар, гапларини истамай эшитар, хўмрайиб олар, ўзининг ожизлигини кўрсатмаслик учун шундай қиларди. У ҳали ҳам ўзини бечора, тақдирга тан берган киши қилиб кўрсатишни истамасди.

— Бу йил шерикчиликка экамизми? — сўрарди орадаги совуқликни юмшатиш учун Шариф чавандоз. — Ер роса тобга келяпти-да. Жонивор қор измаиз ёғди-я! — Шундай дея Норматга ўғринча назар ташларди.

— Мен ўзим эсмоқчиман, — деди Нормат унинг ҳафсаласини пир қилиб.

— Қаерга? Ҳамишаги жойингтами?!

— Ҳа.

— Нўхат экасанми, нўхат бозорда қиммат дейишарди. Бир торозисига бир эчки бераётган эмиш. Ёки зиғир экасанми?..

— Ҳа! — бақириб берарди ўрнидан даст кўтарилиб Нормат. — Нўхат ҳам экаман, қовун-тарвузам... Ҳаммасини экаман, тинч қўясанми, йўқми?! Нега менга канага ўхшаб ёпишиб олдинг?!

— Нега бақирасан! — Шариф чавандозники ҳам тутиб кетарди. — Нега менга бақирасан? Нима, отангни мен ўлдирдимми? Сенма фақат... шундай бўлган? Одамларнинг боласи, отаси ўлиб келяпти. Улар сенга ўхшаб таркидунё қилиб олгани йўқ, эркакмисан ўзи, бундай бовурингди кўтар!.. Ётишингни қара... Ҳе, менга деса ўлиб кетмайсанми?!

Шариф чавандоз хафа бўлгандай чиқиб кетар, барибир яна гуноҳкордек: «Ҳа, ётибсанми, ота ули», — деб кириб келарди.

— Балки ҳаммаси бўлмағур гапдир, а, Нормат? — деди бир куни ўтириб-ўтириб Шариф чавандоз. — Балки шунчаки аёлларнинг ваҳимасидир. Ҳеч ким биронта билан кўрмаган-ку.

Нормат унга ҳафсаласизлик билан қаради. У ҳам

бир неча кундан бери шундай шубҳага борар, бироқ уни ўзи олдин юзага чиқаришга қўрқарди.

— Ким айтди бу гапни? — деб сўради жаҳл билан.

— Ҳамма, бутун қишлоқ айтяпти.

— Хотинингам шундай деяптима?

Шариф чавандоз энсаси қотгандек қўл силкиди:

— Хотинларнинг ҳаммаси шундай, ваҳимчи бўлади. Аёллар нима, сигир нима, миш-мишни кавш қайтариб турмаса еганлари ҳазм бўлмайди.

Шундай пайтларда Норматнинг қоронғи ва зулмат босган ичида хира бир чироқ ёнгандай бўларди. Ичи ёриша бошларди. Бу нур ҳали кучсиз ва заиф бўлса ҳам вужуди алланечук исирди.

XIII

Анзират қорлар эриб, кунлар исий бошлагачгина зўрға туриб юрадиган, ташқарига ўзи чиқиб кирадиган бўлди. У озиб кетган, аввалги чиройидан асар ҳам йўқ, сочи бирдан оқариб, қариб қолганди. Ҳомиласи тушганидан кейин кўп қон йўқотавериб, сарак-сарак касали бошланганди. Бошини тик тутиб юролмас, доим муштипар тикилар, юзида қони йўқлигидан оппоқ юзи мурданикидек совуқ эди. Кўзлари чўкиб киртайган, косаси қорайиб кетган, атрофга маънисиз ва илтижолли кўз югуртар, боши қалтирайвергандан унинг қаерга ва нима учун тикилаётганини билиб бўлмасди. Унинг ўзи ҳам бир нарсани яхшилаб кўриб олиш учун узоқ тикилиб тургандан сўнггина англр эди. Худди бир нарсадан уялаётгандай, бир кафти билан тез-тез юзини яшириб, кафтлари орасидан нозланаётганга ўхшаб қарар, секин, заиф товущда, «вой, мен ўлай», деб қўярди. Унинг бу қилиғи ярашмасдигина эмас, кишида қандайдир ачиниш туйғусини уйғотар эди. Уни аввал кўрган кишилар бу ўша Анзират эканига дафъатан ишонгилари келмасди. Унинг кўзлари шу даражада нурсиз эдики, гўё иккита чуқур ёрда ночоргина ёниб турган мойчироқларга ўхшарди. Ҳатто Холмат билан Ҳожарни ҳам зўрға, анча тикилиб тургандан сўнггина танирди. Юрганда ҳам худди суриниб кетишдан қўрққан ёки сув тўла идиш кўтариб бораётгану сувнинг тўкилишидан қўрқиб, атайлаб секин ва эҳтиёт бўлиб юраётгандек қадам ташларди.

Икки ойдан бери бошида ўтириб чиққан Ханифа ҳам унга қараб бошини чайқар ва лабини қаттиқ тишлаб, йиғлаб юбормаслик учун кўзларини тиззасига босарди. Кўргани келган келинчаклар унга кўзлари тушиши билан ташқарига югуриб чиқиб кетар, том орқа-сига ўтиб, йиғлашар, қишлоқдошлари унинг икки ойда бунчалик қариб ва чўп-устухон бўлиб қолганига ажабланишар, бироқ ҳеч ким бирон нарса дея олмасди. Мулла Хидир ҳам қизининг кимдандир бола орттирганини, Норматнинг уйини ташлаб чиқиб кетганини эшитгач, келмай турибоқ: «Менинг ундай қизим йўқ, оқ қилдим», деб овоза қилди. Отасининг оқ қилгани Анзиратга, айниқса, қаттиқ таъсир қилди. У бир ҳафта ҳеч нарса емай, ҳеч кимга гапирмай шифтга тикилиб ётди. Бир ҳафтадан кейин бошини кўтариб, «Отам келмадими?» — деб сўради. Келмаганини эшитгач, ниҳоят, сўнгги бир ой ичида кўзига ёш олиб: «Мен отам келди, деб, кўзимни очибман», — деди-ю йиғлаб юборди. У ўрнидан туриб юра бошлагач ҳам мадорсиз эди. Сал нарсага йиқилиб тушай дер, оёғини сал нотўғри босса ҳам довдираб кетар, юрганда кўлларини олдинга чўзиб, худди ҳеч нарса кўрмаётгандай лапанглаб, зўрға юрарди. Кўллари ҳам тинимсиз қалтираб турар, доим ниманидир излаётгандай ёки кимнидир кўришни истагандай атрофига ҳам кўрқув, ҳам умид билан тикиларди.

Кўлига теккан нарсани секин кўтариб кўрар, сўнг ҳафсаласи пир бўлиб ташлар ва яна ниманидир излай бошларди. «Нимани излаяпсиз?» — деган саволга жавоб ҳам бермас, тимирскилай-тимирскилай, кўллари толгач, ҳориб, кўлларини кўрпа остига тикар, кўзини юмар, шу ҳолатда узоқ ётар, сўнг яна ниманидир излаб, кўллари тимирскиланар эди.

— Нимани излаяпсиз? — сўради Ханифа унинг жуда безовта бўлаётганини сезиб.

— Йўқ-йўқ... ҳеч нарса... — дерди у ва кўллари кўрпага яширар, Ханифага синовчан кўз ташлар, унга узоқ тикилгач, худди тўсатдан таниб қолганидек: — Туморим қани?... — дерди заиф товушда. — Кўк туморим... Отам Боқохон эшонбодан обериб эди... қизгинамга...қизгинамга деб, обериб эди... ота-жонгинам...

Ханифа нима қилишини билмас, лабларини қонат-гудай бўлиб тишлар, хонага кўз югуртириб:

— Мен уни олиб қўйдим... йўқолиб қолмасин деб олиб қўйдим, — дерди ўйлаб топган гапидан хурсанд бўлиб кетиб. — Сал мадорга кирсангиз, тақиб юрасиз.

— Отам, бу сени бало-қазолардан асрайди, деб обберганди. Сен менинг ёлғиз қизимсан, шуни тақиб юрсанг, ҳамма кўргулик сендан нари юради, деб, обберганди...

— Отангиз кўп яхши одам... — Ханифа иложи борича унинг кўнглини қолдиргиси келмасди. — Ҳали сизга кўп туморлар обберади, сиз ҳеч нарсани кўрмагандай бўп кетасиз...

— Энам... мени кўргани ҳам кемайсан, дермиш тушимда... Мен яқинда кўргали бораман, энажон, фақат туморимни топиб олай, дермишман. Тақиб юрмасам, отам хафа бўлади, депман...

— Яхшиликка бўлсин, илоё, яхшиликка бўлсин! — Ханифа кўзларидаги ёшни артарди.

— Сиз йиғлаяпсизми?.. — сўрарди бирдан авзойини ўзгартириб Анзират. — Менга ачиниб йиғлаяпсизми?.. Пешонам шўр экан, нима қилай, опажон... — Бирдан кўзидан ёш қуйилиб келарди. — Мени худо урган экан азалдан... опажон... Сиздан яхшиликлар кўрдим... Агар мен думалаб кетсам, Холмат билан Ҳожар ҳовар*да қолмасин, опажон...

— Вой, ундай деманг, айланай, ҳали бу дардларди кўрмагандай бўп кетасиз.

— Биладан... опа, куним калта... ҳар кеча энам тезроқ келсанг-чи, сочим битлаб кетди деб, бошини титиб туради... Куним калталигини биладан, опажон.

— Ёмон хаёл қилманг, айланай. Ҳали болаларингизнинг роҳатини кўрасиз.

— Мен ҳам умрим бўйи шуни орзу қилардим. Нима қилай, ниятимга етмайдиганга ўхшайман...

— Етасиз, ҳали бу кунларди кўрмагандай бўп кетасиз...

Анзиратга ҳеч ким Нормат ҳақида гапирмасди. Ундан ҳол сўрагани келганлар фақат ўз ташвишларини гапириб, Анзиратнинг кўнглини овлаган бўлишарди-

* Ҳовар — асли кимсасиз текислик, лекин бу ерда «қаровсиз», «ташландик» демоқчи.

да, шу билан бурчларини бажарган бўлиб, изига қайтишарди. Келинчакларнинг ҳаммаси Анзиратнинг олдига қувноқ бўлишга, уни оз бўлса ҳам нимадандир қувонтиришга ҳаракат қилишарди.

Бироқ у кундан-кунга озиб, мадорсизланиб ҳолдан тойиб борарди. Икки ой ичида унинг танаси чўпга кўйлак кийгизиб қўйилгандай қуриб қолди. Кўкиш тусга кирган сочлари жуда тез оқармоқда эди. Уни биринчи кўрган киши эликларга бориб қолган бўлса керак деб гумон қиларди.

Ўрнидан туриб юра бошлагандан бир ҳафталар кейин унинг касали қайта ўринга ётқизиб қўйди. Энди унинг бутун танаси кўкара бошлаган эди. Дастлаб чакка томирлар кўкарди. Сўнг тирноқларга ўтди. Шу ҳафта ичида кўргали келган Сора деган тенгдош келинчак унга кўзи тушар-тушмас, серрайиб қотиб қолди ва югуриб айвонга чиқиб, йирлаб юборди.

— Аёлларнинг шўри қурисин! — йирлар эди у девор муштлаб. — Аёлларнинг бошига шўр бўлиб тушган урушнинг номи ўчсин. Уни ўйлаб топганларнинг ҳаммасини қора ер ютсин, илойим. Эй, худо, биз сенга нима гуноҳ қиб эдик, бизга бунча азоб юклайсан!.. Худойим, бу нимаси?! Тирик мурданинг ўзи-ку!.. Шунчаюм азоб бўладими?!.

Анзиратни кўргани келган нўғай фельдшер унга дорилар ташлаб кетгач, яна қайта юра бошлади.

Отасининг онасини уриб, яна уларни ташлаб кетиб, ўзи Бийди момоникида юрганига ҳеч тушунолмаган Холмат жуда мулоҳазали бола бўлиб қолган эди. Онаси касал бўлганидан бери у болалар билан ўйнамас, Ҳожарни овутар, онасига иссиқ сув қайнатиб, чой ичираб, печка ёқар, уй супураб, молхона қураб, ўтин ёрарди. Кечалари онасининг бошида ўтириб, шу ҳолатда ухлаб қолар, онасининг ётиб қолгани уни бирдан катта одам қилиб қўйган эди.

— Холматингиз зўр йигит бўлади, — дейишарди келинчаклар унинг эслилигидан қувонишиб.

Холмат, онаси қанча ётса, шунча кўп яхши кўриб борарди. Ҳали бола қалби биланоқ онасининг қандайдир гуноҳ, тенгдош болаларининг айтишича, «бузуқлик» қилганини, отаси шунинг учун уларни ташлаб кетганини англагандек бўлар, назарида онасининг гуноҳи унчалик катта эмасдай туюларди. Онаси битта

гуноҳ қилса нима бўпти?! Эҳе, у кунига қанчадан-қанча айб иш қилади-ку, ҳамма уни кечиради. Онасини ҳам кечиришса бўларди-ку? Ҳаммасини анови ялмориз кампир қилди, деб ўйларди Холмат. Набирасини икки марта, отаси урушда ўлган, деб йиғлатган эди. Шунинг аламига отасини тортиб олди. Бўлмаса отаси келмасдан олдин қандай яхши эди. Холматни нуқул мақтарди. «Катта бўлса, отасидай полвон йигит бўлади», деб. Унга желагининг узун енгидан жийда, баъзида оққанд берарди. «Урушмай ўйнанглар, бўлмаса, олбир-шолбирларингни кесиб оламан», деб пўписа қиларди. Холматнинг назарида ундан яхшироқ амма йўқ эди. Отаси келди-ю бирдан айниди. Онажонисини урдириб, отасини тортиб олди. Отаси онасини ўрnidан туролмайдиган қилиб ташлади. Энди онаси касал бўлиб ётибди. Отасидан бу иши учун ҳали ўч олади...

Бир марта у болалар билан Кўк қирда тоймачоқ ўйнаётганда, Келдиёр сўпининг кенжа ўғли уни ора-ларига қўшмаган ва «бузуқнинг ули, онаси бузуқ», деб ҳақоратлаганди. Кейин мактабда ҳам ҳамма унга қарашганини сезар ва мурғаккина қалб азобланар эди.

— Сен энди биз билан ўтирма, — деди бир куни Шариф калтанинг бирга ўқийдиган қизи. — Онанг бузуқ, биз сен билан ўқимаймиз...

Ҳамма бола бирдан унинг олдидан чекиниб, бўлак-бўлак ўтирди. Шунда Холмат хўрлиги келди ва йиғлаб юборди-да, халтасини олиб, чопиб синфдан чиқиб кетди.

У мактабга бормаи қўйганини онасига айтиб, хафа қилгиси келмас, онасининг кўзига тикилиб туриб, негадир йиғлагиси келар, онаси аввалгидай эмас, бошқача бўлиб қолганига ҳайрон бўлар, Ханифа ёки бошқа биров келмаса, онасига ўзи атала қайнатиб берарди.

— Ўзимнинг улгинам, суянчиқгинам, — дерди шундай пайтлари онаси уни эркалаб. — Силарни деб бу дунёда яшаб юрибман-да, менинг меҳрибонгинам.

Холмат онасининг товушидаги заиф илтижони англаб, юраги ғаш тортар, ниманидир сезганга ўхшар, агар онаси инқилламай гапирса, тузалаётган, инқиллай бошласа яна касал бўлаётганини билар эди. Онаси касал бўлгандан бери кам ўйнар, деярли уйдан

чиқмас, уйдан чиқса, қандайдир оғир нарсани кўтариб юрганга ўхшар, ҳамма «ана, онаси бузуқ, онаси бузуқ келяпти», деяётгандай бўларди. Отаси кетиб, онаси ётиб қолгандан бери бутун қишлоқ унга қанақадир бошқача муомала қилар, энди кимдир ўқрайиб ўтар, кимдир ачинганга ўхшаб, ўта меҳрибончилик қилар, кимдир индамай ўтиб кетарди. Холмат буларнинг барини сезар, сезиб, қаеридир ачишганга ўхшар, лекин қаери эканига ақли етмасди.

Ҳожар ҳам ниманидир сезгандек, оғир бўлиб қолган, кўзлари алам чекаётгандек мўлтиллаб турарди. Лекин уйда бирдан-бир чўчимай ва ҳеч нарсани ўйламай куладиган, ўз-ўзидан қувониб юрадиган ёлғиз у эди. У ҳам уйдаги фожиани англаётгандай бўлар, кўзлари доим савол аломати билан ёнар, юзи изтироб чекаётгандек хўмрайиб олар, онасининг нега бунча узоқ ётганини, баъзан кунлаб кўзини очмаётганини тушунгиси келар, бу унга ниманидир эслатгандай ва у ҳам уйдаги умумий ҳолатга қўшилиб, қайғураётгандек бўлар эди. Бироқ, барибир ҳамма нарсани тез унутар, қайғу ҳам, қанақадир бахтсизликлар ҳам уни буткул изтиробга сололмасди. Ташвишни ва аламларни тезда эздан чиқариб, яна уйнинг ичида ўзини ўзи қувалаб, тахмондаги кўрпачалар уюмидан сакраб, мушукни қитиқлаб, қиқирлаб кула бошлар, у катталарга ўхшаб узоқ қайғуришни истамас эди. Унинг учун ҳамма нарса ўйин ва кўнгил ёзадиган нарса бўлиб туюлар, ҳамма нарсадан қувонар, шодланар, ҳамма нарсага кўнгил берар эди. У «онаси бузуқ» деган гапларга ҳам эътибор бериб, қийналиб ўтирмасди. Гоҳида онасига қўшилиб, онасига ўхшаб, кўзларини юмиб узоқ ётар, бироқ ҳеч қандай қизиқ нарса йўқлигидан дарров ўрнидан туриб кетар ва онасининг нима учун бу қизиқ бўлмаган «ўйинни» бунча кўп ўйнашига ҳеч тушунолмасди. Ўлик оралагандек бўлиб қолган уйда бирдан-бир жонли овоз ва бирдан-бир ҳаёт нишонаси — унинг кулгиси эди.

Холмат ҳам шундай, бироқ у кўп нарсани англар, шу сабабли Ҳожарга ўхшаб бу сўкиш ёки ҳақоратларни тезда унута олмасди. Печка олдида бир халта ошиқларни очиб, ўз-ўзича гўлдираб ўйнар, шу билан ўзини овутмоқчи бўларди.

— Болам, сен ҳам ташқарига чиқиб, ўйнаб кел-

санг-чи, — дерди Анзират, боласининг ёлғиз ўйнаб ўтирганидан эзилиб.

— Бормайман, — дерди Холмат хўмрайиб. — Болалар масхара қилади...

Анзират унинг гапларидан уялиб кетар, шоша-пиша ўзини кўрпа ичига тортар ва йиғлаб юборарди.

— Ҳали сизларга ҳам азоб беряпманми?! — деб Холматга тикилиб, узоқ йиғларди. — Илоё, бу кунидан онанг ўлсин, ўғлим, силарни шарманда қилмай, онанг ўлсин... ўлим тила. Онангга ўлим тиланглар?..

— Сиз бузук эмассиз, шундайми? — дерди Холмат унинг йиғлаётганидан ўзининг ҳам йиғлагиси келиб. — Мен биламан ..

— Йўқ, бузук эмасман, — йиғларди она Холматни қучиб. — Сен ишонсанг... бузук эмасман.

— Она, ҳаммасини анави ёлмоғиз қилган. Биламан, биздан отамни тортиб олиш учун шундай қилган. Мен биламан. Ўшанинг набираси биринчи бошлади — «онаси бузук билан ўйнамайман», деб.

— Уларга қулоқ солма. — Ўпкасини босолмасди Анзират. — Менга ишонсанг бўлди. Бузук эмасман, уларнинг ўзлари бузук.

— Улар билан ҳеч ўйнамайман, улар мени етимча ҳам дейишади, яна айтишадики...

— Қўй, болам, қўй, айтма...

Анзират Холматни қучганича ўкириб йиғлар, ҳозир ўғли ўзининг бошқа бир айбини айтиб юборишидан кўрқиб, унинг оғзини ёпарди. У қилган хато фақат ўзини эмас, болаларини ҳам, отасини ва бутун қишлоқнинг тилини қисик, шарманда қилганини англари ва бундай номусга чидай олмай ўзига ўлим тиларди. Ёлғиз ўлим... Болаларининг ташқарига чиқмай қўйганини, уларнинг сиқилиб ўтирганини кўрган сайин, эзилиб йиғлаб, азоб ва номус уни тобора еб, унинг бутун мадорини суғуриб борар, уни яна тўшакка михлаб ташларди.

У энди ўрнидан туриб юра бошлаган пайтларда бир куни Холмат уйга югуриб кириб келди. Унинг уст-боши ҳўл, юзи қизариб кетган, худди бир айб қилиб қўйгандай кўзлари бежо чақнар, ташқарига қараб-қараб қўярди.

— Нима бўлди, ўғлим? — сўради кўрқиб кетган Анзират унинг вазоҳатини кўриб.

— Урдим, — деди ҳансираб Холмат.

У гапириб бўлмасдан эшиқдан Неъмат узуннинг тожик башара хотини кўринди. У қўлига тол хивич кўтариб олган, қарганиб келарди. У эшиқдан кира солиб: «Ҳали қутуриб қолдингми, сен етимча», деб, хивич билан Холматнинг юзи аралаш туширди. Холмат чийиллаб йиғлаганча, Анзиратнинг орқасига ўтиб яширинди.

— Нега бировдинг боласини урасиз! — бирдан тутақиб бақирди Анзират. Унинг кела солиб, юз-кўзи демай, ўғлини савалаб қолгани, худди у йўқдай, худди у ўлгандай, болалари кўчада қолгандай қилиб савалагани алам қилиб кетди. — Нега урасиз?! — яна бақирди бўғилиб ва туйқус йўтали тутиб қолди. — Нега урасиз?! Уху, уху-ху-ху, нима? Уху, уху... мен ҳали шундай — оёқ остида қолдимми? Уху, уху. нима қилди сизга?..

— Нима гуноҳ қилганини ўзидан сўранг, келин, — деди заҳарли ва кинояли товушда. — Болажонингиздан сўранг, қонга бўяб ташлабди-ку, яна нима қилиши керак?

— Ўзи «онанг бузуқ», деди, масхара қилди, — деди Холмат онасининг ортидан йиғлаб... — Шундай дегач ураман-да!..

— Вой, ўргилдим, сиздай энасининг ҳимоячисидан! — шанғиллади Неъмат узуннинг хотини. — Нима, энангни бузуқлиги ёлғонма? Ана, энангдан сўра ёлғон бўлса, бузуқни бузуқ дейди, кўрни кўр, карни кар дейди-да! Ҳам ғарлик, ҳам шанғилик дегани шу-да. Ана, ёлғон бўлса энангдан сўра, жувонмарг кетгур...

Яширинган жойидан чиқиб Холмат онасига қаради. У онасининг бузуқ эмаслигини манави рақибининг онасига кўрсатиб қўйишни, бузуқ эмаслигини исботлашни истарди. Анзират довдираб қолди. Неъмат узуннинг хотинидан кўзларини олиб қочди. Ўғлининг бошини қучоқлаб олиб, қалтироқ товушда:

— Ундай деманг! — деди у заиф ва аламли товушда. — Ундай деб болани бузманг. Ҳали тирик эканман, ҳеч кимга уришга йўл қўймайман, эшитяпсизми?! Йўл қўймайман... Ҳеч кимга калтаклатиб ҳам қўймайман... Мен ўлганимдан кейин урасиз буларни...

— Оҳо! — деди Неъмат узуннинг хотини, бутун қишлоқ эшитсин дегандай қўлларини белига қўйиб,

гавдасини ликиллаиб, баттар шанғиллай бошлади. — Оҳо, ҳали мен оппоқман ҳам дерсиз, ҳали болани ҳам сен туғдинг дерсиз? Йўқ, нега ҳам фарлик қилиб, ҳам баланд келасан... — У бирдан сенсирай бошлади. — Болани мен эмас, сен туғгансан, бузуқликни сен қилгансан, яна болангни ҳам бузасан, бировларни ур, деб ўргатасан!.. Ҳайиш орттириб, қишлоқни шарманда қилганинг етмагандай болангни ҳам босмачиликка ўргатасан, сенга ким қўйибди гапиришни?! Олдин этагингдаги доғни ювиб ол. Кейин гапирасан. Олдин болаларингни тийиб юр, катта бўлса, буларниям ҳайишликка ўргатасан..

— Бас қилинг!.. — Телбалардай ўкириб ўрнидан турди Анзират. Унга охирги гап жуда ўтиб кетган, у дағ-дағ титрар эди. Кўзларидан ёш қуйилиб оқар, лекин артишни хаёлига ҳам келтирмасди. — Бас қилинг ҳозз-зир чопиб ташлайман! — У печканинг олдида турган болтага ташланди. — Чопиб ташлайман... жонимдан тўйиб кетдим. — Болтани кўтариб олдинга югурди. — Тинч қўясанми, йўқми?! Нега мени уйимга бостириб кириб айроқлик қиласан... Нега болаларимга кун бермайсилар? Мен сенларга нима гуноҳ қилдим, нима айб қилдим... сенларга... арпаларингни хом ўрдими? Эрингни ҳайиш қилдимми?! Нега ҳамманг менга осиласан?! — Унинг важоҳати қўрқинчли эди. Кўзлари қутургандай қизариб кетган, рўмоли тушиб, оқиш сочлари тўзиб кетганди. Лаблари ғазабдан титрар, қўллари қалтирар эди. — Ҳамманг мени гап қиласан, ҳамманг аламингни мендан оласан. Нима, ўзларинг оппоқми?! Ўзларинг ҳеч айб қилмаганмисанлар?! Айбимни билмайди деб ҳайишликларми?! Ҳаммангни ўлдираман... ўлдираман!..

У серрайиб қолган Неъмат узуннинг хотинига қараб болтани кўтарди. Неъмат узуннинг хотини унинг авзойини кўриб, қўрқиб кетди ва орқага чекина бошлади...

— Вой, одамлар, ўлдириб қўяди! Жинни бўп қопти! — деганча ташқарига югуриб чиқиб кетди. — Ўлдириб қўяди... қутқаринглар... войдод, одамлар!..

У ташқарида тўпланган уч-тўрт одамнинг орасига ўзини урди ва баланд овозда шанғиллай бошлади:

— Бу қишлоқда туриб бўлмай қолди, бу бузуқ ҳаммани шарманда қилди! Ҳайиш орттириб энди зўра-

вонлик қияпти. Иштонини бошига кийиб олган бу. Боласини ҳам бузуқликка ўргатапти... Бу билан бир қишлоқда яшаб бўлмай қолди. Ё у турсин бу ерда, ё биз турайлик, бу нима шармандалик?..

Анзират у чиқиб кетгач, эшикнинг ичидан тамба-лади-да, болтани четга улоқтириб, ўзини печканинг ёнидаги пўстакка ташлаб, хўнграб юборди, оғир ва баланд товушда тақдирини, қисматини, яратганни қар-габ, узоқ йиғлади. У хўрланган, ҳақорат этилган, дунё-дан умид узган, орзу-умидлари парчинланган, забун, кераксиз киши бўлиб қолган алфозда, токи ҳушидан кетгунча, ўзини босолмай, хўнграб-хўнграб йиғлади.

Ҳушидан кетиб қолгач, уни овуға олмай ўтирган Холмат ташқарига югуриб чиқди-да: «Онам ўлиб қол-ди», деб бақирганча йиғлаб, Ханифаникига қараб жон-ҳолатда югуриб кетди...

Кунлар илий бошлагач, Анзират касалдан тез туза-ла бошлади. Нўғай фельдшер ташлаб кетган дорилар унга қор қилди. Қишлоқ келинчаклари уни ёлғиз қол-дирмай навбатма-навбат келиб туришди. Улар ўзла-рининг шўх ва самимий кулгилари билан Анзиратнинг ўтмишини оз бўлса ҳам унутиб, ҳаётга ҳавас билан қарашга мажбур қилишди.

XIV

Норматнинг кейинги кунларда қишлоқда тургиси келмай қолди. У ўзининг ҳаётидан хабардор бўлган кишиларни кўргиси, уларнинг ҳамдардона ёки масха-раомуз тиржайишларига чидаб, кўнглини бузгиси кел-мас эди. Ов милтиғини олиб, Қоратўшда қишлоқма-қишлоқ кезиб юрар, юрагини шундай қилиб бир оз ёзган бўларди. Тоғлар эса уни гоҳ туманли, гоҳ очи-либ, гоҳ хўмрайиб кутиб олар, унинг кўнглига мос равишда гунг ва соқов эди. Оғриётган эркак қалби кимга ёрилсин? Тоғу тошларгами? Йўлларгами ёки ас-рий, бунақа дардларни кўравериб, афти ҳам, пешона-си ҳам тиришиб кетган арчаларгами? Улар оғриқ нима эканини қаердан билсин? Эркак қалбини қаердан ту-шунсин? Қаердан англасин?!

Нормат деярли ов қилмасди. Фақат олдидан чиқиб қолганда ёки завқи келгандагина ов қилар, номигагина милтиқ елкасида юрарди. У ҳафталаб қишлоққа кел-

мас, тоғдан-тоғга ўтиб, таниш қишлоқларда ёки эски борларда тунаб юрарди. Ҳамма жойдан у хўшлашмай кетиб, кутилмаганда пайдо бўлиб қоларди.

Аста-секин у бошига тушган кулфатни бир оз унутган, шундай сўққабош яшашга кўника бошлаган бўлса ҳам, Холмат билан Ҳожарни соғинарди. Шу сабабли ачишган юрагига малҳам излар, бироқ дунёда ундай малҳам йўқ эди. Аслида қишлоққа у болаларини узоқдан бўлса ҳам бир кўриш учунгина келар, уларни соғсаломат кўргач, яна овга чиқиб кетарди.

Қишнинг ўрталарида у қишлоқда бир ҳафтача турди-ю, ойнинг охирларида яна овга жўнаб кетди. У бу гал Бошчорбоғ томонлардаги адирларга жўнади. Кечга яқин ўзи ҳам номини билмайдиган тўрт-бешта уйнинг чироғи ёниб турган кичкина қишлоққа кириб борди. Унинг қорни жуда очқанан, Қоратўш ҳам чарчаб сурина бошлаган эди. Бугун шу қишлоқда дам олмоқчи бўлди ва дарага туташ яланга жойлашган, ҳаёти каттагина, кўпроқ терак экилган боғи бор, эски бир уйга отини бурди. Уйга етмасдан уни катта олапар ит бутун дарани ларзага солиб, ҳуриб кутиб олди. Итнинг кўринишиёқ ваҳимали эди: жунлари узун ва хурпайган, ўзи нақ эшақдай келадиган, товуши дағал, одамга тикка ташланадиган орлон кучук эди. У Норматни ўзига қарашли мулкда кўргач, қорни сачратиб югуриб келди. Унинг шарпасидан Қоратўш хуркиб, кулоқларини динг қилди ва тўхтаб қолди. Ит кела солиб, отнинг думига ташланди-ю, ўзига ўтирилган милтиқни кўргач, ириллаб, пичоқ тишларини кўрсатиб, орқага тисланди.

— Олапар, маҳ-мах, жим бўл, — деди Нормат унинг тусига қараб, таваккалига. — ҳим, хе... ҳаром қотгур, танимаяпсанми?!

Ит унинг товушини эшитиб, баттар вовиллай бошлади. Ит қаёққа ўтса, Нормат ўша ёққа милтиқни бурарди. Ит айлана туриб, бирдан отнинг тумшугига ташланди: қўрқиб кетган от ўзини бирдан орқага олиб, олдинги оёқларини тикка кўтарди-да, кишнаб юборди, сал бўлмаса Нормат эгардан учиб кетаёзди.

— Олапар... Тўрткўз... ким бор?!.. — деди у жонҳолатда итнинг номини топишга ҳаракат қилиб. — Кўр бўлгур, жим бўл!..

Пастаккина уйнинг эшиги очилиб, бир кишининг

қораси кўринди. Изидан хирагина фонус чиқди. Уй згаси фонусни бўйи баробар кўтариб:

— Ким у? — деб сўради ингичка товушда.

Нормат итнинг ўзини жойидан қимирлатмай қўйганидан боши қотиб турар эди, товушни эшитиб, хурсанд бўлди:

— Қариндош, итингизни чақириб олинг, тоза овора қилди-ку.

Ит эса згасининг товушини эшитиши билан дадилланиб, қайта ҳужумга ўтган, отни айланиб баттар хура бошлаган эди.

— Сиртлон, маҳ-маҳ, тур жойингга бор. Ҳе, ўл, бор!..

Ит думини ликиллатиб бир-икки ҳурди-да, отга йўл берди, бор деворнинг бир четига бориб, кузатиб турди.

— Меҳмон керак эмасми? — сўради Нормат енгил тортиб, эшикнинг олдидаги супада отдан тушар экан, фонус кўтарган кишининг сийрак соқол, ориққина киши эканини кўрди.

— Қайси ўзбек меҳмонни қувлабдики, биз қувласак, — деди қувноқ ва мулойим товушда фонус кўтарган киши. — Қани, отингизни беринг, сиз ичкарига кираверинг... Эшмат! — деб чақирди ичкарига қараб. — Қани чиқ, меҳмонни уйга бошла... — Уй згаси фонусни чап қўлда кўтариб, отни боғнинг этагида қорайиб кўринаётган молхона тарафга етаклаб кетди. Ичкаридан чиққан ўн бир яшарлардаги бола аввал унга ҳайрон бўлиб қараб турди-да, сўнг уялинқираб салом берди ва Норматни уйга бошлади. Уй айвонсиз, биринчи эшиқдан даҳлизга кирилар, даҳлизнинг икки томонида икки эшик бор эди. Бола даҳлизда катта, ичи кигиз этигини ечди-да, Норматнинг оёғига бир қараб, ўнг томондаги эшикни итарди. Нормат ясама оёғидаги этигини зўрға ечиб, ичкарига, торгина, лекин шифти баланд, кираверишига тунука печка ўрнатилган хонага кирди. Хонада иккита бола ва бир қиз бор эди: болалар саккиз ва беш ёшларда, қиз эса ўн учлар атрофида эди. Болаларнинг каттаси билан қиз печка олдида, беш ёшлардагиси эса уйнинг ўртасида катта ёғоч косага қатиқ солиб, ичиб ўтирарди. Қиз билан бола Нормат кириши билан печка атрофини унга бўшатиб беришди. Нормат олдига қатиқ қўйиб ўтирган болага

кўз қисди ва бесўнақай ҳолатда ясама оёғини сал эгиб, печка олдидаги пўстакка чўқди. Бола қатиқни оёқларининг орасига олиб, ёғоч қошиқда хўриллатиб ичди-да, Норматга бир қараб, уни обдан кўздан кечиргач, яна қатиғини ича бошлади. Қизил бахмал дўппи кийган, озғингина қиз шарақлаб қайнаган қумғонни печка устидан олар экан, Норматнинг оёғига ажабланиб қаради, сўнг уялиб кўзларини олиб қочди.

Хонанинг тўрига кўрпа-ёстиқ тахланган, яккаю ягона деразага аёл кишининг чопони илиниб, совуқдан тўсилган, кўрпа тахмони олдида катта ёғоч сандиқ турар, сандиқ юзидаги расмларни бола чизгани ўхшовсизроқ гулларидан кўриниб турар, унга катта қулф осилган, деворларга кашталар илиб ташланган, ерга кигиз устидан наматлар тўшалган, қатиқ ичиб ўтирган боланинг олдида кири чиқиб кетган дастурхон ёзилган эди. Печка устида қоп-қора идишда ёвғон қайнар, ёвғонга қурт солинган бўлса керак, ҳиди хонани тутганди. Печка олдидаги чолмани(қотирилган тезак) айтмасан, хона анча шинам ва тоза эди.

— Адашиб қолдингизми? — сўради ундан боядан бери оёғидан кўз узмай ўтирган, отаси «Эшмат» деб чақирган бола.

— Қаердан билдинг?

— Бу ерларда кўп адашишади, — деди бола катта одамлардек. — Бошчорбоғ бозоридан қайтаётганлар адашиб, бизнинг қишлоққа келиб қолишади. Сизни итимиз қандай ўтказиб юборди? У ҳаётдан берига ҳеч кимни ўтказмайди...

— Билмай қолган бўлса керак, — деди Нормат. — Боғга кирганимда кўриб қолди.

— Итимиз бўри тутди, — деди боядан бери Норматдан чўчиётгандай бегонасираб ўтирган саккиз ёшлардаги, отасидек сарғиш бола.

— Бўрини итимиз тутгани йўқ, — деди Эшмат унга «жим ўтир» дегандай қараб. — Бўрининг ўзи музлаб қопти. Кимдир оёғидан отган экан. Қишлоғимизгача судралиб келибди.

— Итларинг зўр экан-да, — деди Нормат Эшматнинг гапига эътибор ҳам бермай сариқ болага қараб. Боланинг қаеридир Холматни эслатарди. Нормат болаларини эслаб юраги орзиқди. — Ит сеникимми?

Бола Эшматга бир қараб олди-да:

— Ҳа, — деди ишончсизроқ қилиб, яна Эшматта қаради.

— Алдаяпти, алдаяпти! — деди Эшмат. — Ит меники, мен уни ўзим йўлдан топиб олган эдим.

— Э, чатоқ-ку, — деди Нормат сарғимтир болага қараб. — Сенинг ҳеч нарсанг йўқ, шекилли?

Бола хафа бўлгандай, бошини эгди-ю, хўмрайиб олди.

— Тойхори бор, — деди унинг ўрнига Эшмат. — Отам шу бу йил олиб берди.

— Зўракан тойхоринг бўлса, — деди Нормат, қитмирлик билан боланинг кўнглини кўтариб. — Ҳангими?..

— Урғочи, урғочи! — чийиллади Эшмат қиқирлаб кулиб.

— Урғочи бўлса, янаям зўр, — деди Нормат Эшматта кўз қисиб. Сарғиш бола икковига хавфсираб қаради. — Йигитгики урғочи бўлиши керак...

Эшмат кулиб юборди. Унинг кулгиси бегубор ва самимий эди. Бу самимийлик Норматнинг ҳам қалбига ўтди. У ҳам сўнгги ойларда биринчи марта яйраб жилмайиб қўйди.

Озғингина қиз ўртага чойни келтириб, суви қочган иккита нон қўйгач, эшиқдан фонус кўтариб уй эгаси кириб келди. Тутаб турган қорачироқ нурида Нормат унинг ўрта бўй, сийрак соқол, қирқларга яқинлашиб қолган киши эканини кўрди.

— Э... меҳмон-ей, шуни айтади-да, чақирилмаган меҳмон азиз, деб! — деди у фонуснинг пилигини пасайтириб бир чеккага қўяр экан. — Буни қаранг, бугун ўзимдан-ўзим оқ шўрва қил, деб тайинлагандим. қадамингиз хосиятли экан...

Уй эгаси кир чопонини ечиб, печка устидаги қозиққа илиб қўйди ва Норматни дастурхонга таклиф қилди.

— Хўш, меҳмон, йўл бўлсин, асли қаерликсиз? — деб сўради ўтиришгач.

Нормат қаерлик эканини айтди.

— Қариндош эканмиз-да, — деди уй эгаси, унга мулойим кўз ташлаб. — Шуни айтадилар-да, билмасдан учратмас, деб. Биз ҳам илгарилар Кўкабулоқда ўтирардик. Қани, қизим, келтир-чи овқатингни. Меҳмон, кимлардан бўласиз?

- Мамат мерганнинг ўглиман.
- Ўтроқи Мамат мерганнингми?
- Ҳа.

— Кўрмаганман-у, лекин зап одам ўтган дейишади. Қани, овқатдан олинг, қурутни ўзим қўлим билан қилганман...

Овқатдан кейин болалар печка атрофига ўтиб ухлаб қолишди. Нормат уй эгаси ўзи билан тўрга, юк тахмонининг оддига жой солди. Уй эгаси анча сариштали одам экан. Тиниб-тинчимаслиги, кўнгли очиқлиги озғин, чўзинчоқ юзидан билиниб турарди. Гапирганда доимо бировнинг кўнглига озор беришдан кўрққандек мулойим ва юмшоқ қилиб гапирарди. Унинг ҳаракатидан, гапларидан одам ажратмаслик, бегонасирамаслик одати болиги сезиларди. Кўринишидан куйинчак одамга ўхшарди.

— Боя янгам кўринмайди деб сўрадингиз, — деди ётганларида уй эгаси. — Янгангиз бечора қазо қилдилар. Бир йилдан ошди... ўзини еб қўйди, бечора. Номусига чидай олмади... қайғу олиб кетди... Ҳаммасига мана шу лаънати уруш сабабчи. Сиз оёқдан ажраб қайтибсиз, одамларга кўрингали уяляпман, деяпсиз, уруш нималар қилмади? Унинг келтирган кулфатини санаб бўладими! Мана, ўзингиз айтинг, биз деҳқонларнинг одам ўлдириш тушимизга кирибдими?! Мажбур қилдиришди — ўлдирдик! Ҳозир ўлдирган одамларим тушимдаям тинч қўймайди. Кечаси билан бўғиб чиқади. Ҳали айтдим, асли Кўкабулоқданмиз, деб. Агар Мулла Турди деганни эшитган бўлсангиз, ўша кишининг жияниман, етим ўсганмиз.

— Мулла Турдининг?! — ажабланди Нормат. — Унда бизга ҳам жиян бўларкансиз-да. Сизни Кўкабулоқда кўрмаган эканман.

— Очарчилик йилларида бу ерларга келиб қолгандик. Кўкабулоққа фақат меҳмон бўлиб борганман. Аввал чўпон, кейин қишлоқ шўросида аравакаш бўлдим.

— Буни қаранг, сизни ҳеч тўйларда ҳам кўрмаган эканман. Айтгандай, бу қўлингиз урушдан майиб бўлганми?

Мезбон бош чайқади. У негадир, ичидагини биратўла айтгиси келаётган одамга ўхшарди. Бу Норматга эриш туюлди. Лекин мезбон ичиди гап ётмайдиган оққўнгил эди. Нормат буни сезиб, жилмайиб қўйди.

Бунақа одамлар билан зерикмайсан. Ҳаммасини ўзлари айтиб беради.

— Тўққиз йил арава ҳайдадим. Деҳқонобод, Шах-рисабз, Китоб йўллари менга беш қўлдай таниш... Уруш бошланар йили нима бўлди-ю, Лангарота до-вонидан арава ағдарилиб, беш қоп буғдой дарёга ту-шиб кетди. Дарё қутурган пайт эди, ҳеч нарса қилло-мадим. Бориб раисга айтдим. У менга дўқ урди. Қа-матаман деди, ўша беш қоп буғдойни бўйнимга юк-лади. Ўзингиз ўйланг, ўзим аравакаш бўлсам, беш қоп буғдойни кимдан оламан? Мени роса тергашди, идо-рама-идора судрашди. Кейин тўсатдан уруш бошла-ниб қолди-ю, мени урушга жўнатиб юборишди. Ор-қамда янгангиз тўрт боласи билан чирқиллаб қола-верди. Уч йил уруш кездим. Қанча одам ўлдирдим, билмайман, санаб ўтирадиган пайт эмасди. Охири ўзимни ҳам ярадор қилишди. Чап қўлим ишламай қолди. Дўхтирлар, аста-секин ишлаб кетади, деб уйга жавоб беришди.

Мезбон негадир хомуш бўлиб қолди ва уфлаб қўйди.

— Янга урушдалигингизда қазо қилибдими, — сўра-ди Нормат унинг хомуш бўлиб қолганидан таъсирла-ниб.

Мезбон бош чайқади. Кейин яна ўша очиқ-сочиқ-лигига қайтиб, уфлаганча гапини давом эттирди.

— Уйдан уч йилдан бери хат олганим йўқ денг, савод йўқ эди. Уйга келсам, нимани кўрдим денг, ҳувилаб ётган уйимни! Ҳеч ким йўқ. Қўшнилardan сўрасам, сени ўлди деб эшитдик, оғирчилик хотининг-ни эзиб қўйди. Ноилож бир ҳисобчига тегиб кетди, дейишди. Роса газабим қайнади. Хотинимни бориб ўлдирмоқчи бўлдим ҳам. Э, бор-э, деб ўрус шаҳарла-рига қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин кўнглим бўлмади. Хотинимни-ку, кўрарга кўзим йўқ, ахир у мени шарманда қилди-да, аммо болаларим ҳеч хаё-лимдан кетмади. Кечалари тушларимга кириб чиқади. Айниқса, кенжам!.. Мен кетаётганда энди «атта-атта» дейишни ўрганган эди. Ухласам ҳам уни кўраман, юр-сам ҳам. Тушимда ҳам у «атта-атта» деётгандай бўла-ди. Охири бўлмади. «Маллабой, сен шунча қонни ким учун кечдинг, хотининг учунми ёки болаларинг учун-ми, хотинингга ўчакишиб болаларингни тирик етим

қилмоқчимисан, ўргилдим, сендай номусли одамдан», деб ўйладим-у, шартта Ёнтоқлига жўнадим. Идорага кириб, раисга шундай-шундай, ҳисобчинг менинг хотинимди йўлдан уриб, уйига келтириб олибди, агар яхшиликча кўнса кўнсин, бўлмаса военкоматта бориб айтаман, дедим. Раис қўрқиб кетди. Мени ҳисобчинг уйига ўзи бошлаб борди. Ўша ерда хотинимни кўрдим: бечора, озиб-тўзиб, бир ҳолатда бўп қопти, устида ўчоқ кўйлак, касалманд, зўрға оёқда юрибди. Ҳисобчи уни иккинчи хотин қилиб олган экан. Мени кўриб, серрайиб қолди: арвойимни кўрдим, деб ўйлаган экан. Қизим ҳам молхонада экан, мени кўра солиб югуриб келди. «Отажон, отажон», дея бўйнимга ўзини ташлади. Уйдан Эшмат улим ҳам югуриб чиқди. У ҳам кела солиб, менга ўзини отди. Уларнинг қувонганини кўриб, хотинимга бўлган вазабим ҳам ўз ўзидан ўчиб қолди. Фақат икки улим товукxonанинг олдида менга ҳайрон бўлиб қараб турарди. Ҳисобчига бир нарса демай, болаларимни олдим, хотинимнинг қўлидан етаклаб жўнадим. Югуриб чиққан ҳисобчи нимадир деди, мен эшитмадим, эшитиш ҳолатида эмасдим. Раис уни уришиб берди. Шундай қилиб, хотинимни, болаларимни уйга қайтариб келдим. Хотиним бечора кўп йиғлади, кўп азоб чекди. Доим: «Уйингизнинг чироғини ўчирдим», деб йиғларди. Мен бирон марта ҳам юзига солмадим. Аввал қандай бўлсам, ўзимни шундай тутдим. Болаларим қайтиб келиб бағрим тўлди, кўнглимдан дардлар ариди. Улар менга ҳаёт берди. Мен энди шулар учун яшашим кераклигини тушундим. Ўзингиз ўйланг, биздан бу дунёда нима қолади? Шулар-да! Буларнинг олдида ҳар қандай гуноҳини кечирса бўлади, қолган ҳамма нарса ўткинчи. Хотиним олти ой ҳам бирга яшамади. Ўтган қишда ётиб қолди-ю, қайтиб турмади. Бундай ўйлаб қарасангиз, уларгаям қийин бўлган: нима бўлсаям худонинг ожизлари-да, уруш уларниям шундай қилишга мажбур қилган. Биз эркаклар бир оз шошиб ҳукм чиқарамиз. Мен ҳозир хотинимнинг ўлимига мен сабабчи бўлдим, деб ўйлайман. Агар мен кенгфеъл бўлиб, унинг кўнглига шубҳа солмаганимда, тузалиб кетармиди? Энди ўз ёғимга ўзим қовриламан. Яхшиям болаларим бор. Бўлмаса аллақачон бу ерлардан бош олиб кетган бўлардим. Энди мана шу саккиз жуфт

қоракўзни бировнинг қўлига қаратмай ўстирсам, шу менинг умрим, деб ўйлайман...

Уй эгаси жим бўлди. Кейин ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. Нормат бу одамнинг гапларидан кейин бирдан ўзидан уялди. Маллабой унга шунча кунлар иккиланиб юрган ва юрагини тирнаётган саволларга худди унинг келишини билгандай, ўзининг тақдири билан бирпасда жавоб топиб берган эди.

Маллабой қайтиб кирди. Нормат у билан ортиқ гаплашгиси йўқ эди. Агар яна гаплашса, ўзининг нималаридир фош бўлиб қолишидан қўрқиб, кўзларини юмиб ётди. Маллабой уни ухлаган деб ўйлаб, устига чопонини олди-да, пишилаганча дам у ёққа, дам бу ёққа ўтирилиб ётди.

Нормат кўз юмиб, унинг қийналиб нафас олишини эшитиб турарди... Ўзининг ҳам уйқуси келмади, ўзникига ўхшаб кетадиган бу одамнинг қисматида негандир у ўз тақдирини кўрди. Бу ўхшаш туйғу болаларни кўргандаёқ бошланган, энди кўксини ловиллатиб куйдирмоқда эди. Маллабойнинг ўзидек содда, кўримсиз, мулойим ҳукми унинг баландпарвоз хаёлларини парчалаб ташлаганди. Бу ҳукм гарчи бошқа бир пайтда қарор топган таомил мезонига мувофиқ келмаса-да, шу тобда адолатли ва инсонпарвар эди. Ана шу инсонпарварлиги Норматнинг шу вақтгача сиғиниб келган номус, орият, шаън ва ғурур деган тушунчалардан устунроқ эди.

Эртасига Маллабой билан хайрлашмай ҳам тонг қоронғисида чиқиб кетди. Қишлоққа қайтди-ю, мартнинг адоғигача овга чиқмади.

* * *

Ўн беш кунлар ўтгандан кейин кечга яқин Бийди момоникига ўзи кириб борди. У ҳаммасини ўйлаб, тарозуга солиб кўрган ва қатъий қарорга келган эди. Унинг азиятли ва хаста қалби урушдан олдинги ориятли Нормат полвонни синдириб ташлаган, оддий, уруш кулфатлари эзиб ташлаган, унга таслим бўлган, кўниккан, тақдирига тан берган эди. У мана шу қарорни, мана шу оддий ҳақиқатни тоғу тошлардан аслида ўзи икки ойдан буён излаб юрганини фақат Маллабойнинг гапларидан сўнггина англаган эди.

У кириб борганда Бийди момо бошига эски қора

чопонни ташлаб, сарғайиб кетган жунни олдидаги тарокдан ўтказиб олмоқда эди. Кичик келин яланг бош бўлиб олиб, тўрда, олдида кичкина қуроқли бўхчани ёзиб, ичидаги кийимларни тахлаётган эди. У Норматни кўрди-ю дик этиб ўрнидан турди ва ерда ётган рўмолини олиб, бошига илди, шоша-пиша бўхчани ўрай бошлади.

— Едирдим, ичирдим, — дерди Бийди момо кириб келганга ҳам эътибор бермай, бошини тарокдан кўтармасдан. — Кўзимнинг нури деб ўстирдим, қариганда тепкилаб кўмишади, деб ўйлапман мен бечора, энди эса ҳузурини бегоналар кўрди. Бегона юртларда ўлиб кетди. Одамларникидай ҳеч қурса биттасиям тирик қолмади. Бошимни азалдан ўзи шўр қилиб яратган экан... Кетсанг, бор кетавер. Сени ушлаб турганим йўқ, сизлар ўзи шундайсизлар, бировнинг бошига кўргулик тушса, дарров қўшилиб тепкилайсизлар... Бор, тезроқ жўна... Ҳамма лаш-лушларингниям опкет, ҳаммасини кўтариб жўна...

— Амма, — деди кичкина келин, Норматга бир қараб, хижолат бўлгандай. — Бўлди энди...

— Нимаси бўлди! — жағ-жағлади унга қараб Бийди момо. — Тўғри гап ёқмайди-да, эринг ўлган бўлса, гуноҳкор менми?.. Нега менга зарда қиласан... Ё сенам биронтани топдингми? Топган бўлсанг бор, кетавер, мени шарманда қилмасдан кет, қорангниям кўрмайин.

— Амма, — деди яна хижолатли қилиб кичик келин, Норматга яна бир қаради-ю, дув қизариб, юзларини яшириб, йиғлаб юборди.

— Яна йиғлашинг нимаси, йиғлаб кўнглимни бўшатаман деяпсанми?! Овора бўлма, ўзи тош бўп кетган бу юрак. — Бийди момо шахд билан жунни тарокдан ўтказар экан, қўллари қалтираб тароққа бармоғини уриб олди. — Ҳе, сағано қол, сенам, тароқ бўлмай! — деди қонаган бармоғига титраб-қақшаб жун босар экан, тароқни олиб печканинг орқасига улоқтирди. — Авваласиям пешонам қурсин, бўлмаса куним шуларга қолармиди! Келиб-келиб шуларнинг қўлида хор бўлиб ўлиб кетаманми?..

Нормат ноқулай пайтда кириб қолганидан хижолат бўлиб йўталди. Бийди момо қонаётган бармоғини сиқиб ушлаб, бошини кўтарди-да, уни кўриб тумшайиб

олди. Индамай олдидаги жунларни йиғиштира бошлади.

— Мана, яна битгаси келди, — тўнғиллади у ўзига ўзи гапираётгандек. — Ҳаммаси бошига ҳам тушганда Бийдини эшлашади, бошқа вақти эсигаям келмайди.

— Ҳа, амма, — деди Нормат ўзини хурсанд кўрсатиб, орадаги ноқулайликдан чиқиш учун. — Тўнингизди тескари кийиб опсиз, нима бало, жездам (почча демоқчи) тушингизга кирдимиз?..

— Эҳ, аввали ўша Бухор полвон қуриб кетсин, — жаврай бошлади Бийди момо. — Менга шунча етимчани қолдирди, ўзи жўнади-борди. Энди эса унинг етимлари болалариниям менга қолдириб кетмоқчи... Гўё Бийдининг бутун умрига қора меҳнат ёзилгандай... Сен нима қип турипсан?! — деди пиқ-пиқ йиғлаётган келинига қараб. — Меҳмонга чой-пой қўй, кейин қиласан нозмойишингни.

Кичик келин бурнини тортиб кўздан ёшини ҳам артмай, тоқчадаги дастурхонни олиб, печканинг олдига ёзди. Сўнг Норматга қайрилиб ҳам қарамай катта, кўкиш, сири кўчган чойнакка печканинг устида шақиллаб қайнаётган қумғонни ағдарди.

— Кўзингни ёшини арт, — деди Бийди момо унга вижиниб қараб. — Ҳозир чойнакка оқиб тушади.

Кичик келин бошини четга бурди-да, яна пиқ-пиқ йиғлай бошлади.

— Менда нима гуноҳ? — деди у йиғлай туриб, аламли товушда. — Тўрт йил кутдим улингизни... Тўрт йил... Одамларга ўхшаб, бир йил ҳам бундай келин бўлиб яшаганим йўқ... Пешонам шўрлигидан... Энди қариб, сўлиб қолганимда кимга керак бўламан... ўлдириб бўлди-ку мени бу уй...

— Кўзингга қара, чой тўкиляпти, — деди таҳдид билан Бийди момо унга. — Бўлмаса эрингни беш-олти ой қўйнингда яшириб ёт эди-да, шунда одамлардай эрингнинг исига тўярдинг...

Кичик келин чойни дастурхонга келтириб қўйиб, бояги жойига бориб, изиллаб йиғлаб юборди.

— Бўлди, бўлди! — деди қайнонаси жеркиб. — Уйда меҳмондан уялмайди-я бу, тавба!

Нормат этигини ечмай, ясама оёғини сал букиб, пўстакнинг устига ёнбошлади-да, нима деярини билмай, Бийди момо узатган чойни ҳўплай бошлади. Ора-

га яна жимлик чўқди. Кичик келин ҳамон изиллаб йиғларди. Печканинг орқасида ётган мушук нон исини сезиб ўрнидан туриб керишди, миёвлаб, Норматнинг атрофини айлана бошлади. Бийди момо ўрнидан туриб, юк тахмонига борди ва ниманидир «тир» этиб йиртиб, сўнг қўлига боғлади, қайтиб, Норматнинг қаршисига ўтирди.

— Пишт-э! — деди зарда билан оёғига бориб суйкалаётган мушукнинг қулоғига уриб.

Мушук тарсаки еган қулоғини бир силкиди-да, Норматнинг олдига ўтиб, унинг оғзига қараб «миёв», деди. Нормат мушукнинг бошини силаган бўлиб, иккита ушоқ олиб бурчакка ташлади. Мушук югуриб бориб, ушоқларнинг бирини оғзига солди. Шарақ этиб очилган эшикка чўчиб қаради-да, хотиржам иккинчи ушоқни чайнай бошлади. Эшикда катта келин кўринди. У сариқ сатин чопони устидан эски, енглари титилиб кетган, бели чилвир билан боғланган эркакча йўл-йўл яктак, балчиққа беланган катта кирза этик кийган, қизғиш рўмолини бошидан сиқиб ўраб олганди. Унинг заиф ва муштдай гавдасига этик жуда хунук кўринар, узоқдан ботқоққа ботиб бораётганга ўхшарди. У эшикни ёпиши билан иссиқ хонага гўнг ҳиди гуп этиб урилди. Яктакка ҳам, унинг юзига ҳам лой теккан, лой совуқдан қизарган юзида худди холдай кўринарди. Норматни кўриб у уялгандай бўлди. Уятчан ва қизарган кўзлари билан Норматга илиқ термилиб қўйди. Унинг юзи озғин, олд тишидан биттаси ярим синган, сочлари палапартиш рўмол ичига тикиб қўйилган эди.

— Молхонани кураб бўлдим, — деди у ўқрайиб қараган қайнонасига изоҳ бергандай. — Шундай шилта бўп кетибди, яна бир жойдан чакка томяпти. Бирам совуқки, аёз қаттиқ бўлади, шекилли, ҳалитдан ер музлаб қолди. Қўлим қотиб кетди...

— Сарғилинг турдимми? — деди Бийди момо хўмрайиб.

— Қаерда? Думидан кўтардим, қулоғидан тортдим. Кучим етмади, емиш қанча берса индамай ейди. Кўтарам бўп қопти.

— Ёғли атала қип берса, мадорга кирарди, — деди Бийди момо куйинчак овозда. — Ёғни отлик тополмайди, биз қаердан топамиз.

— Амма, — деди катта келин қайнонасининг юмшаганидан хурсанд бўлиб. — Эртага чувоққа чиқарсакмикан, ҳарна иссиқда... Агар акам уйда бўлса ёрдам берарди, — деб Норматга савол назари билан қаради.

— Билганингни қил, — деди Бийди момо. — Битта инакни (сигир демоқчи) эплай олмадинглар, энди хуморларингга пишириб енглар. Бир вақтлари ўн бешталаб инакка ўзим қарагич эдим, яна осмондай-осмондай оққулоқ инаклар эди... Э, нимасини айтаман!..

Катта келин қайнонасининг авзойи бузилганини кўриб, этигини ҳам қуритмай:

— Майли, мен ўтин чопайин, — деди-да, катта этигини тўқ-тўқ эткизиб чиқиб кетди.

Кичик келин унинг изидан ижирғаниб қараб қолди.

— Э, худойим-эй! — кўзларини юмиб пичирлади Бийди момо. — Биз сенга нима ёмонлик қилдик, ҳаммасини бизга ташлайсан... Нуқул бизни кўрасан, касофат қилгонларга, ўғриларга, имонсизларга берсанг бўлмайди-ми... худойим!..

Орага ноқулай жимлик чўқди. Нормат айтмоқчи бўп келган гапини энди айтиб бўлмаслигини англаб ўрнидан турди.

— Нега турдинг? — деди Бийди момо унга саволчан қараб. — Ўтир, манавилар бирон ёвгон қилар...

Нормат ўзининг нима учун келганини айтмоқчи эди, бироқ гурури йўл бермади, эшиқдан чиқаверишда ўйланиб туриб қолди.

— Менда гапинг борми?! — деб сўради Бийди момо, унинг остонада қаққайиб турганини кўриб.

Нормат Бийди момога қайрилиб қаради ва унинг юзида анча юмшаш аломатини кўриб, секин изига қайтди, тезак солинган тоғорани тўнкариб ясама оёғини кериб ўтирди.

— Ҳа, нима бўлди? — деб сўради Бийди момо ажабсиниб. — Бунча эри урган хотинга ўхшаб шумшайиб олдинг?

Нормат баттар бошини эгди:

— Амма, — деди синиқ овозда бошини кўтармай, — мен... мен уйга қайтсамми, деб эдим... Бўлар иш бўлди... Энди нима фойда... шунга бизни орага тушиб яраштириб қўйсангиз.

— А?! — Бийди момо қулоғига ишонмагандай қайтиб сўради. — Қайтасан?! Ўша бузуқнинг олдига-я?! Нима... корсанини соғиниб қолдингми?.. Орият борми сен-да... Эркакмисан ўзи?! Ёки матоҳингни урушга ташлаб келдингми?! Ўша бузуқнинг сассиқ думбасини кучоқлаб ётмоқчимисан?!

— Амма! — унга илтижоли тикилди Нормат. — Мен болаларимни тирик етим бўп қолишини истамайман... Ўша ёқлардан ҳам шу қора кўзларди деб қайтдим. Энди уларнинг хор бўлиб юришини истамайман. Қўйинг эски гапларни. Келинингиз адашган бўлса ўзидан кўрсин! Худодан топсин... бироқ болаларда нима айб?! Кеча Ҳожар Хуррам чолнинг хотинидан қатиқ тиланиб юрибди, кўриб юрагим эзилиб кетди. Ҳамма уларга худди етимга қарагандай қарайди, худди отаси ўлгандай, амма! — Нормат йиғламсираб кўзидаги ёшни зўрға ютди. — Мен уларни чирқиллатиб қўя олмайман... Нима бўлса бўлди, худодан кўрдим.

— Тўғриси айтивермайсанми, Нормат. — Унга бирдан жағиллаб ёпишди Бийди момо. — Хотинсирадим, деявермайсанми?! Тўғриси айт, нозимойим, хотинсирадингми, а? Мана сенга хотин! — Бийди момо ирғиб ўрнидан туриб, кичик келиннинг олдига бориб сочидан судраб келди. — Мана хотин... Бу эрсираган, сен хотинсираган, оллаҳу акбар... боринглар, икковинг эр-хотинсизлар, олиб бор, бор!.. Нега анграяпсан, мени ҳазиллашяпти деяпсанми?! Отанг бечора сенинг шу гапингни эшитгандами, ўзини зовдан (қоядан демоқчи) ташларди... Болаларим, дейсан... бузуқнинг боласи бузуқ бўлади, бошқа гўр бўладими?! Сени обигар (сарсон қилади демоқчи) қип ўлдиради... Хотин мана, Мулла Соқини ҳозир айтиб келиб, никоҳлатиб қўяман...

— Амма! — бақириб юборди Нормат гарангсиб ўрнидан турар экан. — Мени... мени нима деб ўйла-япсиз, мен ахир бу... амма, эсингизди йиғинг!..

Нормат довдираб қолди. У Бийди момонинг аччиғи бунчалар оловтоб бўлиб турганини билмай, уни ёқиб юборган эди. Кичик келин ўзини қайнонасининг қўлидан бўшатиб, ўтирган ерида орқага тислана-тислана, бир Норматга, бир Бийди момога илинж билан қараб, йиғлаб юборди.

— Ҳа! — бор овози билан шанғиллади Бийди

момо. — Мен шундай ўйладим. Бузуқни қучоқлагунча, буни қучоқлаш савоб бўлади... Шарманда эркак бўлгандан хотинбоз бўлган минг марта яхши!!!

Бийди момо ақлдан озгандек депсиниб, ерга муштлади, унинг юзи кўкариб, кўзи намиққан, оғзидан тупук сачрай бошлаганди. Унга шу тобда қараш кўрқинчли эди. Юзидаги ажинларгача қизариб, диллаб кетди.

— Мен барибир уйга қайтаман, — деди Нормат унга ўчакишгандай қилиб. — Болаларимни бировларга хор қип қўймайман...

— Жўна! — бақирди Бийди момо. — Ҳозироқ жўна. Ҳозироқ бориб харом пугини яла... Сен бутун борсанг, у эртага ўйнашини уйингга киритиб, сени қоровул қип қўяди... у ўйнаши билан остинма-устин бўп ётганда сен тешиқдан қараб, қўлингди сўриб ўтирасан...

Норматнинг миясига бирдан лоп этиб қон урилди. Ўзининг шунчалик ҳақоратланаётгани дафъатан эсига тушгандай ёноқлари қалтирай бошлади.

— Бас қилинг! — ўқирди у ёввойи овозда таҳдид билан Бийди момога яқинлашаркан. — Мендан нима истайсиз?! Ўлишимними?! Агар шуйтиб яна бир гапирсангиз...

— Ур! — бақирди Бийди момо унга кўкрагини тугиб. — Ур, агар кучинг менга етган бўлса ур!.. Одамлар хотинининг аламини аммасидан опти десин. Ур, нега қараб турибсан?!

Нормат бирдан ўзига келди-ю, уялиб кетди. Шартта бурилиб, эшикни шарақлатиб ёпиб чиқиб кетди.

— Бор ўша бузуқнинг олдига! — изидан бақирди Бийди момо. — Менинг кейин номимниям тутма. Бор, боболарингнинг арвайи урсин сени... Илоё, хотининг билан қўшмозор бўл!..

Нормат ташқарига чиқиб, совуқ изғириндан энтигиб кетди. Қишлоққа кеч тушган, аёзли тун бошланган эди. Қоп-қора осмон қозонида юлдузлар қайнар, кунботар тараф қонли шафаққа беланган, қорли чўққилар ухлаб ётган оппоқ итларга ўхшаб ғира-шира кўзга ташланарди.

XV

Ҳамал ойининг бошларида кунлар илиб кетди. Нормат бу йил экин экадиган жойни буталардан тозалаш учун қотнинг устига чиқди. Қотнинг устида ҳам қор эрий бошлаган, кўпдан бери ҳайдалмаган ер ҳаприқиб, қорни ютоқар, ундан ер ҳиди бор ҳовур кўтарилаётган эди. Ер ўз одамларини, ўз эгаларини кутиб, келинчақдек ястаниб ётарди. Норматнинг қалбида деҳқончилик туйғуси жўш урди. «Ҳе-е-е-е...» — бақиргиси келди... Чўлоқланиб югурди, ерни харислик ва ташналик билан бағирлади, тупроқларни кўзига сурди, ўпди. Нормат кўзларини йириб, суқ билан ҳовур кўтарилаётган қорга, узоқ-узоқларга термилди. Қуёш бошида турар, оёқ остидаги қор аста сизиб эрир, илиқ ва енгил эсаётган шабада баҳор кунлари бошланганидан дарак бериб, мунғайиб қолган зиркнинг шохларини силаб ўтарди. Нормат юрагидаги ҳислар қайтадан тирила бошлаганини, ўзида яратиш қуввати пайдо бўлаётганини сизди. Бу — ўша афсонадаги Ер одамларидан, бобоси Бойхундан қолган Ерга бўлган Муҳаббат эканини овриқ ва роҳат билан туйди. Унинг кулфат, азоб, изтироб, қўрқув, шубҳа ва иккиланиш эзиб ташлаган қалбида умид уйғона бошлади...

...Яна баҳор келади. Олам баҳорнинг шавқига тўлади. Қирларда худди олдингидек уруш билан иши йўқ, урушдан қўрқмайдиган лолалар очилади. Ер пишади. Ер етилади. Қир-адирларни чигирткалар чириллаши уйғотади, ухлатади. Қоп-қора бўлиб етилган мана шу ерни қўши билан бир киши ҳайдаётган бўлади. Омочнинг босқонини ушлаганча, бир қўлида гаврон билан ҳўкизларини ҳайдайди: «Ҳая-ҳуйт, ҳая-ҳуйт!..» Унинг пешонасидан, бўйинларидан сизилиб тер оқади. Тердан кўйлаклари ҳўл бўлиб кетади. Лекин у завқ билан, бахт билан ҳайдайверади... Унинг эгнидан чиқаётган ҳовур билан ердан кўтарилаётган ҳовур қўшилиб, узоққа, қуёш томон ҳаволайди. У эса завқ билан қўшиқ айтиб, қўш ҳайдайди. У юрагида, баданида занглаб қолган уруш хотираларини, жароҳатларини тер билан юваётган, ўзини поклаётган Нормат полвон бўлади...

...Яна баҳор келади...

Нормат кўксидagi туйғулар олдида ожиз қолди.

Уларни порлаб турган кўзлари орқали қўйиб юборди. Улар соғинган, тириклик ва ҳаёт барқ ураётган, бу кўтарилаётган кенг далага худди бир тўда болалар каби қувноқ қийқириб, югургилаб кетишди. Нормат улкан калтакесакка ўхшаш тош соясида эримай қолган қордан ҳовучлаб олиб, юзларига, кўксига ишқади, завқланиб қулди. Авваллари англамаган ва тўймаган ҳисни у тўрт йиллик урушда кўрган шунча азобларидан сўнг оёғи остидаги, уни, унга ўхшаш миллионларча ўз қўшчиларини кутиб ҳансираётган дунёдаги ҳамма нарсалардан муқаддас бўлган, унинг аждодлари бир умр қидириб ўтган — урушсиз юртни кўрди..

..Нормат қотнинг устидан тўғри Читга чиқиб кетди. У Оқбўта оқсоқолдан насияга битта ҳўкиз сотиб олмақчи эди. У ерда эски чавандоз ошналари билан ва-лақлашиб қолиб, жуда кеч қайтди.

На қиш, на баҳор ҳисобланган илимилик кеча гўзал ва мафтункор эди. Қуёш ботиб кетган тарафда қирмизи бўлиб из қолган. Бу қирмизилик шу даражада ҳарир эдики, худди осмон деразасига биров атайлаб қизғиш шоҳи парда илиб қўйгандай. Тун зим-зиё, осмон юлдузли эди. Қаердадир безовта бўлиб каклик сайрарди. Узоқ тоғ орти қишлоқлардан итларнинг вовиллашлари эшитиларди. Нормат Қоратўшни секин ҳайдаб, тунга қулоқ солиб борар, елкасига оғирлик қилаётган милтиғини дам у, дам буюғига олиб қўярди. Тунда қандайдир жимирлаш товуши эшитилгандай бўларди. Бу эриётган қорнинг шарпаси эди. Қоратўш туёғининг садоси тошлардан акс олиб қайтар, от гоҳ-гоҳ қулоғини олдинга динг қилиб, бир пишқиардида, яна йўлида давом этарди. Нормат тун қўйнида ғайришуурий ҳисга берилганди: унинг қўшиқ айтгиси келарди.

— И-и-им-и-и-и..Ҳи-и-им-ҳи-ҳим-им, — хиргойи қиларди у. Унинг ҳозир бутун вужудини қувонч қамраган бўлса ҳам, хиргойиси ғамгин ва мунгли эди. Хиргойиси дўмбиранинг нагоҳ чертилиб кетган ториға ўхшарди. Унинг хиргойисиди сўз йўқ, ғамгин, ғуссали оҳанг тараларди. Юраги унга ер, баҳор ва ҳаёт ҳақида сўйлаб бермоқда эди.

У қишлоққа ярим кечаси кириб борди. Қишлоқда уни биринчи бўлиб Ўрин чўпоннинг ити кутиб олди. Қишлоққа кириб келаётган шарпани сезиши билан ит

каттиқ ҳуриб, югуриб келди. Изидан бир қанча итлар кўшилиб ҳура бошлади. Ўрин чўпоннинг каттакон, сарғиш ити ириллаганча Қоратўшнинг йўлини тўсди. Бироқ қари от бунақа йўлтўсарларни кўп кўргани ва итни танигани учун йўлида бепарво давом этди. Шундан кейин бир гала ит отнинг орқасидан ҳура бошлашди.

— Тир-р... — Нормат узангидан тишлаган сарғиш итдан кўрқиб кетди.

— Саритой, ҳе, энанг ўлгўр, танимаяпсанми!.. Саритой..

Саритой ўзининг отини эшитиб, узангини кўйиб юборди-ю, лекин орқага тисарилиб ҳура бошлади.

— Саритой... Саритой.. бас қил, нима, кўзинг кўрми!...

Саритой отлиқ ўзларининг одами эканига ишонди шекилли, орқада қолиб, яна бир-икки бор ҳуриб кўйди. Унинг тинганини кўрган бошқа итлар ҳам орқада қолишди.

Нормат Ўрин чўпоннинг ҳаётидан ўтиши билан уйнинг чироғи ёниб турганини кўриб, ҳайрон бўлди. Қоратўшни Бийди момонинг отхонаси эшигига боғлаб, кўнгли бир нарсани сезгандай, отни ялонғочламай ҳам уй томон юрди. Назарида уйнинг эшиги очикдек, ичкарида кимдир ўтиргандай туюлди-ю, ажабланиши баттар ошди. Катта-катта қадам ташлаб айвонгача борди ва уй ичида сочлари ёйилиб кетган, эгнига узун чопон кийган кампирнинг чироқ олдида ўтирганини кўриб кўрқиб кетди. Кампирнинг пичирлаётгани айвончага эшитилиб турар эди. Нормат эшиккача борди-ю, кампирнинг Бийди момо эканини кўриб, турган жойида қотиб қолди.

— Худоё балолардан қишлоғимизни ўзинг халос қил, бузуқиларди тезроқ қора ерга торт, одамларди меҳри оқибатли қил, имонсизлардинг жазосини ўзинг бер... алҳамдиulloҳи раббил оламин, бирраҳмәтика дарҳамар раҳими... вал...амин қасд қиғонлар паст бўлсин, қирғин опкеганлар қирғиндан ҳалок бўлсин!..

Нормат шошиб қолди. Бу оддий намозга ўхшамасди. Бийди момонинг кўриниши бир ҳолатда эди.

— Амма! — бақириб юборди Нормат елкасидан милтиқни кўлига оларкан чўчинқираб. — Бу нима қилиқ?

Бийди момо чўчиб тушди-ю, ранги гезариб унга қаради. Сўнг шошиб ердаги оқ гарди рўмоли билан желагини бошига олиб, Норматга чақчайиб тикилди.

— Сизга нима бўлди, амма?! — деб сўради Нормат яна. — Соғмисиз?!

Бийди момо Норматнинг гапларига жавоб бермасдан, чироқнинг қаршисида туриб олди. Нормат ўша кунги жанжалдан кейин яна аммасига мазах бўлгиси, заҳар гапларни эшитгиси келмай, унга кўриниш бермай юрганди. У ҳозир, аммасини яна келинлари билан жанжаллашиб қолдими, деган фикрга борди.

— Худоё ўзинг кечир, — деди Бийди момо ўзига гапиргандай, кўзларини юмиб олиб. — Ҳаммамиз ожиз бандамиз, ўзинг бизларди кечир. — Юзига фотиҳа тортиб, кўзларини очди. Яна мазах қилаётгандай юзларини бужмайтирди. — Сени кутиб ўтирибман... Хотинжонингни ўйнаши келди... Сен яна уни қучоқламоқчи бўласан. Гўё ҳаммасини мен ўйлаб топгандай, бузигингдики яна қичиб қопти... Индамай сенинг очиқ эшигингга кириб кетди...

Бу гапларни у худди Норматнинг устидан кулаётгандай, ярим тантана, ярим масхара билан айтди. Нормат қўлидаги милтиқни сиқиб ушларкан, тўсатдан пайдо бўлган бу хабардан қалқиб кетиб:

— Ёлгон!! — деб вишиллади. Унинг кўзлари катта-риб, юзига қон қўпчиди. Юрагида тоғдаги туйғулардан асар ҳам қолмай, ўрнини оғриқ, жуда улкан оғриқ згаллади.

— Ёлгон?? — деди Бийди момо кўзлари олайиб, бирдан кулиб юборди. — Ха-ха-ха... ёлго-о-он?.. Ҳали мен ёлгончи бўп қолиб, хотининг тоза бўп қолдими? Ҳа-ҳа, бор, ўзинг кўр... ёлгон бўлса... бор... ўша бузуқингни... яна ўйнаши билан қандай топишиб олганини кўр. Ҳозир ўйнаши хотинжонингни иштонини ечиб бўлди... Ҳа-ҳа, ҳа... авваласи қилиғини қип ҳам бўлгандир... Мен роса етмиш уч кун пойладим. Йўлини пойладим. Барибир келишини билардим... ҳар куни пойладим... Совуқларда музлаб бўлсаям пойладим. Ниҳоят, шубҳам тўғри чикди. Биласанми, у ким... Айтмайман!.. Ўзинг бориб кўр... агар эркак бўлсанг ўлдир икковиниям... чавақлаб ташла! Болаламай йўқот... кўкрагингда озгина эркаклик ғурури бўлса, ўлдир!

— Ўлдираман! — Ўкирди Нормат, Бийди момонинг

ёқасидан шаппа ушлаб олиб бўға бошлади. — Қари шайтон... ўлдираман!..

— Менга дўқ қилганинг-ча, бориб хотинингди этагини ёп! — хириллаб шанғиллай бошлади Бийди момо. — Ўша хотининг қишлоққа касофат келтирди. Ҳамма балага у сабабчи. Агар шу ҳолатда қўйса, яқинда бутун қишлоқни ер тортиб кетади.

— Ёлғон! — Нормат куч билан Бийди момонинг оғзини ёпиб ўшқирди. Бирдан миясида оғриқ туриб, терлай бошлади. — Агар шу мартаям ўшак сурган бўлсанг, келиб сен ялмоғизни отаман!..

Бийди момони итариб ташлаб, талпанглаб чиқиб кетди. Бийди момо зарб билан бориб деворга урилди йиқилиб тушди. У ётган ерида гурс-гурс этиб ташланаётган икки хил қадам товушини эшитиб ётаркан, жонҳолатда бошини кўтариб, эшикка қараб бақирди:

— Ўлдир, ўлдир уларни, уруғини йўқот бу дунёдан! Сўнг келиб, мени от, майли... мен бечора... бир қаровсиз кампирни от, майлига... Оҳу-уху-у ҳу! — Йўталиб, йиғлаб юборди-да, мадорсизланиб, ўмгани билан гиламининг устига ётиб қолди.

Анча вақтдан кейин қалтироғи босилгач, ниманидир эслагандай ирғиб ўрнидан турди-да, ялангбош ҳолатда: «Вой, ўлай, ўлдириб қўяди бу аҳмоқ чўлоқ», деганча Норматнинг изидан югуриб кетди. У довдираб чопар, кўзи ҳеч нарсани кўрмасди. У фақат тезроқ юришни ўйларди. Бироқ ўзининг ҳаётидан чиқаверишдаги тошга қоқилиб, кўкраги билан йиқилиб тушди-ю, боши тошга тегди, кўзидан ўт чақнади, бошини икки қўли билан қисиб ушлаган ҳолда ҳушидан кетди.

XVI

Анзират болаларини ухлатиб, печка ёқди. Катта пақирга сув қўйди. Ташқарига чиқиб, тоғорани олиб кирди. Ўзига ҳам ўрин тўшаб, пишиллаб ухлаб қолган Ҳожарнинг пешонасидан ўпди-да, чаккасига секин шаппатилаб эркалаб қўйди. Ҳожар бурни қуриллаб, сал жилмайиб ухларди. Унинг қошлари, ингичка ияги ва чўзиқ кичкина юзи Анзиратга ўхшар, қолган жойлари — бадқовоқлиги ва лўппилиги Норматнинг опасига — Анзират келин бўлиб тушганда номаълум касалликдан ўлган опасига ўхшарди.

— Қачон эсларинг киради сизларнинг, — деди у эрка оҳангда, тураётиб Холматнинг пешонасидан ўпаркан. — Пешонамга сизлардан бошқа суюнчиқ ёзилмаган шекилли...

Сўнг чопонини ўринга ташлаб, бошидаги қора шол рўмолни Ҳожарнинг устига ёпди-да, очиқ қолдирган эшикни ёпиш учун ўрнидан турди-ю, остонада худди гуноҳкордай хижолатли жилмайиб турган, қўлида тўқима қамчи ушлаган, юзи сал-пал оқарган, бир оз озган, қовоқлари халта бўлиб қолган, қорақўл телпак, узун пўстин кийиб олган Мирзақулни кўриб, турган жойида қотиб қолди.

— Мана, мен келдим, — деди Мирзақул пишиллаб, нима учун келганини ўзи ҳам билмаётгандек гуноҳкор оҳангда. — Мана, келдим, Анзират.

Анзиратнинг оёғида дармон қуриб, ўтириб қолди ва Мирзақулга чўчиб, худди мушук чангалида қолган қуш боласидай илтижоли термилиб турди.

— Сенинг хаёлингга бошқа нарса келмасин, Анзират, — деди Мирзақул телпагини бошидан олиб. — Сен билан хўшлашгани келдим... Мен ҳам у ёққа кетялман... Мени қадрлашмади. Анзират, қадримга етишмади... Ишлатиб, ишлатиб... Энди керак бўлмай қолганимда жўнатишяпти... Сенинг олдиндан ўтгани келдим... Ким билади... тирик қайтаманми, йўқми? Мендан рози бўл, энди...

— Нега келдингиз?! — Ваҳимали шивирлади Анзират, унинг тиззалари дириллай бошлаганди. — Нега келдингиз?... Сизни деб чеккан шунча азобларим етмасмиди... бошимга ортган шунча савдоларингиз етмасмиди?..

Мирзақул ерга қаради ва бошига телпагини қайтадан кийди. Сўнг ниманидир айтмоқчи бўлиб тарадудланди-ю, лекин айтмай, индамай қолди. Унинг ҳозирги туришида илгариги савлатидан асар ҳам йўқ, аввалги гердайиш, ўзига зеб бериб гапириш ва доимо ўзининг мансабини эслатиб турадиган салобати қолмаган эди. Унинг кўзлари чўккан, соқоллари ҳам аввалгидек қиртишлаб олинмаган, ўсиқ, палапартиш кийинган эди.

— Мен кўп ўйландим, — деди у мунгли ва муштипар товущда хириллаб, Анзиратга қарамасдан. — Кўп ўйландим... Хотин зотини эрмак деб ўйлардим олдин.

Хотин зоти эркакка эрмак учун яратилган, деб ўйлар эдим. Умримда ҳамиша шундай қилиб келдим, Анзират, сени кўргунча шундай деб ўйлардим. Сени кўрган биринчи ойлари ҳам шундай деб ўйлардим... Дунёда ҳамма нарса эрмак, қўлингда пулинг, остингда отинг бўлса, маликаниям қўйнингга олишинг мумкин, деб ўйлар эдим. Сени кўрдим-у, ҳамма ўйларим чил-чил синди. Олдинлари хотин зотини аламдан, ўчакишиб эрмак қилардим... Сен мен кўрган хотинларнинг ичида бўлакчасан, Анзират... Сен ҳаммадан бўлакчасан, Анзират, сен ҳаммамиздан устун турасан... Агар рози бўлганигда сенга ўша пайтдаёқ уйланган, сени буйтиб хор қип қўймаган бўлардим.

Анзират ўзини йўлдан уриб, хўрлатиб ва ҳақоратлатиб, энди эса унинг олдига бўйин эгиб келгани ва ўзини ҳаммадан устун қўяётгани учун кўнгли тўлиб борар, алам, хўрлик унинг бўғзини куйдирмоқда эди.

— Кетинг, — деди Анзират ва деворга бошини тираб йиғлаб юборди. — Кетинг... Мени тинч қўйинг, худо ёрлақасин сизни... Одамлар кўриб қолса нима дейди... Ақалли болаларимни ўйланг, уларни тирик етим қилманг...

— Агар урушдан омон қайтсам, сени ҳеч кимга хўрлатиб қўймайман. Мени деб чеккан азобларинг учун сени бошимда кўтариб юраман, Анзират. Мени деб ҳеч ким сенчалик азоб чекмаган... Ҳамма менга олдимда тиржайиб, изимдан қарғаган, хотинлар бирон нарса ундирсам, деб қийшанглаган, мендан кўпроқ нарса олишни ўйлашган... Сен эса... Агар урушда ўлиб-пўлиб кетсам, ҳамма дарров эсдан чиқариб юборади... фақат сен эслайсан, фақат сен азоб чекасан, биламан. Сенинг кўнглинг шундай... Мени фақат сен эслайсан... — Тез-тез гапира бошлади Мирзақул.

— Кетинг! — шивирлади Анзират. — Кетинг... — Мирзақулга қарамай хўнграб йиғлаб юборди. Бу хўрлик ва гина йиғиси эди. Қилган гуноҳи учун доимо кишилардан туртки еб келган, ҳақоратланган, хўрланган қалб шу бир оғиз ширин гап эшитиши билан эриб кетган эди. Унинг шу одам туфайли чеккан азобларидан, изтиробларидан хўрлиги келар, ўпкаси тўлиб борар, ўзини босолмаётган эди, бу эркалик йиғиси эди. Анзират бир неча ойдан бери биринчи марта чин кўнгиладан эркалик билан йиғламоқда эди.

— Йиғлама, — деди Мирзақул ва унинг аввалгидай сочини силаш ва овутиш учун олдига борди. — Йиғлама... Анзиратнинг қаршисига тиз чўқди. У ҳозир ҳамма нарсага тайёр эди. — Йиғлама... Йиғлама, биронтамиз ҳам сенинг кўз ёшинга арзимаймиз. Сени хўрлаганлар йиғласин, мен йиғлайин, сен йиғлама... Менинг ўпкамни тўлдирма, урушга кўнглим гаш бўп кетмайин... Кулиб хўшлаш... Анзират... йиғлама...

Анзират бу юмшоқ товушни эшитиб, Мирзақулнинг юзига қаради. Мирзақулнинг кўзларида хи-жолат ва бошқа одамларникидан ўзгача, ўзи учун аталган меҳр кўриб, бирдан кўнгли юмшаб кетди. Кўзига Мирзақул жуда муштипар бўлиб кўринди. Ундан кўрган барча азобларини унутди ва йиғлаган кўйи:

— Кетинг, мен сиздан розиман, кетинг... худо хайрингизни берсин, тезроқ кетинг... — деди ва деворга суяниб, йиғлай бошлади.

Мирзақул серрайиб қараб турди-ю, бирдан ўзини унинг оёқларига ташлади.

— Мени кечирдингми?! Мени-я! — деди у Анзиратнинг оёғини қучоқлаб олиб. — Нега кечирдинг? Нега? Нега бошқаларга ўхшаб жар солмайсан? Нега мени қармамайсан, нега менинг шармандамни чиқармайсан?! Нега менинг гўримга фишт қаламайсан? Нега?! Шунда мен балким енгил тортган, юрагим бундай гаш бўлмаган бўларди...

— Вой, бу нимаси, — кўрқиб орқага тисланди Анзират. — Бу нимаси? Кетинг, кетинг деяпман сизга, бундай қилманг... Сиздан розиман, дедим-ку... Кетинг, оҳ, кетинг!..

— Хўп, хўп, — деди Мирзақул унинг оёғини қўйиб юбориб, ерда ётган телпагини қўлига олди. — Хўш... Кет десанг, кетаман... Ўл десанг, ўламан... Майли, хўш қол... Мен ўлиб кетсам, қарғаб юрма, рози бўл... рози...

У шартга изига бурилди ва бир қадам ҳам юрар-юрмас эшик зарб билан очилди-ю, қўлида миштиқ тутган, эски, кири чиқиб кетган пахталигининг ёқаси осилиб, ички кўйлаклари кўриниб турган, кўкиш аскарый телпагининг бир қулоқчини шалпайган, узоқ югурган отдек ҳансираб, кўзлари қизариб кетган Нормат кириб келди. Уни кўриб Мирзақул орқага чекинди ва

Анзират билан ёнма-ён туриб қолиб, унга кўрқув ҳамда ваҳима билан тикилди.

Нормат сочлари тўзиб, бир ҳолатда бўлиб ётган, ёлғиз чит кўйлақда деворга қапишиб турган Анзиратни кўргач, ҳаммасига тушунди.

— Ҳали сен эдингми?! — деди у ғазабдан овози бўғилгудек хириллаб. — Ҳали сен эдингми, менинг ҳаётимни булғаган, мени болаларимдан жудо қилган!.. Ҳали сен эдингми... хезалак!..

Мирзакул индамай бошини эгди. Унинг юзида ҳеч қандай ифода йўқ эди.

— Сен шунинг учун ҳам бизларни урушга жўнатган экансан-да? — деди яна ёввойи товушда. Унинг кўзлари қизариб борарди, вужудида қалтироқ турган эди. — Бизни урушга жўнатиб, хотинларни бузиб, машат қилмоқ-чи экансан-да, айғир!..

Мирзакул ўзини олиб қочишга улгурмади. Милтиқ кўндоғи чап биқинига зарб билан тегди-ю, у биқинини ушлаганча, Анзиратнинг оёғи остига йиқилди.

Анзират Норматга кўрқув билан тикилиб орқага тисланди. Бироқ Норматнинг кўзидаги ёввойи бир назарни англаб, бирдан тақдирига тан берди, кўзини ерга қадаганча ўтириб қолди.

Нормат унинг олдига бориб, лой ва балчиққа беланган қўли билан унинг иягидан кўтарди.

— Сени яна кечирмоқчи ҳам бўпман-а! — деди у алам билан бош сараклатиб, қутурган оҳангда. — Ҳа, майли, депман-а! Майли, адашибди, деб кечирмоқчи бўпман-а!.. Қанжиқ, мени харом... инг билан булғаган экансан-да... Мени мана бу харомтомоқ хезалакка алмаштирмоқчи экансан-да... қанжиқ!..

Анзират ҳўнграганча деворга ёпишиб қолди... Нормат партизанлар билан бир қишлоқни қутқаргандаги воқеани: бир взвод фашистлар эрини боғлаб қўйиб, кўз олдига хотинини зўрлаб ўлдирганини, серсоқол деҳқоннинг номусдан жинни бўлиб қолганини эслади. Кўзига қон тўлди... Бутун вужудида қалтироқ турди. У нафрат ва жирканиш аралаш тўрт йилдан бери бутун вужудини булғаб ётган манфур сўзни айтди.

— Фашист! — деди ярим хириллаб ва бу сўз тиг каби кўксини тилимлаб ташлади. — Фашист... сизлар фашистсизлар! — алам аралаш шивирлади. Яна нималардир дегиси, юрагини тўлдириб турган хўрлик ва

нафратни яна бошқа тубанроқ сўз билан ифодалагиси келди. Бироқ билган сўзларининг ичидан у бундан ҳам қабиҳ сўз топа олмади. — Фашистлар! — деди у ҳорфин, лекин кескин ва хирқироқ товушда. Сўнг миясида чақнаган ўздан сесканиб кетиб, кўзи тиний бошлади. Кўз олдида туман пайдо бўлди. Туман тарқаб, у ўзини отмоқчи бўлиб келаётган сонсиз фашист аскарларини кўрди, қулоғи остида яна ўқ овозлари, портлашлар эшитила бошлади. Таҳқирланган қалбида жирканиш туйди, лабининг икки чеккасида кўпик излари кўринди. У соғ оёғининг устига қўйиб милтиқни ўқлади. Унинг бу ҳаракатини, кўрган Мирзақул ўрнидан ирғиб турди. Оғриқнинг зўридан чап биқинини ушлаганча, юзи бужмайиб, эгилиб қолди ва бошини сал кўтариб:

— Нормат, эсингни йиғ, — деди алаҳсираган ҳолатда.

Нормат унинг товушини олисдан, минг йиллар наридан эшитаётгандек бўлди. У алақачон ўйлаш қобилиятини йўқотган эди. Унинг кўз олдида энгларини шимариб олган, уни отиш, уни ўлдириш, ҳаётини сўлдириш учун келаётган, у уч йил урушган душман аскарларини кўрар, миясида бошланган портлаш ва ўқ товушлари томирларини кенгайтириб юборган, кўз олди чанг-тўзонга тўлган эди.

Варанглаб отилган ўқдан Анзират чўчиб туриб, унга даҳшат аралаш кўзлари косасидан чиққудек, бақрайиб қаради.

Нормат Мирзақулнинг жон талвасасида ихраб, типирчилашини кузатаркан, кўнглининг бир чеккасида ёввойи хушнудлик уйғонди, милтиқни маҳкам қисганча, кўзлари қизариб, узоқ югуриб, бирдан тўхтаган бўри каби ҳансирай бошлади, шу туриши рақибини тилка-пора қилиб ташлаган ва яна тилка-пора қилишга тайёр турган ўзининг миллион йиллар олдинги ёввойи аждодларига жуда ўхшар эди. Авзойи ваҳимали тусга кирган, чакка томирлари бўртиб чиққан, оғзининг икки чеккасида сарғиш, қуюқ кўпик кўпираётган эди. Саддан кейин унинг кўзи на милтиқ овозидан уйғониб, юк тахмони орқасида кўрқиб йиғлаётган Холмат билан Ҳожарни, на кўзлари алақачон сўниб бўлган Мирзақулни, на ўзига кўрқув билан ғужанак бўлиб тикилиб турган хотинини кўрарди. У алақачон ўзини

урушдаман деб ҳисоблар ва фақат қандай отишнигина ўйлар, бутун вужуди қалт-қалт титрай бошлаганди. У хотинига кўзичоқни кўрган оч бўридек йиртқич назар билан қаради-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Тўхтаб-тўхтаб узоқ кулди. Унинг бу кулгиси соғлом одамнинг кулгиси эмасди, ваҳшиёна йиртқичнинг бўкиришига ўхшарди. Салдан кейин қишлоқ сукунатини бузиб иккинчи ўқ отилди. Кейин жимиб қолди. Ўқ овозидан безовта бўлган қишлоқ итлари ҳуришганча у ёқдан-бу ёққа югура бошлашди.

Бийди момонинг отхонаси эшигига боғланган Қоратўш чўзиб-чўзиб, ғалати кишнаб қўйди. Итларнинг акиллашлари анчагача, тонг қип-қизил шоҳи пардасини осмон дарчасига тутгунча тинмади... Ўқ овозидан ўзига келган Бийди момо ўрнидан ирғиб турди-да, туртина-суртина Норматнинг уйига қараб югура кетди. Пешонасидан оқаётган қон юзлари орқали секин кўйлагини ичига сизиб ўта бошлади. Бироқ ҳозир у ҳеч нарсани сезмас ва англамас эди. Унинг изидан учтўрт ит ҳуриб чопа бошлади. Бийди момо айвонга кираверишда яна бир йиқилиб тушди-ю, қаеридир қирсиллаб кетди. Жонҳолатда ўрнидан туриб, эшиккача борди. Хонада қонга беланиб ётган Анзират билан Мирзақулни, кўрқиб кетиб, бир-бирини қучоқлаб йиғлаётган Холмат билан Ҳожарни кўриб, айвонга югуриб чиқди-да, ўзини деворга уриб бор овози билан хириллаб, бақира бошлади:

— Одамлар!.. Қиёмат қойим бўлди. Нормат хотинини отиб қўйди. Одамлар!..

Унинг овози оқара бошлаган тонг кўйнига сингиб кетди.

Уч кундан кейин қишлоққа келган милиционерлар бутун ўтроқ кўнғирот уруғидан Нормат полвонни ахтара бошлашди. Нормат полвонга яқин бўлган ҳамманинг уйи тинтиб чиқилди. Фақат бир ҳафтадан кейингина Бухор қоялари остидан бўрилар ғажиб ташлаган, пешонаси ёрилган, қўллари синиб, панжалари мушт бўлиб тугилган жасадини топдилар.

* * *

...Ниҳоят кўнғирот элига баҳор кириб келди. У минг хил ноз, минг хил карашма билан уруш заҳматлари эзиб ташлаган уруш одамларининг юрагига яшаш ва

яшнаш ишқини солди. Уларни эркалади, сочларини силади, адирларни қип-қизил лолаларга тўлдирди, бутун борлиққа гўзаллик гиламини ёйди. Қирларни бахт тиллари — майсалар қоплади. Жанжалкаш, асабий бўлиб қолган одамларнинг диморини эркалади, уларни қирларга етаклаб чиқди, кўзларидан ўтди.

Ёмғир бу йил хосиятли келишидан дарак бериб, тошларни, дарахтларни алаmidан чиққунча савалади, жилғаларда шўхлик қилиб, буралиб-буралиб оқди.

Баҳор қаровсиз қолган Норматнинг уйини ҳам эсдан чиқармади, унинг томига майсалар ундирди, айвонига қизғалдоқлар экди, дарахтларини гулга кўмди, ариғида азобланиб, лойқаланиб оқди. Бузилиб кетаётган ўчоқ бошида икки бойчечак ўсиб чиқди. Улар ҳеч ким эшитмас қилиб, «Бахт, бахт, бахт», дея қўнғироқ чалдилар, ёмғир деразасига урилиб-урилиб йиғлади, шамол айвонга йиғилиб қолган хас-хусларни учириб, узоқ-узоқларга олиб кетди...

...Осмон юзини икки марта қора булут қопласа ҳам майборотнинг охирларига бориб кунлар исиб кетди. Катта дарёдан лойқа сув келмай қўйди. Дарахтларнинг гуллари тўкилиб бўлди. Енгил ва илимилиқ шабада эса бошлади

Саратоннинг бошларида, ўрик довуччалари сарғая бошлаганда, кўзлари ожиз бўлиб қолган Бийди момонинг катта келинидан бошқа терсоталиклар Қотнинг устига кўчиб чиқишди. Бийди момонинг катта келини қайнонасини ёлғиз ташламаслик ва уйнинг чирогини ўчирмаслик учун бу йил қишлоқда қолди Кичик келин баҳорнинг охирларида қамшилиқ бир муаллим бола билан қочиб кетди.

Катта келин Бухор полвоннинг авлодини ёлғиз ўзи давом эттиришга аҳд қилди ва эрининг олишларда киядиган қора яктагини кийиб, белини маҳкам боғлаб, саккиз яшар ўғли билан уй суваш, ўтин териш ва сомон тўдалашга киришиб кетди

Қотнинг устидаги буғдойлар сарғайди. Улар тўрт йиллик ҳорғин сукунатини бузиб, қувноқ шовилладилар. Бахт ва эзгулик, муҳаббат ва ҳаёт, меҳр ва оқибат ҳақида шивирлашиб, дунёдаги энг муқаддас куйни олтин қўнғироқлари билан чала бошладилар.

МОМОҚЎШИҚ

I

Бутун бригада сўнгги уч кун ҳашарчиларга жой ҳозирлаш билан овора бўлди: ҳар қалай, маданият ходимлари, яна бирон кори ҳол юз бермасин, бизни маданиятсиз, деб кетишмасин деган истиҳола билан шийпонни обдон оқлашди, ёғоч карт ўрнига симтўшаклар ўрнатишди, шийпон олдидаги ўт-ўланларни ўриб олишди, дарахтларни буташди, қип-қизил матога нима учун зарурлигини ўзлари ҳам тушунмай: «Хуш келибсиз, ҳашарчилар», «Оқ. олтиннинг бир мисқоли ҳам ерда қолмасин» деб ёзилган турли шиорлар илиб кўйишди. Қудуқларни тозалашди, атрофини қора қоғоз билан ўрашиб, кичкина омборхона қуришди — ҳамма ишни қунт ва иштиёқ билан берилиб бажаришди: чунки юқоридан бу йил шийпонга маданият вазирлигининг ходимлари келиши мумкинлиги ва шунга яраша тай-ёргарлик кўриш кераклиги ҳақида жуда ҳам эҳтиёт-корона хабар келган эди. Сунбула ойининг энди икки ҳафтаси ўтганига қарамай, ҳашарчилар бу йил эрта кела бошлаганди.

Ниҳоят жума куни пешиндан кейин бўлимга қарашли далаларга олиб келадиган ягона тупроқ йўлда пешоналарига байроқ қадалган тошбақага ўхшаш уч автобус кўринди: муюлишдаги йўлдан то шийпонга келгунча автобуслар уч-тўрт марта тантанали биғиллаб кўйди; бирпасда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди — совхоз марказидан самовор ва қозон ташлаб кетишди: ҳашардан кўра кўриқка келишгандай жуда ясан-тусун қилиб олган ҳашарчилар автобус тўхташи билан атрофга ёйилган чанг-чунгини куҳ-куҳлаб ўзларини шийпонга уришди — улар юзга яқин ёш-яланглар ва турли ёшдаги аёлу эркаклар эди — улар гўё ўзлари билан бу сокин чўл кўйнига шаҳарнинг сершовқин ва бетартиб ҳаётини ҳам бирга олиб келгандай эдилар — шийпон тевараги ингичка, йўғон, ширали, ширасиз, нозли, ишвадор, хирилдоқ, совуқ, ҳиринглаган, чариллаган, йиғламсираган, кулинқираган, босинқираган, ҳадиксираган, чўчинқираган турли овозларга тўлди. Ҳашарчиларнинг орасида пахтага биринчи бор келганлари ҳам бор эди — улар шийпонни, остин-устун

қилиб қурилган симтўшакларни, кўчиб ётган шифтни, дераза ўрнига қора қоғоз қоқилган қоронғи хонани кўриб, бир оз эсанкираб, шийпонга кираверишда тўхтаб қолишди, норози бўлиб, бир-бирига ва бошқаларга қарашди, бироқ ўзларига боп жойларни танлаётган ҳамроҳларига қараб туриб, тақдирга тан бергандай, умумий қий-чувга қўшилиб кетишди.

Баъзи ҳашарчиларнинг кўзларида тўсатдан қуюқ ўрмонга келиб қолган болаларнинг юзларидаги ҳайратдек бир оз ажабланиш акс этиб турарди. Улар автобусдан тушишлари билан яқин атрофдаги чайлалардан болалар ҳам югуриб келишган, энди улар бу ажобтовур ва ўзларининг ота-оналарига аллақаерлари ўхшаб, аллақаерлари ўхшамайдиган одамларни қизиқсиниб томоша қилиб туришарди, — томошага келганлар ичида бетон ариқда ёшгина тойхарчасини боғлаб қўйган қоп-қора, тўққиз ёшлардаги бола ҳам бор эди, у тинмай бурнини тортар, тойхарига қоп-қора тирсаклари билан суяниб, ҳашарчиларга жуда қизиқсиниб қараб турарди; — икки-учта ёши каттароқ болалар эса токи шийпон олдиғача бостириб келишган, ўзларича сир бой бергилари келмай ёки ўзларига қарашли жойларга ҳамиша бегоналар келса, маҳаллий болалар ўзларини қандай тутса, шундай тутишиб, «кўп шовқин-сурон қилаверманглар, бу ернинг хўжайинлари биз, бу ерлар бизнинг ерлар» дейишаётгандай ғўдайиб туришарди; уларнинг чангга, доғ-дугга беланган кийимлари ва пўсти кўчиб қолган юз терлари, афтидан, фаррош бўлса керак, битта аёлнинг эътиборини ўзига тортди: у шийпонга кираверишда турган иккита болага тўрхалтасидан иккита пепсикола чиқариб берди. Болалар, аввал, хижолат бўлиб туришди-ю, кейин аёлнинг юмшоқ овози таъсир қилдимми, шишаларни олиб, мақтаниш учун нарироқда тўпланиб турган уч-тўрт боланинг олдига югуриб кетишди, — қолган болалар сал наридан кузатиб турардилар, уларнинг ичида ёшгина, чит кўйлак кийган иккита қизча ҳам бор эди. Ҳашарчиларнинг турли касб эгалари эканлиги кўриниб турарди — баъзилари жуда бежирим кийинишган, бошқалари худди кинолардаги қароқчилардек кенг соябонли шляпа, тор юпка ва елкасига ҳар хил шокилалар солинган камзуллар, курткалар кийиб олишганди, қиз-жувонларнинг кўзи пишиб қол-

ганлари автобусдан туша солиб, пахта теришга тушиб кетадигандек далага мос анчайин одми кийимларда эди.

Ҳашарчилар орасида попуқдеккина котиб кизлар кўпчиликини ташкил қиларди — улар чуркун шох-шаббалар ичида очилган бир даста лолалардек кўпдан бери гўзал ва чиройли нарсаларни кўрмаган анчайин бесаришта шийпонга ўзгача чирой ва малоҳат бағишлаб юборгандилар. Котибалардан ташқари фаррош аёллар, буфет хизматчилари, баъзи бўлим ходимлари, театр артистлари, турли ансамбль қатнашчилари, битта тепакал драматург ва театрга адабий эмақдош бўлган, кейинги пайтларда «ёш, иқтидорли» деб тан олина бошлаган Шамси Салоҳ деган, андак кеккайган, далада, айниқса, яққол кўзга ташланадиган узун, жингалак соч қўйган, ҳатто шу сочиданоқ, иқтидорлилигини биллиб олса бўладиган бир ёзувчи ҳам бор эди: уни бу ерга келишга ҳеч ким мажбур қилмаганди, у ўз хоҳиши билан, эътироф этишича, «халқ ҳаётини ўрганиш» учун келган эди. Унинг бу ерда пайдо бўлиши ҳали эрга тегмаган баъзи хонанда ва ўйинчи кизларнинг эътиборини бирдан ўзига тортди: у ҳақда адабий гуруҳларда илиқ гаплар юрарди: Москвада ўқиган, уйланмаган (тўғри, баъзи ичиқоралар пана-панада қишлоқда хотини ва боласи бор дейишарди, лекин бунга унчалик ишониб бўлмасди — у қишлоққа жуда кам борар, шунда ҳам икки кун турмай қайтиб келарди — уйланган бўлиши сира мумкин эмас эди, чунки шу кунларда унинг фалончи шоира билан муносабатлари жуда яхши, шу йил тўй ҳам бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмаслигини башорат қилишарди, иккинчидан эса у давраларда ҳали-бери уйланмоқчи эмаслигини, эркинлик ва ҳурликни севишини жуда камтарлик билан маълум қиларди), эндигина ўттизга кирганига қарамай учта китоб чиқаришга улгурган, адабий оламини ўзига маҳдиё қилиб қўйган «ёш даҳо»лардан эди, ўзи эса хушмуомила, сертакалуф, нозик дид эди — бу фазилатлар унинг зоҳирий кўринишига жуда мос тушарди — гўё хушмуомилалик ва сертакалуфлик айнан шу одам учун яратилгандай эди, бундан ташқари муқаррар рўёбга чиқажак башоратнинг камтарин ифодаси бўлган унинг жарангдор тахаллуси ҳам ўзига шохнинг бошидаги тождай ярашиб турарди. Бу ёзувчидан ташқари ҳашарчилар орасида вазирликка қарашли га-

зетанинг иккита мухбири, дурадгорлар, рассомлар, ва- зирликнинг хўжалик ишлари бўйича мудирлари ҳам бор эди. Хуллас, барчаси маданият ходимлари деса дегу- лик келбатда эдилар.

Уларнинг юзидаги салобатни ва аёлларнинг юзида- ги малоҳатни кўриб бир оз довдираб қолган чеҳраси иссиққина барваста бригадир йигит оёғи куйган то- вукдай бесаранжом эди. Унинг юзида тўсатдан мўъта- бар меҳмонлар бостириб келганда тўзиб ётган уйи- нинг ўртасида гангиб, каловланиб қолган мезбондек ҳолат кечинар эди. У гоҳ ҳашарчиларнинг хўжалик мудирлари билан ниманидир келишар, гоҳ нарироқда пах- та териб юрган хотин-халажларнинг олдига бориб ке- лар, гоҳ бахмалдек чанг ўрнашиб қолган эски мото- циклини патиллатиб қайларгадир жўнаб қоларди. Ҳашарчилар эса ҳаммасига бепарво, ҳамон бир-бири билан жой таллашишар, тўшақларни тахлашар, аёллар чойшаблар билан ўзлари ётадиган жойни ўраб оли- шарди.

Бўм-бўш ва ҳувилаб ётган шийпонга бирдан файз кирди, атроф супуриб-сидирилди, сув сепилди: бир- пасда қозон ва мўъжазгина қўлбола ошхона пайдо бўлди: бино одам кулгуси ва ҳазил мутойибалар би- лан тўлди. Шийпон ичида кўп йиллардан буён ўрна- шиб қолган қандайдир дорининг ачимсиқ ҳиди ҳам шийпон ичига ёпирилиб кирган мушки анбар ҳиди аралаш маст қилувчи аёл исини босишга ожизлик қилиб қолди— бу ҳид бир зумда шийпон атрофини ҳам забт этиб олди: торгина спорт костюмлари кийиб олган қиз-жувонлар қадду қоматларини кўз-кўз қилиб, шийпонга кириб чиқиб туришарди. Вазирлик гуруҳга бошлиқ қилиб жўнатган Исмоил Али деган драматург юзи товоқдай бригада бошлиғи билан қилинажак иш- лар тўғрисида гаплашмоқда эди: у йигитни унчалик назарга илмаётгани шундай кўпчиган юзидан кўриниб турарди: у бригадирнинг гапини қошини жийириб тинглар ва номигагина бош ирғарди.

Бригадир ранги қанақалигини билиб бўлмас мото- циклини судрай-судрай ўт олдириб кетгач, у шийпон- нинг бир четида теварак-атрофни ҳафсаласизлик би- лан кузатиб турган Шамси Салоҳнинг олдига бордида, дўстона бир яқинлик билан қўлтиғидан олди.

— Бу дейман, ҳалитдан зерикиб қолдингизми?, —

деди у Шамси Салоҳнинг кўзларига ялтоқланиб тикилар экан.

Шамси Салоҳ, талмовсиради, сўнг бепарволик билан кулиб қўйди. — Совхоз марказидан жуда узоқ экан. Ўн беш чақиримча бор, шекилли? Йўл ҳам расво, анови қишлоқдагилар қандай кун кечиришаркин? Наҳотки бозор-ўчар учун ҳам совхоз марказига боришса? Қизик. — Сўнг ўзига ўзи гапираётгандай:— Бу ювиниш деган масалалар нима бўлади? — деди.

Исмоил Али ичида «Ана шунақа, ҳамма ер Москва эмас», дегандай ҳиринглаб кулди.

— Энди ювинишни шаҳарга қайтиб икки ҳисса қилиб чиқариб оламиз. Бу ерда эса шамоллар ювиб кўяди юзингизни... ҳе... ҳе... мен йигирма беш йилдан бери пахтага келаман, лекин жар солишаётгандек, ҳар томонлама қулай ювиниш хонасию, музлаткичи бор, киройи шийпонни ҳали кўрганим йўқ, менимча кўрмасам ҳам керак. Э... улар ҳаммаси газетада... тўқиб-бичишади. Бизнинг газетачиларимизда субут деган нарса қолмади, билмадим, улар кимни алдашар экан.

Шамси Салоҳ худди бу гапларни эшитавериб, чарчагандай, билинар-билинемас хомуза тортди, бироқ Исмоил Алига ҳеч нарса демади, жавоб ўрнига яна пахта далаларига хомуш нигоҳ ташлади: ичида бу манзарага нисбатан ҳеч қандай ҳис уйғонмаганига, нимадир тошдай бўлиб бўғзига тикилиб турганига, юраги бирдан бу нарсалар ўзига алоқаси йўқдай «ухлаб қолганига» бир оз ажабланди. У мен, ўша пешонасидан тер ҳиди келиб, меҳнатда қотган мушаклари бўртиб турган, ўз ҳаётидан мамнун одамларни кўрсам, юрагимда янги тўлқинланиш бошланади, деб ўйлаганди. Ҳозир эса негадир бу тафтсиз, завқсиз манзарадан кўнгли ғашланди: ўзини диққат билан кузатаётган Исмоил Алига малолангандек тикилди.

— Ҳали ҳам ёввойи яшаймиз, жуда қолақмиз, — деди ҳафсаласизлик билан.

Маданият ходимлари шийпонга яхшилаб жойлашиб олгач, кечга яқин— қуёш далалар узра қадаб қўйган зарҳал найзаларини бир-бир териб ола бошлагач, учтўртта бўлиб айланишга чиқишди; йил ўн икки ой шаҳар кўчаларидан нарини кўрмайдиганларга китоблардагина ўқиган бу биёбон фаройиб томошага ўхшар эди; ҳаммаёқ оппоқ пахтазор, фақат узоқ-узоқларда

сахронинг ўзлаштирилмаган жойлари қип-қизил бўлиб кўринарди. Шийпоннинг кун ботиш томонида шу ерда деҳқончилик қиладиган одамлар яшайдиган қишлоқнинг дарахтлари қорайиб кўринарди: шийпон билан бир қатор ҳар ер, ҳар ерда қамиш ва лойсувоқ чайлалар жойлашганди, у ерда хотин-халажлар сигир етаклаб юрар, иккита ёшгина бола жилдираб қолган бетон ариқда қиқирлаб кулганларича бир-бирига сув сепишарди: шабада чайлалардан энгилгина қовун ва райҳон ҳидини олиб келган, куюш қиё оққанча тафтсиз порлаб турарди. Ҳашарга келавериб, тажрибалироқ бўлиб қолган бир-икки ёш йигит қовун-тарвуз умидида томорқалар томон йўл олишди. Шамси Салоҳ ва Исмоил Али билан иккита кекса актёр нарироқда кўриниб турган боғга ўхшаш дарахтзорга қараб кетишди. Йўл чанг, юриш ноқулай эди. Шу сабабли улар бетон ариқча ёнидаги чимзор бўйлаб кетдилар. Уларнинг бу сайрида бирор бир мақсад йўқ эди: шунчаки кунни кеч қилиш ва автобусда кўп юрганларидан уюшиб қолган томирларини ёзиб келмоқчи эди. Ундан кейин қўналганинг атрофида нималар борлигини кўриб қўйсанг ёмон бўлмайди, деган ният билан кетиб боришарди.

— Бригадир анча ювош болага ўхшайди, — деди кекса актёрлардан бири Исмоил Алига қараб. — Пахтаси ҳам ёмон эмас.

Исмоил Али жавоб бергиси келмагандек, олис-олисларга кўз тикди, поёнсиз мавжланиб ётган далаларга қисик, мўғулсифат кўзларини югуртириб чиқди, сўнг тахи бузилмаган рўмолчаси билан терлаб кетган бўйини ва юзини артди.

— Ҳа, буларга ҳам қийин, — деди негадир ачингандек, лекин семиз юзида ачинишдан кўра малолат акс этиб турарди, актёрнинг саволини тўсатдан эслаб қолгандек, унга қараб бош чайқади. — Ҳа, мўмин болага ўхшайди. Икки йил олдин агрономияни тугатган экан, сизни театрда кўрганман, дейди. — Унинг сўнги гапи бир оз ғурур билан жаранглади ва икки актёр негадир бир-бирига маъноли кўз ташлаб олишди.

— Бу ерларда қандай яшашар экан? — деди Шамси Салоҳ, нарироқдаги бедазорда сигир боқиб юрган болага қараб. — Ҳа, айтгандай, ов қиладиган жой борми?!

— Бор, — деди Исмоил Али, — ҳув, анови тепанинг орқасида кўл ва ташландиқ ертўла бор. Ўтган йили ҳам шу атрофга келгандик.

Улар бор деса боғга, чакалакзор деса чакалакзорга ўхшамайдиган, серсоя, тигиз қилиб экилган дарахтзор оралаб боришарди, дарахтлар орасида кўп йиллик юлғунлар, янтоқлар ўсиб ётарди: ботаётган қуёшнинг сўнгги нурлари шоҳларда осилиб турар; бу ерда негандир дилни хомуш қиладиган сукунат ҳукм сурарди. Кекса ва чуркун дарахтлар ҳориган жангчилардек кечки шабадада ҳолсизгина тебранарди.

— Қишлоқ хўжалигини битирган дедингизми? Шамси Салоҳ Исмоил Алига қаради, сўнг бунинг ўзи учун ҳеч қандай қизиги йўқлигини англагач. — Ҳа-а — деб қўйди чўзиб.

Унинг кўнгли хижил эди, айна пайтда у бу ерлардаги бирон нарсани кўздан қочирмоқчи эмасдек ҳар бир дарахтни диққат билан кўздан кечирарди. У туппа-тузук номи чиққан ёзувчи эди, кейинги икки китоби, айниқса, унга шуҳрат келтирганди, танқидчилар унинг «нозик таъб», «нафис дидли» ижодкор эканлигини алоҳида таъкидлашарди. Унинг «лирик қаҳрамонлари ҳаётдан гўзаллик изловчи ва ҳаётни гўзаллаштирувчи» қаҳрамонлар эди. У дарахтлар орасидан ва теварак-атрофдан бўлажак асарига узукка кўз бўлгудек латиф манзаралар излар, шу сабабли ҳамроҳларига қараганда паришонроқ эди. У гўё бу кекса, хунук, дарахтларга ҳам ўзининг ниҳоятда қобилиятли эканлигини кўрсатиб қўймоқчидек бағоят ораста кийиниб олган, эгнидаги оқ костюм ўзига жуда ярашиб турар, кумлоқ йўлда ундан енгилгина чўчқа тумшуқ из қоларди. Икки актёр кейинги пайтда матбуотда пайдо бўлган театр муаммолари тўғрисидаги баҳсларга Шамси Салоҳни ҳам тортиш учун, товушларини бир оз кўтариб, мунозара қилишарди.

— Ҳамма бало шундаки, у барча айбни бизнинг устимизга юкляпти, — дерди бурни қизил актёр, — гўё биз ўйнолмаётган эмишмиз. Қани, яхшироқ, драманинг ўзи борми, дейдиган мард йўқ. Улар ўзлари тўғрисида лом-мим демайдилар. Бу мақоладан бошдан-оёқ артистлар айбдор, улар саводсиз, ўз устларида ишламайди деган фикр келиб чиқади. Драматургия-миз-чи? Драмалар замондан орқада қолмаяптими? Бу

тўғрида ҳеч қандай фикр йўқ. Ахир кавуш ёмон тикилса, оёқда нима айб?

Бу гап сал олдинда кетаётган Исмоил Алига тегиб кетди шекилли, у огоҳлангиргандек, томоқ қириб қўйди. Икки актёр ҳам бирдан жим бўлиб қолишди. Нажот излагандек Шамси Салоҳга тикилишди. Бироқ, у ҳамма нарсага лоқайд ва паришон эди. Дарахтзор тугаб, улар қандайдир қамиш чайланинг қаршисидан чиқиб қолишди: чайла олдида ёғочдан сўри қилинган, сўрининг бир четига ўнтача қовоқ териб қўйилганди. Чайла билан дарахтзор оралиғи йигирма қадам ҳам чиқмас, супада уларга орқа ўтириб, сўта ситганча қандайдир қиз қўшиқ айтарди. Қизнинг овози тиниқ, ҳатто жуда тиниқ, таъсирчан, ширали ва мароқли эди. У қўшиқнинг энг юқори пардасини ҳам қийналмай, зўрланмай, табиий ва самимий куйларди. Тўрт ҳашарчи ҳам худди биров имо қилгандек бирдан тўхтаб қолди. Улар қўшиқнинг назарий томонларини ва овознинг қадрини яхши тушунардилар. Шу сабабли қаршиларидаги қизга бир зум сеҳрлангандай, бир оз ажаблангандай қараб туришарди. Ҳатто энг машҳур ҳофизлар ҳам бу қўшиқнинг юқори пардасига келганда бир оз кучанишарди; қиз эса дугонасига шивирлаётгандай қийналмай, овоз маромини ўзгартирмай пардадан-пардага ошиб ўтарди. Унинг овози сўзларни ҳам оҳангга айлантириб юборар, қиз қанотини озод қоқиб юрган қушчадай, берилиб қўшиқ айтарди. Қўшиқдан ҳатто қизчанинг дук-дук ураётган юрагини ҳам эшитиш мумкин эди. Унинг товушидаги эркинликка Шамси Салоҳ бирдан мажоз топа олди: тоғ кийиги чўққидан-чўққига ана шундай сакраб юради, деб ўйлади у. Қиз уларни кўрмас, қўшиғининг авжини ўзгартирмай бир пайтнинг ўзида тез-тез сўта ситрарди. Унинг атрофида жўхори дони уюлиб кетган, қиздан икки қадам нарида икки-уч ҳафталик бузоқ ўйнаб юрарди, унинг кечки қуёшда ялтираб кетаётган жунида ва кичкина, чиройли кўзларида ҳам қизнинг қўшиғи жилваланаётганга ўхшарди.

Бу жуда гўзал манзара эди, буни фақат уста rassomларнинг суратларидагина кўриш мумкин, бироқ энг зўр мусаввир ҳам унинг қўшиғига бўёқ тополмаган бўларди. Қизнинг овозида бани дунё ўзаро уйғунлашиб жаранглар, гўё хаёл ҳам, гўзаллик ҳам, орзу ҳам

қизнинг қиёфасига кириб қўшиқ айтарди. Қўшиқни тинглаётган одам баҳорни, яшариш фаслини, солла-ниб турган гулларни, шабададан тўкилай-тўкилай дея-ётган қизалдоқ баргидаги шудрингни, туман қоплаб олган боғни, варрак учираётган болаларни юксак-юк-сакларда парвоз қилаётган, жилваланаётган болалик хаёлини кўз олдига келтириши мумкин эди. Болалик каби гўзал, тиниқ ва орзуманд бу овоз қуёшнинг ис-сиқ тафтидек ўз оҳанги билан одамни эритиб юборар, кўнгилга ёқимли шабададай эсиб кирарди. Тўрт ҳашар-чи шундай таассуротларни бошдан кечирар, улар қўшиқни охиригача эшитмоқчидек донг қотиб тури-шарди. Қўшиқ хаёлни тортқилаб, тортқилаб олис-олис-ларга, хаёлот, орзу, самимият ва мўъжизалар гуллаб ётган болалик адирлари томон олиб қочарди. У хасис дунёнинг қўйнидан бу гўзал оҳанглари парча-парча қилиб кўпориб олаётгандай ва жароҳатлар бижғиб ёт-ган қалбларга малҳам қилиб босаётгандай эди.

Тўртта ҳашарчи дарахтзордан чиқаверишда тўхтаб қолган, гўё қимир этсалар дунёнинг улуғ мўъжизаси-дан қуруқ қолишадигандек, кўзларини ҳам юммай ту-рардилар. Бу ота-боболардан мерос қолган, қувғин қилинган, қатл этилган, ёқиб юборилган, лекин охи-роқибатда зулмлардан, қатллардан яна қайта тирила-верган, яна ҳам гўзаллашган, улуғлашган, замонлар силсиласида осмону фалақдан ёғилган инъом каби яна пайдо бўлаверган ва маданий дунёнинг мафкураси би-лан заҳарлаб ташланган тўртта санъат одамининг қити-гига тегиш учун уларни босиб, янчиб ўтиб, йироқ-йироқларга оқиб бораётган, кечки шафақ қўйнида яна-да кўпроқ товланаётган хаёлдай гўзал қўшиқ эди; гўё замин у замоннинг, инсоннинг азалий орзуларининг битта тори мана шу қизнинг чайласидан ўтгану, у қиз ўзини тинглаётганлар ўкириб-ўкириб йиғласинлар, бо-шини тошга ура-ура беҳуда ўтаётган умрларига армон қилсинлар, умрнинг ғанимат эканлигини, бу ҳаёт одамга бир лаҳзага берилганини англасинлар, бир-бирига таъ-зим қилсинлар, бир-бирини қучиб йиғласинлар, ме-нинг ҳам, бу қўшиқ айтувчининг ҳам умри бир лаҳза, фақат қўшиқгина абадийлигини ҳис этсинлар деб, бу торни шафқатсизлик билан қайта-қайта чертар эди...

Мана баҳор келаяпти. Чечаклар бош кўтараяпти, қизалдоқлар қир-адирлар узра қийқириб, чопиб юри-

шибди, ана, қамиш чайладан болакай югуриб чиқди, у онасининг пўписасига қарамай, ёмғир савалаб ўтган майсаларга қиқир-қиқир кулганча ағнаёпти, унинг кулгусидан уйғониб кетган дунё пориллаб очилаётган гунчаларнинг кўзлари орқали теварак-атрофга разм солаёпти, дунё ғафлатдан уйғонаёпти... боғларда ишонч, хавотир, орзу дарахтлари гуллаёпти.. Бу ўлкага яна муҳаббат қўшиғи қайтди...

...О, сен момоқўшиқ! Қалбимнинг муқаддас қўшиғи.

Сен бу биёбондан, бу мардумлар дилидан нелар излаб юрибсан? Сен бу руҳлар қабристонидан нелар излаёпсан?! Бу одамлар юзларида сен излаётган ул шамлар алақачон ўчиб бўлган. Бу саҳрода сен уйғотадиган нарса қолмаган. О, билдим, сен бу ерларга мени излаб келгансан. Мана, мен, қанча сириг бўлса айт. Кўнглимдаги ул волиб туғларни кўтар. О, мени ўз ўлканга даъват эт. Ўликлар юртига қўшин излаб келган саркарда қўшиқ! О, балки, бу қўшиқ эмас, қиличлар жарангидир?! Юрагига ўқ санчилган жангчининг ҳаёт ва ўлим ҳақидаги сўнги хулосасидир. О, сен, улуғ ният қўшиғи! Майли, янгра! Майли, забт эт! Мени ўз оҳангинга гарқ қил! Майли, мени куйнинг кундасида қатл эт! Токи қабрим ҳам сенинг ўлмас сатрларингда қолсин!..

О, ўлмас қўшиқ кемаси! Суз, сузавер! Ул олис диёрлардан менга томон сузиб кел, менинг юрагимга лангар ташла! Мен сени асрлар, йиллар оша кутдим. Ул момо юртлардан мени излаб келишингни билардим. О, умид кемаси! Суз, сузавер. Бу саҳро узра улуғвор елканларингни ёзиб ўт! Сени кўриб одамлар ҳали дунёда гўзаллик ва қўшиқ мавжуд эканлигига ишонсинлар, сени кутиб олиш учун юракларининг қирғоқларига чиқсинлар..

Қиз қўшиғини тутатган бўлса ҳам тўрттала ҳашарчи ҳамон унга ҳайрат билан қараб туришарди — гўё қўшиқ эмас, ҳозиргина олдиларидан қизғиш қанотли тулпорлар чопиб ўтганга ўхшарди: қўшиқнинг давомини ҳар бири ўзича хаёлида давом эттираётгандек, бу дилгир оҳангни тутиб олиб, кўксиларига бир умр қадаб қўйиш учун қўшиқ изидан дала узра хаёлан югуриб юришгандек эди..

Энг биринчи бўлиб Исмоил Али ўзига келди. Қўшиқ алақачон оқшом қаърига сингиб кетганди, қиз эса

жўхоризорда донлаб юрган товукларни катагига қамаш учун ҳай-ҳайлаб, ҳайдаб юрарди; у худди қўшиғи каби сулув эди, — ҳар қалай, узоқдан сулув бўлиб кўринарди. Унинг қизил чит кўйлаги югураётган пайтда ростдан ҳам олислардан келаётган кеманинг алвон елканига ўхшаб, ҳилпираб кетарди.

— Овози опереттага жуда мос экан, — деди Исмоил Али ўзини сал йиғиб олиб, — фақат бир оз тарбиялаш зарур, лекин санъат оламини асир туширадиган овози бор экан.

Шамси Салоҳ шамдай қотиб қолганди: унинг вужудида хотиралар, хаёллар, туйғулар ғалаёнга келганди. У кейинги пайтларда қўшиқ эшитиб, ўзининг ҳозиргидай ҳаяжонланганини ҳеч эслай олмасди, унинг йиғлагиси келарди, бўғзида тошдай нарса тикилиб турар, бориб у қизни кучгиси, раҳмат айтгиси, оёғига йиқилгиси келарди. Балки кейинчалик у ўзининг ушбу ҳолатини эслаб кулиб ҳам юргандир, бироқ ҳозир у шундай қилишга қодир эди, фақат боягина дунёнинг энг латиф қўшиғини айтган қизнинг қўшиққа мос бўлмаган келбатда товук қувлаб юришига ажабланиётган эди. Гўё қўшиқ айтган қиз осмону фалакка учиб кетгану бу қиз эса фақат унинг суврати... Бу манзара унга жуда қаттиқ таъсир қилди. У кейинчалик ҳам ушбу дақиқаларни тез-тез қўмсар, соғинар, лекин буни ошкор қилишга истиҳола қиларди.

Шамси Салоҳ ҳамроҳларидан юз қадамча орқада борар, хомуш ва паришон эди.

У шийпонга қараб бурилишдаги бетон ариқда кетмонини юваётган сариқ мўйловли кишининг саломига алик олиб, бош ирғаб ўтиб кетди-да, сўнг бирдан изига қайтиб, терс сўради:

Дарахтлар ичидаги чайла кимники? — қўли билан дарахтзор томонга ишора қилиб.

— Отақулники, бригадирники, — деди мўйловли киши унга қизиксиниб тикилиб. Унинг итоаткор, андишапараст чеҳрасида ҳар доимгидай эҳтиром пайдо бўлди ва қадини тиклаб, шоирнинг олдида роз қотди.

Шамси Салоҳ хўмрайганча жим қолди.

— Синглиси нима иш қилади? — сўради у яна.

— Қандай синглиси? — сувчи унга энди ажабланиб тикилди. Кейин дона-дона қилиб, — Отақулбой онадан битта! — деди. Ниманидир ўйлаб, кўзларидаги

савол тўсатдан йўқолиб, бирдан топишмоқнинг жавобини топган боланикидай шодон учқун пайдо бўлди.— Э, ҳа, келинни айтяпсизми?

Шамси Салоҳ сал олдин негадир «Қишлоқ хўжалигини битирган эканми? — деб сўраган юввошгина бригадирни эслади, юраги вашланди, сувчининг саволига жавоб ҳам бермай, хўмрайганча шийпонга қараб йўл олди. Сувчи бу салобатли одамнинг нега Отақулнинг хотинини атайлаб сўраганига ақли етмай, изидан ажабсиниб қараб қолди.

II

Тонг пайти самоварчи ташқарида тақур-туқур қилиб юрганда у ўзидан-ўзи уйғониб кетди, хуриллаб, беозоргина ухлаб ётган ҳамхоналарига бирпас тикилиб турди-да, кийиниб секин ташқарига чиқди: тонг оқара бошлаган эди, шундагина у кўл бўйига бориб, қуёш чиқишини кузатмоқчи бўлганини эслади. Тун қайларгадир учиб кетиш учун далалар устидан аста-секин қанотларини йиғиб олаётган эди. Кечаси билан тун мулкига пойлоқчилик қилиб чиққан ой шами ҳам энди ер юзини ёритишга ожиз эканлигини сезгандай пилпиллай-пилпиллай сўна бошлаганди. У саҳро тонгининг салқин ҳавосидан энтикиб кетди; бу тонгда ва бу далаларда унга ёт бир ёввойи ғурур тўшалиб ётарди, улар сирларини ҳеч кимга бермоқчи эмасдек ёки қандайдир хавфни кутиб, донг қотиб қолишгандек, сирли тарзда ҳурпайиб, олишганди. Тонг олис-олисларда кўринаётган қишлоқларда ўзининг тирикчилик қўшиқларини бошлаб юборган, пастқам қирлар устидан шафақ туғдай қилпирар, далалар узра осойишта сокинлик ҳукм сурарди.

Шабада эгатлар ичидан ғўзаларни қитиқлаб, кулдириб чопиб ўтарди. Шамси Салоҳ эгат оралаб борар, оёқлари остида барглар шитир-шитир эзиларди. Баъзан ғўзалар унинг шарпасидан ҳуркқандек, қалтираб кетарди, у ўзига кўпдан буён бегона бўлиб қолган, қандайдир дард ва оғриқ билан тўлғониб ётган бу заминни тинглагиси келарди.

Аламли, шаполоқдай-шаполоқдай юзлари сарғая бошлаган, маҳзун туришлари ва мунгли қарашлари билан шарқ аёлларига ўхшаб кетадиган, тонгги салқинда

келинчакдек титраб турган бу гўзалар нелар демоқда? Нега улар бунчалик безовта, бунчалик руҳсиз, бунчалик сўлғин?

Кафтларига митти қуёшчалардек умид толаларни кўтариб олган ва ичига ораласанг изингдан норозидек шитирлаб, жавраб қоладиган, кенг далада ястаниб ётган гўзаларнинг намойишими бу? Ёки тупроқ остида қовжираб ётган ота-боболарнинг фалакка ўқталган муштларими бу? Агар разм солиб қарасанг, сени гўзалар эмас, сонсиз, таҳликали лашкарлар ўраб турганини кўрасан. Нечун, нечун бу лашкарлар қурбонликка маҳкум этилган? Уларнинг бунчалик вазабга келтирган нарса нима?! У қандай куч, қандай жоҳиллик?! Бу гўзами, ё исёнми?!

Шамси Салоҳ узоқ-узоқларга боқди ва нечундир олис-олисларга чўзилган пахта даласини йиғлаб ётган аёлга ўхшатди, йўқ, йўқ, балки қўшиқ айтаётган аёлга ўхшар. Агар гўзалар ҳам куйлаганда қандай қўшиқ айтган бўларди? Ёки анави келинчакка ўхшаб (келинчак эканини у кеча билиб олган эди) момолар қўшиғини айтармиди ва бу қўшиқни у тушуна олармиди? Тўғри, кечаги қўшиқда ҳам бирмунча дағаллик бор эди, лекин уни барибир ҳаяжонга солди, бағрини титратиб юборди-ку; у ўзини санъатнинг биллур қоясига чиқиб олдим, ҳамма нарсани энди шу қоядан кўраман деб ўйларди. Лекин кечаги қўшиқ тўсатдан ерга тортиб туширди; унинг қалбида нафис ташбеҳлар остида кўмилиб қолган унут хотираларини юзага чиқарди, — бу қўшиқ эмасми, ахир, бу гўзаллик эмасми? Шамси Салоҳ барибир ич-ичидан буни тан олгиси келмади, агар тан олса, ўзи кулиб юрадиган «ялтироқ» романларнинг қаҳрамонига айланиб қоладигандек кўнглида бир ўжарлик уйғонди.

Шамси Салоҳ тунд, бироз олифтароқ, жимжима нарсага ўч, бироз кибрлироқ, ҳамма нарсанинг гўзал бўлишини истовчи ва ҳамиша шунга интилувчи, ҳашамли ва жилвали нарсаларни севувчи, ҳар бир манзаранинг ниҳоятда зебо томонларини кўра олувчи, нафис ташбеҳларга устаси фаранг, яшаши ва кийинишида ҳам ўта зиёлилик барқ уриб турувчи киши эди; у ҳаётга ҳам, теварак-атрофига ҳам мана шу нозик зиёлилик кўзойнаги билан қарарди.

Пахта даласидан унинг кўнглига оғир таассурот

чўккан эди, гўё унинг ҳислари, сезгилари бирдан гулг бўлиб қолгандек эди, у бундай кайфият билан ҳеч нарса ёзолмаслигини яхши биларди. Сал нарида атрофини қамиш ўраб олган кўл кўринди, шабада унинг димовига балчиқ ҳидини олиб келди. Кўл ҳам қуриб қолган сиёҳдондай унда диққинафас таассурот уйғотди.

Шунда у кечаги қўшиқни эслади, бу дала, бу кўл, бу манзаралар ўша қўшиқнинг маҳзун байтлари эмасми? Худди қоронғу хонага лоп этиб қуёш нури тушгандай унинг хуфтон кўнглининг бир четида қандайдир ёрқин сиймо унга аввалига нотаниш туюлди, сўнг қўшиқ айтаётган келинчакни эслади-ю, юзи ёришиб кетди. Қандай аёл, у, назари боғу эрам гулларига ҳам тушиши қийин бўлган бу одамни ўзига ғойибона чорлаётган? Нега унинг аёлга баайни гўзал ташбеҳдай, бунчалик ишқи тушиб қолди? Эҳтимол, унинг энг гўзал ташбеҳи ҳам шу келинчак бўлар?

Кўл атрофи этни жунжиктирадиган даражада салқин эди ва ундан сасиган балиқ ҳиди келарди; энди ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмасди, кўз олдидаги қурум манзараларнинг маънисини йўқолганди. У бу ерларни кун узоғи кезса ҳам ўзи излаган нарсаларни топа олмасди. Умуман, бу ерлардан нима излаётганини унинг ўзи ҳам яхши билмасди. У келган йўлидан яна изига қайтди.

III

У Муаззамни уч кундан сўнг яна ўша қамиш чайла олдида учратди. Шундай, қўшиқчи жувоннинг оти Муаззам эди, у эндигина йигирма бирга кирган, муаллимлар билим юртини тугатган — лекин орада бола бўлиб қолгани ва Отақулни совхознинг чеккасига бригадир қилиб тайинлаганликлари учун ишга ўрнаша олмаган, мана икки йилдан бери олти-етти ойи шу ерда, кўримсиз чайлада ўтар эди. У бир оз мустарликка мойил, таъсирчан, анча зийрак келинчак эди. Отақул ҳафталаб уйга бормай, шийпонда ётиб қолавергач, иссиқ-совуғидан хабар олиб туриш учун у мактабда дарс бериш истагини ҳам ташлаб, мана шу чайлага кўчиб келган эди. Бу йил боласи уч яшар бўлиб қолгани туфайли уни қишлоққа, қайнонасининг қўлига ташлаб

келган, ўзи эса эри билан беш ойдан бери далада эди. Хўш, у ҳақда яна нима дейиш мумкин, дарвоқе, у ростдан ҳам жуда сулув эди. Уни кўрган одам кўклам пайтидаги қирни эсларди; унда ҳамма нарса оддий ва шу билан бирга алланечук маҳобатли эди; бир пайтлар мактабнинг ярми унга хуштор бўлган, лекин ҳеч ким ўйламаган ва кутмаган йигитга тўсатдан турмушга чиқиб кетганди. Унинг кўшиқ айтишини ҳамма билар, бироқ ҳеч ким унинг Шамси Салоҳ ич-ичидан эътироф этаётгандек кўшиқ учун туғилганини билмасди; қишлоқдошлари уни тўйларнинг гули деб билар, қиз узатиш зиёфатларини усиз тасаввур қилолмас, бироқ ҳеч ким шу пайтгача уни кўшиқ учун туғилган деб айтган эмасди. Умуман, у сулув жувонларга ато этиладиган барча фазилатга эга эди. Ўта содда ва кўнгли бўш эди, вужудидан қишлоқ кесагининг иси келиб турарди. Шамси Салоҳ унда фавқулодда бир иқтидорни сезмоқда эдики, бу сезгиси ўзига ҳам ҳузур бағишларди. У Муаззамни уч кундан сўнг чайла олдида пахта териб юрганда учратди. Муаззам ярим этак пахтасини елкасига ташлаб, чайлага қараб, секин юриб келарди. Кун тушга яқинлашган, ҳаво дим эди.

Ҳашарчилар алақачон баландроқ серсоя гўзаларнинг тагига чўзилишганди. Шамси Салоҳ Муаззамни жуда яқиндан, уч қадамча беридан кўрди-ю, юраги бирдан гурсиллаб ура бошлади. У қишлоқ аёли шунчалик барно бўлади деб ҳеч ўйламаганди. Шамси Салоҳни аёлнинг юзидаги балқиб турган сулувлиқдан ҳам кўра ундан таралаётган, ўзига ярашган аёллик малоҳати лол қолдирди. Келинчакнинг юзида осудалик, изтиробга ўхшаш безовталиқ, недандир норозилиқ ҳислари ўйноқларди. Шамси Салоҳга олдидан тўғри беҳишдан чиққан ҳуру филмон ўтиб кетгандай туюлди. Келинчак ўтиб кетиши билан Шамси Салоҳнинг назарида ҳамма нарсанинг исми йўқолди, даланинг ҳам, осмоннинг ҳам, гўзаларнинг ҳам, дим ҳавонинг ҳам, барча исми келинчак ўғирлаб кетган эди. Шамси Салоҳ қўлга тушган ўлжани қўйиб юборадиган ношудлардан эмасди. У дарров ўзини тутиб олди; яқинроқда пахта тераётган фаррош жувонларни сув ичиб келишга таклиф қилди. Жувонлар этакларини қарта четига қўйишиб, Шамси Салоҳ билан чайлага қараб жўнашди. Доимо ҳашарчилар билан ўралашиб, уларга

йўл-йўриқ кўрсатиб, сув-пувидан хабар олиб юрадиган Отақул яқин-атрофда кўринмасди, бу айти муддао эди. Шамси Салоҳ барча тажрибасини ишга солиб, келинчак билан танишишга ҳаракат қилмоқчи бўлди. Бироқ, унинг «тажрибалари»ни ишлатишга ҳожат ҳам қолмади, сув ичиб бўлган жувонларнинг нарироқ кетиши ва вақт ўтказиш учун ёғоч дўлчада иложи борича кўпроқ ва узоқроқ сув ичишга ҳаракат қилаётган Шамси Салоҳга сув узатиб турган Муаззам бирдан:

— Сиз ёзувчимисиз, — дея сўраб қолди, унинг кўзларида ҳайрат, қизиқиш балқиб турарди. — Ҳеч ҳам тирик ёзувчини учратаман деб ўйламагандим.

Ёғоч ҳиди ўтган сувни ютишни ҳам, ютмасликни ҳам билмай турган Шамси Салоҳ қилт этиб ютиндада, ўзига эҳтиром билан тикилиб турган чиройли кўзларни кўргач, нима деярини билмай жилмайди.

Бу келинчак тушмагур, шу даражада ёқимли, шу даражада офатижон ва дилбар эдики, уни бу чучмал, ер ҳиди келиб турган сувга қўшиб ичиб юборгинг келарди, во дариф, бу келинчакнинг куйдирма жонлигидан дўлчадаги сув ҳам лиммолим қайнаб кетган, бу сувни ичган ҳам дунёга қўл силтаб, ҳаю, ҳайт, — деб телба бўлиб ўтган бўлармиди?

— Каминанинг бошига шундай бахтсизлик тушган, — деди у бир оз жимжима билан.

— Вой, нега ундай дейсиз, — Муаззамнинг кўзларида бирдан ажабланиш пайдо бўлди. — Мен энг бахтли одамлар ёзувчи бўлади деб ўйлайман.

У жувоннинг соддалигидан ичида ҳузур қилди, ҳозиргина қўл узатса етмайдигандек туюлган омад қушининг жувоннинг иффат тўла кўзлари орқали ўзига ҳайрат билан боқиб турганини кўриш ҳузурли эди.

— Ишқилиб мен бу бахтни ҳеч кимга раво кўрмасдим, — деди иложи борича ўзини сирлироқ қилиб кўрсатиш учун. У чиройли аёллар сирли кишиларга кўпроқ мойил бўладилар деб қаердадир ўқиганди. Орага бирдан сукунат чўқди. Муаззам унга нима деб жавоб беришини ҳам билмай, қизариб кетди. Шамси Салоҳнинг отган биринчи ўқи нишонга теккан эди, Муаззам шафқат ва самимият акс этган кўзларини унга тикиб турарди.

— Қовун ейсизми? — деб сўради у кейин шошиб

чайлага таклиф қилар экан, — вой, мени қаранг, киринг ҳам демабман. Кириг, мана, ўзингиз танлаб олинг.

Шамси Салоҳ ичкарига кирди-ю, эски-туски кўрпа-ёстикни, шолчаларни, қоп-қора чойидишни, сири кўчиб қолган косаларни, қовун ширасидан доғ-дуғ бўлиб қолган дастурхонни, чайланинг тўрига териб қўйилган қовун-тарвузларни, сув сепиб супирилаверганидан бўлса керак, чанг ҳиди тутган ҳужрани ва бу хунук идишларга, балчиқ ичида ўсган гуддек юзидан ҳаёт шавқи таралаётган Муаззамни ўзининг ҳамишаги нафис кўзойнаги билан кузатиб чиқди: назарида кўз олдида турган хароб чайла ва ўзининг қўшиғидан ҳам гўзалроқ Муаззам бошқа-бошқа дунёда тургандай, ёхуд бошқа-бошқа дунё учун тувилгандай туюлди унга. У ўша куни дунёдаги энг бахтиёр аёлдай қўшиқ айтган келинчакни мана шу вазиятда, шундай аянч нарсалар қуршовида учратаман деб, сира ўйламаганди.

Чайлада ҳамма нарса бетартиб сочилиб ётар, у одам яшайдиган жойдан кўра, кўпроқ товуқ катагига ўхшарди, бу ерда ҳамма нарса кўпол, кўримсиз, хунук ва омонат эди. У мана шу қора турмушнинг бахтсиз асоратини излаб Муаззамнинг кўзларига тикилди, бироқ бу кўзлар Шамси Салоҳга номаълум бўлган бахтдан яйраб турар, ўзидан бахтсизлик излаётган совуқ кўзларга ял-ял яшнаб боқарди. Бу кўзларнинг қирларида гоҳо толе оҳулари югургилаб қоларди ва атрофга хижолат — ҳаё аралаш саодат еллари тараларди. Тикилиб-тикилиб қарасанг, бу қорачиқлар супасида қора либос кийган сеҳргар ўтирганини кўрардинг, сеҳргар ўзига тез-тез жосусона нигоҳ ташлаётган анчайин сур кўзларга гоҳо ажабланиш, гоҳо ҳайрат тузоқларини кўярди, гоҳ ўзининг жимитдайгина саҳнасига қоқсуяк, хўмрайган юзнинг суратини чизарди; гоҳ бу кичкина салтанатга бостириб кирмоқчи бўлаётган айғоқчи нигоҳларни таҳдидона музаффарлик билан қарши оларди ва ўзининг шу тахлит тилсимона ўйинлари билан ҳар қандай бахт ва бахтсизлик ҳақидаги тушунчалардан юксақда туришини исбот этмоқчи бўларди. Йўқ, йўқ, бу кўзларда сеҳргар эмас, ойболта кўтарган жаллод ўтирарди, у бу мулк деворларидан хуфёна ошиб ўтмоқчи бўлган ўғри қарашларни айвони саҳнасида ўкиртиб-ўкиртиб қатл этарди...

Шамси Салоҳ қанчалик уринмасин бу кўзларнинг сирли пардасини суриб ичкарига киролмади. Бироқ, барибир бу жувон кўзига бахтсиз ва натавон бўлиб кўринди. «У ўз бахтсизлигини одамлардан усталик билан яширишга ўрганиб қолган», деб ўйлади у кечқурун ёлғиз айланиб юрар экан, яна ўша манзарани кўз олдига келтириб. Ҳа, у бахтсиз, у тасодифан ёки алданиб бу шароитга тушиб қолган, энди эса бошқаларга бахтлидек кўриниб, ўзини алдаб яшаяпти, худди барча бахтиқаро аёллардек. Унга ўзининг бахтсиз эканлигини ва бахтли бўла олиш йўлларини кўрсатиш керак. Мен кўзларига қарабоқ уни қандайдир ғам эзаётганининг гувоҳи бўлдим...

Бошқа куни тонг пайти у дарахтзор ичидан Муаззамнинг тандирга ўтин солиш учун чўпчак, ҳар хил хас-хус териб юрганини кузатиб турар экан, парвариш қилинмаганидан оёқлари тарс-тарс ёрилиб кетган, эрта сўла бошлаган аъзойи бадани ҳафталаб сув кўрмайдиган бу аёл унга илоҳа бўлиб кўринганди. Тутқундаги кўшиқ илоҳаси! Рўзгор ва икир-чикирлар зиндонига занжирбанд қилинган илоҳа! Бу аёлнинг занжирбанд Прометейдан қандай фарқи бор? Унинг кўзига тобора хунук кўриниб бораётган Отақул нарироқда сигир жилдириб юрарди. «Йўқ, булар унинг қалбини ҳеч қачон тушуна олмайдилар, бу чайлада, бу саҳрода таназзул ва заволнинг ҳиди анқиб турибди» деб ўйлаганди ўша тонгда, кўнгли мустар бўлиб, изига қайтар экан.

IV

Улар дарахтзор оралаб секин юриб келишарди: тўғрироғи, Шамси Салоҳ уни «тўсатдан», «одатланиб қолган кечки сайрдан қайтаётиб кўриб қолган» эди. Муаззам ўтлоқда елкасига бир қучоқ ўт кўтариб қайтаётиб, кекса гужум олдида қип-қизил «кечки шафақни кузатаётган» ўша куни ўзига ғалати-ғалати тикилиб қўйган ёзувчига дуч келган эди. Шамси Салоҳ шу ердаёқ ўзининг зиёли одам эканлигини исботлади; унинг қўлидаги ўтни ўз елкасига олди. Тун далалар орқали секин дарахтзорга ҳам ёпирилиб келаётган эди. Муаззам гулли, четига чироз солиниб қўлда тикилган одми камзул ва ёқасиз чит кўйлақда эди, Шамси Са-

лоҳнинг эътиборини тортган унинг миттигина кўкрак-лари айни учишга чоғланган қушнинг қанотларидек бўртиб турарди, оёғи, балоғи чангга беланганди, сочидан ва бўйнидан тер ҳиди келарди. Ҳозиргина ўт ўраётиб кесиб олган бўлса керак, унинг бир бармоғи наридан бери кир латтага ўраб боғланган, юзи хижолатдан ва ўтни шошиб ўрганидан бўлса керак, бир оз қизариб кетган эди. Дарахтзорда қушлар бетиним чаҳчаҳларди, қўшни бригадада пахта тераётган машиналар бирин-кетин чироқларини ёқа бошлаган эди, уларга кўринмаётган шийпонда овқат сузилаётган бўлса керак, қувноқ кулгилар эшитилаётганди — айни овқат маҳали ошпаз чол «Кимнинг мучали ит бўлса, суяк ўшаники» дер, гарчи бу гап ҳашарчилар келганидан бери жуда сийқалашиб кетган бўлса-да, ҳар гапирганда одамлар қаҳ-қаҳ уриб кулишарди. У бугун Муаззамни шу ерда учратишни билгани учун атайлаб дарахтзорга келганди. У ҳар куни кечқурун дарахтзор орасидан сигир соғаётган ёки чайла атрофини супураётган Муаззамни кузатар эди. У қанча кузатса, Муаззамнинг бахтсиз ва нотавон аёл эканлигига шунча ишониб борарди. Унинг қўшиқлари энди унга ўта мунгли ва оҳ-воҳга тўла ноладай бўлиб эшитилар эди. У ҳозир Муаззамни гапга солмоқчи, ичидагиларни билиб олмоқчи, бу шубҳа ва гумонларини ўз оғзидан тасдиқлатиб олмоқчи эди.

У Муаззамга ўзининг болалиги, ҳозир хотирасидан чиқиб кетаётган қишлоқлари, мактабни битириб марказга ўқишга кетгани, «ўша ёқларда халқимизнинг жуда қолақ яшашини англаган»и, бу қолақликдан улар фақат қурбон қилиш йўлидан борсагина қутилиши, фақат юксак мақсад йўлидаги қурбонликгина қолақликнинг ва ўрта асрчиликнинг зич ўрмонини тўла ва равшан ёритиши мумкинлиги, бунини ўтган йили ўз қишлоқларига бориб ҳис этгани ва ҳоказолар ҳақида гапириб берди. (Кейинчалик у айнан «ва ҳоказолар» ҳақида гапириб бердим, деб эслаганди).

— Ўқиш, ўқиш, сўнг иш, турли ёзув-чизувлар... билан умр ўтиб кетибди, — деди камтарлик билан, «ёзув-чизув» дегани ўзига ёқиб тушди, — қишлоқдан чиқиб кетганимга ўн етти йил бўлибди. Гоҳида синглимдан хат келиб қолади. Менинг эса ҳаётимга ҳам келмайди — биласизми, баъзан жуда алам қилади.

— Нима, сиз қишлоққа бормай қўйганмисиз? — сўради унинг гапларидан жуда таъсирланган Муаззам, дафъатан унинг номаълум ярасига тегиб кетишдан қўрққандек эҳтиёткорлик билан.

— Баъзан. Лекин у ёқда жуда зерикаман. Одамлар гапларимдан кулаётгандай ёки тушунмаётгандай туюлади менга. Сиқилиб кетасан киши. Уларнинг сенинг фикрингни эмас, ранг-рўйингни, сочингни, кийимингни, қандай сигарета чекишингни муҳокама қилишади. Буни шунинг учун сизга айтаяпманки, сиз ҳам шундайсиз. Одамлар кулмаслик учун улардан яшириб қўшиқ айтасиз... Ёки нотўғрими?

Муаззам айб иш устида қўлга тушгандай дув қизариб кетди чоғи, унга юзини тескари ўтириб олди ва хижолатомуз жилмайди.

— Шундай... биз кўп нарсани биламиз. Сизнинг қўшиғингизни тинглаб туриб, — албатта, бу гуноҳим учун мени кечирасиз деб ўйлайман — биласизми, нимани эсладим; бўйнидаги қуллик ва қолоқлик кишанларини парча-парча қилиб ташлаб, санъат, фан ва маданият сари дадил кетиб бораётган Шарқ қизини. У ўзининг елкасидаги жаҳолат ва разолат тошларини итқитиб ташлаб, тараққиёт қуёши томон мағрур кетиб бораяпти... орқасида эса эски турмушнинг вайрон бўлган иморатлари ётибди, дарғазаб шамол уни изига қайтариш учун сочларидан, этакларидан тортқилаяпти, пана-панада илондай совуқ ва бадбашара қўллар унга тош отаяпти. Лекин у тўсиқларни янчиб ўтиб, аста-секин инсониятнинг ул олий даргоҳига кўтарилиб бормоқда... Бундай нокамтар хаёлларга борганим учун мени афв этинг, бироқ сиз шунга муносибсиз... Мен бунга сизнинг қўшиғингизни мана шу дарахтлар орасида туриб эшитган куниёқ амин бўлган эдим. Назаримда, сиз бу ерларда жуда сиқилиб қолганга ўхшайсиз ё нотўғрими? Одам ўзининг бахтсиз эканлигини аксарият ҳолларда билмай ўтади. Бахтсизликни англаш учун уқув ва билим бўлиши керак, уни бахтдан фарқлай олиш керак. Ахир одам ўз орзуси учун курашмаса ёки орзусиз яшаса, бу даҳшатку! Бахт туйғуси бизга азаддан ўргатиб келишганларидек, бола-чақа кўриш ва уларни вояга етказиш учун ўлиб-тирилиш эмас, бахт — бани инсониятга ҳар ким қўлидан келганича хизмат қилишдир. Биз ёзувчилар асли омадсиз

одамлар бўлсак ҳам, мана шу йўлда баҳоли-қудрат хизмат қиламиз. Мана сизнинг қўлингиздан қўшиқ айтиш келади, ўзбек аёли нималарга қодир эканини бошқаларга кўрсатиб қўйиш келади. Аммо сиз эркин эмассиз, қўшиқни ҳам ҳаммадан яшириб айтасиз — гўё бу айбдай, аслида мана шу энг катта бахт — сиз мингларнинг қалбини хушнуд этиш учун дунёга келгансиз.

Муаззам ерга қараб турарди, у ҳеч нарса демас, бирон нарса дейишга ҳоли ҳам келмасди, Шамси Салоҳнинг сўзлари уни сеҳрлаб қўйган, турмушнинг аччиқ ташвишлари остида кўринмай қолган, бир пайтлар пориллаб очилган қизлик орзуларини яна кўнгил юзасига тортиб чиқарган, унинг хаёлини узоқ-узоқларга олиб жўнаган, сўниб қолган ҳаваслар ғалаёини қўзғаган эди. Унинг юзида шубҳа ҳам, ишонч ҳам, қўрқув ҳам аралашиб кетган эди; бироқ барибир кўнглининг бир четида бу гапларга нисбатан эндигина ёришаётган тонг сингари умид туғилаётган эди. Улар дарахтзорнинг қуюқ жойида тўхтаб қолган эдилар: тун дарахтлар орасидан мўралаб, уларни кузатиб турарди, дарахтлар энгил шитирларди: Шамси Салоҳ кўтариб олган ўтдан кўкат хиди анқирди — қандайдир қилпиқ — ўтдан тушган бўлса керак — бўйинини қитиқларди. Шамси Салоҳ аёлларга бўлган муносабатини ҳамиша яшириб юрарди. Бироқ ҳозир гапларига маҳлиё бўлиб, ўзини йўқотиш даражасига етган мана шу қишлоқ жувонини кучгиси, унинг титраб турган лабларидан ўпгиси, бир жуфт қанотдек диркиллаётган, тепсинаётган кўкракларини ҳовучига олиб, олис-олисларга учиргиси, шу лаҳзаларда қон сели ниҳоятда тезлик билан айланаётган вужудни қўлларида кўтариб, сакраб-сакраб, айланиб-айланиб югургиси келарди. Дарахтзор, иккаласини этаклари остига яширган тун ва ҳам ҳаё, ҳам номаълум қўрқувдан карахт бўлиб қолган, Шамси Салоҳнинг кўз олдини маёқдай ёритиб турган сулув жувон уни гоҳ гуноҳга, гоҳ гуноҳсизликка ўхшайдиган, инсон яралгандан бери кўр-кўрона шайдо бўлиб келган неларгадир чорларди. У ҳиссиётга ҳеч қачон берилмасди ва ҳиссий нарсалар унга ҳинд фильмлари руҳида тарбияланган ўн олти яшар хаёлпараст қизларнинг машғулотидай бўлиб туюларди — ўз ҳиссиётларини ҳам у ақлга, фикрга гарчи,

зўрлик билан бўлса ҳам бўйсундириб олган, шу сабабли унинг ҳиссиёти ҳам жуда усталик билан чархланган ва зеб берилган қиличга ўхшар эди. Энди эса ҳиссиётлари унга бўйсунмаётган, бўйсунганини истамаётгани ва бу ўзига ҳам алланечук ёқмоқда эди.

... Мовий осмонни нозлана-нозлана кезиб юрган ул кўк ҳилоли билан дарахтлар орасида қисиниб-қимтиниб, юзида ҳаё ва андак ҳуркаклик бўртиб турган, ёноқлари яловдай ҳилпираётган бу аёлнинг қандай фарқи бор? Фарқи шуки, ул ҳилол осмонлик, буниси эса ерлик. Унисининг минг йиллардан бери ердан нимадир излай-излай юзлари заъфарон бўлиб қолган. Буниси эса оқшомни заррин нурлар билан беазаган ул кўклик мусаввирага ҳасади келгандай атиргул барги янглиғ қизарган, гўё бу оқшомни юзининг қизил шуъласи билан чўмилтириб, заррин ойни рашк ўтида адо қилмоқчидек. Заъфарон юзи яна ҳам сарғайтиб-сўлितмоқчидек... Йўқ, бу келинчак ҳилолдан ҳам кўра гулга кўпроқ монанддир. У кимнингдир чорловини эшитган-у, бу чуркун дарахтлар орасида пориллаб очилган, — ундан атрофга ғурур ва эрк шуълалари таралапти. Шунинг учун ҳам ҳилол унинг ёноғига ҳол бўлишни истагандек ётоғидан бош кўтарар-кўтармас чўлнинг асов шамоллари тараб қўйган бу зебо чеҳрага шайдо бўлиб тикилиб қолган. Йўқ, бу аёл ҳаммасидан ҳам дилбар бир шеърнинг гўзал сатрига ўхшайди — бу ерлардан қачонлардир қандайдир даҳо шоир ўтгану, уни мулку фалак билан боғлаб турадиган учқур хаёллари ва мўъжизалар яратувчи тилидан тупроғи жизғанак бўлиб ётган саҳрои-биёбонга бу гўзал сатр бир томчи кўзёш янглиғ сирғалиб тушиб қолган. Ой эса шу гўзал сатрни излаб юрган ул шоирнинг ёниқ хотирасидир. Унинг ёнида қиличини тушириб қўйган баҳодирдай ақл ҳушидан айрилиб турган бу нозиктаъб, кибор сифат шоир ул гўзал сатрни ўқий олармикин? Тушунармикин?! Ундаги дардли сўзларни ҳис этармикин? Ёки бу гўзал сатр ўқилмас битикдек замонлар оша сирли ва мафтункорлигича жаранглаб қолаверармикин? Бу ерлик ҳилол шунчалар гўзалки, унинг олдида ул кўхлик ҳилол чала туғилган гўдакнинг юзига ўхшаб қолади, ойга қараб туриб, ҳеч бир нуқсон тополмайсан, йўқ, йўқ, мана шу бенуқсонлиكنинг ўзи нуқсон эмасму? Ерлик ҳилол эса «нуқсон»

ва «бенуқсон» деган тасаввурларга бўйсунмайди, уни сўзлар ифодасига солиб бўлмайди, унинг номини эшитиш биланоқ сўз ҳам, тил ҳам куйиб кетади...

Кейинчалик шу лаҳзаларни эслаб, мени Муаззамни қучиб олиш истагидан фақат уни чўчитиб юбормайин деган хавотиргина тўхтатиб қолганди, деб ўйлаганди. Ким билади, балки шундайдир, балки бу жувон барибир бир куни қўлимга тушади деган ўжар бир ишонч қайтариб қолгандир. Балки, одамларга тез таъсир қиладиган, номини эшитса, кўзларида эҳтиром уйғонадиган «ёзувчи» деган обрўсига путур етказишдан қўрққандир ёки чириган шохлари синиб, барглари тўкилганидан муштипар қиёфага кирган ва ғира-шира қора кўланкаларга айланган қаровсиз дарахтларга қараганда ҳам муштипарроқ бўлиб қолган, ўзининг шакарғуфторлигига рўйирост ишонган содда келинчакнинг ҳаё, ифбат ва нохуш сукунатдан ёрилиш арафасидаги шардек таранг бўлиб турганини кўриб, ўзининг баландпарвоз хаёлларидан ва ҳаёсиз истагидан уялгандир. Орага чўккан бир неча сония сукутдан сўнг у ростдан ҳам ўзини босиб олди ва зоҳирий кўринишга ярашмаган юмшоқ ва ҳамдардона оҳангда:

— Бу ерда яшаш жуда оғирми? — деди ва ўзининг саволидан ўзи эзилиб кетди.

Муаззам индамади, фақат бош ирғади — Шамси Салоҳ аёлнинг кўз милкларида пайдо бўлган ва ой нурида ялтираб кетган кўзёшларини кўриб, кўнгли шафқат ва илтифот билан тўлди; Муаззам ҳатто бошини кўтариб қарамади, агар бирор нарса деса ҳўнграб йиғлаб юборадиган ҳоли бор эди унинг.

— Сиз, бу ерлардан қадрингизга етадиган, орзуингизни рўёбга чиқарадиган кишилар орасига кетармидингиз, улар ёрдам қўлини чўзишса, бу ерлардан кетишга рози бўлармидингиз?

— Ҳа! — деди гўё бу таклифни қилаётган одам фикридан қайтиб қолишидан қўрққандай шошиб Муаззам. У жуда ҳам тўлқинланиб кетган эди, ҳали ҳеч ким у билан орзуларию армонлари тўғрисида бундай гаплашмаган, дунёда иш, ташвиш, ўчоқ, қозон-товоқдан бошқа кўнгили деган нарса ҳам бор, деб айтмаган эди.

— Агар биров сизни орзуингиздагидай бахтга етаклаб борса, нима қилган бўлардингиз, умуман, мен розилик маъносига айтмоқчиман...

Муаззам ерга тикилиб турарди, у нималарнидир тушунмаётганга, нималарнидир англолмаётганга ўхшарди. Нега энди ҳозир, нега энди айнан, ҳозир, тунда, дарахтлар орасида бу — ўзи тилга олишга ҳам, эслашга ҳам қўрқадиган нарсалар ҳақида гапираётганларига, нима учун сўраётганларига тушунмаётган эди.

— Бир умр... бир умр дуо қилардим у одамни, — деб шивирлади у ўзига ўзи гапираётгандай.

Шамси Салоҳга бошқа нарса керак эмас эди. У Муаззамдан мана шу гапни олиш учун бир ҳафтадан бери атрофида гирдикапалак бўлаётган, унинг кўнглини билмоқчи, бу соҳада қалбга қармоқ ташлаб кўрмоқчи эди. У ҳозир режаси бунчалик осон амалга ошганидан бахтиёр ҳам эди, энди буёғи аниқ — қишлоқнинг чангида оёқлари ёрилиб юрган сулувни санъат маликаси қилади.

У юлдузлари пирпираб турган салқин кечада узоқ кезди, тун ҳозиргина ўзини масъуд этган келинчак янглиф сирлилиги ва фасоҳати билан унинг қалбини сирқиратар, оғритар, уни ҳислар қуюнига ташлар эди. У ичига кириб олган ким биландир хаёлан олишар, мунозара қилар, тортишар эди. У ҳозир вужудида тугилаётган нарсаларни шеър қилишни истар, кўнглига кеча қаъридан, юлдузлар шуъласидан сим-сим сатрлар оқиб тушар эди. «Сен, — деб мурожаат қилар эди у хаёлан кимгадир, — ёввойи ўтлар орасида ўсган гулсан. Сен кўзда қалқиб турган бир томчи ёшсан... Сен бахтли бўлишинг керак, сен ер юзига фақат бахтли бўлиш учун келгансан, сенинг овозинг одамзодни гўзаллик ва хаёлот ўлкасига бошлаб бориш учун инъом этилган. Сен табиатнинг энг дурдона ва ноёб намунасан, сени табиат фақат гўзал нарсалар учун яратган. Сен — одамлар миллион йиллардан бери излаб келаётган оҳангсан, бу оҳангни дунёнинг ёвуз кучлари янчишга, йўқ қилишга уринадилар, лекин сен тобора янграйверасан, сен — гуллар тимсолида, тошдан-тошга сакраб югураётган зилол сувли жилғалар, эндигина бош кўтарган майсалар, тонгги шудринг, кечки шафақ тимсолида одамлар қаршисида пайдо бўлаверасан...

... Қўй, уни ташла, дунёнинг бу азалий икир-чикирларидан воз кеч, сен ҳамма нарсадан, ҳатто дунё-

дан ҳам устун турувчи илоҳасан. Сен фақат ардоқланишга, эъозланишга ва фароғатга муносибсан.

О, кел, менинг кўнглимни тўлдир, тезроқ кел, дунё то сенгача ярим эди. Сен уни тўлдир, майли, менинг кўксимни босиб ўт, майли, менинг танамни поёндоз қил, фақат сен юрган йўлларда гуллар кўкарса бўлди, сенинг овозингни эшитиб, чечаклар бош кўтарса бўлди, сенинг овозингни эшитиб дунё хушёр тортса бўлди...

... Кўраяпсанми, ерни туртиб-туртиб майсалар бош кўтаряпти, куртаклар чириган пўстлоқни ёриб чиқаяпти, ғунчалар очилаяпти — булар ҳаммаси бир лаҳзада бўлаяпти, чириган, сўлган, пайҳон қилинган гуллар қайта барг ёзаяпти, боғ турли ифорларга бурканааяпти, дарахтлар новда тугаяпти, ёмғир ўзига камалақдан либос тикаяпти — бари сени қўшиғингдан, сенинг илоҳий овозингдан, сен оҳангларни ёндирган оҳангсан, сен тун қўйнида ловуллаб турган алангасан!..

... Ана сен дунёни кулгунг билан тўлдирмоқчидек, қиқирлаб кулаяпсан, юзингдан жилваланиб-жилваланиб оҳанглар таралаяпти. Ана сен қизғалдоқлар ичида югуриб бораяпсан, эгнингда оқ ҳарир кўйлак, бошингда қизил дурра... йўқ... йўқ, бу дурра эмас, қизғалдоқнинг бир дона барги, эгнингдаги кечагина гуллаган ўрикнинг либоси...

... Ана сен биллур зиналардан юксакликка кўтарилаяпсан... оёқларинг остида бахтнинг, шон-шавкатнинг суяклари сочилиб ётибди — сен, ана, бу қадимий зулмат ва сокинликни овозинг билан тилиб бораяпсан — овозинг ёниб бораяпти, бу саҳрода ўз номини йўқотган ва номсиз нарсаларга ном бераяпти, исм бераяпти, адашган дунёни яна ўз ҳолига қайтараяпти... Сенга мусиқанинг кераги йўқ, сенинг овозингга фақат юлдузлар куй басталай олади... Кўзларингни очиб юмишинг тун билан тонг алмашишига ўхшайди — киприкларинг тонгги юлдузлардек ярақлаб кетади — қани эди кўзларинг айвонида ухлаб ётган киприклардан биттаси мен бўлсам... Йўқ, сенинг маконинг ер эмас, сен фалак қизисан... Сен ой курсисидан ерга шафқат билан боқаётган фариштасан, сен ҳурлик фариштасисан, сен орзунинг, хаёлнинг суратларини чизиб бериш учун бу дунёга келгансан...

Ой кўк денгизида қип-яланғоч сузиб юрарди. У ташқарига гулхан ёқиб, ҳашарчилар қандайдир рок

музикага диконглашаётган шийпон томон борар экан, яқин кунларда бошланажак янги ҳикоя ҳақида ўйларди. У билан тун ҳам далалар узра қадам ташлаб юрар, сарпо кийиб олган қора пўстинда зарҳал зираклар ялтирарди.

V

Шамси Салоҳ Муаззам ҳақида ўйлайвериб, уни сал бўлмаса хўрлик ва жабрнинг тимсолига айлантириб қўяёзган эди. Уни аянчли муҳит ўраб олган, деб ўйларди, уни ҳеч ким тушунмайди, «худди мени тушунишмагандек». Эрини эса хотинининг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам қизиқтирмайди, у Муаззамга азалий ота-боболаридек сочи узун деб қарайди. У мана шундай — ишга бориб, ишдан келиб, яна эрталаб ишга кетиб яшаса бўлди, худди ҳашаротдай, худди қуртдай. Аянч! Мудҳиш! Муаззам ана шундай эркак билан яшашга мажбур, унинг орзулари, овози бу хил яшашнинг қурбони бўлиб кетаверади, бир куни қараса у ҳам бир-биридан инжик, бири-биридан нимжон болаларнинг онаси, ҳамма оналарга ўхшаб ўзбилармон, шанғи, вайсақи, бир гапга минг гап билан жавоб берадиган жағ-жағ аёлга айланади. Бу унинг муқаррар қисмати. Уни бу зулматдан озод қилиш керак. Улуғ мақсадлар билан яшаётган муҳитга олиб кириш керак.

Муаззам унинг барча хаёллари ва ўйларини остин-устун қилиб ташлади: ҳали қизлик нафосати ташлаб кетмаган бу аёлда яшириниб олган улуғ режаларни кўрди. У Муаззамнинг содда, самимий гапларидан бирдан ўзини йўқотиб қўйди. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган келинчакнинг гапларидаги ишончсизлик ва умидсизликдан ларзага келди, (у кейинчалик «ларзага келдим» деб эслаганди) Шамси Салоҳнинг вужудида ҳомийлик, фидойилик туйғулари жўш уриб кетди, у бу келинчакка нажот йўлларини кўрсатмоқчи, уни «орзулар ўлкаси»га, маданият ва санъат гулшанига етаклаб чиқмоқчи бўлди. У турмуш эзиб ташлаган, эрининг инжиқлик ва қўполликларидан беҳад кўп зуғум кўрган жуда ҳам ёввойи муҳит билан қуршалган ёш аёлни янги ҳаёт саҳнасига етаклаб чиқиши маданий дунёда қанчалик шов-шувга сабаб бўлишини кўз ол-

дига келтириб, хушвақт жилмайиб қўйди ва Муаззамни театр сахналарида, залларда, кўчаларда мухлислар оломонининг хушомадона чеҳралари ичида ял-ял яйраб кетаётганини ҳамда ҳар бир бурчакда пойлаб турган олқишлардан ва шон-шавкатдан бир оз эсанкираган Муаззамнинг ўзининг елкасига бош қўйиб, миннатдорона тикилиб, қувонч ва саодатдан силкиниб-силкиниб йиғлаётганини хаёлан тасаввур қиларди; Муаззам йиғлаб термулар экан «Булар бари сиз туфайли, сиз бўлмасангиз шу кунларга етмасдим» деб шивирлайди... Булар бари роҳатбахш хаёллар эди. Лекин айни пайтда у ўзининг айнан ана шунга аҳд қилганини ва бу йўлдан ўзини ҳеч ким энди қайтаролмаслигини ҳис этарди. У ҳар қандай тўсиқни босиб, енгиб ўтади, мана шу эзилган, мана шу хўрланган жувон ҳаққи, уни саодат беҳиштига олиб чиқади, юзини тўсиб турган қора булутларни суриб ташлаб, тонг юлдузи каби санъат осмонига кўз-кўз қилиб, илиб қўяди.

Муаззамни кўргандан сўнг негадир ўзига ёқмай қолган юввошгина Отақул унинг энди ғашини келтира бошлаганди. У Отақулдан жоҳил эрларга хос бўлган хислатларни излар, баъзан кечқурун дарахтзорни айланиб юрар экан, сигир суғориб юрган Отақулга дуч келар ва бош ирғаб саломлашиб индамай ўтиб кетарди. Охири у Отақул билан учрашишга, кўнглидаги барча гапларни гаплашиб олишга, уни ундаб кўришга, кўнмаса пўлиса қилишга аҳд қилди. (Назарида Отақул бошқача усулга кўнмас эди). Хуллас, ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам Муаззамни бу муҳитдан суғуриб олишга қарор қилди. У Отақул билан дарахтзорда икки марта учрашиб қолдию лекин журъат этолмади. Бунинг учун ўзини ўзи еб қўйди, эртасига қандай бўлмасин, қандай шароит туғилмасин, унга ҳаммасини айтман деб қарор қилди. У ҳамиша тўғридан-тўғри ҳаракат қилишга ўрганганди, нишонни узоқ мўлжалга олишни у ўзига эп кўрмасди.

Отақулни кечқурун шийпон олдида театрнинг хўжалик ишлари мудирини билан бирга учратди. У узоқ кутиб турди (улар қандайдир қоғозлар тўлдиришарди). Отақул мудир билан хўшлашиб, нарироқдаги мотоцикли томон юра бошлагач, у тўсатдан уйғониб кетгандай, тез-тез юриб унинг қаршисига чиқди.

— Сиз билан икки оғиз гаплашиб олмоқчи эдим, —

деди у Отақулга дадил тикилиб. — Вақтингиз бўлса, хонага кирсак.

Отақул унга ажабланиб қараб турди-ю, лекин унинг измига бўйсунди. Шамси Салоҳ ва театрнинг обрўлироқ артистлари шийпоннинг бурчагидаги хонада тўрт киши бўлиб туришарди. Ҳозир хонада ҳеч ким йўқ эди. Ўртада қўлбола стол, икки четида газета тўшалган иккита узун ёғоч ўтирғич қўйилган эди. Шамси Салоҳ Отақулни ўтиришга таклиф қилди. Сўнг орага ноқулай сукунат чўкиб, ўзининг гапдан янглишиб қолишидан қўрқиб, бирдан гап бошлади, аниқ мўлжалга уриш ва бу боқи беғам, ювош одамга бўлган вазабини ҳис қилиб туриш учун Отақулдан кўз узмай турди.

— Сизга айтадиган биринчи гапим шуки... яъни нима десамикин... бу анча нозик масала... Лекин мен келин билан гаплашдим. У рози... фақат сиз кўнмансангиз керак деб қўрқаяпти...

Отақул баҳайбат ва қўпол қўлларини столга қўйиб, омонатгина ўтирар, ўзининг бесўнақай гавдасидан хижолат тортаётгандай эди. Шу сабабли унинг гапини яхши англолмади.

— Ким? Нимага рози? — сўради у талмовсираб, беғамроқ юзида бирдан диққат акс этди. Шамси Салоҳга ҳайрат тўла кўзларини тикди.

— Ким дейсизми? Келин — Муаззам... у ўқишни давом эттирмоқчи, жуда яхши овози бор экан, бу ердаги ҳурматли ва таниқли одамларнинг ҳаммаси эътироф этаяпти — бунақа овоз камдан-кам кишига насиб қилади — уни парвариш қилиш керак... халқ учун... одамлар учун... унинг эса бу ерда боши икир-чикирдан, меҳнатдан чиқмайди. Шундай истеъдодни сиз одамлардан яшириб, бўғиб ўтирибсиз. Биз унга ёрдам бермоқчимиз... ўқисин, ўргансин...

Отақул аввал тушунмаётгандек, унга бепарво қулоқ солди, сўнг нима гаплигини англагач юзида бирдан қаҳрга ўхшаш ифода пайдо бўлди. Шамси Салоҳнинг назарида унинг икки ёноғида иккита тиғи ўткир ханжар жаранглаб очилиб кетганга ўхшади— кўзлари катталашиб, қорачиқлари ўйнай бошлади, юзида безовталик, норозилик жилвалади.

— Сиз унинг кўнглини эшитмай қўйганмишсиз. Унинг кўнгли озодлик истайди, қўшиқ айтиш— унинг учун ҳаёт. Сиз эса одамлар гап-сўз қилади деб уни бу

ҳаётдан маҳрум қилиб қўйибсиз... Сиз ўқиган йигитсиз. Уни буғманг, у озод бўлсин, у бахтли бўлсин, истаганига эришсин, у билан келажақда бутун халқимиз фахрланиши мумкин. Сиз эса уни уйга қамаб олгансиз...

— Мен нима қилишим керак? — деб унинг гапини бўлди кўрслик билан Отақул. У суҳбат мавзудан жуда норозига, оиласига тегишли ҳар қандай масалани бировларнинг иштирокисиз ёлғиз ҳал қилишга ўрганганга, Шамси Салоҳнинг гапларидан гаши келаётганга ўхшарди. Унинг овозида қутқу бор эди. Шу нарса Шамси Салоҳни бир оз вазаблантирди.

— Сиз унга эркинлик беринг, уни мана бу пахтагизга аралаштирманг. У шаҳарга кетсин, ўқисин, овозини тарбия қилсин...

— Ахир, бу мумкин эмас. Оиламиз, боламиз бор. Мен эса кетолмайман...

— У шаҳарда бир умр қолиб кетсин ёки боласини ташласин, деб айтаётганим йўқ бу гапларни. Мен сизларни ажратмоқчи эмасман. Фақат унинг ўқишига, овозини парвариш қилишга шароит яратиб бериш керак демоқчиман. Сиз уни қўллаб-қувватлашингиз керак...

— Агар рози бўлмасам-чи — деди Отақул тўсатдан тўнини тескари кийиб олиб Шамси Салоҳнинг жиғига тегмоқчидек жиззакилик ва беписандлик билан.

— Унда ўз хотинига феодалларча муносабатда бўлаяпти, дипломли феодал, ўрта аср ақидалари тарафдори деб газетада уриб чиқамиз...бу ёғини ўзингиз биласиз... ўйлаб кўринг.

Отақул хўмрайиб олди. У табиатан босиқ, оғир бўлгани билан ҳозир худди ёш болага ўхшаб қизариб кетган, сал ишора бўлса жанжал чиқаришдан қайтмайдиган ҳолатда эди; лабларини жаҳл билан қисиб олганди; қаршисида ўтирган, ҳашарчилар ўртасида алланечук обрўга эга бўлган, совхоз раҳбарлари ҳам хушомад билан гаплашадиган, ўзи асарларини ўқимаган бўлса ҳам «ёзувчи» деган номи бор киши тургани учун ўзини зўрға босиб, одоб доирасидан четга чиқадиган бирон гап гапириб қўймаслик учун тилларини тишлаб тургандек эди.

— Тўғри, сизни ҳам тушунаман, — деди Шамси Салоҳ унинг жуда товсилланиб қолганини кўриб, —

сизнинг эрлик ҳуқуқингиз бор, шу сабабли ҳар нарса қилишингиз мумкин. Гап шундаки, барча эрлар каби ўжарлик ёки калтабинлик қилсангиз, катта бир истеъдодни тириклай қурбон қилган бўласиз. Бу гапларни сизга айтиш менга ҳам қанчалик оғир эканлигини тушунарсиз деб ўйлайман, сизга ҳамма нарсага ақли етган, оқ-қорани ажрата оладиган кишига мурожаат қилаяпман. Сиз оз бўлса ҳам шаҳар кўргансиз; ҳеч қурса, киноларда, театрларда кўргансиз. Ахир биз қачонгача Европадан ўрнак оламиз, уларни ўқиб ўрганамиз, санъат, жасорат деганда уларни мисол қилиб кўрсатамиз?! Хўш, ўзимизда нега йўқ?.. Сабаби минглаб Муаззамлар оила ботқоғига ботиб, кўринмай ётибди, мана бунақа ташвишлар улардаги табиат инъом этган истеъдодларни еб битираяпти. Тувиш, қозонтовоқ, дала ишлари, ғийбатлар, уйдирмалар — қанчалик кўп аёлларимизни қурбон қилмаяпти дейсиз. Тузуккина қобилияти бор аёлларимиз бир бола туғадими-ю, сўнг ҳаммасини унутади; кейин қуёнга ўхшаб ҳар йили туғаверади, туға-туға, азбаройи арвоҳга айланади — жоҳил эр, қора турмуш, чирқиллаб турган болалар — мана бизга Европага етиб олишимизга нима тўсқинлик қилаяпти? Буюк, улур, даҳо, гўзал деган сўзларни негадир фақат уларга ишлатамиз, ўзимизга келганда мум тишлаб ўтираемиз. Буюклик учун одам ўзини, зарур бўлса оиласини ҳам қурбон қилиши кераклигини тушунмаймиз. Сиз, албатта, менинг гапларимни тушунмаётгандирсиз?!

Отақул узоқ индамай, оёғининг учларига қараб ўтирди. Унинг нимадир дегиси келар, лекин озғин ёзувчининг оғзидан ўқдай отилиб чиқаётган савлатли гаплар уни аввалига шаштидан туширган, бу гапларда жон борга ўхшар, ишонгиси келар, кўнглининг бир четида қандайдир бир ҳакам «булар ҳаммаси ёлғон, булар ҳаммаси ёлғон» деб шивирлар, бу савлатли гапларда ҳам алланечук зўракилик, ясамалик борга ўхшаб туюларди.

— Муаззам бу турмушдан жуда безган. Бу дим ва жазирама далалар, уни ҳеч қачон тушунмайдиган кўпол-тўрс одамлар, қайсидир ёввойи замонлардан сақланиб қолган ёввойи удумлар, кейин сизнинг мана бу хирмон ташвишларингиз ҳаммаси жуда жонига теккан, юраги безиб, жуда кўркам орзулари туфайли одам-

лардан ажралиб, ёлғизланиб қолган (у Муаззамни айнан шундай тасаввур қиларди). Бу ер унга дўзахдай гап. Наҳотки сиз буни сезмаган бўлсангиз. Ахир айтишича, у сизга ана шу орзуларини деб турмушга чиққан экан, шекилли..

— Менга бу ҳақда ҳеч қачон гапирмаган... — тўнғиллади Отақул.

— Шундайми? Буни қўшиқ айтган пайтлари ҳам сезмаганмисиз..

— Бизда ҳамма аёллар қўшиқ айтади.

— Йўқ, йўқ. Сиз чалкаштирманг. Муаззам бошқача, у ўша — чилдирмани пақа-пақ уриб жазавага тушадиганларга сира ўхшамайди. Унинг овозида ҳақиқий қўшиқлардагина бўладиган маром бор. Муҳими, музикага қобилияти бор — буни, дарвоқе, сиз яхши биласиз. Агар у ҳам сиз айтаётган аёлларга ўхшаганда, мен бунчалик куйиб-пишиб ўтирмасдим..

Отақул унга тўрсайиб тикилиб турди-да, яна кўзларини олиб қочди. У «сиз бу нарсаларни қачон билиб ола қолдингиз, наҳотки, Муаззам шунча нарсани сизга айтиб берган бўлса?» деб сўрамоқчи эди, бироқ тили бошқа нарсани гапириб юборди:

— Унда шаҳарга бориш шартми?

— Албатта, — Шамси Салоҳ ичида волибона энтикиб қўйди, — бусиз унга шароит яратиб бўлмайди, — ахир чўлда санъатга эмас, кўпроқ пахтага эътибор зўрлигини менсиз ўзингиз яхши биласиз.

Отақул узоқ жим қолди. Сўнг ўрнидан турди-да, индамай эшикка қараб йўл олди.

— Ҳа, — деди Шамси Салоҳ қўрқиб кетиб, — нима бўлди сизга?

У эшик олдига бориб тўхтади, каловланди, нимадир дегиси келди, яна иккиланди, ниҳоят ўзига келиб, Шамси Салоҳга эътиборсиз кўз ташлади.

— Мен ўзи билан гаплашишим керак, — эшик тарақлаб ёпилди; Отақул сўнгги дақиқаларда одоб ҳақида ўйламай қўйди: бу Шамси Салоҳга заррача таъсир қилмади, аксинча, ғазабини ошкора намоёиш қилиб, ожизлигини билдириб қўйган Отақулнинг устидан ичида кулди: «Ҳа, булар ҳаммаси ёввойи, — деб ўйлади у, қизиқ, қандай яшашаркин, бундай зерикарли мақсадлари билан. Бола боқ, сигир боқ, қўшнилари-нинг товуғини ҳайда, уй сува, ўтин ғамла... Мен бун-

дай турмушдан кўра тарс ёрилиб ўлишни афзал кўрган бўлардим».

— Тўнка, — деб гулдиреди у товуш чиқариб, кимни назарда тутаётганини ўзи ҳам билмай.

VI

Шийпон олдида чангга беланган қизил енгил машина турарди; машина атрофида ясан-тусан қилиб олган Исмоил Али, хўжалик мудирини ва гуруҳ ҳисобчиси қорин қўйган, бақбақаси осилиб қолган, шляпаси пачоқ киши билан унга қараб имлашарди; улар қаергадир шошаётгандай эди.

— Э, қаерларда юрибсиз, — деди Исмоил Али уни чақириб, — ярим соатдан бери сизни кутамиз.

Шамси Салоҳ нима гап дегандай уларга кўз учида қаради.

— Сизларни тўйга айтиб келдим, — деди семиз киши Исмоил Алининг гапларидан сўнг мўътабар одам бўлса керак деган ўйда у билан ялоқланиб кўришар экан. — Сизларни кутишяпти.

Тўйга бало борми ҳозир, — гулдиреди хўжалик мудирини Шамси Салоҳга ёқадиган гап қилиш учун. Лекин унинг тўйга жуда боргиси келаётгани шундай юзидан кўриниб турарди. — Олдин пахтани терсин, кейин яхшилаб, иккаласини бир қилиб тўй қилишади.

— Куёв тоғлик, — деди семиз киши, — улар пахта деган нарсаларни билмайди. Биз ҳам айтдик, лекин қари отаси бор экан, кексалар рози бўлишди.

Шамси Салоҳ орқа ўриндиққа ўтирар экан, машина эгасининг ошқозони касалигини билди — унинг оғзидан чиққан бадбўй ҳид машина ичини тутган эди. У токи қишлоққа киргунларича, ҳидини сезмаслик учун нафас олмасликка тиришиб, терлаб, бўғриқиб кетди.

Уларни шинам ва кенг хонага олиб киришди. Хонага киргачгина Шамси Салоҳ бир оз эркин нафас олди.

Хонадаги уч-тўртта киши уларни кўриб, ўринларидан туришди, ҳурматларини жойига қўйиб кўришишди. Шамси Салоҳ уларни бир-икки бор «ҳорманга» борганда учратган, булар шу қишлоқнинг мансабдорлари эканини биларди.

Дастурхонни уч-тўрт хил ноз-неъмат тўлдириб ту-

рарди — катта шокосаларда шўр помидор ва бодринг, минерал сув, бўшаб қолган учта ароқ ва сопол лаганда қоврилган ҳамда қайнатилган гўштлар пала-партиш териб қўйилган эди. Улар ўтириши билан гўшт, ичимлик сув ва ароқ янгиланди, уларга манзират бошланди. Шамси Салоҳ оз-оздан, лекин ҳузур қилиб ичишга ўрганганди. Уни кузатиб турган одам чой хўплайбди деб ўйлаши мумкин эди. Ҳозир эса чанг ва кир-чирларининг ичидан чиқиб келган ўпкасига ароқ мойдай ёқар ва у кўпам мулозамат қилдирмай пиёлаларни бирин-кетин оларди. У ўзига Исмоил Али алоҳида эътибор бераётганини сизди. Исмоил Али негадир уни ўзига яқин олар, драмаларини ноҳақ танқид қилган баъзи кимсалардан чинакам хафа бўлиб, унга ёрилар ва бизнинг танқидчиларда ҳали савия йўқ дерди. Шамси Салоҳни эса саводди, дунё маданиятидан хабардор, ўзига маслақдош деб биларди. Ҳашарчиларнинг чулдироқ ёвонларидан кўнгли айниган пайтлари уни қаёқдандир махсус буюртма билан олиб келинган ҳуфёна таомлар билан сийлар эди. У бу ердагиларнинг кўпи билан жуда қадрдон бўлиб қолган, уни ҳашарчилардан ҳам кўра совхоз раҳбарлари кўпроқ ҳурмат қилишарди. Шамси Салоҳ уларнинг апоқ-чапоқ бўлиб ўтирганини кўриб, Исмоил Алининг ҳам манави амалдорларга жуда ўхшаб кетишини англаб қолди; ялтоқлиги, қув кўзлари, гапириш усуллари... қорнини селкилатиб кулишлари. Бу қадар ўхшашликдан Шамси Салоҳ ҳатто ҳайрон ҳам бўлди.

— Буларга эътибор қилманг, — деб шивирлади у Шамси Салоҳнинг қулоғи тагида. — Агар ҳар бир нарсага эътибор берсангиз инфаркт бўлиб қоласиз. Булар ҳали ёввойилиқдан тўла халос бўлмаган.

Шамси Салоҳ унинг «ҳайвондан» демоқчи бўлганини ва ўзидан истиҳола қилиб, маданийчасига «ёввойилиқдан» деганини сизди.

— Қачон кетамиз, — деди Шамси Салоҳ бу даврда ўзининг юраги сиқила бошлаганини ҳис қилиб.

— Қачон келиш биздан, лекин кетиш булардан, — деди Исмоил Али ўзини ҳар қандай урф-одатни ҳурмат қиладигандай қилиб кўрсатиб.

Шамси Салоҳ маъқул дегандай бош силкиди ва узр сўраб, кенг айвон орқали ташқарига йўл олди. Унинг изидан ёшгина кўк беқасам тўн кийган йигит

ҳам чиқди. Қишлоқдаги уйлар лойсувоқ, кўримсиз ва чапараста қуриб ташланганди. Шамси Салоҳ гўнг ҳиди келиб турган шилта оралаб ўтар экан, ёш йигитга қўл силкиб жавоб берди: «Кетаверинг, ўзим эплейман...»

Кеча қуюқ сиёҳ ранга тўлган, юлдузлар чарақлар, ой тоғ чўққилари ортида бир тилим қизил ёғду таратиб чиқиб келарди. Қўшни уйда қизларнинг қиқир-қиқир кулгуси ва пўк-пўк урилган доира овози эшитиларди. Уйнинг олдида қозон ва самовар қайнар, хотин-халажлар, болалар қий-чув қилишар, уч-тўртта одам уй орқасида турган автобусга, келиннинг сеплари бўлса керак, юк ташишарди.

Шамси Салоҳ томирини ёзиш учун уйнинг орқасига айланиб ўтар экан, чилдирма товуши келаётган деразадан бирдан таниш овоз эшитилди. У овоз аввал нимадир деб кулди, сўнг чилдирма қаттиқ-қаттиқ урилди ва у кутгандай қўшиқ бошланди. Шамси Салоҳ турган жойида деразага қараганча, таққа тўхтаб қолди, — дераза сарғиш парда билан тўсилган, пардага дамо-дам лоп-лоп кўланкалар тушарди. Келин шу уйда бўлса керак деб тахмин қилди Шамси Салоҳ. У ерда таниш овоз худди биринчи кундагидай, эркин, бироқ биров шўхчан, ўйинбоп қўшиқни чертиб-чертиб айттар, қизлар унга жўр бўларди. Шамси Салоҳ овоздаги ширани, маромни ва ўта тиниқликни яна бир бор ичидан ҳис этди. «Кўряпсанми, ерни туртиб-туртиб, майсалар бош кўтраяпти... — бир неча кун олдин унинг хаёлига келган ва уни ҳаяжонга солган сўзлар яна хаёлига қалқиб чиқди — ...бари сенинг қўшиғингдан, сенинг илоҳий овозингдан, сен оҳанглари ёндирган оҳангсан, сен тун қўйнида ловуллаб турган алангасан!..» У яна юрагида нимадир тиниқлашганини, сўз ва оҳанг қалбини сирқирата бошлаганини англади — бу ҳолатни у илҳом лаҳзалари деб атарди... Бу қурмагур келинчак ўзига шайдо бўлганларни бунчалар куйдиришни кимдан ўрганди экан?! У қўшиққа момоларнинг нафасини, боболарнинг шуқуҳини беришни қачон ўргана қолди экан? Ё унинг қонида бормиди бу улуғвор мискинлик, бу улуғвор товушлар?! Эмраниб-эмраниб куйлашни қачон, кимдан ўргана қолди? Ишқилиб, бу аёлларга тўзим берсин. У йиғласа тош ҳам йиғлайди, у куйласа, тош ҳам куйлайди, у разабга келса, тоғ ҳам тиз чўкади. Ишқилиб, тўзим берсин! У

сарик пардали деразадан оқиб чиқаётган қўшиқни вужудига сингдириш учун бутун шуурини қулоққа айлантириб, қотиб турар экан, қўшиқдаги мустар бир оҳанг унинг хотирасининг бир бурчагини бирдан ёритиб юборди. Хотиранинг бу унут бурчагида бир кучок ўтин ортмоқлаб олиб қияликдан пастга тушиб келаётган кампир ва тери қулоқчин кийган озғин бола акс этди. Кампир чўлоқлана-чўлоқлана қийир тошлар сочилиб ётган сўқмоқдан ялангоёқларини зўрра кўтарганча қандайдир қўшиқни хиргойи қилиб тушиб келар, момосининг униқиб қолган калишини қўлларига кўтариб олган озғин бола эса унга етиб юраман деб, қоқилиб-қоқилиб кетарди. Момосининг сўнаётган фонусдай хира ва ёшли кўзлари олис-олисларда кўринаётган чўққи ва қирларга қадалган, гўё бу кўзлар узоқ-узоқларда — йиллар ортида қолиб кетган умрини шу чўққилар орасидан излаётгандай, қўшиққа монанд пирпираб-пирпираб кетарди.

— Бу қўшиқни эслаб қол, — дерди кампир улар қияликдан тушиб, қишлоқ яқинида ёрилиб қолган тоғонидagi тошларни териб ташлаш учун елкасидаги ўтинни ерга қўйиб ўтирар экан, — бу қўшиқни ота-бобола-римиз бизга набираларингга етказинглар деб ўргатган, сен ҳам яхшилаб ёдлаб ол ва бир куни мендай бўлганинда набираларингга айтиб берасан. Бу одам ҳақидаги қўшиқ. Одамлар ўлиб кетади, лекин қўшиқни айтadиган янгидан-янги зурёдлар дунёга келади, улар бу қўшиқни кейинги зурёдларига етказадилар, шундай қилиб одамлар ўлиб кетаверади, лекин қўшиқ ўлмайди...

Шамси Салоҳ қалбини соғинч, оғриқ ва қўмсашга ўхшаш ҳислар қоплаб олди. У ўша озғин боланинг ўзи ва ҳамиша ялангоёқ юрадиган кампирнинг момоси эканлигини эътироф этгиси келмаётгандай, хотираси олдида бир зум тараддуланиб қолди. Момоси айтган қўшиқ унинг эсида қолмаган — у бу қўшиқни қачон унутганини эслолмасди, лекин момосининг гаплари ва қўшиқ оҳанги хотирасида михланиб қолганди; сарик пардали деразадан эшитилаётган қўшиқ балким, ўша қўшиқдир?! У момосининг қўшиғини унутганидан бир оз уялди, бироқ бирдан кўнгли хушнуд бўлиб кетди, қизик, кимдир момолар айтган қўшиқни унутиши мумкин, уни умри давомида қайта эсламаслиги ҳам мум-

кин, бунга зарурат ҳам сезмаслиги мумкин, аксарият унутиши мумкин, лекин кимдир унутмайди.

У қўшни уйнинг қоронғи бурчагида ўзини анчадан бери кузатиб турган одамни тўсатдан кўриб қолди — у одам икки-уч марта дераза ёнига келди, сўнг журъат қилмай, яна бояги қоронғу жойига қайтиб кетди. У дераза ёнига борганда Шамси Салоҳ хирагина шуълада лип этиб кетган барваста гавдани илғади. Аввалига, кимдир ўзини айб иш устида қўлга туширмоқчидай пойлаб юрганидан аччиғи келди, бироқ унинг Отақул эканлигини билгач, кўнглида ўжар бир сурбетлик уйғонди. У ҳозир дераза олдига боргиси, Отақулнинг кўз олдида Муаззамни гапга тутгиси, ҳозиргина айтган қўшиғини яна қайта айтиб беришни илтимос қилгиси, бу юввош, мўмин эрнинг ғурури билан ўйнашгиси келди. Лекин бу қалтис ўйин эди; уни истиҳола тўхтатиб қолди. У ортиқча шубҳа уйғотмаслик учун тарқай бошлаган меҳмонлар олдига қайтиб кирди. Исмоил Алининг хурмачаси тўлган эди; маст бўлганда яна ҳам ялтоқона кўринадиган кўзларини унга «қаерларда юрибсиз» дегандек тикди.

Машина яна ўнқир-чўнқир йўллардан шийпонга қайтди. У кейинчалик ўша тун қўйнида сариқ пардали дераза остида туриб қўшиқ эшитган лаҳзасини кўп қўмсаганди; бу хотира кейинчалик ҳам уни Муаззам қолиб кетган ўша тундаги олис манзилга тез-тез бошлаб келар эди.

Мана, ниҳоят, яна шийпон, ҳар хил мушку анбар, баловат, аёл ҳидига тўлган карталар орасидан торгина йўлак, босинқираш, фингшиш, танқидчи савияси ҳақида мастона жаврашлар — қани буларга ялангоёқ юрадиган момонг тўғрисида бирон нима деб кўр-чи, сенинг ҳақингда бирдан бошқача фикрлай бошлашди — уларни сен қобилиятлисан, чўрткесарсан, асарларингга ақллари етмайди, шу сабабли иқтидорли бўлса керак деб, чўчишади, сенинг улуғ ёзувчиларга тақлид қилиб айтган фикрларинг уларни шошилтириб қўяди, сен эса ўзингни яна ҳам сирлироқ, жумбоқлироқ қилиб кўрсатасан — бирдан ҳамманинг сенга ҳурмати ошиб кетади; мана нима зарур уларга! Уларга шу пайт момонг ҳақида гапиришинг нақадар, кулгули!

Унинг юрагини мубҳам бир ғашлик чўлғади ва Исмоил Алининг адабий олам ҳақидаги навбатдаги ширали қироати остида у алоҳа уйкуга кетди.

VII

Шамси Салоҳ даладан эртароқ қайтиб хонасида «янги асар» устида ишларди. Ниманидир ўйлаб хона бўйлаб юрар, бир нуқтага тикилиб, бир зум тек қотар, катта пунити дафтарга гажакдор ҳарфларда, бежирим қилиб неларнидир ёзар, деразадан дарахт шохларида ўйноқлаётган чумчуқларни кузатар, хаёлга ботган кўйи яна хона бўйлаб айланар эди. У жуда паришонлигидан эшикнинг эҳтиёткорлик билан тақиллаганини ҳам аввалига эшитмади. Эшик икки-уч марта қайта чертилгач, у таққа тўхтаб, эшикка қаради, юзидаги диққат ва хаёлчанлик йўқолиб, малол келгандай: «Очиқ, кираверинг», деди. Секин очилган эшикдан бироз ҳадиксираган, бўғриққан ва қизарган Муаззам кўринди.

— Муаззам! — Шамси Салоҳ шаҳдам қадамларда унга пешвоз чиқди. У ҳамиша бу сўзни айтганда негандир энтикиб кетар, юрагига ширин эпкин оқиб кирарди. Шунинг учун у Муаззамнинг номини ичида такрорлашни, баъзан хаёлан унга мурожаат қилишни жуда яхши кўрарди.

— Келинг... қандай шамол учирди? — деди у Муаззамнинг кўзларига тикилиб.

— Мен... мен... бирозга киргандим, — деди ўзини йўқотиб, каловланиб қолган Муаззам, — мен китобингизни олиб келгандим... мана...

Шамси Салоҳ шундагина унинг қўлидаги китобга эътибор берди. У китобни уч кунча олдин берганди ва Муаззамнинг китобни ўқиб бўлганига сира ишонмасди. Лекин барибир кўнглининг бир четида хушнудлик уйғонди. «Барибир келди ва шундай бўлишини билардим», деб ўйлади. Сўнг ич-ичида бошқа, хавотирга ўхшаш ҳис пайдо бўлди. Муаззамнинг юзига синчковлик билан тикилди.

Муаззам худди бир уят ишнинг устидан чиқиб қолгандай, ўзини қандай тутишни билмас, унга тик қарайёлмас, чиройли кўзларига ғам чўккан, тез-тез юриб келган бўлса керак, билинар-билинмас ҳансираб, ботинмасдан турарди.

— Менда гапингиз борми? — деди у Муаззамнинг ёнига ўтиб.

— Йўқ... ҳеч қандай гапим... китобни беришга келувдим...

— Айтинг... нима гап? Биров сизни хафа қилдими? — у шундай деб Муаззамнинг қўлини ушлади. Муаззам қўлини шартта тортиб олди-ю, унга ялт этиб қаради ва чўчинқираб орқага чекинди...

Шу пайт эшик силтаниб очилиб, ўттиз ёшлар атрофидаги кош-кўзи тимқора, хушбичим жувон кўринди; у Муаззамни кўриб, ажабланди, ҳайрон бўлиб Шамси Салоҳга қаради; лабининг бир четида истеҳзога ўхшаш ифода ўйноқлаб ўтди, қошини чимирди. Иккиланди. Барибир ичкарига кирди. Бу хизмат кўрсатган хонандалардан бўлиб, вазирликда келажаги бундан ҳам порлоқлиги тўғрисида миш-мишлар юрарди. Ҳеч ярашмаган ҳолда бу жувонни Шамси Салоҳ билан «қандайдир сирли», «бошқаларникига ўхшамайдиган» муносабатлари бор деб пичир-пичир қилишарди. Жувонни кўриб Шамси Салоҳ қизариб кетди; талмовсиради, негадир оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. Жувонни ўтиришга таклиф қилди; жувон у кўрсатган жойга ўтираркан Муаззамни бошдан-оёқ кузатиб чиқди-да, унинг камзулининг ёқасидаги каштали чирозга қараб қошини чимирди ва Шамси Салоҳга «динг зўр-ку» дегандай, сирли жилмайиб тикилди. Шамси Салоҳ оғзига калима келмагандай гезариб қолганди. У бир жувонга, бир Муаззамга қараб, гўё қайси бири афзаллигини солиштириб кўраётгандай безрайиб турар, гапирадиган гапи эсидан чиқиб қолган, бўғриқиб кетган эди. Муаззам ҳам ўзини ноқулай ҳис этди, чамаси. У қўлидаги китобни столга қўйди-ю, хонадан тез-тез чиқиб кета бошлади.

— Ўтирмайсизми? — Шамси Салоҳнинг товуши шундай ясама чиқдики, буни ўзи ҳам сезиб, баттар қизариб кетди.

— Йўқ... мен борай... — Муаззам унга қарамай жавоб берди ва эшикни шошиб очди. Эшик ёпилгач, жувон унга синовчан тикилиб, лаблари орасида ёйилиб кулди. Унинг кўзлари ҳам шўхчан порлаб турар, ўзини жуда эркин ва бамайлихотир тутар эди.

— Бу ким? — деб сўради у. — Анови бригадирнинг хотини эмасми?

— Ҳа, ҳа, ўша... китоб олганди... олиб келибди...

Шамси Салоҳ унга бир кўз ташладию, баттар қизариб кетди. Жувон нимадир деб минғирлади ва қиқирлаб кулди. У Шамси Салоҳга худди ҳозиргина ўқиб чиққан хатдай кибр билан боқиб турарди. Шамси Салоҳ унинг кўзларига қарамас, ниманидир ўйлаб, деразага тикилиб қолган эди.

Ўртага ноқулай жимлик чўқди.

— Бўлмаса мен ҳам борай, — деди жувон ўрнидан тураркан, — афтидан, жуда бандга ўхшайсиз.

У лабининг учини чўччайтириб, Шамси Салоҳга сирли тикилиб чиқиб кетди, чиқиб кетаётганда бу жувоннинг кўзлари сен ўзингни ўту чўққа уравер, барибир ажойиб кунларнинг бирида сен шоир яшайдиган ул кулбаи вайронага мен мана шу қошим остидаги бир жуфт шамимни ёқиб қўяжакман деган ишонч билан бирам майин чақнадики, афсус, буни Шамси Салоҳнинг ўзи сезмай қолди.

Шамси Салоҳ яна дарахтзорга йўл олди, бироқ қоронғу тушгунча ўтирса ҳам Муаззамни чайла атрофида кўрмади: чайла сув қуйгандай жимжит эди, Отакул ҳам кўринмас, фақат нарироқда сигир эринчоқлик билан бузоғининг пешонасини яларди. Шамси Салоҳга чайлада кимдир бордай ва пиқиллаб йиғлаб ётгандай туюлди; бироқ чайла олдига боришга журъат этолмади.

Шийпонга келиб, хонага кириши билан Исмоил Али унга тўрт буклоғлик қоғоз узатди ва тиржайиб қўйди.

— Бу нима?!

— Мактуб. Севгилингиздан.

Шамси Салоҳ унга еб қўйгудай тикилиб, қоғозни шошиб очди... Хат Отақулдан эди.

Хат анча босиқлик ва Шамси Салоҳ кутмаган қатъият билан ёзилганди.

«Ҳурматли... га. Мен сизнинг ҳақингизда жуда кўп ўйладим. Билишимча, сиз Муаззамни мутлақо тушунмабсиз. Мен қайтариб айтаман, сиз уни билмайсиз. У ҳеч қачон бахтсиз эмас ва ҳеч қачон сиз каби турмуш ҳақида, ҳаёт ҳақида эснаб гапирмайди. У қўшиқ айтишни яхши кўради. Буни мен ҳам биламан, лекин у ўзи ёқтирмаган ишни қилишга ўрганмаган. Мен унинг ўзи билан гаплашдим, у бу ерларни ташлаб кетишга

ҳечам рози эмас. Биз, ҳар қалай, бир-биримизни ёқтириб турмуш қурганмиз; мен қишлоқни ташлаб кетолмаганим каби у ҳам мени ташлаб кетолмайди. Мен уни тушунадиган ягона эркак эканлигимдан ҳамиша фахрланаман ва у ҳам мени тушунади, деб ўйлайман. Мабодо, гапларимга шубҳа қилсангиз унинг ўзи билан гаплашинг. Мен унчалик гапга уста эмасман ва умримда жуда кам китоб ўқиганман, лекин хатимнинг охирида сизга шуни айтмоқчиманки, сиз ҳали бу халқни билмас экансиз. У ҳомийликка муҳтож эмас... У сизнинг мурувватингизсиз ҳам буюқдир...»

VIII

Куз тонги салқин ва ҳуш ҳаво бўлади; энди қуёшнинг тафти тонгги қировларнигина эритишга зўрға етади; субҳи-содикданоқ бу ерларни ташлаб кетаётган қушларнинг сайроғи, қийқириқлари қулоққа чалинади; узоқ-узоқлардаги тоғларга лангар ташлаган аёз қўшинлари ҳали қуёш кезиб юрган чўлларга ва пахтазорларга тажовузкор назар ташлайди, саҳар пайтлари эса кучи ва истехдомини билиб олмоқчи каби бу ерларга туманлар жосусона сирғалиб киради, қуёш чиқиши билан яна тоғлар орасига яширинади. Куз тонгида юрагингда пахтазор каби сирли ва хатарли нимадир уйғонади, лекин у туйғунинг отини сен ҳеч қачон тополмайсан, зотан, бу туйғунинг оти ҳам бўлмайди.

Мана бир ҳафтаки, ҳашарчилар далаларга иссиқроқ кийиниб чиқишади, шу сабабли нозик қоматли қизларнинг эғнидаги қишликлар уларни жуда қўпол қилиб кўрсатади. Шу нарсани ўзлари ҳам сезгандай иложи борича бежирим кийинишга ҳаракат қилишади, тушга яқинлашиб, пахтазор ичра яна гўзал қоматлар ўзларини сўниқ қуёш чувовига кўз-кўз қила бошлайди; қуёш ҳам бу қоматларнинг қай бир еридандир ўз аксини ахтараётгандек, уларга суқди кўзларини тикканча осмон кўшқида тўхтаб-тўхтаб кезиб юради.

Муаззам қўшни картада эди; у рўмолини бошига танғиб олган, атрофидагилар билан иши йўқдай тез-тез эгилар, чанг ва хас-хуста ботган пахтани қоқиб-қоқиб этагига соларди.

— Муаззам!

У пахтасини кўтарган жойда қайдандир қаршисида пайдо бўлиб қолган Шамси Салоҳга ҳайрон бўлиб қараб, этагини яна ерга қўйди ва уни худди энди кўриб тургандай чўчиб, ҳадиксираб тикилиб қолди. Теримчилар нариги пайкалга ўтаётгач, сал нарида икки котиба қиз уларга орқа ўтириб пардоз қилишарди.

— Муаззам, мен сизнинг олдингизга келдим: бошимни эгиб келдим, — деди Шамси Салоҳ ички бир изтироб билан. У гўё бу гапларни айта-айта чарчагандай эди, унинг гапларида илгариги жўшқинлик ва иштиёқ йўқ эди. — Кеча эрингиздан хат олдим; индамай кетаверишим мумкин эди. Лекин шундай қилсам ўзимни бир умр кечира олмасдим. Муаззам — у барибир эрлигига борибди. Сиз учун кўпроқ мени айблайти, мана ўқиб кўринг.

Муаззам хатга қайрилиб ҳам қарамади. Иккаласини кузатаётган иккита ҳамқишлоқ аёлдан уялиб, пахтасининг устига ўтириб олди.

— Биламан, — деди бўғиқ товушда, — хатни ўқиб кўрганман.

— Муаззам?! — Шамси Салоҳ ўзини худди ажаблангандек кўрсатиб товушини азобли ва илтижоли оҳангга солди. — Наҳотки, шунча гапдан сўнг ҳам менга шуни раво кўрган бўлсангиз? Ахир ўзингиз айтган эдингиз-ку?!

— Ҳа, айтган эдим... — бирдан қўллари билан юзларини бекитиб олди Муаззам, — лекин мени эримдан, оиламдан ажратинг, эримни ҳақоратланг деб айтганим йўқ. Сизнинг гапларингизни кўп ўйладим; ўша пайти ҳаммаси тўғрига ўхшаган эди... Шарқ қизи... занжир... Шон-шавкат... энди ўйласам ҳаммаси тушга, етишиб бўлмайдиган нарсаларга ўхшайди; ўзингиз ўйланг, ахир ҳаёт, одам ҳақида ҳам ҳеч замонда шундай ўйлаб бўладими? Ё тавба қандай қилиб сизга дарров мени бу ердан олиб кетинг дея қолдим?! Уят, ҳозир ўйлаб уялиб кетаяпман...

Муаззам ундан ҳам атрофдаги ғўзаларнинг шитирларидан ҳам уялаётгандай ердан кўз узмас, дуррачаси четида чиқиб турган бир тутам сочи пешонасига тушганини ҳам сезмасди. О, қанчалар сулув эди бу аёл! — гўё бу ерларга ўзининг ташрифи малҳам эканлигини сезгандай қароқчилар талаб кетган манзил каби мун-

гайиб турган пахтазорда қишлоқ аёлининг қисматини ёпиниб, милқларига ёш қалққанча қуёшнинг ўзи ўтирарди. Шамси Салоҳ унинг аъзои-бадани секин қалтираб кетганини кўриб қолди. Кейинчалик шу сонияни эслаб, кўзига муштипар, бечора бўлиб кўринган ушоққина аёлнинг номуси бунчалик кучлилигидан ҳайрон бўлган эди.

— ...Мен сизни яхши одамсиз деб, ўйлагандим, — Муаззамнинг лаблари пир-пир уча бошлади. Унинг ёноқларида қон тепарди — ҳозир унинг ёноғини кўрган ҳар қандай кип-қизил анор ҳам рашқдан тарс ёрилиб кетган бўларди. — Тўғри, бир пайтлар катта жойларда қўшиқ айтишни орзу қилардим дегандим, лекин сизга эримнинг устидан қулинг деб айтмагандим... Мен аёлман, эрим қаерда бўлса, ўша ерда бўлишим керак...

Муаззам ниманидир ўйлаб жим қолди, унинг киприкларида тушки қуёшнинг тафтсиз нурлари ўйноқларди. Йўқ, йўқ, осмонда унинг киприкларидан таралаётган ёғдулар ўйноқларди. Шамси Салоҳ Муаззам бутун жуда ҳам бошқача эканлигини уни кўрган заҳотиёқ сезган эди, бироқ эрини худди ориятини ҳимоя қилаётгандай бунчалик кўр-кўрона ҳимоя қилишини ҳеч кутмаган, бу — Муаззам номли китобнинг янги варақлари эди.

— Сиз қийналяпман дедингиз... қўшиқ айтиш ягона орзум дедингиз... Мен эса сизни ўқитиш учун ҳамма нарсани гаплашиб қўйдим. Сиз фақат борсангиз бўлди — қўлингизни совуқ сувга урмайсиз, фақат овозингизни парвариш қилиш билан машғул бўласиз; ўқийсиз, ўрганасиз, энг муҳими — яхши, билимдон, дарди катта одамлар ичида бўласиз... Истиқболингиз ўз қўлингизда бўлади... Бу ерда овозингиздан ажралиб қолишингиз мумкин. Мен кўп мулоҳаза қилдим, — сизни қутқаришнинг ягона йўли шу экан — сиз кетишингиз керак, яхши, санъатни тушунадиган одамлар билан бирга бўлишингиз керак. Агар эрингиз бу ердан кетишни истамаса, сизнинг ҳеч қандай айбингиз йўқ, сиз ўз бахтингизни излаб кетган бўласиз...

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман, — деди Муаззам унинг гапларидан гаши келгандек, кесиб-кесиб, — мен қийин деб ўзимни эмас, барча қишлоқ аёлларини назарда тутгандим, лекин ҳеч қачон мен сизга бахтсизман деб айтмаганман. Ҳа, менинг қўшиқчи бўлиш ягона

орзум эди, бироқ начора, мен эримнинг измидаги аёлман; унга бўйсунганим керак.

— Муаззам, кўзингизни очинг, ҳамма нарсани ақл билан ўлчанг, — Шамси Салоҳ азобланиб хитоб қилди, — сиз ўзингизга берилган истеъдодингизни қурбон қилишга ҳаққингиз йўқ! Бу нарсалардан устун туришингиз, ҳамма нарсани ақл билан ҳал қилишингиз керак. Наҳотки сиз ҳам бу аянчли турмушга ўзингизни ўз хоҳишингиз билан боғлаб берсангиз: кўзингизни очинг, Муаззам, атрофингизга боқинг, ҳаёт — зиндон эмас, унинг гўзалликларидан баҳраманда бўлинг. Сизни бахт, шон-шараф, ҳаётнинг буюк неъматлари кутаяпти; ўз истиқболи учун курашган аёл гуноҳдор саналмайди. Бизнинг халқимизнинг, анави қишлоқдошларингизнинг фожиаси шуки, улар бахт билан бахтсизликни фарқлай олмайди; уларнинг кўзи кўр, қулоғи қар; улар ожиз, муте, заиф одамлар. Уй, рўздор, болачақа ташвиши одамни юксак нарсаларни ўйлашдан чалғитади, ҳатто ҳар қандай туғма истеъдодни ҳам ҳалок қилиши мумкин. Бу икир-чикирлардан юксакда туриш, керак бўлганда рад этиш, ҳар қандай хонаки муҳаббатдан (у айнан «хонаки муҳаббат» деди, ҳатто ўзи топган бу сифатлашдан ичида ғурурланиб ҳам қўйди) воз кечиш керак — санъатнинг бешафқат, лекин ягона шарты шу! Бу ерда эса — мана бу дала, мана бу пахта, мана бу чанг-ғубор, анави чайла, чивинлар, сассиқ сув, исқирт қозон, ҳар йили олди-кети ўйланмай — туғилаверадиган касалванда ва чувринди болалар, жоҳил одамлар, таппилар, тезаклар орасида хор бўласиз. Бу ерда, на илму фанни, на санъатни, на қўшиқни тушунишади; ҳаммалари ота-боболаридан қолган катакларда итдай турмуш кечиришади. Бу ерда хору зор бўласиз. Яхши ва ўқимишли одамлар ичида эса сиз икки-уч йилда юлдуз бўлиб кетишингиз мумкин. Наҳотки буни фарқлай олмасангиз. Эрингиз худди мана шу нарсани тан олгиси келмаяпти... у ...

— Эримга тил теккизманг, — унинг гапини силтаб бўлди Муаззам ва тиззалари орасига юзини яширганча, пиқиллаб йиғлаб юборди. — Унда ҳеч қандай гуноҳ йўқ: Сиз уни шунчалик ночорга чиқариб қўйибсизки, у худди мени бахти қаро қилиб қўйгандек бўлиб юрибди, менга нуқул, майли, бор, ўқи, орзунга ет, агар ростдан ҳам ниятинг шу бўлса, боравер, мен розиман,

деб ялинди. Мен ўзим кўнмадим. Мендан ростдан ҳам яхши қўшиқчи чиқиши мумкиндир? Лекин...

— Биз ҳамма шароитни яратиб берамиз, — деди шошиб Шамси Салоҳ, товуши ялинганга ўхшаб чиққанидан ўзидан жаҳди чиқиб, хириллаб қолди. — Эрингиз ҳам борсин... ҳеч ким сизларни ажратиб қўймоқчи эмас... Афтидан, унинг ўзи боргиси келмаяпти...

— Боролмайди... Бу ердан кетолмайди, — Муаззам алам ва хўрлик аралаш пичирлади. — Уни мана шу одамлар ўқитган, у уларни ташлаб кетолмайди, шаҳарда бир кун ҳам туролмайди... Шамситдин ака, — деди Муаззам бирдан унга ёшли кўзларини тикаркан, — сизга раҳмат, биламан, ҳаммасини мени деб қилаяпсиз: мен сизнинг бояги гапларингизга муносиб эмасман. Сиз тушунинг, мен ҳам орзуимга етишга ҳақлиман... лекин мен аёлман — қўшиқ айтишга овозим қанчалик боп бўлмасин, аввало эримнинг олдидаги бурчимни бажаришим керак. Мени кечиринг, сизни анча уринтирдим... Бизнинг ҳам елкамизга бир кун офтоб тегар, биз ўқимасак, болаларимиз ўқир, ҳар қалай, ҳамиша шундай қолоқ бўлиб қолмасмиз... Мени ҳам, эримни ҳам ўз ҳолимизга қўйинг, сиздан ўтиниб сўрайман. Бизга шундай, ҳамма қатори яшаш жуда ёқади... Агар қўлингиздан келса, шунчалик яхши одам бўлсангиз, ана қишлоғимизда қанчадан-қанча бахти қаро аёллар бор, ўшаларга ёрдам беринг. Мен эмас, улар ғирт бечоралар. Мен эмас, кўпроқ улар бахтсиз. ўзлари ким, нима учун яшаяпти, дунёда нима гаплар бўлаяпти — ўйлаб кўришга бир зум ҳам вақтлари йўқ. Эртадан-кечгача ўлиб-тирилишади, яна эртага болани қандай боқаман, деб бир умр кўрқиб яшашади, ўйлайвериб, эрта қариб қолишади: оиласини тебратишга кучи етмагач, эри шўрлик ароққа ружу қўяди ёки бутун аламини хотинидан олади — шу ҳам яшашми? Шу ҳам турмушми? Ахир ўзингиз айтинг, шу ҳолатда у сиз айтган санъат ёки қўшиқ ҳақда қандай ўйласин?! Бечоранинг ўсма қўйишга ҳам вақти йўқ-ку?! Сиз менга эмас, шуларга ёрдам беринг... Уларга қараб туриб, менинг йиғлагим келади, жуда-жуда йиғлагим келади...

— Улар тўғрисида ўйлайдиган одамлар бор; мен амалдор ёки ҳаёт тарзини ўзгартиришга қодир даҳо эмасман. Мен ўзим қила олишим мумкин бўлган нар-

сани сизга таклиф қилган эдим... — Шамси Салоҳ ўзининг жаҳди чиқаётганини ҳис қилди. Бироқ аччиғи ўзидан чиқаяпдими, ёки аёлнинг гаплариданми, билолмади.

— Кўрдингизми, ҳатто сиз ҳам шу ерда одам ажратяпсиз, — агар менинг бахтимга сизга ёқиб қолган овозим бўлмаганда, демак, менга ҳам уларнинг кунини раво кўрар экансиз-да?! Бу алдамчилик-ку?! Эрим — сизга бир нарсани фарқига бормаидиган, фаросатсиз бўлиб кўринган эрим ҳеч қачон, мен майиб бўлиб қолсам ҳам ташлаб кетмайди. Аёл киши учун шунинг ўзи бахт эмасми?! Наҳотки бунини тушунмасангиз?!

У юзини Шамси Салоҳга тескари ўтирдиди-ю, титраб-титраб йиғлаб бошлади. Шамси Салоҳ бу тортинчоқ, содда деб билган жувоннинг шунча нарсани билишига, билиб тоқат қилиб юришига ажабланди. У Муаззамдан шундай гаплар чиқади деб кутмаганди. Бу фикрлар ўзининг ростлигини исботлаб, унинг вужудига тобора сингишиб борарди. У ич-ичида Муаззамнинг гапларини тан олаётганини, ўзини оқлаш учун жиндай ҳаракати ҳам бу саволлар қаршисида арзимас нарса бўлиб чиқишини ҳис қилди; унинг кўнглида қишлоқ ва бу одамлар ҳақидаги ҳукмлари бирдан бошқа қиёфага кира бошлади. У ўзини тушунмаган, тушунолмаган келинчакни овутишни ҳам, овутомасликни ҳам билмай иккиланиб турар, овутай деса, ўзининг гаплари билан бу ҳасратли қалбга яна озор беришдан қўрқар, жим турай деса аёлнинг ноўрин таъналарини очиқ тан олган бўларди. У қаршисида турган илоҳани оддий бир қишлоқ аёлга айлантираётган мўъжизанинг сири нима эканини билмай бир зум тек қотди. Шамси Салоҳнинг бу жувон ҳақидаги барча гўзал ҳаёллари, орзулари уни ташлаб дафъатан қаёққадир учиб кета бошлади; салдан кейин бу жувон ҳам анави пахта териб юрган, ўзларининг бахтсизликларини шаллақилик билан яширадиган фаҳмсиз ва фаросатсиз, орзи сассиқ аёллардан бирига айланди, қолди. Ҳатто бу нарсани нега илгарироқ англамаганига ҳайрон бўлди. Унинг қалбини уят, номус туйғулари чулғаб олди. Қўшиқ айтаётган жувон қиёфасидаги ўзи излаган қўшиқ илоҳаси шу бир неча сонияда аёлни буткул ташлаб кетган эди; у илоҳа ўрнида эрига кўр-кўрона меҳр қўйган, ўзининг нотавон, бахтиқаро эканлигини эслашдан ҳам

қўрқиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ётган ожиз ва ночор аёл қолган эди. Шамси Салоҳнинг кўнглида яна бирдан тушқунлик байроқлари ҳилпирай бошлади.

— Кеча сизнинг олдингизга боришдан олдин ўғлимни кўргани бордим, — йиғлаган кўйи давом этди Муаззам, — уни кўриб бизнинг орамизда бўлиб ўтган гап-сўзлар қуруқ гап эканини англадим, юрагим сирқираб кетди. Қайнонам усиз бир соат ҳам туролмайди... иккаласи худди эгизакдай, худди қайнонам ҳам ёш боладай... уларга қараб йиғлагим келди — сизнинг гапларингизни эслаб йиғлагим келди. Кеча сизга шуни айтмоқчи бўлиб борган эдим... Менинг иддизим шу ерда, шу одамлар орасида. Мен бошқа жойда кўкармайман. Ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келдим, — бизни тинч қўйинг, мени деб бошқалар олдида уялган одам — ахир сиз кеча уялдингиз-ку?! Тўғрими? Мен билан бирга ўтирганингиздан уялдингиз! — мени деб уялган одам қандай қилиб орзуимга етиштириши мумкин? — Энди кетинг, одамлар қараяпти... гап қилишади... Кетинг... бошқа учрашмайлик... кетинг!

Шамси Салоҳ қулоқларига ишонмаётгандек Муаззамга бақрайиб тикилди, йўқ, ажабланмаса ҳам бўларди, уни ҳайдашмоқда эди. — У озода ва саодатли қилмоқчи бўлган аёл уни ҳайдарди; ташвишлардан, азоблардан, тирикчиликнинг турли удумлари ва икир-чикирлардан, қийноқ ва саволлардан, мусибат ва аламлардан, ҳадик ва шубҳалардан иборат умрларининг нариги қирғоқлари томон адашиб, улоқиб, йиғлаб-сиқтаб ўзларига йўл очиб бораётган, шунча азоб-уқубатларнинг, хўрликлар ва ҳақоратларнинг ичида ҳам дунёнинг барча аёллари каби умид ва орзу билан яшаётган аёл қалби уни ҳайдаётган эди. Уни аёлнинг сирли қўрғони ичкарига киритмади.

Бу аёлни эридан, туғилганидан бери яшаб келаётган, жоҳиллиги-ю, қолоқлиги билан бирга қадрдон бўлиб қолган одамлардан, ҳатто бир кесагигача оёғининг ҳиди ўрнашиб кетган бу далалардан нимага ишониб ажратиб олмоқчи бўлди? Нимага ишониб? Ўзининг ялтироқ, оҳангжамо сўзларигами? У кўзи олдида чўзилиб ётган бир неча кун олдин ўз-ўзидан йиғлаётган аёлга ўхшатган бепоён дала билан бу йиғлаётган аёл ўртасида қандайдир, ўзи тушунмайдиган мутаносиблик борлигини ҳис этди; ўзининг қуруқ, ба-

ландпарвоз, пуч гаплари билан бу икки хилқатни яна ларзага солмаслик учун эгат бўйлаб, катта-катта қадамлар билан Муаззамдан узоқлаша бошлади.

IX

У сарғайиб қолган барглари дув тўкилаётган дарахтлар орасидан юриб борарди. Қуёш аллақачон ботган, уфқда қизил шафақ ёнарди. Оёқ остида чуркин новдалар қарс-қурс синар, боғда пахта ва ғубор ҳиди анқирди. Қушлар кечки нағмаларини бошлаган, бугунга аталган қўшиқларини тезроқ куйлаб тугатишмоқчидек, тинмай чуғурлашарди. Бир неча кун олдин беҳад бахтиёр бўлган жойларда у ҳозир ўзини кулгили тарзда бахтсиз деб ҳис қиларди. Ҳали кузнинг ярми ҳам ўтмаган бўлса-да, боғ ичида ва боғга туташ майсазорда қарғалар тўда-тўда бўлиб изғиб юришарди ва ҳар-ҳар дамда нимадандир чўчишгандек талвасали қағиллаб қўйишарди. Салоҳнинг юраги бирдан орқага тортиб кетди, қарғалар фақат қабристондагина шундай ваҳимали қағиллашади. У қачонлардир кимнингдир инояти билан экилган гужум дарахтининг тагидан ўтар экан, бўйнига нимадир чарс этиб тушди ва қўйлаги ичига сизиб кета бошлади. Шамси Салоҳ тепага қараб, шохда тумшуғини кўтариб, ўзига тикилиб турган қарғани кўрди. Қарға «хўш, қалайсан, оғайни?» деётгандай, икки-уч марта қағ-қағ этди-ю, нарига учиб кетди. Шамси Салоҳ рўмолчасини олиб, бўйнини артди, сўнг ёжиниб, рўмолчани ҳам бир четга улоқтирди.

Майсазорга чиқаверишда қарғалар ундан ҳуркиб, қағиллаб осмонга кўтарилишди ва сал наридаги очиқ майдонга бориб қўнишди. Узоқда зовур бўйлаб учтўртта бола қишлоқ томонга сигир ҳайдаб борарди, майсазордан зах ва кўкат ҳиди келарди. Ичидан хўрсиниққа ўхшаган нимадир тошиб келар, лекин бунинг хўрсиниқ эканини очиқ эътироф этгиси келмасди. Кўнгли бирдан музлаб қолгандай, вужуди қалтираб кетди; Муаззам ҳақидаги хаёллари ва орзулари қайгадир омонат қушлардек учиб кетган, ўрнини яна қандайдир тушуниксиз бўшлиқ эгаллаганди. У айланиб-айланиб тўсатдан Отақулнинг чайласи ёнидан чиқиб қолди. Уни тан олинмаган мағлублик бу ерларга бошлаб

келганди. У чайла олдида куймаланаётган Муаззамни кўрди-ю, бирдан тўхтади; оёқлари нохуш нарсани сезгандай бўшашиб қолди, ўзини дарахт панасига олиб, беихтиёр уни кузата бошлади. Муаззам эгилиб қозон тагини узоқ пуфлади, кўзлари ачишди шекилли, ўридан туриб, уқалай бошлади, сўнг атрофдан хас-хус ва уч-тўртта тезак йиғиб келиб қозон тагига тикди. Шамси Салоҳга бу нақадар аянчли бўлиб кўринди. Муаззам тиззалаб яна пуфлади: бу марта қозоннинг таги лов этиб аланга олди. Пиёз ва бошқа масаллиқларни солиб бўлгач, Муаззам чайла атрофига пақир билан сув сепи бошлади, ёғоч супага тўшак солди, кейин чайлага кириб пақир кўтариб чиқди ва қовун палагида арқонлаб қўйилган сигир томон кетди. Муаззам сигир соғаётган жойдан Шамси Салоҳгача мунис ва дилгир бир оҳанг оқиб келди-ю, уни бирдан ларзага солди. У яна қўшиқни биринчи марта эшитган ҳолатига қайтди, оҳанг унинг хаёлларини тортқилаб-тортқилаб болалик кўчалари томон олиб кетди. Муаззам қўшиқ айтиб, сигирни ийдирар, маҳзун ва алланечук орзуманд бир қўшиқ куйлаётганидан ҳам ва унинг қўшиғи дарахтзорга яшириниб ўзини кузатаётган, санъатни юксак даражада тушунадиган ва ўзини шу қўшиғи учун чинакам саодат ва шон-шавкат ўлкасига етаклаб бормоқчи бўлган бир одамни ёндириб, кул қилаётганидан ҳам беҳабар эди. У шунчаки, ота-боболари сигир соғаётганда айтадиган ва унга ҳам шундай деб ўргатишган қўшиқни худди ота-боболари ўргатгандек айтар ва бу ерда ҳеч қандай ғайритабиий нарсани кўрмас, зеро, бу унинг ҳар кунги қўшиғи эди. Шамол унинг қўшиғини гоҳ юзига тарсаки туширгандай Шамси Салоҳнинг қулоқларига олиб келиб урар, гоҳ бу азалий ва муқаддас оҳангларни унга бергиси келмаётгандек, шудгорлаб ташланган жўхоризор узра узоқ-узоқларга олиб қочиб кетарди. Чўкаётган тун, қизарган шафақ, чуралай айтиб, сигир соғаётган сулув аёл, дала узра югуриб юрган кузги шабада... булар ҳаммаси нақадар уйғун, нақадар гўзал ва бетакрор эдики, Шамси Салоҳ ўзини бу нарсаларга ёт, бегона эканини ҳис қилди. Унинг кўнглида иштиёқ, муҳиблик, ҳайрат дарчалари очилиб кетган, бироқ бу манзаралар унга омонат эди; бу куй, бу қўшиқ, бу манзара уники эмас эди.

Шамси Салоҳнинг оёқлари тагида чигирткалар чириллай бошлади. Дала узра туннинг хира пардаси тортилди: Муаззам қозон бошига келиб, овқат тузини кўргач, елкасида бир боғ ўт кўтариб келаётган Отақулни кўриб, чойидишга сув солди-да, ичкаридан сочиқ олиб чиқди. Отақул ўтни чайла орқасига ташлаб, уст-бошини қоқди, сўнг дўпписини супага қўйиб, ярим яланғоч ечинди ва Муаззам қўйиб турган сувга пишқириб ювина бошлади. Муаззам ҳар доим тегажоқлик қилиб, сувни унинг орқасига қўйиб юборар, ўзи нари қочиб қоларди. Отақул қўллари билан пўписа қилар ва уни ушлаб олмоқчидек қулочларини кенг очар, Муаззам эса сув сепиб ўзини ҳимоя қиларди. Бу манзаралар Шамси Салоҳга қанчалик оғир, унинг тасаввурига қанчалик зид бўлмасин, аланечук табиий, содда ва гўзал эди, у бу манзарани охиригача кузатишга ўзида куч тополмади; ичидаги хўрсиниқ пориллаб тошиб кела бошлади: бўғзи ачишди, кўксини нимадир тилимлаб ўтди. «Сиз бу халқни билмайсиз. У сизнинг ҳомийлигингизга муҳтож эмас. У сизнинг мурувватингизсиз ҳам буюқдир», деб такрорлади ичида. Шунда бирдан Отақулнинг дағал, кўпол, йирик қўллари кўз олдига келди-ю, оппоқ, кичкина, майин қўллари ни уялиб чўнтагига яширди. «Сиз бу халқни билмайсиз», такрорлади ичида яна. У изига буриларкан, Муаззамнинг қувноқ ва жарангдор кулгусини эшитиб, сесканиб тушди; бу кулгута дош беролмай бутун вужуди жаранглаб синиб парча-парча бўлиб кетганга ўхшади; бу кулгу волиб ва бахтиёр эди; ўзининг табиийлиги ва самимийлиги билан Шамси Салоҳни батамом тор-мор қилиб ташлаганди. У бу кулгуни бошқа эшитмаслик учун тун шарпадай ўрмалаб кирган дарахтзор ичидаги ёлғизоёқ йўлак бўйлаб юриб кетди.

«Муаззам, мен сенинг содда қалбингнинг тепишларини, сенинг хаёл ва орзуларингни иркит бўёқларимда акс эттира олдимми, билмайман, мен чизган суратга қараб, сени бирон киши севиб қолармикин ва сени мен ҳис этганчалик тушунармикан, буни ҳам билмайман, мен фақат сенга шуни айта оламанки, кеч куз кунларининг бирида, мезонлар сенинг туйғуларинг каби тўзғиб учган кунда сени қамиш чайла олдига учратган эдим ва сени — менинг тўпори, содда, эрка ғурурим-

ни пойтахтлик машхур шоирнинг ширинсухан ва улурвор каломларига алмашмадим, алмаша олмадим, сени йиғлатдим, сени унинг олдида бир неча сония гангитиб қўйдиму лекин у жимжимага сени алмашмадим, менинг номусим ҳам, менинг орим ҳам шунда, менинг ғурурим ҳам, менинг фахрим ҳам шунда. Мана энди сен билан абадий хайрлашиш вақти келди, сени қанчалик севмайин, сенинг номинг менга қанчалик саодат бахш этмасин, мен ҳам кеч куз оқшомининг бирида сени шу пахтазор қўйнига ташлаб кетишга мажбурман, чунки мен ҳам сенга, сенинг қўшиқларингга муносиб эмасман ва бизнинг қалбимиз абадий дайдиликка ва сарсону саргардонликка мустаҳикдир. Биз сенинг қалбингни тушунолмадик, сенинг инсон ва бахт ҳақидаги орзуларингни англай олмадик, биз сенинг ота-боболарингдан мерос қолган тушунчаларингга ўзимизнинг баландпарвоз тушунчаларимизни тиқиштирдик, сенга азоб бердик. Биз оддийгина ҳақиқатни — боғ кўркам ва сўлим бўлиши учун ундаги қандайдир дарахтни эмас, бутун боғни ўзгартиш кераклигини жуда кеч тушундик. Сенга озордан бошқа ҳеч нарса бермаган ва беролмайдиган мени ва ул машхур шоирни бошқа эслама...»

Н.Э.

ТУН ПАНЖАРАЛАРИ

*Бошимга, кўрки,
не тун келтурибсен
Алишер Навоий*

«... Сен юксак-юксакларда, одам идроки ҳам, онги ҳам етмас юксак-юксакларда учиб юрасан. Сен энди ҳеч қачон ерга қайтиб тушмайсан; сенинг борлигингга одамлар фақат тонг пайти ёки ёмғирдан сўнг кечки шафақнинг шаффоф нурлари уфқни чўмилтирганда ёки тўлин ой чиққандагина гувоҳ бўладилар, сенга сиғинадилар, сенга атаб қўшиқлар тўқийдилар, сенинг ерга тушишингни ялиниб-ёлвориб сўрайдилар, сен эса ҳаммасидан беҳабар юксак-юксакларда учиб юраве-расан. Мен сенсиз мазмуни қолмаган у сахройи-биёбонни сарсон-саргашта кезиб юраман: кимга тавоф қилишни, кимга сиғинишни, кимни севишни, кимдан

нафратланишни билмайман. Сен эса юксак-юксакларда учиб юраверасан, энди ҳеч қачон ерга тушмайсан, ҳеч қачон, ҳеч қачон...»

Мана тун. Тунда менинг бошқаларникига ўхшамайдиган умрим бошланади. Тунда мен ўтган кунларим ва келажагим билан учрашаман: улар худди сўнаётган юдузлардай кўз олдидан бир-бир учиб ўтади.

Дераза ёнида қурбақа қурилади, унинг нағмасидан бехос чўчиб тушдим, сўнг қуриллоқ секин сўнди ва нариги бинонинг юқори қаватларида қандайдир бола чинқириб йиғлаб юборди. Изидан аёл кишининг зардали овози эшитилди. Бола эса алламаҳалгача ўксиб-ўксиб йиғлаб ётди. Шунда менинг хаёлимга — балки бола узоқларда, менинг ўтмишимда йиғлаётгандир — деган ўй келиб қолди. Ким билади, шундай бўлиши ҳам мумкин-ку; бу азим тун қўйнида ўксиб-ўксиб йиғлаётган балки менинг болалигимдир? Балки ҳеч қачон тутанмас бу тун мени болалик билан юзма-юз қилмоқчи бўлгандир. Агар шундай бўлган тақдирда ҳам болалик билан менинг ҳозирги ўттиз бир ёшим орасида жуда катта жар бор. Бу жарлик менимча, энди ҳеч қачон йўқолмайди. Мен болалик олмасининг айниган, бузилган томониман. Олмани ейишар экан, одамлар ҳамиша чириган жойини кесиб ташлашади. Агар энди мен яна нимагадир ярашимни ҳис қилганимда ҳам бу умр олмасининг чириган қисмини кесиб ташлашим керак.

Мен ҳозир бахт ва бахтсизлик ҳақида гапирмоқчиман. Одам ҳаётда ўз ўрнини билиши учун бу саволларга жавоб топиши зарур деб биламан. Лекин негадир менинг бу саволим кўшларнинг кулгисини қистатди, улар ошкора ва яширин менинг устимдан кулдилар. Шундай бўлса ҳам мен бугун бахт ҳақида гаплашишга аҳд қилдим. Балким, шунда ўз умримни, ҳаётдан нима излаётганимни ва нимага эришганимни оз бўлса ҳам тушунтириб берарман.

Тун гуллари ҳам бир-бир очила бошлади. Афтидан тун ўзининг улуғворлиги ва гўзаллигини билса керак — мен мана шундай оқшомлари кимнидир интиқ бўлиб кутаман.

Тун шоҳона либосда аста-секин ҳамма нарсани ўз измига бўйсундирмоқда.

Тун хушбўй сиёхранг атиргулга ўхшайди. Бу гулни ким узиб кўк қўйнига қўйиб кетди экан, мен билмайман.

Шайтон ҳам хонамда мана шундай ёз кечаларининг бирида, ҳали Сулаймон билан танишмасдан олдин, журналдан ишдан кетган, бекорчиликдан кун бўйи шишиб ухлаб, кечаларни эса ё кўча кезиб, ё китоб ўқиб ёки шунчаки шифтга тикилганча, туш бўлиб — тушга, ўнг бўлиб — ўнгга ўхшамайдиган апоқ-чапоқ хаёллар билан ўтказадиган, китобларда жуда келиштириб ёзилгандек, «беором ўтган» тунларда пайдо бўлган эди. Мен ҳанузгача тушунолмайман. Шайтоннинг нимамага ишқи тушди экан? Тунлари «беором» бўлишимни айтмаса, бошқалардан ҳеч ажралиб турадиган жойим йўқ эди. Аксинча, тенгдошларимнинг ичида энг омадсизи мен эдим. Афтидан, шайтонларнинг бизнинг ақлимиз етмайдиган ўз одатлари ва қонунлари бўлса керак. Мени унинг ташрифи ҳайратта солгани йўқ, — мен ўша пайтлари ҳеч нарсадан ҳайратланмай қўйган, унинг ташрифини ҳатто олдиндан сезиб юргандай ҳам эдим; мени ҳайратта солган нарса, худди Нитсше тасвирлагандек, сочининг малла тусдалиги бўлди, у жуда ҳам сурбет ҳамда бутун вужудидан, ҳатто ичак-чавоғидан ҳам шубҳа уфуриб турарди; у ҳамма нарсадан шубҳа ва ишончсизлик изларди; бироқ эътироф этиш керак, у жуда ақлли ва маккор эди. Баъзан унинг сочларида оқиш шуъла порлаб кетарди. Бошқа бир кеча мен Шайтон билан уларнинг қароргоҳига қараб кетар эканман, — баъзан тун пардасини йиртиб-йиртиб, атрофимда шохли ва думли шайтонларнинг тантанавор рақс тушаётганини кўриб қолгандай бўлардим — шундай лаҳзада мен бирдан даҳшатга тушар, назаримда тун қиёфасида мени қандайдир ёвузлик салтанати ўраб тургандай бўларди. Балки менинг хаёлимга шундай кўрингандир — бундай ҳолатларни табиблар қаттиқ асабийлашгандан ёки руҳий чарчоқдан деб ҳисоблашади, билмадим, балки ростдан ҳам шундайдир, лекин ўша тундан менинг хотирамда — худди булутлар орасида бир кўриниб, бир кўринмай учаётган тайёрадай биз ёруғликка чиққанда лип этиб кўзга ташланадиган ва дарров ўзини қоронғулик қаърига урадиган, атрофимда тинмай рақсга ту-

шиб бораётган шарпалар ва уларнинг жазавали хан-сирашлари ҳамда мени гилай кўзлари билан зимдан кузатиб бораётган шайтоннинг юзидаги фолибона табассумгина сақланиб қолган.

Ҳозир аниқ эсимда йўқ; етими-саккиз ёшимда шунчаки қизиқ туюлганидан кун узоғи тўшақдан жилмасдан неларнидир пичирлаб ўтирадиган момомга қўшилиб бизни ҳамини кузатиб турадиган кўзга кўринмас қудратдан кўрққанимдан мен ҳам рўза тутардим. Узук-юлуқ гапларга қараганда, момом тириклигида бобомга кун бермаган экан ва энди қариб қолганда ўша гуноҳларига тавба қилапти, — дейишарди. Момом сабр-тоқатли ва соғлом кампир эди. Лекин мен кун ярмига етмасдан оч қолар ва жуда чанқардим. Онам момомдан яшириб, бир бўлак нон билан учта қайнаган тухумни қоғозга ўраб берар, молхонага кириб еб ол, ҳеч ким, ҳатто худо ҳам кўрмай қолади, — дерди. Мен қоғозни қўлтигимга уриб, молхонага югурар, ичидан тамбалаб, ўша — ҳар нарсани кўрувчи, ҳар нарсага қудрати етувчи нигоҳ мени кўрмасин дея эшик тирқишларига ва туйнукка эски-туски латта тиқиб, туйнукнинг яхшилаб сувалмаган панжараси орқали секингина оқиб кираётган хирагина нурдан ўзимни яшириб, охурнинг ичига кирганча, нон ва тухумни паққос туширар эдим. Орадан шунча йиллар ўтса ҳам гўё ҳеч нарса ўзгармагандай, гўё ҳамон ёруғликдан яшириниб, ўша хира туйнук остида тургандайман.

Баъзида туйнукдан оқиб кирган ва охурнинг четини зўрға ёритган нур менга кимнингдир ўткир нигоҳидай бўлиб туюларди. Бу нурнинг зулматни парчинлаб ташлашга ўша пайти кучи етмаган эди, энди эса мутлақо етмайди.

Бизда бу нарсалар ҳақида ёзиш одобдан эмас, бироқ бу аслида бор гап. Биз ундан қанчалик кўз юрмайлик, у худди найзадек танамизга чуқурроқ кириб бораверади. Хуллас, ўзини севмай туриб, баданни севиб бўлмайди. Чиройли баданлар — шўр балиқдай гап. Агар гўзаллик қалбга кўчмаса, тез баъдга уради ва узоқ вақтгача бу лаззатли хўрақдан кўнглинг айниб юради. Чиройли таналар бир ёниб ўчган гулханга ўхшайди. Бундай гулханлар лов этиб иситади-ю, сўнг

тафтсиз чўғ қолдириб сўнади — бу чўғ муҳаббат оловини ёқолмайди. Мабодо шундай бўлган тақдирда ҳам бу тасодиф ёки ўзини-ўзи овунтиришдан бошқа нарса эмас. Муҳаббат ҳам одамга омадини синаб кўриш учун умр каби бир марта берилади. Ундан олдин ёки кейин содир бўладиган туйғулар бу сирли юртта бориш ёки ундан қайтиш йўллари, холос. Биринчи ёки шунчаки муҳаббат дейишлар яна севиб қолармикинман дея ўзини овунтириб яшашдан бошқа нарса эмас. Агар одамнинг омади шу бир марта берилган ҳақиқий ҳиссиётда чопмаса, бошқасида унинг ўзи бу ҳисларга эрмак бўлиб қолади. Мен ҳам Ҳосилани йўқоттандан сўнг узоқ йиллар ўзимни овутиб юрдим. Кимгадир кўнгил қуйиб қолармиканман деган умидда яна кўп қизларга қалб эшигимни очиб бердим. Бироқ бу эшик уларни ичкари киритмади ёки уларнинг эшигидан мен киролмадим. Мен шундагина Ҳосила етиб бўлмас орзуга айланганини англадим... У сен билан ҳаминиша ёнма-ён, бир шаҳарда, деярли бир кўчада яшайди. Баъзан трамвайда кетаётиб уни бекатда, шаҳар узра чўзилиб ётган йўллар дарахтининг бир шохига қўниб турганини кўриб қоласан. Баъзан ўз ёлғизлигинини яшириш учун шундоқ ён кўчадан шовқин-суронли бозорга борганинда такаббуруна ва масхараомуз қараш билан сени яна ўтмишнинг жирканч ботқоғига улоқтирадиган ва кўксинга нафрат соатини солиб қўядиган, унинг ўзидан бўйи пастроқ ва озғинроқ эри билан бозор-ўчар қилиб юрганига кўзинг тушади. Баъзан унинг ёнингда, сен турадиган хонада, ўзинг билан бирга яшаётганини, сен ётган тўшақда ётиб тураётганини ҳис этасан. У сен билан ойлаб бирга яшайди-ю, бироқ барибир қўл етмас орзулигича қолаверади. Шундоқ ёнгинанда, қўл узатсанг етқудай жойда, бироқ олис юлдузнинг шуъласидек узоқ, олис юлдузнинг тафтидек совуқлигича тураверади. Шунда сенинг кўнглинг дилбар, латиф, орзуманд туйғулар билан тўлади ва ҳаётинини бошқатдан бошлагинг, кўз олдиндаги рўёдай омонат умидсизлик панжараларини парча-парча қилиб ташлагинг келиб қолади. Яна қайтадан севиб қолишга сенда гира-шира ишонч уйғонади. Кўнглинг муаззам бўлади. Кўзингни юмишинг билан сен ўзингни кумуш денгизда қалқиб турган олтин елканли кемада кўрасан. Ёнингда эса кема чамбарагини сен билан бирга айлантира-

ётган оппоқ либосли бир қиз ҳам бўлади. Узоқдан бу қиз ҳилолга, яқиндан эса у сенинг кўп йиллик орзуингга ўхшаб кетади. Кема тўлқинлар узра сакрар экан, унинг майин сочлари сени кўмиб юборади ва шунда қизнинг киприкларидан ўзингга қараб отилаётган сон-саноқсиз тим-қора шафқат ва муҳаббат ўқларини кўриб қоласан...

Уят. Ўттиз бир ёшга кирган одамнинг бундай бе-маъни хаёлларга толиши уят. Ўсмирлик даврлари бўлса ҳам майли эди. Энди катта одам. Нуфузли журналнинг собиқ ходими. Гарчи елканлари йиртилган, эш-каклари синган бўлса ҳам денгизда кеманг сузиб юрибди. Уят. Улкан ишлар ҳақида ўйлайдиган одамнинг бўлмағур нарсаларни хаёл қилиши уят.

Аммо мен қачон ўша олтин елканли кемадаги қизни хаёлан тасаввур қилсам, у ҳамиша Ҳосиладан бошқа қиз бўлиб чиқади. Юз тузилишлари, кулгулари, табассуми, ҳатто кўзлари ҳам менинг хотирамда қотиб қолган илк учрашувдаги Ҳосиланикидай, бироқ у бошқа қиз бўлади. Балки, у бу дунёда Ҳосила деган қиз борлигини мутлақо билмас ва менинг у ҳақидаги ҳикоямни берилиб эшитар?! Балким Ҳосиладан энди буткул умид узганим учун ҳам шундай хаёл қиларман. Балки Ҳосила билан кечган кунларим бир вақтлар кезиб чиққан ўрмон каби олисларда қолгани учун ҳам уни ўзим билан ёнма-ён туришини тасаввур қилолмасман. Лекин ҳар қалай, у қиз бошқа бўлади. Балким, мени тушунадиган ёлғиз ўша қиз бўлар? Мен ўттиз бир йил ичида биронта содиқ дўст орттиролмаган бўлсам ҳам, одамнинг одамга дўст бўлишини эътироф этаман. Ҳатто ўртада садоқат ҳам бўлиши мумкин. Аммо ҳамдам бўлолмайди. Эркак киши учун бирдан-бир ҳамдам аёл бўлиши мумкин. Мен шахват маъносида айтмоқчи эмасман. Инсондаги шахватпарастлик, гарчи табиат қонуни бўлса ҳам, одамнинг ҳайвоний қиёфасини намоён этувчи хусусиятдир. Мен кўнгила маъносида айтаяпман. Кўнглингиз ёлғизлик зардобига тўлганда, бу зардобни фақат аёл даволай олиши мумкин. Аёл ва эркак аслида бир бутуннинг икки қисми. Бахт бутун бўлиши учун аввало мана шу икки қисм бутун бўлиши зарур. Бироқ бунинг учун аёлни севиш керак. Бизнинг бутун умримиз ана шундай аёлни кутиш билан ўтади. Афсуски, бундай аёллар ҳам ҳар

бир одамга кейинчалик бир умр соғиниб ўтиши учун бир марта берилади, холос. Улар ҳам қимор ўйинига ўхшайди. Ютуқли картани топсангиз, хўп-хўп, тополмасангиз, кейин излаб ўтирманг, бошқа ҳеч қачон тополмайсиз. Бундан буён умрингиз чириш, инқироз сари юз тутиш. Мен Ҳосиладан айрилган кундан бери оёғи куйган чумчуқдек шохма-шох учиб-қўниб юрибман. Кўнглим зардобланиб-зардобланиб, охири қуртлаб кетди. Қуртлар у ердаги ҳаётдан нишона бўлган ҳамма нарсени суриб чиқарди. Энди гуллай бошлаган орзу дарахтимни кўз ўнгимда еб битирди, ўзимни эса мана шу кимсасиз тунги хилватга олиб келиб ташлади. Мен аслида бу балчиққа Ҳосилага севиб қолганимни айтган кунимдан бота бошлаганман. Кейин бутунлай ботиб бўлганимда эса, Ҳосила чиққан кема аллақачон мен турган қироқдан жўнаб кетган эди. У мени бу ўпқонга ташлаб, ўзи бахт излаб жўнаб кетди. Мен ўпқонда олтин елканли кемани мен билан бирга бошқараётган қизни хаёл қилганча қолавердим. Ўпқонга ботган сайин шунга ўхшаш нарсалар ҳақида кўпроқ ўйлайвердим. Бу хаёллар худди ўлик устида чарх ураётган қузғундек бошим узра тинмай айланиб юрди, мени ҳалокатли йўлларга бошлади, кўпларнинг олдида кулгу қилди, худди масхарабоздай турли кўйларга солди, охири мана шу тун панжаралари остига олиб келиб ташлади.

Мана мен тўшакдан шифтга қараб ётганча, олтин елканли кема ҳақида, тун каби гўзал қиз ҳақида, бахт ва бахтсизлик ҳақида хаёл суриб ётибман. Нариги хоналарда чироқ ўчган. Дераза орқали хонамга тун селлари оқиб киряпти. Тун ромга кўкракларини қўйиб, қора кийган кампирдек менга синовчан тикилиб ўтирибди. Фақат тунгина бепоён ва мангудир. Мен мана шу бепоёнлик ичра учган юлдуздай лаҳзаман, холос. Худди болаликни, ўсмирликни ва Ҳосилага телбаларча ошиқ бўлиб юрган дамларимни суриб тушургандай, вақти келиб, тун мени ҳам қанотидан ҳайдаб тушуради, ўзи эса мангу ва бепоёнлигича қолаверади.

Йўқ, мен тўсатдан шундай, ҳамма нарсадан совиган хилват одамига айланганим йўқ. Мен ўзимни тушунадиган биронта дўст излаб турли давраларга суқилиб киришга ҳаракат қилдим. Лекин ҳамиша қандайдир

бешафқат куч мени улар орасидан суриб чиқариб ташлайверди. Бу давралар ва умуман мен болалиқда орзу қилган ҳаёт — пўлат деворлар билан тўсилган сирли қўрғон эди. Йўқ, мен бу қўрғонга ёриб кира олмадим. Аксинча, улар мени тор-мор этилган қўшиндай ҳавойи хаёллар мамлакатига улоқтириб ташлайвердилар. Болалигимда орзу қилган, мени эртақлар дунёсига олиб борадиган оқ тулпорлар ҳам фақат болалиқ тулпорлари бўлиб қолди. Ҳозир ҳам ўша оқ отлар ҳақида ўйлар эканман, баъзан уйқу аралаш бошим узра қандайдир тулпор кишнаб юборганини эшитиб қоламан. Баъзан тушимга уфқларни тўлдириб, бемақсад саросар чопиб юрган қизғин тусдаги тулпорлар уюри киради. Мен туш аралаш бу тулпорларда болалиқдаги орзуларимнинг уюри ва шиддатини кўриб қоламан.

Хотирам кемасидан аллақачон тушиб қолган, сувга тушган шишадек узоқ-узоқларга оқиб кетган Робия ва унинг жамалак сочи баъзан йиллар қаъридан хотирам кўзгусига қалқиб чиқади. Биз у билан Терс ота сойига кўзи боққани борардик. Сойда бизни ҳамиша қароқчилар маконидек қўрқинчли юлғунзор кутиб оларди. Мен ўзимнинг кекса, тўсатдан тажовуз қилиб қоладиган, ҳурпайиб олган, эгри, бадбуруш, найзаларини кўкка дарғазаб тираб турган юлғунлардан қўрқмаслигимни исботлаш учун унинг ичига кириб олар ва қанотли тулпор ҳақидаги эртагимни бошлардим. Гарчи мен, кўпинча, ўзим тўқисам ҳам, Робия менинг оқтулпор билан қилган саргузаштларимни ҳайрат билан эшитар, чапак чалиб, қийқариб юборар, менга эса бу ёқар, уни синган тишлари хунук кўрсатиб турса ҳам, шундай пайтларда у жуда ёқимли бўлиб қоларди. Мен уни ҳамон мана шу ҳолатда, менинг ялмоғизлар ва аждаҳолар устидан қилган ғалабамдан қувониб, гулдай яйраб турган ҳолатда тасаввур қиламан. Тушларимга ҳам худди менинг ҳозирги ҳаётимдан кулаётгандек, болалиқ каби маъсум ва беғубор кулгулари кириб чиқади.

Менинг эртақларим қўйнида Робия ростдан ҳам гул бўлиб очилди ва дунёнинг мудҳиш кучларидан қочиб, менинг кўксимга келиб яширинди. Мен эса бу гулни аввал худбинларча эзгиладим, баргларини пуфлаб сўлитдим, сўнг кўксимдан юлиб олиб, Терс отадан

чиқаверишдаги катта тошйўлга бир умрга ташлаб келдим. Эҳтимол бу менинг ҳаётимда очилган биринчи ва охириги беғубор гулдир. Ҳар қалай, мен, ҳозир шундай ўйлайман. Назаримда, мен уни ҳеч қачон бошқача тасаввур қилолмайман. Робия ҳамон йўл бўйида дуррачасини силкитиб, менга оқ йўл тилаб турганга ўхшайди.

Кимдир «одам — тилсимдир» деган.

Менга болалик ҳаётим балки мана шундай тилсимли бўлгани учун ҳам сирли ва мафтункор туюлар? Балким, ўша пайтларда мен ҳаётга худди тилсимга қарагандай шайдо бўлиб қараганим учун шундай туюлгандир? Ҳозир ҳаёт менга ўқиб бўлинган китобдай шавқсиз. Энди мен эртага нима содир бўлишини билмасам ҳам, ҳар қалай, бахтли тасодиф юз бермаслигига ишонаман. Мен кетаётган арава ҳеч қачон у водийга қараб бурилмайди. Мен баъзан учқуйруқсиз хаёлга фарқ бўлганча Робияни — анвойигина қоқигулини, ўша узоқ йиллар қаъридан, у ҳамон дуррачасини силкитиб турган ўша йўл ёқасидан узиб олиб, қулоғимга қистириб қўйсам дейман.

Кимки мен билан дўстлашган бўлса, ота-онасининг ёки шанғи аёлдай уззу кун жағи тинмайдиган ўқитувчисининг, ўзидек нозик тарбия кўрган дўстларининг панду насиҳатларидан мисқол-мисқолаб йиққан бутун сиру синоатини, барча фазилатларини олти ой ёки ундан ҳам кам вақт ичида уқувсиз қиморбоздай ёки бозорга келиб қолган молпараст хотиндай барини бирваракай сарфлаб қўярди. Мен унинг юзидаги ниҳоятда усталик билан оҳорланган қават-қават пардаларни сура-сура, ниҳоят унинг ҳақиқий — қиличнинг тигидай қаққайиб турган, қўрқоқлик ва бефаҳмлиқ чулғаган — юзини кўриб қолардим.

Даҳшат! Дунёдаги ҳеч нарсадан ҳайратланмай қўйиш даҳшат!

Агар сен сизиниб, эътиқод қўйиб келган нарсанг бир куни пуч ва сохта нарса бўлиб чиқса, бу — даҳшат! Унда ҳаётда мазмун қолмайди. Нимага қўл урма, ҳаммаси таназзулдан даракчи бўлиб туюлаверади, ҳамма нарсадан кўнглинг совийди. Энг мудҳиши — ҳамма нарсанинг ясама жимжима эканлигини англайсан, кўз олдингдаги жамики мўъжиза кўзбойлағичнинг макридай бўлиб қолади. Сен бу ёлғон ва сохта

нарсалардан қочиб, ўзингни тун қўйнига, хилват-хилватларга яширасан.

Баъзан мен хаёлимда бошқа бир дунёнинг суврати-ни чизаман. Бу дунё алланечук сирли, мўъжизали бўлиб кўринади. Бу дунёдагилар оқ тулпор ҳақидаги, ҳеч қачон етишиб бўлмайдиган оппоқ либосли қиз ҳақидаги ва бошқа эртақларга худди эрталаб тонг отишига ишонгандай ишонишади. Бу дунёда ҳеч қачон зулм ҳам, зўрлик ҳам, ёлғизлик ҳам бўлмайди. Одамлари фавқулодда жўшқин, содда, самимий, ҳар бир фикрга ҳурмат ва эҳтиром билан қаровчи кишилар бўлади. Худди Аловиддиннинг сеҳрли чировидай, мўъжиза улар учун одатий воқеага ўхшайди. Ҳеч ким ваҳимага тушмайди, ҳеч ким сенга ишончсизлик билан қарамайди. Аловиддин бир кечада ғаройиб қаср қургани каби сенинг ҳар бир сўзинг бу ерда мўъжизалар яратаверадию оғзингдан камалақдай товланиб чиқаверади. Муҳими — қалбинг тўлиб юради, сени ҳеч ким алдамайди, сен ҳам ҳеч кимни алдашга эҳтиёж сезмайсан.

Мудҳиш! — Атрофингда ғуж-ғуж, лангар-лангар одамлар бўлса-ю, оддийгина «чарчадим» деган сўзни айтишга муносиб киши топилмаса — саҳрода қўққайиб турган ёлғиз дарахтдай бу зим-зиё, ҳувиллаган тунда чор-атрофингда сенга бир оғиз тасалли берадиган ҳеч ким бўлмаса, нақадар мудҳиш!

Эсимда, муҳаррир туш ҳақидаги ҳикояларимни ўқир экан, афти ғазаб ва масхарадан кўкариб кетганди. У охириги варақни ўқиб бўлгач, мени энди кўраётгандай, ётсираб тикилдида:

— Нега кучингизни бетайин нарсаларга сарф қилиб юрибсиз? — деди нафрат билан.

«Сенга менинг бу оҳу-воҳларим етмайди. Сен хаёллар ҳам етиб боролмайдиган сирли фалак қалъасига яширингансан. Сен менинг илтижоларимни қабул эт, муборақ жамолингни кўрсат, орзуйим қушларини олис-олисларга учир.

...Сенинг нурдан тикилган кўйлагингга кўзларимни суртайин, сенинг муборақ оёғингга йиқилайин — мени жаҳолат ўтида куйдирма. Мени гумроҳ этма. Мен сенга қараб миллион йиллардан бери кечани-кеча, кундузни-кундуз демай кетиб боряпман. Сенга етиш машаққатли бўлса ҳам умид билан сенга талпинаман.

Орадаги сени тўсиб турган бу хурофот тоғини кеча-ю кундуз руҳим тирноқлари билан қўпориб сенга томон йўл очаяшман. Агар мана шу машаққат тоғини қўпора-қўпора кўйингда ҳалок бўлсам, менинг суякларимдан Фарҳод яса-ю, улар ҳам шу тоғни қаза-қаза сен томон йўл олсинлар ёхуд суякларимни тоғ устига қалаб, улкан гулхан ёқу бошқалар сенга борадиган йўлларни бир лаҳза бўлса ҳам кўриб олсинлар... сенга интилсинлар, тавба қилсинлар!»

Ҳосила ҳақида мен деярли ҳар кеча ўйлайман. Уни ўйлашим билан кўз олдимга биринчи бор учратган андак ҳуркак, андак шаддод, андак ўйчан, лекин кўзлари доимо мавжланиб, сочидан умид ва бахтнинг иси анқиб турадиган навниҳол қиз келади. Ҳозирги Ҳосила билан ўн йил олдинги Ҳосила ўзга-ўзга дунёдаги бошқа-бошқа қизлардай бўлиб туюлади. Ёки одам улғайган сайин айниб боради деганлари ростмикан? Аввалги Ҳосила эндигина очилаётган ғунчага, ҳозиргиси эса сўлиб қолган гулга ўхшайди. Билмадим, қайси биримиз бахтли эканмиз? Нимани орзу қилган бўлса, ҳаммасига эришган, фаровон ва беками кўст яшаш учун ҳамма нарсага эга, менга ўхшаб эртага қандай кун кечиришни ёки ижара ҳақини қандай тўлашни ўйлаб, ваҳимага тушиб юриш нималигини билмайдиган ва дунёда чақалар ҳисобига яшайдиганлар борлигини хаёлига ҳам келтирмайдиган киши бахтлими ёки ҳеч нарсадан омади кулмаган одамми? Мен бахтнинг қандай бўлишини тасаввур қилолмайман. Ҳар қалай, мен кўпроқ бахтсиз бўлсам керак. Шу сабабли ҳаммадан ҳам мен бошқачароқ яшашни ва турли хил эртакларни, ҳеч қачон содир бўлмайдиган воқеаларни, одамлари ҳар куни мўъжиза билан яшайдиган ўзга дунёни, гулни узганлари учун қатл этиладиган мамлакатни орзу қилсам керак. Шу сабабли умримнинг энг бахтли лаҳзалари бўлиб туюладиган ортда қолган болалик уйининг туйнугидан ичкарига — Робияга томон тез-тез мўралаб турсам керак.

Ҳосилага ўша куни нима учун унга — барча ярамас одамлар каби у ҳам ўша пайтларда олифта, шўх-шаддод ва шакаргуфторликнинг ҳамма кўчасидан бир-бир ўтиб чиққан, гаплашганда оғзидан қизил бориҷсимон

ваъдалар боғланган даста-даста гуллар тўкиладиган хуштакаллуф йигит эди — бўлажак куёвига тарсаки туширганимни тушунтириб бераман деб, барча воқеани яна ҳам чалкаштириб юборгандим: ўртадаги муносабатларимизга ва таниш-билишларимиз қизиқиб ўқишган, бироқ ўзимиз учун қизиғи бўлмаган бизнинг чигал ва можаробоп қиссамизга, — гарчи биз кейинчалик ҳам бир-биримиздан кўзларимиздаги нафрат ва таънани яшириб, номигагина учрашиб юрган бўлсак ҳам — ўша учрашув сўнгги нуқта қўйган, маълум манзилгача бирга келиб, сўнг иккови икки йўлдан кетган икки йўловчидек биз ҳам биргаликда босишимиз зарур бўлган манзилни босиб ўтган ва ўша кундан бошлаб, буни очиқ эътироф эттимиз келмаса-да, мутлақо қарама-қарши томонларга — у ўзи орзу қилган бахт ўлкаси томон, мен эса ўзим ҳам билмаган ҳолда мана шу тун панжарасига қараб йўл олган, ҳаёт ё мамот жангига кирган қадим массагетлар маликаси янглиф юзи ва авзойига ҳар қандай ўтинчу илтижолар ўтмайдиган совут кийиб олган Ҳосила ўша кунни хонасига ва кўзларига тишларини қайраб ётган нафрат аждаҳосини боғлаб қўйган эди: уни кўрган кундан чирқиллаб сайрай бошлаган ва унга томон бесарупой учиб жўнаган, бироқ манзилларига етмай дайди ва Ҳосиланинг илтифотсиз кўзларидан отилган ўқлардан бир-бир ҳалок бўлган кўнглим қушларининг қалашиб ётган мурдалари билан лиқ тўлган кўксимдаги бесаришта қонага эса ўзи кетгандан сўнг ҳам қалбимни пора-пора қилиш, уни эслаган онларим кўкрак қафасларимни ёриб ташлаш учун қутуриб кетиб, ҳамма нарсани синдириб, парчалаб ташлайдиган ярадор бир шерни — беҳудуд ва ҳеч қачон жавоби топилмайдиган саволларни боғлаб кетган эди. Билмадим, у ёруғ кунларга чиқиб олдим, йўқми, лекин мен иккаламиз илк бор учрашган ва ётоқхонада чироқ ўчиб қолиб, энди бир умр барча бахту бахтсизликларни бир елкада кўтаришга аҳд қилгандек, беихтиёр бир-биримизнинг қўлларимизни ушлаб олган ва унинг сочидан хушбўй гул ҳиди келиб турган тунда бир умр қолиб кетдим.

У ростдан ҳам бозорда менга ўзини юдузи ярақлаб тургандек кўрсатгани каби бахтлимикин? Билмадим. Бироқ мен уни баъзан трамвайда, баъзан ишхона тагидаги ошхонада учратиб қолган пайтларим унинг

кўзларида бахт истаб чарақлаб турган бир жуфт юлдуз осмонни бир зум тилимлаб, сўнг сўнган дайди юлдуздек изсиз сўнганини кўриб қоламан.

Олти ойча олдин мен ҳаётнинг ўзи узундан-узоқ давом этувчи, ҳам бемаъни, ҳам энг гўзал туш деб ўйлар эдим. Шунинг учун ҳам туш ҳақидаги ҳикояларимга ҳам «Тун эртаклари» деб ном кўйгандим. Мен бунда ҳеч қандай мақсадни кўзлаганим йўқ ёки сарлавҳа остига бирон ўткир ташбеҳ ҳам яширганим йўқ, фақат ўз кучимни синаб кўрмоқчи, мен ҳис этган нарсаларни бошқалар ҳам ҳис этармикин, мендаин бетайин хаёлларга бошқалар ҳам борармикин, улар мени тушунармикин деб ўйлаган эдим. Бироқ муҳаррир уни тушунмади. Ҳикоя унчалик мураккаб эмас эди. Лекин у тушунмади. Ҳозир бу ҳикояни келтириш мақсадга мувофиқми ёки йўқми, билмайман. Лекин келтириш зарур деб, биламан. Балки шу йўл билан мен нима учун бу арзи ҳолни «Тун панжаралари» деб атаганимни тушунтириб берарман.

Биринчи ҳикоямнинг қаҳрамони қандайдир китобдан қабилани қириб ташлаган сирли босқинчилар йўқотиб қўйган, қабиланинг номи битилган битик тошнинг асрлар аро изсиз ғойиб бўлгани тўғрисида ўқиб қолади ва бу унга қаттиқ таъсир қилади. Тушида ҳам ўша тошни кўради, сўнг уйғонса, тош унинг хонасида, тўшаги ёнида ётган бўлади. У тош ҳақида танишларига ҳикоя қилиб беради ва ҳамма унга ишонади: унинг хонаси ҳар куни одамлар билан лиқ тўлади, ҳатто хориждан сайёҳлар ҳам тошни кўриш учун атайлаб кела бошлайди. Қаҳрамоним эса уларга тош ҳақидаги ўзи тўқиган ҳикояни айтиб беради. У ҳикоя қилган нарса мутлақо ҳақиқатга зид тушга ўхшаш алоқ-чалок бўлса ҳам, ҳамма шундай бўлганига ишонади, гўё ҳикоядаги воқеа қачонлардир бўлиб ўтгандек уни берилиб тинглашади.

Иккинчи ҳикоямнинг қаҳрамони эса бир куни эрталаб уйғониб, кўчага чиқади-ю, ҳайратдан шамдай қотиб қолади: қараса, ҳамма нарса ўзгарган: у билган дунёдан асар ҳам қолмаган, у ухлагану бошқа бир дунёда кўз очган. Ҳамма томон гул билан бурканган, одамлар фавқулодда қувноқ, шод-хуррам, бахтли. Қаҳрамоним кун узоғи шаҳар кўчаларини айланиб, ҳамма

ерда гулларни ва шод-хуррам одамларни кўради; уларга қараб ўзини ҳам негадир бахтлиман деб ҳисоблай бошлайди. У айланиб-айланиб, оломон тўпланиб турган қандайдир майдондан чиқиб қолади; қараса, ўртада қатлгоҳ. Учта соқчи қандайдир кишини қатл сари етаклаб боришяпти. Маҳбуснинг қўл-оёғида ўта хавфли жиноятчиларга солинадиган кишан; ҳамма уни нафрат ва ваҳима билан кузатишади. Оёқларидаги ва қўлларидаги кишанларнинг оғирлигидан маҳбуснинг бели букчайиб қолган, қилган мудҳиш жинояти учун уни ўлим жазосига ҳукм қилишган. Бир неча дақиқадан сўнг у бу дунё билан хайрлашиши керак. Аслида, унчалик катта жиноят ҳам қилмаган. Бор-йўғи гулзордан билмасдан бир дона гулни узиб қўйган. Уни мана шу жинояти учун қатлга ҳукм қилишган. Бу мамлакатда гулни узганлар ҳам қотиллар қатори суд қилинади ва жазоланади. Маҳбус оғир ва сўнгсиз қайғуга чўккан. Тантана билан унинг кўзларини боғлашади, энгаштиришади, жаллод ойболтани зарб билан тушира бошлайди. Бир маҳал қараса, маҳбуснинг ўрнида қаҳрамонимнинг ўзи ўтирибди. Ойболта унинг бошига зувилаб тушяпти. Бир зум кўз олди қоронғилашиб, қилич кўтарганча ўзига қараб чопиб келаётган ўлим элчисини аниқ кўради. Шунда бутун майдонни ларзага солиб, у додлаб юборади. Ўрнидан ирғиб туради-ю, шартта қочиб жўнайди: югуриб бораётиб пешонасини нимагадир уриб олади. Сал ҳушига келиб, атрофига қўрқа-писа назар ташласа, ўз хонасида ўтирибди, пешонаси билан эшикка ёпишиб қолган. У ўрнидан туради, юрак ҳовучлаб секин эшикни очиб ташқарига қарайди ва эшик олдидан оқиб ўтаётган тугунча ва турли рўзгор халталари кўтариб олган ҳамишаги ўзгармас оломонни ва ўзгармас аламини кўради.

Тўғри, бу ҳикоялар ҳар жиҳатдан тарқоқ, асосланмаган, қурилмаси ҳам сунъий. Лекин ўша пайтлари аниқ феъллару, аниқ воқеалар шўр сувдай меъдамга теккан эди. Мен «ҳаётий воқеаларни» шунчалик ёмон кўриб қолган эдимки, бу ҳикояларни ҳам ана шу ўта даражадаги аниқликка қарши ўзим учун ёзгандим. Билмадим, ҳикоя ўзини оқладими, йўқми? Бу билан заррача қизиққаним йўқ. Мен ёзган воқеа сал ғайритабiiий, болаларнинг чўпчагига ўхшаш сал ғалати бўлса, бўлди эди. Кейинчалик менда бу ҳикояни бошқаларга

ҳам ўқиб бериш истаги туғилди. Лекин мен озроқ ҳурмат қиладиган биринчи ўқувчиёқ буни тушунишни истамади. Йўқ, менинг бу ҳикояларим муҳаррир вазабланганчалик мудҳиш эмас, балки атрофингдаги шунча оломон ичида «чарчадим» деган сўзни айтишга арзийдиган одамни тополмаслигинг мудҳишдир.

Адабиёт инсоннинг оғриқларидир. Бу тўнкалар мана шу оддийгина нарсани ҳам эътироф этгилари келмайди. Адабиёт, гарчи Чехов шундай ҳисобласа ҳам, ҳеч қачон ўйнаш бўлмаган. Қачонлардир уни бир-бирларига юракларидаги оғриқларни айтиш ва ибрат қилиб кўрсатиш учун ўйлаб топишган. Бир вақтлар Румий жондор, тулки, арслонни учраштириб, янги ташбеҳ топган.

Азоб тутаган жойда фаолиятсизлик бошланади: худбинлик, хиёнат, лоқайдлик бошланади. Йўқ, бундайларни кўришга кўзим йўқ. Ё улар одамларни ҳеч қачон севмаган ёки одамлар уларни севишмаган. Одамзодга бу сўзлардан ҳам ортиқроқ фалокат йўқ. Буларнинг қалби минглаб ана шундай сип-силлиқ ва жарангдор сўзлар билан қуршаб олинган. Таналарига мана шундай қўланса сўзлар уя қурган. Уларга қарши бирон нарса деб кўр-чи, бу қушлар бирдан оч қарғалар каби чоғиллаб, сенга ташланишади. Сен ҳеч қачон бу сўзларнинг устидан зафар қозонолмайсан: йўқ, кўришга кўзим йўқ. Бундай кишилар инсониятнинг душмани. Булар юзлаб, минглаб қалбларнинг кўзларини сўқир қилиб қўядилар. Бу сўзларнинг остида лоқайд ва бефаҳм яшашга яширин хитоб бор.

«...Сен нега мени бу хилватга, бу зулматга ташлаб кетдинг. Нега қалбимдаги имон чироқларини ўчирдинг? Ахир сендан буни кутмагандим-ку? Мана шу кичкина кўримсиз юрагимда муҳаббатинг кемалари сузиб юрарди-ку? Сен нега мени ёлғизликнинг йиртқич қузғунларига ташлаб кетдинг? Қайси гуноҳларим учун қалбимдаги умид ва ишончни, орзу ва даъватни ўғирладинг? Нега ажру салтанатингга учиб борадиган қанотимни қирқиб олдинг? Нега мени умидсизликнинг оч айиқларига ем қилиб ташлаб кетдинг? Ахир сендан буни сўрамагандим-ку? Сен, эй, менинг мушфиқ жонимга раҳм этсанг бўлмасмиди? Ҳеч қурса вужудим боғида сайраб турган қушларни ўлдирмасанг бўлмас-

миди? Ўзим ботиб, бу рафлат уйқусидан ўзим уйғо-ниш учун мени ақалли чақиртиканакка ёки тонгги шабнамга айлантирсанг нетарди?!

Икки йилча олдин, мен ҳали журналдан ишдан кетмаган пайтлар Ҳаққул деган қирқларга яқинлашган, турмушдан ҳеч омади чопмаган, бу ҳаётнинг аянчли-лиги ва бешафқатлиги чириган анордай гезариб тура-диган юзида шундай кўриниб турган сўққабош ўқитув-чи сафсатага ўхшаган ҳикоялар кўтариб келарди. Унинг афти ёмғир остида қолиб, ёзуви ўчиб кетган қоғоздай ифодасиз эди. Менга номаълум бўлган ва кетма-кет ёғилган маломат ва кулфатлар унинг юзидан ҳаёт шав-қининг ёзувларини буткул ўчириб ташлаганди. Унинг савияси, тан олиш керак, ҳозирги ҳар қандай тирик ёзувчиникидан бале ва диди нозик эди.

У жуда кўп ўқиганди. Лекин ҳикояларида бу нарса сезилмас, ёзганлари калаванинг учини ечаман, деб бат-тар чигаллаштириб юборган, бироқ буни тан олгиси келмай, калавани янаям чувалатиб ўтирган одамнинг кайфиятига ўхшар ва ҳатто ҳикояларига ҳам аламза-далиқ ҳиди ўрнашиб қолганди.

Биз соатлаб гаплашар, лекин ҳеч қачон бирон нар-са ҳақида бирон тўхтамга келмай тарқалардик. Мен баъзан унинг ҳафсаласизлик касали билан ўзини-ўзи адо қилган фавқулодда заковат эгаси эканлигини се-зиб қолардим. Уни даҳо ёзувчилардаги шафқатсиз улуғ-ворлик ўзларининг етиб бўлмас манзилларига олиб бо-радиган сўқмоқлардан бирига осиб ташлаб кетишган эди. Мен уни саҳродаги саробнинг жимжимасига қараб югурган, лекин ярим йўлда чиқолмай, жон ҳолатда типирчилаб ётган эси паст болага ўхшатандим. Худди қора чимматининг пардасини кўтариб, юрагингизни ўрташ учун сизга бир қараб қўйган гўзал форс қизи янглиғ унинг мавҳум, ҳалқалари бир-бирини зўрға уш-лаб турган занжирдай узундан-узун жумлаларининг юзидаги ниқоби остидан баъзан менга улуғ ёзувчи-ларнинг бадбахт чеҳралари кўриниб кетарди.

У ўзининг омад аравасидан қолиб кетганини яшир-масди. Бир куни у косовдай қора ва шанғи хотини билан ёжиллашиб турганда, эшиги олдида бир арава тўхтади ва эшик уч марта тақиллайди. Бироқ у ақл-дан озгандек тутоқиб кетиб, хотинига гап уқтириш

билан овора бўлиб, тақиллашга аввал эътибор бермайди. Сўнг югуриб ташқарига чиқади. У югуриб чиқадию, муюлишда бурилиб кетаётган араванинг нақшинкор филдирагини кўриб қолади: «Бу — омад араваси эди, — деб айтганди у менга, — тоғ ортига қуёш сингиб кетгандай, у арава ҳам умримнинг уфқига сингиб кетди». У ҳамон эшик олдида ўша араванинг қайтишини кутиб ўтираркан. У тўққиз йилдан бери суққабош яшарди. Мен уч мартача уникида бўлгандим. У ниҳоятда кўп гапирар, гаплари жуда ҳам қўланса эди. У ҳамма нарсага, ҳатто эртага тонг отишига ҳам шуёҳа билан қарар эди. Унинг бит кўзларида мағлуб бўлган орзу ва армонларнинг тўп-тўп уюмини, бутун вужудига уя қуриб олган ялқовлик ва танбаллик қузғунлари тилка-пора қилиб ташлаган изсиз ва ҳеч бир ғалабасиз ўтаётган мурданикидай мазмунсиз умрини кўриш мумкин эди. Унинг ҳикояларида қандайдир мудҳишлик дунёси ҳукм сурарди, қаҳрамонлари қандай яшашни эмас, қандай ўлишни орзу қилар ва ҳаммаси умридан уч-тўрт кун қолган касалманд одамлар эди.

Бир кун унга «Тун эртаклари» деган туркум ҳикояларимнинг бирини ўқиб бергандим. Ҳикояда деярли ҳеч нарса йўқ эди. У қандайдир ташландиқ уй ва бир парча осмон кўриниб турган дераза ҳақида эди. Уй эски, хароба, ичини ўт-ўлан босган, зах ва бадбўй ҳид тутиб кетганди. Мен кўприқдан ўтишдан чўчиб, бир жойда депсиниб турган отдай ташландиқ уй ва кичкина деразани қайта-қайта варақлар саҳнасига тортиб чиқавергандим. Дераза доим очиқ турарди, ундан баъзан дарё бўйида жойлашган боғ ва қушлар кўриниб қоларди.

— Уйингизга бирон нарса деёлмайман, албатта, бу ерда яхшигина ишора бор, яна тасвирингиз жуда нафис, лекин очиқ деразани нима учун бунча берилиб тасвирлагансиз, ҳеч ақлим етмади, — деди Ҳаққул пешонасини тириштириб, мен ҳикояни ўқиб бўлгач, шундай тутруқсиз нарсалар ёзиб юрганимдан менга ачингандек кўз ташларкан. Унинг юзида мен кутган ифода йўқ эди. Шу пайт у ҳикояларимни бемаъни нарсалар деб ҳисоблаган муҳаррирга жуда ўхшаб кетганди. Муҳаррир бу ҳикояларни кимларгадир, албатта, бошқа юртликларга, масалан, модернистларга тақлид қилиш деб тушунганди. Ҳаққул эса ундан ўзининг ҳикояларига ўхшаш ташбеҳлар кутганди.

Ичимга эса қишки изғирин ёпирилиб кирганга ўхшарди, мен унга нафрат билан тикилиб қолдим.

— Бу ерда ҳеч қандай ишора йўқ, — дедим унга заҳархандалик билан, — бу ерда ақл етмайдиган нарсанинг ўзи ҳам йўқ! Мен бу эски, таназзули муқаррар уйдаги биқик муносабатлар ва сийқа мунозаралардан тўйиб кетганман. Очиқ деразани уйга қурувчилар эмас, мен қурганман. Мен биз ҳар кунни кўриб, билиб турган, бизга бутун олам шу, деб кўрсатишаётган нарсалардан бошқачароқ нарсаларни, бошқачароқ манзараларни кўришни истайман. Бу дераза — менинг орзуйим. Мен бу дераза орқали осмонга юлдузларга, қуёшга ва бошқа дунёларга қарашни истайман. Бу дераза эмас, мана шу эски ва чиркин уй ичидаги орзумаңд юрагимнинг бир бўлаги — ҳали ўзим ҳам билмайдиган, лекин мени интиқлик билан кутаётган олис оламга мен очмоқчи бўлаётган йўл бу! Мана нима у!

Ҳаққул эътироз билдирмади, шунингдек, унинг менинг фикрларимга қўшилмагани шундоқ юзидан кўришиб турарди. Ҳа, у дунёни бошқача кўриш ёшидан ўтганди, энди унга дунёни бошқачароқ кўриш эмас, кўпроқ уни ўзгартириб бўлмаслиги тўғрисидаги ўзи етишган хулоса муҳим эди. Мен унинг қисматида ўзимнинг келажагимни кўрган ва ногаҳон даҳшатга тушгандим...

Мен у билан тезда алоқани уздим. Ҳозир баъзи-баъзида кўришиб қолсак, у ўзининг бадбўй фалсафасини тинимсиз чайнайди. Уни эшитиб, қон бўлиб кетасан. У билан учрашиб қолгандан сўнг мен икки-уч ҳафта заҳарланиб қолган вужудимни тозалаш билан овора бўламан. Фаройиб қисмат. Уч кун ўтириб гаплашсанг, тўртинчи кунни томирларинг ёрилиб ўлишинг ҳеч гап эмас. Буларнинг заҳри қора қуртанидан ҳам кучлироқ. Булар ҳаёт мевасининг айниб, сасий бошлаган қисми. Булар кетаётган кўчанинг боши берк. Мен кейинчалик унга ўхшаш одамларнинг ўша — меникига келиб турадиган шайтондан ҳеч қандай фарқлари йўқлигини англагандим. Аксинча, гарчи ёздиги ёвузлик бўлса ҳам, шайтон уларга қараганда фаолиятлироқ эди.

Шайтон ёз оқшомларининг бирида (ёз эканлиги аниқ эсимда, чунки дераза очиқ эди ва мен уни деразадан кирган бўлса керак, деб гумон қилгандим) ўша

кунлардаги рухиятимдек пачоқ оромкурсида мудраб ўтирганимда тўсатдан пайдо бўлганди. У жуда оҳорли шим, оқ кўйлак кийган, филай кўзларига ярашмаса ҳам, энсизгина қора галстук тақиб олган эди. Бошида эса соябони кенг қўнқайган шляпа, қанча яширишга тиришмасин, шимининг тор балоридан ўйноқлаб турадиган сарғиш, жундор думи кўриниб турарди. Шляпаси тагида эса текис ва силлиқ қилиб таралган олтин сочлари ялтирарди.

Нариги хонада қарғанинг қағиллашига ўхшаш шангиллаш эшитилди. Уй бекаси, афтидан, уйқу олдидан яна қизи билан жанжаллашаяпти. Улар кун бўйи бир неча марта жиқиллашмаса, томоқларидан овқат ўтмайди. Уларни ўйласам, ҳамиша аламдан тишларим фижирлаб кетади. Қани буларга бахт ва бахтсизлик ҳақидаги эртакларингни айтиб бер-чи, иштонини ҳўл қилиб қўйган боланинг устидан кулгандай сенинг устингдан ҳам фаҳмсизлик ёпишиб олган қоринларини силкилатиб, мириқиб кулишади, сени фирт аҳмоққа чиқаришади. Бахт ҳақида улар ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўришмаган. Кун бўйи бир-бирини энг сассиқ сўзлар билан ҳақорат қилишга вақтлари ҳамиша етарли бўлади, бироқ бахт ҳақида ўйлашга бўш пайтлари топилмайди. Бекорчилик ва лоқайдлик одамни нималар қилмайди, нақ сўйиш учун боқилаётган қўйга айлантириб қўяди.

Она бола беўхшов қилиб ёзилган «Ф» ҳарфига қуйиб қўйгандек ўхшайди, гўё «Ф» ҳарфини улардан андоза олишгандай. Улар менга ўхшаб бировга фойдаси тегмайдигани ва умуман тегмаслиги ҳақида эзилиб ўйлаб ўтирмайдилар лекин чироқни белгиланган вақтдан ортиқчароқ ёқиб юборсанг, бошингда туриб олиб, қарғадай қағиллашни жуда яхши билишади. Уйда ифлос, бесаришта бир ҳолат ҳукм суради, менинг улар билан ҳатто қўшилиб чой ичгим ҳам келмайди; нодонлик ва анқовлик ўтириб олган юзларига қараб, тоқат қилиб туролмайсан. Шу сабабли улар мени ёмон кўришади — умуман улар тушлиқдан бошқа яна нимани яхши кўришаркан? Мен улардан каталақдай, шифти жуда паст хонани сотиб олганман. Бу ер менинг ватаним. Чунки бу хонага ҳозирча мен хўжайинман.

Баъзан ижара ҳақи ўз вақтида тўланмаган пайтлар она-бола менинг мана шу кўримсиз хонамга ҳам тўсатдан бостириб киришади. Ошқозони катта одамлар-

нинг мияси кичик бўлса керак. Улар менинг хушомадим тагидаги масхарани сираям тушунишмайди, анқовланиб, таҳдид солиб туришади-ю, сўнг чойлари совиб қолгани эсларига тушиб, хонамдан шоша-пиша ўзларидек ялқов ва исқирт кўшинларини олиб чиқиб кетишади. Буларда ҳавас қиладиган ҳеч нарса йўқ. Ҳатто уй ҳам каламушнинг катагига ўхшайди — ёз пайтлари бадбўй ҳид билан тўлиб кетади. Бечоралар — онаси овсарроқ, қизи қувроқ. Онаси чироқни ёқади, қизи изидан ўчириб юради; у онасига нисбатан ақллироқ — чироқ пулга ёқилишини билади, умрларининг мазмуни қаердадир ҳафтасига икки марта сомса пишириб сотишу яна мана шу бир-бирини шанғи сўзлар билан важиб ётишдан иборат. Йўқ, агар улар ҳақида ўйласанг, инсон зотидан жирканиб кетасан, йўқ, яхшиси ўйламаган маъқул. Мен бундай хонадонларга бахт ҳам, бахтсизлик ҳам ёпирилиб кирмаса керак, деб ўйлайман. Бахт ва бахтсизлик қушлари ҳар бир қадамини минг хил мулоҳаза билан ташлайдиган одамларнинг дарахтларигагина кўчади.

Мен бу аёлнинг эшикни ёпмай ҳам, оғирлигидан майишиб кетган сим тўшақда хур-хур ухлаб ётганини кўрсам ҳамиша кўз олдимга ботқоқда ҳузур қилиб ухлаб ётган семиз чўчқа келади. Йўқ, одам ҳақида бундай фикрлаш ярамайди, бундай нафрат билан сўзлаш керак эмаслигини мен ҳам биламан. Лекин бекани кўришим билан худди торозининг иккинчи палласидай ҳаёлимда чўчқа ҳам лип этиб пайдо бўлади. Мен ҳаёлимни банд этган бадбўй ташбеҳлардан жирканиб, бошимни девор тарафга бураман.

Тун менинг хилват бошпанам. Балки ёлғиз манзилим ҳам шу ердир. Мен фақат тун қўйнидагина, мана шу кичкина қоронғу бурчагимдагина ўзимни эркин ҳис этаман, кўнглимдаги ўйларни, сирларни унга айтаман. У ҳам мени тушунгандай атрофимда гирдика-палак бўлади, айланиб ўргилади. Ўзига сирдош топилганидан баъзан қурбақанинг, баъзан чигиртканинг тилида шодон гўлдираб қўяди, хонамда секин ўрмалаб юради, юзимни силаб-сийпалайди. Мен унга ўзимнинг эртақларимни айтар эканман, у афтини масхаромуз бужмайтмайди. Мен унинг нафасини, эртақларимдан ҳаяжонланиб кетганда худди Робиядек пиш-пиш этиб, хўрсиниб қўйганини сезиб қоламан.

Шундай пайтларда тун назаримда ўша мен хаёлимда яратган олтин кемадаги қизга ўхшаб кетади ва менин қора либосли тиззасига бош қўйиб ухлаб ётгандай бўламан. Юзимда, бўйнимда ва кафтимда унинг бармоқларини сезиб қоламан. Баъзан у менга ўзининг жимир-жимир этаётган миллионлаб кўзлари билан дераза орқали тикилиб турганга ўхшайди. Қиш ва баҳор пайтлари Герард Гонтрастнинг^{*} расмларига ўхшаб сирли ва бир оз қўрқинчли туюлади. Тун қаърига тикилиб қарасанг, қип-қизил ёғду оқиб ётгандай бўлади. Бироқ, Герард Гонтраст тунда машъалани кўрган. Машъалани кўрган киши эртаси нима бўлишини тасаввур қила олади, мен эса эртага нима бўлишини ҳам билмайман. Худди панжара тагидагилар эртанги кунини нима бўлишини билмаганларидек. Балки вақти келиб, қандайдир рассом ўзининг улуғвор мўйқалами билан мени ҳам бу тун ойнасидан буткул артиб ташлар ва худди Герард Гонтрастга ўхшаб бу бепоён ва сирли тун қўйнида ақл ва эрkning машъалини ёқиб қўяр. Ана шунда бу чоғга тушиб қолганлар менга ўхшаб бутун умр ўлим ҳиди анқиб турган зим-зиё ворни айланиб ўтмайдилар, улар машъала ёруғида ўз йўлларини осонгина топиб олишади.

Мен азал-азалдан одамлар яшаб келган ва энди ташлаб кетишган уйга ўхшайман. Уйнинг деразасини хирагина ёриб чиқиб, зулматга найзасини қадаб турадиган чироқ ҳам менин кўксимда алақачон ўчган. Бу чироқни ўзим ўчирдимми ёки бошқа бировми — уни ҳозиргача билмайман.

Мен ўзимни ахтариб тақдирнинг бесаноқ кўчаларига тариқдек сочилиб кетдим, гўё вужудимдан ҳам сон-саноксиз «мен»лар чиқиб шаҳарнинг юҳо кўчаларига кириб ғойиб бўлгандай.

Ҳар йили икки-уч марта қишлоққа бораман ва ҳар сафар у ердан яна ҳам ҳафсадам пир бўлиб қайтаман, — уларни кўрсам, кўнглим баттар оғрийди. Ўзимни кераксиз ва ҳеч нарсага иложи етмайдиган, дарёда сапчиб-сапчиб оқиб бораётган чумолидай ҳис

^{*} Герард Гонтраст — Ҳолланд мусаввири, фақат тун манзараларини чизган.

қиламан. Шомурод арқон ҳар борганимда бир тўда қоғоз кўтариб келади. Мен унга йўл-йўриқ кўрсатишга ожиз эканлигимни айтолмайман. Уларнинг орасида ҳам менга жой йўқ. Улар ҳар қалай, нимагадир ишониб, умид билан яшашади. Мен эса қишлоққа қачонлардир қайтишимга умид ҳам қилмайман, шу сабабли бутун умри мағлубиятдан иборат бўлган Шомурод арқонга ҳам, гарчи менинг йўл-йўригимсиз ҳам ёзажигини, ҳаммасини фош қиламан деб ўзининг бошига балолар ёғилишини, бу ёзгани ҳам унинг навбатдаги мағлубияти бўлишини билсам ҳам, бирор нима деб маслаҳат беролмайман. Фақат унинг сароб ниятлар билан ўтиб бораётган умрига, ароқ дийдасини бўш қилиб ташлаган кўзларига, кир-чир асабий юзига қараб ачинаман. Мен бу одамнинг қайсар феълу-атворига қараб, балки бу фаройиб оламда мағлубият ҳам бахтдир, деб ўйлайман, чунки мағлубият учун ҳам жанг қилиш керак бўлади.

Лекин барибир мен унга ҳавас қиламан. У ҳали ҳам ёш болага ўхшайди ва шу гал, албатта йиқитаман, дея яна қайтиб тураверади. Йўқ, мен уларга ҳам қўшила олмайман. Улардан бир неча йилга узоқлашиб кетганман. Мен уларнинг тарам-тарам бўлиб, эрта ажин тушган қоқсуяк юзларига, баҳорнинг илк кунлари каби сирли ва шиддатли нарсалар яшириниб ётган, булутли осмон янглиғ маҳзун кўзларида бу одамларнинг мўминлиги ва қайсарлиги, сабри ва қаноати, аламлари ва орзулари, ғуссалари ва қувончлари, ялқовликлари ва шижоатлари аралаш-қуралаш бўлиб кетган, тер ҳиди уфурган сокин бир қўшиқни кўргандай бўламан ва мен бу қўшиқни ҳеч қачон уларга қўшилиб куйлай олмаслигимни, унга бардошим ҳам, ишончим ҳам етмаслигини ҳис этаман. Йўқ, менинг қалбимда бу қўшиқнинг торлари узилиб бўлган — бу торларни биров уздими ёки қачонлардир ўзим узиб ташладимми, ҳозир бу муҳим эмас, муҳими узилган тор билан қўшиқ айтиб бўлмайди. Буни ҳатто бир куни шайтон ҳам эътироф этган эди. Шайтон менинг торгина хонамга ҳар куни келар, ғилай кўзларини мендан узмай кун бўйи нима иш қилган бўлсам, ҳаммасини бир-бир сўраб олар, сўнг бутун ёзган нарсаларимни ўқиб кўрарди. У жуда назокатли шайтон эди: ҳамма нарсани бо-адоблик билан қилар, диди нозик ва ўта зийрак эди.

Етти қават парда орасига яшириб ташланган кинояларни ҳам қийналмасдан топиб олар ва «қаҳ-қаҳ» уриб куларди. У куларкан, кўзларида ёвуз бир ифода ялт этиб, юзига қалқиб чиқарди-ю, сўнг дарров сўнарди. Билмадим, у мен ҳақимда биродарларига нималар, деб хабар берди экан? Дарвоқе, бир куни у мени ўз хўжайинининг олдига бошлаб борганда — афтидан, улар азалий яшаш тарзларидан ҳали ҳам воз кечишмаган, ҳамон энг ифлос ва исқирт маконларини манзил тутишарди. У мени эски бир бинонинг ертўласига бошлаб боргандир. Мен ҳамма томондан ўраб ташланган панжараларни кўриб ваҳимага тушгандим. Ўзимни оқлаш учун уларга қарши ўйлаб кетаётган барча важкарсонларим чалкашиб, эсимдан чиқиб кетганди.

Ҳамиша шайтонларнинг иш услубига биз одамларнинг ақлимиз етмайди. Улар барча мамлакатларда, барча шаҳарларда, барча ертўлаларда мавжуд ва уларга ҳамма жойда энг юксак имтиёзлар берилган, улар ҳар қандай киши билан жуда тез тил топишиб кетишади ва одам боласининг қўли бормаган жамики ишларни бажаришади, умуман, улар жуда гаройиб жониворлар.

Шайтонларнинг хўжайини ҳамма шайтонлар каби дунёдаги барча шевалардан хабари бор — фақат у бошқа шайтонларга қараганда доғулироқ ва сурбетроқ эди — мен буни илк бор унинг кўзларига қараганимдаёқ билиб олган эдим.

— Ўтиринг, — деди ўзига ярашмаган тавозе ва такаллуф билан. — Мен кўпдан бери сиз билан танишиш истагида юрардим. Ахир билишим керақда, ким экан туни билан биз шайтонларни безовта қиладиган, ҳа, дарвоқе, тун — бизга қарашли салтанат, бизнинг тасарруфимизда, дахлсиз, — деди у сирли қилиб.

Мен оғиз очмай унинг гапларини маъқулар, шайтоннинг туёқларини яшириш учун қўнжли бошоқ кийган оёқларини ва курсидан пастга осилиб тушган, тинмай ликиллаётган жундор думини кузатиб ўтирардим. — Хонага ёш, кекса, лекин ҳаммаси ўлгудай қилтириқ ва башаралари бири-биридан совуқ шайтонлар кириб-чиқиб туришарди.

— Яхши бўлди, — дерди шайтон, — мана танишиб ҳам олдик, энди аста-секин қалин бўлиб кетамиз, тунда ишлаш сизга ёқса майли, ишлайверинг, қаршилиқ қил-

маймиз, фақат тунни ҳар хил нарсаларга ўхшатаверманг, вашимиз келиши мумкин. Мана, гул ҳақида ёки бўлмаса, ёр ҳақида ёзинг, ҳеч бўлмаса, ёмғир ҳақида ёзинг, лекин тун ва унда яшовчилар ҳақида ёзманг, бу хавфли мавзу — тасарруфимиздаги нарсаларни назорат қилишга ва ҳатто ҳалигидай... яъни жазо беришга ҳақлимиз. Тун — бизга ота-боболаримиздан мерос.

Биз анча суҳбатлашиб қолгандик, тўғрироғи, фақат у гапирганди, мен эса тинглаб, жимгина бош силкиб ўтирдим. У менга Бобилни қандай талашганлари, қуддусга қандай зарба берганлари, Пампейни қандай вайрон қилганлари, Римни қандай қилиб таназзул сари буриб юборганлари, одамзодга қанчадан-қанча хизматлари синггани тўғрисида фахр ва бироз мақтанчоқлик билан (у негадир ҳадеб ялтоқланарди) ҳикоя қилиб берди.

— Ўзларинг бирон ишни эплай олмайсизлар, агар биз аралашсак, айюҳаннос соласизлар, — деди у гапнинг охирида ўпкалагандай, мени безовта қилгани учун қайта-қайта узр сўраб.

У мен билан дўстона хайрлашди, ертўла эшигигача кузатиб қўйди, бироқ токи олти ойгача, менинг тунги фаолиятимда ўзлари учун ҳеч қандай хавфли нарсалар йўқлигига ишонгунча, ўша вилай шайтонни хонамга юбориб турди — яна ким билади, мендан бошқа муҳимроқ ишлари чиқиб қолгандир ёки ҳали ҳам менга билдирмай зимдан кузатиб юришгандир ёки ўша шайтон тўсатдан ўлиб қолгандир. Ким билади? Бироқ мен ўша тунда, гарчи бундан баъзан ҳеч қандай фойда чиқмаса ҳам ёки мутлақо йўқ нарсадан бекордан-бекорга шубҳаланиб юришса ҳам, барибир улар тунлари ким уйроқ бўлса, ўшаларнинг ҳаммасини ниҳоят диққат билан, йиллаб кузатиб юришларини англаган эдим. Ҳозир ҳам баъзида деразадан тун қаърига тикилар эканман, менга гўё тун қиёфасида ўша вилай шайтон тикилиб турганга ўхшайди-ю, беихтиёр этим жунжикиб кетади. Ахир ер юзининг ҳамма бурчакларида ўзларини хўжайин ҳисоблашлари учун озмунча куч ва ишонч керакми?

Тун тўғрисида яна қанча гапириш мумкин. Буни мен билмайман. Лекин мен ҳали чарчаганим йўқ, аксинча, ҳикоя қилган сайин руҳим анча енгиллашяпти.

«...Сен қоронғу кечани ой ёритгани каби менинг қалбимни ёритиб турибсан. Бу дунёнинг ёвузликларидан мени фақат сен қутқаришинг мумкин. Фақат сен мени мунофиқликдан сақлашинг мумкин. Сенсиз бу дунё зиндон. Сенсиз — зулмат бу дунё. Сенсиз — бу дунё қафас. Сенсиз — бўм-бўш бу дунё. Сен — нури аълосан. Сен — шафқату мурувватсан. Сенсиз қалбимни йиртқич туйғулар макон қилади — худди кимсасиз саҳронинг жондорлари макон қилгандек. Сенсиз менинг ҳайвондан, ҳашоратдан фарқим йўқ. Сенсиз ҳамма нарса ҳаром-хариш, телба-тескари. Сен — менинг йўлимдаги маёқсан. Сен мен излаб кетаётган шаффоф манзилсан...

Сен улуг ва мукаррамсан. Сен яшаш ва курашиш учун боқий даъватсан.

Сен биздан юз ўтириб, кетиб боряпсан. Сен худди баҳор каби кетиб боряпсан. Изингдан эса хазонлик, чириш, қовжираш бошланади. Сен ўтган йўлақларда тириклик гуллари тўкилиб боради. Ортингда ақл ва идрокнинг бепоён харобалари тутаб ётади. Мен сени ҳар кеча тушларимда кўраман. Сенга мен билан бирга қол деб, ялиниб, ёлвораман. Сен эса менинг оҳим етмас юксак-юксакларда учиб борасан...»

Биламан, бу ёзаётганларимнинг ҳаммаси беҳуда нарсалар. Қани эди хаёлнинг жилвалари ҳақида ёзсанг ёки жилваланаётган хаёл ёзсанг. Хаёл эса табиатнинг энг гўзал инъомидир. Ҳеч қурса, одам хаёлан бахтиёр бўлса, шу ҳам улкан саодат.

Мен ўзимнинг хатти-ҳаракатим одамларга кулгили ва шубҳали туюлаётгани учун улардан тезда узоқлашдим ва хаёлимнинг хилват гўшасида яна ёлғиз қолдим.

Энди фақат Сулаймон билангина гаплашар, кечқурунлари у билан айланишга чиқардик, баъзан у менинг хонамда ётиб ҳам қоларди. Биз ёмғирли, совуқ куз оқшоми К. хиёбонидан чиқиш жойидаги бекатда танишиб қолгандик. Ёмғир шариллаб қуйиб тургани учун иккаламиз бекатнинг бурчагига кириб жимгина троллейбус кутардик. Мен унинг қора соқолига, безовта, доим илтижоли йилтираб турувчи кўзларига, чуқур ғусса зуҳур этган юзига қараб, кўпдан бери излаб юрган одамим шу эканлигига негадир бирдан ишонган ва биз ҳеч қандай кириш сўзларисиз қизгин

суҳбатга берилиб кетгандик. Мен кўнглимдаги гапларни тезроқ гапириб қолишни, юрагимни бўшатишни истар, айна дақиқада Сулаймон (у ўзини шундай деб таништирганди) мени тушунаётганини унинг йилтиллаб турган кўзларидан билиб турардим. У менинг гапларимни бош силкиб маъқуллар, ҳайратланиб, жиддий тортар, сўнг у мен тушунсин учун яна ҳам чигалроқ, яна ҳам кўпроқ изоҳлар билан тушунтираётган нарсаларни кўнглимни уқиб ўтиргандай содда, оддий қилиб ўзимга тушунтириб берар, бундан мен яна ҳам қувониб, унга кўпроқ нарсалар тўғрисида гапириб қолишни истардим. Биз бекатда уч соатча қолиб кетгандик. Мен унга айтиб берган воқеаларнинг ҳаммаси ўша одамларнинг кулгисини қистаган ва масхарасини кўзлаган нарсалар эди. Сулаймон ҳаммасини жуда жиддий ва эътибор билан тингларди. Менинг фикрларимнинг кўпига бош силкиб қўшиларди. Ёмғир тўхтагач биз пиёда меникига жўнадик. Хонамга келгач, мен унга Робия ва бир дона гул учун қатл этишган мамлакат тўғрисидаги ҳикоямни оғзаки айтиб бердим. Сулаймон ширинлик кўрган боладай жилмайиб қўйди, сўнг ҳикоядаги баъзи ясама ўхшатишларни олиб ташланг деди ва ўзи ҳам худди шунга ўхшаш нарсаларни кўп ўйлаб юришини, лекин ёзиш ҳақида ўйлаб кўрмаганини айтди. Ўшанда мен чин дўст топганимга амин бўлган эдим, у менга ишонган ва тушунган эди. Суҳбатимиз яна ҳам қизиқроқ бўлиши учун кун узоғи китоб ўқир ва туғилган фикрларни у билан ўртоқлашардим. Умуман биз ҳар хил нарсалар ҳақида гаплашардик: мен нима ҳақда гапирсам, у сўзсиз маъқулларди. «Булар жуда ҳам муҳим фикрлар, — дерди. — Афсуски, бизда ҳамон бундай фикрларга шубҳа билан қарашади».

Бир марта унга кечалари ўзимни ёлғиз ва ғуссали сезган, кўнглим умидсизлик билан тўлган пайтлар ўзимдан бўлак, одам ақли етмайдиган юксак-юксакларда яшовчи кимгадир ёки нимагадир илтижо қилман, мени бу руҳсиз ҳаёт қўйнидан суғириб олиб, жўшқин ва ишонч билан яшайдиган нимадир беришини, умримни бунчалик мазмунсиз кунлар ва муносабатлар билан тўлдирмаслигини, ғайрат-шижоат, шавқу-завқ бахш этишини ялиниб-ёлвориб сўрайман, шунда кўнглим бироз ором олади, ишқ ва ишонч, шижоат

ва мақсад билан тўлади, ўзимни енгил ҳис қиламан, дегандим. «Бунинг фарқи йўқ, мен чорлайдиган хил-қат — қизми ёки бирон ўзимга ўхшаган одамми ёки бирон сирли маъвоми? Баъзан у болалиқдаги бир қизга, баъзан ловуллаб ёниб турган гулга, баъзан биз азалдан сиғиниб келган ва эндиликда йўқотиб қўйган ёки бизни ташлаб кетган нимагадир ўхшаб кетади. Мен уни ҳар хил қиёфада тушларимда кўраман, уни эсласам, кўнглим ёришади, вужудим шилимшиқ бир нарсадан поклангандай бўлади», — дедим.

Сулаймоннинг кўзлари йўқотиб қўйган нарсасини топгандай шодон ялтираб кетганди. У ҳаяжонланиб кетиб ҳадеб бош силкир, кўзлари эса илтижоли ва мафтункор порларди: «Мен ҳам ўзимни гоҳида кимдир кузатиб юрганини сезаман, — деди у, — баъзан қандайдир нуроний чеҳрани, баъзан тепамда диққат билан тикилиб турган кўзларни кўргандай бўламан ва ҳар доим қилган гуноҳларимни унга тортинмай айтиб бераман, ундан кечиришни, шафқат қилишни, мадад беришни сўрайман. Балким, бу одамдаги эзгу туйғуларнинг ва имону шафқатнинг кўзларидир?! Билмадим, лекин шу кўзлар мени таъқиб қилиб юрса, мен ўзимни масъулиятлироқ сезаман.

Бизнинг муносабатимиз уч ойча давом этди. Балки кўпроқдир. Мен кунларнинг қандай ўтганини билмас, дўстлик ва бахтдан маст эдим. Бир куни Сулаймон учрашувга келмади. У ҳеч қачон бундай қилмас, ваъда берса, қандай бўлмасин етиб келарди. У эртасига ҳам келмади. Мен хавотир олиб, уникага жўнадим. Қаерда яшашини гапларидан билиб олган эдим. Шаҳар чеккасидаги жин кўчаларни оралай-оралай муюлишдаги лойсувоқ уйнинг кўнғироғини босдим. Ичкаридан қора кийинган, кўзлари қайғули, Сулаймонга жуда ўхшаб кетадиган ёшгина жувон чиқди. Мен хижолат тортгандек Сулаймонни сўрадим. У хўнграб, йиғлаб юборди-ю, менга ҳеч нарса демай ичкари кириб кетди. Унинг изидан ёшгина, йигирма ёшлардаги, эндигина соқол қўйган йигит чиқди. У ҳам Сулаймонга жуда ўхшарди. Мен ички бир сезги билан нима ҳодиса юз берганини англаб, дафъатан даҳшатга тушдим. Сулаймонни уч ойча бурун К. хиёбонида, ўша биз учрашиб қолган бекатда машина уриб кетган ва у ўша дафъадаёқ тил тортмай ўлган экан.

Мен уйдан чиққанымда муюлишдаги дарахтлар орасига кимдир лип этиб яширинди. Мен унинг оқ шимидан Сулаймон эканлигини ва унинг мени пойлаб юрганини англадим...

Мурдани тирилтириб бўлмайди, буни мен ҳам билман, лекин хотира ҳамisha тириқдир, у сен билан бирга хонангда, хаёлинг ва кўз олдингда яшайди, сен билан узун тунлар суҳбат қуради ва сени олис ёмғирли оқшомга бошлаб боради. Ёлғиз кўча кезган ва дунёда дўстим йўқ деб хулоса қилган одамнинг хаёлидан бошқа бу ерда ҳеч қандай вайри табиий нарса йўқ. Кимки менга ўхшаб бепоён тун салтанатида хаёл ва ёлғизлик билан бирга қолса, у мени тушунади. Мен бир куни кўчада Антоний билан тўқнашиб кетаёзган эдим. Цезардан енгилиб, Клеопатра қаноти остига яширинган пайтлар эди. Клеопатранинг муҳаббати қанчалик ўтли бўлмасин, Антоний ўзини доимо бахтсиз ва омадсиз ҳис этарди. (О, биз нақадар ўхшаш эдик). Ўша куни тонг рутубатли ва туманли эди — унинг кўзи қонга тўлган, юзи разабдан тутаб турарди. У шамширининг бир учи менга тегиб кетганини ҳам сезмади, саломимга ҳам алик олмай тез-тез юриб, туман ичида ғойиб бўлди, — балки шу боришдаёқ у Клеопатранинг қаршисида ўзини қийма-қийма қилиб ташлагандир, — мен кейинчалик унинг худкушлигини эшитгач, ўша куни уни йўлда тўхтатиб қолмаганимга кўп афсуслар чекдим.

— Мабодо, телба эмасмисиз? — деб сўради бир куни мендан тўсатдан шайтон.

— Йўқ, нимайди? — дедим дафъатан, тушунмай, сўнг унинг масхараомуз иршайиб турганини кўргач, ўзимнинг жавобимдан уялиб кетдим. Афтидан, у мени майна қилмоқчи эди.

— Йўқ, ҳеч нарса, — деди у ҳам дарров ўзини тутиб олиб, юзидаги масхарани ичига яшираркан. — Шунчаки сўрадим-да. Ўзингизни тутишингиздан худди телбага ўхшайсиз. Билмадим, сиз бу дунёдан нима ахтариб юрибсиз? — шунга ҳайрон қоляпман. Ёзганларингизнинг ҳаммаси мишиқи боланинг хом-хаёлларига ўхшайди. Фақат тентакларгина дунёга боланинг кўзи билан қарайди.

Мен нафратдан ўзимни зўрға босиб ўтирардим. У мени хоҳлаганча майна қила оларди. Кейинги кунлар-

да унинг сурбетлиги чегарадан чиқиб кетди: менинг кундалик дафтаримни ҳам ўзлари ҳақида бирон хавфли нарса ёзиб қўймадимикин деган шубҳада саҳифама саҳифа ўқиб борарди, ўзи шубҳали деб билган жойларини худди менинг юзимга тупураётгандай сўлаги билан ўчириб қўяр ёки буткул йиртиб ташларди.

— Мен сизнинг муҳаррирингизман, — дерди у тиржайиб, — сизни таҳрир қилаяпман.

Бир пайтлар бош ўрнига катта сўров аломати ўсиб чикқан сўроқ одамлар ҳақида ҳикоя ёзган эдим, мевасиз ва чиркин дарахт каби сўроқ аломатидан пастга ва юқорига, ўнгга ва чапга яна саволлар шохлаб кетган.

Бағрингни кўтариб, ҳў-ў, деб қарайсан, — сендан токи уфққача қип-қизил водий ястаниб ётибди. Водийда худди ўтиб бўлмас чўққи каби савол аломатлари қад кериб турибди, уларнинг ҳар бирининг тагида биттадан одам бош қўйганча ўлиб ётибди, — гўё бутун умрларининг хулосаси шудек, гўё бу ўзлари босиб ўтган йўлнинг рамзидек. Ўнгга ҳам, чапга ҳам шу манзара — савол харсанглари ва уларга бош қўйиб ётган жасақлар билан тўлган қип-қизил водий, ғарбдан ҳам, жанубдан ҳам, шарқдан ҳам, шимолдан ҳам одамлар бу ажр водийсига қараб бошларини қуйи солганча секин кириб келяпти. Уларнинг бўйинларига осилган савол қўнғироқлари чор-атрофга мотам бонгидек муҳиш садо таратиб турибди. Бу нима? Шуми дунё?! Нега у бунчалик тушуниксиз ва аянч?!

Ҳаётни кашф қилмаслик керак. Уни кашф қилиш — газак олган ярани очиш билан баробар. Ҳаётни кашф қилганинг сайин ўзингга ўзинг панжара қуриб борасан.

Тун менинг иним. Тунлари кўксимда ҳасрат қозони қайнайди. Тун — менинг умрим. Кўршапалақдай фақат тунларигина хаёлимга эрк бераман. Мен хаёлотим қанотида болалик кўчалари, ўтган кунлар ўрмонининг энди кесилиб кетган дарахтлари, Ҳосила билан кечган кунларимнинг тутаб ётган куллари ва харобалари устидан учиб ўтаман. Баъзан хаёлимнинг энг баланд чўққисига чиқиб, ўлжасини чамалаётган булутдек узоқ-узоқларда кўринаётган эртанги кунимга разм соламан, — назаримда, у ёқларга учиб боришга

менинг кучим етмайдигандек туюлади. Туннинг қоронғу кўчаларига хаёлим тулпорларини кўйиб юбораман. Улар мен каби кўрқоқ ва ҳафсаласиз эмас.

Юрагим зим-зиё чоҳга ўхшайди, мен айтиб берганлар эса бу чоҳнинг панжаралари, шу сабабли биз ҳамиша ўзимизга ўзимиз қулмиз.

Бу ёзганларим нима ўзи, бу ажи-бужи ёзувлар ўзи нима? — қалбимдаги учқуннинг тутунлари, холос, гўё мен қаламни сиёҳга эмас, мана шу тутунга ботириб ёзаётгандайман: ҳарфлар эмас, кўксимдан чиққан тутунлар қороз юзида буралиб-буралиб сузиб юргандай.

Шундай, биз ғафлат кўрғонида яшайпмиз. «Менинг туним чўкди», дейди шоир. Атрофимизга ғафлат туни чўккан. Ичимиздан чиқаётган ҳид эса ғафлат мослиқларининг ҳидидир. Ҳафсаласизлик ва кўрқоқлик — булар ғафлат тунининг ҳибсхоналари. Биз эса маҳбусмиз. Хаёлимиз — ҳибсхонамиз. Бу ҳибсхоналарнинг туйнукларига умидсизлик панжаралари ўрнатилган. Худди адашган кўршапалақдек биз бу ҳибсхона деворлари аро сору сор учиб юрамиз, эҳтимол, шунинг учун ҳам бу арзиҳолни «тун панжаралари» деб атагандирман? Бу панжаралар метиндай мустаҳкам, миямизга тун пичоқлари қадалиб турибди. Бу уйқудан мени уйғотадиган ҳеч бир овоз йўқ, ҳеч бир куч йўқ. Шунинг учун ҳам ортга қарасам, иссиз ўтган кунлар ва умидларнинг харобасини, олдга қарасам, саробдан иборат саволлар салтанатини кўраман.

Мен исмсиз одамман, кимки бу тунда яшаётган бўлса, у исмсиз. Исми бор одамнинг, қандай бўлишидан қатъий назар, ўтмиши ва келажаги бўлади, недандир умиди бўлади. Исмли одам исми номидан жангга киради. Хўш, мен кимнинг номидан гапирай? Кимнинг номидан?! Исшим йўқ менинг! Пайти келиб, менга кимнидир уйғотиш бахти муяссар бўлса, мен ундан аввало «исминг нима?» деб сўраган бўлардим. Исмсиз одам эса уйғонмайди.

Қоронғу маъвода юдузлар мушакбозлик қилаяпти. Улар бу кечанинг тарихини зарҳал қаламларда ёзиб тугатишяпти. Ҳилол туннинг содиқ кўриқчисидай фонус кўтариб, оҳистагина юдузларни оралаб юрибди. Чигирткалар гўё кеча қўйнидан сирли оҳангларни бир-бир териб олишяётгандек узиб-узиб чирилляпти. Вақт давра айланиб ўйнаётган қизлар мо-

нанд менинг олдимдан тўғри абадийлик томон ўтиб бормоқда. Уни ҳеч ким тўхтатолмайди. Агар тўхтата олишганда, бундан беш юз йил аввал тўхтатиб қўйишган бўларди. Қани энди туннинг йўлини тўсиб қўйсанг! Ҳеч қурса, қайси пайтда яшаш имконияти инсоннинг ўз ихтиёрида, улуввор Вақт чархи ҳар кимнинг ўз қўлида бўлса эди. Унда мен ҳозир нимагаки зришган бўлсам, ҳаммасидан жон деб воз кечардим у мени ҳамон тош йўлда кутиб турган, толдан эшилган жамалагига ўзининг жажжигина орзуларини ҳам қўшиб ўрадиган Робиянинг сарғиш сочларига, Терс ота сувидек тиниқ, ҳар лаҳза тўлқинланиб турадиган хаёлчан кўзларининг умидбахш қирғоқларига бир умрга қайтган бўлардим.

Ҳамма бало шундаки, бизнинг иддизимизни кесиб қўйишган. Кесиб олишгану бошқа бир дарахтга пайванд қилишган. Вужудимизда ёт дарахтнинг қони кезади. Гулларимизнинг эрта тўкилишига сабаб шу. Орқага қарасак ҳам, олдга қарасак ҳам, қоронғу бўшлиқдан бошқа нарса кўринмаслигига сабаб шу.

Инсон оловдан яралган, деган Ҳераклит менимча тўғри айтган. Олов сўнган жойда ўлат бошланади.

Тун эса муаззам.

Баҳор боғда оғир-оғир хўрсиниб кезиб юрибди. У бир умр яшаган уйини ташлаб кетишга кўзи қиймайдиган кампир каби ҳар бир дов-дарахтнинг олдида видолашаётгандай бир зум тўхтади, баъзан ёзнинг иссиқ ҳавосини энди тўхтатиб қўйишга кучи етмаслигини сезса ҳам, аламдан осмонни тўлдириб йўталиб-йўталиб қўяди ёки осмону фалакни ёндириб, ёпирилиб келаётган ёз фаслини пуфлаб ўчирмоқчидек елвизак аралаш ҳолсизгина увиллаб юборади.

Бир кечалик тарих. Тун одамнинг бир кечалик тарихи. Фаройиб қисмат. Қовоқларимда оғир тош осилиб тургандай, кўзларим юмилиб кетаяпти. Тушнинг рўёдай қора тулпорлари кўз олдидан диконглаб, кишнаб ўтишаяпти. Ҳар кеча умид ҳам аравасини менинг деразам остига олиб келиб туради. Мен ҳозир деразани ёпаману ёллари селкиллаб турган рўёнинг асов тулпорларга миниб, туш, ҳам хаёл ўлкасига йўл оламан ва дунёнинг тунги оҳангларига сингиб кетаман...

ҚОРА КИТОБ

Биродар, яхши одам бўлсангиз керак, кўзларингиз айтиб турибди. Сиз ҳам бу чархи дунёнинг кўп надоматларини бошдан кечирганга ўхшайсиз. Негадир сиз билан жуда суҳбатлашгим келаяпти, тўғриси айтсам, ҳозир кимгадир кўнглимни бўшатмасам, «тарс» ёрилиб кетадигандайман. Ичганга ўхшайсиз дейсизми? Нега секин айтасиз, бақриб айтинг. Ичганман, тўйиб ичганман, беш йилдан бери тўйиб ичман. Буни юзимга қарасангиз, дарров сезасиз. Куйган чарм дейсиз. Юзим эмас, юрагим куйиб кетган, куйган ковушга ўхшаб қолган. Ўзим ҳам мисоли гижимлаб ташланган қоғозман. Ҳаёт мени гижимлаб ташлади, биродар. гижимлаб-гижимлаб, сўнг мана шу хиёбонга отиб юборди. Кўнглим куйганидан ичман, ҳаётим несту забун бўлганидан ичман. Қўлларимга қаранг, кимнинг қўлларига ўхшайди? Зиёли одамнинг дейсизми? Тополмадингиз, биродар, қотилнинг қўлига ўхшайди. Бу қўллар қотил қўллар, ўз фарзандини бўғиб ўлдирган қўлдир. Нега юзингиз оқариб кетди, кўрқиб кетдингизми? Афтидан, тагли-тугли одам бўлсангиз керак, келинг, сизга тақсирим деб мурожаат қилай. Олис замонларда яхши одамлар бир-бирларига тақсир деб муомала қилишаркан. Сизга ёқдими? Хурсандман. Шундай, тақсир, бу қотил қўллар. Сизга мана шу қотиллик ҳақида гапириб бермоқчи эдим. Бўшман дейсизми? Жуда яхши. Ҳаёт, сизга айтсам, тақсирим, тавқи-лаънат тўшагидир. Момоҳаво билан Одам отанинг гуноҳи нимада биласизми? Олма ўғирлаганликда? Билмасиз, тақсирим, иккаласининг айби шундаки, улар ер юзида гуноҳкорлар, тавқи-лаънатга учраганлар наслини пайдо қилди. Мана шу уларнинг катта гуноҳи. Одамзодни яратмаслик керак эди. Парвардигор одам билан бирга гуноҳни ҳам ер юзига экиб қўйди. Биз ҳаммамиз лаънатга маҳкум этилганлармиз.

Ёмғир ёғаяпти? Ўтиб кетади. Ёмғир барибир гуноҳларимизни ювиб кетолмайди. Қаранг, ер ҳиди келиб қолди. Мен ёмғирдан кейин шу ҳидни яхши кўраман. Тақсирим, кечалари менинг тушимга жалалар килиб чиқади. У ойлаб, йиллаб ёғаётган бўлади — ҳаммаёқ сувга тўлиб кетади, шаҳарлар сел остида қолади, ер юзи ғарқоб бўлади. Бу гуноҳ селлари, тақсирим,

гуноҳ ёмғирлари, бу ёмғир ҳар кеча мени бир марта чўктириб ўлдиради ва мен яратган олдидан тавба қила бошлайман. Ул олий ҳилқатнинг жамолини кўриш учун ўзимни ҳозирлайман, айрилиқ пардалари кўтарилгунча, кўзларимни висол юдузлари қамаштиргунча уйғониб кетаман ва шунда дунё яратгандан бери уни жизғанақ қиламан деб, ҳар тонг аҳд қилиб чиқадиган, лекин ҳар кечқурун умидсиз сўнадиган қуёш кўзларимни қамаштириб турган бўлади. Мен шундай пайтда кўзларим кўр бўлиб қолишини истайман. Биласизми, тақсирим, ўша олис тушимда бир куни узоқларда қизғиш туман қоплаган оқшом пайти сел гирдобига чўкиб кетган бир одамни кўриб қолдим, чўкаркан, у жон ҳолатда қичқирди — унинг қичқириғидан тушимнинг деворлари зириллаб кетди, сўнг у кўпириб оқаётган тим қора лойқа остидан кўринмай қолди. Мен унинг абадий чўкиб кетганини англадим — ўша чўкиб кетган одам мен эдим, тақсирим, сиз кўриб турган ва ҳар куни гуноҳкор, қуёшни олқишлаб уйғонадиган шунчаки жасади, ўша чўкиб кетган одамнинг қичқириғи, холос. Йўқ, мен эмас, бутун одамзод нафрат тўла қичқириқ. Сизга кўнглимни очаяпман, тақсирим, фақат сизга. Гапларим эриш туюлаётгандир, бироқ мен одамзоднинг анови чуркун хазонлардай чириб бўлганини сизга айтиб қўймоқчиман. Унда на ният қолди, на истиқбол. Гапларим китоблардагига ўхшаб кетаяпдими? Демак, ўша китоблар башорат қилиб ёзилган экан. Мен ҳам сиздай навқирон пайтларимда ҳаёт нақадар гўзал деб ўйлардим. Энди эса, ҳаёт заҳар бўктирилган чиройли кулчадан бошқа нарса эмас, дейман, тақсирим.

Бир ойча олдин мачитга бордим, тавба қилдим, энди ҳаётимни тоат-ибодатга бағишлай, қилган гуноҳларимга иқроор бўлай дегандим. Бутун эса, яна гуноҳга ботдим. Ўз қизимни бўғиб ўлдирдим. Нега дейсизми? Ўзим ҳам билмайман. Аммо бошқа тоқатим қолмади. Мени бу қисмат хўрлаб ташлади, мен гуноҳлардан бира тўла қутилиш учун шундай қилдим. Энди анча енгилман. Қизим эса ҳозир кеча қандай ухлаган бўлса шундай абадий уйқуда ётибди. Мен ўзимни босиб олиш, иқроорим осонроқ бўлиш учун калламни қизитиб олишга келдим. Албатта. Ўзим бораман, ҳаммасини айтиб бераман. Энди менга ҳеч қизиқ жойи йўқ. Қўрқув орқанда қолди. Ҳаёт ҳар куни кийиб юрадиган либосдай

оддийлашди. Бир кекса одамман. Мени нима қилиша оларди. Берилажак жазо, ҳар қалай, виждон жазосидан енгилроқдир? Шундай эмасми? Мени ҳеч ким ўзимдек суд қилолмайди. Мен ўзим устимдан ўқиган ҳукм олдида бошқа ҳукмлар бургут олдида пашшадай гап. Менинг ҳукмим ўзим ҳақимдаги ҳар қандай ҳукмдан заҳматлироқдир. Мана, кеча жиноятчи мен, жабрдийда мен ва ҳакам мен бир жойга тўпландик. Жиноятчи мен ҳар баҳоналар қилди, ўзини ҳар томонга ташлади, терговни чалғитмоқчи бўлди. Жабрдийда мен жимгина ўтирди, у ҳатто сўз айтишга ҳам қодир эмас эди. Ҳакам жиноятчи менинг найрангларини фош қилиб ташлади, уни олий жазога ҳукм этди. Бундай жараённи ҳали тарих кўрмаган, бу гал ҳакам иккиланиш ва журъатсизликлардан буткул қутилиб, қатъий қилиб «ўлим» деди: Жиноятчи мен йиғлаб юборди — кўнглим супасида шундай улур суд бўлиб ўтди. Бу ҳукмни энди ҳеч ким қила олмайди. Сиз яна жазодан кўрқмайсизми деб сўраб ўтирибсиз. Жазо нима у? Шунчаки расмий маросим. Ҳакамлар ва терговчиларнинг кун кечирishi учун ўйлаб топилган маросим. Аслида, энг олий жазони кўнгилнинг ўзи чиқаради. Достоевскийни ўқиганмисиз? Балли, ўзим ҳам сизни ўқимишли одам деб ўйлаган эдим. Расколниковни бир эслаб кўринг? Унга берилган қайси жазо кучлироқ эди? Шундай, тақсирим, мен туғилмасимдан олдинроқ тақдирим ҳал этилган. Кўнглим мен учун жазони чиқариб қўйган. Бу жазодан энди қутулдим. Жазонинг тугашини ўттиз йил кутдим, тинимсиз кутдим. Менга бошимдан кечирган жазо олдида башарти ҳакамлар чиқарадиган жазо ҳеч гап эмас. Менга кўнгил ҳакам ўттиз йил олдин жазо белгилаган эди. Мен ўттиз йил маҳбуслиқда яшадим, вафлат деворлари орасида яшадим. Қизимни ўлдиришим билан жазо даври тугади, мен озодликка чиқдим. Бугун озодлигимнинг биринчи куни. Қаранг, ер ҳиди қандай ёқимли. Ўттиз йил шу ҳиддан бебахра яшадим. Ўттиз йил одамларнинг юзидан, ўзидан ўзимни яшириб яшадим. Бугун озодлигимнинг биринчи куни бўлгани учун ҳам сиз билан ёйилиб гаплашаяпман. Озодликка чиққандан сўнг биринчи бор учратган одамим ҳам сизсиз. Шу сабабли сизга ҳамма нарсени гапириб бермоқчиман. Қора хаёл қутқуси ва кўнгил зиндониде яшар эканман, қачон бу

хибсдан қутилиб чиқсам, ҳаммасини бирон одамга гапириб бераману, сўнг хўнг-хўнг йиғлайман, чеккан азобларим, хўрликларим, кўрган мусибатларим учун йиғлайман. Йиғлай-йиғлай кўнглимни ёзаман деб ўйлардим. Ўша кунлар ҳатто кўчага чиқишга ҳам кўрқар, назаримда ҳамма мени кўлини бигиз қилиб кўрсатаётгандек туюларди. Озодлик қандай тотли. Агар озодлик ёмғир аралаш ер ҳидини ҳам олиб келса, бу боят гўзал. Менинг ҳисларимни тўғри тушунарсиз, деб умид қиламан. Ўттиз йил гўзал ва тотли нарсалар ҳақида ўйлашга вақтим бўлмади. Менинг ҳолатим ахлатига ағанаб тушиб, эғни бошидаги нажасларни қандай ювишни билмай, лол қотган кишининг ҳолатига ўхшарди, — ўттиз йил шундай кечди, ўттиз йил қон ва нажасга беланиб яшадим. Агар баданимни ҳидла-сангиз нажас ва қон ҳидини туясиз. Бу ҳид вужудимга ўтиришиб қолган. Одам ҳайвонлар ичида яшаса, ҳайвонга, ҳашаротлар ичида яшаса, ҳашаротга айланади, деган ҳикмат бор. Тақсирим, биз ҳаммамиз ақл идрокдан маҳрум, телба, ёвуз махлуқлар ичида яшаб келдик, шунинг учун ҳам руҳимизда ҳайвоний ҳирс, ҳайвоний кайфият бор. Атрофга бир қаранг. Одамзоддан дарак берадиган нима қолди, қайси фазилатимизни одамийлик деб атаймиз, қайси хислатимиз одамникига ўхшайди. Тақсирим, озми-кўпми ҳаммамиз бир ҳашаротмиз, Одамзоддан умид қиладиган нарсанинг ҳаммаси ўлган. Ҳаммаси ҳалок бўлган. Ҳамма нарсани бой берганмиз. Энди бизни ҳеч нарса қутқара олмайди. На гўзаллик, на ишонч, на эзгулик. Биз ҳар қандай гўзалликни ҳам ҳирсимизни қондирувчи восита сифатида баҳолашга кўникиб қолдик. Динми? Диндорларми? Ахир уларнинг ҳар бири «Худо бизники» деб бир-бирининг юзига балчиқ чаплашдан нарига ўтишмайди. Наҳотки, дин фақат одоб-ахлоқ бўлса? Ҳозир қайси тақводор билан сўзлашманг, худо фақат ўзиникидай, ўзидан ва ўқиганларидан ўзгани тан олмайди. Тақсирим, бу гапларни шунчаки гапни чиройли қилиш, унга салобат бағишлаш учун айтаётганим йўқ. Мен жавоб изловчи бир одамман. Лекин етмишга яқинлашдим ҳамки, жавоб топа ололганим йўқ. Тополганим фақат савол, жавобни эса кўмиб ташлашган, одам ҳам кўмилгандан сўнг ўша жавобни топади — жавоб излаб юриб, мана шу ерларга келиб қолдим.

Мен инсоннинг улуғлиги, эзгу ва гўзал фазилатлар, ота ва фарзанд бурчи, оила тотувлиги, жамият ва инсон муносабати, ахлоқ ва муҳаббат ҳақида қирқ икки йил маъруза ўқидим, энди ўйласам, қирқ икки йил одамларни адабман. Маърузаларим жонли ва ҳаётга яқин эди, шу сабабли менинг суҳбатимни эшитувчилар ҳамиша ҳам топиларди. Мен ўз тингловчиларимни эргаштириб, энг қадим авлодлари яшаётган, ҳали ҳайвондан жуда кам фарқ қиладиган, ҳаё ва номус, муҳаббат ва садоқат деган тушунчалар ҳали тафаккурдан жой олмаган, уятли жойларини фақат табиат берган ўт-ўланларгина яшириб турадиган, гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаётган илк аждодлар маконигача етиб борардик. Саёҳатимиздан мақсад, миллион йиллардан бери адашиб юрган одамзодга бир ахлоқий бошпана топиб бериш эди. Лекин қанчалик ҳаракат қилмайлик, одамзод бу тутун босган бошпанага киришни истамас, у ердан ўрмонларга, ҳайвонлар орасига, чўлу-биёбонларга, денгизларга, тоғларга, хуллас, қаерда чегарасиз, ҳудудсиз яшаш мумкин бўлса, ўша ерларга қочиб кетарди — одамзод аввалданок назоратсиз ва тийиқсиз яшашга ўрганган эди. Биз яна иймон ва ёлгон курашаётган муқаддас суҳуфлар тушган шаҳарга ҳам кириб борардик. Бироқ, саҳифалар қуддусликлар тугул бизни шубҳага соларди, шундан сўнг биз Отанинг ўғлини қандай осийлаётганини тамоша қилар, кейин йиллар оша машаққат билан иймонга қўнғироқлар ўрнатила бошлаган ва инсонни ҳайвондан ажратиб олиш учун ялпи ҳаракат бошланган саҳродан чиқиб қолар ва Улуғ элчи билан ғорларда тунаб қолар, бошқа шаҳарларга бадарға қилинар ва зўр бериб, Искандар ўрнатолмаган деворни инсониятга биз ўрнатиб бермоқчи бўлардик. Аммо ҳамма ҳаракатларимиз зое кетди. У элчи ўрнатган девор қулаб тушди. Энди биз у деворнинг қолган-қутган қисмини кўтариш билан овора эдик. Менинг маърузаларим комил инсон ва комил фарзандлар ҳақида бўларди. Тақсирим, мана шу камтарона ақлим билан мен инсоннинг чинакам гўзал хулқли ва одобли бўлишини истардим. Маърузаларимни берилиб тинглашаётганини кўриб, гапларим беҳуда кетмаётганлигидан хурсанд бўлардим. Ахир, мен айтаётган нарсалар ҳаёл мевалари эди. Гўзал келажак эди. Мен одамзодни ўраб олган ёввойи ва ёвуз муҳитни

сўзларим ва орзуларим билан тор-мор қилмоқчи эдим. Адолат одамларнинг яшаш тарзига айланмоғи, одамзод гуноҳ бўйинтириғидан, тавқи-лаънатдан буткул холос бўлмоғи керак эди.

Мен сўзларим ва орзуларим билан аянчлашган, ёлғонлашган муҳитга, ахлоққа қарши кураш очдим. Одамни муқаррар таназзулдан хаёл ва орзу қутқаради, гўзаллик қалбга чўксагина инсон халос бўлади, деб ўйлардим. Тақсирим, сўз ва орзу билан дунёни қутқариб бўлмас экан. Энг гўзал сўз ҳам инсониятга эмас, ёвузлик кўлидаги ўйинчоққа айланади. Бунга мендан исбот талаб қилмай, атрофга боқинг. Улуғ даҳолар ва улар яратган улуғ ғоялар, улуғ асарлар, улуғ мусиқалар кимга хизмат қилаяпти. Бу асарлар Ёлғон ва Ёвузликни ниқоблаш, уни улуғлаш учун хизмат қилмаяптими? Ёлғон кўрғони юзидаги салобатли ва инсонпарвар бўлиб туюлувчи ниқоб шу даҳоларнинг истеъдоди билан тўсилмаган, деб айтингчи? Ёвузликни шу даҳоларнинг улуғ ғоялари ортига яширинмаган деб айтингчи? Қайси ёвуз кучли бўлса, санъат асарлари ҳам ўшаники эмасми? Ҳақиқат кучда эмасми? Ёвузлик ўлади, санъат қолади деб жар солишганлари эсингиздами? Ҳа, тақсир, олдингисидан ёвузроқ кучга хизмат қилиш учун санъат қолади, абадий қолади. Бизнинг пешонамизга ёзилгани шу, инсоннинг яратгани шу. Инсониятнинг яратгани шу. Бошқасига ярамайди. Инсон ёвузликнинг ижодкори. Баъзан инсон ижод этган ёвузликлар яратгани ҳам лол қолдирса керак деган шубҳага бораман. Инсон ёвузликни улуғ санъат асари даражасига кўтарувчи бирдан-бир жонзот.

Мен буни англаб қолган куниёқ, ўғлимнинг совуқ кўзларини ҳис этган куним умрим ҳибсга ҳукм этилди. Ўзимни ўзим ҳибс этдим. Асли ҳозир сизга сўзлаб бермоқчи бўлган нарсалар ана шу ҳибсда туғилган саволлар. Булар менинг юрагимнинг яралари, булар менинг ҳибс хаёлларим. Тақсирим, мен бир фақир одамнинг ортиқча ҳаяжонларини кечиринг, лекин бир умр ишониб келганинг бир кунда йўққа чиқса, ҳар бир одам ҳам менга ўхшаб вайсақи бўлиб қоларди. Вайсақилик қобилият эмас, одам ўз бахтсизлигини яшириш учун қиладиган ниқоб. Одамзод қанча вайсаса, билингки, у шунча бахтсиздир. Нега ўқитувчилар вайсақи бўлишади. Биласизми? Чунки улар энг бахтсиз

тоифадир. Улар ўзлари тарбия берган нарсага ҳеч қачон ўзлари ишонмайдилар. Ишонмаганликлари туфайли ҳам ҳамиша вайсайдилар. Сизга шуни алоҳида эътибор билан айтмоқчиманки, мен кўп йиллик тажрибамдан шундай хулосага келдимки, гўзал нарсаларнинг ҳаммаси ҳалокатдир. Ҳар қандай гўзаллик ортида ваҳшийлик яширинган бўлади, гўзаллик ваҳшийликнинг ювош кўринишидир. Ана у аёл ғоят гўзал, деб айтишимиз билан ҳар қандай одамда у аёлга нисбатан ваҳшийлик уйғонади. Мана бу гул қандай нафис дейишингиз билан кўнглингизда шу гулни узиб олиш истаги пайдо бўлади. Гўзалликка эришиш учун ваҳшийлик қилишингиз шарт бўлади. Шу пайтгача гўзалликка берилган таъриф-тавсифларнинг ҳаммаси одамларни йўлдан оздирувчи тавсифлар бўлган, холос. Биз насларимизга қуриб берган иморатлар қандай иморатлар эканлигини энди тасаввур қилгандирсиз, тақсирим. Бу иморатлар таназзул иморатларидир, жаҳолат иморатларидир. Ҳатто гўзалиқда ҳам жаҳолат балқийди. Ахлоқ иморатларимизни эса алақачон наҳс ҳиди тутиб кетган. У ерда сиғинадиган меҳроб, у ерда сиғинадиган саждагоҳ қолмаган. Биз болаларимизга комил ҳаёт эмас, жаҳолат ва фаҳш қайнаган ўчоқ қуриб бердик. Фарзандларимиз мана шу ўчоқда пишиб, етилиб чиқдилар, булар фарзандлар эмас — бизнинг қилмишимизнинг ҳосилаларидир. Бу иморатда бирон ақл соҳиби туғилишига бутун ҳеч бир ишонмайман, мабодо, тасодифан туғилган тақдирда ҳам, ундан ҳам фаҳш иси анқиб туради. Биз фарзандларимиз яшайдиган иморатлар пойдеворини фосиқлик ва хиёнат гишtidан бунёд қилганимиз ва энди бу иморатга туғилажак ҳар бир гўдак йиллар ва ойлар ўтиб, фосиқлик, хиёнат, жаҳолат уруғини урчитадиган авлодлар бўлиб етишади ва тангрининг ғазабига яна ҳам кўпроқ дучор бўлаверади. Тақсирим, тавқи-лаънат бўйинтуруғини бўйнидан олиб ташлашга одамзоднинг ўзининг кучи етмайди, қанча кўп яшасак, наслимиз ер юзида қанчалик кўп қолаверса, одамзод қанчалик кўпаяверса, гуноҳларимиз шунчалик ошиб бораверади. Мачитта борганимда, мен энг даҳриёна иш қилдим. Худонинг уйида туриб худодан жонимни ол, ҳар қадамда оёғимга суқилаётган гуноҳ тиконларини суғуриб ташлашга қодир эмасман, ёвузлик ва хиёнат ол-

дида ожизман, одамзоднинг гуноҳлари олдида ҳатто сенинг суҳуфларинг ҳам ожиз, деб ёлвордим. Шундай тақсирим, энди гуноҳни тўхтатишнинг, наслимизни тоза ва соф сақлашнинг энг одил ва улуғ йўли ўлимдир. Кимки, бепушт ва фарзандсиз бўлса, мен унга ҳавас қиламан. Ахир яратган олдига пок ва мағрур боришга не етсин. Ёмғир кучайди. Эсингиздами «ердаги ҳар бир нарса менинг рамзларимдир». Ёз пайти ёмғир бундай жаҳл билан ёғишини сўнгги ўн йилларда биринчи бор кўришим. Бу ҳам бир рамз. Юринг, панароқ жойга ўтайлик. Фикрларингиз даҳриёна дейсизми? Рост гап, ҳамиша одамнинг қулоғига даҳриёна бўлиб эшитилади. Мен ҳикоямни энди бошладим. Йўқ, мен сизга юрагимни очмоқчи эмасман, тавба-тазарру қилмоқчиман. Одам сифатида одамзодга келтирган зарарларим учун одамзод олдидаги гуноҳларим учун тазарру қилмоқчиман. Мен улуғ гуноҳкорман, Тақсир. Ёшлигимда бир китоб ўқиганман, кейин умр бўйи шу китобнинг таъсирида яшадим. Бу китоб умримни бошқарди. У мен учун муқаддас китоб бўлиб қолди. Фожияларнинг боши ана шу китобда. Бугун ўша китоб китобмиди ёки менинг ёздигиммиди деб ўйлайман. Ёдимда йўқ, бу китоб йўлига қачон кирдим, қачон унинг асири бўлиб қолдим. Балки бу дунёга шу китоб асири бўлиш учун келгандирман. Хуллас, тақсирим, китоб менинг қалбимга жойлашиб олди. Эсингиздами, оятларда айтиладики, «шайтон қалбига жойлашиб олган» деб, шундай жойлашиб олди қалбимга. Ҳаётда ниманики яратган бўлсам, шу китоб таъсирида яратдим. Шу китоб ҳукмида ҳукм қилдим. Болаларимни ҳам шу китоб билан тарбия қилдим, уларнинг ҳам қалбига сингдирдим бу китобни, сўзма-сўз, сатрмасатр ёд олдиртирдим. Умримни китоб кўлига худди товада куйдирилган пиёздек қовуриб бердим. Шу сабабли ҳам умримни «ўтган умр» деб айтолмайман, «қоврилган умр» дейман. Эсимда, болалигимда туш кўриб эдим: қандайдир муз тоғига чиқиб қолибман, қайдан пайдо бўлди бу муз тоғи, қай маҳал юксала қолди, билмайман, билганим шуки, мен турган тоғ тобора юксаларди, уни эритиб бўлмайди дея ўйлагандим ўшанда. Ростдан ҳам, энди англасам, бу муз тоғини эритишга инсоният қодир эмас экан. Биз ҳам муз тоғида — офтоб ва кўклардан ҳоли бўлиб яшаяпмиз. Тоғ эса

кундан кун юксалмоқда — у энди юракларимизни ҳам забт эта бошлади, тақсирим. Музликдан иборат дунё. Муз дунё! Уни бошқача аташ мумкин эмас. Бошқача аталмайди ҳам у. Мен ўша тушимда курган муз парчасини биринчи марта катта ўғлимнинг юрагида кўргандим. Ўшанда у эндигина мўйлов қўйган бўз йигит эди: унга нимадир деб насихат қилдим — у менга тикилиб қаради — унинг чиройли кўзлари орқали боқиб турган муз парчасини кўрдим. Ўшанда музлик салтанати ҳаммани секин-аста ўзиники қилиб олаётганини сездим. Бу дунё ўзи музлик салтанати эмасми? Сиз ҳеч одамларнинг қалбига қўл солиб кўрганмисиз ва у ердаги муздан қўлларингиз қалтираб кетмаганми? Музлаб қолмаганми қўлларингиз? Музлаб қолган шаҳарларга, қишлоқларга қараб, ҳеч йиғлаганмисиз ёхуд бақирганмисиз бунда тирик жон борми дея? Шундай бақирганингизда бирон киши мен тирикман, дея қаршингизга келганми ёки бирон тирик жонзотга кўзингиз тушганми? Шундай, тақсирим, ер юзи мархумлар, ўликлар диёри, ўликлар салтанати. Бу шаҳарлар шаҳар эмас, улкан қабристон; фарқи шуки, бунда ҳар ким ўз қабрини ўзи қазийди. Фикрларим телбаворми? Яқинда қизим ҳам шундай деди: «Сизнинг рост гапларингизнинг кимга кераги бор? Қорин тўйғизадими ёки бахтли қиладими?» Мен унга ҳеч нарса дея олмадим. У тўғри айтаётган эди. Рост гап фақат фалокат келтиради. Баъзида ўзим ҳам ўйлаб қоламан. Шунчалар уқубат, ситам ва ғамга дучор қилар экан, мени уйғотиб не қиларди? Ўша ғафлат ҳолимда бахтлироқ эдимку? Нега мени уйғотди? Мана шу тубанликларни кўриш, азоб чекиш учунми? Менга не керак эди булар? Кўриб бахтсиз бўлгандан, кўрмай бахтли бўлганим яхши эмасмиди? Аввал кўзимни очиб, сўнг масхара қилиш шартмиди? Ўша ғафлат ҳолимда бахтли эдим, ўз кунимдан мамнун эдим, ҳаётим ҳам мазмунли эди.

Хуллас, тақсир, сизга ўз ҳаётимни гапириб бермоқчи эдим. Унчалик қизиқ тарих эмас, лекин кимгадир гапиришим керак-ку? Мен ҳам оддийгина иштончан кўча чангитиб юрган бола эдим. Қиш кунларининг бирида қўшни кўчада, бузилган уйлар орасида чўққи соқол кишини учратиб қолдим. Уни бу кўчада илгари кўрган эмасман, тўсатдан пайдо бўлиб қолди,

бу одам ўзининг маймоқлиги, ҳаддан ташқари қилти-риқлиги билан эмас, кўзларида дўниб қолган қаҳр ва мунг билан мени лол қолдирди. У пайтлари ҳамма нарсага қизиқувчан ва ичимга нима солишса ўша билан тўладиган ёшда эдим. Мен уни ҳар куни бу овлоқ ва кўпдан буён одам қадами тегмас кўчада учратар, гўё у менинг қайтишимни пойлаб ўтиргандай, мени кўргач, шу кўчадаги қизил эшикли ҳовлига кириб кетарди. Негадир у доим кўчада ҳеч ким йўқ пайти пайдо бўлар ва доимо эшик олдига чиқиб ўтирар, мени кўриши билан ичкари кириб кетарди. У ёлғиз ва мағрур эди, ёлғизлик унга кўрк бериб турарди. Балки шу туфайли у мени лол қилгандир. Бир куни унинг изидан ҳовлига кирдим. Ҳовли нақ юз йилдан бери йиғиштирилмагандай, нақ юз йиллик уруш бўлиб ўтгандай хароба тусда эди. Ҳовлида чиркин, яна қандайдир сасиган гўштнинг ҳидига ўхшаш ҳид димоқни хиппа бўғарди. Бу ерда тик қолган иморат йўқ эди, ҳаммаси ярим вайрона ҳолатда несту-забун бўлиб ётарди. Чўққи соқолни шу вайрона ичидаги қулаб тушишига сал қолган бир ҳужра ичидан топдим. Энди-энди ўйлаб, менга нашъа қилади: қандай қилиб ўша вайронага кирдим экан? Нега ваҳм қоплони мени ютиб юбормади экан деб. Хирагина шам ёруғида у қандайдир китоб ўқиб ўтирар, сўнг ҳўнг-ҳўнг йиғлар ва тинимсиз сажда қиларди. Ҳужра шип-шийдон эди, фақат қозикда узун хирқа осилиб турар, чўққи соқол шундоқ ернинг ўзига чўкка тушганди — унинг товуши, алами, мунги, мусибати мени маҳдиё қилди. Назаримда, у буюк ва ададсиз мусибат соҳибидай туюлди, унинг қироатли овози дилимни шайдо-ошуфта қилди-қўйди — қироат ерники эмас, бу сўзлар одамники эмас эди: қироатда ҳам, унинг ёлғизлигида ҳам, саждасида ҳам қандайдир илоҳият мужассам эди. Мен айнан шу ҳолатга гувоҳ бўлиш учун ҳовлига деярли ҳар куни қатнай бошладим ва ҳар куни уни китоб устига мук тушганча йиғлаб, сажда қилиб ўтирган ҳолатда учратардим: йиғилар орасида кимгадир хитоб, тазарру аралаш қироат эшитилиб қоларди. Мен қиш чиққунча ҳовлига келиб турдим. Баҳор бошланиб ёмғир кучайгач, ҳовлига кириб чиқишнинг ўзи азоб бўлиб қолди. Аммо ода-тимни қанда қилмадим ва шу пайтгача бирон кишига бу ҳақда гапирмаган ҳам эдим. Унинг ёлғизлиги, йи-

гиси, саждаси, қироатидан сўнг менинг танамда бош-ланадиган ҳиссиётни ҳеч ким билан баҳам кўргим келмасди, ўша болалик ақлим биланоқ бу ерда бир умр сиғиниб, ингилиб яшаса бўладиган нелардир борлигини ҳис этгандим. Бир куни ёмғирдан сўнг ҳовлига кирдим: ҳужрадан товуш келмас, ёмғир ҳовлидаги қолган тик деворларни ҳам қулатиб бўлганди — ҳужрага кириб, у ерда ҳеч кимни учратмадим, ҳужра ҳам қулаб кетиш арафасида турар, деворлари ёмғир билан қўшилиб шувиллаб кўчиб тушарди. Ҳовлида ҳеч зоғ йўқлиги энди маълум эди — энди изимга қайтмоқчи бўлиб бурилаётганимда кўзим токчада турган китобга тушди — бу ўша чўққи соқол қироат қиладиган китоб эди. Атрофга кўз югуртирдим: ҳеч ким кўринмасди. Китоб қироати менинг ақлимни жодулаб қўйганди ва мен, тақсир, кейинчалик улуғ гуноҳ бўлажак иш қилдим: китобни токчадан олдим, ҳовлидан чиқиб кетдим. Кўчада кўлмакларга тойганиб чопиб борар эканман, назаримда, кимдир изимдан кузатиб тургандай туюларди. Муюлишга етгач, изимга қарадим ва юргим тарс ёрилиб кетгандай бўлди. Ким билади, менга шундай туюлгандир, ҳозиргина мен китоб ўғирлаб чиққан ҳовли деразасида чўққи соқол менга қараб турарди ва ажабланарлиси шундаки, у менга жилмайиб қўйганга ўхшади. Китобни қўлтиқлаганча ўз уйимизга югуриб кирдим ва тўғри ертўлага кириб, китобни эски латта-путта орасига яширдим. Сўнг бир ҳафтача кутдим, ҳеч ким китобни сўраб келмагач, аста ертўлага тушдим ва мен ҳам чўққи соқолга тақлид қилиб қироат билан ўқий бошладим: аввал сўзларни талаффуз қилишим қийин бўлди, шу сабабли қироатим ҳам пашша ғинғиллашига ўхшаб чиққан бўлса ажаб эмас, бироқ бу қора муқовали китоб менинг умримнинг бир қисмига айланди ва аста-секин куннинг тенг ярмини шу китоб устида ўтказадиган бўлдим, тезда қироатни ҳам, саждани ҳам ўзлаштириб олдим, энди менинг товушим, сўзим чўққи соқолникидан фарқ қилмасди ва ҳар бир сўз, жумла қалбимга қулфланиб қоларди. Китоб мени жодулади қўйди. Ундан бош кўтаролмай қолдим. У менинг ҳамдамимга, ҳабибимга, маслаҳатгўйимга айланди. Фақат ўзим эмас, китобни тунлари сандал бошида бутун оила аъзоларимга ўқиб бера бошладим. Кейин уларнинг сафига тенгдошларим, ўртоқ-

ларим, қўшнилар қўшилди. Аста-секин улар ҳам китобсиз туролмайдиган бўлиб қолишди. Тасаввур қилинг, тақсирим, бутун кўча кечки пайт китобдан бир варақ ўқиб беришимни кутиб кун ўтказишар, ўй-хаёллари китоб бўлиб қолганди. Мен эса уни қайта-қайта ўқиб беришдан чарчамасдим, аксинча, ўқиганим сайин қандайдир куч юрагимга оқиб кирар ва танамда ғойибона қудрат пайдо бўларди. Бутун кўча болалари ана шу китоб таъсирида балоғатга етишди, шу китоб таъсирида ҳаёт йўлларини танлашди, шу китоб таъсирида яшашмоқда. Шундай, тақсирим, ўша китоб бутун ҳам уларнинг ақлу шуурида, бутун ҳам улар китобмонанд яшашга уринишади — ҳамманинг қалбини у китоб ўғирлаган. Мен ҳам аслида ҳаётимни шу китоб йўлида қурганман. Ў-ў, сиз билмайсиз, тақсирим, китоб мени қанчалар телба қилди, қанчалар жунунваш қилди, у мени болаликнинг тор кўчаларидан ақл-идрокнинг чўққилари сари етаклаб ўтди, сўнг мана қаршингизда тургандай, несту забун ҳолда ёмғир ёғаётган палладаги мана шу хиёбонга қотил ва қаттол қиёфасида келтириб ташлади. Тақсирим, бутун умрим ўша китобга зарб этилган эди: у китобда яна болаларим, мен сизнинг одамларнинг тақдири, ҳатто сиз билан шундоқ учрашиб қолишимиз ва мен тазарру қилишим баён этилган эди: Ҳа, ҳа, айнан шундай ёзилганди: «у ўзининг махлуқ эканини англаб етади ва махлуқ каби ўқириб ўлади». Боядан бери сизга ўқириб ётибман, демак, ўлимим ҳам яқин. Бемаъни гап айтманг, дейсизми? Ўлим бемаънилик эмас, тақсирим, ўлим — маъно, инсон умрининг маъноси, фақат тириклик бемаънилик бўлиши мумкин. Ўлаётган одам ўз умрининг неча пулга арзишини билиб ўлади. Ҳозир айтаётганларим ҳам умр ҳақидаги хулосаларим. Агар яна яшаш имконияти берилганда одам бўлиб яшашга сира ҳам рози бўлмасдим, ит бўлиб ёки бирон сайёднинг ўқиға учиб ўладиган қуш бўлиб яшашга рози бўлардим, бироқ одам бўлиб эмас. Бир куни ўзингнинг махлуқ бўлиб яшаётганингни англаб қолишинг муқаррар бўлгач, нечун одам бўлиб яшамоқ? Нечун умрни масхара ва саробга тўлдирмоқ?! Нечун жимжимага умид қилмоқ? Нечун қуриб бўлгач, ағдарилиши аниқ бўлган ҳайкални тиклашга рўжу қўймоқ?. Нечун?.. Тақсирим, сизга саволдан қафас ясаб беришим мумкин, са-

волдан қилич ясаб беришим мумкин, бироқ одам умридан ҳеч нарса ясаб бўлмайди. Кўп алжиб юбордим, чоғи, сизга китоб ва ўз тарихимни ҳикоя қилиб бераётган эдим. Шундай қилиб тақсирим, китоб менинг умрим маёғига айланди. Шу мазмун остида илмга қўл урдим, шогирд бўлдим, устоз бўлдим. Лекин ақлимни таниган сари мени нимадир безовта қилар, назаримда ичимда нимадир пайдо бўлган, доим иккиланиш ичида яшардим. Қилмоқчи бўлган ишимга ичимда нимадир қарши чиқар, мени иккилантирарди. Ақлу-ҳушимни йиғиб оладиган пайт келганда мен энди бу икки хил муносабатни аниқ ҳис қила бошладим. Ичимга кимдир кириб олган ва у мени тинимсиз одамлардан, кундалик икир-чикирлардан, ташвишлардан бездириб, қора хаёл, қора китоб, қучоғига тортарди. Гўё ичимда бир бўшлиқ пайдо бўлди-ю мен унга йиқилиб тушган, энди эса ундан чиқишни билмай тўрт тараф деворга бошимни урганча зир югурар, бошқа биров эса мени тепадан туриб, масхара аралаш кузатиб турарди. Қанча истамайин кимдир ичимда туриб, мени китоб олдига етаклаб келар ва сўнгсиз хаёлларга фарқ қилар, китоб саҳифалари аро мени сарсонун саргардон олиб юрарди. Ичимда зулмат ва ёруғлик кураши бошланганди. Мени илмли-зиёли одам деб ҳурмат қилишарди — ўзим ҳам омадли одам эканлигимга ишона бошлагандим. Уйланганимда бу ҳурмат-иззатни кўриб, хотиним қанчалар қувонганини айтмайсизми? У мени кўярга жой тополмасди. Ораста-озода бўлиб қолгандим. Хаётимга тартиб, масъулият кириб келди. Лекин сизга, тақсир, қандай баён этишни билмайман, балким ишонмассиз, жуда қўшиб-чатаяпти дерсиз. Майли, нима ўйласангиз сизники, меники гапирмоқ, тақсир, мен келин-кўёвликнинг биринчи куниеқ китобсиз ухлай олмаслигимни англадим — бутун ҳаёт орзуси, кўрқуви ва хижолати балқиб турган хотинимни ҳайрон қолдириб, китоб ўқишга кириб кетдим. Кейинги ўн икки йиллик умримиз шундай ўтди. Мен хотиним билан алоҳида ётган кунларим кўп бўлган, бироқ китобсиз ётган куним бўлмаган. Китоб мени сал бўлмаса савдойига, хаёлпарастга айлантириб қўйганди. Мен тонггача китоб ўқиб ўтирар, у ёқда хотиним мени кута-кута ёстиқни қучоқлаганча уйқуга кетарди. Мендаги савдойилик қандайдир ваҳмга айланди. Кўнглим-

га илондай шубҳа ўрмалашиб кирди — китоб ўқийвериб, мен китобга айланиб қолгандай эдим.

Ростдан ҳам, ундаги ҳар бир сўз, гап менга сингиб бўлган, китоб саҳифалари умримга сочилиб кетганди. Китоб саҳифалари орасида мен йўқолиб кетган эдим, мен йўқ эдим, «мен»нинг ўрнига китоб пайдо бўлганди. Мен китобда алақачон йўқолиб кетганимни билардим ва хотинимнинг кечалари йиғлаб, ёстиқлари хўл бўлиб кетганини ҳам сезардим — сезардиму мен мубтало бўлган эдим. Мубталолик, тақсирим, ёмон касаллик. Уни тузатиш қийин. Гўё китоб менинг ўзимни эмас, балки қалбимни ўлдириб бўлганди. Аммо шундай кунларнинг бирида менинг кўнглимга шубҳа жосуси кириб келди. Бир кечаси китоб ўқий-ўқий курсида ўтирганча уйқуга кетдим. Ўлгудай толиққан эдим, кўзим юмилишидан мени ҳеч нарса, ҳатто китобга мубталолик ҳам сақлаб қололмади. Ухлаб ётар эканман, назаримда кимдир ичимдан чиқиб келганга ўхшадим; у қоп-қора кийиниб олганди, ухлаб ётган мени худди либосдай ечиб ташлади-да, туриб, нариги хонага кириб кетди — уйғонганимда хона ёришиб қолган, китоб очиқ ва сирли ҳолатда ётарди. Мени қора хаёл чулғаб олганди. Ўрнимдан туриб, ювиниш хонасига ўтдим — хотиним алақачон турган, ошхонада нимадир тайёрларди. Мени кўриб жилмайди. Негадир ял-ял яйраб кетган, ҳаракатлари чаққон эди. У келиб мени ўпиб кўйдим. «Ёмонсиз» деди ноз билан ва шу сўзни айтиб қизариб кетди: «Кеча роса уят ишлар қилдингиз». Мен донг қотиб қолдим: аввалига хотиним писанда қиляптими деб ўйладим, бироқ унинг самимий қувончдан ярқиллаб турган кўзларини кўриб зарда қилмаётганини англадим. У рост гапираётган эди. Баданим жимирлаб, ичимда шубҳа, гумон қичқириб юборди. Аммо хотиним туш кўрган шекилли, деб ўзимни бироз овунтирардим. Бироқ эртасига ҳам хотиним ял-ял ёниб юрганини кўриб, хавотирга туша бошладим. Кейинги тунлари ҳам курсида китоб ўқиганча ухлаб қолар ва ғира-шира ичимдан ҳалиги қора сийрат мени кийим ечгандай ечиб ташлаб, ётоқхонага кириб кетаётганини элас-элас англагандай бўлардим. Бундай ҳолат кўп такрорланди. Мен касалга ўхшардим. Кўз олдимда қандайдир рўё пайдо бўлган, бу рўё мени маст ухлатиб ташлар ва бошқа бир «мен»ни

уйғотарди. Хотиним ўғил туғганда, тақсирим, бола меники эмас, деган гумон пайдо бўлди. Йўқ, тақсирим, хотиним фаришта эди, унга гард юкмаган, фақат китоб мени жодулаб қўйганди, кимдир ичимдан чиқиб келар, афтидан, у жуда танишга ўхшар, гоҳ ўзимга ҳам ўхшаб кетарди. Бироқ у қоп-қора кийинар, ўзи ҳам рўёдай қоп-қора эди, мен буни аниқ билардим. Мен китобни ўқийвериб, ундан кўчирмалар олавериб, ё ўтирган жойим ва ёки дарсхонадаги эски сим тўшакка ўзимни ташлаганча қимирлашга ҳолим келмай уйқута кетардим, хотиним эса эрталаб яшариб, яшнаб, мени эркалар ва нозли-ишвалар қиларди — у рўё ичимдан чиқиб келаётibdими ёки бошқа жойданми, билмасдим, хонада мендан ва улкан қора китобдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди — деразаларга панжара урилган, шусиз ҳам мен елкамдаги бодим қўзиб қолмасин деб уни ҳеч қачон очмасдим. Бир куни ҳатто уйқу аралаш бошимда менга тикилиб турган кимнидир сезгандай ҳам бўлдим ва чўчиб уйғондим — ҳеч ким йўқ, у ғойиб бўлганди, бироқ мен уни уйқу аралаш бўлса ҳам аниқ кўргандим. Кейинги умрим ҳам мана шу қора хаёл билан олишиш, уни фош этиш истаги билан ўтди: йўқ мен уни фош этолмадим, у мени фош этди, мени янчиб, мени яксон қилиб, менинг вайронам, харобам устига ўзини тиклаб олди — ўзимга ишончим қанчалик йўқолса, у шунчалик кучаярди, шунчалик озод бўларди. Бу рўё мени ўн икки йил тинч қўймади, фақат хотиним ажал билан олишиб ётган кунлари мени бу рўё тарк этди. Китоб столимда ҳамиша очиқ турар ва мен энди уни ёддан ҳам айтиб бера олардим.

Икки ўғлим ўзимга тортиб китобхўр бўлишди: бизнинг хонадонни китобчилар оиласи дейишарди, ўғилларим қаерда китоб кўришса сотиб олишар, уйимиз китоблар мамлакатига айланганди. Бироқ мен ҳамон икки киши бўлиб яшардим. Биринчи мен ожиз, заиф, фақат кузатувчи, азоб чекувчи, улуғ мусибатхўр эди. Иккинчи мен рўёга ўхшар, ўғилларимга тарбия берар, қора китобни ёд олдирад, талабчан ва улуғ орзуманд эди. У ўғилларимнинг мартабали, улуғ ва ҳар ишга қодир бўлиб етишишлари учун барча ишни қилар, вақтини, умрини аямасди. Ўғилларим биринчининг эмас, иккинчи меннинг тарбиясини олаётганди, улар ёшлигиданоқ зийрак, фаҳмли, ақлли бўлиб ўсишаёт-

ган эди. Баъзан ўғилларимга қараб, қўрқиб кетардим: ўн яшар ўғлим ҳаёт ҳақида совуққон ва босиқ фикр юритар, фикрлари гўё минг йиллар яшаган ақлнинг маҳсулидай шафқатсиз, мантиқли эди. Улар болалардай ўйнаб кулишмас, доимо жиддий юришар, ҳеч нарса уларни ҳайратга солмас, гўё барча нарсани олдин яшаб, кўриб бўлишгандай, фақат мақсад сари интилишар барча нарсани мақсадга қуришган, сафар охирига қараб ҳеч қаерга бурилмасдан шитоб билан кетаётган машинани эслатарди менга. Бошқа ҳамма нарсани босиб-янчиб ўтиш мумкин, фақат олдинга, мақсад сари интилиш зарур. Иккинчи мен болаларимни қаттиққўлик билан тарбияларди. Ўзимдан қоладиган из ўчмас бўлишини истардим, бу из менинг болаларим эди. Улар паст, майда икир-чикирдан ҳоли, фақат юксак орзулар билан яшайдиган, фақат улуғ ишлар қиладиган кишиларга айланиши керак эди. Тақсир, мен ўқиган ва умримни бахшида қилган инсоният тарихи ожиз ва кучлиларга, хўрлашга лойиқ ва хўрланишга лойиқларга, эзувчи ва эзилувчиларга, қуллар ва хожаларга, қўй ва бўриларга бўлинганди, мен инсон тафаккури, унинг табияти билан шуғулланиб, шу хулосага келдимки, ҳақиқат кучда эди. Бу ҳаёт инсонга яшаш учун курашга берилган, бу кураш шафқатсиз ва ҳеч бир эътиқод билан баҳолаб бўлмасди. Бир томонда ювош, азобу, уқубатдан хўрлигу ҳақоратдан боши чиқмайдиган, қанча эзилса эзувчини, қанча зўрласа зўрловчини, қанча топтаса топтовчини, қанча алдаса алдовни яхши кўрадиган, иккинчи томонда эзиш ва хўрлашга, босиб-янчишга, дунёни ўзгартиришга, уни янгилаш ва мезонга солишга лойиқлар яшашар, улар ўз олдиларига қўйган мақсадларни амалга ошириш учун важишга ҳақлари бор эди. Инсоният қўй ва бўриларга бўлинганди. Мен болаларимни бўрилар бўлишини истардим. Қўйлар барибир ҳеч нарсани амалга оширолмайдилар, улар фақат восита бўлиб хизмат қилишади холос. Хўш, алданган, хўрланган, топталганларга сен хўрланаяпсан деб кўринг-чи?! Улар сизнинг устингиздан кулишади; хўрлик нелигини, шаън ва ғурур нелигини билмайди. Хўш, бундай кишиларга шафқат зарурмикин?! Улар ўз хўрликлари ва ҳақоратлари билан фахрланиб юришса-чи? Алданиб, эзилиб яшаш улар учун ғурур бўлса-чи? Мен болаларимнинг бағри

қаттиқ, ўз олдиларига қўйган буюк ишларни амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, ҳамиша фақат олдинга интиладиган кишилар бўлиб етишиши учун тиришардим. Учинчи фарзандимиз қиз бўлди. У онасининг қорнидаёқ ўз феъл-атворини билдирди, хотиним оғироёқ пайтида ўрнидан туролмай қолди. Нуқул мадори йўқ, кучимни кимдир сўриб олаётганга ўхшайди деб нолирди. Биз бу касаллик болага зиён етказмасин деб қўрқар ва табибма-табиб югурардик. Докторлар ҳам елка қисишар, камқонлик бўлса керак дейишарди. Хотиним эса иккита фарзанд учун ҳам бунчалик қийналмагани туфайли ажабланиб, қорнига тикилиб-тикилиб қўярди. Унинг касалманд юзини икки ой қўрқув, таҳлика, хавотир тарк этмади. У ички бир ҳис билан ўзини ҳеч бир қайси боласига ўхшамайдиган, алоҳида фарзанд туғаётгандай ҳис этар, баъзан бу гумонидан чўчиб тушар, мен унинг хавотирланаётганини англардим.

Аммо қизимиз фавқулодда соғлом туғилди. У нақ тўрт килоча келарди. Онаси туғунча адойи-тамом бўлди. Касалхонада қизимиз билан узоқ ётди. Уйга келгач эса яна ётиб қолди. Кундан-кун озиб-тўзиб борарди, қизимиз эса тинмай онасини эмас, гўё ҳақиқатан ҳам бутун мадорини сўриб олаётгандай эди. Гўё эмас, аслида ҳам шундай эди: у эртаю кеч, ҳеч тинимсиз эмар, у эмган сайин хотиним бир эт озиб кетгандай туюларди. Тақсирим, ҳеч бир болани тинимсиз эмганини кўрганмисиз? Қизимизнинг райри-оддийлиги мени ҳам хавотирга соларди. У кечаси ухлаб ётган жойида ҳам кўкракни сўриб ётар, хотинимни бироз тин олгани қўймасди. Кўкрак оғзида турмаса ухламас, гўё у онасини буткул сўриб битирмоқчидай эди. Онаси тўзиб борган сайин қизим соғлом бўлиб борарди. Хотиним уйқусизлик, дармонсизликдан асабий бўлиб қолди. Ошқозонида оғриқ пайдо бўлган, худди тутқаноқ каби оғриқ тутганда хотиним икки букилиб йиғлашга тушар, асабий ҳолатда қизимизни қарғай бошларди. Она ва боланинг кураши қизимиз бир ярим ёшга етганда хотинимнинг вафоти билан якунланди. Қизимиз соғлом эди, саккиз ойликда юриб кетди, унга энди овқат берса бўларди. Аммо қизимиз токи хотиним ўлган кунгача атайлаб қилаётгандай кўкрақдан ажралмади. Хотиним ўладиган кунлари ар-

воҳдай бўлиб қолганди. «Бу ҳаммани сўриб битиради» дерди. Гаплари ҳам алмойи-жалмойи эди, қизимизга еб қўйгудек тикилар, аммо ундан негадир кўрқар, қизимиз олдига келиши билан шошиб кўкрагини тутарди. Тақсир, у пайтлари қизимнинг феъл-атворига эътибор бермасдим, у кўзимга соғлом, чиройли ва ширин қиз бўлиб кўринар, мен эса қизимнинг соғломлигидан, унинг ғайри оддий қилиқларидан завқланардим. Энди ўйлаб қарасам, тақсир, қизим хотинимнинг томирларидаги ҳаётни сўриб олиш ва мени қисмат билан ёлғиз қолдириш учун дунёга келган экан. Баъзида агар хотиним тирик бўлганда бунчалар мусибат бошимга тушмасдими деб ўйлаб қоламан. Йўқса, қизимнинг онасига бунчалик ўчакишини нима билан изоҳлаш мумкин? Буни ҳозир сезаяпман. Аммо ўша пайти қизимнинг соғломлиги, айёрлиги, тантилиги менга завқ берарди. Акалари унга меҳрибон, у акаларига меҳрибон эди. Аммо қизим гўдаклигида қандай бўлса шундайлигича қолди. Ҳукми ҳакам, життай бўлишига қарамай мустақил. Уйда бир талай китобу бироқ улар айнан ўша китобни талашипар, уларнинг китоб талашаётганини кўриб, кўнглим кўтарилар, ўзимча ғурурланиб қўярдим. Кечкурунлари гоҳ ўғлимдан, гоҳ қизимдан, қани, фалон бетдаги фалон нарсани ёд айтиб бер, деб сўраб қолар, ўғилларим ҳам, қизим ҳам сўраган жойни ёддан айтиб берарди. Оналарининг вафот этганини болаларим китоб ўқиб унитишар, рамгин дилларига китоб шифо берарди. Биз китоб ёрдамида тезда қаддимизни тиклаб олдик. Мен болаларим тарбиясидан унчалик хавотир олмасдим. Уларни китоб тарбия қилаётган эди. Мен баъзан ярим тунгача ишда қолиб кетардим. Маърузаларим ҳам талабаларга кўпроқ ёқиб бораётгандан хурсанд эдим. Назаримда, ҳаёт гўзал ва бетакрордай эди. Уйда навбатма-навбат қора муқовали китобни товуш чиқариб ўқир, сўз, оҳанг ва мантиқдан маст бўлиб қолгандай сезардик. Аслида умримиз шу китоб жодулигида ўтди. Маърузам куни хона бошқа курслар эвазига ҳам лиқ тўларди. Китоб нафақат менга, балки болаларимнинг, мана шу талаба йигитларнинг ҳаётига ҳам йўлбошчилик қила бошлаганди. У пайтлари ҳаётимда шунчалар бахтли даврлар кўп эдики, бир куни келиб ташландиқ умрим ҳақида сиздек ёт бир кишига ҳасрат қилиб ўтиришни тасав-

вур қилолмасдим. Талабалар баъзан мен билан баҳс-мунозара қилишар, шартакилиги ва жангарилиги билан мени довдиратиб қўймоқчи бўлишар, бироқ мен ҳеч довдирамасдим, хулосаларим совуқ ва рад қилиб бўлмас даражада далилли эди. «Фақат унинг номини англаганларгина бу дунёнинг маъносини англаб етади, мен сизларга унинг сўзларини, унинг каломини етказаяпман ва демак, унинг номидан сўзлаяпман». Сизга бу сўзлар биров баландпарвоз бўлиб туюлаётгандир, бироқ шуни алоҳида таъкидлайманки, мен бу сўзларни қироат ила айтган пайтим залда пашша учса билинарди. Улар мен орқали қора муқовали китобга муҳаббат қўйиб қолдилар ва бир умрга унинг муҳлиси ва муҳибига айландилар. Қанча талабалар қўлимда тарбия топди — ўзим ҳам нақ уч авлодга ваъз ўқидим. Мен ҳаётдан, ҳаёт мендан миннатдордай эди.

Аммо аста-секин аввал ўғилларим, сўнг талабалар чўққи соқол қўйиб олишаётганини англаб қолдим, тақсир, бу воят ғайритабиий туюлиши мумкин, бироқ ким китоб ўқиб, унинг ҳавоси ила нафас олган бўлса, уларнинг ҳаммаси бирин-кетин чўққи соқол қўйишга ўтишди. Мен ҳатто уларнинг кўзлари ҳам, юзлари ҳам, товушлари, қироатлари ҳам ўша мен ёшлиқда хароба кўчада учратган, ёлғизлиги ва кибри билан мени ром қилган ўша чўққи соқолга ўхшаб бораётганини сезиб қолдим. Аввалига эътибор бермадим, бу ёшлар ўрта-сидаги одатдаги андозапарастлик деб ўйладим. Мен золим эмасдим, болаларим хоҳлаган ишларини қилиши, хоҳлаган андозада кийим кийишлари мумкин эди. Мен соқол қўйишни шундай андозапарастлик деб ўйладим. Катта ўғлим ўзини санъатга урди. У одамнинг руҳий ҳолати билан қизиқар, бу йўлда ҳеч нарсани аямас, соатлаб китоб ёки матн устида ўтирар, шу дақиқаларда ҳаммани, ҳатто мени ҳам унутиб қўярди. Унинг хонасига кирганимда бир неча марта юзимга қараб туриб: «Кимсиз? Нима керак?..» деб бақириб берган, мени танигач, ҳижолат бўлиб, узр сўраганди. Ўша дақиқаларда мен уни танитай қолардим: у мутлақо бошқача одам бўлиб қолар, хаёли узокларда, кўзларида жунун ва жазаватўлган, қорачиқлари каттариб, бутун диққати битта нарсага қаратилган, гўё шу туришида оламшумул ва инсоният тақдирини ўзгартирадиган масалани ечаётгандай туюлар, шундай пайт-

ларда у ўша чўққи соқолга яна ҳам кўпроқ ўхшаб кетиб, мени қўрқувга соларди. Ўғлимнинг иш устидаги ҳолати ўша хароба ичидаги чўққи соқолнинг жазавали ибодатини эслатарди; иккала ҳолатда ҳам юракка хавотир бағишлайдиган нимадир бор эди. Мен ўғлимни ҳорғин кўрган пайтларим унга, бошқа ишнинг бошини тутақол, сени бу ҳунаринг чарчатиб юборди, десам, у истехзоли жилмаяр ва юзимга тикилганча: «бу ҳунар энг зўр ҳунар, яқинда ўзингиз гувоҳи бўласиз» дерди. Бу зўр ҳунарга ақлим етмасди, бироқ ўғлимнинг бу гапларини ўз кучига ишониб айтаётганини кўриб қувониб кетардим. Тақсир, ўша пайтлари ўғлим ҳақиқатан ҳам оламшумул иш устида ўтирганини тасаввур қилолмаганман, шунчаки ҳар бир кашфиётчи ўз кашфиётини оламшумул ҳодиса деб ўйлайди деган хаёлга борганман. Тақсир, сизга ваҳшийликнинг қиёфалари танишми? Мен ваҳшийликни ҳамиша гўзал қиёфада учратганман; у ўзининг асл мақсадини олийжаноб ғояларга яширади. Агар унга кўз ташласангиз ғоят кўркам тусда товланади, ақлу ҳушингизни олади, дилбар қиздай фақат хаёлдан бўлган ҳаёт ваъда қилади. Қаранг, тақсирим, ҳаётнинг ўзи бир лаҳзалик бемаъни хаёл эмасми? Ҳозир сизга сўзлаб бераётганим ҳам ноқис ақлимнинг хаёллари эмасми? Ҳаммамиз ҳам кучли ва буюк бўлишни истаймиз, шунинг учун ҳам умр биносини барпо қиламиз, унга абадиятни суяй оладиган устунлар қўямиз, аммо бир кун ақлимизни йиғиб олиб қарасак, биз яратган ўтов қурилмасидан туриб вайрон қилинган бўлади. Бундай фикрга тўсатдан келганим йўқ, тақсирим. Одам бирдан тушкун бўлиб қолмайди, у энг охириги имкониятгача кутади ва у ҳам бой берилгач, тушкунлик саҳросига йўл олади. Мен аввалига ўвилларимнинг бутун хатти-ҳаракатини синчиклаб ўргандим: ахир куни кеча менинг ҳар бир сўзимни муҳаббат билан эшитиб, ҳайратга тушадиган бола қандай қилиб, шундай улғая қолди? Ахир бу иморатнинг ҳар бир виштини ўзим ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан қурган эдим-ку? Тақсирим, замон менга қараганда зўр экан, уни менинг хаёлпараст ва орзупараст бағримдан суғуриб олиб, ўзининг тафаккур фаҳши анқиб ётган кўчасига олиб кирди. Мен замон билан ҳар бир сўзимда, ҳар бир ишорамда олишдим, бироқ уни бўйсундиришга қурбим етмади ва шунда «Замон —

Худо» деган ҳикматни эсладим. Мен қуриб бўлган иморатга у кириб олган эди. Сиз менинг қанчалар ўқинганимни тасаввур қила олмайсиз. Эсингиздами, тақсир. Муқаддас китобда шундай оятлар бор: «Ўша кун ўйлашар, тупроқ бўлсам деб». Тақсир, мана шу оятда айтилган маҳкумлиқдан ҳеч қачон қочиб қутила олмаймиз. Зеро, айтиб қўйилган: умр бўйи ер юзида оввораю сарсон бўлиб юрасан, лекин ҳеч қачон ўзинг излаган нарсани тополмайсан. Излаган одамнинг излаётган нарсаси нималигини билмаслиги даҳшат эмасму? Йўқ нарсани излашга мубтало қилинган инсон! Мана сиз бекатда ўтирибсиз, қандайдир поездни кутаяпсиз. У сизни бу ерда қаергадир ола кетиши керак, поезднинг қандайлигини, қайси томондан келиши, қай томонга кетишини ҳам билмайсиз. Бироқ, бекатда ўтириб кутишга маҳкумсиз. Одамзоднинг бор йўқ умри ана шу кутишдан, кутиш пайтидаги орзую хом хаёлларидан ўзга нарса эмас. Қолган барча нарса жимжима ва ёлғон. Кеча яна ўша муқаддас китоблардан бирини қўлимга олдим ва қизимга боққанча очиб ўқий бошладим: «Сен Иблис тожи турган жойда яшамоқдасан». Бошқа оятни ўқишга қурбим етмади, зеро, умрим ҳақида хулоса қилиш учун шу оятнинг ўзи етарли эди. Шу ҳикмат мени тафаккур чўққисига чиқариб қўйди. Беозор мушукка ўхшаб ухлаб ётган қизимнинг олдига борар эканман, шу оятни тинмай такрорладим ва қўлларимга куч кирди ҳамда қизим, фарзандларим ҳаётини бунчалар аччиқ қилган тақдир азалнинг маъною моҳиятини англадим: у маъносиз ва моҳиятсиз эди: шу сабабли ҳам қизимни бўғар эканман, юрагимда қилт этган қўрқув пайдо бўлгани йўқ, аксинча, қизим уйғониб кетиб, ваҳм тўла кўзларини менга тикар экан, ёйилиб кетган сочлари, ҳаёсиз қароқчилари, ҳали ўн гулидан бир гули очилмай сўла бошлаган танаси, юзида аста-секин ўз қўрғонларини қўяётган ажинлар, ҳаммаси менга шайтонни эслатди ва худди шайтонни бўғаётган каби ғазаб билан бўғдим. Қизимнинг боши шилқ этиб тушгачгина нима қилиб қўйганимни англаб қўрқиб кетдим: теварак-атроф зулмат эди ва тўшақда ўзим яратиб, ўзим ўлдирган қизим ётарди. Дунё яратаётганимда ҳам шундай зулматга тўла эди, ўлдираётганимда ҳам. Орадан анча вақт ўтиб ўзимни босиб олгач, кўзим қизимга тушиб йиғлаб юбор-

дим... қалбим бирдан бўшаб қолган, ўзим ҳам бўшлиқ ичида қолгандим. Мен қизим бошида турганча ҳаммамиз, қизим, ўғилларим, ўзим — бутун инсоният шу пайтгача бўшлиқ ичида яшаб келганимизни, шу пайтгача орзу қилиб, интилиб, етишиб келган нарсаларимиз ҳам зим-зиё номсиз бўшлиқдан иборат эканлигини англадим. Тақсир, бу бўшлиқни шу вақтгача ўтган не-не одамлар, не-не набилар тўлдиролмади, биз қандай тўлдирамиз? Бу бўшлиқ шу вақтгача яшаган миллиардлаб одамларнинг суяги, орзу-ҳаваси, оху фифони, жангу жадали билан тўлмади, уни мен, хом сут эмган банда қандай тўлдирмоқчи бўлдим? Тонггача шу ҳақда ўйлаб ўксиб-ўксиб йиғладим. Кўзларингиз қизарибди дейсизми? Ҳа, эрталабгача йиғлаб, сўнг кўз ёшларимни артиб кўчага чиқдим. Аҳволим сувга бўккан кучукчаникига ўхшарди. Эсингиздами, яқинларгача А. энг машҳур ёзувчи бўларди, қанча оилалар фарзандларига шуҳрати, қатъияти, иродасини тилаб унинг номини қўймадилар. А. эса умр бўйи ўз эътиқодидан қайтмади: уни қамадилар, сургун қилдилар, қалтақладилар, асарларини ёқдилар, мамлакатдан қувғин қилдилар, бироқ у эгилмади. Тузумни фош қилувчи асарлар ёзаверди, қамоқларда, йўлларда тинимсиз ёзди, тинимсиз фош қилди. Тузум қулади-ю, уни ҳеч ким эсламай қўйди: тақсирим А. шу ёвуз тузум билан тирик эди, шу ёвуз тузум унга шон-шуҳрат, қобилият, шараф келтирганди, шу тузумни фош қилишга ўз ҳаётини бахш этди, тушу ҳушида унга тошлар отди, охири тузум иморати қулади, у энди ўзини бахтли ҳис қилса бўларди, бироқ бундай бўлмади. У менинг қўшним эди. Чет эздан қайтгач, уни кўриб қолдим: шундай савлат, шундай шавкат эгаси муштдай бўлиб қолибди — шунда тақсирим, мен қарши курашган тузум унинг умрига айланиб қолганини, тузум қулаши билан унинг шавкати, умри, умиди ҳам қулаганини англадим. Асли тузум унинг умри эди, у А.ни буюк қилганди, қулагач эса А. нима қилишни билмай лол қолди. Ахир унинг бутун умри, лаҳзалари, сониялари тузумни фош қилиш йўлида шакланган, ўсиб улғайган эди. Тузум қулагач, у унут кўчаларнинг бирида масту аластлар ичида хору зор бўлиб ўлди. Тақсир, тузум унинг исми, орзу-умиди ва ҳатто ҳаёти эди, у ўз исми ва орзу умиди билан муҳарабо қилиб ўтган

эди. Бу сизга одам ҳаёти ҳақидаги ҳақиқатни англа-
маяптими? Одамнинг ҳатто итчалик қадри, итчалик
обрў-эътибори йўқлиги сизнинг кўзингизни очмаяп-
дими? Умр бу осмонга тупуриш, сўнг осмондан туш-
ган тупугини ютишдир. Бошқа ҳеч нарса эмас. Ярат-
ган нега одамга ўз қиёфасини берганини тушуна ол-
майман, одамдан ҳатто калтакесак ҳам бахтиёрроқ ҳаёт
кечиради, умрини мазмунли ўтказади, ҳеч қурса яшаб
бўлгач, афсус тиканлари билан юрагини қонатмайди,
пушаймонлик қабрида ётмайди. Фарзандларим ва шо-
гирдларим феъл-атворлари, хатти-ҳаракатлари илгари
мени қанчалик қувонтирган бўлса, энди шунчалик ха-
вотирга соларди, ўғилларимнинг кўзлари, тобора чўққи
соқолнинг кўзларига ўхшаб борар, у ердаги нафрат
ҳам тобора катталашмоқда эди ва улар меҳрибонлик
қилаётганларида ҳам мен улкан нафратни сезиб ту-
рардим. Ўғилларимнинг издошлари ҳам тобора кўпая-
ётган, улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, нималаргадир даъват
қилиб юришар, тунда ғойиб бўлишарди. Ўғилларим
мендан ҳам ўтиб тушган нотик бўлдилар, улар маъру-
за қилишар экан, уларнинг нотиклиги ва мантиқлари-
дан қанчалар севинмай, бу маърузахўрлик ва мантиқ-
лар мени хавотирга сола бошлаганди, улар энди мен
билан ҳисоблашмаётганлари шундоқ кўзларидан мен-
га кўрсатаётган, тагида улкан жарлик тургандай қили-
наётган хавотирли ва заҳархандали меҳрибонликлар-
дан кўриниб турарди. Тақсир, мен ўзимга меросхўр,
издош, насддош яратаман деб, чўққи соқолнинг ме-
росхўрларини яратиб қўйганим менга бир ота сифа-
тида ғоят алам қиларди. Тақсирим, сиз бир умр кеча-
ни кеча, кундузни кундуз демай, бутун ҳаётингизни
қувончу вамларингизни, мусибату ҳасратларингизни,
азобу фароғатингизни бахшида этиб, мендан кейин
ҳам менинг яратганим, шу иморат меники эканлиги
билиниб турсин дея кўзёшлар, қайғулар, бахтиёрлик-
лар аралаш сониялар, лаҳзалар, дақиқалардан бир имо-
рат тикласангизу бир куни бу иморатга мутлақо нота-
ниш, ёт бир одам кириб олса, яна устига иморат дар-
возалари фақат унинг имоси билан очилиб ёпилса ва
сиз, иморатни яратувчи хору зор бўлиб кўчада қола-
версангиз, сизга алам қилмайдими? Болаларим нақ
чўққи соқолнинг ўзига айланиб бўлишган менда шун-
дай ҳис қолдирарди. Аста-секин мен ишдан, маъруза-

лардан чарчай бошладим. Тўғрироғи, ҳафсалам пир бўлди — балким бу ростдан ҳам болаларим айтгандек, кексалик белгисидир, балким бор кучимни сарфлаб, энди ҳеч нарсага ярамай қолгандирман, билмадим, ҳар қалай, ҳамма нарсадан кўнглим совуб, маърузаларим совуқ ва руҳсиз ўта бошлади. Мен бир нарсени билишга, тагига етишга қизиқардим: у ҳам бўлса чўққи соқол қандайин сеҳр жодуга, афсунга эга эдики, мен орқали ўзини ярата олди: аввал мени ром қилди, сўнг менинг сўзларим, маърузаларим, ҳису ҳаяжонларим, китобларим, сўзларим ва пушту камарим орқали аста-секин, бироқ айнан ўзини яратди экан? Бу ерда қандай синоат, қандайин рўё мавжуд? Ана шу туйғу ҳаётим саҳифаларини йиртиб, қабр турган бетга яқинлашганим сайин мени кўпроқ безовта қила бошлади — эҳтимол, бу ўлим олдидаги масъуллик, яратган қаршисида ҳозир бўлишдан олдинги хавотирдир. Фарзандларим менга эътибор беришмас, китобдан янги-янги изоҳлар, янги-янги шарҳлар топишар ва тинмай даъват қилишарди ва бу ҳолат мени яна ҳам кўпроқ ташвишга солар, мен ўзим ёққан аланга олдида ўзим оловсиз қолгандек эдим: аланга эса атрофимдаги ҳўлу қуруқни баббаробар куйдириб, кул қилиб борарди. Ўғилларимнинг иқтидори менга тушунарли ва фахрли эди. Кенжа ўғлим бироз жиззаки бўлиб ўсди. Хотинимнинг эрта ўлими унга ўз таъсирини кўрсатган, у ҳеч нарсага кўнгли қўймайдиган бағритош ва шафқатсиз эди. Унинг кўчадаги болалар билан уришганини кўрганман, у тагига босиб олган боланинг тўғри келган ерига муштар, биров аралашмаса уни майиб қилиб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Бироқ китоб унинг ҳам ҳаётини ўзгартириб юборди: унинг бағритошлиги бора-бора одамовиликка, ёлғизликка етаклади уни: у ўз шафқатсизлиги, жиззакилиги билан ёлғизланиб қолди: ёлғизлик унга ўз куч-ғайратини нимага сарфлашни кўрсатиб берди. Таксир, фарзандларимнинг ҳаммаси ҳам ўзига хос ижодкор эдилар, китоб таъсирими ёки бу узун кечалари санъат ҳақидаги оилавий мунозараларимизнингми фарзандларим ҳам нафақат китобпарвар, санъатсевар бўлиб етишдилар. Кичик ўғлим мусиқада бир неча мусобақалар ғолиби бўлди, унга мусиқа аҳли умид ва қизиқиш билан қарай бошладилар, унинг келажаги порлоқ бўлишини башорат қилишар-

ди. Бирок тинимсиз хаёл сурганча қандайдир музыка устида ишларди. Катта ўғлимнинг суратлари кўргазмалар залидан жой олганда менинг бахтиёрлигимни кўрсангиз эди. Икки ака-ука икки соҳада бир бири билан мусобақа қилаётгандай эдилар. Тақсир, санъатдан хабарингиз бўлса, бу жуда машаққатли касб, у қийноқлар, адашишлар, изтироблар эвазига дунёга келади. Қайси санъаткор адашиб, ўзи изтиробига қоврилиб, яратмаса у ҳақиқий санъаткор эмас. Адашмай санъатда тўғри йўлни бирдан топганлар ё ёлгон санъаткор ёки даҳо бўлади. Ҳатто даҳолар ҳам ўзларининг юксак шон-шавкатларига адашиб-адашиб етиб келадилар. Адашаётган одам йўл излаётган одамдир. Ўғлимнинг суратида қаҳрли, инсонни ваҳмга солувчи қиёфалар пайдо бўлганда мен ана шу юксакликка кўтарилиш йўлидаги изланиш деб ўйладим. Аммо йиллар ўтган сайин суратлар яна ҳам мавҳумлашди, унда фақат бир чехра, ҳа, ҳа, тақсирим, ўша харобада китобини ўғирлаган чўққи соқолнинг зарангдай чехраси акс эта бошлади. Ўғлим йўлини йўқотганга ўхшар, фақат бир суратни қайта-қайта чизаверарди. Бу зулмат ичидан сизга қаҳр ва бироз масхара билан ўсиқ сочлар, увада ва узун ҳирқа, устихон қиёфа, ўсиқ қошлар орасидан боқиб турган ва тикилгани сайин сенга шунча яқин келадиган, вужудингни қаҳр тўла қорачиқларидан отилган кўрқув тўлдириб оладиган, бир қарашдаёқ умр бўйи эрдан чиқармайдиган ўша чўққи соқол чехраси балқиб турарди. Ўғлим энди суратлари устида тинмай ишлар, фақат тамадди қилишгагина ошхонага чиқарди. Мен унга халақит бермасдим. Фақат бир марта ундан шунчаки: «Нега бир хил сурат чизасан, бу қиёфани қаердан олдинг?» деб сўрадим. У менга ажабланиб тикилди-да: «Мен ҳамиша сизнинг суратингизни чизишга ҳаракат қиламан, суратни чизиб бўлгач, шу қиёфа пайдо бўлади» деди. Тақсир, мен унинг рост сўзлаётганига ишондим ва кўрқиб кетдим. Ўзимни ойнада роса кузатдим, қаерларимдир қариган сайин суратдаги қиёфага ўхшаб борарди, бироқ суратдаги одам ёш эди, нари борса қирқлар атрофида эди. Шамол қувиб юрган булутлар бирдан мовий осмонни қоплагандек менинг юзимни машаққат ва азобга тўла ажинлар қоплаб олганди. Ўғлимга буни билдирмадим. Балким у мени айнан суратдагидай тасаввур қилгани учун

шундай чизаётгандир? У энди мустақил фикрга эга, бировларнинг фикрига оғмайдиган ёшга етганди. Мен умуман фарзандларимнинг шахсий ишларига аралаш-шишни ўзимга муносиб кўрмаганман. Уларни мен эмас, китоб кўпроқ тарбиялаган десам хато бўлмайди. Бир куни кичик ўғлим ҳаммамизни хонасига таклиф қилиб, ўзининг буюк кашфиёт қилганини ва ускуналарсиз мусиқа яратганини айтди. Унинг таклифи мени бироз шошириб қўйди: у узоқ йиллардан бери биринчи марта очилиб, гаплашиши ва ўз қувончини бирга баҳам кўриши эди. Ўша куни ўғлимнинг кўзларида зафар ва ғолиблик ифодаси акс этган, ўзи улуғвор қиёфага кирганди. Тақсир, одам фақат яратаётганда шундай қиёфага киради, одам фақат бирон нарса яратган лаҳзалардагина яратувчининг нақадар улуғлиги ва қудратини ҳис этади. Бу ҳис ҳар бир одамга таниш. Бизнинг ишларимиз ўша яратган, яратганнинг яратганларидир. Ўғлим ўша куни ердан мутлақо узилганди, уни кўри-боқ майда-чуйдаларга ўралашган, фосиқликдан иборат ҳаётимиз нақадар бачкана ва тубанлигини ҳис этгандим. У ўз кашфиётини «қўрқув мусиқаси» деб атади. Унда ҳеч қандай ускуна иштирок этмасди. У бизга магнитга ёзилган мусиқасини қўйиб берди ва «Ҳозир Бетховеннинг машҳур мусиқасини эшитасизлар» деди. Тасмадан пақ-пуқ, гумбурлаш, ўқ овозлари, яланғоч елкага тушаётгандай қамчининг шарап этган товуши эшитиларди. Бу ростдан ҳам Бетховен эди, тўғрироғи, унинг «еттинчи симфонияси»нинг ноталари эди, ўғлим милтиқ, қамчи ва одам ингроқларини йиғиб, шу нотага қўйиб чиққан эди. Ора-сира гумбурлаш эшитилар, сўнг яна кимларнингдир қайноқ аралаш чинқириқлари келарди. Мен аввалига ҳеч нарса тушунмадим, бу шовқинларнинг мусиқага нима даҳли бор, деб ўйладим, сўнг бирдан ўғлимнинг асл ниятини англаб қолдим. У ўзининг «қўрқув мусиқаси»ни ўлимни, зўрликни англатувчи товушлар эвазига қурган эди ва бу товушларни санъат деб атаётганди. Тақсир, бир тасаввур қилинг-а, сиз Бетховен мусиқаси ўрнида худди ўша ноталарни акс эттирган милтиқ ва қалтак зарбини эшитиб турсангиз, илоҳий оҳанглар ўрнини инсонни ваҳмга солувчи гумбурлашлар, янгроқлар эшитилса ва буни сизга Бетховен симфонияси деб таништиришса?! Қон тўкувчи ва инсонни ҳаётдан маҳрум

этишдан дарак берувчи товушлар гўзал муסיқа ўрнида жарангласа? Зўрлик кишида ҳамиша нохушлик уйғотади, бироқ бу даражада муҳаббат уйғотолмайди. Зўрликни, ўлимни севиш ва унга ўзликни бахшида қилиш учун одам ақддан озишдан ташқари яна бир нарсага эга бўлиш керак: иблиснинг юрагига... Бу жозоба ва оҳангдан ҳоли, инсонни қўрқувга солиш учун ёзилган қатл муסיқасига ўхшарди. Биз яратган, ато этган товушлар ҳиссиёт овозини эмас, милтиқлару қамчилар овозини эшитиб турардик, хаёлга ҳамма нарса ни босиб-янчиб ўтувчи ва изидан фақат мурда ва жасадга тўла харобалик қолдирувчи жуда улкан машинани эслатарди, бу ҳеч сўзсиз оламшумул кашфиёт эди: уни эшитгандан сўнг хаёлингизда ҳеч нарса қолмасди. Ўғлим бу товушларни битталаб йиғган, сўнг Бетховен нотасига танлаб-танлаб қўйиб чиққанди. Бунинг учун унга қанча вақт керак бўлганини билмайман, бироқ бу ниҳоятда оғир ва мушкул иш эди. Чунки товушлар турли хил бўлиб, ҳар бири шу нотага мос бирма-бир танлаб олинганди. Мен ўғлимга: «Бу қирқин муסיқаси нега зарур» деб сўрадим. У ўша улуғвор қиёфада: «Бу инсониятнинг янги муסיқаси бўлади», деди. Мен у билан тортишиб ўтирмадим. Ҳозир унга ҳеч гап қор қилмасди. У ўз кашфиётининг шавқи билан ҳамма нарса ни унутганди. Мен индамай хонамга чиқиб кетдим ва у ерда хонадонимизнинг сеvimли муסיқаси бўлган «7-симфонияси»ни қўйдимда, хаёлга гарқ бўлдим. Нимадир мени қаттиқ хавотирга солиб қўйганди, ўғлимнинг муסיқасидан мудҳиш ниманингдир ҳиди келарди. Мен яна икки киши бўлиб қолгандим: «битта мен» ўғлимдан фахрланар, «иккинчи мен» хавотир остида яшарди. Ичимда улар яна бир-бири билан жанг қила бошлади. Тақсир, мен шу ўтирганча ором курсида мизғиб қолибман. Бир маҳал кимдир тикилиб турганини сезиб, чўчиб уйғониб кетдим, тун чўккан, вақт алламаҳал бўлган, деразадан ойнанинг шуъласи хонага ўрмалаб кирар ва шарпани ярим ёритиб турарди. Қаршимда узун, қирра бурун, хирқа кийган чўққи соқол қараб турарди.

— Кимсиз, — дедим эсхонам чиқиб. — Бу ерга қандай кириб қолдингиз...

— Ўғилларинг мени чақирди, — деди совуқ ва қуруқ оҳангда. Энди уларга ҳақиқий устоз керак.

Мен яқинимда турган, ўғлим чизган суратни олиб қарадим во ажаб, у ерда акс йўқ эди? Бўёқлар, мато жойида турар, бироқ одам сурати йўқ, булар ҳаммаси рўёдай эди.

— Кимсиз ўзи? — дедим мен қўрқиб кетиб, у яна истехзоли кулди. Унинг юзида кибр, зафар ва ғолиблик акс этарди.

У эшикни очиб ғолибона тиржайиб чиқиб кетди. Изидан эшик гурсиллаб ёпилди. Унинг изидан чиқишга ботинолмадим, у шундай ҳукмфармон қилиб гапирган, кўзларида шундай қудрат бор эдики, мени жойимга михлаб ташлади. Ўша кеча қўрқув билан алаҳсираб чиқдим. Эртасига ўғилларим улфатлари ичида узун бўйли, чўққи соқол қўйган одам пайдо бўлди. У мен кечаси туш аралаш кўрган одамга жуда ўхшар, бироқ у жуда ҳам ёш, навқирон эди. Шу кечаси юз берган воқеа ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демадим. Ўғилларим отамиз қариб, ақлдан озибди, деб ўйлашлари мумкин эди. Ўша кундан бошлаб менинг ўзимда ҳам китобга нисбатан ҳеч кимга айтиб бўлмас шубҳа пайдо бўлди. Ана шу шубҳа мени адойи-тамом қилди. Чўққи соқол йигит тезда ўғилларим улфатлари ичида эътиборли кишига, тўғрироғи, уларнинг раҳнамосига айланди. Улар унинг чизган чизигидан чиқмасдилар. Мен ҳеч кимдан бу ким деб сўрашга журъат этолмадим, саволим ўғилларимда менга нисбатан турли гумонлар пайдо қилиши мумкин эди, бундан ташқари ич-ичимда бу йигит гўё менинг ўзимдай ва ўзим шу одам орқали ўғилларимга раҳнамолик қилаётгандай бўлиб туюлардим. Ахир бу одам ичимдан чиқиб кетганини менинг ўзим кўрган эдим-да. Ана шу хавотир ва ғурур менинг кунларимнинг мазмуни эди. Ичимда бир улкан тошқин бошланган, хавотир ва ғурур шу тошқиннинг икки қирғоғи эди. Мен чўққи соқолдан ҳам хавотирланар, ҳам ғурурга тўлардим, уни менинг ўзим яратгандай, ўзим дунёга келтиргандай эдим, ўғилларим чўққи соқол қиёфасида менинг изимдан эргашаётгандай эди. Бироқ бу дамлар ҳам узоққа чўзилмади. Яратганнинг даргоҳи кенг экан. Ҳаёт, яшаш, болаларим, чўққи соқол китоб ҳақидаги ўйлар хаёлимни банд этган кунларнинг бирида ўзим тенги ва қаерларидир менга ўхшаб кетадиган одам билан учрашиб қолдим; гарчи у тақдири, ҳаёти ҳақида гапирма-

ган бўлса-да, кўзларида тўниб қолган улуғ ғамни кўриб, у ҳам мен каби адашган бир банда эканлигига ишондим ва ана шу ишонч у билан ҳар қандай масала ҳақида очиқ гаплашиш имконини берди ва биз тезда жуда иноқ бўлиб кетдик. Ўфилларимдан хафа бўлишни ҳам билмай кўнглим ғаш бўлиб кечки пайт айланиб юргандимда, худди сизни учратгандай, уни ҳам шу хиёбонда учратдим. Тақсир, ўтирғичда ўтирарканман, у қаршимда пайдо бўлди: Бирдан, осмондан тушдими, ерданми, билолмадим. Уни нақ бошим тепасида турганини кўрганимда бироз довдираб қолдим. Шарт туриб кетмоқчи эдим, бироқ у жуда мулойим, айбдор товушда «Ёнингизда ўтирсам бўладими?» деб, илтифот билан сўради. Унинг овозидаги назокат мени тонг қолдирди: қандай бош силкитганимни билмайман, у яна ҳам назокатлироқ қилиб «раҳмат» деди ва ёнимга чўқди.

— Кўп сиқилаверманг, — деди у ўтириб олгач, — бу ерда сиз эмас, мен кўпроқ айбдорман. Мен у бирон бошқа кишига гапирадими деб, атрофга алангадим: ҳеч зор йўқ эди. Унинг нега томдан тараша тушгандай гап бошлагани менга бироз эриш туюлди.

— Сиқилаётганимни қаердан биласиз, танимаган одамга бундай дейиш одобдан эмас, — дедим бироз жаҳл билан.

— Жаҳлингиз чиқаяпти-ю, бироқ бор гап шу: ҳаммасига мен айбдорман. У ўйлайди, ўфилларингиз ижро этади, — деди кўзларини мутлақо бошқа томонга — осмонда юз кўрсатаётган юлдузларга тикиб.

— Кимсиз ўзи, — дедим унинг бироз сурлигидан баттар аччиғланиб. — Ўфилларимни қаердан танийсиз? «У» деганингиз ким?

— Ҳаммасини ўз вақтида билиб оласиз, — деди у менга қарамай ҳам. — Мен ўз наслимни тавқи лаънатга йўлиқтирдим, энди эса жазосини тортаяпман.

Шундай деди-да, у қандай пайдо бўлган бўлса, шундай, худди шарпадай ғойиб бўлди.

Унинг сўзлари мени тонг қолдирди. Кимлигини билмасам ҳам юрагимда унга нисбатан яқинлик пайдо бўлганди. Тақсир, аҳволу руҳиям умрида отасини кўрмай ўсган йигит отасини учратиб, шу ўзининг отаси эканлигини кўнгли сезгандай мени ғалати бир соғинч, ингилиш қоплаб олган эди. Эртасига у яна кел-

ди. Бироқ мен ва ўғилларим ҳақида овиз очмади. Биз бошқа нарсалар ҳақида гаплашдик. У менга қандайдир таъқиқланган дарахт ҳақида сўзлаб берди: «Ўшанда мен ҳам сиз каби ҳали бунинг оқибати нима бўлишини билмасдим. Мени нафсдан кўра ўша таъқиқни бузиш, биздан яширилганнинг тагига етиш ҳисси қизиқтирганди. У алланималар деди. Воқеа менга қоронғу бўлгани учун унинг сўзлари ёдимда қолмади, фақат у улуғ бир дард, улуғ бир паришонлик билан гапираётгани учун унинг мусибат сели оқиб турган юзи эсимда қолди. Мен у билан тузукроқ танишмоқчи бўлдим ва уни уйимга таклиф қилдим. «Бораман, — деди у худди менинг таклифимни олдиндан билгандай. — Бироқ ҳозир эмас. Ҳозир сиз ўзингиз ким эканлигингизни англаб олинг. Сизга кўп нарса гапиришим мумкин, аммо ҳозир сиз ҳаммасини ўз бошингиздан кечирмагунча тушунмайсиз». Биз бошқа бу ҳақда гаплашмадик. Мен унга китоб, уни қандай топиб олганимни гапириб бердим: ичимда мислсиз саволлар қалашавериб, олов олишига тайёр турган ўтинхонага ўхшаб қолган, унга тазарру қилаётгандай ичимдаги ҳаммасини тўкиб солиб, енгил тортмоқчи эдим. У гапларимни эшитиб ажабланмади, менга маслаҳату ўтитлар бермади; «Бу ёздиғ, бутун инсоният пешонасига ёзилган ёздиғ», — деди, холос. Унга гапириб бериб, бироз енгил тортгандим. Шу сабабли уни ҳар куни кўргим келар, кўнглим ўтинхонасида олов бўлишга шай турган чўрларни ковлаб, совутардим.

Уйим эса қандайдир билинмас, кўринмас жанг майдонига айланиб борар, чўққи соқол уйимга ташриф буюра бошлагандан ўғилларимда ғалати ўзгариш сезилган, улар сирли, индамас, кибрли, нозик таъб, сиркалари сув кўтармас бўлиб қолгандилар. Бир куни катта ўғлимга уйга жуда кеч қайтаяпсан, қаерларда юрибсан, деб койидим. Ўғлимнинг юзи бирдан ўзгарди ва менга ўқрайиб қаради. «Энди ёш бола эмасман, сиздан ҳар бир нарса учун рухсат сўрайдиган» деди ва индамай хонасига кириб кетди. Ўғлимнинг гапи кўксимга пичоқдай ботди. Унинг менинг юзимга биринчи марта тик боқиши ва дағал гапириши эди. Ҳаётда ота-бола ўртасида бу хил гап-сўзлар ҳар қандай оилада ҳам юз бериб туради. Аммо биринчиси ҳамиша оғир кечади. Ўғлимнинг дағаллиги ҳеч ёдим-

дан чиқмас, уни ҳазм қилолмасдим. Иккала ўғлим ҳам энди алламаҳалгача қайдадир дайдиб юришар, хавотирланиб, қайтгунларича ухламай ўтирар, улар ярим кечаси эшикни шарақлатиб очиб, намойишкорона кириб келганда, уларга бирон оғиз танбеҳ беролмасдим. Ўғилларим бирдан ўзгарган, кун узоғи хоналарида банд бўлар, кечга яқин ғойиб бўлишар, алламаҳалда қайтиб келишарди. Уларнинг феъл-атвори, хулқи, гапириш усуллари ўзгарганди. Мен уларни ким, нима бунчалик ўзгартирганини билолмай ҳайрон ва азобда эдим. Охири, тақсир, чидолмадим, ўғилларимни кечаси нима билан машғул бўлишларини билгим келди. Ахир, мен отаман, фарзандлар тарбиясига масъулман.

Бир куни ишдан қайтиб, катта ўғлимнинг йиғлаб, сажда қилаётганини кўриб қолдим; бу ўша эди, ўша чўққи соқолнинг ўзи эди, агар уйимда бўлмаганимда ва шу китоб ўқиб, йиғлаб, сажда қилаётган вужудни ўзим яратмаганимда ва унинг қонида менинг қоним оқаётганини, ҳатто шу йиғлаётган пайтда ҳам сезиб турмаганимда уни ўша соқолнинг ўзи деб ўйлаган ва арвоҳларга ишонмайдиган мендек одам қанчалар даҳшатта тушган бўлардим. Бироқ бу чўққи соқол ўғлим эди; у сажда қилар экан, унинг кўзларида йилт этиб кетган нафратни кўриб қолдим ва бирдан ваҳимага тушдим. Сўнг талабаларнинг, фарзандларимнинг, ҳатто қизимнинг ҳам ҳар бир хатти-ҳаракатини кузата бошладим. Йўқ, тақсир, мен адашмаган, шубҳамни ҳомиладор қилган нарса мавжуд эди; ўғилларим, қизим, толиблар — ҳаммаси ўша чўққи соқолнинг ўзи эди — у китоб орқали мана шу ёш, навқирон, қалби ўзининг китоби сухуфига тўлган йигитлар қиёфасида қайта тузилган эди. Чўққи соқол давраларга қўшилгач, ўғилларим ҳаракатчан, тиниб-тинчимас бўлиб қолди. Катта ўғлим икки марта суратлар кўргазмасини ўтказди ва катта шов-шувларга сабаб бўлган бу кўргазма туфайли ўғлим энг машҳур кишига айланди. Кичик ўғлим аввалига кичик-кичик, сўнг катта-катта залларда мусиқа чала бошлади. Уни уч марта хорижга жўнатишди, учаласида ҳам уни олқишлар билан кутиб олишди. Орзуларим тўлиқ амалга ошганди, болаларим ўзларидан ўчмас из қолдирадиган кишиларга айланган эдилар. Энди уларни йўлдан оздириш ёки адаштириш мум-

кин эмас, иккаласи шухрат лаззатини тортиб кўрган, энди ундан ҳеч қачон айрилгиси келмай, яшашларига иймоним комил эди. Аммо хавотир мени тарк этмасди. Мен ўғлимнинг мусиқаси қандай қилиб олқишга сазовор бўлаётганини тушунмасдим: ё мен ёки одамлар ақлдан озган эди: ахир зўрлик ва сизни майиб қилишга мўлжалланган мусиқани қандай қилиб мусиқа деб аташ, уни олқишлаш мумкин. Ё дунё ўзгарган, ёки мен ғафлат уйқусида қолиб дунёдаги ўзгаришлардан, унинг завқи ва дидидан бебаҳра қолганман. Мен газетлардан ўғилларим чўққи соқолни ўзларига устоз деб аташаётганини ўқиғач, баттар хавотирлана бошладим. Чўққи соқол худди мени масхара қилгандек, уйимизга кириб келар, ўғилларим илтифоти ва иззат эътибори орасида менга бирров кўз ташлаб олар, унинг кўзида истеҳзо, заҳарҳандалик балқиб турарди. Бир кун оилавий баҳс мунозара пайти қизим қора муқовали китобдан нимадир ёд айтиб, акаларига нимадир тушунтирмоқчи бўлди. Қизим шундай эҳтирос ва ҳаяжон билан гапирдики, шу пайтгача қизимга деярли эътибор бермайдиган чўққисоқол ҳайрат билан унга тикилиб қолди. Унинг нимадан ҳайратга тушгани мен учун қоронғу эди, зеро, китобдан хоҳлаган варақни ёд айтиш бизнинг оилада ҳайратланарли воқеа эмасди. Нима бўлганда ҳам чўққи соқол хонадонимизнинг доимий меҳмонига айланди. У ўғилларим билан нималарнидир муҳокама қилар, сўнг кечга яқин бирга чиқиб кетишарди. У қизимга ҳам ғоят илтифот ва назокат билан муомала қиларди. Мен тез орада чўққи соқол икки ўғлим билан икки хил муносабатда бўлишини сезиб қолдим. Катта ўғлим билан ёлғиз қолганда унинг сувратларини мақтар, бу ҳунар санъатлар ичида энг юксаги, сен эса ҳаммадан буюксан дерди. Кичик ўғлим билан қолганда мусиқани мақташга тушар, ўғлимни юксакликнинг олий поғонасига олиб чиқиб қўярди. Мен аввалига бу ҳол ҳар бир устозга хос фазилат, бу далладан бошқа нарса эмас деб ўйладим. Бироқ, аста-секин ўғилларимда кибр, такаббурлик пайдо бўлганини англаб қолдим. Улар ўзларидан бошқа барча нарсени инкор қилар, барча нарсадан қусур излашарди ва ҳар бири ўзича чўққи соқолга ёқишга ҳаракат қиларди. Кибр аста-секин ака-ука ўртасида ҳам билина бошлади. Улар бир-бирларининг асарла-

рини ижирганиб кузатишар, ёки мутлақо эътибор беришмасди. Катта ўғлим кўргазмалардан соврин билан қайта бошлади. Унга эътибор кучайди, хожиликлардан кўргазмага таклифлар тушди. Бу обрў-эътибор кичик ўғлимга малол келар, катта ўғлим ўз ютуқларини гапираётганда индамай хонасига кириб кетарди. Чўққи соқол ҳар сафар ўзини ҳайратланган каби тутар, тошдай қотиб ўтирар, мусиқа тутагач, ўғлимни кучиб ўпар ва «даҳоларнинг даҳоси» деб бақирарди. Унинг овозида қандайдир сохталик, ясамалик бордек туюлар, лекин у буни ҳеч қачон сездирган эмасди. Ўғилларим эса унинг мақтовидан маст бўлиб қолишар, бошлари кўкка етиб, юзлари кибр ва шон-шуҳрат ифодаси билан ёниб турарди. Тақсир, ўғилларим не мартабага эришган, қаерда ўзлари ҳақида гапирган бўлишса, унда чўққи соқол ҳам бор эди-ю, бироқ мен йўқ эдим, мен худди йўқдек ҳатто эслашмасди. Бу менга алам қилар, бироқ ҳеч кимга дардимни ёролмасдим. Ўғилларимнинг чўққи соқол қиёфасида сенга сажда қилаяпмиз деган эътирофларидан кўрқардим. Бу мудҳиш эътироф эди. Чўққи соқол энди уйимизда ётиб қолар, қизим унинг нақ чўрисига айланган, кирини ювар, хонасини бадбўй ҳидлардан тозалар, доимо қайсарлик — ўжарлик қиладиган қизим уни кўрган да мулойим — юмшоқ бўлиб қолар, доимо унинг бирон танбеҳ беришидан чўчиб турарди. Мен унут бўлган одамга ўхшардим. Ўғилларим билан кечқурун дастурхон бошида учрашардик. Бу учрашув ҳам чўққи соқолнинг ваъзлари билан якун топарди. Мен бу ваъзлардан шу нарсани англадимки, чўққи соқолни ўғилларимнинг муваффақиятлари қониқтирмас — унга қандайдир улуввор мақсадлар ҳақида гапирарди. Унинг гапича, санъат қачон инсонни истаган йўриғига бошлай олса, ёки истаган қиёфасига кирита олса, ўшанда бу улув санъат бўларкан. Бу гаплар мени ваҳимага соларди. У одамларнинг санъатга қул бўлишини талаб қиладиганди. Тақсир, сизга бу гаплар унчалик ваҳимали туюлмагандир. Менга ҳам бошида бу чўққи соқолга ҳасадим келганидан менга шундай туюлган бўлса керак деб ўйладим ва имкони борича ўзимни босишга, овунтиришга ҳаракат қилдим. Бироқ бир куни ўғлимнинг хонасидаги суратга кўзим тушгач, бекорга ваҳмага тушмаганимни англадим. Суратда кенг ва бийдай

дала қайдандир қўнғир рангли тоғга бориб туташар, кун шафақ пайти, тоғ чўққилари ортида сўнаётган ярим қуёшнинг атрофга хира нур сочиб тургани тас-вирланганди. Далада одамларнинг суяклари қалашиб ётар, улар қоп-қора эдилар. Тоғда қалашиб ётган су-яклар ва қовжираган майсалар, минглаб саждага бош қўйган одамлар бошида кўзларини кўкка найза қил-ганча қоп-қора кийимда улуғвор ва голиб қиёфада чўққи соқол турар, у ўзига сажда қилаётганларга кибр ва музаффар нигоҳини қалаб, гўё қўли билан кўкни парчаламоқчидай турарди. Суратнинг тагига «Исён» деб ёзилганди. Мен ана шунда санъат кимга ва нимага хизмат қилаётганини ва одамларни не учун бошқари-ши ва қул қилиши кераклигини англаб қолдим. Ора-дан икки-уч ой ўтиб, бу сурат ҳақида шов-шув бош-ланди, ўғлим шуҳратнинг янги пиллапоясига кўтарил-ганди. Бу суратни «Дунёни тозалаш ва ўзгартириш» дея баҳолашарди. Мени эса дунёни кимнинг номидан, ким учун ўзгартириш ва тозалаш зарурлиги аён бўлгани учун ўғлимнинг иқтидори ва қалами кўрқувга сола бошлаганди. Чўққи соқол айтганидай бу сурат бутун афкор оммани жодулаб қўйган, ҳамма шу сурат ҳақида гапирарди. Сурат янги ижтимоий фикрни ўртага таш-лаганди. Йўқ, тақсир, бу унчалик янги фикр эмасди. Дунёни оёғи остида топтамоқчи бўлган ҳар бир телба ўз ғояларини «дунёни ўзгартириш» деб атаганди. Мен ўғлим ва унинг санъати кимга ва нима учун хизмат қилаётганини англаб қолган ўша кундан бошлаб, бар-ча нарсадан кўнглим совуди: санъатдан ҳам, дунёни қутқариш, поклаш сари қурилган маърузаларимдан ҳам, ҳаёт ва келажак сўзидан ҳам. Ҳамма нарсдан фаҳш, хиёнат ҳиди келарди, барча нарса таназзул ва йўқлик-дан дарак берар, барча нарса мазмунсиз, моҳиятсиз эди. Мен фақат зулматдан иборат ҳувиллаган бўшлиқ ичида қолган кўнглимни қанчалик алдамай у барча нарсдан ваҳима ва даҳшатта тушарди. Атрофимни ўраб олган ёлғон ва фаҳш мени бўшлиққа итариб юборган, энди ҳеч қачон бўшлиқдан чиқолмаслигим аниқ эди. Ўвилларим ростдан ҳам дунёни тозартиришга кири-шишганга ўхшарди. Чўққи соқол уларнинг илҳомлан-тирувчиси ва раҳнамолари эди. Уйимиз қандайдир мах-фий жамиятнинг қўноғига ўхшар, сирли кишилар ке-либ кетар, ҳамма бир хил қиёфада, бир хил бичимда

без, сур ва барча нарсани инкор қилувчилар эди. Мени улардаги шижоат қўрқувга солар, улар барча нарсани босиб-янчиб бўлса ҳам ўз мақсадларига эришадиган ва бунинг учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган йигитлар бўлиб кўринарди. Шундай кунларда мен ўз умрим учун энг муҳим буюк сабоқ чиқардим. Ўйлаб кўрсам, ўғилларим менинг истагим ва бутун умр интилиб ўтган орзу-умидларимни амалга ошираётган экан.

Ахир мен эмасми китобга телба бўлган пайтларим дунёни тозаломоқчи, уни ўзгартирмақчи бўлган?.. Ахир ўзим эмасми, болаларим мен эришмаган ютуқларга эришсин деб, уларни улуғ ва баландпарвоз орзулар билан тарбиялаган? Тақсир, мен умрим давомида ҳаётдан мазмун излаб, энди унинг мазмунсиз эканлигини англаб етгандим. Болаларим, менинг издошларим, менинг орзу-умидимга мазмун ато этишмоқчи бўлаётгани, нега менда бунчалик хавотир уйротмоқда? Бу чўққи соқолга ҳасад туфайлими? Ахир у менинг ичимдан чиқиб, дунё юзини кўрди, мен бўлмасам у бўлмасди, демак, у менинг ўзим, менинг ярмим. Битта ярмим танбал дунёдан мазмун излайвериб чарчаган, умид узган, иккинчи ярмим чўққи соқол бўлиб, шижоат билан дунёни ўзгартириш, тозалаш вояларини ёйиб юрибди. Ўзимни шу фикр билан совутар, уларга қаршилиқ қилишга, уларни йўлдан қайтаришга қўрқардим, улар мен тўхтаган жойдан давом эттирувчилар бўлиб туюларди. Шубҳа, хавотир ва ваҳм аро ойлар ўтди, мен эса хонамга қамалиб, дунёни, атрофимни хавотир ва умидсизлик билан кузатишдан нарига ўтмадим. Энди барча дунёни тозалаш деган касал билан оғрир, ҳамма шу тўғрида гапирар, чўққи соқол олий мартабага эришганди. Бир марта у ўғилларимга қандайдир абадийлик ва абадий ҳаракат ҳақида гапира бошлади, сўнг гап охирида «шундай кун яқин қолди, мен сизларни танладим, сизлар биринчи бўласизлар, сизлардан сўнг кўплар шу йўлни танлашади», деди. Гап нима ҳақда кетаётганини тушунмадим, ўғилларим дарров ўз хоналарига кириб кетишди, уларнинг йилтиллаб кетган кўзларидан биринчилардан бўлишини жуда истаётганини англадим. Ўғилларим шон-шухрат шоҳсупасига шунчалик ўрганиб олгандиларки, улар ҳеч қачон ўрта ё охири бўлгиси келмасди. Улар иззатталаб, кибрли бўлиб қолгандилар. Қайсидир рассом ёки

мусиқачи давримизнинг йирик намояндалари ёки да-
ҳолари сафига ўғилларимнинг исмини қўйишмаса ёхуд
биринчилардан бўлиб санамаса, беҳад хафа бўлишар
ва ўша одамни беҳад ёмон кўриб қолишарди. Шон-
шуҳрат ҳавоси болаларимни димоғдор қилиб қўйган-
ди, ростки, бирон куни газеталардан ўғилларимнинг ис-
мини ўқимасам мен ҳам хафа бўладиган, кўнглим
оғрийдиган «ҳасад қилишибди» деган фикрга боради-
ган бўлиб қолдим. Тақсир, шуҳрат ёқимли нарса, унга
эга бўлиш оғир, эга бўлгандан сўнг ҳеч қачон бировга
бергиси келмайди, ҳамма сени кўриб, типирчилаб қоли-
ши ёки ҳаяжонга тушиши, сени кўрганидан ўзини бах-
тиёр ҳисоблаши бора-бора кундалик ҳаётга айланади,
сўнг хушомату мақтовларсиз яшай олмай қоласан, ху-
шомад ва мақтов ҳаётингнинг мазмунига айланади, бу
мазмун бўлмаса сен бир пулсан. Шу сабабли уни
йўқотмаслик учун барча ишни, қўлингдан келадиган
ҳамма ишни қиласан. Болаларим шуҳратнинг энг тот-
ли даврида яшаётган кунларнинг бирида катта ўғлим-
нинг номига биринчи кескин ва жиддий танқид ёғил-
ди. Уни ёзган одамни мен анчадан бери билардим;
камтар, камсуқум, ҳеч қачон ҳеч нарсага даъво қил-
маган бир профессор эди. Уни обрўли деб бўлмасди,
бирок у ҳеч қачон беҳуда ёзмасди, ёзганларини ўзи
исбот қиладиган даражада мулоҳазали бўлгани учун
ундан қўрқишарди. У ўғлимнинг катта иқтидорини
эътироф этган ҳолда ўзининг яратган суратлари ёвуз
ният билан чизилган, инсонни масхара қилувчи ва
уни қўрқитиш эвазига арзон шуҳрат топувчи сурат-
лар дея баҳолаганди. Бу гап негадир ўғлимдан кўра
чўққи соқолга тегиб кетди. Ўғлим ўзини кўярга жой
тополмас, профессорни сўкар, чўққи соқол эса бур-
чақдан нимагадир тикилганча ўтирарди. У ғазабда эди.
Унинг совуқ кўзларидан бирон ифодани билиб бўлмас-
ди. Нонушта охирида ўғлим чўққи соқол билан хона-
сига кириб кетди. Улар нимагадир тайёргарлик кў-
ришаётганга ўхшарди. Бу танқид ўғлимга миллий му-
кофот берилиши арафасида босилиб чиққани учун
мукофотга жиддий таъсир кўрсатиши ёки умуман бе-
рилмаслиги мумкин эди. Мен ўғлимни тинчитиш ва
кўнглини кўтариш учун хонасига кирдим. Ўғлим қан-
дайдир портретни шошиб чизар, қўли бўёққа ботиб
қолганди. Салдан сўнг суратда ўша профессорнинг

қиёфаси акс этди. — Мияси ўрнига илон солиб қўй, — деди чўққи соқол. Унинг овози совуқ, бироқ ваҳмли ва қаҳрли эди. — Биз йўлимизга тўсиқ бўладиганларнинг аҳволи нима бўлишини кўрсатиб қўяйлик. Чинакам санъат қандай бўлишини бир кўриб қўйсин.

Ўғлим профессорнинг бош мияси ўрнига илон суратини чизди, сўнг сочлари орасига яшириб қўйди.

«Сен энди тайёрсан, — хитоб қилди чўққи соқол. — Сен энди энг улуғ мусаввирсан. Хоҳласанг оламини вайрон қилишинг мумкин». Мен бу гапларни шунчаки ғазабдан, мақтовга кўниккан кишилар жиззакилиги деб ўйладим ва ўғлимга «Бу кулгили, ўзингга ярашмайдиган қилиқни қўй» дедим. Ўғлим менга ялт этиб қаради, тақсир, ўғлимнинг кўзини кўриб, қўрқиб кетдим. Унинг кўзлари қонга тўлган, совуқ, ифодасиз эди — бу кўзда ваҳшийликнинг барча кўриниши жам бўлганди. Бу инсоннинг кўзи эмасди. Мен чўчиб тушдим, дамим ичимга тушиб кетди. Чўққи соқол бир четда доимгидай масхара аралаш кузатиб турарди. Мен бу ерда ортиқчалигимни ҳис қилдим. Хонамга кириб, ўғлимнинг муносабатидан хўрланиб йиғлагим келди. Бироқ негадир ўғлим билан чўққи соқолнинг болаларча жиззакилиги ва пўписаларидан кулгим ҳам келарди. Ҳа, тақсир, у пайти хавфни ҳис этганим йўқ. Орадан уч кунлар ўтгач, кўчада бирга ишлаган эски танишим ўша профессорнинг жинни бўлиб касалхонага тушганини ва нуқул «бошимда илон бор» деб бақаришини айтиб қолди. Бу хабар бутун вужудимни қалтиратиб юборди. Мен қаршимда турган ва ўзим яратган ёвузликдан ваҳмга тушиб, кечгача кўча кезиб юрдим. Уйга кирдим, бу ёвузлик ижодкорлари билан юзма-юз бўлгим келмасди. Қайсидир жин кўчаларга кирдим, сўнг кенг майдондан чиқиб қолдим. Хаёлим жойида эмас, вужудим рўё қучовида эди, ҳамма нарса кўз олдимда шаклини бузиб намоён бўларди, туман, дуду ҳид тутганди оламини. Майдонда бирдан оломонга дуч келдим. Улар йиғлашган-бақаришган қўйи сажда қилишарди. Уйдан чиқмаганим учунми ёки руҳиятим рўё оғушида бўлгани учунми шаҳар ҳам зулмат ичида қолгандай эди — сажда қилувчиларнинг юзини кўриб бўлмас, гўё қиёмат қўпгандай эди — ҳаммаёқ илтижо, фарёд ва ёвуз чинқирикларга тўла эди, булар ҳаммаси ўғлим суратида тасвирлангандай эди. Тақсир, чўққи

соқолнинг сурати эса майдон бошида турар, оломон сажда қила-қила унга томон интиларди. Кўрганларим даҳшатли эди. Оломон ақлдан озганга ўхшарди. Уларнинг илтижоларига дош беролмай уйга қайтдим. Хонамни ичкаридан бекитиб олиб, йиғлай бошладим. Бу қўрқув йиғиси, ўзи яратиб, ўзи даҳшатга тушган одамнинг йиғиси эди. Йиғи билан дунёни қутқариб бўлмайди, тақсир. Болаларимни мендан тортиб олиб, ёвузлик қуролига, ёвузликни яратувчига айлантирган тақдир билан олишиб силлам қуриган бўлса-да, охирги чорани қўладим. Ўша кеча нонушта тугагач, чўққи соқолга уйимни тарк этишни талаб қилдим. Мен у билан бир умр орани узмоқчи, болаларимни унинг чангалидан қутқариб қолмоқчи бўлдим. Болаларим менинг қароримни эшитиб анграйиб қолишди, қизимнинг қўлидаги ликопча тушиб кетди. Афтидан, фарзандларим, чўққи соқол мени ҳозир тилка-пора қилиб ташлайди деб қўрқиб кетишди, чоғи. Менинг қарорим улар учун янгилик эди: мен ниҳоят фарзандларимни ўзим истаган улуғ кишилар бўлиб етишишлари ҳақида орзумни қатъият билан енга олган эдим. Катта ўрлим нимадир деб қаршилиқ қилмоқчи бўлди, бироқ мен уни жеркиб ташладим ва «бу менинг уйим, кўпдан бери ҳавоси бузилган уйимни тозалаш ҳам менинг ишим, кимга бу қарор ёқмаса у ҳам қўшилиб кетиши мумкин», дедим. Чўққи соқол ўтирган жойида ёйилиб кудди, сўнг менга: «Бу воқеани тезлаштиради, бироқ сиз ўйлаётгандай олдини олмайди», деди. «Бунинг мен учун қизиғи йўқ, — дедим ўзимни ғазабдан зўрға тийиб. — Мен сизсиз яшамоқчиман. Тамом-вассалом». Чўққи соқол ўрнидан турди ва «ҳеч ким менсиз яшолмайди» деб тиржайди, сўнг: «Сиздан қўрққанымдан кетаётганим йўқ, сиз шунга тезда гувоҳ бўлишингиз учун кетаяпман. Мен ажралмас бўлакман». «Йўқолинг!», — бақирдим унинг гапидан ўзимни тутолмай ва унга олдимда турган пиёлани улоқтирдим. Чўққи соқол ҳатто чап ҳам бермади. Турган жойида қотиб турди, пиёла унинг қулоғи тагидан ўтиб, деворга урилиб чил-чил бўлди. «Дада, — чинқариб юборди қизим. — Ўзингизни босинг». Қизимнинг гапидан ўзимга келдим ва хонамга кириб кетдим. Ўғилларим чўққи соқолни кузатишга чиқиб кетишди. Улар алламахалда қайтишди. Биз бошқа чўққи соқол ҳақида бирон марта гаплаш-

мадик. Мен ўша кунлари елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил ҳис этардим ўзимни. Бироқ уйимиз ўлик чиққандай жимиб қолганди, ўғилларим ҳўмрайиб юришар, алоҳида-алоҳида овқатланишар, хоналарига қамалиб олиб, ўз ишлари билан банд бўлишарди. Профессор жиннихонага тушгани ҳақидаги хабар тез тарқади, шу сабабли унинг мақоласи ўғлимнинг мукофот олишига монелик қилолмади, афтидан мақолани ҳам ақддан озиш деб қабул қилишганди. Ўғлим мукофотни мен кутмаган совуққонлик билан беписанд қабул қилди. У гўё нимасинидир йўқотган одамга ўхшаб паришонхотир бўлиб қолганди. Мен чўққи соқолдан уйимни халос қилгач, бошқа бир балага дуч келдим: худди менинг асабимни ўйнамоқчи каби уйнинг қаерига борсам китоб ўша ерда пайдо бўларди. Мен айвонда юрсам айвонда, ғул хонада, кечалари оёғим тагида пайдо бўлар, гўё менга қасма-қасд, мен кутмаган, истамаган жойда китобга дуч келардим. Мен энди китобни ўқимай қўйгандим, бироқ у мени тинимсиз таъқиб қилар, менга ўзининг бутун қадди-қоматини кўрсатиб, қаршимда пайдо бўларди. Бир куни бош кийимимни излаб жиғибийрон бўлиб турганимда китоб нақ бош кийимим турадиган кийим жавонидан чиқиб қолди, жаҳлим чиқиб уни деразадан кўчага улоқтирдим: буни онгли равишда эмас, асабим жазаваси билан қилдим. Салдан сўнг бош кийимим топилиб, ўзимга келгач, китобга бўлган муносабатимдан пушаймон бўлдим. Кимнингдир паришонхотирлиги учун китоб айбдор эмаску, деб ўйладим, аммо тунда, ёмғир остида китобни излаб юришга эриндим. Эрталаб, ланж бўлиб турарканман, соатга қараш учун жойимда қўл чўздим ва бирдан ҳайратда қотиб қолдим: соат ўрнида қўлимда китоб турар, унинг бирон ерига нам тегмаган эди. Шундан кейин китобнинг гайритабиийлиги мени кўрқита бошлади. Ўрнимдан турдим, уни ўчоққа отдим. Энди у асабимни бузмас, оловда куйиб кул бўларди — мен ўчоқдаги оловга қарамаслик учун ювиниш учун кириб кетдим. Кўнглим бир нарсадан хижил бўлди, шунча йил қадрдон бўлган китобни жаҳл устида ёқиб юборганимдан кўнглим хира эди. Кечқурун ётиш олдидан ёстивимни тўғрилаётиб, ёстиқ тагида турган китобни кўриб, бақириб юбордим; у бус-бутун, бирон варағига олов зарар етказа олмаган эди. Бу воқеа

менга кучли таъсир қилди: энди китобдан қўрқа бошладим. Китобни бир неча бор автобусда, хиёбонда қолдирдим, анҳорга отиб юбордим, аммо у яна уйимда бус-бутун пайдо бўларди: шунда мен бу китобни умрим адо бўлгунча ҳам йўқотиб бўлмаслигини сездим, бу сезги ичимга қўрқув олиб кирди. Бу қўрқув мени китобни кўрганда ожиз, заиф кишига айлантирар, мендан бир сония ҳам узоқлашгиси келмасди. Аммо китоб, менимча, чўққи соқолга қараганда беозор эди. Мен ўша кунлари тўйиб-тўйиб ухлардим. Фақат ўғилларимнинг одамови ва ёлғиз бўлиб қолганлари юрагимни ғаш қиларди, улар санъатсиз яшай олмасдилар, санъат уларнинг ҳаётига айланиб бўлганди, аммо улар айнан ўйнаб куладиган пайтлари хоналарига қамалиб олиб ишлашлари, ўзлари яратган нарсаларни ҳатто мендан ҳам сир тутишлари, кечга яқин қайгадир чиқиб кетиб, ярим кечаси қайтиб келишлари ва тонггача хоналаридан йиғи ва қандайдир илтижога ўхшаш овозлар келиб туриши мени ташвишга соларди. Ўғилларим қаерга кетишини билмас, улар мен билан деярли гаплашмасди, улар учун бегона одамга айлангандим. Чўққи соқолни ҳайдаб уйимга бегоналик ва ётлик киритиб олгандик. Чўққи соқол кетгач ҳам болаларимнинг менга муносабатлари ўзгармади — улар деярли мен билан ҳисоблашмасди. Шу сабабли уларнинг ҳаётида юз бераётган воқеаларни қизимдан ёки бирон танишимдан эшитиб қолар, оиламиздаги аҳвол бошқаларни ажаблантирмаслик учун ўзимни хабардор ва хурсанддек тутардим. Мен ўғилларимнинг суҳбатини соғинар, уларнинг самимий муносабатини қумсардим, бироқ ўғилларим мендан узоқлашиб борар, мен гўё қирғоқда эдим улар бўрон ўйнаётган денгизда аста-секин номаълум томонга оқиб борардилар. Бир куни ўғлимнинг хонасига кириб ҳеч қурса улар йўқлигида болаларимнинг хонага ўрнашиб қолган ҳидига тўймоқчи бўлдим. Хонага кириб ҳеч нарсага тегмадим: турли суратлар қалашиб ётар, хона бесаришта, тўзғоқ эди. Бирдан стол устида турган қора муқовали ҳийла катта дафтарга кўзим тушди, қўлимга олиб ажабланиб, варақлай бошладим. Катта ўғлим ҳеч қачон кундалик тутган эмасди, дафтар мен учун янгилик эди. Бу кундалик дафтар бўлиб, тўлиб қолаётган, афтидан, анчадан бери ёзилаётган эди. Тақсир, мен ҳеч қачон ўғилларимнинг

на хат, на ёзишмаларини рухсатсиз ўқиган эмасман, аммо ҳозир менда ана шу сирли дафтар орқали болаларимнинг номаълум қўрғонларига ёриб кириш истаги пайдо бўлганди. Мен бу истакни енга олмадим, гарчи ичимда хижолат тошиб келаётган бўлса ҳам, уятдан қалтирай-қалтирай дафтарни варақлай бошладим. Тақсир, мен ҳозир ўғлим дафтарида ёзгани каби, айнан ёзилгани каби айтиб беролмасман, лекин шу заиф, жиноятчи ақлим билан дафтардан нимани англаган бўлсам, ўша ҳолатда ҳикоя қилишга уринаман. Ундаги ҳамма нарса болаларим ва ўзим каби жумбоқли сирли ва ваҳмли эди. Унда ҳеч қандай ой, йил, кун қўйилмаган, бир бошидан ёзиб кетилаверган, ҳар икки-уч варақдаги узилиш жойлари ва янги бошланган жумлага қараб, булар турли кунда ёзилганини билиб олиш мумкин эди.

«Отам мендан китобни ёд олишимни талаб қилди. Мен нега ёд олишим зарурлигини тушунмадим. Ёд олиш китобга муҳаббатни билдирмайди, ундан совутиш мумкин. Бироқ отамнинг жаҳдини чиқармаслик учун ёд олишим шарт».

«Отам бугун мени роса мақтади. Мен ниҳоят китобни ёд олган эдим. Отамнинг қувонганини кўриб, мен ҳам ўзимда аллақандай хушнудлик сездим. Отам қайсар, таъсирчан ва ишонувчан одам. Уни алдаш мумкин, бироқ у ўзининг алданганини ҳазм қилолмайди: менимча, у жудаям худбин одам. Ўзини тутиши ва тарбиясида худбинлик сезилмаса ҳам, ўзининг ҳар соҳада биринчи бўлиб тилга олинишини истайди. Фақат у худбинлигини зиёдинома сукут билан яшириб юради. Мен отам бизни фарзанд сифатида эмас, кўпроқ келажакда ўзининг шон-шуҳратини оширадиган издошлар сифатида севса керак деган шубҳага бордим. Шубҳамни унутганим маъқул, у ҳеч кимга ҳеч нарса бермайди».

«Икки ойдан бери бирон сурат чизолмадим, қўлим ҳеч нарсага бормапти. Ёзганларим шунчаки бўёқ, унда жонли, мен истаган нарса йўқ. Мен ўзимни қуруқ мақташларини сезиб тураман, бу менинг вазабимни қўзғайди, вазабни яшириш учун киброна жилмайиб қўяман, дарвоқе, мақтовни бундай қабул қилишни менга отам ўргатган. У ўзининг ожизлигини кибр билан енг дерди».

«Отам биз фарзандларидан дунёни ўзгартирувчилар, янгиловчилар тарбиялашни мақсад қилиб қўйганини ошкор қилди. Бугун нонушта устида «мен сизлардан бетакрор ва улуғ ном қолишни истайман» деди. Улуғлик чўққи бўлсаки, унга аста-секин чиқиб олсанг. Мен шуни билдимки, отам бир умр биздан дунёнинг мазмунини янгиловчилар етишиб чиқиши учун ҳаракат қилган. Онам меҳрибон — содда аёл эди. У бизни фарзанд сифатида яхши кўрарди. Балким отам унинг ўлимидан хурсанд бўлгандир? Чунки энди унга биздан ўзининг орзу-умидини амалга оширувчи аскарлар тайёрлашда ҳеч ким халақит бермасди...»

«Ёмғир тинди. Болалар кўчани бошларига кўтариб ўйнашяпти. Менга ҳаммаси нохуш туюлади. Ёшлигимда ҳам яйраб ўйнамаганман. Мени ҳамиша улуғ одам бўлишим керак деган фикр безовта қиларди. Бугун суратларим кўрғазмасида мени бу фикр яна кўпроқ қамраб олди. Мен, ҳамма одамларга ўхшаган бўлишим керак эмас; фақат отам истагани учун шу хулосага келганим йўқ. Кейинги ойларда отам билан ўзимни солиштириб, барча соҳада отамдан кам фарқ қилишимни англадим. Фақат отам кексариб, энди ундан ортиқ қаҳрамонликлар кутиш мумкин эмас. Шоншухрат эса қурбонликни севади. Кимнинг номига ўзингни қурбон қилишингнинг аҳамияти йўқ, муҳими нима учун қурбонлик қилаётганингни билишингда. Минглаб, юз минглаб одамларга нисбатан ўзингнинг кучли ва фарқли эканингни англашнинг ўзиёқ кишига саодат бағишлайди. Ўзини қурбон қилиш у ёқда турсин, ҳаётнинг кир тоғарасини судраб юришдан бошқага ярамайдиган одамзод энг заиф жонзотдир. У фақат эзиланиш ва қулликка ярайди. У ҳеч қачон ҳеч нарсани ўзгартирмаган ва менимча, ҳеч қачон ўзгартира олмайди ҳам».

«Ғалати афсона ўқидим. У менинг бутун шуурумни банд этиб олди. Шомон қабиласини ўз таъсирига бўйсундириш учун сеҳру жодуга эга бўлиш ниятида Иблисга ўз қалбини сотади ва энг улуғ сеҳргарга айланади. Мен Шомонни тушунаман, у энг катта қурбонлик қилган кишидир, агар у шу қурбонлигини қилмаса улуғлик супасига чиқолмасди, барчага ўхшаб на офтоб, на ой бўлиб яшаб ўтарди».

«Туш кўрибман. Тушимда қалбини сотаётган ўша Шомон мен эмишман. Шайтон тиржайиб турармиш ва агар иккаламиз бир-биримиздаги энг азиз нарсаларни алмаштирсак иккаламиз ҳам муродга етамиз дермиш. Мен — Шомон кийимида, юзим бўяб ташланган эмиш. Ғалати туш. Уйғонганимда терлаб кетган эдим. Бир-икки кун нимадир йўқотиб қўйганга ўхшаб юрдим. Нима у? Балким тушнинг нохуш таассуротидир».

«Энди аниқ сезаяпман. Отамда қандайдир илоҳий қудрат бор. Болалигимизда мен ҳамиша отамга ўхшашни истардим, у пайти у кучли, навқирон, чўрткесар ва голиб эди. Фақат мен эмас, кейинчалик унинг барча шогирдлари отамга тақлид қилишларини англадим. У пайтлари отам фахр эди биз учун. Ахлоқ заиф одамларнинг ҳимоя қуроли. Кучли одамларга унинг кераги йўқ, улар ўзгартиш ва янгилаиш учун дунёга келганлар. Отам ҳеч қачон бизга баландпарвоз насиҳатлар қилмаган. Ҳозир бирдан хаёлимга келди, отам нега бир умр чўққи соқол бўлиб ўтди экан? Эсимни танибманки, унинг соқоли иягида осилиб туради, ярашади, деб айтолмайману бироқ соқол унга виқор бағишлайди.

«Худо ожизларнинг ҳимоячисидир. Инсон ожиз қолган паллада унга сиринишни ёқтиради; қай томондан қараганда ҳам у ожизлик белгиси. Инсон ўзини тўла кашф қилмагани туфайли ҳам ожиздир. Худога ишониш инсонни ўз куч-қудратига ишонишдан маҳрум қилади. Ожизлик бошланган жойдан худо бошланади. Мен узоқ вақт иккиландим ва шуни кашф қилдимки, куч-қудрат худода эмас. Менга ҳали у бирон марта мадад қўлини чўзгани йўқ, ҳеч қурса мен унинг қудратини ҳис этганим йўқ. Аксинча, телбалик йилларимда инжиқ ва талабчан ўқитувчидан баҳо олиш учун ёки қўлим чизмага бормай қолганда вужудимни қўрқув қамраб, ожизлик пайдо бўлганда, болалигимда отамнинг шапалоғини емаслик учун китобни зўр бериб ёд олишга киришганимда, мақсадим йўлида тўсиқ пайдо бўлганда, одамлар эътиборидан қолишдан қўрққанимда, ҳар ишни негадир «Шайтон номи билан» деб бошлардим ва ҳамиша кўзлаган мақсадимга эришардим. Бугун кўргазмам очилиши олдидан ҳам «Шайтон номи билан» деб пичирладим: суратларим нақ ғала-ғовур бўлиб кетди; кўргазмага келганлар бу

кейинги барча даврнинг ноёб суратлари бўлишини эътироф этдилар».

«Отам ким ўзи? Менинг қонимда кимнинг қони оқаяпти? Нега уни кўрсам қалбим қувончу шодликларга тўлади? Нега у ўз отам, раҳнамомдай туюлади, нега уни кўрсам унга қул бўлгим келади, этакларини ўпгим, унга хуш ёқиш учун итдай хургим, ялтоқлангим келади? Нега уни кўрсам эгасини кўрган итдай ичимда бахтиёрлик, саодат уйғонади? Нега унга ўзимни бағишлагим, йўлларига поёндоз бўлгим келади. Ким ўзи менинг отам? Мени ким яратган?»

«У менга бугун сурат буюртма берди. «Менда қудрат ва буюклик бор, сенда қобилият. Иккаласини қўшиш керак» деди у. Мен рози бўлдим. Қудрат йўқ жойда қобилиятнинг кимга кераги бор?! Бу йўлда жонингни қурбон қилсанг арзийди. Ахир, Иброҳим ҳам ўғилни қурбон қилмоқчи бўлганди».

Тақсир, у алмойи-алжойи ёзишмани шу ерда тўхта-таман. Буёғининг бизга қизиғи йўқ, худди пойдевори қулаган уйнинг ўзи ҳам қулаши аниқ бўлгани каби эътиборингизни ҳозиргина ҳикоя қилинган нарсага қаратаман. Мен ҳеч қачон соқол қўймаганман. Бу жумлаларни ўқиганда мени даҳшат қамраб олди: ўғлим қайси чўққи соқолни отам деяпти? Асли улар менинг фарзандимми ёки чўққи соқолнинг? Шубҳа ва гумонлар мени кўмиб ташлади, шубҳа мевалари тагида беҳол ўтириб қолдим. Чўққи соқолни уйимдан ҳайдаб чиқариш бу меваларни ейишдан осонроқ эди: мен уни ҳайдаб чиқардим, бироқ у ўғилларимнинг қалбини ўғирлаб бўлганди. У ердан ҳайдаб чиқаришга энди мен ожиз эдим. Ўғилларим шон-шуҳрат, қудрат ва зўрликка ўз қалбларини алмаштириб бўлгандилар — ҳа, тақсир, қалбини сотган Шомон, энди англасам: ўғлимнинг ўзи экан. Бир куни бетоб ётган ва узоқ йиллар бирга ишлаган кекса ҳамкасбимни кўргани бордим. Биз узоқ гаплашиб ўтирдик. Унинг руҳи синиқ эди ва, албатта, унга аталган ҳаёт шамлари пирпираб қолганини, яқин кунларда эсажак шабода бу шамларни буткул ўчириб кетишини ич-ичимдан сезиб турардим, лекин унга ўзимни ҳам, уни ҳам алдаб далда берардим. Уйда биздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ёшлик пайтларимизни, иш соҳасидаги баҳсу мунозараларимизни эслашдик. Бир пайт зшик қўнғироғи жиринглади. «Сут олиб ке-

лишди, чоғи, — деди ҳамкасбим. — Кексалик қурсин, болага ўхшаб сутхўр бўлиб қолдим». У ўрнидан букилиб-эгилиб турди-да, эшикка йўналди. Мен парда орқасидан ҳамкасбим йиқилиб тушмасин деган хавотирда унинг хатти-ҳаракатини кузатиб турардим. У эшик сургичини машаққат билан очди ва мен эшик олдида турган кенжа ўғлимни кўриб, ҳайрон қолдим. Аввалига хавотир олдим, нимадир юз бериб, ўғилларим мени излаб юришибдимикин деб ўйладим. Бироқ менинг бу ерга келганимни ҳеч ким билмасди — уйимизда ҳукм сураётган ўлик мавсумдек совуқ сукунат ҳаммамизнинг ихтиёримизни ўзимизга берган, ўзбошимча бўлиб қолгандик. Ўғлим ҳамкасбимга нимадир берди, сўнг фиринглаб, ниманидир тушунтира бошлади. Салдан сўнг ҳамкасбим инқиллаб қайтиб кирди ва даҳлиздаёқ «Бу ёшлар ҳеч тинмайди, китоб тарқатиб юришибди, ҳар бир уйда бўлиши керак дейишади, яна фирт текин» деб минфирлади. Мен унинг қўлидаги китобни кўриб титраб кетдим — бу ўша қора китоб эди. Нима қилишимни билмай қолдим, сўнг шошиб ўрнимдан турдим-да, ҳамкасбимни ҳайрон қолдириб, ташқарига отилдим. Кўчада ўғлим ва чўққи соқол қўйган йигитлар туришар, ҳар бирининг қўлтиғида бир кучоқ китоб бор эди. Мен шунда булар ҳаммаси уйма-уй юриб китоб тарқатиб юришганини сездим: бу мени яна ҳам хавотирга солиб қўйди, ахир мен бу китоб қандай китоб эканини билардим ва ўғилларим айнан шу китобни тарқатиб юришгани менга улуғ гуноҳдай туюлиб кетди. Йигитлар менга эътибор беришмади ва нарироқдаги бино олдида яна турли уйларга тарқаб кетишди.

Оилани жамиятнинг бир бўлаги дейишади. Демак, менинг оилам бир жамият ва мен ана шу жамият ахлоқи учун ҳамиша жавобгарман. Бир куни ўзимда жасорат топиб ўғилларимнинг уйдан чиқишини кўчада пойлаб турдим. Уларни кузатишим хаёлларида ҳам йўқ, гира-ширада қайгадир йўл олишди. Ўша куни ёзилиб ёмғир ёғар, тун зулмат қўйнига чўкқанди. Ўғилларим жин кўчалар оралаб, қандайдир биноларни айланиб, узоқ юришди, сўнг қандайдир эски уйлар орасидаги тор кўчага киришди. Менга негадир бу кўчалар танишдай туюлар, лекин ёмғир остида, ўғилларим қорасини йўқотмаслик учун шошиб юрганимдан бун-

га эътибор бермасдим. Улар қоронғуда қулаган деворлари зўрға кўзга ташланадиган андак ваҳмли хароба уй эшигидан кириб кетишганда ва пештахтаси чириб, қулаб тушган эшикни кўрганымда ниманидир эслагандай бўлдим, йўқ, йўқ, тақсир, аниқ эсладим, хароба уй хотирамни худди чақиндай ёритиб, ярақлатиб юборди. Фақат хотирамда эмас, бутун вужудимда момақалди роқ бўлди. Йўқ, мен аввалига ҳеч нарса тушунганим йўқ. Мен ўғилларимни бу вайроналик ичига кириб кетганини адашишган ёки бирон ҳожат юзасидан деб ўйладим. Бироқ эшикдан ичкари кириб, вайрона деворлари орасида ярим нураган ҳужрада ёкиб қўйилган хира шам ва уни кўргач, аъзои баданим титраб кетди. Ичкарига кириб мен худди болалигимга қайтгандай бўлдим; бу ерда қулаб тушган ёки ёмғир ювиб ўтган, деворларни айтмаса, деярли ҳеч нарса ўзгармаганди. Во дариг, бутун кўча ўзгарган, замонавийлашган, ҳовли эса худди ярим аср илгаригидек хароба ҳолда ётарди. Ўша эшик, ўша ром, ўша девор, фақат ҳовли яна вайрон бўлган, йиллар деворларни ялайвериб, бир ҳовуч тупроққа айлантириб қўйганди — мен китоб топиб олган ҳужранинг ҳам томи босиб қолган, фақат икки ён девори гўё харобаликнинг ғурури каби қайсарлик билан қад кериб турарди. Мен ҳаммасини бир дақиқада англаб етдим ва одамзод азалдан тавқи-лаънатга учраганига имон келтирдим: ҳа, тақсир, шундай, одам гуноҳдан қанчалик қочмасин, унга шунчалик ботиб бораверади, унинг тўрт томони ҳам гуноҳ, қай тарафга юрмасин гуноҳ, ҳатто энг олийжаноб иш қиляпман деган одамлар ҳам ўз фаолиятларини таҳлил қилиб кўрсалар фақат гуноҳ қилган бўлиб чиқадилар. Одамзоднинг ҳар қадами гуноҳ. Гуноҳ унинг тақдири, қисмати, ёздиғи — ундан қочиб ҳеч қайга боролмайди, унга бошқа йўл йўқ. Битта йўл, битта кўприк бор — у ҳам гуноҳ йўли, гуноҳ кўприғи. Одамзод қанча кўпайса, гуноҳ қилувчилар ҳам шунча кўпаяди. Ўша мен китоб ўғирлаган ҳужрада чўққи соқол мағрур ва ёлиб ўтирар, ўғилларим йиғлаб унга сажда қилишарди. Бу мени донг қолдирди. Нима қилишимни, қандай ҳаракат қилишимни, нима деб бақиримни билмасдим. Кўзларимга ишонмас, қўлларим, бутун вужудим қалтирарди. — Тўхта, — бақирдим мен ўзимни тутолмай, шалобба кийимим би-

лан ҳужрага отилиб кирдим. — Тўхтанглар, нима қиляпсанлар, кимга сажда қиляпсанлар?! Бу ким ўзи?

Ўша пайти мен ўзимни тамоман йўқотган эдим, балким телбалик даражасига етгандирман, ерда бош эгиб ўтирган ўғилларимни силкиб-силкиб кўтардим, уларни бир қадам нарига отиб юбордим, ўша дафъа менда куч қаердан пайдо бўлганини билмайман. Аммо ўғилларим менинг на силкишимга, на бақиримга эътибор беришди, улар ўша бир қадам нарида яна чўққи соқолга қараб бошларини эгиб олдилар, хира шамда мен уларнинг юзига, кўзига қараб қўрқиб кетдим, уларда қиёфа қолмаган, кўзлари ўлик, совуқ эди. Бирдан қаҳ-қаҳа эшитилди. Чўққи соқол волиб ва сархуш куларди.

— Кимсан? — дедим хириллаб. Уларни нима қилиб кўйдинг?

— Уларни мен эмас, сен шундай қилгансан, — деди у кибрли-қаҳрли товушда. — Уларни сен тарбиялагансан.

Унинг гапи жонимни тешиб ўтди. Юрагим музлаб қолгандай бўлди.

— Кимсан, — дедим мен ва шунда ундан қўрқаётганимни, вужудимни қўрқув эгаллаганини ҳис қилдим.

— Иблисман, — деди у волибона тарзда совуққина қилиб. — Сен уларни менга тарбиялаб бердинг, мен эса уларга абадий тириклик, абадий ҳаракат ато этдим. Улар менинг орзуларимни амалга оширувчилар.

Унинг бошқа гапини эшитмадим, худди бошимга калтак билан уришгандай, ҳолсизланиб йиқилиб тушдим ва йиқилган жойимдан ўғилларим олдига эмаклаб бордим: — «Туринглар, — деб бақирдим уларга, — туринглар, сизларни унинг учун тарбиялаганим йўқ. «Шунда, тақсир, катта ўғлим бир неча кун олдингидай, совуқ оҳангда «Кет бу ердан!» — деди. У телбага ўхшаб қолганди: мен улар ақл-ҳушини йўқотганини сездим. Унинг бу гапи мени батамом ўлдирди. Мен ўғилларимни иблиснинг қўлидан қутқара олмаслигимга ишондим, ўзимнинг фожеамни кўрмаслик учун югуриб ташқарига чиқдим. Мен тор-мор этилган, янчилган эдим. Ҳа, тақсир, мен ўша куни, ўша лаҳза ўлган эдим. Уйга келиб хонани ичидан қулфладиму ўзимга — ўзим аза очдим. Мен тирик мурда, аянчли мурда

эдим. Ўғилларимни бошқа суриштирмадим: хонага кириб олиб, ўлиқдай чўзилиб ётар, яратгандан ўзимга ўлим тилардим. Ўша кунлари минг бора ўлдим, минг бора қатл этилдим. Ҳаётим шами липиллаб қолган, барча нарса ёт, бегона, инқироздан дарак бўлиб туюлар, тикон устида ётгандай тўшақда — ўз умрим ва ўз инқирозим устида ағанаб ётардим.

Шу ҳолатда неча кун ётганимни билмайман. Назаримда йиллар оша тирик мурда каби чўзилиб ётган эдим. Хонамининг ҳар бурчагидан иблиснинг ҳиди келарди. Иблис бир хонада мен билан бирга яшарди. У менинг вужудимга, кўксимга, шууримга жойлашиб олганди. Ўғилларим уйга алламаҳал қайтар, мен эшикнинг тарақлаб очилганини, кечга яқин эшикни тарақлаб ёпиб чиқиб кетишганини сезиб ётардим. Орадан анча вақт ўтгач, хаёлимга мудҳиш, бироқ менга бирдан бир тўғри йўл бўлиб туюлган режа келди. Ошхонадаги узун ош пичоқни олиб ўтқирладим. Кечга яқин яна ўғилларим изидан тушдим. Тун илиқ, ой балқиб турар, у гўё менинг режамни билгандай йўлимни ўзининг шуғлалари билан ёритиб борар, менга далда берарди. Вайронага етгач, кутиб турдим: ўғилларимнинг изидан кириб боришим хавфли эди. Иблис ҳушёр бўлиб қолган деган хавотир пайдо бўлганди. Ярим соатлардан сўнг ҳужрага мушукдай шарпасиз, сассиз кириб бордим. О, тақсир, кўрган манзарам даҳшат эди ва мен худди умрим каби кечиккан эдим. Ўша пайти мен эҳтимол биринчи бор дунёга келганимдан, одам бўлиб яшаётганимдан пушаймон бўлгандирман. Иблиснинг оёғи тагида худди кўриқчи итдай икки ўғлим турарди — улар тошдай бўлиб чўзилиб ётишар, таналарида жон асари йўқ эди. У мени сезиб ўтирилди ва тиржайди.

— Мен уларга абадий тириклик ато этдим. Улар энди абадий мен билан, — деди.

Мен ўзимни ўғилларим устига отдим. Барча режаларимни унутган бутун хаёлимни Иблис каломидан жодуланган ўғилларим эгаллаган эди. Бўғзимни алам, қазаб куйдирарди.

— Бугун энг улуғ қурбонлик юз берди, — ҳайқирди Иблис, — бу кун абадул-абад унут бўлмайди. Мен бу пайтни узоқ кутдим. Балки фалақдан ҳайдалгандан бери кутгандирман. Сен менинг орзум эдинг, асли сен

мен эдинг. Бутун умр мен учун яшадинг, менинг номимдан гапирдинг, менинг номимдан фарзандларингни тарбия қилдинг. Мана, энди улуғ кун содир бўлди. Сен мени йўқ қилолмайсан, чунки мен сенинг ўзингман, яшаб бўлган умрингман.

У шундай деб мушт бўлиб тугилган бармоқларини ёзди. Бирдан олов пайдо бўлди-ю, у олов ичига кириб кетди, мен эса қаҳр-ғазаб аралаш унинг изидан пичоқ улоқтирдим, бироқ мўлжалга теккан тегмаганини биллолмадим, қандайдир кучли зарба мени олов аралаш ташқарига улоқтирди, ҳатто қаерга келиб тушганимни ҳам биллолмадим ва ҳушимдан кетдим. Ҳушдан кетаётиб қандайдир бўшлиққа қулаб тушаётганимни сездим. Батамом ўзимдан кетганимда танам ва руҳим бўлак-бўлақларга ажралганини англадим. Беҳушлик, тақсирим, руҳнинг танани ташлаб кетишидир. Мен рўё ичида қолгандай эдим: биз икки киши эдик: тана ва руҳ... Туш ва ҳуш бир хил қиёфага кирганди. Мен гоҳ учиб, гоҳ эмаклаб юрар, гоҳ юз йиллардан бери шундай чўзилиб ётгандай эдим; гоҳида қандайдир ўпқонда жазирада сасий бошлаган танимга кўзим тушарди. Руҳим эса ҳавода балқиб, танам устида йиғлаб ўтиради. Шу пайт бирдан иккита бўри пайдо бўлди ва тўғри ўпқонга тушиб, танамни важий бошлади. Вужудимда оғриқ кўзғатди ва мен бу икки бўрини таниб қолдим: булар менинг ўғилларим эди. Улар бир пастда танамни еб битиришди, сўнг осмонга қараб увлай бошлашди; улар шафқатсиз, ёвуз эдилар. Мен уларнинг шундай бўлишини орзу қилгандим, улар менинг орзумнинг ҳосиласи эдилар ва улар мен истагандек бўрига айланишган, биринчи бўлиб мени важирдилар. Танамни еб битиришгач, тумшукларидаги қонни ялай-ялай яна янги қурбонлик излаб йўлга тушдилар. О, тақсир, ўз болаларинг ўз танангни важиб еб битиришганини кўриш оғир эди. Эҳтимол дунё пайдо бўлгандан буён энг фожеали воқеа ҳам шу бўлса керак. Ўзимнинг орзум ўзимни еб битирганди. Тақсир, ана шу беҳушлик даврида мен ўзимнинг рўё дунёмни яна ҳам кўпроқ кашф қилдим. Танадан айрилган руҳим учиб юрар, у жуда безовта эди. Баъзан рўё аралаш учиб юрган руҳимни аниқ кўрардим. Шунда қўлимда ханжар пайдо бўлар, мен Иблис изига тушардим. Пастда вақт каби дарёлар оқиб ётар, қулоғимга ваҳший

хайвонларнинг наъралари келарди. Сўнг бирдан ёмғир ёғаётган водийдан чиқиб қолдик. Ёмғир тинимсиз ёғар, атроф селу тўфонга фарқ бўлаётганди. Қандайдир улкан кемага одамлар шошилиб-сурилиб чиқар, пастда эса минглаб одамнинг тўфонга фарқ бўлган жасадлари ётарди. Мен кемага қараб учдим ва Иблисни шу ерда учратдим. Унинг бу ерда пайдо бўлиши менга шубҳали туюлди. Бир пайт кема қуйруғида бола кўтарган эркак ва аёл кўринди, улар кемага чиқишлари билан лангар кўтарилди, фарқ бўлаётган олам пастда қолди. Тақсирим, бу бир бутун мўъжиза эди; кемага тушганларнинг юзида мусибат акс этар, аммо кема фақат уларга мўлжалланганди. Кеманинг олд тарафида юзида нур балққан, аммо вайрон бўлган оламдан беҳад азоб чеккан киши ўтирарди. Мен ханжаримни туттанча Иблисга яқинлашдим ва унинг қўлидаги гўдакни кўриб тонг қотиб қолдим. У ҳозиргина кемага чиққан эркак ва аёлнинг ёнида турар, қўлида худди уларники каби гўдак бор эди. Аёл болани бир четга ўтиргизиб, уст-бошини сиқа бошлади. Афтидан, Иблис шуни кутиб турган эди, қўлидаги болани ҳозиргина аёл қўйган боланинг ёнига ўтиргизиб, аёлнинг боласини қоп-қора қўйнига яширди. Уст-бошини сиқиб бўлган аёл Иблис қўйган болани олиб, эри изидан кема ичидаги ҳужралардан бирига кириб кетди. Иблис қўйнидаги болани пастга улоқтирар экан, хунук ва волибона қаҳ-қаҳ урди. Унинг қаҳ-қаҳаси булутлар орасига тушиб, у ерда унга жўр момақалдироқ бошланди. Момақалдироқ шунчалик кучли эдики, энди ёмғир эмас, осмондан қоп-қора сел қуйила бошлади. Атроф зулмат ичида қолди. Ҳаммаёқни қий-чув, нола-фарёд босиб кетди. Бу ҳақиқий қиёматнинг ўзи эди. Зулматда мен Иблиснинг қаёққа кетишини билмай қолдим. У изсиз эди. Кемадаги барча ҳужралар ёпиб олинган, унинг тоғдай кўланкаси ва оху-фарёддан ўзга ҳеч нарса на қулоққа, на кўзга ташланарди. Ёмғирда ивиб кетганимдан мен ҳам бошим оingan тарафга уча бошладим. Салдан сўнг кимдир юзимга ҳўл латта босганини сездим. Ҳушим ўзимга келди ва руҳим мени олиб учиб юрган бўшлиқдан изимга қайтдим. Лекин яна қанча ётганимни билмайман, тушимга ўғилларим бошида қаҳқаҳа уриб турган иблис кирди. Мен ханжар билан унга ташландим, у қочди, яна унинг изи-

дан тушдим. Руҳим мени яна ўша бўшлиққа тортиб кетганди. Бирдан қандайдир саройда пайдо бўлдим. Бу улкан, мухташам сарой эди. Одамлар у ёқдан-бу ёққа югурар, мен эса худди капалақдай учиб юрардим. Шунда мени ҳеч ким кўрмаётганини сезиб қолдим. Ҳеч ким мен билан иши йўқ, менга эътибор беришмас, қандайдир ҳис мени ичкаридаги хос ҳужраларга чорлар, руҳим мени ўша ёққа олиб қочиб кетарди.

— Ҳозир валиаҳдни кўришга жаҳонгирнинг ўзи ташриф буюради, — деди ҳужра эшигидаги посбон ичкаридаги аёлга. Аёл шошиб қолди ва ёнидаги ёш қизчаларга бақириб кўрсатма бера бошлади. Посбон турган эшиқдан учиб, ичкарига кирдим. Бу ерда катта бешик турар, унда оппоқ матога ўраб ташланган гўдак ухлаб ётарди. Бу ерда мен излаб келган нарса йўқ эди, болани кўриб, мен нимага бу ерга келганимни ҳам унутдим. Аммо юрагим ғаш эди. Нимадир мени безовта қилар, ҳужрадан чиқиб кетишга йўл қуймасди. Қизлар шошиб эшигу деразаларни, боланинг атрофини тартибга келтира бошлашди. Кимдир поёндоз тўшар, кимдир пардаларни тўғриларди. Бир дақиқа, худди кемадагидек, умумий эътиборсизлик бошланди ва боланинг ёнида тўсатдан Иблис пайдо бўлди: у бояги эшик ёнида турган посбон кийимини кийиб олганди, бешиқда ётган боланинг ўрнига бошқа бир гўдакни қўйиб, яна билдирмай эшиқдан чиқиб кетди. Шу пайт эшиқдан шоҳ кўринди. Ёнида худди эртақлардагидек гўзал аёл бор эди. Аёл тўғри бешик бошига келиб, болани қўлига олди. Шоҳ эса боланинг бошини қўлига олиб, нимадир деди. Аёл жилмайиб қўйди. «Бу менинг меросхўрим», — хитоб қилди шоҳ боланинг бошини силаб, сўнг аёл болани эмиза бошлади, шоҳ эса ютоқиб змаётган болага фахр ва ғурур билан боқиб турар, мен эса «Бу шайтоннинг боласи, бу валиаҳд эмас» деб бақирар, менинг гапимни ҳеч ким эшитмасди. Мен бақириб-бақириб чарчагач, бу ерда қолишим бефойдалигини сездим ва яна Иблис изидан учиб кетдим. Бир оз ўтгач, мен ўзимни ўша китоб топиб келган хароба ҳовлида кўрдим. Иблис шу ерда эди: у худди болагимда кўргандек кўзларини юмганча қирот қилиб ўтирарди. Мен аста-секин унга яқинлашдим ва ханжарни унинг қоқ кўксига санчдим. Аммо қонга

беланиб ётган Иблисга қараб, бақириб юбораёздим: у ерда кўксига ханжар санчилган ўғилларим ётарди.

Хушимда келганимда олдимда қизим ўтирар ва мен ўз уйимда эдим. Кейинчалик қизим гапириб берди: мени вайрона деворлар орасидан топишган, хушимга келавермагач, маҳалла кўй бирлашиб ўғилларимни ахтаришган, уларни ҳеч қаердан топишолмаган, мени текшириб кўрган табиблар мия зўриққан, бош ниманингдир таъсирида куйиб, бирорта соч қолмаган деган хулосага келишган. Қизимнинг айтишича, ўн беш кундан кейин хушимга келибман. Тақсир, шундан кейин қайтиб ўрнимдан туришни истамадим; худди беҳуш каби, худди ўлик каби чўзилиб ётавердим: ойлари ўтди, табиблар менинг тузалишимдан умидларини узишди, улар келганда беҳуш каби, ҳеч нарсани эшитмаганга солиб ётар, гапларига жавоб қайтармасдим. Мен бу дунё билан муносабат қилишни истамадим, бу дунё мен билан ярашиқ, дўстлик битимини тузолмаган, мени чиқиндига чиқариб қўйган эди. Мен чиқинди, ҳеч кимга кераксиз одамга айлангандим. Ўғилларимни эслагим келмас, тириклар орасидан тинмай излаб юрганларга ҳам ҳеч нарса дея олмасдим? Нима ҳам дердим, тақсирим? Мен тарбияладим, вояга етказдим, Иблис хизматига олди, улар ҳам Иблисга айланди дермидим? Мен Иблисга мулозимлар, иблисчалар тайёрлаб берувчи одамман, бутун умрим шунга сарф бўлган, бутун умр иблисчалар тайёрлаш учун хизмат қилганман дермидим? Мен беҳуш каби чўзилиб ётишни маъқул кўрдим. Тақсир, парвардигор таъқиқлаган нарсалар бизни ўзига тортаверади, у нафратлан, деган нарсаларни севиб қолаверамиз. Хўш, айтингчи, чархи дуннинг қайси бурчагида ёлгон йўқ, қайси бурчагида жаҳолат, нодонлик, хиёнат, тубанлик йўқ? Бу ғафлатдаги оломон қачон уйғонади? Сиз уни уйғотишга уриниб кўринг-чи, у кўрадики, қанча алданса, қанча хўрланса, қанча топталса, хўрлик ва ҳақорат томон шунчалик яқинлашаверади, унинг оғушига қайта-қайта кираверади, у хўрликдан, ҳақоратдан, зулмдан, жаҳолатдан лаззат олиб яшайди. Кимнинг қўли қон — у адолат пешвоси, кимнинг ёлгон ва алдов пири — у ростўйлик тимсоли, ким жаҳолатпараст — у донолик рамзи, ким зулмкор ва хўрловчи — у раҳм-шафқат кўзгуси. Дунёга боқинг. Ёки бошқача-

ми? Ёки мен бадбинманми? Менга бадбинлигимни инкор этадиган бирон намуна келтирингчи, тополмайсиз ҳам. Ростдан ҳам, тақсир, эзгулик ниҳоятда жўн, ёвузликда ижодкорлик, кўтаринкилик бор. Яхшилик ва эзгулик минг-минг йиллардан бери бир хил тушунилади, у инсон хаёлига, тафаккурига ҳеч бир янги маънолар беролмайди. Ёвузлик ижодий, у ҳар бир амалга оширувчи томонидан кашф этилади. Мен беҳуш ётган пайтимда эзгулик ва ёвузликни фарқлай олмай ётардим. Шу лаҳзаларда эзгуликнинг нақ чегарасини аниқлашим, Иблис олдидаги ожизлигимдан сабоқ чиқаришим, ҳеч қурса қолган умримда ғофиллик тўрини ёриб ташлагим келарди. Менинг бирдан ибодат қилгим, тазарру қилгим келиб қолди — шу ниятда мачитга бордим. Бироқ у ердан руҳим синиқ бўлиб қайтди. Назаримда, менинг ичкаримда қандайдир саркашлик бор эди. Балким, бу Иблиснинг олдидаги қўрқув туфайлидир, ибодатим ўзимга сохта, ясама туюлди. Уйга қайтдим у ўзимнинг бир умр гумроҳ, Иблис эътироф этгандек, унинг хизматкори бўлиб қолганимни, ундан қутулиш оғирлигини англадим, англадим у Иблисга мана шу фаолиятсизлигим билан қарши курашмоқчидек, ўлик каби чўзилиб олдим. Бу ҳам ўзимча Иблисга қарши онгсиз исёним эди. Бу исёним қанча давом этишини билмадим: қулаган деворнинг ҳеч кимга кераги йўқдай, менинг ҳам ҳеч кимга керагим йўқ эди. Таниш-билишлар, дўсту ёрлардан алақачон ўғилларим туфайли узилиб бўлгандим — жуда оқибатлилари эса икки-уч келиб, мени мурдадай на гапга, на имога жавоб қилмай ётишимни кўргач, бошқа келмай кўя қолишди, афтидан, менинг ярамни янгилаб, ўлган устига тепган бўлмасин деб ўйлашди. Ёлғизликда одам виждон билан, ўтган кунлар ва хотиралар билан юзмаюз келади; айниқса, қабристон сукунати чўккан уйимда тунлари виждон ҳайқириви баралла эшитилади — у худди тун бағрини ёритиб юборган ҳилолдай бутун умримни, қилмишу қидирмишимни ёритиб юборарди. Ҳа, тақсир, уйим бахт ва инсон умри ҳамда эътиқоди кўмилган қабристон эди — мен унга ўғилларим билан бирга ҳали охирига етмай туриб, ўз ҳаётимни ҳам кўмган эдим. Фақат у ёлғиз ҳамдамимга айланиб қолди. Унинг уйимни қандай топгани мени сира ажаблантиргани йўқ, аксинча, ёпиқ эшиқдан қизимга

билдирмай, яна ярим тунда тўсатдан ёнимда пайдо бўлиши мени ҳайратга солди: назаримда у уйга шарпасиз-сассиз кириб келганди — на деразадан, на эшикдан кирганини билолмай қолдим. Унинг юзига деразадан ой нури тушиб турарди.

— Энди гаплашсак бўлади, — деди у менинг нақ пешонамга эгилиб. — Сен қурбон қилинган одамсан.

— Кимсиз ўзи, — дедим зўрға. Ичимда бу ҳам анови чўққи соқолнинг биттаси бўлмаса эди, деган жуда шилимшиқ хавотир пайдо бўлди.

— Мен Одам Атоман, биринчи одамман.

Дастлаб у мени масхара қиляпти деб ўйладим. Бироқ у ҳар кеча — ой деразамдан мўралаган пайтда пайдо бўлар, қандай қилиб Иблис йўриғига тушгани, таъқиқланган дарахтдан мева узгани, Иблис билан бўлган жангу жадаллари ҳақида бир хил оҳангда — ўша хиёбондагидек маънос ҳикоя қилар, бу ҳикояда пушаймонлик ҳам, афсус ҳам, надомат ҳам, ўша таъқиқни бузганидан, бузолганидан фахр ҳам қоришиқ эди.

У менинг ҳаётимни бошдан оёқ ҳикоя қилиб берди — менинг Иблис билан бир умр бирга яшаганим, унга сифиниб ўтганим, ўғилларим, китоб, фожиам — ҳаммаси маълум эди.

Бу ҳали хотима эмас, — деди у ўғилларимнинг Иблис учун ўзларини қурбон қилишганига ишора қилиб. — Ҳали бу инсониятнинг хотимаси эмас. Ўша таъқиқ меваси Иблиснинг уруғи эмасмикин. Уни еб, одамзод насли ичига уни экиб қўймадикмикан деган шубҳа мени қийнайди. Одамзод қалбини тозалаган са-йин ифлосланиб бораяпти. Хотимага яқин кунларда дуч келасиз. Бу менинг ва насл зурёдим пешонасидаги ёздиқ. Уни энди Инсоният ўчиришга ожиз. Пешонамизга менинг тамғам — тавқилаънат тамғаси бо-силган.

Шу охириги учрашувдан сўнг у келмай қўйди. Айтишича унинг иши кўп эди: ким билади, балки у ўз наслининг қабоҳат дунёсига фарқ бўлаётганини, ўша ўзи эккан уруғнинг қанчалик урчиб, кўпаяётганини ортиқ кўргиси келмай қолгандир. Унинг ташрифи менинг ёлғиз хатоимни тўлдирган бўлса-да, изҳори дили, у келтирган ҳақиқат мени ҳаётдан бутунлай совутиб қўйди. Мен энди хотимани кутиб яшардим: хотимадан

сўнг ҳаётим шами сўнишини, бу оғриқ ва қийноқлардан абадий фориф бўлишимни бир ички ҳиссиёт билан сезардим.

Шундай кунларнинг бирида мен қизимнинг ҳомиладор эканлигини билиб қолдим. Аввалига ой-куни яқин эканлигини билдирувчи аломатларга эътибор бермагандим, аммо унинг ҳомиласи кўз ўнгимда ўзининг мавжуд эканлигини исботлагандек ҳафта сайин унинг танасини ишғол қила бошлагач, бунга эътибор бермасликнинг сира иложи бўлмай қолди. Қизим қорнида бир қоп тупроқ кўтариб юргандек хунук, инжиқ бўлиб қолди. У менинг бошимга келиб, менга мўлтираб ўтирар, соатлаб миқ этмас, нимадандир кўрқар, чўчир, хавотирланарди. Ана шунда мен унинг ҳомиладор эканини билиб қолдим ва биринчи марта қизимдан кўпол-кўрс қилиб, ҳаромбачанинг отаси ким эканлигини сўрадим. Бошқача муомалага ярамасдим, товушим хириллаб, ёвуз оҳангда чиқди, фақат қизини сўйишга тайёрланаётган отагина шундай савол бериши мумкин. Қизим буни сезди ва ўзини орқага олиб, бироз кўрқув аралаш ишора қилди. Во дариф, унга шу дафъа фақат эркалик эмас, гуноҳ ҳам ярашишини англаб қолдим. Тақсир, юрагимдаги қизим ўтирган муҳаббат тахти чил-чил синиш арафасида болаларимнинг бу дунёга қадам кўйган кундан бошлаб гуноҳга юз тутганини ва гуноҳлари билан мен юксак хаёллар оғушида қурмоқчи бўлган дунёни тўлдиришганини англадим. Бу қандай жонзотки гуноҳ шу даражада ярашади, шу даражада уни шарафлайди. Одамдан бошқа гуноҳ шарафловчи жонзот борми? Қизим гуноҳ қилганини мендан яшириш учун эмас, ошкор қилиш учун йиғлаётган эди. Қизимнинг кўзлари кўрқувга, ожизликка, умидсизликка тўла эди, бу кўзларда, тақсирим, улкан харобалик кўрдим, бу харобалик ҳовли эмас, кўча эмас, қишлоғу шаҳар эмас, улардан ҳам улкан, нақ дунё билан тенглашадиган харобалик эди, бу харобаликда айқириб ваҳм еллари кезиб юрарди, бу унинг ўша ҳовлидаги чўққи соқолнинг кўзлари эди ва мен унинг нафрат ва сурлик қотиб қолган қорачиқларида ўша болалигим кўчасида қолиб кетган ўша харобани кўрдим ва даҳшат мени худди нимталаб ташлади (Тақсирим, нега хароба сўзини кўп ишлатаётганимга ҳайрон бўлманг, бу ерда қайтариқ йўқ, аксинча, қалбим-

нинг ифодаси, тасвири, аҳволу руҳиямнинг, бутун одамзоднинг қиёфаси бор).

— У бошимни айлантириб олди, — деб қизим йиғлаб юборди. Ҳозир унинг қайсарлигидан асар ҳам қолмаган, ожиз аёлга айланганди, — у анави китоб меники дейди, сен дунёдаги ягона ва бахтли аёл бўласан деди.

— Нима қилиб қўйдинг, — дедим қизимга унинг бошини силар эканман, ва мен ҳам иблис олдида ожизу нотавонлигимдан йиғлаб юбордим.

— Нима бўлса ҳам бола тувишим, унинг зурёдини яратишим керак экан, — қизим қўрқув аралаш пичирлай бошлади.

Бирдан мени ваҳима босди.

— У ҳозир ҳам келиб турадимми? — сўрадим ва ич-ичимда «йўқ» деган жавоб эшитишни истаб.

— Ҳа, — деди қизим ваҳмли шивирлаб. — Мен ундан кўрқаман. Сиз ухлашингиз билан у пайдо бўлади. Менга китобини ўқиб беради ва сен дунёдаги менинг ишқим тушган ягона аёлсан дейди.

Мени титроқ босди. Кўз олдим қоронғулашди: қайтиб ўзимни тўшакка ташладим. Қизим бошимда йиғлаб ўтирар: унинг гўзал чеҳраси бирдан қорайиб жўнаганди. О, тақсирим, менинг умрим шу бир сония ичида харобаликка айланганди: унда тик турган бирон иморат, бир девор қолмади — у айна ўша чўққи соқол яшайдиган ҳовли тусига кирганди: одамнинг қалбидаги иморати хароба бўлса, унинг ўликдан фарқи қолмайди: унинг ҳаёти қулаган девордан бошқа нарса эмас. Мен қизимнинг қорнида дажжол яшаётган ва ўсаётгандек титраб кетдим. Шундан сўнг ҳаётим тикан ичра ялангоёқ юрган одамдек кечди. Мендан ҳамма нарса тортиб олинганди — ҳатто мен келаётган сўнгги бошпанам-орзуларим ҳам. Мен энди ҳеч кимга айланган, ҳеч ким эмасдим. Мендан бу дунёда ҳеч нарса қолмади, худди бир томчи сув жазираси чиқиб ётган тавқи-лаънатга дўнган дунёга изсиз ва сассиз сингиб кетгандек. Ўнгим ҳам, тушим ҳам ваҳимага айланган, хаёлимда нукул ваҳший ва ёвуз қиёфали афсунгар чўққи соқол пайдо бўлар ва мени тинмай масхара қилар, уни ўйлаганимда нафсониятим, инсонийлик шаъним беҳад ҳақоратланарди. Тасаввур қилинг, бир рассом умр бўйи кечани кеча, кундузни кундуз демай

умрининг мазмуни бўладиган сурат чизишга киришса-ю, бутун ҳаётини сарф қилиб, умрининг охири дақиқаларида ўзиникини эмас, бошқа бир кимсанинг суратини чизиб қўйганини англаб қанчалар мудҳиш ҳолатга тушса, менинг ҳаётимга ҳам шундай якун ясалмоқда эди.

Мен топиб олган китоб Иблис китоби эди. Иблис умрини менинг умрим орқали тиклаган эди, ўз умримни, болаларимни Шайтон сухуфлари билан тарбия қилган эдим: менинг умрим шайтоннинг умрига айланган эди. Шайтон китоб тимсолида ҳаётимга кириб келган ва барча нарсани ўзиники қилиб олганди. Менинг сўзларим, ваъзаларим шайтоннинг сўзлари, маърузалари эди ва у менинг қиёфамга кириб, хотинимни эркалаган, тунлари сочини силаган ва ўз зурриёдини кўпайтирган эди — мен ўшанда бекорга бу болалар меники бўлмаса керак деган шубҳага бормагандим. Болаларим Иблис болалари эди. Шайтон мен орқали ўзини яратди. Ҳа, ҳа, ким энди мендай яшаса, шайтон ўша орқали ўзини яратаверади. Кеча тўшақда чўзилиб ётарканман, ўзимнинг қисматим, китобдаги ҳар бир сўзу оятлар бир-бир кўз олдимдан ўтди ва шу пайт ҳа, ҳа, тақсирим, шу пайт нега болаларим унга ўхшашини ва ўзимнинг ҳаётим сароб бўлиб чиққанини, нега дунё бунчалар сароб ва жаҳолатдан иборат эканлигини, нега одамзодни ўзгартиб бўлмаётганини, нега унинг қалби фаҳш ва ғофиллик тўшагига айланганини тушуниб етгандай бўлдим. Умрим юки шунчалик оғир эдики, менинг бор-йўқ кучим эртага туғилажак шайтоннинг онасини — ўз пушти камаримдан бўлган қизимни бўғизлашга зўрға етди. Мен қизимнинг Дажжол туғишини истамадим. Менда фақат шу имкон қолган эди.

Шундай тақсирим, мен қизимни бўғиб келдим. Мен ҳам тавқи лаънатга йўлиққан аждодларимнинг йўлини давом эттирдим. Тақсирим, мен сизга бир нарсани айтиб қўяй: бу гапни дунёни ўзгартирмоқчи бўлиб охирида несту забун бўлган кичик бир одамнинг катта хулосалари деб қабул қилинг.

Асбоб бузилса, уни яратган устага олиб бориб тuzатамиз. Одамзоднинг ҳам бузилган қалбини уни яратган устагина тuzата олади. Ким усталикка даъвогар бўлса, ким уни мен тuzатаман деса, уни фақат яна ҳам

кўпроқ вайрон қилишга олиб келади. Ҳар ким ўзи яратган нарсага усталик қилгани маъқул.

Бу менинг охирги гапим. Энди хайрлашамиз. Кун исий бошлади. Жасад совумасдан хабар беришим керак.

Ҳозир хиёбон четига бораман, мени қора китоб кўчаларидан олиб ўтган ёлғон ва хиёнатга, фаҳм ва шон-шавкатга интиқ ўтган қалбимнинг шоҳсупасига чиқиб, худди ярадор айиқ нажот излаб сўнгги бор ҳайқиргани ва улуғ жангу жадалдан сўнг эзгулик ва ёвузликнинг, ўлим ва ҳаётнинг моҳияти қолмаган маҳшар кунда вайрон бўлган замин у замоннинг харобалари устида, ҳам бу харобалиқдан хушнудлик, ҳам янги, тозарган, фориғланган янги мавжудот яратиш шавқи билан тўлган улуғ ва зафарли овоз каби мен ҳам нафс яралари бўғаётган танамни, дўзах тўзони билан тўлган қалбларни ва Иблис билан бир тўшақда ухлаб ётган ушбу дунёни ларзага солиб, масту мустар ҳайқираман: майли, менинг бу ҳайқириғим дунёнинг адашган сўнгги ҳайқириғи бўлиб қолсин.

Ҳ И К О Я Л А Р

ШАМОЛНИ ТУТИБ БЎЛМАЙДИ

Юз йилдан бери терсоталикларнинг ғурури ва фахри бўлиб келган, замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек қишлоққа кўрimsизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синоатларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи Байна момонинг уйини худди унутишга ва йўқ қилишга маҳкум этилган хотирадек ниҳоят бузиб ташлашга киришишди: темир тирноқли булдозерлар уйнинг деворларини қулатар эканлар, уй билан қўшиб, ўзларининг ҳам нималаринидир бузиб, вайрон қилишаётгандек, терсоталиклар бир чеккада жимгина кузатиб туришар ва нақ эллик йилча тақдирнинг бешафқат ўйинига қарши кураша-кураша дунёдан ёлғиз ва изсиз ўтиш азобини кўтариб келган, ҳаёти ўзларига ҳамон тушуниксиз ва мавҳум туюладиган Байна момони эслаган аёллар кўзларига ёш олиб, болаларини бағирларига босганча, олис ва ғамгин хотираларга берилиб, мунгайган алфозда ўтирардилар.

Байна момо тириклигида, гарчи бу аёлларни, эрининг полвондик лаш-лушлари ва кийим-кечаклари ётган, полвоннинг ўлиmidан сўнг ҳеч қачон чироқ ёнмаган, туйнути шуваб ташланган ана у хужра каби қоронғу мусибат тўла уйи ичкарисига киритмаган бўлса-да, улар қаҳр ва вазабини ситам билан ичига ютиб келган бу кампирни ҳурмат ва эҳтиром билан эслашарди. Бу уй Терсотада қурилган биринчи уйлардан эди ва Райим полвоннинг отаси Шукур оқсоқол бундан бир аср муқаддам туғилажак фарзандларига кенг уй ва йилдан-йилга кўпайиб бораётган йилқиларга отхона солиш мақсадида Терсота сойининг офтобрўясига қишлоқнинг биринчи пойдеворини қурганди. Райим полвон эса отасининг ишини давом эттирди: уйнинг орқасида боғ барпо этди ва отхона ёнида қирга туташтириб, ёзнинг жазирамасидан гўшт ва ёғларни, қимиз ва айронларни асраш учун кенг ертўла, уйнинг олдида тошдан баланд супача, от кириб чиқадиган узун, ус-

тундор айвон қурди. Байна момо элик йилга яқин ёлғизлик даврини ана шу айвондаги устунларга суяниб ўтказди: у эри ва ўғлининг жудолик азоби қийнаган пайтлар шу устунларни қучганча йиғларди. Кейинчалик кўз ёшлари ҳам тутаб қолгач, ҳаётида гўё суянчиғи ва орқасидан йиғлаб қоладигани йўқлигини одамлардан яшириш учун ёки энди йиллар силсиласига дош беролмай путурдан кетаётган уйни буткул вайрон бўлишдан асраб қолмоқчидек, елкасини устунга суяган ҳолатда хотирасининг синиқ парчаларига тикилиб, кўзларини юмганча ғамгину мустағриқ ўтирарди.

Райим полвоннинг ўлиmidан кейин туғилган ва у ҳақда кейинчалик буткул эсларидан чиқиб кетган чўпчакларнигина эшитиб улғайган авлод уйларини равоқли ва пишиқ виштдан қура бошлагач, бир пайтлар Терсотанинг кўрки ва ғурури бўлиб турган бу уй бирдан кўримсиз қиёфага кирди ва энди Байна момо каби уй ҳам қишлоқдаги уйлар олдидан ёлғизланиб қолганди: фақат бири-бирини босиб-туртиб кириб келаётган шошқолоқ йиллар бу авлоднинг саркаш қалбига қандайдир олис хотирани ёқиб қўйиш учун беҳуда уриниб, уй деворларига маҳзун битиклар ёзар, бекаси билан бирга бу макон ҳам алақачон ўзининг олдинги қудрати ва виқорини йўқотиб бўлган, унут ва ташландиқ масканга айланганди. Терсоталиклар энди аэропланла ҳақида гаплашишарди. Улар замоннинг алғовдалғовларига ғарқ бўлган, ҳаётларида юз бераётган янгилликларни ҳазм қилиб улгурмасди. Йиллар билан бирга ҳамма нарса ўзгарар, фақат Байна момогина уни сезмас, гўё унинг учун вақт ўша ҳолича қотиб қолгандай, уни ҳамон ўша элик йил олдинги — эри ва ўғлининг ўлигини аскарлар тепкилаб ўтишган устун олдидан топиш мумкин эди.

Миршаб ва аскарлар уйнинг ҳар бурчагидан ёпирилиб келишганда Байна момо эрининг мурдаси устида турарди. Райим полвонни қўлга туширолмай юрган Замон отбоқар уни уйдан чиқаётганда отиб ўлдирган, энди полвон ростдан ҳам ўлганми, йўқми миршаблар билан пусиб-пойлаб, айвонга яқинлашиб келарди. Бироқ шу пайт яна ўқ овози жаранглади ва Райим полвондан кўз узмай келаётган аскар оёғини қучоқлаганча бақириб йиқилди. Байна момо меҳмон-

хона эшигидан чиқаверишда отасини отиб ташлашганини кўргач, уйга югуриб кириб кетган, кўлига отасининг милтигини тутиб турган ўғлини кўрди — ўғлининг кўзларида ҳам эриники каби ғазаб, телбалик ёнardi. Байна момо ўғлини огоҳлантиришга улгурмади. Бирданига бир неча ўқ овози унинг қулоғини битириб кўйди ва ўғли отасининг устига юзтубан йиқилди — йиқиларкан, энди сабза урган мўйлови титраб кетди, онасига бир зум кўрқув ва хижолат аралаш тикилди. Замон отбоқар югуриб келиб, унинг бошига тепди ва милтиқни бир четга улоқтирди. Қишлоқда аскарлардан бошқа ҳеч ким кўринмас, одамлар гўё сувга чўккандай ғойиб бўлган, фақат деразаларга тортилган қора пардалар бу мудҳиш жиноятга лоқайд ва бe-фарқ боқиб турарди. Байна момо терсоталикларни кечира олмади — кўкраги илма-тешик бўлган ўғлига қарата Замон отбоқар яна бир неча бор ўқ узаркан, у мадад излаб, уйларнинг туйнуқларини ёпиб турган қора пардаларга бир-бир кўз тикди, бироқ у ерда совуқ сукутдан бошқа ҳеч нарса кўринмас, зулматга чўккан туйнуқлар бу мисли кўрилмаган қотилликни жимгина томоша қилиб турарди. Миршаблар Райим полвон ва ўғлининг ўлганига ишонч ҳосил қилишгач, отларига миниб жўнаркан, Замон отбоқар эри ва ўғли мурдаси устида чўкка тушган Байна момонинг елкаси оша қамчи туширди:

— Энди хору зорликда ўлиб кетасан, — хириллади у. — Молингни топшир, деганда эринг кўлига милтиқ ушлаб биз билан сичқон-мушук ўйнади. Мана, энди унга ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

Миршаблар Райим полвоннинг кўрадаги подаси-ю отларини ҳайдаб кетишди. Замон отбоқар отларни қувиб кетаркан, бир йўла отаси билан унинг қасосини олиши мумкин бўлган ўғлини ҳам отиб ташлаганидан хурсанд эди — у шу кетиши билан қишлоқнинг кўп нарсасини ҳайдаб кетди — энди қишлоқ бирдан минораси қулаган шаҳардек ғариб ва нотавон кўринardi. Ўн беш йиллардан сўнг Замон отбоқар қишлоққа қайтиб келганда қишлоқдан файз кетиб, одамлар яна ҳам ожиз ва ҳуркак бўлиб қолгандилар. У Райим полвондан сўнг ташландиқ ҳолатга келиб қолган сой бўйидаги боғга кенг қилиб уй қурди: у боғда уй қуриш учун ҳеч кимдан рухсат сўраб ўтирмади.

Энди у ўзи бу қишлоққа олиб келган замон ҳавосидан яйраётган қишлоқдошларини кўриш учун отда изидан бир тўда ов итларини эргаштириб айланиб юраркан, қоя остида елкасига ўтин кўтариб келаётган Байна момога дуч келди. Байна момо қариб қолган, аммо ҳали ҳам кўзлари худди ўн беш йил аввалгидек қаҳрли ва нафрат тўла эди.

— Сен менга бундай қарама, — деди Замон отбоқар қамчисини ҳавода силкитар экан. — Эринг бу ерда бўлмаса бошқа ерда барибир ўлган бўларди. Сен эса хавотир олма, ўлсанг итларим кўмади. — Шундай деб у бўрибосарларни кўрсатди.

Аммо у Байна момони бу сафар урмади. Байна момо ҳам унга бир овиз ортиқча гапирмади. Умуман эри ва ўғлининг ўлиmidан сўнг камгап ва одамови бўлиб қолганди. У Шукур оқсоқол ўз феълига яраша кенг-кенг қилиб қурган хоналарда худди бир нарчасини йўқотган каби мақсадсиз кезиб юрарди: у энди бу алғов дунёда ёлғиз ва қаровсиз қолганди: лекин ўзининг ожизлигини ҳеч қачон билдирмас, ўзидан кўнгили сўраганларни ёмон кўрар, гўё ҳаёти ҳеч ким қиё боқа олмайдиган дахлсиз салтанатдек у ёққа бирон кишини ҳатто сўзи билан ҳам, киришга йўл қўймасди. Эрта баҳордан то кеч кузгача сахармардондан олдига беш-олти қўй-қўзи, эчки-улоқ ҳайдаганча дарё бўйидаги юлғунзорга тушиб кетар, у ердан қуриган шох-шабба териб, қоронғу тушганда уйига қайтар, бир йилда икки-уч марта тегирмонга буғдой кўтариб борарди. Унинг буғдой кўтариб юришидан ори келган Олломурад тегирмончи Байна момони инсофга чақирди:

— Сиз бундай овора бўлиб юрманг, — деди у. — Бирон эркақдан бериб юборсангиз, тортиб, ўзим уйингизга олиб бориб ташлайман.

— Бу қишлоқда эркак йўқ, — деди Байна момо зарда билан, сўнг елкасидаги буғдойни тегирмонга кираверишда туширди. Гапираётганда овози титраб кетди. Тегирмончи тилини тишлаб қолди. Байна момо бир пайтлар фақат қишлоқ эмас, бутун тоғли халқнинг орини кўтарган, номини чиқарган Райим полвонни қулоқ дея таъқиб қилишларига, сўнг итдай хор қилиб отиб ташлашларига йўл қўйгани ва ўғли билан эрини замоннинг эгаси, бир пайтлар Райим полвоннинг малайи Замон отбоқар ихтиёрига бериб қўйгани учун қишлоқдошларини кечиролмас, уларга бўлган

нафрати сусайиш ўрнига, йиллар ўтиб, ота-бола ўлдирилган оқшомдан узоқлашган сайин кўпроқ ўрни ва қадри билинаётган, ўзини ҳаётнинг барча қувончидан бир йўла маҳрум этган, ёлғизликнинг кўр мусибати аро тобора авжланиб, Байна момонинг кексалиги билан бирга инжиқ ва йўриқсиз бўлиб борарди. У баъзида қишлоқдошларини очиқ масхара қиларди: «Э, сенми-сан, Салом чавандоз, хотинингнинг иштонини кийиб юрибсанми дейман», «Ҳаким отчопормисан, бунча урғочи байталга ўхшаб қийшанглайсан...» «Бу қишлоқнинг аёллари энди фақат хезалак туғади». Бу масхара ва нафрат йиллар ўтиши билан Байна момони қишлоқдан бутунлай ажратиб қўйди. Энди у ёлғиз ва кимсасиз қолди. Уни ойлаб биров йўқламас, фақат эрталаб эчкиларини юлғунзорга ҳайдаб бораётганидан, кечқурунлари қишлоқни тутган қайнаётган сут ҳидидан ҳали унинг тирик эканини билишарди. Байна момо ўз ёлғизлиги ва мусибатини ҳаётнинг бадбўй, забун, хор этилган ҳидлари анқиб ётган йиллар даҳлизидан етаклаб ўтди. Қишлоқдошлари баҳор келиши билан эски яйловларга кўчиб чиқишар ва ер шудгорлар, ҳар ким ўз ташвишига берилиб кетарди. Қишлоқда қолган Байна момо эса бу пайтда ёлғизлик даштини шудгорлар, у ерга ҳар йили Замон отбоқар ҳукумат одамлари билан келиб, эри ва ўғлини отиб ташлаган оқшомни экар ва сўнг ёлғиз ўзи ҳосилини ҳам йиғиб оларди. Байна момо ҳар кеча кўз ёшлари билан тўлган қайиқда йиллар қоялари орасида қолиб кетган эри билан ўғлининг илма-тешик бўлган мурдаси ва Замон отбоқарнинг музаффар қамчиси ётган қонли ҳалқоб билан тўлган айвонга сузиб борар, эрталаблари ҳўл бўлиб кетган ёстиғини худди қадим аждодларнинг унут яловидай уйининг олдидаги— орадан йиллар ўтгач, уйини бузаётганлар кўпориб ташлашга кучлари етмагач, ковлаб олишга мажбур бўлган— баланд толга осиб, офтобда қуритарди. Қиш пайтлари ғамлаб қўйган ўтини етмаган кунлари у кўрпага оёғини тикқанча хотирасига исиниб жон сақларди. Ражаб чавандоз қариндошлиги кўзиб, бир неча йил олдин ғамлаб берган ўтини омборхона ортида тахланган жойда тахи бузилмай турарди — уни Байна момо қазо қилганда маъракага яратишди ва барча терсоталиклар Райим полвон тириклигида ҳамманинг маслаҳаттўйи бўлган, уйи ҳаммаша меҳмонлар ва полвонваччалар билан тўлиб-тоша-

диган бу аёлнинг бунчалик нафрати ва тавқи лаънати-га сазовор нима гуноҳ қилишганини бир умр билолмай ўтишди. Байна момо қишлоқдошларига кўз-кўз қилмоқчидай, бу уйнинг эркаги ва орияти ўлмаган дея таъкидлаётгандай эри ва ўғлининг полвонлик яктакларини ҳар ойнинг охирида шусиз ҳам ҳамманинг кўзига ташланиб турадиган уйининг шаппаттайига осиб кўярди: яктаклар ҳам бора-бора йиллар ҳовурига ҳамда ҳар ойда қайта ювадиган нафрат тўла чангалларга дош беролмади: Замон қассоб ўлимидан бир кун олдин яктаклар торда увада-увада бўлиб осилиб турар, улар энди кийимдан кўра кўпроқ қабрлар устига илиб кўядиган лахтакка ўхшаб қолганди.

Замон отбоқарнинг ўлими ҳам Байна момонинг қалбини юшата олмади: унинг ўлими тўғрисидаги хабарни келтиришганда Байна момо ўз ҳужрасида келинлик сандиғи ёнида чўкка тушганча мусибату вამга кўмилиб ўтирарди: унинг шу туриши азоб-уқубатнинг бир тўплам уюмига ўхшарди. Ҳужрага бош суққан Розия момо унга Замон отбоқарнинг ўлими ҳақидаги хабарни етказди. Барча аёллар ҳозир қувончдан ҳаммани бир-бир қучиб чиқади деб ўйлашганди. Аммо Байна момо хабарни оқсуяклардек хотиржам қабул қилди: у бу хабардан ажабланмади ҳам, ўтирган жойидан остонадаги аёлларга бурилиб ҳам қарамади — ҳайкалдай, гўё тошдай қотиб ўтираверди. Фақат унинг бармоқлари қалтираб турар, хонага қон ҳидидай нохуш ҳид ўтириб қолганди. Аёллар ундан жавоб кутиб узоқ ўтиришди. Орадан анча вақт ўтгач, Байна момо уларга ўтирилиб ҳам қарамай, гўё уларни кўришдан ижирғангандай ва жирқангандек алфозда «Боринглар, ўликларингга йиғланглар» деди. Унинг қаҳр тўла товуши кўпдан буён одам қадами етмаган ҳужралар ичига сингиб кетди: у ердан йигирма уч йиллик чангу ғубор гўё зардали овоздан қалтираб кетгандек жойларидан бир қимиллаб кўйди, сўнг яна ҳужраларга бу хонадон бошига тушган вам-андухдай абадий чўкди. Шундай дея Байна момо мусибат ва вам адо қилган бу аёлнинг йилдан-йилга кичрайиб, қариб бораётганидан ва юзларини тилим қилиб ташлаган ажинларидан уялгандай фаслма-фасл ранги ўзгариб, худди бекаси каби туссиз, рангсиз кўринишга келиб қолган ва ҳеч қачон елкасидан тушмаган желаги билан юзини аёллардан тўсиб олди; шу билан у терсоталиклар ва одамлар

билан ўрнатилажак барча мулоқотлар эшигини тақат-тақ ёпди ва фақат ўзигагина маълум, бошқа ҳеч ким англай олмайдиган, бошқа ҳеч ким англашга қодир бўлмаган ўз дунёсига кириб кетди.

Байна момо сўнги нафасигача ўз нафратига содик қолди. Замон отбоқарнинг ўлиmidан сўнг ҳам қишлоқдошлари билан илакишиб кетолмади. Умрининг охирида бу ўжар кампир барибир ўзлариникига кўчиб бормаслигини сезгач, синглицси билан куёвининг ўзлари кўчиб келишди: аммо бу пайтда Байна момо бутунлай оёқдан қолган, фақат кун узоғи кўзини шифтга тикканча чўзилиб ётишга ярарди.

Байна момони эри ва ўғлининг қабри ёнига қўйишди: эллик йил аввалги қабрни осонгина топишди; қабр деярли ҳар ҳафта тозалаб турилганидан бошқа қабрлардан яққол ажралиб турар ва ундан мискин бир андуҳ анқирди. Унинг Райим полвондан сўнг деярли янгиланмаган, ҳатто уларга ҳам мусибат ва ёлғизлик ҳиди ўтириб қолган кўйлаklarини халқ лапарларини йиғиш учун келиб, қуриб кетишган ва ўша талаба қизлардан сўнг бирон марта фойдаланилмаган торга узоқ жанглардан сўнг мағлуб бўлган қўшиннинг ўзларига ўлжа қолган туғларини осиб қўйишгандек ва қишлоқдошларидан эллик йил нафрат қилган аёл устидан ниҳоят ғалаба қилишгандек бир-бир осиб чиқишди. Талаба қизлар ўшанда Замон отбоқарникига йиғилган, пишириқ-мишириқни бошлашган аёллар қий-чув қилишаётган оқшомда келишганди. Уларнинг келиши билан Замон отбоқарникида бошланган тўй ташвишлари қўшилиб кетди. Бироқ қизлар қишлоқ иримларини назарига ҳам илишмади. Байна момоникига кела-солиб, кир ювишга тушдилар — улар ичкўйлак, рўмол, яна Байна момога ғалати кўринган шимларини шундоқ ҳаммага кўз-кўз бўладиган жойга бемалол осиб қўйишди — улар Мели ўқитувчининг «қишлоқдаги энг кекса аёл» деган бир оғиз гапи билан Байна момоникига келиб ўрнашиб олишган, афтидан, ҳали-бери кетишмоқчига ўхшамасди. Байна момо улар билан очилиб гаплашмади ҳам. У кечқурун эчкиларни соғаркан, қизлар ҳайратдан қий-чув қилиб юбордилар: уларнинг биронтаси ҳам эчки соғишни кўрмаганди. Қизларнинг бир-иккитаси Байна момога яқинроқ келиб, унинг эчки елинига бориб келётган қоқсуяк қўлларига қарадилар: миршабларнинг

ҳафсаласини пир қилган, худди уйнинг девори каби йиллар уқалай-уқалай жимитдек қилиб қўйган гавдасини сал олдинга эгиб турганидан унинг ўзи ҳам қари ва озгин эчкига ўхшаб қолганди.

— Агар ўйлингиз бўлганида мен сизга жон-жон деб келин бўлардим, — деди қизлардан шаддодроғи Байна момонинг эчки соғишидан завқи келиб.

Байна момо унга ўқрайиб қаради ва кўзларида бирдан алам ёнди: қизлар қўрқиб кетишди: кўз олдларида Байна момонинг бутун танаси бирдан тутаб жўнагандай туюлди. Қизлар дуд ҳидини аниқ сезишди. Байна момо ўрнидан турди-да, кўлидаги қаддини супага қўйиб, ичкари кириб кетди ва шу киргани билан эртасига эчкиларини юлғунзорга ҳайдаб кетмагунча қайтиб чиқмади. Чошгоҳ пайти эчкиларини ҳайдаб кетар экан, қизларга бир оғиз ҳам гапирмади. У худди ойпарастга ўхшаб кетиб борар, эчкилари юлғунзорга эмас, Пўлат чолнинг бедапоясига қараб кетаётганини ҳам сезмай юлғунзор тарафга йўл олганди. Пўлат чол қорни шишиб кетган эчкиларни ҳайдаб келганда Байна момони уйдан тополмади: у алламаҳал, ой атрофни сутдай ёритганда шарпадай кириб келди ва уйга кириб кетиб, то миршаблар сўраб келмагунча уйдан чиқмади. Қизлар бир ҳафта унинг оғзини пойлаб овора бўлишгач, бирон нарсага эришолмай қайтиб кетишди. Улар уй олдида пайдо бўлишлари билан уйнинг таназзулга юз тутгани бирдан билиниб қолди. Улар навқирон ва гўзал эдилар, уйдан ва Байна момодан чиркинлик ва мусибат ҳиди келар, навқиронлик олдида бирдан уй ҳам, Байна момо ҳам кексайиб қолгандай эди. Улар бу уйга ўрнашиб қолган ёлғизлик ва мусибатни чўчитиб, сўнг қувиб юборишмоқчидай тинмай хохолашардилар. Талаба қизларнинг очиқ-сочиқлиги ва лорсиллаган таналарини кўз-кўз қилиш учун кийиб олган тор шиму кўйлаклари, калта сочлари-ю ғалати, оппоқ пайпоқлари ҳам табиатан текин томошани яхши кўрадиган терсоталикларнинг эътиборини тортолмади: уларнинг шаҳар атири уфуриб турган ноз ва таманнолари сирли тарзда ўлдирилган отбоқарнинг азаси орасида кўзга ташланмай қолди. Узоқ вақт фарзандсизлик азобини тортган отбоқарни қирқдан ошиб дунёга келган уч ўғлига бирваракайига дабдабали тўй қилиш учун казо-казоларни шахсан ўзи айтиб келиш мақсадида шаҳар тушиб кетгандан икки кундан сўнг

эрталаб дарё бўйидаги юлғунзор ичидан чавақланган ҳолда топиб олишганда алақачон тўй қозонлари қурилиб, узоқ манзиллардан баъзи меҳмонлар кела бошлаган эди. Узоқ йиллар ўзларига суюнчиқ бўлиб келган отбоқарнинг ўлими худди душманларидан ўзларини асраб турган қўрғонлари қулагандек терсоталикларни бирдан мунғайтириб қўйди — улар қарийб йигирма беш йил раҳнамо ва пешволари бўлиб келган одамнинг ўлиmidан қаттиқ қайғуга тушдилар. Эртасига етиб келган миршаблар қишлоқдаги ҳар бир эркак билан гаплашиб чиқишди, сўнг улар Байна момоникига йўл олдилар — улар йигирма уч йил муқаддам отбоқар туфайли эри ва ўғлидан ажралган аёлни тўсатдан эслаб қолишганди. Бироқ улоқлар ичида улоқдан ҳам кичик жуссали, юзига йилларнинг бешафқат муҳри босилган ҳамда ёлғизликка маҳкум этилган, ҳар бир сониянинг мусибату андуҳи асорати порлаб турган кичкина, жимитдай, сочлари оппоқ бўлиб қолган кампирни кўришгач, негадир ботинишолмади — улар қаршиларидаги рамақижон кампир билан девдай Замон отбоқарни қиёслашиб, ўз шубҳаларидан уялиб кетишди, чоғи, индамай изига қайтдилар. Улар, гарчи Байна момони сўроқ қилганларида ҳам ҳеч нарсага эриша олмасдилар — у кейинги йилларда бир оғиз ҳам гапирмаган, сўзлар ва уларнинг маъноси унинг хотирасидан чиқиб кетгандай ёки ўз моҳиятини йўқотгандай, ўз қайғу ва азоби билан кунларни зўрға енгиб яшаётган эди. Замон отбоқар итдай ўлим топганди. Жасаднинг шу туриши аввал ўзи, кейин тепаси қулаб тушган улкан минорни эслатарди — кийимлар пора-пора йиртилган, аврати узиб ташланган, ўнта бармоқнинг ҳаммаси кесиб олинганди...Барибир бармоқни излаб топишолмади. Жасадни бармоқсиз кўмишга тўғри келди: бутун қишлоқ нақ қиёмат майдонга айланганди: аёллар уввос солиб йиғлашар экан, энди сочлари қордай оппоқ, деярли арвоҳга айланган, қишлоқдошларининг хотирасидан ҳам чиқиб кетган Байна момо том устида Райим полвонни итдай отиб ташлашларидан бир неча дақиқа олдин отини эгарлаш учун олиб чиқаётиб, ўққа дучор бўлган, йиллар пора-пора қилиб ташлаган жабдуқ устига чўкак тушганча тўй деб келиб, аза устидан чиқаётган меҳмонларни, тўй бераман деб, энди аза бераётган қишлоқдошларини кузатиб, худди қутлуғ бир вазифани ўтаб, энди дунёда армони

қолмагандек, йилларғижимлаб ташлаган юзида бир жунунваш ифода қотиб қолган ҳолда терсоталиклар ҳаётига йигирма уч йил соя солган тош ҳайкал каби қилт этмасдан ўтирарди.

Ниҳоят бу кампирнинг ҳам ситамгар китоби ўқиб бўлинди — у лайлатулқадр кутилаётган оқшом ёғоч ва кўп йиллик андуҳлар ҳиди ўтириб қолган, содиқ қўшиндай элик йилнинг бирон куни ҳам тарк этилмаган ғамнок ва аламли салтанати — келинлик тўшагида жимгина жони узилди — фақат ўлиши олдидан сингисини чақириб йигирма йилдан буён очилмаган, олтмиш етти йил олдин тераклилик Кўр Сафар уста ясаган, ярим вайрона сандиққа имо қилди ва бир сўз демай тўшакка бош қўйиб жимгина жон берди. Уни эртасига тушга яқин чиқаришди. Удумга кўра азага Уранинг барча қишлоғидан одамлар терилиб келишди — амир замонларини кўрган, нариги асрнинг сўнгги ёдгори бўлган қишлоқдошларини сўнгги йўлга кузатиш учун барча кекса-ю ёш йиғилди. Йиғилганлар орасида Райим полвон билан ўғлини ҳимоя қилолмай, Байна момонинг бир умрлик нафратига дучор бўлган, ўша пайтда навқирон, энди шарти кетиб, парти қолган чоллар ҳам бор эди. Улар орадан элик йил ўтгач, бу унут ва музтар гўшага биринчи бор қадам қўйишган ва тобут ортидан гуноҳкорона бўйин эгиб боришарди.

Мурдани ювиш олдидан сандиқни очишди. Аввал ўлимликка аталган кийим-кечакларни, кафанни олишди, сўнг дастаси қорайиб қолган қамчи, сопига гавҳар ўрнатилган ханжар, эркак кишининг тер ҳиди келиб турган калапўши, кўкракка тақадиган зебигардон, кампирнинг қўлида ҳеч қачон кўринмаган келинлик билагузуги, этаги каштали, ёқасига тасма урилган кенг кўйлак, ангишвона ва сарғайиб кетган Куръонни олишди. Энг охирида сандиқдан боғичини чирк боғлаган, каптарнинг юрагидек кичкина, матоси зар сим билан тикилган, кўп йиллик қон қотиб қолган тумор ва тиғи занглаган қайчи, кўп йил турганидан бўғин-бўғин бўлиб, фақат суякнинг ўзи қолган, у ҳам қорамтир тус олиб, нақ кукунга айланиш арафасига келган, чорсининг йиртиғига пала-партиш ўраб ташланган ўнта одам бармоғи ҳам топилади...

ЯЛПИЗ ҲИДИ

(Туркум ҳикоялар)

I

Соратон

Дам олиш куни хонасида китоб ўқиб ётган Самандарнинг димоғига бирдан ялпиз солинган шўрва ҳиди урилди ва саккиз яшарлик пайти баҳор кунларининг бирида ҳаётларининг бурчагидан отасининг бир кучоқ ялпиз териб келгани ва онаси кечқурун ялпиз шўрва қилгани эсига тушди-ю, китобни ёпиб, ҳавони бурнига торта бошлади. Сўнг ўрнидан туриб, дераза пардасини сурди ва у ердан кўриниб турган, ҳали тўла сарғаймаган дарахтларни кўриб, кўнгли чўқди. Боғга ҳафсаласизлик билан кўз югуртирди. Боғдаги дарахтлар сийрак, лекин сершоҳ эди; қаровсиз қолганидан боғни чириган чакалақлар босган, айна саратонда бу манзара нохуш таассурот қолдирар, кўп йиллардан бери қуёш кўрмай касал бўлиб ётган шол кампирнинг қўлидек қуруқ ва кўримсиз эди. Самандар улардан нигоҳини дарров олиб қочди. Шохларнинг синиб, сарғайиб, мунғайиб ётишини ортиқ кўргиси келмади. Негадир юраги ғаш бўлди. Деразага яқин иккита дарахт узун маржон шаклида мева қилган, меваси ҳали ғўр ва дарахт тусига нисбатан яшироқ ва ялтироқ эди. Дарахтларнинг остида ботаётган қуёшнинг тангача шуълалари ўйноқларди. Боғнинг ярми жўка, дуб ва Самандар ҳали номини ҳам билмайдиган дарахтлардан иборат эди. У шаҳарда ҳар қадамда учрайдиган бу дарахт турларини бир-биридан зўрва ажратарди. Жўка дарахтини узоқ йили озғингина боғбондан билиб олганди. Боғбон ҳам боғдаги дарахтларнинг кўпчилигининг номини билмасди. У фақат шарқона дарахтларинигина қийналмай санай оларди. Самандар эса ёшлигидан таниш бўлиб қолган олча, олма, шафтоли ва ёнғоқ дарахтларинигина таналарига қараб ажратиб бе-

* Ҳаёт — (шева) тоғли қишлоқларда ҳар хил экинлар экиладиган томорқа.

рарди. Бироқ боғга дарахтлар аралаш-қуралаш экиб ташланган ва у боғдан кўра алланечук қаровсиз хиёбонга ўхшаб кетар, мевали дарахтлар деярли йўқ эди. Самандар дерезага яқин, ҳали меваси қизарар-қизармас боғ ичидан ўтаётган мактаб болалари талаб кетадиган олча дарахтини ва панжара тўсиққа қаватма-қават экилган, лекин ҳеч қачон ёлчитиб мева қилмайдиган жийда дарахтини ёқтирарди. Олча дарахтининг танаси кексаларга хос ғадир-будир, сершоҳ, сермева эди. Жийда эса баҳор пайтлари бутун шаҳарни ўзининг ҳиди билан тўйдирарди. Самандар дерезадан кўринаётган олча дарахтининг нариги бетдаги осмонга туташиб кетган юқори қисмидаги баргларининг сарвая бошлаганини кўрди. Шоҳда барглар қатор тизилганди ва Самандарга яқин бўлгани учун осмонни тилимлаб турган дастасиз ханжарга, барглари эса осмон саҳнида улкан мовий кўлга бир-бирининг тумшуғидан боғлаб, қатор териб қўйилган кичкина қайиқчаларга ўхшарди. Бу ҳозир Самандарга боши оғриб тургани учун ёқимли манзарадек бўлиб туюлди. Ҳатто баргларнинг қайиқчаларга ўхшашини кашф этганидан хурсанд бўлиб кетди. Баргларнинг худди денгиз тўлқинида солланиб турган қайиқлардек тебраниб турганини ва осмоннинг жуда ҳам мовий, боғнинг бўм-бўш, дарахтларнинг сукутда экани бир зум жуда ноёб гўзалликдай бўлиб туюлди. Ҳозир Самандарнинг қулоғига нарироқдаги катта йўлдан трамвай ва троллейбусларнинг тақа-туқлаб ёки гувиллаганча ўтиб бораётгани ҳам, машиналарнинг сигнали ҳам, болалар боғчасидан келаётган шовқин ҳам кирмасди: у ҳозир мана шу ноёб гўзалликни бутун онгига, шуурига сингдирмоқчидек, фақат боғ ичида дарахтлар ва барглар шитиригагина бутун эътиборини жалб этганди. Жўка дарахтининг қуёш тегиб турган қисми сарғиш тусда, бошқа қисмлари қорамтир-пистоқи тусга кирганини англаб қолди. Жўка дарахтининг сербарг новдалари орасида унинг шоҳлари деярли кўзга ташланмас, дарахт у турган дерезадан ярми қора, ярми сариққа бўялган эски гумбазга ўхшаб кўринарди. Самандар бир ҳафтача олдин К. майдонидаги хиёбонга борганини эслади. Хиёбонда ҳали ҳамма нарса ям-яшил, гўё баҳор ҳали кетмагандек, гуллар очилган, арчалар хушбўй ҳид таратган, майсаларда намчил тафт бор

эди. Хиёбон шу даражада гўзал, рутубатли, ҳар хил рангга беланган ажиб бир манзарага эга эдики, аиникса, қуёш ботган маҳали бу манзара яна ҳам гўзаллашар, кўзларини яшнатиб, юракни қитиқларди. Бироқ баҳри-дилини очиб юборадиган бундай гўзалликда қандайдир ясамалик бор эди. Самандар бу гўзаллик ўзига юқмаганини сизди. Ҳар хил шаклга солиб экилган гулзор ва майсаларнинг жозибасини ўзига сингдиrolмади. У майсалар ичида ёки арчаларнинг доимо соя тушганидан зах бўлиб қолган жойларида биронта ҳам бегона, ёввойи, ўз холича ўсиб ётган ўтларни кўрмади. Ҳатто кўм-кўк бўлиб оқаётган хиёбон ичидаги кичкина жилғачанинг атрофи ҳам жуда эътибор билан тозаланган ва тартибга келтирилган эди. Тўрт бурчак шаклидаги майдонда майсалар қулф уриб яшнаб ётарди. Майсаторда фақат майса, гулзорда фақат гул ўсган, улардан одамнинг юзига роҳатбахш салқин ҳаво уфурар эди. Ўша куни Самандар худди ҳозиргидай қишлоғининг чеккасидаги доимо сув сизиб ётганидан нақ чангалзорга айланган ва ёввойи гулларга бурканган тўқайни эслаганди. Тўқайда майсалар товон урар, ҳар хил гуллар аралаш дасталари сувга қониқиб, бутун бир тўқайни ҳиди билан маст қилиб турган, тарсиллаган ёввойи ялпизларни, печакгул ва шамакгулларни, тўқайдаги юлғун, зирак ва харсанглар соясида офтоб тегмаганидан сарғиш тусга кирган қоқигулларни эслаганди. Негадир болалигида унга қадрли бўлмаган тўқайдаги ўша анвойи гуллар, энди ҳатто ўсимликлари, гуллари ҳам тартиб билан ўсадиган шаҳарда унга алланечук ардоқли бўлиб туюларди.

У балким бир ҳафта олдин қишлоғининг четидаги тўқайда ўсадиган бўлиқ ялпизларни эслаган ва сўнг унутгани учун ўша куни юзага чиқар-чиқмас, яна яширинган — ҳали ўзи ҳам нима деб аташни билмаган ботиний туйғулари ва хотиралар бугун китоб ўқиб ётганида ўз-ўзидан шуурини банд этиб, бир зум сувга яширинган пўкақдек хаёлига лип этиб қалқиб чиққану, унга ялпиз солинган шўрва ҳидини эслатгандир? Ҳар қалай, Самандар ялпиз солинган шўрва ҳидини кўмсарди. Шу сабабли бўлса керак, унинг орқасидаги болалар боғчасига қарашли қаровсиз боғ унинг кўнглига яқинроқ эди. Йўқ, у қарийб саккиз йилдан

бери шу ерда яшаётгани учун бу боғ қадрдон эмасди, балки, ўша, ҳатто одам тушунтириб бера олмайдиган, майсалар билан гуллар ўртасидаги ҳали буткул чегара ўрнатилмаган, ўсимликлар ўз эркича ўсиб ётган, баъзи кунлари деразани очиб, ишлаб ўтирганида ялпиз ҳиди келиб қолгани учун мана шу қаровсиз боғ Самандарнинг кўнгли ва хотираларига яқин эди.

Ўшанда у биринчи синфни тугатаётганди. Ёмғир эндигина ёғиб ўтган, боғдаги майсаларнинг қафтларида маржон-маржон томчилар жилваланар, отқулоқлар баргида ҳовуч-ҳовуч томчиларни қафтларига олиб, кўз-кўз қилиб турганга ўхшар эди. Отаси билан ҳаётнинг отхона жойлашган қисмига боргунча кичкина этиги худди яп-янгидай ялтираб қолган, бундан суюниб кетган Самандар ҳаётдаги ўтларга этигини тобора кўпроқ ишқаб ялтираган, узун чопонининг жиққа ҳўл бўлгунча ўтлар ичида мастона-мастона ағнаганди. Ўшанда отаси отхона девори остидан бир қучоқ ялпиз териб олган ва онаси кечқурун ялпиз барглари солиб шўрва қилганди. Ялпизларнинг дастаси бўлиқ ва серсув эди. Самандар ўша кунги шўрва таъмини бошқа ҳеч қаерда туймади ва жуда кўп қўмсади. Ялпизли шўрванинг қурут солинганидан бироз тахир таъми ўша куни унинг оғзида бир умр ўрнашиб қолди. Онаси кейинчалик ҳам ялпиз солинган шўрва қилиб берган, лекин ҳеч қайсиси ўша кундагидай Самандарга хуштаъм туюлмаган ва дарров эсидан чиқиб кетганди.

Самандар олдинлари ҳам ўз хотиралари билан қаровсиз боғ ўртасида қандайдир уйғунлик борлигини кўп марта ҳис қилганди. Лекин бу қандай уйғунлик ва қандай ўхшашлик эканлигини ўзи ҳам билмасди. Боғнинг қаровсиз экани-ю, ўзининг доимо иккиланиб, шаҳар ҳаётига кўниқолмай яшаётгани ўртасида қанчалик мутаносиблик борлигини ва нима учун бу ташландиқ боғга бунчалик кўнгли қўйгани-ю, боғ нима учун ўзига азиз ва мўътабар туюлишини билмасди. Лекин кейинги ойлардан боғ унинг бирдан-бир ҳамдарди, унинг сўзсиз суҳбатдошига айланди. Кўнгли қачон ёлғизликни ёки қишлоқ хотираларини қўмсаб қолганда, Самандар боғга кирар ва қаровсиз дарахтларга қараб, болалик пайтларини эсларди. Самандар дарахтлардан анқийдиган чиркин ҳидни туяр экан, нов-

даларга, шох-шаббаларга, хазон уюмларига тўлиб ётган, дарахтлари бўталаб кетган бу боғ унга ҳар қандай сўлим ва бежирим хиёбонлардан гўзалроқ туюларди. Куз ёки баҳор пайтлари шаҳарга адашиб кириб қолган довуллар, боғдаги кекса дарахтларнинг шохларини қасир-қусур синдирар экан, Самандарнинг кўнглида ҳам нималардир қасир-қисирлаб кетарди. Шундай пайтлари уйқуси учиб, туни билан безовта бўлиб чиқар ва эрталаб бекатта чиқа туриб, довулга дош беролмаган шохларнинг мағлуб ботирнинг синган найзасидай ерга осилиб турганини кўрарди; шундай лаҳзаларда дарахтларга азбаройи раҳми келганидан, бу йилдан бошлаб боғга боғбон тайинлашларини сўрайман, деб аҳд қиларди. Жиккаккина боғбон эса уч йил олдин қазо қилганди. Ундан кейин боғ ўз харажатини қоплолмагани учун ташландиқ бўлиб қолди. Лекин баҳор келиши билан боғ ёввойи гулларнинг ва ям-яшил дарахтларнинг нафис-муаттар ҳидларига тўлиб кетар экан, Самандар ҳамиша ўз аҳдини унутиб қўяр ва боғнинг гўзаллигига мафтун бўлиб қоларди. Дарахтлар шу даражада зич, тарвақайлаб кетган эдики, синган-чириган новдалару ям-яшил барглар, ранго-ранг гуллар ичида дарахтнинг ўзи кўринмай қоларди. Баъзан бу ердан бир иккита адашиб чиқиб қолган ялпизни ҳам топиш мумкин эди. Боғда ёввойи гуллар кўп эди. Самандар ялпизни кўрганида ҳамиша ҳаяжонга тушар, ютоқиб ҳидлар. Кўнглида жўш урган хотиралар чўфига шу билан сув сепмоқчи бўларди. Бироқ ялпизнинг ҳиди у кутгандай димоғини куйдириб юборадиган даражада ўткир бўлмасди. Аксинча, ялпизда кўпроқ зах ҳиди ўрнашиб қолган эди. Шунда Самандар беихтиёр отаси отхона девори остидан териб келган ялпизларни ва ялпиз солинган шўрва ҳидини эсларди ва кечки пайтлари боғда сайр қилишни яхши кўрарди. Шохлар тарвақайлаб кетганидан боғ ичидаги йўлкалар ҳам ёпилиб қолган, Самандар боғни айланиб нариги томонга ўтарди. У томондан боғнинг ичига кирадиган йўл очиқ эди. Боғ ўз кексалиги ва ташландиқ эканлигини одамлардан яшириш учун атрофни шох-шабба билан ўраб ташлагандек эди. Бу ерда йўлак бўйлаб, тигиз қилиб пўстлоғидан ҳамиша рутубат аңқиб турадиган тераклар экилган, йўлак орқали боғ тўрига кириш ва болут дарахти остида ўтириб бема-

лол хаёл суриш мумкин эди. Самандар ўтиришда со-
атлаб китоб ўқир экан, гоҳ жийда, гоҳ дубдан тара-
лаётган сокин кўклам ҳиди ёки ёввойи гулларнинг
анвойи ҳидини сезарди. Бундай пайтлари чиркин
шох-шабба ва хазонларнинг ҳам ҳиди хушбўй бўлиб
кетарди. Дарахт шохларида мунчоқдай-мунчоқдай ём-
ғир томчилари баргларнинг қорачиқлари каби ўйнаб,
ялтираб турарди. Баъзан томчилар баргларига сирға-
лардай осилиб оларди. Самандар бу ерда ўзини эркин
ҳис қилар, ҳар қандай хушту-хаёлларига эрк бера
оларди. Гоҳида унга боғдаги гўзалликда ҳам қандай-
дир нуқсон бордай бўлиб туюларди. Бу қандай нуқсон
эканлигини унинг ўзи ҳам билмасди. Самандар қиш-
лоқдан шаҳарга келган пайтларини, у пайтдаги туйғу-
ларининг нақадар поклигини ва ҳаётга завқ-шавқ, ҳай-
рат билан қараганини армон билан эсларди. У ишга
борар, вақтида қайтарди, мана етти йилдан бери худ-
ди шу аҳвол эди. Маълум тартибга тушган: вақтида
ишга борар, иш туташа билан қайтар, дам олиш кун-
лари китоб ўқир ёки бирон дўстиникига борарди. Етти
йиллик таржимаи ҳоли мана шу битта жумладан ибор-
ат эди. Кейинги йилларда ўзидан норози бўла бош-
лаганди. У ўз ҳаётидан қониқмас, умрининг кун билан
туннинг ўзгаришидай бир хил эканлиги уни тобора
ҳафсаласиз қилиб қўйган, тез-тез қишлоқ хотирала-
рига берилиб кетарди. Хотирага берилиш билан тезда
гуп этиб ялпиз солинган шўрва ҳиди димоғига урилар
ва беихтиёр ҳапқириб кетарди. Шунда бирдан юраги-
да ҳар хил туйғулар ғалаён қилиб қолар, у ерда изн-
сиз довуллар бошланар, тўрт томони ҳам девор бўлган
каталақдек уйда юраги сиқилиб кетар ва секин боққа
чиқарди; оқ, ҳарир гулбаргларнинг худди қуш пати-
дай учиб тушишларини ва сўнг жажжи қушлар каби
оҳиста ерга қўнишини кўриб, бу бир лаҳзалик гўзал-
ликдан кўнгли завқ-шавққа тўлиб кетар, умрининг бе-
ҳуда ўтаётгани ҳақидаги ўй-хаёлдан аста-секин фо-
ривланиб борарди. Балки, мана шу сабаб боғ билан
Самандарни бир-бирига яқин қилиб қўйгандир?! Боғ
ҳам Самандарнинг назарида унга ўрганиб қолгандай
эди. Уч йилдан бери у билан суҳбатлашар ва Саман-
дар ўзи енгил тортгани сайин боғ ҳам ташландиқли-
гини унутаяпти, менга дардларини айтиб бераяпти деб

ўйларди. Чунки у кирганда дарахтлар унга нелардир деб, шивирлай бошларди ва унинг кўнгли ҳам овозсиз шитир-шитирларга, чаҳ-чаҳларга тўлиб кетарди. Шундай лаҳзаларда Самандар боғ билан ўзининг қалби айнан бир нарса эканлигига сира ҳам шубҳа қилмасди.

Самандар отасининг отхона девори тагидан ялпиз териб келганини ва ўзининг барра гул бедага то чопони ҳўл бўлгунча ағнаганини, майса қулоғидаги ёмғир томчилари унинг бўйнидан ичига тушиб, қитиғи келганини орзиқиб эсларди. Бедага ағнагани худди ялпиз солинган шўрва ҳидидай унинг эъзозли хотираларидан бири эди. У бошқа, ҳеч қаерда, ҳеч қачон ўша кунгидай завқ билан, шодлигидан қийқириб, ўзини ба-тамом бахтли ва эркин ҳис этмади.

Талабалик йиллари тоққа чиқиб, майсаларни кўрган-да болалиги тутиб кетган, майсаларга мастона-мастона ағнаганди, лекин бу ағнаш унга бедага ағнаганчалик завқ бермаганди. Боғдаги майсаларнинг қулф уриб яшнаб ётганини кўрганда Самандарнинг ёшлик хумори тутиб кетар, лекин у энди бола эмас эди, атрофдаги баланд-баланд бинолардан аёллар ва эркаклар эрмак учун шунчаки боғни томоша қилиб ўтиришар ва эснаб қўйишарди.

Мана энди бу манзаралар у одатдагидай дам олиш кунларининг бирида китоб ўқиб ётганида, булут ичига яширинган қуёш каби хаёлига балқиб чиққан ва бутун хотираларини ёритиб юборган ҳамда гоҳ болаликка, гоҳ отаси ялпиз териб келган олис оқшомга, гоҳ қаровсиз қолган боққа ўхшаб кетадиган ажиб бир хотиранинг торини чертиб юборганди. Самандар бу торнинг кўнглида борлигини илгарилари ҳам сезганди. Энди эса бу ўйчан ва ҳазин оҳангга қўшилиб, ўзи ҳам сарқашлик ва ўйинқароқлик билан ўтган, лекин ҳозиргига қараганда мазмунлироқ ва бахтлироқ бўлган болалик кўчаларига ва ўша олис оқшомга мана бу ташландиқ боғ орқали ўтиб борарди. Боғ энди унга фақат хотиралар макони эмасди, балки, умрининг бир қисми ҳам эди, ким билади, эҳтимол умрнинг айнан ўзи ҳамдир.

Хазонрез

Куз қандай келганини Самандар деярли сезмай ҳам қолди. Мезон ойининг бошларида сафарга кетдию, ўн кунлардан сўнг қайтиб келди. У қайтиб келган куни шаҳарга ёмғир ёққанди. Ёмғир шу даражада енгил ётгандики, гўё кимдир бутун шаҳар устига ҳўл рўмолчасини бир силкитиб олгандай эди. Шаҳардаги дарахтлар ҳали ўз рангини йўқотмаганди. У кечқурун боғ айлангани чикди-ю, тонг қолди: бу ерда куз аллақачон бошланган, қуриган новдалар чирт-чирт узилиб тушарди. Энди боғ ёздагидан ҳам кўра аянчли тусда эди. Ёмғир тафти аралаш ер ҳиди келаётган бўлса-да, Самандар кўпроқ куйинди ҳидини сезарди. Бу ҳид фаррош аёл болалар боғчаси атрофини супураётганда боғдан учиб борган хазонларни ёқиб юборган жойдан — кекса ёнғоқ дарахти тагидан келаётганди. Самандарга бу ҳид нохуш нарсадан даракчи бўлиб туюлди.

Бир ҳафталардан сўнг столида уч дона номозшом гулининг сўлиб ётганини кўрди-ю, ногаҳон куз келганини ва бунга ўзининг ишонгиси келмаётганини англади. Гулларни уч кун олдин қизи болалар боғчасидан — гулзордан узиб келганди, сўнг отасига мақтаниб кўрсатган эди: қизи гулни ҳадеб искарди. Самандар ҳатто ақли етмаган гўдак ҳам гўзалликка бунчалар шайдо бўлишини кўриб, ҳаяжонланиб кетганди. Қизининг юзи ҳам эндигина очилган гунчадай яшнаб турарди; қизи унинг китоблари билан овора бўлиб, гулни стол устида унутиб қолдирган, у келтирганда гулларнинг сарғиш гулбарглари ҳали сўлим эди. Самандар уч кунча олдин гулларни столида кўриб, ухлаб ётган учта гўдакка ўхшатганди; энди эса, қовжираб қолганда улар болаларга яна ҳам кўпроқ ўхшар, фақат уларда ҳаётдан асар ҳам йўқ эди. Гуллар қуриб, малла тусга кирганди. Самандарнинг уларга кўнгли ачишди-ю, столи устидан олиб ташлагиси келмади; гулларнинг биронта ҳам барги тўкилмаганди, улар ўлим билан мардонавор жанг қилганди. Бу йил куз, унинг назарида, бошқача келди. Энди тўкилаётган хазонларни у кузнинг тириклик ва ўлим ҳақидаги қасидаси деб эмас, балки ҳарир кўйлак кийган, хаёлидаги ва боғда-

ги муסיқага мос рақс тушаётган фаришталар деб ўйлай бошлади. Самандар кечқурунлари ишдан қайтар экан, троллейбус деразасидан баргларнинг қандай тўкилаётганини кўриб, юраги орзиқар, уларнинг бунчалик тез тўкилаётганидан ҳайратга тушарди. Автобус ва троллейбус шарпасидан йўл бўйидаги дарахтларнинг барглари дув тўкиларди. Кечки қуёш шуъласида Самандар баргларнинг қандай ялтираб кетганини ва ҳавода узоқ пирпираб турганини кўрганда, бир пайтлар қандайдир кинода кўрган денгиз чағалайлари эсига тушарди. Чағалайлар ҳам кўм-кўк денгиз устида офирликларини гоҳ у— гоҳ бу қанотига солиб учар ва тонги қуёшда уларнинг оппоқ қанотлари жилваланиб кетарди. Тўкилаётган барглар эса қандайдир улкан идишдан узлуксиз тўкилиб турган тафтсиз митти юлдузчаларга ўхшарди ва ҳавода узоқ пирпираб туриб қоларди. Самандар шунда таниш ёш шоирнинг куз ҳақидаги сатрларини эсларди ва хаёлан бу сатрларни такрорлар экан, шеърдаги ташбеҳдан ҳамиша ҳаяжонга тушарди.

Баъзида деразадан саратонда ўзи бир-бирига тумшукларини тираб, боғлаб қўйилган қайиқларга ўхшатган шох энди шип-шийдам бўлиб қолганини кўриб, қайиқлар денгиз бўйлаб қаёққадир сузиб кетган, кўрфаз бўшаб, энди фақат феруза денгизгина қолди деб ўйларди. Бу денгизда ҳам тез-тез бўронлар бўлиб турар, уни қоп-қора довуллар қоплар, қийқирганларича тўда-тўда булутларни қайгадир қувиб ўтиб қолар, жала пайти эса боғдаги ҳазонлар ростдан ҳам қайиқчалар каби қаёққадир оқиб жўнардди.

Самандар кўнглига оқиб кираётган шу тахлит кечинмалардан ўзини маст бўлиб қолгандек сезарди. У бу туйғулар қалбига оқиб кирган сайин мулоҳазалироқ, мулойим, дилгир бўлиб бораётганини англади ва ҳозирги ҳаёти аввалги ҳаётидан мазмунлироқ туюларди. У авваллари йиллаб бирон марта ҳам чин юракдан ғуссага тушмаганини, ҳайратланмаганини таажжуб билан эсларди. Ваҳоланки, ўшанда ҳам шу боғ бор эди. Куз ўшанда ҳам худди шундай сирли туюларди. Сабабини ўйларди-ю, тагига ета олмасди, лекин менинг бунчалик ҳазонришта бўлиб қолишимга ўша саратондаги ялпиз солинган шўрва ҳидини эслаганим сабабчи бўлди, бўлмаса, мен бу оламда рафлатда ўтиб кетардим, бу гўзалликларни сезмай қолардим, деб ўйлай

бошларди. Баъзида эса куз ҳам, боғдаги сукунат ҳам, хазонларнинг рақсга тушаётгани ҳам, кўнглидаги кечинмалар ҳам ва ўзи ҳис этаётган ботиний гўзаллик ҳам — ҳаммаси кўнглидаги ўша туганмас кўшиқнинг давомидай бўлиб туюлар ва ўша кўшиқ кўнглини энди тобора забт этиб олаётганини сезиб қоларди. У кузнинг аста-секин уйига ҳам бостириб кираётганини дафъатан сезиб қолди. Бир ойча олдин хазон боғнинг ўзида уйилиб ётганини кўрганди. Бир неча кундан сўнг эса хазон уй билан боғни ажратиб турган панжарадан ўтиб, йўлкага ҳам сирғалиб ўтганини кўрди. Бир ҳафтадан сўнг эса кечаси довул бўлди. Эрталаб у ишга отланаётганида даҳлизда иккита хазон ётганини кўриб қолди ва шунда куз ҳатто уйга ҳам бостириб кирганидан хурсанд бўлиб кетди. Хотини эса унинг кечаси деразани очиб қолдирганидан норози бўлиб, хазонларни супуриб олди-да, ахлат челака ташлаб юборди, сўнг худди юқумли касалликнинг жойини тозалаётгандек даҳлизни яхшилаб артди. Самандар шунда бу хазонлар боғдан менинг уйимга мадад излаб учиб келган деган ўйга борди. Лекин бу ўйини хотинига айтиб масхара бўлишдан кўрқди.

Самандар бир кечаси дераза қаттиқ тақиллашидан уйғониб кетди. У ётган жойидан шошиб турди-ю, гарангсиб деразани ва юпқа ёғоч тўсиқни очди, юзига ёмғир ҳиди, сўнг томчилар урилди. У зим-зиё тунда деразани қоққан кишини қидириб аланглади, лекин ҳеч ким йўқ эди. Шунда у дераза менинг хаёлимда тақиллаган деб ўйлаб, хотиржам тортди. Бироқ эртасига яна кимдир деразани шошиб қоқди. Самандар деразани очиб ҳеч кимни кўрмади. Яна ёмғир аралаш хазон ҳидини сезди ва энди ўзидан хавфсирай бошлади. Фақат учинчи кунгина «безори»ни тутишга муваффақ бўлди бу — деразаси ёнида ўсган кекса ўрикнинг шохчаси эди. Шамол турганда шохча силкиниб деразани тақиллатарди. Самандар шохчани ушлаб кўриб, унинг вадир-будир, совуқ эканини сезди: шохчада ҳаёт асари сезилмасди. Азбаройи шохчага раҳми келганидан унинг бандини бир-икки силади-ю, шохчага тегинмади. Унинг назарида куз ўзини безовта қилишга ҳаққи бордай эди. Шохча ўзини эслаганидан хурсанд ҳам бўлди. Бир куни ишдан қайтганида шохчанинг узиб олинганини, қора чирик пўстлоғи қўли

кесиб олинган енгдай осилиб турганини кўрди-ю, бу хотинининг иши эканини билди. Эрталаб хотини бир ҳафтадан бери дераза тақиллашидан ухлай олмай чиқаётганидан нолинган эди. Самандар шунда хотини билан ўзи орасида катта жар пайдо бўлаётганини англади: бу жар тобора катталашиб борарди, назарида хотини ҳеч қачон ўзини тушунмагандай туюлиб кетди. «Гўзалликни бўғиб қўйиш ҳам, гўзалликка нисбатан куч ишлатиш ҳам ер юзидан ҳаёт илдиэларини суғуриб ташлаш билан баробардир», — дея ўйлади Самандар қандайдир китобдан ўқиган сўэларини хотирлаб. Самандар шу кунларда бутун вужудига қайдандир келаётган ҳазин оҳанглар сингиб бораётганини сезарди, бу оҳанглар қаровсиз боғдан таралаётгандай эди.

Самандар вужудига қандайдир таранг тортилган торлар бору, торлар боғдан келаётган оҳангларга аксадо бераётгандай туюларди. Баъзан торлар гўё танбур торларидай гўнгиллаб кетарди. Баъэида эса ёмғирнинг боғни ҳафсала билан чўмилтираётганини деразадан томоша қилиб турар экан, ёмғир ўзининг кўнглидаги гўборларни ҳам ювиб кетаётганини ҳис этарди.

Октябрнинг иккинчи ҳафтасида кун бирдан исиб кетди. Ердан, айниқса, боғдан буғ ва ҳовур кўтарилди. Ҳовурдан чирик хазон ҳиди анқирди. Ҳатто одамлар кўйлакчан юра бошлашди. Бу мавридсиз ҳароратга алданган боғнинг чеккасидаги майсалар яна қайтадан ям-яшил бўлиб бош кўтарди. Самандар ишдан эртароқ қайтаркан, қуёш ҳали ботмаган, майдалаб ёмғир ёварди. Бутун шаҳар рутубат қўйнида эди. Самандар ишхона ёнидаги хиёбон оралаб кета бошлади. Хиёбон ўртасидаги фаввора атрофида одамлар гавжум эди. Ёмғир томчилари бошқа кундагига нисбатан бутун негадир одамларнинг завқини қўзғатиб юборганди.

Томчилар юэлардан оқиб, ёқаларининг ичига кириб кетаётган бўлса ҳам негадир ҳеч ким жунжикмасди. Ёмғир томчилари илиқ ва роҳатбахш эди. Самандар фаввора ёнида томчиларга кафтини тутиб турган яшил ёмғирпўшли етти-саккиэ яшар боланинг бошида тождай порлаб турган камалак ёйини кўриб, ҳайратланиб бир зум йўлак ўртасида тўхтаб қолди. Камалак боланинг бошида тождай ярақлар ва томчилар фониди товус патидай жимирлаб кетар эди. Бо-

шида тож борлигини боланинг ўзи ҳам билгандай, юзида, кўзларида ғурур ва ҳайрат жилваланарди. Қўли билан ёмғир томчиларини қучоқлаб олмоқчидай шаҳди бор эди унинг. Салдан кейин бола катак-катак соябон кўтарган онаси билан зинадан кўтарилиб кетаётганда камалак ёйи боланинг белига осилиб қолди. Бу гўзал манзара эди. Бола ҳам ёмғир томчиларига юзини тутиш учун бир зум тўхтаганда камалак боланинг ёмғирпўши билан уйғунлашиб, яхлит бир сурат ясади. Энди камалак боланинг белида қиличдай осилиб турарди. Бола эса онасининг тортқилашларига қарамай ҳамон юзини осмонга тутиб турар, белида эса рангин шамшир ўйноқлар, бола ҳаракатига мос қилич бир йўқолиб, бир пайдо бўларди. Самандар токи бола зинадан ғойиб бўлгунча унга маҳлиё бўлиб қараб турди. У кўздан бери бундай манзарани кўрмаганди. Кўрган бўлса ҳам парво қилмаганди; олти ойча олдин табиат инъоми бўлмиш ҳар бир манзарада инсонни поклайдиган қандайдир синоат бор дейишса, у ўша кишининг устидан мазах қилиб кулган бўларди; ҳозир эса ташландиқ боққа қараб, ўзини кашф этар экан, гафлатда бунчалик узоқ қолиб кетганига ҳайрон бўларди. Камалак энди зинанинг ўзида қолган ва енгил ҳилпираб турарди. Самандар хиёбондаги фаввораларда пайдо бўлган яна бир неча камалакка кўзи тушди. Фавворалар юқорига отилар экан, ёмғир томчиларига урилар, ёмғир томчилари эса ўзидан рангбаранг камалакларни таратарди. Қуёш қия ботаётганидан Самандар турган жойдан фаввора устида ловуллаб атиргуллар очилгандай бўлиб кўринди. Фақат бу атиргулларнинг гулбарглари турли рангда эди. Фаввора атиргули ёмғир томчиларини енгиб, бир юқорига кўтарилар, шунда атиргулнинг яшил гулбарглари кўпаяр, бир пасга солланиб эгилар ва қизил гулбарглари ловуллаб кетарди. Самандар бир неча сония қотиб турди ва юраги ҳапқириб кетди, назарида фаввора устига осмондан қучоқ-қучоқ атиргуллар ёғилаётгандай бўлди. Хиёбондаги майсалар яшил кўйлак кийган болалардай завқ билан юзларини чайишарди.

Самандар бекат томон борар экан, яна икки марта бурилиб фавворага қаради. Энди у ерда камалак жилваланмасди.

Самандар кейинги кунларда ҳам шу манзаралар

таъсирида юрди. У баҳорда ёки саратонда эмас, айна бутун борлиқ хазон бўлишга, чиришга, сўлишга юз тутган фаслда ўз қалбидаги фаввора устига тушаётган гулларни кўрганидан хурсанд эди.

III

Баҳор гуллари

«Буюклик ва гўзаллик ҳамиша ёнма-ён турса керак», деб ўйлай бошлади Самандар шаҳарда ўриклар гуллаб, йўлакларни оқ-қизғиш гулбарглар қоплаб олган ва кўнглида ўзидан кўра улуғроқ бир шижоат уйғонаётганини англаган, ҳар бир гўзаллик бутун таровати ва фусункорлиги билан кўнглига оқиб кираётганини ҳис этган пайтлар. Боғ баҳор келиши билан бирдан ўзгача яшилланиб жўнаганди. Самандар ҳатто ўтган йили қуриб ётган дарахтларнинг қовжираган шохларида куртаклар ўсиб чиқаётганини кўрганди. Гарчи чиркин ҳиди ҳамон таралиб турган бўлса ҳам, энди боғдан кўпроқ кўкат ҳиди келарди; бир ёввойи гурур билан очилиб яшнаган анвойи гуллар ҳам боғга ўзгача фусункорлик бағишлаганди. Гулларни, айниқса, ялпизни кўрганда Самандар завқланиб кетарди. Ялпизлар ҳам бу йил ҳар йилгидан кўпроқ эди. Болалар боғчасидан оқиб келиб, боғнинг этагини айланиб ўтадиган ариқча атрофида бир қулочча жойда ялпизлар гуриллаб ўсиб чиққанди. Бу жой кекса жўка дарахтининг орқасида, кўздан пана жойда бўлгани учун ялпизни бу йил ҳеч ким юлиб ташламаганди. Самандар боғдаги гўзалликдан руҳи тиниқлашиб бораётганини сезарди. У кўнглида уйғонаётган туйғуларнинг булоқларини боғдан топгандай эди. Энди у ҳар куни боғга чиқар ва ярим соатча боғни айланар, кўнглида бирдан ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган кечинмалар пайдо бўлаётганини ҳис этарди; бу кечинмалар шунчалик нафис эдики, Самандар бу нафисликни бехосдан йўқотиб қўйишдан кўрққанидан оҳиста қадамлар билан юрар: кўксидан жуда нозик гуллардан терилган гулдастани кўтариб юрганга ўхшарди.

Самандар ўз хаёлидан ва боғдан таралаётган олам билан уйғунлашиб борар, уйғунлашган сайин қалбида кўпроқ ташналикни ҳис этарди. Самандар бир неча

ойдан бери зариф туйғулар билан яшарди, у бу туйғуларни қайта йўқотиб қўйишдан қўрқар ва шунинг учун ҳар лаҳза қаршисидаги қаровсиз боғнинг битта гўзал томонини кашф этар ва тобора у билан уйғунлашиб борарди.

Бир куни ишдан қайтиб, хотинига хонасининг боғга қараган деразаси олдига жой қилдирди: столни тахта-лаб бўлгач, оромкурсига чўкканча, боғни томоша қила бошлади.

Хотини чой олиб келди; изидан ўзи ҳам курси келтирди-да, эрининг ёнида ўтирди. Тўсиқ-панжара билан қатор қилиб экилган, лекин қаровсизлигидан шохлари панжаралардан ошиб тушган гуллар улардан атиги бир неча қадам нарида яшнаб ётарди.

— Гуллар негадир бу йил бошқача очилди, — деди хотини унга қарамай. — Негадир бу йил кўнгилга жуда яқиндек туюлаяпти.

— Ҳар йили ҳам шундай очиларди, — деди Самандар, — фақат биз эътибор бермасдик.

— Билмадим. Ҳар қалай, бу йил жуда бошқача, — деди хотини, — қараб турсанг, ҳар бир гул панжаралардан бошини узатиб қараётган қизалоқларга ўхшаб кетади.

— Тўғри, улар билан болалар ўртасида қандайдир ўхшашлик бор, — Самандар хотинининг топқирлигидан завқланиб кетиб, унга кулиб қараб қўйди. Хотини унинг гапини деярли эшитмади ҳам. У ўзининг таассуротларини бирдан гапириб қолишга ошиқарди, чоғи.

— Қараб турсангиз, гуллар ҳам бир-бири билан жуда берилиб гаплашаётганга ўхшайди, — деди яна хотини, — қулоғингга қиқир-қиқир кулганлари эшитилгандек бўлади, агар бирон гул тебраниб қолса, ҳаммаси бирга қўшилиб тебранишади.

— Гуллар ҳам худди биз каби яшайди. Тўғри, бизга қараганда қисқароқ, лекин яшайди. Олдинлари гулни маъшуқа қизга ўхшатишган. Қаранг, қандай гўзал.

Самандар аруздаги икки байтни бармоқ оҳангига солиб ўқиди.

— Бу кимдан? Бизда одамни гулга ўхшатмайди, шекилли, — деди хотини, — мен одамни гулга ўхшатишни қандайдир япон ёзувчисидан ўқиганман.

— Бобурдан. Мен ҳам илгари шундай ўйлардим, — деди Самандар ва хотини бир пайтлари ўзи билан адабиётларга муносабат масаласида ҳеч келиша олмаганини эслади. — Лекин тўққиз ой олдин Навоийни ўқий бошлагач, бу фикримдан қайтдим.

— Одам гулни кўрганда кўнглида нимадир туғилди-ю, сўнг дарров йўқолади, афтидан, у йўқолмаса керак, бизнинг ўзимиз унутсак керак, — деди хотини яна гулзорга қараб.

Самандар хотинига ҳайратланиб қаради.

— Баъзида гулни кўрганда кўнглинг шундай яшнаб кетадики, бирдан яшариб қолгандай ҳис этасан ўзингни. Шунда ўзинг-ўзингга хунук кўриниб кетасан, бирдан бошқача яшагинг келиб қолади.

Самандар хотинига баттар ҳайратланиб боқди. Чунки хотини унинг кўнглида кечаётган, у бир неча ойдан бери тушуниб етолмаган нарсаларни жуда содда қилиб тушунтириб берган эди.

Бирдан хотини билан ўзи ўртасида жар қурган ўша куз оқшомини эслади. Балким, ўша жар уларни айрича қилиб яқинлаштиргандир? Жар кўп нарсаларга тўсиқ бўлган-у, лекин уларнинг айнан бир нарсани ҳис этишларига, айнан бир нарса ҳақида бир хил фикрга келишларига йўл очиб бергандир? Ҳар қалай, Самандар ҳозир хижолат тортди.

— Ростдан ҳам, оқ атиргул гўзал бир қизга ўхшайди, — деди у ўзининг қизариб кетганини хотинидан яшириш учун. — қаранг, ана у гулбарглари — қат-қат сочлари, қизғишроқ яллиғи бор гулбарг эса юзи... Соч юзни оҳиста ҳовучлаб турибди... гўзал бир ҳикоя чиқаркан... Нима дедингиз? Сўзга уста бўлсам, ўзим ёзардим.

Хотини унга яйраб тикилди. Самандарнинг ҳаяжони унга ҳам кўчганди, юзи қизил туман чангланиб кетгандайин, кучсизгина қизарди.

Қизи эшиқдан югуриб кириб, ўзини онасининг кучоғига ташлади.

— Ойижон, мен оламушук куйдим, — деди у тилини ясаб, эркаланар экан. Онаси унинг бошини силади. Лекин гулзордан кўз узмай:

— Гулларнинг номини жуда топиб қўйишади-да, — деди, — тугмачагул, гулибеор, қирқоғайни, оққалдирғоч... ростдан ҳам, қалдирғочга ўхшайди. Қизлигимда

менга нуқул оққалдирғоч совға қилишса, деб орзу қилардим.

— Мен эса атиргул совға қилганман, — эслатди Самандар, хотинини илк бор оппоқ кўк гулли кўйлақда учратгани кўз олдига келди. «Ростдан ҳам ўша пайт оқ қалдирғочга ўхшарди», ўйлади у дафъатан.

— Тўғри, — деди хотини, унга бир кўз ташлади-ю, уялиб олиб қочди. — Карамга ўхшаган улкан атиргул эди. Лекин ҳиди ҳалигача димоғимдан кетмайди, ўша гулни эсласам, негадир анови атиргуллар кўримсиз бўлиб қолади. Балким бу ёшлик хотираси бўлгани учундир?

— Анови гуллар қуёшчаларга ўхшайди, — деди қизчаси, дераза раҳига осилганча, қўли билан панжара ағнаб ётган жойдан кўринаётган гулларни кўрсатиб. У отаси билан онаси нима ҳақида гаплашаётганини дарҳол англаб олган эди ва унинг чарос кўзлари ҳам ҳайрат, ҳам гўдаклик аралаш порлаб турарди.

Самандар қизи кўрсатган томонга қараб, сариқ мойчечакларни кўрди.

Мойчечаклар митти қуёшчалар каби яшнаб турарди ва ҳозир Самандарнинг кўзига бу митти қуёшчалардан таралаётган нурлар бутун боғни чароғон нурларга тўлдириб юборгандай бўлди.

У қизнинг гапидан энтикиб кетиб, уни қаттиқ қучиб олди. Ўзининг ҳаяжондан ёшланган кўзларини хотинидан яшириш учун кўзларини оҳиста юмди. Бирдан кўз олдини ятираб турган ўргимчак уясидек тўр қоплаб олди; тўрнинг ҳар бир катагидан яшил шуъалар тараларди. У қобоғини озгина ҳаракатга келтириши билан яшил шуъла алвонлашар ва бутун кўз олди қип-қизил рангга тўлиб кетарди. Бу унинг юзига тушаётган қуёш нурларининг киприқларида акс этаётган жилвалари эди. Хотини унга худди бир энди кўраётгандек қараб турар, қуёш нурлари эрининг юзини оппоқ атиргулдай яшнатиб юборганидан дафъатан ҳайратга тушганди. Самандар кўзларини очганда хотини ўзига тикилиб турганини кўрди. Кўнглини хотинининг кўзларидан таралаётган ҳайрат ва фароғат эгаллади. Ўзи ҳам хотинига ҳайрат билан боқди. У ҳеч қачон хотинининг кўнглини ўзига шу дақиқадагидек ҳамоҳанг ва яқин ҳис этмаган эди.

У дераза олдида юзини сўнаётган офтобга тутганча

ўтирарди. Хотини билан қизи ошхонага ўтишди. У ердан қизининг қандайдир қўшиқни хиргойи қилаётгани эшитилди. У курсига яхшилаб жойлашиб олди.

Ҳавода кўкат ҳиди аралаш гул ҳиди бор эди.

Қуёш уфқ ортига яширинди. Уфқ алвон рангга беланди: ҳозир феруза осмон фонида бу ранг жуда тиниқ ва равшан эди. Феруза рангдан ҳам алвон рангдан ҳам мусаффолик тараларди.

У уфққа қараб ўтирган кўйи беихтиёр бир йил муқаддам курсдошлари билан бир дўстининг қабрига борганларини эслади. Марҳум тенгдошлари ичидаги энг ювош ва келишган йигит эди. У машинасида тўсатдан фожиали ҳалок бўлганди. Сабоқдошлари билан етиб борганда марҳумни энди чиқаришаётган экан. Марҳумнинг барваста гавдали отасининг йиғиси Самандарнинг юрак-бағрини эзиб юборса ҳам негадир Самандар йиғмай олмаганди. Бу хабар бутун тенгдошларини тўсатдан эсанкиратиб қўйганди. Улардан ҳеч ким йиғламади. Ҳамма бошини эгиб тураверганди. Бу бошқаларга шумшук кўринаётган бўлса-да, йиғлашаётганлардан кам қайғуришмаганди.

Самандар марҳумни кўмишаётганда оппоқ матонинг ичидан унинг юзини кўргандек бўлганди: юзи ҳам оппоқ эди. Кейин кўмиб бўлишгач, кимдир қабр бошига бир тувак сариқ атиргул қўйди. Самандар ўша кун гулга унчалик эътибор бермаган эди. Бироқ эртасига яна сабоқдошлари билан қабрга боришганда, кечаги гулларнинг ичида фақат биттасигина бир кечада қовжираб қолганини кўрди. Бошқа гулларнинг гулбаргларида ҳам сўлимлик акс этса-да, улардан ҳали ҳаёт нафаси уфуриб турарди. қуриб қолган гулнинг гулбарглари ҳам тўкилиб, қабр атрофига сочилиб кетган эди. У ўша кун гул билан одам бир-бирига жуда ўхшаш эканлигини ҳис этганди. Бир кун олдин қўйиб кетган гуллардан бири қабр бошида бир кечада тўкилиб бўлгани унинг хаёлидан ҳеч кетмади. У марҳумни эслаган сайин кўз ўнгига унинг оппоқ, келишган юзи келар ва ўлимига ишонгиси келмади. Лекин у марҳумни эслаши билан ҳаёт ва ўлим ораси бир қадам эканлигини ҳис қилар, ўзини ҳам қовжираб бораётгандай сезар ва ваҳимага тушарди. Сўнг у бу туйғуга кўникиб қолди. Қачон гул билан қабрни ёнма-ён кўрса, ҳаёт билан ўлим ораси бир қадам эканлиги эсига ту-

шар, гул ва қабр, марҳумнинг юзи ҳеч хаёлидан кетмай қоларди. Унинг хаёлидан аста-секин гул, қабр ва марҳумнинг оппоқ юзи уйғунлашиб кетди: назарида аввал марҳум гулдай қовжираб тўкилган, изидан эса гул тўкилганди. Қабр билан гул орасига атиргулнинг сариқ гулбарглари тўкилиб тушарди. Ўша пайтда у сариқ атиргул билан қабр ўртасидаги бу қадар мутаносибликдан ҳайратга тушганди.

Бу манзаралар мана энди у худди уфққа тикилиб тургандай, хотиралари деразасидан унга тикилиб турарди.

Ҳозир ҳам у марҳумнинг юзини эслаши билан хотирасига лип этиб гул ва қабр қалқиб чиқди. Шунда у ўлимнинг бир қадам нарида турганини ҳис этди-ю, умрнинг бунчалик қисқа эканлигидан бирдан вужудини титроқ босди. «Бу иккаласининг ораси бунчалик яқин, — деб ўйлади у, — одам бир марта тўйиб нафас олишга ҳам улгурмайди». Сўнг уфққа қараб хотирасидаги ва кўнглидаги ваҳимани қувмоқчи бўлди. Бироқ ловуллаб ёнаётган уфқда ҳам сариқ атиргул ва қабр пайдо бўлди. Сариқ атиргулнинг гулбарглари оҳиста тўкилар, ловуллаб ёнаётган уфқдан қип-қизил чўғга айланиб ерга учиб тушарди. У хаёлидан гул ва қабрни ҳайдаш учун кўзларини юмди; бироқ гул ва қабр кўз олдидан кетмади; аксинча, уфқдаги қип-қизил олов бирдан асов шамол гирдобига тушган қип-қизил лолаларга айланди; лолалар у ёқдан бу ёққа тебранар экан, бир зум қоқ ўртада турган сариқ атиргул ва қабрни ютиб юборар, яна гул ва қабр қалқиб чиқаверарди. Самандар бундан ларзага келди: бу манзара хаёлида энди узлуксиз адвом этишини англади ва кўзларини яна қаттиқроқ юмиб олди; шу дақиқада бу манзарада қандайдир ҳузурбахш гўзаллик таралаётганини, кўнгли бирдан ҳамма нарсадан холи ва айни дақиқада ҳамма нарсага алоқадор, ўзи, вужуди билан кўз олдидаги манзаранинг бир бўлаги эканлигини, буни ҳис этиш қалбида тараҳҳум ва зариф туйғулар уйғотаётганини ҳис этди.

«Ҳар бир инсон қалбида олам билан уйғунлашишга ташналик бор, — дея ўйлади Самандар, — бу ташналик хунуклик ва турмушнинг кундалик туманлари ичида гарчи йўқолиб кетгандай туюлса-да, у бор, унинг борлигини билиш учун инсон ўз қалбини излаб кўри-

ши керак; инсон умрининг мазмуни аслида ана шу ташналикдадир...».

Осмон бинафша рангга кирган эди; боғ устида сариқ атиргулнинг бир дона гулбаргидай ой қалқиб турарди.

Самандар буларнинг ҳаммасида теран бир умумийликни англади; у ҳамон қаровсиз боғни — кўнглини тинмай кузатарди.

У кейинги кунларда ўзини ҳам гул деб ўйлай бошлади; буни аввал у боғдаги панжара орқасидаги қаровсизликдан шохлаб кетган атиргулнинг ҳиди димоғига урилганда, кўнглида ҳам қандайдир бир нарса яшнаб очилиб кетганини сезган пайтда ҳис этганди; кейин бу ўхшатиш унинг миясида чарх уриб айлана бошлади ва Самандар ўзининг ҳам гул эканлигига энди шубҳа қилмай қўйди. Ўзини гул деб ўйлаш энди унга бачкана ҳам, беўхшов ҳам туюлмасди. Аксинча, бу ўхшатиш жуда табиийдай эди. Ҳатто у ўзининг қалбида қандайдир гул пориллаб очилганини, бутун танасига қучоқ-қучоқ ҳид таратаётганини сезгандай бўларди. Бу гул унинг назарида лолага ўхшарди. Лоланинг гулбарглари ҳовучида бир томчи шудринг ўйноқларди; шудрингдан тонгнинг мусаффо ҳавоси таралар ва Самандарнинг вужуди бу гўзаллик қаршисида мадорсиз бўлиб қолар, танаси ҳузур қилар, гул эса тобора яшнаб борар, кўксида пора-пора чайқалар, бутун вужуди шу гулнинг нозик гулбаргларидек, оҳиста титраб кетарди.

Бошқа бир куни у панжара ортидаги атиргулни узиб олди-да, хонасига жўнади. Қизи ҳали боғчадан қайтмаган эди. Хотини унинг қўлидаги гулни кўрдию, тувак келтириб берди.

— Умиданинг хонасига қўя қолинг, — деди у кўзлари яшнаб гулни ҳидлар экан.

Самандар бош чайқади; ўзи ҳам гулни шунинг учун келтирганди. Гулни қизининг хонасига тувакка қўйди-да, қизининг кароватига ўтириб, уни томоша қила бошлади.

Қизининг гулни кўриб, қанчалик қувонишини ўйлаб, кўнгли яшнаб кетди.

У жилмайиб қўйди.

Юрагининг қуюқ туманлари орасидан — қаровсиз боғдан бу кўримсиз гулни топиб олганидан хурсанд эди.

Гул ёлқинланиб, хонани безаб юборгандай туюлди.
«Қизимга бу гулни сўлитма, дейман — дея ўйлади у, — ва гулни қандай парвариш қилиш кераклигини ўргатаман».

Самандар гулга қараб эгилиб олган, хотини эса эшиқдан гўё хонадаги иккита гулни томоша қилаётгандай гулга ва эрига хайрат аралаш тикилиб турарди.

БЕВАҚТ ЧАЛИНГАН БОНГ

I

Посёлкада биринчи марта пайдо бўлганда унинг юзида ҳали навқиронлик шамлари ўчмаган, бадани ва серажин бўйнига чириган ёғоч иси ўтиришиб қолган, димоғидан ёқимли тамаки ҳиди келиб турар, гарчи ўткир ва азобли кўзларидаги ёввойи мушқудек ёт мунг уни одамлардан четта тортиб турса-да, очиқ истараси ва салтисувай сунӣ-сумбати кишида танишиш ва суҳбатлашиш истагини туғдирарди. Лекин у одамлар билан илакишиб кетолмади. Ким унга ўзини яқин тутса, у шунчалик ўз қобиғига ўралиб олам ва одамларга қоронғу бўлган ҳаёти каби бурчақдаги қуёш нури тушмайдиган пастаккина хужрасига кириб кунбўйи чекиб ўтирарди: хужрага ҳам терчил бадан ҳамда тамаки ҳиди ўрнашиб қолган, ўзи эмас, валати осойишталик ва жимлик билан кун узоғи шифтда сузиб юрадиган ҳидлар унинг ёлғиз ва сўққабош ҳаётини тўлдириб, бу бесаришта ва ипирисқи хонага тириклик бағишлаб тургандай эди: зотан унинг кўникмага айланган сокин ва ёлғиз ҳаётини бу йилларда ҳеч ким буза олмади, — бу эшиги қайси томондалиги номаълум бўлган тўзиган кўрғонга ҳеч ким киролмади.

Баҳорнинг чувоқли кунлари котиб уни балиқ овига олиб борар, одамлар бегим кунлари тонг пайтлари тамадди тўла рўзғор халтасини зўрға кўтарганча кўлга қараб кетаётган қоровулни ва узун эгма қармоқларни елкасига ташлаб, хас шляпани олифталарча чаккасига қўндирган котибни кўриб қолишарди: найнов, даққи бўлиб кўринган қоровул бутун инон-ихтиёрини унинг қўлига бериб қўйгандай котибнинг изидан борар, унга ақалли қаёққа кетишаётганларининг ҳам қизиги йўқдай бошини эгиб, қўнжи қайтарилган қизил этикнинг поп-

наларига қараб йўлни топар ва секин лўкиларди. Улар одатда кўлнинг ялангликка туташ жойини танлашарди; бу ерда қуёшнинг аёвсиз жазирасидан асрайдиган иккита тасодифан ўсган ёввойи жийда дарахти бор эди. Котиб ҳамиша қармоқ олдида бўларди, у эса ўчоқ бошида куймаланар, яқин орадан тезак териб, пуфлар, ачишган кўзларини котибга махрамона эҳтиром билан тикиб кўярди. Тамадди пайтлар улар деярли гаплашишмасди, еб-ичиб бўлишгач, ов зериктирганидан жийда остида ёлғиз ўзи ичкиликни давом эттираётган котиб, нарироқда пўкакка юрак ҳовучлаб тикилиб турган қоровулга қараб, қаҳ-қаҳ отиб юборарди; у эса ўзини янаям ношуд ҳис этар ва беўхшов жилмаяр, лекин нега жилмайганини ўзи билмасди.

— Сени яхши бир аёлга уйлантириб қўяман, мана кўрасан, ҳали онаси ўпмаганига, — дерди котиб унинг елкасига худди қари отни қамчилагандай қарс-қарс уриб.

У индамас, ёш боладай хўмрайиб оларди. Бироқ пир-пир учаётган киприклари ва ёйилиб бораётган лаблари унга бу таклиф ёқиб тушганини фош қилиб турарди. Кечқурун ови юришмай жаҳди чиққанидан тўйиб ичиб олган, хурмачаси тўлиб қолган котибни у суяб, судраб меҳмонхонага олиб келар, котиб эса уни қучоқлаб ўпар ва қўшиқ хиргойи қиларди ва шундай пайтда нуқул аёллар эсига тушарди; диванда ярим ёнбошлаб аёллар билан бўлган ишқий можароларини гўлдираб айтиб берар, ора-сира ўзи билан бирга ўқиган олис юртлик қизга уйланомай доғда қолгани, шунинг аламида ичишини, ундай қизни бутун дунёни ҳам ахтариб топиб бўлмаслигини қайта-қайта таъкидларди.

— Сен билан бизнинг дардимиз бир, — дерди котиб уни чўлп-чўлп ўпаркан. — Шунинг учун сени яхши кўраман. Сен менинг... жигарим-м-сан, йўўқ, акам-м-с-сан, ке-л, яхшилаб ўпай.

Қоровулнинг йиғлагиси келар, лекин йиғламасди. Баъзида худди ёш болага ўхшаб қоладиган бу одамга нисбатан кўнглида меҳр пайдо бўларди. «Иккаламиз ҳам бахтсизмиз, иккаламиз ҳам сарсонмиз», деб ўйларди қоровул кўзларини четга олиб қочаркан, ростдан ҳам котибни худди ўз жигаридай тўйиб-тўйиб қучгиси, худди гўдақдай оғушига олиб овунтиргиси келарди.

— Мана бу ерим аламга тўлиб кетган, — дерди котиб кўкрагига муштлаб. — Қанча аёлни қўлимдан ўтказдим, лекин ундайини тополмадим. У оламда битта.

— Оламда битта, бошқа ҳеч жойда йўқ, — дерди у ҳам котибнинг гапини тасдиқлаб. — Қани, ечиниб ётинг.

Сўнг у котибнинг кийимларини ечишга ёрдамлашар, музхонадан қатиқ олиб ичирар, бошини борлаб кўяр, шунда ҳам тинчимаё кечалари уч-тўрт марта хабар оларди.

— Сиз ишга кетаверинг, — дерди эрталаб котибга у қусуққа ботган полни ва гиламни артиб олар экан, — ўзим ювиб қўяман.

Котиб қилган ишидан энди уялаётгандек тунд қиёфада чиқиб кетар, ювиб қўйилган ич кийимларига эса худди шундай бўлиши керакдай зътибор ҳам бермас, индамай кийиб оларди.

Баъзан котиб унга атайлаб шаҳардан яхши навли тамаки ёки пиво кўтариб келганда унинг чеҳраси ёришиб кетарди.

— Бу нимаси, овора бўлибсизда, — дерди юзаки хижолат билан, бироқ ичида ўзича ғурурланиб кўярди, у котибнинг калондимоғ одам эканлигини билса ҳам унинг шу тантилигини жуда ҳурмат қилар, гапини икки қилмай бажаришга уринар, калласи қизиб қолган котиб орзидан боди кириб, шоди чиқиб, уни «кўтир тақа» деб сўкса ҳам сира хафа бўлмас, аксинча, қийшайиб қолган орзидан вишиллаб чиқадиган бу сўз уни котибга яна ҳам яқинлаштирар, эртасига у худди ҳеч нарса эшитмагандай хонага маймоқланиб кириб келарди.

II

Онаси ҳосилотнинг ўйнаши бўлган». У қулоқларига ишонмади; янглиш эшитмадиммикин деб ўйлади. Лекин эшик орқасидан котибнинг овози жуда аниқ-тиниқ эшитилиб турарди. У котибнинг чиройли, хумор кўзларини, бадқовоқ юзини кўз олдига келтирди; диванга ярим яланғоч чўзилганча; ўзига айттириб, изидан «Окаси, жонидан» дея бақирлилари эсига тушди. Сўнг худди тутиб бўлмайдиган кўзёшдай котибни

бекатда илк марта кўргани, эгнидаги оқ мўйнадан тикилган пўстини эсига тушди — у котибни айиқдай бефаҳм одам бўлса керак деб ўйлаганди. Лекин бундай бўлиб чиқмади — котиб унинг ўтмиши билан қизиқмади. Кейинчалик инспектор келиб огоҳлантиргач ҳам у бунга эътибор бермади, уни янги қурилган меҳмонхонага қоровул қилиб қўйди. У кўп йиллардан бери ўз ўтмиши билан қизиқмаган одамни биринчи бор учратиши эди ва улар тезда иноқ бўлиб кетишди.

Посёлкада ҳали янги уйлар бўлмагани учун котиб меҳмонхонада яшаб қолди, кейинчалик уй битгач ҳам у негадир оиласини олиб келмади — ойнинг бошларида уч-тўрт кун йўқ бўлиб кетар, сўнг яна қаҳрли, тунд ва хўмрайган қиёфада пайдо бўлар, посёлкада у кетиши билан тўхтаб қолган ишлар яна жонланар, пахтазорда улоқиб юрадиган сигирлар боғланар, дўконлар ўз вақтида очиларди. Котиб одамшаванда киши эди, тезда қоровул бунинг гувоҳи бўлди. У шеригига бироз такаббурона тикилар, лекин ҳар қандай кишининг кўнглига йўл топадиган улфатижон йигит эди: «Агар бу дунёда мурувватли ва қалби тоза йигит бўлса, у мана шу котиб» деб ўйларди қоровул.

Котиб бир сўзли одам эди — у қоровулга берган ваъдасининг устидан чиқди; инспектор ва райондагиларнинг хархашасига қарамай, меҳмонхона қоровуллигида олиб қолди; уч йил бадалига унга бирон марта ёмон гапирмади; котибнинг бор алами ичида эди, шунинг учун деярли ҳар куни ичар ва қоровулга ҳам ичирар, сўнг то эрталабгача котиб ухларди.

III

Ичкаридан хўрсиниққа ўхшаш йиғи овози келарди; қандайдир аёл кимдандир ноҳақ ҳақорат эшитаётгандай ўксиниб-ўксиниб йиғларди — у эса аста-секин лойқаланаётган дарё ёки дағдаға ва ваҳима билан бошланишдан олдин гўё бу қари ва кекса дунёни бир бошлаб лақиллатмоқчидек бирдан осойишта бўлиб қолган бўрон ёки эндигина ҳилпирай бошлаган байроқдек ичида нимадир тошиб, ҳапқириб келаётганини ҳис қилганча торлари узилган ғижжак каби сассиз, садо-

сиз қотиб турарди — у барваста, мушақдор, қирғий-бурун, юзи рақами ўчиб кетган тангачадек кўримсиз, ичкиликнинг ва қачонлардир бошидан кечирган мусибатларнинг асорати бўлиб газак олган ярадек гезарган, узун қўллари энди бу дунёда ушлаб оладиган нарсаси қолмагандек ёки қандайдир номсиз мусиқани ҳеч кимга эшиттирмай чалаётгандай билинар-билимас қалтираб турарди. У чорак соатча олдин қотибнинг ёшгина бригадир қиз билан меҳмонхонага кириб кетганини кўрган эди — салдан сўнг доим қулфловлик турадиган ва баъзи-баъзида келиб қоладиган эътиборли меҳмонларга мўлжалланган хонанинг калитини сўраб келганда, қотиб унга маънодор кўз қисиб қўйди — унинг юзи ҳирс ва дағалликдан қизариб кетган эди.

— Ёки сени киритиб юборайми? — деди қотиб ичкарига ишора қилиб. У ёйилиб қулди. Бизларга йўл бўлсин сиз турганда дегандай елка қисди. Сўнг уларга ҳалақит бермаслик учун боғ эшигини занжирлаб, хужрасига кирган жойида бирдан ичкаридан аёл йиғисини эшитиб, таққа тўхтаб қолди. У беихтиёр даҳлиз бўйлаб ўнг тарафдаги хонанинг эшиги олдига борди, у менинг бирон ёрдамим керак эмасмикин деган хаёлда эди. Ичкарида йиғи аралаш қотибнинг сал қизишган жазавали товуши эшитиларди. У қизга ниманидир уқдирар, тўғрироғи, нимадир деб овунтирарди; қоровул эшикни итармоқчи бўлди, лекин бирдан қўлини тортиб олди.

— Ҳамма шундай қилади, — деди қотиб палағда овозда. — Бошқача йўли йўқ. Шунин билки, бўлмайти ҳам. Бунинг учун ҳеч ким сени айбламайди, сен қўрқма, ҳаммасига ўзим жавоб берман.

Қиз, афтидан, йиғи аралаш қотибни жеркиб ташлади. Ичкарида нимадир тарақлаб қулади: у «курси ағанади» деб ўйлади, сўнг шундоқ эшикнинг тагида қотибнинг ҳансирашини эшитиб, даҳлиз орқали кичкина айвонга чиқиб турди — бироқ эшик очилавермагач, яна узалиб даҳлизга қаради; полининг бўёғи кўчиб қолган, қалин бахмал парда осилган деразадан ойнанинг хирагина шугласи тирқираб тўкиларди. Ой ҳам онда-сонда меҳмонлар ташриф буюргандагина очиладиган бинонинг дид билан безатилган хонасида нима-

лар бўлаётганини ўз кўзлари билан кўрмоқчидек қалин парда орқали даҳлизга хомуш мўралаб турарди.

Котиб меҳмонхонага кўп аёлларни бошлаб келганди, бироқ биронтаси ҳам йиғлаганини ёки ортиқча шовқин кўтарганини қоровул эслолмасди.

Қиз тез-тез, жеркиб-жеркиб гапирар ва ора-сира пиқиллаб қўярди. Унинг йиғиси меҳмонхонанинг жипс деворидан зўрға сирғалиб ўтиб, айвон орқали боққа ўрмалаб чиқар ва ўзидан салқин ҳаво таратаётган ҳовуз атрофидаги дарахтлар орасига сингиб кетарди.

У қизнинг сўнаётган гулхан каби ожизгина йиғисини айвоннинг бир четида устунга суянганча тинглаб турар ва котиб қурғур худди айғирга ўхшайди-я, деб ўйларди. Хона эшиги икки-уч марта қаттиқ-қаттиқ урилгач у яна даҳлизга мўралаб қаради, бошқасига журъат қилолмай айвон бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, сўнг бояги жойига бориб устунга суянди-да, гўё тун китобининг зулмат тўла варақларидан нима қилиш зарурлигини ўқиб билмоқчидек ухлаб ётган боққа тикилиб қолди.

IV

Ўшанда йигитларнинг ҳаммаси ичиб олган эдилар — улар орқаворотдан «Ота безор» деб ном олган бу янги посёлканинг илк қўналғачилари эди; оталари билан гап таллашиб ёки мўмайроқ пул топиш илинжида Терс отани ташлаб келган, чўлнинг шавқсиз ва жазира ҳаётига ўрганиб қолган ва шундан бошқача ҳаётни тасаввур ҳам қилишолмайдиган, ҳатто, болаликларини ҳам худди бир пайтлар ўқиган, лекин номидан бошқа ҳеч нарса эсларида қолмаган дарслиқдек эринчоқлик билан элас-элас эслайдиган танбал ва ҳали мутлақо бўз йигитлар эди. Улар бири қўйиб, бири олиб, ундан посёлкадан чиқиб кетишни талаб қилишар, йўқса тушига ҳам кирмаган ҳангомаларни кўришини, ўзларининг ҳеч нарсадан қайтмасликларини дўқ-пўписа аралаш таъкидлашар, улар бу ерга кимнингдир йўриғи билан келганларини, афтидан, унчалик яширгилари ҳам келмай меҳмонхонанинг олд зинасигача бостириб келишган ва мўътабар меҳмонлар учун атайлаб қурилган бу ҳашамдор бинонинг зинаси

уларга номаълум ва қоронғу бўлган бошқа дунёга бошлаб борадиган йўлакдек зинага чиқаверишда таққа тўхтаб қолишган ва у ердан ҳатлаб ўтишга ботинолмай устунга суяниб ўзларини синовчан хўмрайиб кузатиб турган ундан ва нақ кираверишдаги пештахтага осиб қўйилган, кечки шабадада салобат билан ҳилпираётган алвон байроқдан бироз ҳадиксираб туришарди.

У эса йигитларнинг худди хўкиз етаклаб келишаётгандай биткўз йигитни олдиларига солиб туртиб итариб келаётганини кўрган дақиқадаёқ нима гаплигини англаган ва ўзини иложи борича хотиржам тутишга қарор қилганди.

— Қишлоқдан чиқиб кет! — бақирарди бошига қалин исқирт шляпани бостириб кийиб олган қопқора йигит. У қандайдир пўписа тўла хатни ўқиб бераётгандек қисиниб-қимтиниб, айна пайтда ўзини дадил тутиш учун димоғини ҳаддан ташқари юқори кўтариб олганди. — Бу қишлоқда сен билан бирга яшашни истамаймиз!!!

— Яхшиликча чиқиб кет, — дерди бошқа бир жириллаганроғи. — Қанча тез чиқиб кетсанг ўзингга шунча яхши. Биз аяб ўтирмаймиз.

— Тўрт томонинг қибла, котибнинг ялоқхўри! — пихиллаб гапирарди бошқа бири — тўпланганларнинг ичида ёши каттароғи ўша эди — унинг кир-чирга ботган соқоли ичида чувак юзи зўрға кўринарди. — У бошлаб гапирдимми дегандек ҳамроҳларига бир-бир қараб олди, лекин ҳамроҳлари бу зўр гапга унчалик эътибор беришмади. Унга қайрилиб ҳам қарашмади. — Ҳаммаси лўнда ва кесиб-кесиб гапириш учун зўр бериб кучанишар, шу сабабли бир-бирларининг гапларини деярли эшитишмасди.

— Яна бизни қўрқяпти дема, — деди биткўз йигит. — Сен у ёққа ўтириб келган бўлсанг ҳам аямаймиз... умуман, биз сендан қурқмаймиз, шундай, келган ерингга даф бўл!!! — Бу гапи билан йигит уни у ёқда ўтириб келганидан чўчиб турганини сездириб қўйди.

— Котибнинг ювиндисини ичиб жуда керилиб қолди, — деди озгинроқ, юзи қув йигит. — Ўзини бизларга хўжайин деб ўйлаяпти.

— Бугун сигарет сўради, эртага бошқа нарса сўрай-

ди, — деди бояги юзи чуваги ҳамроҳларига кўз ташлаб оларкан. — Бизни менсимай қўйди.

У йигитларнинг ўзларини ҳурмат қилишдан ҳамда шу кичкина посёлканинг хўжайинлари деб эътироф этишдан бошқа ҳеч нарсани талаб қилишмаётганини ва агар ҳозир «Мен бу ерда сизларнинг борлигингизни билмабман, узр, посёлка сизларники, энди такрорланмайди, қуллуқ» деса, ҳамма «Ҳа, шундай бўлсин, кўз каттароқ очиб юрилсин», деб тўнғиллаганларича, худди бу ерга келиб кўп иш қилиб ташлагандай ўзларидан миннатдор бўлиб тарқаб кетишини англади, бироқ у йигитларнинг чанг-ғубор босган, парвариш кўрмаганига ҳам анча вақт бўлган юзларига зимдан синовчан тикилди: у бу жанжал беҳуда чиқмаганини, кимдир уюштирганини биларди, зотан жанжалга сабаб бўладиган бирон айб иш қилганини ҳам эслай олмасди. Посёлкадагилар билан деярли олди-берди қилмасди, совхозга кираверишда — посёлканинг бир четида жойлашган меҳмонхонадан ва боғдан деярли чиқмасди. У ўз умрининг чалкаш сўқмоқларини кезиб юргандек ҳар куни куз ва қиш пайҳон қилиб ташлаган боғда кезиб юрарди — уни шу дақиқаларда кўрган одам у мана шу пайҳон ва чиркин боғ қўйнида қандайдир азиз нарсасини йўқотиб қўйгану энди уни излаб дайдиб юрибди деган ўйга борарди — гоҳида эса тўсатдан бошланган зилзиладан қулаб тушаётган иморатлар каби омонат ифодалар унинг заҳил ва сўлгин чехрасини буткул эгаллаб оларди; шундай лаҳзаларда унинг афти тутаб ётган ғўлага ўхшаб кетарди.

Одамларга, унинг олдинги ҳаётию уруғ-аймоғи номаълум эди, посёлка инспектори — сал довдир ва олифта йигит — уни посёлкага хавфли ва ишончсиз одам қилиб танитганди. «Бу одам анақа рўйхатларда туради, отаси бутун қишлоқни қириб ташлаган, дерди у ҳар сафар сартарошхонага кирганда. Бунинг утсига ароқхўр, ароқ деса онасини сотади. Шунинг учун хотини ташлаб кетган, бу одам жамиятимиз учун хавфли кишидир».

Бу хабардан сўнг совхоздагилар у билан эҳтиёткор бўлиб муомала қиладиган, иложи бўлса умуман яқинига йўламайдиган бўлишди, унинг ўзи ҳам унчалар одамшаванда эмасди.

Фақат баъзи-баъзида уни қишлоқ ошхонасининг бир четида ифлос кружкада пиво ичиб ўтирганини кўриб қолардилар. У гўё атрофидаги дунё билан аллақачон алоқасини узгандай ва фақат ўзигагина маълум ўзга оламда яшаб юргандай, сара қўшнилар қўриқлаб турган ўтиб ва забт этиб бўлмас девордек одамни ҳеч қачон ўзига яқинлаштирмайдиган ҳуркак ва ёт бир мунг чўкиб ётган кўзларида тошдай қотиб қолган дилгир бир қайғу ёниб турарди.

Инспектор уни қаттиқ қистовга олди ва посёлка ошхонасида пиво ёки бирон ичимлик ичишни ҳам таъқиқлаб қўйди, бироқ у ҳар куни кечқурун ошхонага пиво ичгани келар, дуд ва чанг қоплаган бурчақда кўкрак тутмалари ечиб қўйилган, бир-бирига тинмай бақиринишаётган, кўзларида ҳаётнинг чигал ва тушуниксиз саволлари қотган, худди умрлари каби жизғана ва тўзонли саҳрода ўзининг улуғ гулханларини бир-бир ўчираётган кечки шафақ остида исқирт курсиларга мук тушган, саҳро офтобига ўхшаб жиззаки бўлиб қолган одамларга бир сўз демай кружкани ютоқиб хўплаб ўтирарди — унинг кўзларини юмиб олиб, ҳузур қилиб хўплашига қараб туриб, у дунёдаги ҳамма нарсани мана шу кружкадаги салтанатга алмаштириб юборган ёки адолат излаб бутун дунёни кезиб чиққану ниҳоят мана шу салтанатдагина адолат боқий ва муқаррар деган хулосага келган дея хаёлга борарди — худди Рим қўшинлари ўликка айланган Искандарияга ҳеч бир қаршиликсиз кириб келгани каби инспектор беш-олти ёш-яланг пиво ичиб ўтирган ошхонага шахдам қадамлар билан кириб келди ва қоровулнинг қаршисида тўхтаб унинг қўлидан кружкани тортиб олди.

— Сенга бу ерда ичиш таъқиқланган, — деди кружкадаги пивони бир четга сепиб юбораркан. — Умуман, сенга одамлар орасида юриш таъқиқланган. — Қоровул аввал инспекторга, сўнг пиво тўкилган жойга қаради ва секин ўрнидан турди ҳамда бир оғиз гапирмай, яна пиво олиб келиш учун буфетга қараб йўл олди.

— Ташқарига! — бақирди инспектор, унинг қайсарлигидан жаҳди чиқиб, олдини тўсаркан, тирсагидан ушлаб олиб, ташқарига судрай бошлади, бироқ бир қадам ҳам босмай тўхтаб қолди.

Қоровул инспекторнинг қўлларини озғин, қалтироқ, кучсиз панжалари билан ушлаб олган, кўзлари жаҳддан каттариб кетганди; ундан худди шу вазиятда ҳар нарсани кутиш мумкин эди — инспектор буни сезди ва унинг тирсагини қўйиб юборди.

— Сизнинг ҳаққингиз йўқ, — деди қоровул унга биров қалтираган товушда. Унинг гапида алам, азоб ва мусибат оҳанги бор эди. Сўнг индамай хонадан чиқиб кетди.

Инспектор бари бир унга ошхонада пиво ичишни таъқиқлаб қўйди. Бироқ котиб уни пивосиз қолдирмас, баъзан меҳмонлардан қолган ҳали бир қултум ҳам ичилмаган шишани олиб чиқиб берарди. Инспектор қоровул билан зимдан олиша бошлади — совхоздаги икки ўғирликда ҳам аввал унинг ҳужраси тинтиб чиқилди. Инспектор бу ишни ошкора амалга оширди, зеро у посёлкадагиларнинг ичида қоровулни энг ишончсиз кимса деб билар ва ундан тезроқ қутулиш учун одамларни унга қарши киши билмас гиж-гижлай бошлади. Терсоталик ёшларнинг қизиққон ва жиззаки, гуппи йигитлар эканини яхши биларди. Посёлка йигитлари қоровулни кўрганда неларгадир тайёрланиб турадиган бўлиб қолишди, бироқ у мутлақо бефарқ эди, уларга ҳатто эътибор ҳам бермас, можаро излаб унинг олдини намоишкорона тўсаётган йигитларнинг қаршисидан индамай ўтиб кетарди.

Аmmo бир куни биткўз йигитнинг олдидан — у бу йигитлар қаердан эканлигини, нима иш қилишини, қаерда яшашини ҳам билмасди, бу уни қизиқтирмасди ҳам — ўтиб кета туриб, бир дона сигарет сўради; тамакидони хонада қолган, йигитни кўриб жуда хумор қилиб чеккиси келганди. Биткўз нима деярини билмай шошиб қолди. Яқин атрофда жўралари кўринмасди — қўлидаги сигарета қолдиғини бир чеккага улоқтириб, қайларгадир лапанглаганча югуриб кетди. У йигитнинг хатти-ҳаракатига эътибор ҳам бермади. Ҳали ҳужрасига ҳам кирмаган эдики, изидан ўн бешга яқин йигит тўғри боққа талмовсираб, пала-партиш бостириб келишди: улар афт-ангорларидан кимнидир қуваётганга эмас, нимадандир қочиб келаётганларга кўпроқ ўхшарди.

Терсоталиклар уни боглаб дўппослаб кетишди. Уни

котиб энди қизара бошлаган анорзор остидан несту забун ҳолда топиб олди. Хужрага олиб кириб бир пиёла ароқ тутди. Пешонасидаги ёриқ узоқ вақтгача тузалмади. У энди боғдан деярли ҳеч қаёққа чиқмай қўйди. Дўппослангани ҳам тезда эсидан чиқиб кетди. Котиб шундай қилдики, жанжални бошлаган жўрабошилар пиво кўтариб келиб у билан яраш битимини тузишди; ювош ва беозор, сиғинди ва найнов, қилиқлари телба-тескари бу одамни нима учун қалтаклашганларига уларнинг ўзлари ҳам унчалик тушунмасдилар.

«У менга жой берди, ўзи билан тенг кўриб, одам ўрнида қабул қилди, мендан бурнини жийирмади, унинг кўнгли нурдай тоза, бундай улуғ одам яна қаерда бор?! — ўйларди у. Меҳрибон ва одампарвар, танти ва нурафшон қалбни — котибни у худди қорачиғига думалаб тушган марвариддай асрашни истарди. Унинг хазонга айланган қизғалдоқ баргидек бу жазира чўл қўйнига, ёввойи ва телба одамлар орасига учиб тушган умри давомида топган мушфиқ ва мурувватли, суянч ва раҳнамо бўладиган ёлғиз одам мана шу марварид эди ва ўзининг омадсиз несту мустар ўтмишини ҳеч қачон юзига солмайдиган, унинг умр йўлидаги хазон ва хасларни супуриб, ўзига ҳаёт ва умид сари йўл очишга дадил ва қатъий ундаган соҳибкарам ҳам мана шу марваридда мужассам эди, унинг қалбида шу раҳнамо туфайли уйғонган эҳтиромга чулғанган ҳислар узра унинг бутун вужудига ёғду ҳам мана шу марварид эди. Бу сиймо ҳар нарсага қодир ва камтарин, хокисор ва шафқатгўй, танти ва мағрур эди, бу сиймо қиёфасида жилваланаётган шамс кўнглини хушнуд этадиган кўп юлдузли бодадан сўнг уни саодатли ва хушбахт, эзгу ва орзуманд қиладиган, хаёлининг кўпдан буён қуёш тегмаган зах ва тойғоқ унгуларини иситадиган хулё офтоби каби мунаввар ва серёғду эди.

Бу талъат адашган инсониятта ҳақ ва нажот йўлини кўрсатишга мустаҳиқ этилган, ўктам ва серғайрат, лошидан хоки туробигача ёғдудан иборат, қуёш ва ой бир-бирини мангу қувлаб юрадиган, умид ва хаёл саҳросида жизғанак бўлиб қолган мана шу хиёнат ва жаҳолат зулмати ғарқ қилган заминга тириклик ва

яшнаш уруғларини сепиш учун юборилган, кўлида зафар ва шижоат сухуфлари бор, ўзи дунёга келмасдан минг йиллар олдин нури яралган, дунёда зўрлик ва адолат ўртасига девор ўрната олган, мағлублик ва матлублик ва ундан ҳамиша ўзини олиб қочган шон-шавкат ва шафқат тулпорини миниб тувилган ўша Халоскорнинг айнан ўзи эди.

— Мен хароб бўлган одамман, — бақирарди у котибнинг илтифотидан талтайиб кетиб, пиёлани зарб билан сипқораркан. — Мени хароб қилишди. Мен тамом бўлдим. Мени ўчириб ташлашди...

Сўнг пиқиллар ва бирдан-бир ёлғиз ва ёрқин, ҳали ҳеч кимга айтмаган хотираси — онасини ҳосилот қандай урганини ва ўзининг музлаб қолган қулоғини ушлаганча ялангоёқ қор кечиб қандай чириллаб йиғлаганини, тиши синиб тушган онаси қандай қилиб уни этаги остига яширгани, оғзидан оққан қон идорадан то уйларигача оқиб келгани ҳақида сўзлар ва йиғларди. Ўшанда ҳосилот онасининг қорнига тепган, нимадир деб сўккан эди, афтидан... «Боласи отасига ўхшаса, тувилмай ўлгани яхши» деганди...

— Улар уч киши эди. Иккита солдат ҳам бор эди, — пиқилларди у пешонасини столга қайта-қайта ураркан. — Биз ун сўраб боргандик... уч кун туз тотмаган эдик.

— Улар қишлоқни ўраб олишди, сўнг дуч келганини ота бошлашди, — у бошини эгиб олар, котибнинг юзига қарамасдан юрагини эзиб ётган хотираларни ютуғи аниқ бўлган қартадай бир-бир очиб ташларди. Зеро унда ҳеч ким забт этолмаган, ҳеч ким ҳукмронлик қилолмаган, ҳеч ким топтай олмаган, кўп йиллар оша ўзидан бошқа фуқароси бўлмаган ёлғиз мамлакат ҳам шу эди. Бу мамлакатга ёт кишилардан биринчи бор котиб кириб келди ва худди азобга ўхшаш узун кўчаларидан ўтиб борди, шу билан кўпдан буён осойиш ётган салтанат ҳам забт этилди. Бироқ у котибга кўз ташлашга кўрқар, кўз ёшларидан уяларди. — Бугун қишлоқ дарё бўйига қочиб чиқди. Аскарлар дарё бўйини ўққа тутишди. Мени акам тўсиб қолганди — унинг ичаги титилиб кетганди, қишлоқда икки-уч аёлдан бошқа тирик жон қолмаганди... қайси қишлоққа нон сўраб борсак «Босмачининг боласи, барибир бос-

мачи бўлади, нон берманглар» деб ҳайдашарди. Охири онам ҳосилотнинг олдига борди... Улар онамни кўз олдимда калтаклашди...

Котиб унинг пиёласини тўлдириб қуяр ва ўзи уст-ма-уст босиб ичарди, кейин унинг елкасига ҳамдардона урганча:

— Улар аблаҳ одамлар, — деб бақирарди. — Уларнинг ҳаммасини отиб ташлаш керак эди.

Бу гап қоровулга мойдай ёқар, йиллар аро юрагини ёқиб ётган алам шу бақирини билан босилгандай бўлар, кўнглидаги гапни айтгани учун жасур ва мард котибга тўйиб-тўйиб қарар, шунда ўзи болаликдан орзу қилган, ўзини тирикликнинг оч панжасидан қутқариб, саодат бахш этадиган ўша осмондан тушгувчи илоҳ котибнинг қиёфасига кирар ва вужуди нурдан бўлган котиб олов сочаётган қасос қиличини кўтарганча кўз олдига намоён бўларди.

Кейин ҳаммаси ўрнига тушарди, эрталаб у тамаки ҳиди билан бирга субҳидамнинг мусаффо ҳавоси кезиб юрган бесаришта хужрасида кўз очар, кира зулматни тилимлаб дарчадан оқиб кираётган тонгнинг симобдай бир тутам ёғдусини узоқ томоша қилиб ётар, қишлоқнинг ичкарисидан хўрознинг бўғиқ қичқириви эшитилар, ёғду эса ҳали эркак кўзи тушмаган қизнинг яланғоч баданидай гўзал ва жозибали бўларди. Бу лаҳзалар чўл қўйнида қурилажак котиб айтган янги ҳаётнинг илк онлари ёхуд ул олис шамснинг илк шуъалари каби яширин ва хушанишин эди.

V

Посёлкага келганининг учинчи йили унинг ўтмиши одамлар учун бироз ойдинлашди; йиғим терим тугаш арафасида совхоз босқони Омон Жуманинг хонасига музофотнинг нариги четидан бир аёл ўн беш-ўн олти яшар боласини етаклаб кириб келди: аёл қирқлардан ошган, чиройли юзида ҳали сўлимлик ва эҳтирос сўнмаган, кўзлари ўйчан, ўзини тутишидан мулоҳазали ва ақлли аёл эканлиги кўриниб турарди. Бола эса гаранг эди. Аёл Омон Жумадан совхозда эри ишлаётганини ва уни уйга қайтаришга ёрдам беришини сўради.

— Неча йилдан бери уйга қадам босмайди, — деди у курсига ўтирмаёқ. — Кунини ичиб ўтказади. Сизга бир она сифатида мурожаат қиляпман.

Аёл йиғлашга тушди ва ўғлини кўрсатиб:

— Бу худо қарғаган болани ёлғиз ўзим катта қилдим, энди чарчадим. Бунга ҳам ота керак, — деди.

Аёлнинг йиғисидан таъсирланган Омон Жума қоровулни қанчалик қистамасин у аёл билан бирга кетишдан бош тортди.

— Бекорга овора бўлманглар, — деди бошини эгган кўйи қатъий қилиб: — Биз алақачон эр-хотинликдан чиқанмиз.

У аёл билан болага қайрилиб ҳам қарамади. Омон Жумани танг қолдирганча — боғ ичига кириб кетди ва у ерда шохлаб кетган тутларни хотиржам бутай бошлади. Аёл унга томон журъатсизгина интилди-ю, сўнг жойида таққа тўхтаб қолди — унинг умид ва ишончсизликдан қизариб кетган кўзларида эса Омон Жумага ҳам, бу чўл одамларига ҳам ва чўлга ҳам номаълум бўлган саргузаштларнинг кўланкаси порларди; уни бу ерга бошлаб келган умид ва эрининг юзидаги ёт бир вазоҳатдан туғилган ишончсизлик бир зум иккилантириб қўйди, сўнг у боласини етаклаб боғдан шитоб билан чиқиб кетди.

Ўзининг дўқ-пўписаларини ишга солиб ҳам инспектор қоровулни кўндиролмагач, ойлик маошидан юбориб туришга ваъда қилиб Омон Жума аёлни изига қайтариб юборди. Бу пайтда котиб посёлкада йўқ эди. Қоровулнинг хотини келиб кетганини эшитдию: «Тўғри қилибсан, улардан қанчалик узоқ юрсанг, шунчалик эркин бўласан, ҳозир дарахтни силкитсанг хотин ёғилади. Ўзим уйлантириб кўяман», деди ва қоровулга кечқурунги бош оғриқ учун беш сўм пул берди. Бироқ посёлкадаги ҳар бир одам миш-мишни ўзича изоҳлашни истарди: бу тунд ва ароқхўр қоровул ҳосилдан чарчаб чиққан чўлқуварларнинг қиш бўйи эрмаги бўлди.

Аёл эрини олиб кетиш учун иккинчи марта келганда (унинг эғнида бу гал тўзғиган ёмғирпўш осилган, ўзи ҳам устидаги кийим каби афтодаҳол, бир йил олдингига қараганда жуда тез қариган, юзларидаги малоҳат шамлари сўна бошлаган эди) участка инспекто-

ри ўзининг яқин танишидан бу оила ҳақидаги жамики сиру асрорни билиб олишга улгурганди.

У қиш кунларининг бирида сартарошхонада пайдо бўлди. Навбат кутиб тураркан, ҳар доимгидай ўзи билган янгиликлардан одамларни огоҳ этишни лозим деб билди.

— ... Онаси ўлгач, у узоқ йиллар чойхонада дастёрлик қилиб юради. Чойхоначи номи қора бўлган қизини унга қўшади-ю, бир эски уй сотиб олиб беради. Шу билан тинчийди. Ўзи сал овсарроқ бўлгани учун хотиннинг кўз пардалари йиртилиб кетганига унчалик эътибор бермайди. Орадан икки-уч йил ўтгач, хотинини ёт эркак билан тутиб олиб, паншаха санчиб ўлдириб қўяди ва узоқ йилга қамалиб кетади. Қамокдан қайтиб келганда хотини кимдандир бола орттириб ўтирган бўлади. У маймоқ ҳаммасига қўл силтайди-да шаҳарга кетади, у ерда ароқ учун одамларнинг қора ишини қилиб юради. Дайдиб-дайдиб, шу ерга келиб қолади. Котиб уни арзимас пулга меҳмонхонага қоровул қилиб қўйди. Хуллас, худо қармаган чоғи, боши ҳозиргача маломатдан чиқмайди. Бор гап шу.

Қизиги шундаки, инспектор бу гал негадир қоровулга анча хайрихоҳ оҳангда гапирди.

— Бошига қийин савдо тушган экан, — деди Тоғай муаллим бош чайқаркан, оғзига кирган соч толасини туфлаб ташлади. Инспектор аёлга бу можарога аралаша олмаслигини ва бу ўта шахсий масалалар эканини рўйи-рост бўйнига олди.

— Биз одамнинг хоҳиш-истагини ҳурмат қиламиз, — деди у хонасидан чиқар экан, қўлига фураж-касини олди: унинг юзи кўп гапирганидан бўғриқиб кетган, семиз бўйни тердан пўрсиллаб қолганди, — мен уни мажбур қилолмайман.

— Сиз оилани сақлаб қолишингиз керак, бу сизнинг бурчингиз, — аёл унинг изидан ташқарига чиқар экан, инспектор гапирган оҳангда сиёсат қилди. Лекин инспектор пинагини ҳам бузмади: эшикни қулфлаб, зина орқали пастга тушди ва ўзини дарахт соясига олиб, ниманидир ўйлаб турди-да, — Менинг кучим етмайди, — деди, сўнг пивохонога қараб кетди.

Аёл бу сафар узил-кесил рад жавобини олди. Ўзи ҳам узилган оила риштасини қайта боғлай олмаслиги-

га, эри билан яшаган ўтов аллақачон куйиб кул бўлганига кўзи етди шекилли, яна ёлғиз қайтиб кетишга мажбур бўлди.

VI

Уч ойлардан сўнг меҳмонхонага янги қоровул тайинланди — бу қоровул ҳам мўмингина одам эди, уни шахсан инспекторнинг ўзи тавсия қилганди. Меҳмонхонанинг кичкина боғида куз ва қишнинг ўзаро олишуви бошланган, ёмғир суви янгиламаганидан яшил тоб тусга кирган, ҳовуз саҳнини ўт-ўлан босиб кетган эди: узун йўлакнинг ўзи эса хазонлар билан тўлганди, ҳовуз бўйидаги гулзорда ҳам тўзғоқ барглари ва сўнги мезонлар учиб юрар, боққа кираверишдаги ялангликда қарғаларнинг нохуш қағиллашлари эшитилар ва баъзи-баъзида қарғалар нақ боғ устида тўпланиб шубҳали йиғинлар ўтказишарди. Меҳмонхонанинг пештоқига илинган байроқ ҳам тўзиб бўлган, ёмғир ва саратон шамоли ҳуда-беҳуда қилпиратавериш унинг рангини номаълум тусга киритиб қўйган, шундай бўлса ҳам у пештахтада ҳамон салобат билан қилпираб турарди: бироқ на қувраб-қовжираб тўкилган боғ, на тўзиган байроқ деворларига дабдабали чақириқлар илиб ташланган меҳмонхонанинг ҳашамига ҳеч бир гард етказа олмаган, унинг узун даҳлизига қимматбаҳо поёндоз тўшалган, хоналари ҳамишагидек шинам ва тоза эди: ўртадаги хонанинг гилами янгиланган, деворлари қайта бўялганди: хонада кичкина кийим жавони, иккита курси бор эди ва стол устига аввалгисига қараганда каттароқ ва бежиримроқ шиша сувдон қўйилганди. Бу сирли ҳашамлар сари талпинган ташки дунёни ва ёруғликни тўса-тўса чарчагандек, ҳорғин тебраниб турган қалин парданинг ранги униқиб, гуллари ўчиб кетган, диван эса ҳамон тажовузкор қиёфада ўртада қад кериб турар; у кирган ҳар бир одамни енгилтак аёлдек бағрига чорлар ва уларга неларнидир ишора қилиб, ўзи билан содир бўлган қандайдир гарройиб бир воқеани эслатмоқчи бўларди. Фақат кираверишдаги ҳужрада бесаришта ҳол ҳукм суларди: кийимлар ва тўшак ўша куннинг эртасигаёқ милиционерлар томонидан титиб ташланган ҳолича бетартиб

қалашиб ётарди: хонани чанг ва ғубор қоплаган, тўшакларни ва шифтни қурум босган, пол тахталарининг ораси хонага кириб келганларнинг устидан кулаётгандек қадам товушларига жавобан норози бўлиб гичирлаб қўярди: дераза ёнидаги миҳда қоровул терсоталик йигитлар билан пиво ичган кунни кийиб юрган гижимланган коржомо осилиб турар, шим эса ерда ётарди; хужрада куйинди ва тамаки ҳиди билан бирга одамларга алланечук шубҳали бўлиб туюлган кишининг ҳиди ҳам ўрнашиб қолган, хужранинг ўта бесаранжомлиги ва торлигига қараб туриб, у мана шу иприсқилар ичида, уч йил мобайнида бирон кимса қадам босмаган, одамлар ёдидан кўтарилган шу кичкина бошпанада қотиллик қилиш учун ўзига куч тўплагандай ва уни қотилликка мана шу куйинди, ғубор, тамаки ва сўққабош эркакнинг ҳиди анқиб турган, унинг ўз умри каби хароба хужра ундагандай таассурот қолдирарди.

VII

Котиб хуфтон пайти меҳмонхонага ҳар доимгидай индамай, бироз ҳўмрайиб кириб келди: унинг қизарган кўзларидан ва кўпчиган юзидан ичиб келгани аниқ эди — у ичган пайтлари жуда мулойим бўлиб қоларди; унинг касби чўлқуварликка ҳеч бир алоқаси йўқ, табиатан қўрс, кўпол муомаласи билан чўлга келиб орттирган манманлигига такаббурлик қўшилиб уни одамлардан бездириб қўйган-у, вазифасига кирмаса ҳам ҳар бир ишга бурнини тикаверар, ўзича кўрсатмалар берар — туман саркотиби келганда далаларни Омон Жума эмас, у бирга қўшилиб айланар, негадир саркотиб олдида ўзини жуда эмин-эркин тутар, ҳатто ҳазилхузул ҳам қилиб қўярди. Уни олис шаҳардан мана шу жумард ва жанжалкаш одамларга йўлбошчи қилиб жўнатишганди; посёлкадагилар ичида саркотиб билан қалин эмиш, уни шахсан ўзлари тарбиялаб, бу ерга олиб келганмиш, яна қандайдир қариндошчилик томонлари ҳам йўқ эмас эмиш, агар уч йил режа кетмакет бажарилса, уни Омон Жуманинг ўрнига ёки ҳеч бўлмаса янги хўжаликлардан бирига босқон қилиб сайлашармиш, фалон эмиш, писмадон эмиш, хуллас, суяги тоза эмиш деган гап-сўзлар юрар, исқирт қоровул

билан валати яқинлиги обрўсига бироз соя солса-да, ундан Омон Жуманинг ўзи ҳам ҳадиксирар, бу уни яна ҳам салобатли ва мухтарам қилиб қўйганди.

Котибнинг изидан озғингина, лекин истараси иссиқ қиз ҳам келарди — у пахталик кийиб олган, котибнинг шляпаси чанг, кўзлари ҳорғин эди — улар тўғри даладан келишаётган эди, чамаси, эғни-бошидан пахта ва ғубор анқиб турарди.

— Менга ўрта хонанинг калитини бер, — деди котиб.

Котибнинг орқасидаги қизни у дарҳол таниганди. У қизни олти ойча олдин байрамона тусда ўтган сайлов тантанасида кўрган ва гарчи танимаган, кўрмаган бўлса ҳам қўлидаги сайлов қорозини индамай қутига ташлаганди: сайлов олди йиғини мактаб биносининг кенг ва шинам залида ўтган, қиз эса котиб билан раиснинг ўртасида қисиниб-қимтиниб ўтирарди. Ўшанда у бўй-бастига қараб бу қиз ҳали мактаб ўқувчиси бўлса керак деб ўйлаган ва нега айнан шу қизни сайлашаётганига ҳайрон бўлганди. Лекин, қиз йигирма учга кирган, фаол ишбоши, фирқа аъзоси ва ҳоказо эканлигини кейин билди. Котиб қизни шундай келиштириб таърифладики, уни сайламасдан бошқа илож қолмади ва шундай ҳам бўлди. Қиз юз фоиз овоз олди. Унинг озғин, қотма суқи-сумбати, буғдойранг юзи, таъсирчан кўзлари одамда қандайдир яқинлик уйғотар, истараси иссиқ ва сулувгина қиз эди.

— Биз бу чўлни бўстонга айлантирамиз, фақат бахтли ва эзгу ниятли одамлар яшайдиган янги ҳаёт қура-миз, янги ҳаётни мана шундай ёшлар қуради, биз эса фақат уларга йўл кўрсатамиз. Хуллас, сизларни уялтирмайди, фақат пахтани эмас, одамни ҳам яхши тушунади, халқпарвар. Баъзида, — котиб қизга қараб кулимсиради, — биз билан ҳам тортишиб қолади. Камчилигимизни шартта бетимизга айтади. Мен уни ана шу мардлиги учун ҳурмат қиламан.

Қоровул ўша кунни ва котибнинг юзидаги ифодани яққол эслаб қолганди ва ўша куниеқ қизнинг қопқонга тушганини, котиб айёр айғирлардан эканини, у кўп йиллик тажрибасидан билар ва негадир бундан ғурурланганди. Котиб уни кўриб, кўз қисиб қўйди. Қоровул ҳам унинг ёришиб кетган юзига боқиб тўймас,

гапираётган худди ўзининг жигаридай, ҳар гапга ёйи-
либ жилмайиб қўярди. Сайлов тутагач, котиб уни бир
четга тортиб ўн сўмлик берди:

— Бугун менинг номзодим ютиб чиқди. Мен учун
тўйиб ич, — деди.

Кечқурун кўп ичганидан боши қизиб, боғда хир-
гойи қилиб юрган қоровул зўрға юриб келаётган, юзи
қизариб кетган котибга дуч келди, оғзи қийшайиб қол-
ганидан қоровул унинг тайёр бўлиб келаётганини бил-
ди, суяб хонасига олиб кирди, ечинтириб қўйди; ко-
тиб гўлдирад, уни чўлп-чўлп ўпар ва «Юракни бир
титиб юбор», деб бақирарди.

Қоровул хириллаб қўшиқ айтар, гарчи бу хир-
гойи қувурнинг қуруллашидай хунук ва ярашиқсиз
бўлса ҳам, котиб шавқ билан қичқириб қўяр, ким-
ларгадир, афтидан, хотирасининг бир бурчагида қолиб
кетган кимгадир «окаси жонидан» деб бақирар, коро-
вул эса бу худбин, олифта, ўзбошимча, тийиқсиз ва
танги одамни шу лаҳзаларда қандайдир зил-замбил
оғриқ эзаётганини билар ва кўпроқ кўнглини олиш-
га ҳаракат қиларди, баъзан котибнинг ғайрати унга
ҳам ўтиб, у ҳам котибга тақлидан «о-каси, жонидан»
деб хириллар, худди котибдек пиёлани кўзларини
юмиб бир сипқоришда ичиб юборар эди, сўнг ко-
тибга монанд томоқ қириб қўярди, баъзан эса унга
котибнинг ёш, навқиронлиги юкиб ўзини, бутун ву-
жудини — энди ўзларини ҳеч ким безовта қилмас-
лигини кун ўтган сайин тобора кўпроқ англашаётган
ажинлар ва чандиқлар уюми қийқириб ётган пешо-
насига, ўтаётган кунлар аста-секин ўз муҳрини бо-
саётган ва тобора шалвираб, куйган чармга ўхшаб
бораётган кўказак юзига, бу дунёда ҳеч бир из қол-
дирмай ўтаётганидан атрофидаги оламдан ва қоқ те-
пасида жуфт-жуфт бўлиб учиб юрган қушлардан уял-
гандек кир ва жулдур кийимлар ичига яна ҳам
кўпроқ ботиб бораётган қадди-қоматига ва очиқ қол-
ган китоб янглиғ унинг барча сиру асрорини ҳар
дақиқада ошкор этиб турадиган кўзларига, гўё ўзи
босиб ўтган бутун ҳаёти давомида еча олмаган умр
сири яширингандай ёки беҳуда ва бесамар ўтган кун-
лари учун кимдандир ўч олишни истаб, ғазаб билан
қисиб олингандай доимо асабий тугилиб юрадиган

муштларига битилган пайҳон этилган умр ҳақдаги бу тўзғоқ ва шадди роқ хатни гижимлаб ташлашни истаб қоларди.

VIII

У даҳлизга яна бош суқиб қаради — ичкаридан таниш гўнғиллаш эшитиларди.

— Менга қара, ноз қилсанг, қилмасанг бу ердан соғ чиқмайсан, барибир ҳеч ким эшитмайди. Агар анави қари тўриқдан нажот кутаётган бўлсанг, овора бўласан. У менинг одамим. Агар унга бир шиша ароқ берсам, қизини қўйнимга солиб қўяди. Бир ҳовуч ун учун ҳосилот онасини ўйнаш қилиб олган. Ишонмасанг, ана ўзидан сўра, бир қултум қуйиб берсам, буларнинг ҳаммасини ўзи сенга гапириб беради. Ё чақириб берайми?..

Қиз нимадир деди, сўнг ночор пиқиллади — унинг овозида ўчаётган шамнинг яллиғи каби заифгина қаршилиқ бор эди ва бу йиғи унга таниш эди.

Юрагига муздай нимадир сирғалиб тушди ва вужудига гўё лойқа сув қўпди; у ерда мактаб болаларини ўз бағрига чорлаган тонгги қўнғироқдек нимадир жаранглаб кетди ва бу бевақт жаранглаган бонг садоси боқувдаги от каби кўпдан буён пайт пойлаб ётган унинг ёввойи бир ғурурини ва олис хотирасини уйғотиб юборди — мактаб ҳовлисига болалар қийқириб киргани каби у энди бир умр ташлаб кетдим ва у ерларга энди қайтиб бормайман деб юрган ва кимсасиз орол каби олисларда қолган ҳаётининг навқирон адирларида қолиб кетган нелардир унинг юрагига ҳам ҳайқириб кирди — кўп йиллар бурун хотинининг ўзини оқлаш учун ичкаридаги қиз каби ночор ва ожиз аёлга айланиб йиғлаганини, юзини тимдалаб ташлаганини эслади. «Булар бунчалик калтафаҳм бўлишмаса, — ўйлади у негадир бирдан хотиржам тортиб, — ҳаммасининг усули бир хил!»

У ялангоёқ, ялангбош қаҳратон қиш кунда ўзларини қишлоқдан ҳайдаб чиқарганларига ҳам, онасининг совуқ, кимсасиз хужрада қон қусиб жон берганига ҳам ўзини кўниктирган эди, кун ўтказиш учун чойхоналарда искирт ва қора ишларни қилишга, одам-

лар «етим», «ўғрибачча» деб аташига, чойхоначининг онасининг ўрта қўйиб сўкишларига, кейинчалик ёш, сулув хотинининг «ислиқи» дея жаврашларига, қамалиб чиққач, қўлларини бигиз қилиб кўрсатишларига, ҳар бир ўғирликдан сўнг тинтув қилишларига, ҳужжатларини бош чайқаб, елка қисиб қайтариб беришларига, ичиб, кўчаларда ухлаб қолганда болаларнинг устига пешоб қилиб уйғотишларига — ҳаммасига кўниккан эди, буларнинг барчасини тақдири азалга йўйган, қандай тўғри келса, шундай яшаб кетаверган эди, гоҳо онасининг кўп йиллар бошидан тушмаган қора шол рўмоли ўша олис йилларнинг ва ўзлари босиб ўтган аянчли қисматнинг байроғидай тез-тез кўз олдида ҳилпирай бошлар, у ўз ҳаёти, онаси ва отаси учун кимлардандир ўч олишни жуда истаб қоларди, бироқ бу туйғуга ҳам ўзини кўниктирганди. Туйғулар, хотиралар, дарду армонлар тошиб келганда у хилватда бекиниб тошиб кўпириб ичар, сўнг ҳамма нарсани унутар, ҳужрасининг бир четига ўтириб жимгина йиғлар, эртасига тонг маҳали яна ҳеч нарса кўрмагандек котиб билан балиқ овига жўнарни.

У яхшилаб чекиб олди, ёнини пайпаслаб кўрди. Сўнг эшикка тикилганча узоқ туриб қолди.

У аста-секин эмас, бирдан ҳаммасига тушунгандай бўлди; хотинининг кўзларидаги тундикка ҳам, котибнинг «окаси жонидан» деб қийқиришига ҳам, унинг чиройли кўзларига ҳам, ўзининг нима учун бу ерларда юрганига ҳам, нима учун сарсону саргардон бўлганига ҳам ва ўзи каби одамларнинг нима учун саргардонликка маҳқум этилганига ҳам. Унинг бирдан хўрлиги келди. Ахир ҳаммаси кундай аён-ку, нега шу пайтгача фаҳламади экан? У ўзининг болалигини, баджаҳл отасини, хотинининг эғнидаги хориж камзулини, онасининг қора шолрўмолини эслади — у зинадан кўтарилаётгандай хотиралардан сирли ва мавҳум юксаклик томон бир-бир кўтарилиб борди: у кўтарилган жойдан ҳаммаси яққол кўринарди ва шунингдек ҳаммаси тушунарли эди.

У барча саволларнинг жавоби яширинган тилсим бўлиб қаршисида иддао билан қад кериб турган юмшоқ чарм қопланган эшикка қараб юрди, сўнг худди ақддан озгандек икки йирик мушти билан тўсатдан

эшикни ноғорадек ура кетди. Анчадан сўнг ичкаридаги овозлар тиниб қолгач ва шивир-шивирлар бошлангач, эшикнинг қулф эканлиги эсига тушиб қолди ва орқага ўзини олиб ром ва қулфни зарб билан тепди. — эшик иккинчи тепкига дош беролмади — салдан кейин у ўзини серҳашам қилиб безатилган, ўртадаги столда гўшт қолдиқлари ва арақ шишаси турган, жунбуш ва тер ҳиди қоплаган хонада кўрди.

Котиб эшикка яқин келиб турарди — унинг костюми ерда ётар, тўзиган диванда эса эси оғандай серрайиб қолган, юзи ҳаддан ташқари оқариб кетган, сайлов арафасида у ўқувчи қиз бўлса керак деб ўйлаган нимжонгина қиз ўтирарди; у ҳансираб турган кўзларида жунун ўйнаган қоровулни кўриб ўрмонда адашиб қолиб, ногоҳон ўзини излаб юрган отасини учратган ва ўпкасини босолмай йиғлаб юборган арзанда қиз каби бирдан тирналиб қолган юзларини бекитиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Котиб эса хона ўртасида ўзининг азми иродасидан бирор марта четта чиқмаган, ўзи айтганидек хонаки тўриқ каби ювош, фаҳмсиз, ислиқи ва ароқхўр, қулдай итоаткор қоровулга ғазаб билан қараб турарди, унинг кўзларида ўлжасидан айрилган бўриникидай очкўз ва қизғанч бир ифода ёнарди; лаблари ғазабдан титрар, тугмалари узилиб тушган кўйлаги остидан эса дўппайган қорни оҳиста кўтарилиб тушарди — унинг чеҳраси ҳозир ўзи турган бинонинг пештахтасида ҳилпираб турган байроқдай таҳдидли қизариб кетган, гўё байроқ пештахтада эмас, жиззакилик ва қийиқлик билан ёнаётган унинг чеҳрасида ҳилпираётгандай эди.

— Сиз менинг онам ҳақида гапирдингизми, — сўради қоровул худди қарз сўраётгандай бироз тутилиб мулойим ва заҳарли оҳангда.

— Хўш, гапирсам нима қилибди, — деди котиб унинг кирга ботган бўйнига қараб афтини бужмайтираркан гални беписанд кесди. Кейин кўйлагининг тугмасини ўтказа бошлади.

— Бир пиёла қуйиб берсам ўз оғзи билан айтиб беради, дедингизми? — сўради қоровул яна ҳам ювош тортиб олға интиларкан.

— Нар и бор, — бақирди котиб орқага тисарилиб. — Бўлмаса пушаймон бўласан.

— Чакки айтдингиз шуни, — деди қоровул, — онам ҳурдай аёл эканини яхши билардингиз... мен сизга минг марта айтганман. Чакки қилдингиз шуни...

У аста-секин гаранг ва карахт қиёфада котибга яқинлаша бошлади, тўсатдан қўллари ўрнида қон ис-таб жаранглаган қиличлар ўсиб чиққандек, ҳамда кўзлари битиб, ўрнида ачимсиқ гўр ҳиди келаётган лаҳм ичига ёқиб қўйилган бир жуфт кўртақир шам пайдо бўлгандек у дароз, найнов, туюққан ҳолда май-моқ юриш билан котибга тобора яқинлашиб борар, олдида ўзига ҳамон менсимай, қаҳр билан такаббу-рона қараб турган одамни ушлаб олиб, бир ямлаб ютиб юборадигандай важоҳатда эди — котиб унга бир муддат беписанд тикилди, кейин орқага чекин-ди, нимадир излаб стол устини пайпаслади-да, сўнг суви ярим бўлиб қолган графинни олиб, чорланганча, гўё бир уришда бу сўлақмондай гавдани парча-парча қилиб юбормоқчидек қулочкашлаб, тўғри унинг юзи-га отди...

IX

Ақлдан озгандек сочи ва кийимлари бир ҳолатда тўзиган, кўрққанидан юзлари кўкариб кетган қизнинг алмойи-алжойи сўзларидан нима гаплигини зўрға ан-лаб, ҳар эҳтимолга қарши таёқ тутган уч-тўртта одам, қўлига ҳеч қачон отилмайдиган тўппончасини қисиб ушлаб олган инспектор ва бош ҳисобчи меҳмонхонага чўчинқираб бостириб кирганимизда даҳлизда ҳамон ой шуғлалари ўйноқларди, жуда яқин кишиси кетаёт-ган кеманинг изидан маъюс термулиб бандаргоҳда қол-ган алвон кийимли аёл каби ёки бир неча соат олдин бу хонадан, бу даҳлиздан, бу содда ва жоҳил одамлар орасидан киши ақли ҳам, шуури ҳам етмас қайларга-дир қандайдир бир кема бош олиб жўнаб кетгану унинг ҳарир ва алвон елканига ҳасад қилиб, ўзи ҳам қайларгадир сузиб жўнамоқчи бўлаётган пардани де-раза тирқишидан оқиб кираётган шабада оҳиста ҳил-пиратар, пол тагида чигирткалар бири қўйиб, бири олиб тинмай ҳуштак чаларди, — бурни қонаган одам-дек қулфи ва роми титилиб кетган эшик кўпдан буён бизларни кутиб тургандек ланг очиб қўйилган, хонада

эса қонга беланган қўлларига графиннинг бир парча синигини ханжардай тутиб олган, тўсатдан бошланиб, ҳамма нарсани остин-устун қилгач, ўзидан кейингиларга чанг губор қоплаган даланию шох-шаббалари синган дарахтлар билан тўзиган хазонларни қолдириб сўнгган бўрондек юзида телбалик ва жазаватўниб қолган қоровул диванда ҳорғин ҳам мағлуб алфозда ўтирар, хонани қон ва тер ҳиди тутган, қон гиламдан сизиб ўтиб, бурчақдаги очиқ жойда ҳалқоб бўлиб тўпланиб қолган, унда чироқнинг акси липиллар, графин синиги бармоқларини тилиб ташлаган қоровулнинг юзида эса бир неча сония олдин қилган қотиллигининг муҳридек бир томчи қон қотиб қолганди.

Ўртада эса бир муддат ухлаган-у, ҳозир уйғониб қоладигандек чап тирсагига омонатгина бош қўйганча, ўзига ўхшаш ва ўзидек яшаб ўтган, яшаётган минглаб, миллионлаб одамларга умрни қандай якунлаш кераклигини бир кўрсатиб қўймоқчидек ёки ўзи кўтариб оққан умр жилғаси ойлар оша, йиллар оша қайлардандир адашиб, улоқиб сузиб юргану ниҳоят чўл ўртасидаги ҳавосида ҳамон жунбуш ва наҳснинг дўқ-дўқ мароми сақланиб қолган мана шу овлоқ бинода елкасида кўтариб юришдан ниҳоят чарчаган, уни ўнғайсиз мағлуб ҳолича ташлаб, ер остига буткул сингиб кетгандай лабининг бир четида бир вақтлар изидан ўзидек ўсмир ва такасалтанг йигитларни эргаштириб, кўчаларда жанжал ва тўполон қилиб юрган пайтларида орттирган тиртиқ орасидан ўзига қўрқув ва ваҳм билан тикилиб турган остонадаги одамларнинг ҳамда ўзини сўқир тиламчидек аввал болаликнинг офтобрўя кўчаларидан, сўнг йигитликнинг турли машмашалари ва гуноҳ дарахтлари гуллаб ётган ўрмонидан ва ниҳоят бир сакраб ўтилган ботқоқ каби қисқа уфунотга фарқ ақл-идрокнинг ғаразга ботган тўшагидан етаклаб ўтган ва ўзининг ўлими учун аянчли саҳна тайёрлаган қисматининг устидан бошлаб кулаётгандек оғзининг бир учида заҳарханда табассум қотиб қолган ва ўнг қўлига гўё умр бўйи интилиб етишган нарсаси шундай тер ва кирга ботган сарғиш соч толасини чангаллаб олган қотибнинг совутан жасади ётарди.

ОЧИЛМАГАН ЭШИК

*Сенга қандай жаннат яратиб
берардим, билмайсан!*

Ф. М. Достоевский

Келинчак ўз эрини мураккаб ва сийқа бир китобни ўқиётгандай машаққат билан баъзан адашиб, гумонсираб, рашк қилиб ўқирди. Бироқ охир-оқибатда ҳаммасига қўл силтаб лоқайд ва бепарво бўлиб қоларди: эрини энди истамай, безиллаб, бундан ҳам бешбаттар юраги совиб кетишидан кўрқиб, хижил ва ланжлик билан ўқирди. Ким билади, у балки бу сирли ва чигал китобда эрининг бегона аёл билан бўлган саргузаштини ҳам гўё ҳар куни кўриб юрган ҳодисадай гўё ўзига мутлақо алоқаси йўқдай, гўё юз марталаб ўқилган сийқа бир хатни ўқигандай, гўё шундай бўлиши табиийдай хотиржам ва бепарво ўқиб чиққандир. Балким кўнглидаги рашк, алам ва ўзга аёлга ҳасад туйғуси эрининг юзидан бу саргузаштни бутун сиру асрори билан ўқиб бўлгачгина йўқолган ва ўрнини номаълум, ўзига ўхшаш муштипар, эрининг хушомадларига осонгина асир тушган аёлга ачиниш ҳисси эгаллагандир. Келинчак баъзи-баъзида ўзига «кундош» бўлган у аёлни хаёлан тасаввур қилар ва кўз олдида дунёда энг гўзал аёлнинг сиймоси пайдо бўларди. Эрининг назари тушган аёл бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас эди. Аёлни хаёлан тасаввур қилар экан, ўзи хаёлида яратган бу илоҳий суратга баъзан ўзи мафтун бўлиб қоларди ва бундай аёлни севмаслик, унинг кўнглини қолдириш ҳеч кечириб бўлмайдиган гуноҳдай туюлар ва эри шундай аёлни севганидан фахрлангиси ҳам келарди. Кўнглига яқин келинчакларга бу аёлни ялмоғиздай доғули, жодутар, эримни макр-ҳийлалар билан домига илинтирган деб қарғар, оғзига келган сўзлар билан ҳақорат қилар, ўлимини яратгандан тун бўйи тилаб чиқарди. Эри унинг бирдан-бир хазинаси эди. У эридан қачон бўлмасин, ажралишни хаёлига ҳам келтирмас ва бу хазинанинг фақат ўзиники бўлишни истарди. Шу ёзнинг ўрталарида хазинасини иккига ажратиб ташлаган қилич унинг қалбини ҳам иккига бўлиб ташла-

ган, унинг иштиёқи-ю, ҳаётини муаллақ қилиб қўйган эди.

Келинчак ҳар кеча ўзи турган қирғоққа бир муддат қўниб ўтгандан сўнг, яна узоқ сафарга отланган кемадек ўзидан кундан-кун узоқлашиб, номаълум манзил сари кетиб бораётган эрини, унинг сўнгги пайтларда пайдо бўлган терс, қўпол, жиззаки феъл-атворини, бир вақтлар эри билан жуфт қанот бўлиб учиб ўтган, ҳозир эса узоқ-узоқларда ташлаб кетилган ўтовдек кўринаётган бахтли ва осойишта кунларини эслаб то тонггача йиғлаб чиқарди: тонгда йиғидан қизариб кетган кўзларини арта-арта оғир кетмонни ҳолсизгина кўтариб, руҳсиз ва афтода алфозда ишга жўнарди ва кун узоғи яна ўша эрининг эс-ҳушини ўғирлаган аёл билан хаёлан мунозара қила-қила, аёлнинг эрига қўйган тузоқлари, макрлари ва жодуларини ҳамда умрининг гулгун лаҳзаларини бегона ўтларга қўшиб, чопиб қайтарди. Келинчак ҳамиша ўзини шаҳарлик аёлга қараганда ожиз ва хунук бўлсам керак деб ўйлар, эрининг ақлини олган аёл назарида ўзидан гўзалроқ, меҳрибонроқ, ишвалироқ, жозибалироқ ва нафосатлироқ бўлиб туюларди. Ўзига қараганда кўпроқ биларди, ўқимишли, эрининг кўнглидан чиқа олади, тоза ва озода кийиниб юради, ўзидек қатиқ билан бош ювмайди, баданидан тер ва ғўза ҳиди келиб турмайди, ўзига қараганда ёш, юзи қуёшда куймаган, сочлари сарғайиб кетмаган, қўллари ҳам ўзиникидек дағал, қўпол эмас. Тафтли, ҳароратли, майин, нозик — бундай қўлни ушласа эрининг бир йиллик ҳордиғи чиқиб кетади: шундай пайтларда келинчак ўзига ўзи бечора ҳол, бўшанг, уқувсиз, инжиқ ва йиғлоқи бир келин бўлиб кўринарди.

Баъзан у ўзига ҳеч алоқаси бўлмаган, гоҳида изтироб, диққат, фаромушлик, гоҳида шиддат, жўшқинлик, хушбахтлик чулғаб оладиган эрининг тунд юзидан қуюқ туман ичида секин сўнаётган гулхан янглиғ ўзига аталган ва аста-секин изсиз сўнаётган заифгина эҳтиромни кўриб қоларди.

Келинчак тўрт йилнинг чанг-ғуборлари, ёмғир-қорлари остида қолган, бу уйга энди келин бўлиб тушган пайтларидаги эрининг эҳтиросли муҳаббатини худди ўт-ўланлар орасидан йўқолган игнасини ахтараётган-

дек, эрининг қув кўзларидан баъзан саргашта бўлиб излаб қоларди. Лекин сувга чўккан тошдек, бу муҳаббат қаёққадир ғойиб бўлган эди. Баъзан келинчак ёнида ётган совуқ ва тунд эркакка қараб ногаҳон эрининг куёвлик пайтлари эсига тушар ва шунда ўша навқирон ва қувноқ куёвболага ҳеч алоқаси йўқ ёт бир эркак билан ётгандек, бирдан сесканиб тушар ва ёнидаги эркакни қаёққадир ташлаб кетган шўх-шодон, қувноқ куёв болани излаб сигирини ахтариб юриб, қуюқ ўрмонда адашиб қолган эртақдаги ўғай қизчадек эрининг худбинлик ва заҳархандалик билан қизариб турадиган юзини, оҳиста билинар-билинемас ажинлар қоплаётган пешонасини, темирчининг омбуридай совуб қолган лабларини секин пайпаслаб излаб қоларди.

— Бу нима қилганинг, — жеркиб юзларидан қўллари билан ташлади уйғониб кетган эри унга зарда билан тикилар экан: — Ҳалиям ёш болага ўхшайсан. Ўзингни сал босиб олсанг-чи.

У юзини тескари ўтириб олди-да, яна пишиллаб беозор уйқуга кетди, келинчак эса бўғзига тошдай тиқилиб турган йиғини босиш учун тишларини қаҳр билан бир-бирига босиб турар, агар тишларини кўйиб юборса, бўғздан бутун уйни, бутун ҳовлини, бутун қишлоқни, бутун дунёни бошига кўтарадиган аянчли йиғи отилиб чиқишини англади, бироқ юзидан ёш томчилари сим-сим тўкилиб бўйинлари орқали бир эркалашга, бир ардоққа интизор бўлиб сўлиб қолган кичкина, заиф кўкракчаларининг ҳовучига бориб қуйилаётганини сезмас эди.

— Эрининг сендан кўнгли совутанига сабаб — бефарзандлигинг, — дерди кўнглига яқин келинчалар, унинг ғўзалар орасида кетмонни қучоқлаб худди оқ фалакка чалинган бир туп ғўзадек мунғайиб, сўлиб, тушкун ва умидсиз юм-юм йиғлаб ўтирганини кўрган пайтлар, — битта бола туғиб берсанг сенга парвона бўлиб қолади.

Келинчакнинг ўзи ҳам шундай ўйлар эди. Лекин айб кимдалигини ҳам, нимага шунча йилдан бери бола кўрмаётганини ҳам, нима учун бошқалардай пешонаси ёруғ эмаслигини ҳам, ўзига оналик шодлигини нима учун раво кўрмаётганини ҳам билмас эди. Бунинг учун

эри ҳам, ўзи ҳам сабабчи бўлиб туюлмасди — сабаби ўзидан ҳам, эридан ҳам ўзга хилқат бўлиб туюлар ва ўша хилқатдан баъзан бахт ва дориломон кунларга қўшиб, бола ҳам сўрар эди. У ҳам она бўлишни истар, у ҳам қорнини қаппайтириб кўчалардан бошқаларнинг ҳавасини ва ҳасадини келтириб керилиб ўтишни орзу қиларди.

Эри эрталаб бир даста калитларни олиб, бир ҳафтадан буён очилмаётган омборга қараб кетди. У ердан асабийлашиб, хўмрайиб қайтиб келди.

— Ё қулфдан воз кечиш керак, ё эшиқдан, — деди у ўзига-ўзи гапиргандек. — Ҳеч очиб бўлмаяпти, — қулф ёмғирда очиқ қолиб, занглаган. Бирон нарса билан ўраб қўйишга эса сенинг ақлинг кўплик қилган.

У «етмаган» демади, айнан «кўплик қилган» деди. Унинг хунук бўлса ҳам жуда мустаҳкам қулфга ичи ачиётган ва буни яширмай таъна қилаётган эди.

— Қандай қилма, бари бир очилмайди, — дея тўнғиллади у уйнинг орқасига ўтиб кетаркан. — Пулни кўкка созуришни биласизлар фақат. Сизларни ҳамиша биров тергаб туриши керак.

У томорқа тарафда ҳам яна узоқ нималардир деб жавради. Келинчак эрининг бу марта шаҳардан жиззакироқ кайфиятда қайтганини келган куниёқ сезган эди. Балким, шаҳарлик аёл билан оралари совугандир, эҳтимол, бошқа сабаби бордир? Келинчак чин дилдан биринчи сабаб юз беришини истар эди. Шу сабабли эрининг овга бориб, қуруқ қайтган овчидай бузилиб қайтиши ёзнинг бошларида келинчакларнинг маслаҳати билан хамиртуришга игна қадаб ташлаганининг каромати дея ўйларди. У муштдай хамирга игна қадаб сувга оқизиб юборганди. У эрининг шаҳарлик аёлдан кўнгли совишини, уни ёшлигиданоқ сифинишга, гуноҳлари учун тавба қилишга ва бошига қулфат тушганда мадад сўрашга ўргатишган, ўша сирли ва ҳеч қачон қиёфасини тасаввур қилолмаган хилқатдан ёлвориб сўрар, ҳар бир нарсадан илинж, чора, мадад излар, ҳамма иримларга қаттиқ риоя қилар эди.

Қачонлардир келинчак ғалати туш кўрганди ва эри ёнида ётган пайтлари негадир ўша тушни кўп эсларди. Тушида эри худди қайсидир бир кинода кўрган-

дек бағоят сулуw ва ловуллаб турган қип-қизил, ҳарир кўйлак кийган аёл билан кенг лолазорда бир-бирига жилмайиб тикилганча кетиб боришарди. Эри аёлнинг елкасидан оҳиста қучиб олган эди: унинг юзида маҳрамона ифода порлаб турар, аёлни кулдириш учун нимадир гапирар ва олдин ўзи хохолаб кулар эди. Аёл эса эрига қараганда фироғи баланд, кибрли ва келинчакка чиройли юзи бир оз совуқ бўлиб туюлганди. Улар қўлларида бир даста лолани силкитганча гулбарглари тўкилаётгандан беҳабар, ўзаро суҳбатлашиб, узоқда кўринаётган қир томон кетиб боришар, уларнинг изидан учиб тушаётган гулчамбарларни териб ёшгина бир қизча ҳам борарди. Қизча жуда ёш, озғин ва пучуқ эди. Қизча улар тўккан гулчамбарларни битта кўймай териб олар, эри эса сўлиб қолган лолаларни аёлнинг қўлидан олиб, изига қарамасдан боши узра орқага улоқтирар ва аёлга янги лола узиб бериш учун дамодам эгилар эди. Улар пучуқ қизчага деяри эътибор ҳам беришмасди. Келинчак аёлни қип-қизил лолалар ичига секин ўтирғизганда ва сўнг лолалар ичида улар кўринмай қолиб, аёлнинг қип-қизил кўйлаги лолазорда ҳилпираб учиб кетганда ҳамиша димиқиб ва хўрлиги келиб уйғониб кетарди. Қизча эса аёлнинг кўйлагини тутиб келаман деб шамолнинг изидан югурарди, гоҳида қизча аёл ётган жойга қўрқаписа мўралаб қарар ва кўнгли рашқдан азобланиб хўнграб юборарди. Келинчак ногаҳон пучуқ қизчанинг ўзи эканлигини англаб қолар, хўл бўлиб кетган ёстиқни қучоқлаганича уйғониб кетарди.

Келинчак эри аёлнинг алвон ҳарир кўйлагини қўлида узоқ айлантриб отиб юборганини, сўнг эри билан аёл қизғалдоқлар орасига сингиб кетганини, қизчанинг эса шамол олиб қочаётган алвон кўйлакни тутаман деб, югуриб бораётиб йиқилиб тушганини кўриб турар эди, назарида кимдир қизчанинг юзини оҳиста эркалаётгандек бўлди. Сўнг кимнингдир бадбўй иссиқ нафаси юзига урилди ва юзида нам сезди. Келинчак уйқу аралаш секин жилмайиб қўйди. Ўзини қучаётган, эркалаётган, сўнг ўзига билинтирмай ечинтираётган қўллар эриники эканлигини сезмаслик, ўзини билмасликка олиш учун ғафлат уйқусида қотгандек ғингишиб қўйди ва туш аралаш йиқилиб тушган қизчанинг

Ўрнидан тураман деб туролмаётганини, қандайдир оғир куч устидан босиб турганини элас-элас илғар эди. Сўнг кизни ҳам назарида ечинтиришаётгандек бўлди: келинчак уйқу аралаш ўзини ечинтираётган қўлларни секин ушлаб, ноз қилаётгандек сўлгин жилмайди ва ногаҳон қўлларнинг эриникидай юмшоқ, ингичка, силиқ эмас, дағал, яра-чақа босган катта эканлигини сезиб қолди-да, юзига кимдир бир коса муздек сув сеппиб юборгандай, сесканиб кўзини очди. Аввал тепа-сида чарақлаб турган қуёшдан кўзлари қамашиб кетди ва ўзининг қаерда ётганини, атрофини ғўза ўрмони ўраб олганини тўсатдан англаб қолди. Кўзларини тик қуёшдан пана қилиб ирғиб турди-ю, қандайдир бир зарб билан яна жойига ётиб қолди ва ўзининг ярим ечинтирилганини, таниш тракторчи ўзини қайта ётқи-зиш учун зўр бериб елкасидан босаётганини, ёввойи айғирдай пишнаётганини кўриб қолди ва кўрқиб кетди: иккала оёғи билан тракторчининг оғзи ва бурни аралаш тепиб юборди. Тракторчи «их» деди-да, қўлларини қўйиб юбормади, унинг уйғонганини кўриб жон-жаҳди билан қўпол ҳаракат қила бошлади. У бурнидан оқаётган қон келинчакнинг очилиб қолган сонига тушаётганини сезмасди ҳам: келинчак ўз шаънини зўр бериб ҳимоя қилар эди. Кийим бошию бутун вужудидан бадбўй дори ва керосин ҳиди келаётган тракторчи эса уни охиригача ечинтиришга уринар эди. Аёл чайир ва чаққон эди. Тракторчи кучли ва найнов эди. Ўзларини кўмиб турган ғўзалар ҳам уларнинг ўзаро жангини томоша қилаётгандек нафас чиқармай қотиб қолганди: узоқдаги шийпондан аёлларнинг тушлик овқат устидаги қувноқ кулгулари токи улар олишаётган қартагача ёпирилиб кирар, лекин улар бу кулгуларга эътибор бермас, ҳар бири ўз мақсади учун ёниб тиришиб курашар эди. Эркак кучини беҳуда ишлатиб чарчаб қолгач, бирдан умидсиз ва тажанг оҳангда шивирлаб, хушомад қила бошлади:

— Ахир эрингнинг шаҳарда аёли борлигини ҳамма билади-ку?

Келинчак унинг гапидан сесканиб тушди, номус ва аламдан ларзага келди, бирдан қўлидаги қилични биров уриб туширгандай бемажол бўлиб қолди. Худди хазина яширинган ёрнинг тилсимли жумласидай бу

жумлага унинг барча мудофаа аъзолари бирин-кетин асир туша бошлади: у эркакнинг қўлларига ортиқ қаршилиқ қилмай, гўё яшашдан энди умид узгандай, ўзининг ихтиёрини унга топширганини билдиргандай кафти билан юзини тўсиб, хўнграб йиғлаб юборди. У тракторчига ёқар эди. Иккаласига икки хил қисмат, йўл, пешона ва юлдуз берган тақдирга гоҳ-гоҳида енгил, оғзининг қулфи-калити йўқ, хунук хотинининг етмиш яшар кампирникидай маза-матрасиз жаврашларидан, инжиқликларидан тўйиб кетган пайтларида хўрсиниб-хўрсиниб лаънат ўқирди. У хўрланган, алданган ва ҳали ўн гулдан бир гули очилмай бахтсизликка маҳкум этилган, бир пайтлар ўзининг хаёлидан кетмайдиган қизнинг — келинчакнинг умидсизлик билан ўксиниб йиғлаб ётишига қараб туриб, вужудидаги жунбуш секин сўна бошлади: у келинчакнинг тақдири ўзиникидан ҳам аянчлироқ эканлигини англаб турарди, унга ачингиси, ёрдам бергиси, эркалагиси келарди. Бирок, келинчакнинг бутун далани тўлдирган йиғисига қулоқ солиб туриб, ўзининг келинчакнинг дарду аламига ёт, бегона эканлигини, бу сирли ва азобли қалбни ҳеч қачон тушунолмаслигини, ўзининг эркаловчи ҳар бир сўзи унинг бахтиқаролигини тасдиқловчи санодай бўлиб жаранглашини сезди.

Келинчак токи бош оғриб вужуди бўшашиб қолгунча тракторчининг асов эқтирос билан ўзини кесакка қўшиб эзгилаб ташлашини кутиб, ингичка товуш билан аразлаган ва хўрланган алфозда йиғлаб ётди. Сўнг боши оғригач, йиғидан тўхтаб, бир нафас ён-атрофга ғамбода ва ҳайрона кўз югуртирди: ёнида энди ҳеч ким йўқ, эгатлар ичига жосусдай шарпасиз енгил шабада ўрмалаб кирган, қуёш эса унинг оёқлари учига ўтиб, худди ўз аксини кўрмоқчидай эгатни тўлдириб оқаётган жилғадек тўлғониб ётган, муқаррар ҳодисани кута-кута чарчаган оппоқ сонларини ва кичкина қоринчасини берилиб, завқ билан томоша қилар эди.

Эри ҳали қайтмаган, қайнонаси нариги уйда ухлаб қолган бир кечаси келинчак ётоққа ўғридай сирғалиб кирди ва эшикни маҳкам занжирлади. Ойна олдига келгач, қошу кўзини синчиклаб кузата бошлади. Назарида ўзига ўзи бип-бинойи, ҳар қандай аёлдан гўзал-

роқ кўриниб кетди. У шаҳарлик аёлда бор хислатларнинг ҳаммаси ўзида ҳам борлигини англади. У секин кўйлагини ечиб, ўзини ойнага солди: ногаҳон кўзгудан ўзига тикилиб турган қип-ялонғоч, хурдай парини кўриб қолиб уялиб кетди ва ердан кўйлагини олиб, секин кўкракларини тўсди: сўнг орқа ўтириб, ён томондан қараб, ўзининг силлиқ ва сўлим қоматига ўзи маҳлиё бўлиб қолди; кўйлакни яна қайта ерга ташлаб энди ҳеч нарсадан сесканмай муштдай кўкракларини оҳиста ушлаб кўрди: кўкраклар уясидан бошини чиқариб турган мурғак мусичалардай, дафъатан ялонғочликдан жунбушга келиб безовта титраб турар эди. Кўкраклари ҳам, қоринчаси ҳам, улкан қоядан тўкилаётган шаршарадек селкилаб турган қалин, тарамтарам сочлари ҳам ҳеч қандай аёлникидан қолишмай-дигандек эди. Келинчак эрининг шаҳарлик аёлдан ўзида йўқ яна нима топганига ҳайрон бўлди, шаҳарлик аёлнинг ўзидан ҳеч қандай ортиқча оҳанрабо ери йўқдай эди. Ҳатто ўзининг сийналари у аёлникига қараганда дуркунроқ эди. Келинчак кийиниб бўлгач, болалигидан қолган одати бўйича бу ўлик чиққандай ҳувиллаган уйдан, бу зуғумли дунёдан қайларгадир учиб чиқиб кетмоқчидек, қўлларини қанотдай ёзиб, силкиб-силкиб кўйди. Унинг худди қушдай учгиси келарди. Учиб-учиб ўзи қизлик пайтлари хаёлида яратган оппоқ эртаксимон дунёга бориб қолишни, у ерда маликалардай бахтли ва осойишта кун кечиришини, бири-биридан гўзал, мард, паҳлавон шаҳзодалар туғиб беришни орзу қиларди. Бу хаёлий, лекин унинг учун ягона таскинли дунё эди. Бироқ у учиб кетиш учун қанотларини силкитган сайин, тобора кўпроқ бу сокин ва хиёнаткор ҳаётга қоришиб борарди.

У қозоннинг тагини узоқ пуфлади. Тутундан кўзлари ачишиб кетди: кўз олди шуълаланиб милklarига ёш қалқиб чиқди. У қорақуя теккан бармоқларига эътибор ҳам бермай, кўзларини уқалади, пешонасига тушган сочни бир чеккасига танғиб кўйди. Сўнг гугурт олиш учун уйга кирди. Эри қандайдир журнал варақларди. У худди ўз умрини варақлаётгандай, журнални имиллаб-эринчоқлик ва ҳафсаласизлик билан варақларди. Эркак унга бир қаради-ю, кўзларида ўт порлаб кетди ва зарда аралаш тағдор қилиб жилмайди.

— Пешонангни қора қилиб қўйибсан, — деди ним табассум билан, сўнг ўзининг сўз ўйинидан ўзи завқланиб ёйилиб жилмайди ва нимадир эсига тушиб юзига бирдан қаҳр югурди. — Нима бунча ивирсиқ бўлмасанг, бирон нарсани эплолмайсан, доимо шу — ишқирт кир-чирга ўралашиб, бева хотиндай шалвираб юрасан. Бундай ўзингга қарасанг бўлмайдимми?

Келинчак эрининг гап оҳангидаги таҳқирни сезиб, кўксида нимадир сингандай қулоғи шанғиллаб кетди. Сочиқ билан пешонасидаги бармоқ изларини артди-ю, бўғзидаги ранжу аламни ютиш учун секин ўчоқ бошига қайтиб чиқди. Эрининг дағаллигидан хўрлиги келиб ўчоққа, лопиллаб ёнаётган оловга фаромуш тикилди. Олов ўчоқда эмас, ўзининг кўксида ёнаётгандай ва бу қоп-қора, ишлатилавериб хароба бўлиб қолган ўчоқ эмас, ўзининг юрагидай оловга мафтун бўлиб тикилиб турди: орқасидан қайнонасининг вазмин қадам товушларини эшитиб, ўрnidан ирғиб турди-да, қайларгадир учингга чоғланган хаёлларини пиёзга қўпиб қозонга ташлади ва шошилиб қовура бошлади. У шундагина кўп йиллардан бери ўзининг хаёллари қозон устида пиёзга қўшиб қовурилганини, аввал ўтай укалари ва меҳмонлар, энди эса эри ва қайнонаси ўзининг бу зерикарли ҳамда серкулфат турмушдан халос бўлиш учун озода қуш каби эрк ва ҳурлик истаб юксак-юксакларга учиб жўнайдиган, бироқ охир-оқибатда яна барибир қозонга келиб тикиладиган хаёлларини еб қўйишганини дафъатан англаб қолди.

Ёзнинг охирларида эри уни ўзи ишлайдиган, иморатлар пала-партиш, ҳам тартибли қурилган катта шаҳарга олиб борди. Келинчак шундагина эри ўзи билан юрганидан жуда ҳам хижолат бўлаётганини сезиб қолди. Эри танишлари учраганда қизариб-бўзариб кетар ва унга зарда билан қараб-қараб кўярди. Улар қандайдир бинога кириб навбатта туришди.

Уларни худди ички дунёларини ўқиб олишмоқчидек, турли асбоблар билан обдон текширишди. Сўнг эртасига яна боришди. Яна текширишди. Оқ халатли нўғай аёл эрига нималарнидир узоқ тушунтирди. Эри унинг олдидан юзи қизариб, умидсиз қиёфада чиқди. Токи уйга қайтиб келгунларича чурқ этмади. Келин-

чак эрининг юзидаги ва кўнглидаги ўзига аталган сўнги тор ҳам энди буткул узилганини сезди.

Шу кечаси келинчак биринчи марта эрининг олдида ўзини тута олмади. Ноҳақ хўрлангандек узоқ йиғлади. Унинг йиғиси тўхтаб-тўхтаб учаётган бесаранжом кўнғиздек, бутун уйни тўлдирди. Ёзнинг чанги ўрнашиб қолган дераза тирқишларидан ҳовлига ўрмалаб чиқди: у ўксиб-ўксиб, ноз билан, ишва билан, дилбарлик ва араз билан йиғлади: эри эса уни овутгиси ҳам келмай шифтга тикилганча нималарнидир ўйлаб ётди.

— Энди фойдаси йўқ, — деди у кимга гапирганини ўзи ҳам билмай. — Ахир бир умр шундай ўтолмай-миз-ку?

Келинчак кўксидаги эрига нисбатан шу вақтгача асраб юрган эҳтиром пиёласи жаранглаб синганини эшитди ва оғриқни ҳам билмай, алам ва умидсизлик билан бармоқларини тишлаб ташлади.

Келинчакнинг китоб ўқишга на вақти, на қунти бор эди. У бир варақ китоб ўқиса, уйқуси келар, шу сабабли китоб ўқигандан кашта тўқиган афзалроқ эди. Бироқ у гоҳ-гоҳида, туш пайти, шийпонда дам олиб ўтиришганида, шунчаки эрмак учун аёллар журналини ўқиб турар эди ва у қачонлардир эри синглиси билан ўйнашиб юрганидан номусга чидай олмай, ўзини ўлдирган аёл ҳақидаги қандайдир мақолани ўқиган эди. Эрининг шаҳарлик ўйнаши ҳақида ўйлар экан, бу воқеа бот-бот эсига тушарди. Шунда ўзининг синглиси йўқлигидан, гарчи синглиси бўлган тақдирда ҳам эри бундай пасткашлик қилмаслигини билса ҳам, ўзини дунёга келтирар-келтирмас ўлиб кетган онасининг ягона қизи эканлигини эслаб, ич-ичидан хурсанд бўлиб кетарди. Гоҳида эса ўтай онасининг ёшлигида «Илоё, бахти қаро бўл, илоё қирчилама ёшингда қайрил, илоё бахтинг очилмасдан бева қол», деб ер муштлаган қарғишларини эслар экан, мени қарғиш урмадимикан деган ўйдан ваҳимага тушарди. Балким уни бахти қаро қилган — онасидир? Чўлоқ, уқувсиз ўтай онаси ўзининг қўлидан бир иш келмагач хаёлпараст ўтай қизини бутун қишлоқ эшитадиган қилиб қарғаб юрарди, унинг хотирасида болаликдан бирон нарса эсида қолмаганди; эсида қолганлари уни уззуқун таъқиб этиб

юрадиган қарғишлар эди. У бу қарғишлардан, катталарнинг сассиқ ва қўланса дунёсидан қочиб, ўзини нима ҳимоя қилса, ўша ерга бекинарди: бироқ худди ялмоғизнинг супургисидай қарғиш уни гоҳ молхонадан, гоҳ сомонхонадан, гоҳ улоқлар орасида писиб ўтирган жойидан топиб олар ва бўйнидан ушлаб, қипқизил тили бутун қишлоқ устида чархпалақдай айланаётган маймоқ онасининг олдига етаклаб чиқарди. Баъзан эса бола қалби билан у ўтай онасининг эртакларда айтилгандек унчалик жоҳил эмаслигини, эркалашни билмагани туфайли ҳам эркалаш, ҳам етимлигини билдирмаслик учун ўзини қарғашини англаб қоларди. У болалик дунёсидан катталар дунёси томон деярли сакраб ўтган эди. Энди кўзини очишга, ақлини йиғиб олишга ҳам имкон бермай бошига тош каби ёғилаётган маломатлардан, хўрликлардан ўша болаликнинг хилват бурчакларига, — қарғишларининг зич ва куюқ ўрмонига ўзини яширар эди.

Келинчак қандайдир журнал варақлай туриб қошу кўзи тимқора, қўғирчоқдай ораланган, сочлари ёйилган, тунгги камзулдаги аёлнинг суратига кўзи тушганди. Аёлнинг сочлари елкаси оша, салгина бўртиб турган кўкраклари оша тўкилиб турарди. Сурат остида аёлларнинг ораста бўлиш, эркалар кечаси аёлларнинг сочларини ёйиб, эркалаб ётишга мойил бўлишлари, аёлларнинг ҳамиша ёқимли, ёш, ҳамда сўлим бўлиб қолишлари учун нималарга эътибор беришлари тўғрисида каттагина мақола бор эди. Келинчак мақоладаги кўпгина сўзларга тушунмаса ҳам қизиқиб ўқиб чиқди. У суратдаги аёлнинг тиниқ ва гўзал чехрасига ҳавас билан тикилиб турар экан, шаҳарлик аёлларнинг ҳаммаси мана шундай бўлса керак дея ўйлади.

Эри ҳали меҳмондорчиликдан қайтмаган эди. У тошойна олдига ўтириб олиб, сочларини ёйиб таради, сўнг кўзига қора сурма сурди. Лабини беўхшов қилиб бўяди, кўкрагини ярим очиқ қолдириб, камзулининг ёқасини қайтариб қўйди: юзига билинар-билимас упалик сурди: қорамтир, буғдойранг юзида пардоз олабула бўлиб қолса ҳам унчалик эътибор бермади ва журналда ёзилганидек, бўйнига, лабларига, сочига атир сепиб, икки кишилик тўшакнинг бир четига ўтириб, эрини маҳтал бўлиб кута бошлади.

Эри алламаҳалда қайтди. Чироқни ҳам ёкмай ечинди. Келинчак кўзидаги ёшларни артиб, уйғоқ эканлигини билдириш учун секин хўрсиниб қўйди. Бироқ эри ўрнига чўзилди-ю унга тескари ўгирилиб олди. Келинчак узоқ жим ётди. Сўнг эрининг ҳали ухламаганини билгач, елкасига секин бош қўйди. Эри унга ҳайрон бўлиб тикилди-да, ўгирилиб ётди ва истамайгина сочларини силай бошлади. Келинчак эрининг кўкрагига бош қўйди. Эри унинг юзини ҳовучига олиб шаштини қайтармаслик учун секинлик билан лаб босди.

— Бу нимаси, — келинчакни силтаб ташлади у тўсатдан, ифлос нарсани тишлаб олгандек, бир четта туфлар экан, ёнидаги тун чироғини узалиб ёқди ва хотинини ғазаб билан кўздан кечира бошлади.

— Бу нимаси, — деди у яна, — нима бу? Худди кўча аёлларига ўхшаб бўяниб олибсан?

Келинчак юзига тарсаки тортиб юборгандай, бир зум серрайиб, эрига чўчинқираб тикилиб турди-да, югуриб ташқарига чиқиб кетди: у сўнгра товоқда турган сувга апил-тапил юзини чайди, сўрининг бир четига ўтириб чорпоя теграсига суянганча пиқиллаб йиғлаб юборди. У онаси ноҳақ урган қизчадек узоқ йиғлади, йиғлаб-йиғлаб боши оғригач, гарангсиб ўрнидан турди, секин эшикни оча туриб ўзига ҳайрон бўлиб қараб турган ҳилолни кўрди, туннинг эркаловчи қўшиғидай жилдираётган ариқчадаги сувнинг маҳзун навосини эшитди; оёқлари остида тўшалиб ётган бепоён тун, миллионларча юлдузлар, минглаб чигирткаларнинг чирилдоқлари, қурбақаларнинг масхараомуз нағмалари, итларнинг безовта ҳуришлари, шовуллаётган дарахтлар ва сокин ухлаб ётган уйлар орасида ўзининг ёлғиз эканлигини дафъатан ҳис қилди. У бу туйғуни ичкарига киритмоқчи эмасдай, югуриб кириб, эшикни занжирлаб олди.

Эри хотиржам ухлаб ётар эди. Келинчак унинг андак солқи юзларига узоқ тикилиб турди. Эрининг лашкарлар қўриқлаб турган қароргоҳда бамайлихотир пинакка кетган шохдек ухлаб ётиши унга эриш туюлди — эрининг сокин уйқусига ҳаваси келди. Бир йил муқаддам эри ўзини мана шу бахтиёрлик ва осойишталик қароргоҳидан бир умрга ҳайдаб чиқаргани-

ни англади, эри билан ўзи бошқа-бошқа дунёнинг одамларидай туюлиб кетди. У тўшақда шифтга ҳолсизгина тикилиб ётар экан, ташқарида қолдириб, ўзи қочиб кирган ёлғизлик туйғусининг эшиқдан сирғалиб кириб ўзлари ётган тўшакни, худди ўзининг келинчак пайтидагидек иффат, ҳаё билан тебраниб турган дарпардани, эри билан ўтган осойишта кунлар ва қизлик дунёсининг ҳиди келиб турган ёстиқларни, эрининг хушнуд ва бахтиёр чехрасини, ўзининг яқингинада синиб битган бахтли лаҳзалари яширинган чиройли кўзларини ва бутун уйни қийналмасдан забт этганини ҳис этди ва кўм-кўк осмон қўйнида улоқиб учиб юрган қузғундек олдинги осойишта ҳаётидан узилиб энди ўзи ҳам қаёққадир, манзилсиз томонларга учиб жунганини сизди. Ва умрида биринчи марта ўлим ҳақида ўйлади. Шу кеча тушида ҳам ўзининг жизғанақ бўлиб ётган саҳро узра бепоён осмонда ёлғиз учиб бораётганини, учиб бораётганини, учиб бораётганини кўрди.

Келинчак айвон ойнасидан эрининг омборнинг калитини бураб, аччиқланган қиёфада қулфни силтаб ташлашини кузатиб турар экан, негадир у омборда ўзининг шу кунлардаги гумонлари, шубҳалари, аламлари, қалбини тобора эгаллаб бораётган, эрига нисбатан ишончсизлиги ва топталган орзулари солиб қўйилгандай қулфнинг очилишини сира ҳам истамай қолди. У эрининг ўзини тушунадиган пайтлардан энди жуда йироқлашиб кетганига шубҳа қилмади.

У энди ҳар куни туни билан йиғлаб чиқар, кўзёшлари унинг кўнглидаги ишонч, садоқат ва муҳаббатни секин ювиб борарди. Гумон, шубҳа, ранжу аламлар оқими эса уни номсиз томонларга оқизиб кетмоқда эди.

Эрининг феъли кундан-кунга айниб борарди. Келинчак энди эрининг ўзидан буткул совиб кетганлигини англади. Келинчакнинг кўнглида рашк ҳам, қизганиш ҳам йўқолган, аксинча, эрининг хатти-ҳаракатларидан ваши келарди. Эри ҳам унга таъна билан тикилиб-тикилиб қўяр, худди дарёнинг тубидан бир кўриниб ўтган ва тангачалари қуёшда ялтираб кетган кичкина балиқдай унинг тунд юзига гоҳида қандайдир сирли ифодалар у ёновидан бу ёновига билинарбилимас югуриб ўтарди. Эри кейинги пайтларда ша-

харда ҳафталаб қолиб кетарди. Келинчак сўрамаса ҳам иш кўпайиб ётиб қолишга тўғри келаяпти, деб қўярди. Баъзан ҳар куни келиб турар, у эрининг ўзига нимадир демоқчи бўлиб, айтолмай кетаётганини сезарди. Шу билан бирга эри нима демоқчилигини ҳам билар, гарчи энди йўлини йўқотган йўловчидай қаёққа юришини билмай ора йўлда қотиб турган бўлса ҳам ўзини эрининг у сўзларини эшитишга, масалани у ёққа ёки бу ёққа буришга тайёр деб сезмас, буни тирик туриб эътироф этгиси келмас эди.

— Тезроқ берақол, — деди эркак унга зарда билан тикилар экан.

Келинчак қўлидаги икки жуфт қатламани узатар экан, гўё эрига ўзининг сўнгги қувончлари ва шодликларини узатаётгандай бўлди. Бир пайтлар ўзининг бахтини олиб бориб топширгандай эрининг бу патирларни ҳам ўша шаҳарлик аёлга олиб бориб топширишини ич-ичидан ҳис қилди: ким билади, аёл унинг қанчадан-қанча патирларини еганикин. Эрининг ўзини кўпроқ яхши кўриши, қишлоқни унутиши учун патир қилган қўлларни атайлаб қилиб мақтагандир: эри эса ўзига ойда ҳам бир марта раво кўрмайдиган ширин сўзларини унга сахийлик билан, юзи-кўзи, сочи, лаблари, қомаги ва бутун уйи тўлгунча айтавергандир.

У эрининг кейинги пайтларда ифлос бўлган лабларини қандайдир кераксиз латтага артгандай хуморсиз, истамайгина ўпишларини эслади; у тўсатдан бир неча ойдан бери шаҳарча ўпинчлардан, турли хил мушканбарлардан, упаю бўёқлардан, номаълум гўзал аёлга қилинган ялтоқона хушомадлардан ифлос бўлган исқирт лабларни артиш учун ўзи билиб, кўриб туриб латта бўлиб хизмат қилганини англаб қолди ва бутун баданини жирканч, шилимшиқ нарса қошлаб олгандай, ҳаром билан харишнинг фарқига бормайдиган аёлга айланиб қолгандай ҳис этди ўзини. Келинчак кўксига йиғини босиш учун филт этиб ютинди, эрига ўзини хурсанд кўрсатиб кузатди.

Қайнонасини қўшнисиникига жўнатгач, у уйига кириб ичидан бекитиб олди. Тўй куни кийган оппоқ кўйлагини кийди, сўнг ўзига атир сепади ва кишини абадий бахтиёр қиладиган ва қайсидир китобда шундай деб ўқиган, қовозга ўроғлиқ оғуни стаканга солди

ва чойнакни сирқитиб қуйди. Худди узоқ сафарга отланаётгандай, бир зум тек қотди: стаканга бир нафас даҳшат ва ваҳима билан тикилиб турди: сўнг кўзларини чирт юмди-да, стаканни бир кўтаришда ичиб юборди. У бўғзини, сўнг кўксини куйдириб ўтган ўтдан ҳолсизланиб борар экан, парчаланиб кетаётган гирашира онгида шаҳарлик аёлнинг кибрли чехраси ва унга тинмай лола териб бераётган эрининг маҳрамона турқини кўз олдига келтирди ва улар ўглоқ ичига секин чўзилишар экан, келинчак бу манзарани ортиқ кўрмаслик учун мажолсиз қўлларини қанотдай силкитиб, ердан оҳиста кўтарила бошлади ва гарчи энди бутун танаси ҳаракатдан тўхтаб бошлаган бўлса ҳам, ўлжасига шиддат билан отилган қарчиғайдай охириги кучларини йиғиб, тез-тез қанот қоқа бошлади ва ўзини ҳарир, камалак нусха, чимилдиқ янглиғ шоҳи пардалар ичидан учиб ўтганини ҳис этди — сўнг эса қизлик пайтлари орзу қилган ва бу илтифотсиз оламдан бир умр излаб ўтган бахтга ўхшайдиган жилвадор, хаёлий ва алланечук оппоқ дунёга сингиб бораётганини, сингиб бораётганини, сингиб бораётганини элас-элас илғаб қолди.

А Ж Р

«...Сен қўшиқ айт, Зубайда, ёниб-ёниб қўшиқ айт — ўзинг кўрмаган бу дунёнинг ранглари ҳақида, офтоб нури, булоқ суви, дарахт гуллари, чечаклар ва қизғалдоқлар ҳақида қўшиқ айт; сен йиғлаб-йиелаб хиргойи қил-у, бу қўшиқ мени мана шу тўқайдаги қоқи гулига, ҳечқурса ёвшонлардан бирига айлантирсин, мен сени кўриш ва мудом бирга бўлиш учун токи шу юлғунзорда қолиб кетай, сенинг оёқларинг тагига қовжираб тўкилай, майли, ғуборга айланиб сочларингга қўнай, фақат сенинг бўйнингдан уфураётган гул ҳидини ҳидлаб турсам бўлди, сенинг бахту муҳаббат истаб титраб турган кўкракларингга боқиб турсам бўлди...

Мен сени овута олмайман, Зубайда. Сени қушлар чуғури, қандай очилишини сен ҳали кўрмаган гуллар, сенинг шивирларинг каби ер юзига бодраб чиққан майсалар, сочларингни соғинган шабадалар, жимир-жимир ёғаётган ёмғир, тонгги шафақ овутсин...

О, нафақат сен, назаримда яратган ҳам унутиб қўйган бу тўқайга қуёшнинг бир парчаси синиб тушган, йўқ, йўқ, сени парвардигор юлдузлар ичидан топиб олган. Сенинг оғушинг офтобнинг ётоғига ўхшайди, баданингдан беҳишт ялпизининг бўйи келади, кўкрагингдан олма ҳиди анқиб туради...

Мен сенинг кўзларингга термулиб-термулиб ўтиргим келади, сенинг кўзларингдаги кўлга чўкким келади. Сен бу зулмат дунёда сакраб-сакраб ўйнаб юрган нурсан, бу тубанлик шоми чўккан дунёнинг бағрига тушиб турган ёғдусан. Ҳали бу мудҳиш дунёга қувилмасдан олдин, чечаклар гул-гул очилган ва дарахту кўкатларга, ҳашароту ҳайвонларга ҳали исм қўйилмасдан бурун, ҳали ўлим ва ҳаётни касб қилиб олмасларидан олдин одамзоднинг фаришта бўлгани тўғрисида фалакнинг бир туйқус иқрорисан сен... Сен жамики тириклик ўлатдан қирилиб кетган, жамики ўсимлик қувраб-қовжираб қолган, қип-қизил бўлиб жизғанаги чиқиб ётган саҳрода, қарғиш теккан бу биёбонда очилган бир тўп нафармон гулсан.

Кўзларингда фаришталар чўмилган қора туннинг бир парчаси қолиб кетган, йўқ-йўқ, сенга шайдо бўлганларни ҳибс этиш учун фалак сенинг кўзларингда зиндон қурган. Лаънатга йўлиққан биёбондагиларни огоҳ этиш учун эса сенинг кўкракларингда бу дунёга бир жуфт машҳар қўнғироғини жўнатган, неларга қодирлигингни кўрсинлар деб, сени — беҳишт гулини қабр устига қўйгандек бу олам остонасига ташлаб қўйган, йўқ, йўқ, борлиқ сенинг қаршингда чала туғилган гўдақдай хунук бўлиб қолишини билган фалак бу аянч дунёни кўрмасин дея сенинг кўзларингни боғлаб қўйган...»

...Атрофга сиёҳранг тун чўккан эди. Йўл дала узра олтин қалавадек чўзилган — ҳаво дим ва теварак жизғанак бўлиб куйиб ётарди, юлдузлар липиллай-липиллай сўнардилар — ҳаводан куйинди ҳиди келар ва қоқ ўртасидан ёлғизоёқ йўл кесиби ўтган дала тутаб ётарди. Йўлда ялангоёқ кетаётган барваста гавдали одам тутуннинг аччиғидан ўпкаси узилаётгандек тез-тез ва пўк-пўк йўталарди. Унинг эғнида жуда оҳорли камзул осилиб турар, кўйлагининг зарҳал тугмалари сўнаёт-

ган юлдуз шуъласида ярқиллаб кетарди. Унинг елкасида патак соқолли, беқасам чопон кийган, жиккакки-на чол оёқларини осилтириб ўтирарди.

Кеч тушганига анча бўлганига қарамай, тупроқ ис-сиқ эди, барваста одам ҳансираб-ҳансираб, зўрға ке-тиб борарди.

— Эсингдами, — дерди чол ўғлининг ҳарсиллаб қолганига юраги ачишаётгандек ва атрофдаги мудҳиш сукунатдан чўчиётгандек шивирлаб, — ўн йилча олдин шу йўлни туш кўрган эдинг. Айнан шу йўлни. Ўша тушни сен билан бир кечада мен ҳам кўрган эдим — ахир қонимиз бир-да! Ўшандаёқ сенга раҳмим келган эди, ҳам бағрим манави даладай тутаб кетганди! Ана-ви тепалик ҳам кирган эди, эсингдами, ўзинг ҳам бир ҳафтагача ўша тушни эслаб, хуфтон бўлиб юргандинг. Ҳар қалай шу тушингни сотиб емагандирсан? Ё, уни ҳам бирон нарсага алмаштириб юбордингми? Йўл, дала, тутун, ўкириклар, йиғи-сиғи — эсингдами?

— Эсимда, — хириллади ўғил, — ҳаммаси эсимда.

— Ўшанда мен ҳам бир неча кун ухлай олмаган эдим, бу йўлдан қандай ўтаркансан, деб. У туш эмас, ёздиғ эди. Ўша кечасиёқ сенинг пешонангга ёзиб қўйилганди. Мен шундан қўрққан эдим. Сен ахир у пайтлари пешонангга ёзилгани шу деса кулар эдинг-да. Сизлар бу дунёдаги ҳамма нарсанинг оёғини осмондан қилиб ташладиларинг. Ҳамма нарса муаллақ бўлиб қолди. Қаёққа қарама, ёвуз ниятни кўрасан. Сизлар қилган ва қилаётган ишларни кўриб, одамзод ҳамон яшаб келаётганига ишонмай қоламан. Ахир сизларнинг кўнгилларингизда тирноқча эзгулик қолмаган бўлса, бошқа қандай хаёлга бориш мумкин. Олдинлари одамлар ишонишарди, яхши кунлар келишига, болаларига, кўшнисига, бир-бирига. Сизлар мана шу ишончни ўғирлаб қўйдиларинг. Энди одамлар ҳеч нарсага ишонмайди, ё тавба, ҳатто боласига ҳам. Орият, номус қолмади одамларда. Сизлар уларни иштон кийган ҳайвонга айлантирдиларинг. Қандай иснод! Тўрт кишига бошлиқ бўлиш учун хотинини қўшиб қўйишдан ҳам тоймайди булар. Ҳаммаси сенга ўхшаганларнинг касофати. Ё гапим ёлғонми, а?!

Ўғил индамади — икки-уч марта ич-ичида инграб қўйди. Қаеридир чидаб бўлмас даражада оғриётгандек

кўзларини юмиб очди. Пешонасидан оқиб тушган тердан кўзи ачишарди. Дармони қуриган, йиқилай-йиқилай деб кетиб борарди. Теварак-атрофга қулоқ битиб қоладиган даражада бир неча сонияга сукунат чўқди, гўё тун ҳам, тутаб ётган дала ҳам, гоҳ-гоҳида қайдандир эшитилиб қоладиган бўриникига ўхшаш увиллашлар ҳам ўғилнинг иқрорини эшитиш учун бир зум тин олгандай эди. Ҳар қандай савол ҳам жавобсиз қолмаслигини, эртами-кечми, барибир жавоб топилишини, фақат саволга жавоб бергани, уни ошкора тан олгани одамнинг юзи чидамаслигини, бироқ кўнгилинг бир чеккасида бу саволдан алангаланган жавоб бутун юракни куйдириб туришини чол ҳам, ўғил ҳам сезар, шундай бўлса ҳам ўғил миқ этмас, гўё гапирса йиқилиб тушадигандай ҳансирар ва шип-шип этган говушдан бошқа сас чиқмасди ундан.

Сукунатни яна отанинг товуши бузди.

— Ҳеч нарса деёлмайсан! Қайси юз билан гапирасан?! Сендайлардан туғилмасларингдан олдин воз кечиш керак эди. Лекин, афсус, сизлар туғилдиларинг, униб-ўсдиларинг, сўнг униб-ўсган ерларингга тупурдиларинг, униб-ўстирган одамларни қирғин қилдиларинг. Яна кўкракларингга муштлаб «халқпарвармиз, миллатпарвармиз» деб даъво қилдиларинг.

— Бўлди... — ингради ўғил. — Бўлди, бас... қирқ йилдан бери шу бир гапни такрорлайсиз... Чарчаб кетдим. Бас!

— Мен-чи, мен чарчамадимми? — Чолнинг товуши зорланиб чиқди. — Менга осонми?!

— Ахир қирқ йил бўлди! Қирқ йилдан бери шу саволни такрорлайсиз... қирқ йилдан бери шу гап, шу таъна! Адоғи борми бу йўлнинг?! Мен ҳам одамман ахир...

— Оз қолди. Жуда оз қолди. Елкангдан тушаману мен ўз йўлимга кетаман, сен ўз йўлингга... Бошқа қайтиб кўришмаймиз... Кўришмаганимиз ҳам тузук. Мен ўзим ўстирган теракнинг қандай ёнаётганини кўришни истамайман. Мен ўша, сен билан охирги марта юрган қоя остидаги юрга кетаман, менинг у ерлардан бош олиб кетишим мумкин эмас, менинг қоним тўкилган у ерларга. Ўша қоя эсингдами? Сен мени Бухородаги табибга кўрсатиш учун олиб чиққан эдинг, эсингдами?

— Эсимда! — хириллади ўғил. — Ҳаммаси эсимда! Нега бунча эзасиз?

— Хайрият, — деди чол, — ақалли шунга ҳам шукр. Ҳар қалай ўша кунни сотмабсан, шунга ҳам шукр. Ёки бу хотиранинг — ислиқи бир чолнинг ўлими тўғрисидаги хотиранинг ҳеч кимга кераги бўлмадими? Ёки сотишга, ўзингни ошкор этишга қўрқдингми?! Майли, шунга ҳам шукр, баъзан қўрқоқлик ҳам имонни асраб қолади. Майли, шукр...

Сиёҳранг тун қуюқлашиб борар эди. Тутун кўзни ачиштирар, димоғни куйдирар, ўғил тинмай йўталарди, тевааракка пала-партиш ташланган ялангоёқларнинг бесаранжом саслари тараларди. Ҳаво дим ва бўғиқ, йўл эса бениҳоя эди.

— Сизларнинг катта хатоларинг шуки, Уни таъқиб қилдиларинг. Унга қўшиб, ҳамма нарсани таъқиб қилдиларинг. Аслида ҳамма нарсанинг бошланғичи У эди. Чунки У дунёнинг исми эди, У бу азалий дунёга исм берган, зеб берган уста эди. Дунёни Ундан ажратиб олиб бўлмасди... Сизлар буни тан олмадиларинг...

— Чарчадим, — деди ўғил астагина. — Бунчалик оғир бўлмасангиз? Елкам эзилиб кетди. Оёғимда дармон қолмади.

— Буни мен эмас, сенинг ўзинг истагансан... Ўзинг мени шунга ундадинг. Ўша куни бу менинг хаёлимда ҳам йўқ эди. Сендан ҳатто миннатдор эдим — касал отасини кузатиб бораётган шундай ўғлим бор деб... Бу йўлни сенинг ўзинг танлагансан.

Ўғил ихраб-ихраб кетарди. Унинг пишнаши демаса ҳамон ваҳимали сукунат ҳукм сурарди, фақат атрофда қандайдир сассиз шарпалар айланиб юрар, улар жуда кўп эди, афтидан. Бутун дала бўйлаб югуриб юришар, лекин қадам товушлари эшитилмас, баъзан йўлга яқинроқ бостириб келишар, сўнг ҳансираш ва пишнашни эшитиб орқага чекинишарди.

— Ўшанда мен харсанглар орасидаги ташландиқ форга кириб кетдим, — давом этди чол, — кун совуқ эди, ундан кейин биров менинг шарпамни сезиб қолишдан қўрқардим. Биринчи кунлари жуда зерикдим, атрофда гаплашадиган ҳеч ким йўқ эди; кундузлари тоғма-тоғ сакраб тор эчкиларини қувиб юрардим. Токи

онанг хабар топгунча, мен шу ҳолатда ёлғиз яшадим. Бир куни кечқурун ғорга онанг кириб келди — худо раҳмат қилсин, у жуда яшариб кетган эди, у ҳаммасини кимдандир эшитибди, шу сабабли мендан ҳеч нарса сўрамади, фақат «қоядан нарироқ юрсангиз бўларди-ку, ахир унинг бир куни шундай қилишини билардингизку?» деди. Шўрлик, қанчалик қилмишингдан эзилмасин, сени ногаҳон қарғаб юборишдан қўрқарди; иккаламиз ҳам тилимизни тиярдик, ўша кунни эсламасликка ҳаракат қилардик, агар озгина қарғасак ҳам у дунёю бу дунёнг куйиб кетарди. Онанг ўша кезлари ҳар куни келиб турарди, у ёқларда қаёқдан келяпсан деб сўралмайди, бунга ҳожат йўқ, ҳамма марҳумларнинг борар ва келар жойи битта. Биз ғорда тошга бош қўйганча сенинг қандай туғилганингни, қандай той-той бўлганингни, чўғга қўлингни қандай босиб олганингни эслаб ўтирардик: у ёқларда фақат хотирагина кишига ҳузур беради, бошқа ҳеч нарсанинг мазмуни қолмайди; мен сенга ачинаман, сен ахир бу дунёдаги қилган ишларингни қандай қилиб эслайсан — эслашинг билан арвоҳлар қузғуни бошингга балодай ёпирилади. Сенга ачинаман... сени ҳеч ким аямайди... бир неча кундан сўнг кечаси ғорга қилич-қалқон таққан отлиқ кишилар кириб келишди; улар уч кунгача ғорда қолиб кетишди, негадир ғорда мени кўриб ажабланишмади; улар бу ғорда ҳар хил қўноқларни учратишга одатланиб қолгандилар чоғи, бизнинг тилимизда, сал бураб гапирарди, дубулғачиларнинг бири оқсоқ эди; менинг ғорга келиб қолиш саргузаштимни эшитишгач, сендан жуда ғазабланишди, ҳатто оқсоқроғи ҳозир бориб чопиб ташлайман деб ирғиб турди, лекин мен кўнмадим, ўрлим айбдор эмас, ўзим йиқилиб тушдим деб алдадим. Дубулға кийганлар мен билан уч кунча яшашди. Улар ҳам менга ўхшаб ўз ажали билан ўлмаган эдилар, гапларига қараганда бири жангда, бири суиқасддан, бири касал бўлиб ўлганди. Отлиқлар юз йиллардан бери бир вақтлар ўзлари забт этган мамлакатларни айланиб юришаркан ва ҳар йили қиш тушиши олдидан Чинмочинга юриш уюштиришар ва ҳар доим мағлубиятга учрашаркан. Кейин улар мени ўзлари билан олиб кетмоқчи ҳам бўлишди, бироқ

оқсоғи кўнмади, афтидан, у менга ишонмади. Бир қанча вақт ўтгач, яна юриш уюштириш учун ўзларининг ўликлардан иборат лашкарларини йиғишга жўнаб кетишди. Мен ёрда яна ёлғиз қолдим. Фақат кунора хабар олгани онанг келиб турар, менга сен ҳақингда ва шотирларинг ҳақида ҳикоя қилиб берарди; мен унинг гапларига ҳеч бир ажабланмасдим, шусиз ҳам сенинг қилмишингдан хабардор эдим; ўхў, сен қанчадан-қанча одамларга жабр қилмадинг, қанчадан-қанча бегуноҳларни қамаб ёки отдириб ташламадинг. Сен қилган ҳар бир иш учун мени уларнинг отабоболари қистовга олишарди, мен эса ўша ёқда энди ёвуз ниятининг навбатдаги қурбони ким бўларкан, унинг марҳум қариндошлари кўпмикан деб, юрак ҳовучлаб турардим. Сени қанчадан-қанча арвоҳлар қарғамади. Сен одамларнинг ўзингдан қўрқинини, зир титраб туришини орзу қилардинг, уларнинг ожизлиги ва ночорлиги сенга ҳузур бағишларди. Улар ҳаётда ўз ташвишларидан ҳам муҳим нарсалар борлигини хаёлларига ҳам келтирмасди, сен буни билардинг, билиб туриб қилардинг барча ярамасликларни. Сендан ёвуз одамни бу тоғлар ҳали кўрмаган... туф... Энди ҳам кўрмасин... Сен охиргиси бўл! Сенинг қилаётган ишларингга қараб туриб ҳар доим ўлик сенми ёки менми деб ўйлардим, тани ўлгандан сўнггина одамнинг ўлик ёки тириклиги маълум бўлади. Хомтама бўлма, лекин сен фанода бирор марта ҳам тирикларга хос иш қилганинг йўқ, сен нимаики қилган бўлсанг, ўзим учун қилдинг. Шундай! Ўлим — ман тириклик! Сен ўликлар орасида қайта тирилар экансан, ҳатто оддийгина, «Нима учун яшадим?» деган саволга ҳам жавоб беролмайсан. Сени ҳатто оддий ўликлар ҳам ўз сафларига қўшмайди, сен кум қуюни қоплаб олган саҳрода ёлғиз ўзинг абадий кезиб юрасан, абадий! Бу саҳро ҳеч қачон тугамайди; ойлар, йиллар, авлодлар тугайди, лекин бу саҳро ҳеч қачон тугамайди, ана шунақа. Ҳу, ана, қорайиб кўринаётган ёр — ўша саҳронинг эшиги... Йўлинг сени тўғри ўша ёққа олиб боради. Яқинлашиб ҳам қолдик. Мен сени ўша ергача кузатиб қўяман. Дадил бўл. Ҳеч курса ёрдан ўтаётиб мени уялтирма, шусиз ҳам менинг юзим шувут бўлиб қолган...

— ... Анави қиз ким? Нега тўқайзорда ёлғиз ўзи юрибди? Қадам ташлашлари ҳам бежо.

— Неъмат чўпоннинг тўнғич қизи. Ҳар доим шу тўқайда қўзи боқиб юради.

— Нега қўлини олдинга чўзиб юради?! Кўриниши абгор, нима, эси пастроқми?

— Эси-ку жойида, унда балонинг эси бор. Лекин у бахтиқаро бўлиб туғилган. Ҳамма бало шунда. Бўлма-са бундай сулув қиз бу ўртада топилмайди. Унинг кўзлари басир. Чиппа кўрмайди. Она қорнидан шундай бўлиб тушган. Шунинг учун ҳам қўллари олдига чўзиб юради...

— У ҳеч кимнинг кузатувисиз юрадимми?! Шу ҳолида-я?!

— Э-э, уни ким ҳам кузатиб юрарди. Отасининг бундан бошқа олти қизи бор, ташвиши шусиз ҳам етарли... Бу эса отасига қўзи боқиб беради. У қўзиларни исидан танийди. Қўзилар уни ҳеч қачон ташлаб кетишмайди, шу атрофда ўтлаб юришади. Кеч бўлгач, уйга ўзлари қайтади. Ана шундай у қиз...

Эшикни ямоқ тўн кийган ўрта яшар одам очди. У ичкарига қўрқа-писа назар ташлаб, ўзига қаттиқ тикилиб турган кўзларни ҳис эттач, секин ичкарига кирди. Изидан эшик секин ғичирлаб ёпилди.

— Хўш, нима гап? — деди ичкаридаги овоз.

Тирқишдан сирғалиб кираётган хирагина ой нурида унинг чарм камзули ялтираб кетди. Кирган одам остонадаёқ тиззалаб ўтириб олди. Гап бошлашдан олдин камзулли одамнинг авзоини билмоқчидек, унга зингил солиб қаради. Бироқ шилпиқ кўзлари барваста шарпа устида қалқиб турган хумдай қорадан бошқа ҳеч нарсени кўрмади; унинг назарида ичкаридаги одамнинг на юзи, на кўзи, на лаби бор эди, фақат чуқур ёрда ёқиб қўйилган бир жуфт шамдай иккита кўз ўзига қадалиб турганини ҳис этар ва ўнғайсизларди.

— Нима гап? — деди яна ичкаридаги овоз.

— Мен... мен... — Келган одам қоронғулик қаърига тикилди, лекин бояги шайтоннинг соясидай шарпадан бошқа ҳеч нарсени илғамади, — мен пастки чорбоғда ўт ўраётгандим... бу йил беда эрта қувраб кетди.

— Хўш, гапир...

— Шундай йўлнинг бўйида. Ой ёруғида ҳам ўрақолай деб ҳали уйга кетмагандим.

— Бу ерда нега келдинг? — ўшқирди ичкаридаги овоз. — Сенга бу ерга келма дегандим-ку?!

Остонадаги одам чўчиб тушиб, гапини йўқотиб қўйди, тили оғзига косовдай тикилиб қолди, уни ҳаракатга келтириш учун хийла қийин кечди, бир неча бор қизариш ва қалтирашдан сўнг бўғзидан дафъатан отилиб чиққан товуш ҳеч қандай маъно ифодаламади.

— Шу... шу... ўраётгандим... Кейин бирдан... — Ўзини тутиб олди у охири. — Кейин бирдан ов... овозидан танидим. Йўлда Бегмат полвон билан Ҳасан чўлоқ ўтиб боришаётган экан. Улар эрталаб Кўкабулоққа — Сори Ҳайдарникига таъзияга ўтиб кетишганди, ўз кўзим билан кўргандим. Улар бир-бирига шивирлаб гаплашиб боряпти экан...

— Нимани? Эшитдингми?...

— Ҳа, сизни... сизни, отасини ўлдирган, падаркушлик қилган дейишяпти...

Ичкаридаги одам шуъла тушиб турган деразани айланиб ўтиб, бурчакка бориб келди. Яна аввалги жойига келиб деразага орқа ўтириб туриб олди. Ўртага бир зум сукунат чўқди.

— Тухмат қилма! Занвар!!!

— Тухмат бўлса тош боссин. Ичкаридаги одам бошини қуйи эгиб олди. Орага яна жимлик чўқди. Унинг нафас олиши оғир ва хирилдоқ эди. Бу сукунат нақадар хатарли эканини сезган остонадаги одам безовта бўлиб, қимирлаб қўйди. Ичкаридаги одам унга эътибор бермади, тиззаларига тикилганча узоқ туриб қолди.

— Мулла Хидирникида нима гап? — деди у сўнг мутлақо бошқа оҳангда.

— Пойлаб юрибман. — Остонадаги одам бирдан энгил тортиб жавоб берди. — Сайфул эшон билан Шукур қизил келиб кетди. Лекин нима олиб келганини кўролмадим, ичкарига кириб кетишди.

— Майли, сен энди боравер, лекин бундан буён кела кўрма, керак бўлсанг ўзим олдинга бораман. Мулланикини яхшилаб кузат. Ким, қачон, нима олиб келди, ҳаммасини билиб ол. Агар бирон кори хол бўлса, ўзинг қулоғингни ушлаб кетасан.

Остонадаги одам итоаткорона бош ирғади. Эшикни очар экан, қайрилиб яна ичкарига қаради, яна бар-васта шарпадан бошқа ҳеч нарсани кўрмади. Бу ўзи қандайдир шарпага ўхшайди, — ўйлади ичида у. — Чироқ ёқиб ўтирса нима қиларкин? Ё ёруғлиқдан кўрқармикин.

— Самад ўзинг гуноҳингни бўйнингга ол, шундай қилсанг, жазонг ҳам енгил бўлади.

— Менинг ҳеч қандай гуноҳим йўқ. Ахир буни сенга неча марта айтдим.

— Ўйлаб кўр. Балки эсларсан.

— Ахир ўн кундан бери эслолмадим. Мени бу ерга нима учун олиб келишди, ҳеч билолмаяпман.

— Гуноҳсиз кишини бу ерга олиб келишмайди. Яхшилаб эслаб кўр.

— Йўқ эслолмайман, каллам шишиб кетди. Ё мени отиб ташла, ё қўйиб юбор. Ортиқ бу азобга чидай олмайман. Мени шарманда қилма.

— Буни жиноят қилмасдан олдин ўйлаб кўриш керак эди. Энди кеч. Яхшиси, ўзинг бўйнингга ол. Тавба қилиб келди, деб ёзиб қўямиз.

— Айбим бўлса, шартга айту жазоимни бер. Нега менга азоб берасан?! Ҳар нарса тўғрисида ўйлайвериб адойи тамом бўлдим.

— Шукур қизилникида қўшиқ айтганмидинг? Нима деб айтганинг эсингдадир?

— Айтгандим. Нима, қўшиқ айтиш мумкин эмасми?!

— Мумкин, мумкин. Сизларга мумкин.

Барваста одам бир уюм қоғозлар ичидан бир варақ қоғоз олиб, Самад бахшига узатди.

— Мана бу қўшиқ сеникимми?!

Бахши қоғозга кўз югуртирди.

— Мен ўқишни билмайман.

— Ўқиш шарт эмас. Дарров эсингга тушди. Ўзинг муғомбирлик қиляпсан. Отасини ўлдирган, ғам-андуҳга тўлдирган ким экан?! Биз эмасми?! Сен бу ерда бизни назарда тутмаяпсанми?!

Самад бахши чўчиб ҳамроҳига тикилиб қолди.

— Бу қўшиқни бизнинг ота-боболаримиз тўқиган.

— Лекин сен айтгансан...

— Мен бундай демоқчи эмаслигимни сенинг ўзинг биласанку?!

— Нега?! Масалан, мен худди шундай деб ўйлайман. Кейин буни мен эмас, ўша тўйда бўлган ҳушёр одамлар етказишган.

— Ёлгон! Ҳеч ким бундай демаган.

— Ўқирма, бу ер отангинг уйи эмас. Тўйда қатнашганларнинг ҳаммасини бир-бир чақирдик. Ўн етти киши буни тасдиқлади. Мана, кўр. Улар айнан шундай тушунишган. Хўш, энди тан оларсан кимга сотилганингни?!

— Мен ҳеч кимга сотилмаганман.

— Унда ўзинг бузғунчи экансанда. — Майли шундай деб ёзиб қўямиз.

— Нега энди билиб туриб зуғум қилаётганингни мен тушуна олмаяпман.

— Тезда тушуниб оласан. Сен кўп ақлли бўлиб кетдинг. Ҳар қўшиғингда қандайдир отасини ўлдирганлар тўғрисида жаврайдиган бўлиб қолдинг. Энди ақлингни пешлаб кел. Сен қўрқма, Сибирга жўнатмайман, сен чўлга борасан, чўлни ўзлаштирасан. Агар онгли равишда ўз хатоингни ювсанг, қайтиб келишга рухсат беришади.

— Мени шарманда қилма. Тўртта болам бор, уларнинг қарғишига қолма!

— Болаларинг тўғрисида қайғурмай қўяқол. Ўзимиз ғамхўрлик қиламиз. Агар сенинг ёнингда бўлса, уларни ҳам душман қилиб тарбиялайсан.

— Кўзингни оч! Бу туришда яқинда бутун шаҳар ҳувиллаб қолади.

У яна нимадир демоқчи эди лекин хонага кирган икки киши уни олиб чиқиб кетди.

— Биз йўлимизга ким тўсиқ бўлса, ҳаммасини йўқотамиз, ҳеч кимни аямаймиз, — бақирди унинг изидан ичкаридаги одам. — Қишлоқ бўшаб қолса, бошқа одамларни кўчириб келамиз...

«Бу қўллар эмас, сени ногирон қилиб яратган дунёнинг бағрига санчилган ханжарлардир, Зубайда. Киприкларинг у осмон шоҳининг тасбеҳидир, о, йўқ, бу кўнгил қушларига қўйилган тузоқдир...

Мени сендан тортиб олишадигандек бўйнимдан қучоқлаб йиғлаганингда, бу овлоқ тўқайни пичир-пи-

чирларингга тўлдирганингга, лабингга тушуниксиз саволлар қотганида, жажжигина юрагинг бу сирли оламга ёриб чиқиб, мени ўзингга ҳам ишонмай ўз кўзлари билан кўриш учун кўксингнинг қафасларига гурс-гурс урганида, бу дунёдан бахт излаб чўзилган қўлингни қон ҳиди тутган қўллар ушлаганда ва шу қўллар сочингни силаганида сен уни топдингми, Зубайда?!

...Кел, мени қучоғингга ол, офтобни кўмгандай мени оғушингга кўм. Майли, кўзларинг қўрғонига қамаб қўй, майли, киприкларингга боғлаб қўй, фақат бу дунёнинг қарғишларидан мени сочларинг қатига, лабларинг қаърига яширсанг бўлди.

Мен сени излаб бу ерга ҳар кун келгим, бу тўқайга умр ўтовини тикким келади, сенинг босган изларингга ўзимни кўмгим келади. Кел, панжаларингни кўзларимга санчиб қўй, тошлар тилган оёқларингни кўкрагимга экиб қўй, шивирларингни қулоғимга қоқ. Сен менинг излай-излай топиб олган бахтимсан, сен менинг тўқайзорга қадаб қўйган туғимсан. Майли, ҳамма юз ўтирсин, майли, ҳамма ташлаб кетсин, фақат сен мени ташлаб кетма, сен ташлаб кетма... ташлаб кетма...»

«...Сенинг зилол сувларингни ичганимда, кўрпа бўлиб тўшалган кўкатларинг устида яйраб ётганимда ҳаётга қайтадан келгандек бўламан. Мен сенинг тупроқларингдан яралганман, бу улуввор қоялар ҳам, ундаги харсанг тошлар ҳам, илон изи ёлғизоёқ сўқмоқлар ҳам менинг таним. Мен улар билан бирга нафас оламан. Кўрагон тоғидан майин шабада эсяпти, кўкатларнинг ҳиди димоқни қитиқлайди. Қандайдир қушлар сайраяпти. Ҳойнаҳой, мода какликлар бўлса керак...»

«Афтидан кўклам келганга ўхшайди. Димоғимга олма гулининг ҳиди келяпти. Пастдаги тўқайда болалар шовқини эшитилмоқда. Улар чиллак ўйнаётган бўлса керак, ҳар-ҳар дамда қайсисидир ғувиллаб югуради. Унинг оёқларининг шитири менинг суякларимни яйратади, мен бу товушдан ҳузур қиламан, мен унинг майсалар ялаган, шабнам ювиб қўйган жажжигина товонларидан ўпсам дейман, ётган жойимдан тепага —

уларга мўралаб қарагим келади. Улар оёқлари тагида одам суяклари қақшаб ётганини, заҳда чирсиллаб си-наётганини, чириётганини, энг қизиғи, менинг уйғоқ-лигимни, уларни кузатиб турганимни, товушларини эшитаётганимни билишармикан? Агар менга у дунёдагидай овоз ато этишганда мана шу гўримда туриб, уларга қарата: «Сизлар гафлатда қолманглар, ҳушёр бўлинглар! Боболаринг руҳи уйғоқ, уйғон!» дея қич-қирган бўлардим...»

«Нариги қабрнинг атрофини кимдир супуриб-сидираяпти, супурги шитири эшитилаяпти. Менинг ёнимда ётган болакай уйғу аралаш ҳиринглаб кулиб қўйди; кимдир туш кўрди, шекилли, балким тушига онасининг маммалари киргандир; юқоридагилар унинг кулгусини эшитишдимикин?!.. Ер ости дунёси нақадар бепоён! Бу ерга одам қайта ўлмаслик учун келади. Бу ерда у дунёдаги умр кўз очиб юмишдай гап. Яшайверасан, яшайверасан, бу яшашнинг, қани, охир-ниҳояси бўлса. Фақат сен шу зим-зиё қўрғондагина ер билан абадий бирга эканингни англайсан...

...Менинг ён томонимдаги қиз яна хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади. Ошиқ йигити билан топиб олишган акалари уни нақ қоядан улоқтиришган. У дунё нақадар мудҳиш. Одамлар устида ҳамиша ёвузлик ҳукмрон бўлади...

...Уҳ, яна қандай шовқин?! Нақ устимда қиёмат қойим бошлади чоғи. Ниманинг товуши бу?! Мунча ваҳимали?! Э-э, булар мазористонни бузишяпти-ку! Ақддан озишибди у дунёдагилар... Ҳа, аниқ, бузишяпти, яна, ўша мудҳиш қиёмат товуши тобора яқинлашиб келяпти. О, сен, она ерим, момо ерим, мана энди улар мени сендан жудо қиладилар, суякларимни абгор қиладилар. О, ярамаслар, ҳаромилар, падаркушлар!..»

— Ўртоқ бошлиқ биз Неъмат кални олиб келдик.

— У нима гуноҳ қилибди? Нега уни боғлаб ташладиларинг?

— У катта қизини мана бу болта билан чопиб ўлдирибди. Қизи кимдандир бола орттирган экан. Боласини ҳам чопиб ташлабди. Бу ўша — биз тўқайда кўрган

қиз. Унинг қоқ пешонасидан болта урибди. Тили бир қарич чиқиб ётибди...

Ўғилнинг силласи қурий бошлаган эди: унинг пешонасидан реза-реза тер оқар, юзи тобора бўғриқиб, кўкариб борарди, оёқлари чалишиб кетарди. Лекин йўлнинг адоғи ҳали бери кўринмасди — бутун борлиқни тун шоҳи тимқора чодири тагига яшириб олган эди.

Йўл нақ жаҳаннамга олиб бораётгандай ҳарорат тобора кўтариларди.

— Биз ҳеч кимга ҳеч нарса қилмаган эдик, — дерди чол ўғлининг жимиб қолганидан ва бу кимсасиз саҳрода ёлғиз кетаётганидан бир оз чўчиб. — Биз ҳеч кимнинг ерига бостириб бормадик, биз ҳеч кимга зугум қилмадик. Тинчгина яшаб юрган эдик: қўш ҳайдардик, буғдой янчардик, тириклик тошини секин тортиб юрувдик. Биз эмас, улар бостириб келишди, тинч ҳаётимизни улар бузишди. Сизлардай ақлимиз ўткир эмас эди, ҳар нарсани ҳам дарров тушунмас эдик. Биз фақат эски осойишта ҳаётимизни қуроли кишилардан қурол билан қайтариб олмоқчи эдик. Бор гуноҳимиз шу эди, бошқа ҳеч нарса! Эшитяпсанми, бошқа ҳеч нарса.

— Биламан, — деди ўғил. У ғилт этиб ютинди. Юзи кўм-кўк ганч ҳайкал рангига кирганди, товуши бўғизидан эмас, гўё ер остидан, нақ жаҳаннамдан гулдираб чиқаётгандай эшитилди.

— Биласан? А? Демак, отангни билиб туриб ўлдирган экансан? Қойил. Сизлар кимдан таълим олдиларинг, билмадим. Отасининг гуноҳи йўқлигини билиб туриб, атайлаб ўлдирган эмиш? Отам тирик турса, ўша шалоқ курсимга ўтиролмайман, бошлиқ бўлолмайман деб кўрқдингми, а? Шундан кўрқдингми?

— Бўлди, — инграб юборди ўғил отасини силкиб, ўнгариб кўтарар экан, — бўлди деяпман...

— Тўғри, шундан кўрқдинг. Отанг тирик турса, сенга нозик жойларни ишониб топширмасди, парвозинг балаң бўлмасди, ҳар икки дақиқада отанг учун сўроқ бериб туришинга тўғри келарди. Сен буни жуда яхши англардинг. Отангни деб, сенга ганимларинг тинчлик бермасди. Ўлиб кетса ҳеч ким нотайин одамни

суриштирмасди ҳам. Сен шундай деб ўйлагандинг. Афсус ўша куни қоя орқали олиб ўтаётганингда буни сезмаган эдим. Сен ҳаммасини осонгина ҳал қилиб қўяқолдинг. Қоя устига келганимизда менинг остимдаги отта қамчи босдинг. От ҳуркиб, олдинга ташланди, мен ҳатто нима бўлганини билолмай қолдим, фақат қоядан тошдан-тошга урилиб учиб тушаётганим эсимда. Сўнг мен бир зум зулмат ичида қолдим, қайта тирилганимда сен менинг жасадим устида йиғлаб ўтирардинг ва нарироқдаги иккита чўпонга нималардир деб тушунтирардинг. Сен жуда кўрқоқ эдинг, қилган падаркушлигингни биров билиб қолмаслик, шубҳаланмаслик учун орзингни саситиб сўкинганингда, гўё аламдан ақлингни йўқотгандай, орзидан қон келиб, ихраб ётган отни ҳам отиб ташладинг. Сен отдан ҳам кўрқдинг, отаркансан, унинг жавдираган кўзларига қарай олмадинг... Мен эса ҳаммасини кузатиб турардим — шундоқ олдингда, ёнингда кузатиб турардим. Ҳатто икки марта маузерингни олиб, нишон қадалган кўкрагингдан отиб ташлагим келди. Лекин бизга бундай ҳуқуқ беришмаган. Мен жасадим ортилган арава-ни Кўкқиягача кузатиб бордим-да, сўнг ёрга қайтдим. Лекин, сен менинг жасадимни қандай кўмганингни кўриб, сезиб турардим. Сен бошлиқларинг олдида бир томчи кўзёш тўкмадинг. «Отам ёт одам эди, ўз ўлимини ўзи топди» дединг. Сенинг аҳволингни кўриб улар ҳам ич-ичидан кулди — ахир уларни ҳам ота яратган-да. Агар йиғлаганингда ҳам ҳеч ким ҳеч нарса демасди. Фақат сен устаси фаранг одам эдинг. Унсур отасининг устида йиғлаганди деган гапни кўтаргинг, келажакнингни ҳавф остига қўйгинг келмади. Сен йиғламадинг, йирлармикансан, тавба қилармикансан, деб мен уч кунгача уйинг атрофида айланиб юрдим. Йўқ, йиғламадинг. Сендайлар асли йиғлашмайди. Одамларнинг ўлиmidан роҳатланишади. Қандай уят?! Ҳали бизнинг аждодимизда ожизага зуғум қилиш ҳодисаси бўлмаган. Сен эса ҳеч нарсадан тап тортмадинг. Мана, оқибати... Ана кўряпсанми, изингдан қанчадан-қанча арвоҳлар бўридай эргашиб юрибди, ёлғиз қолсанг, таппа босишади. Улар жуда қутурган... Ўша совуқ юртлардан сени деб қайтиб келишган. Энди ҳар кеча йўлингни тўда-тўда бўлиб пойлаб ётишади. Ҳар бири-

нинг сен билан ўз ҳисоб-китоби бор... Сенга ачинаман, бироқ начора бу йўлни сен ўзинг танлагансан...

* * *

— Ота, эсингдами мен ҳали жуда-жуда ёш эдим, мишиқиси аримаган қизча эдим, ҳаммаси қўрқинчли тушдек элас-элас эсимда, сен роз қотиб турардинг, йўлдан эса арава-арава одамлар ўтарди, йўллар тикилиб кетарди, худди чумолилар инига шошаётгандек аравалар қайларгадир имиллаб борарди, одамларнинг эса ранги қочган, сенга гоҳ сездирмай, гоҳ ошкора адоват билан тикилиб-тикилиб қўярди, сен эса пинак қоқмай тураверардинг, аравалар ҳеч тугамасди, турна қатор бўлиб тонгдан-шомгача, шомдан-тонггача ўтаверарди, ҳатто ярим кечалари ҳам йўлдан араванинг ғийқиллаган товуши, зорланиши эшитилиб турарди, уларни қандайдир аскарлар қўриқлаб боришарди, сен эса ўша ерда қотиб тураверардинг, икки кунми, уч кунми вақт ўтиб, аравалар яна кунчиқар тарафга қараб йўл олишарди, йўлдан бирин-кетин ўтишарди, аравачилар ҳам бошларини эгиб олган, атрофига қарашдан қўрққандай, уялгандай отларини қичаб ҳайдаб боришарди, аравалар ғийқилларди, аскарлар сўкинарди, тўда-тўда аравалар кунчиқарга йўл олишарди, лекин бўм-бўш бўларди, бу аравалар, ота, худди кераксиз тошларни қайгадир, хилватроқ жойга тўкиб қайтишаётгандай, аравалар бўм-бўш бўларди, яна бир неча кундан сўнг арава-арава одамларни олиб қайларгадир жўнарди, сен эса, ўша баҳайбат харсанг олдида роз қотиб тураверардинг, ўша одамларни қайга олиб кетишарди, ота? Нега уларнинг кўзлари сенга бунчалик кин билан тикиларди, нега сени бунчалар ёмон кўришарди улар?! Эсингдами, ота? Ё тушмиди бу? Мен, ўша мишиқи қизалоқ буларнинг барини туш кўрганмидим?! Ўша аравалар тушмиди, ота?!

— Билмадим, қизим, булар менинг эсимда йўқ... Ҳойнаҳой сен туш кўрган бўлсанг керак...

— Ўша пайтлари одамлар гўё бу ерларда ёвуз бир шарпа оралаб юргандай ҳамиша нимадандир қўрқиб, ҳадиксираб юришарди. Бир-бирига шубҳа билан тикилишарди, ҳатто болаларни ҳам бир-бири билан ўйнагани қўймасди, болалар уйларидан чиқмай қўйган эди.

Ҳамма худди ёвуз шарпа сенинг танангга яширингандай, сенга кўрқиб-писиб қарашар, сен билан дуч келиб қолса кўзларидаги ғазабни яшириб, гўё жони сенинг кўлингга тургандай ялтоқланиб, эгилиб-букилиб ўтарди, беллар эса... аёллар сенинг номингни кўшиб қарғашарди, сени кўрганда этакларини кўтариб, орқаларини кўрсатишар ва энди бу еримни ҳам ол деб шанғиллашарди. Нега шундай дейишарди, ота? Нега кечалари қишлоқлар мазористондек жимиб қоларди, ота; нега одамлар бир-бирига еб кўйгудай тикилишарди, бир-биридан нега кўрқарди, ота?!

— Билмадим, қизим. Ҳойнаҳой сен адаштиряпсан. Буларнинг ҳаммаси туш бўлса керак. Ҳаммамиз туш кўрганмиз, қизим, шу сабабли у замонларни яхши эслолмаймиз... эсламаганимиз ҳам тузук.

— Мен эса кечалари уйғониб кетаман, назаримда, ҳали ҳам йўлдан аравалар ғийқиллаб ўтаётганга ўхшайди, гоҳида куппа-кундузи ҳам йўлга тикилиб қарасам, аравалар ҳамон ўтиб бораётганини кўраман, улар аввал кун ботишга қараб ўтади, сўнг кун чиқарга... Баъзан бу умр бўйи тугамайдигандек, охири йўқдек туюлади менга. Гўё энди бир умр қулоғимиздан аравалар ғийқиллаши аримайдигандек, кўзларимиз олдида энди фақат аравалар ўтиб турадигандек туюлади менга. Ярим кечалари уйғониб кетаман.....

— Билмайман, қизим. Мен кексайиб қолдим. Менга бундай саволлар берма! Ҳеч нарса эсимда йўқ! Эсимда бўлмагани ҳам тузук.

— Кимдир шу тарафга келаётганга ўхшайди, ота.

— Улар афтидан икки киши бўлса керак, яхшилаб қара-чи.

— Икки киши экан, бири сал орқароқда келяпти. Сен қаердан билдинг?

— Кеча хабар беришган эди. Уларни мен эртароқ келса керак деб ўйлагандим.

Қиз бир зум анграйиб қараб қолди.

— Ким экан улар?

— Чўлга кетганлар. Бегмат полвон билан Ҳасан чўлоқ

— Ахир уларни ўлди деб хабар келганди-ку.

— Улар алақачон ўлиб кетишган, ўлмаганларида бу ерларга қайтиб келмасди...

...Йўлнинг интиҳоси кўринмасди. Шип-шип этган қадам товушлари эшитилар, улар кетаётган йўлга юлдузлар учиб тушарди. Ўғил юриб борар, ота эса унинг елкасида ялпайиб ўтирганча йўлнинг адоғига тез-тез кўз ташларди. Афтидан, у ҳам ўғлининг елкасида ўтиравериб чарчагандек эди. Йўл кесиб ўтган дала эса ҳувиллаб ётарди, атроф уларнинг шарпасидан кукундай тўзғиб кетаётган куйинди суяклар билан тўлганди; тонг гўё бу ерларга ташриф буюришни унутиб қўйгандай уларнинг устида бесарҳад тун сим-сими тўшалиб ётарди.

Йўл эса бениҳоя эди...

МАЙМУН ЕТАКЛАГАН ОДАМ

Бу воқеа уч йиллар олдин бўлган эди. Шу кўчадан бир уйни ижарага олиб кўчиб келганимда чолнинг шарти кетиб, парти қолганди, у кўчанинг муюлишида мен эгаллаган уйга қўшни ҳовлида яшарди. Уни биринчи марта уйининг олдидаги эски ўриндиқда чуқур ўйга толган ҳолда кўрган эдим. У қобоклари солиқ, соқоли қирилмаган, бир пайтлар семиз бўлган, ажинлар тарам-тарам қилиб ташлаган, кўримсиз юзи баджаҳл маъбудларнинг ҳайкалига ўхшаб кетар, унга қараган одамнинг юраги нохуш бир ҳисдан орқага тортар эди. Кўзлари ҳиссиз ва ифодасиз, эгнида эллигинчи йилларнинг андозасида тикилган анча салобатли кител, бақбақаси осилиб турган ҳолда ўйчан ўтирарди. Машинадан китобларни катта этакда ташиб киритаётганимда — гўё атрофидаги оламдан энди ҳеч қандай илтифот кутмай қўйгандек, ҳеч нарсанинг қизиғи қолмагандек менга эътиборсиз бир кўз ташладида, сўнг яна ўша ҳолатида ерга қараб ўтираверди.

Бир неча кундан сўнг уй бекасидан бу чолнинг бир пайтлар тузуккина рассом бўлганини ва ҳозир ҳам сурат чизиб туришини эшитиб, ҳайрон қолдим. Уни ҳаётда омади чопмаган бирон амалдор бўлса керак, деб тахмин қилгандим. Кейинчалик чолни тез-тез ўша кителида гўё неча қадам умри қолганини ўлчаб юргандек оғир қадамлар билан уйига ёки кўча бошидаги озиқ-овқатлар дўконига қараб кетаётганини, гоҳида эса маҳалла ошхонасида овқатни титраб-қақшаб

еб ўтирганини, қобоқлари остида одамларга адоват билан тикилиб-тикилиб қўйганини кўриб қолардим. Захарли одамни бўғиб, ҳолсиз қилиб қўядиган бу адоват менга ўшанда унинг бутун танасидан, бутун вужудидан, қоқшол бўлиб қолган барча қон томирларидан ҳамда чакалақдор ичидаги тилсимли қўрғон каби номаълум бўлган умр қалъасидан уфураётгандек туюлганди. Уни кўрсам негадир юрагим ваз тортадиган, кўнглим беҳузур бўладиган, кайфиятим бузиладиган бўлиб қолганди, ваҳоланки, ҳали у билан салом-алиқдан нарига ўтмагандик. Менга, аввало, унинг турқи ёқмасди: ночор ҳолига қарамай одамларга кибр аралаш димоғ-фироғ билан қарар, ҳаммага ётсираб, шубҳа билан тикилар, гўё ўзини бир умр ҳар бир кишига шундай тикилиб ўтгандек тутар эди. Бир куни уй бекаси мендан чолга кечки овқат чиқариб беришни илтимос қилиб қолди. Чолнинг совуқ юзини эсладим у истиҳола қилдим; бироқ йўқ дея олмадим. Эски услубда қурилган, тор табақали эшидан ичкарига кирдим: чол катта айвонда ўтирганча олдида

... .. Чолнинг уйи ҳашаматли, кенг, лекин тошлар ... тилган майдондай ҳувиллаб ётарди. Устун ва ромлари чириган, умуман ҳовлидан чиркин ва бадбўй ҳид келарди. Чиркин ҳид дарахтлардан, қор остида қолиб қаровсизликдан хазонликка юз тутган гулзордан, унинг ёғочларидан ва айвонда қалалиб ётган ҳар хил расмлар уюмидан келаётган эди: шалтоқ ҳид эса ахлат солинадиган ундуқадан келарди. Хаёлимга бирдан бу ундуқадаги ахлатларни чол умр бўйи сақлаб келган бўлса керак деган фикр келиб қолди. Ҳиддан кўнглим айнигудай бўлиб чол ўтирган айвонга йўл олдим. Чол менга эътибор ҳам бермади, ажабсиниб бир қараб қўйдию, ўз ишини давом эттираверди; у қандайдир бўёғи кўп сурат чизаётган эди. Нарироқда турган кичкина хонтахтани келтириб чолнинг олдига қўйдим: у шунда ҳам эътибор бермади, у ўзига овқат келтириб беришларига кўникиб қолган эди, шекилли. Шунда унинг қўллари қалтираб, бўёқларни чаплаб юбораётганини сезиб қолдим. Чолнинг олдига овқатни ҳам қўйганимдан сўнг, у чизишдан тўхтаб, хонтахтага ўғирилди ва бўёқли қўллари билан нонни бемалол синдирди, оғзига тутди; ёрилиб қолган лаблари орасидан

чириган кўм-кўк тишлари кўринди. Шунда мен яна унинг қандайдир баджаҳл маъбуднинг ҳайкалига жуда ўхшаб кетишини ҳис қилдим. У бу ердалигимни ҳам унутгандай, хуриллатиб, имиллаб, чолларга хос ланжлик билан овқатланар ва овзининг икки четидан лағмоннинг суюғи яна косага оқиб тушар, боши қалт-қалт титрар, бўйинларида тиришиб қолган томирлар у ютинганда бўртиб, кўкариб кетар, кўзлари қорғин ёшланиб турар, ҳар дам-ҳар дамда қаншарини ўнг қўли билан қаширди. Бу унга одат эди чоғи — қаншари турли бўёқларга беланиб қолганди. Кўллари қошиқни мадорсизлик билан кўтараркан, унинг шу сонияда яна ҳам ифодасиз тусга кирган юзига қараб, овқатни ҳам эплаб ичолмайдиган асабий ва рўдапо чолнинг рассом эканлигига сираям ишонгим келмасди.

— Суратларингизни кўрсам бўладими? Йигирманчи йиллардаги суратларингизни? — деб сўрадим мен унга шубҳамни билдирмасликка тиришиб. Чол бамайлихотир кавшанди-да, менга қарамасдан, ўзига бунинг алоқаси йўқдай, гўё бир уюм ахлатни кўрсатаётгандай, ижирваниб, қўли билан айвоннинг тўрини кўрсатди. Ҳаммаси тартиб билан териб қўйилган ва у томондан бошланади, — деди ҳирқирок товушда унинг товуши ҳам шунчалик совуқ эдики, беихтиёр этим жунжикиб кетди; индамай айвоннинг тўрига қараб йўл олдим.

Чолнинг йигирманчи йиллардаги суратларини шу кўчадаги бир-иккита санъатдан хабардор кишилар мақташганди; музейда ишлайдиган ўртоғим ҳам чолнинг суратлари кўргазмага қўйилганини айтганди. Чол йигирманчи йилларда комсомол бўлган ва босмачиларга қарши курашган, янги ҳаёт қуришда фаол иштирок этган дейишганди. Йигирманчи йилларнинг шиддатли шамоли уни юксак парвозларга кўтарган; ўттизинчи йилларда масъул вазифаларда ишлаган, деб ҳикоя қилишган. У ўша амалида токи пенсияга чиқариб юборишгунларича узоқ йиллар ишлаган экан. Кўчадагилар унинг ўша давр фаолиятини мишмишлар билан қўшиб-айтиб ҳикоя қилишарди. Чол ишдан кетгач, мана шу эски уйга қамалиб олган, ҳеч кимга қўшилмайди, бир вақтлар ўзи озор берган кишиларни кўргиси келмайди, дейишарди. Чолнинг хотини эллагинчи йилларнинг охирида ўлиб кетган, фақат истараси ўзиникидан ҳам

совуқ ёлғиз ўғли бор эди. Ўғли қиморбоз, авваллари киссавур бўлган дейишади, кейин қотиллик қилгани учун қамалиб кетган, энди эса қиморнинг орқасидан кун кўрар экан. У жуда жиззаки йигит эди. Уни икки марта кўчада кўргандим. Айтишларича, у шаҳарнинг чеккасида бир бева билан бирга турар ва ойда-йилда отасига бир кўриниш берар, шунда ҳам ҳар доим жанжал билан жўнаб кетар эди. У чолнинг олдига кўпинча бирдан-бир иш учун — пул сўраб келар, агар топиб бермаса, ровға кўтарар, ҳатто икки марта отасини уриб кетган, деб айтишарди. Кўплар «чолнинг пули бор, лекин ҳеч кимга, ҳатто ўғлига ҳам кўзи қиймайди, жуда хасис», дейишарди. Ким билади, ўғли ҳам отаси ҳақида шундай ўйласа керак; у отасини заррача ҳурмат қилмасди. Унинг овозини кўчадан ўтиб бораётиб эшитиб қолгандим. «Ҳеч нарсангни бермайман, — деб бақирарди у қандайдир қиринди товушда, — агар топиб бермасангиз, сизга кўшиб уйга ҳам ўт қўяман». Сўнг тарақа-туруқлар, ихрашлар, чолнинг нимадир деб сўкингани эшитилди. Кечқурун уй бекаси ўғли чолни яна уриб кетганини айтди. Чолнинг йигирманчи йиллардаги суратига жуда қизиқардим, умуман чолга қараб туриб қизиқишим яна ҳам ортганди.

Чолнинг айвони — унга устахона вазифасини ўтаса керак — олди ойнали, ёзда деразаларини ланг очиб салқинлатиб қўйса бўладиган, кенг гўша эди. Бу ерда ҳар хил кераксиз ашқол-дашқол — сунъий гуллар, туваклар, турли ранглар ёғочлар, китоблар, олов кўтариб бораётган бола тасвирланган ҳайкал, тошдан ясалган турли қуроллар, тўрлар, занжирлар қалашиб ётар ва бу ердан ҳам шилта ҳиди келар, айвондан кўра алланечук бесаришта қазноққа ўхшаб кетар эди. Айвон узун бўлиб, суратлар чизилган йилларига қараб кўргазмага қўйилгандек териб қўйилган, тўғрироғи, бор-йўғи қирққа яқин сурат ва эскизлар «1957», «1947», «1937», «1928», «1926» ва ҳоказо тартибда териб қўйилган эди. Суратларни оралаб борар эканман, қандайдир зиналардан чолнинг умр тилсимоти яширинган қўрғон томон кўтарилиб бораётгандек ҳис этдим ўзимни. Охириги, айвоннинг бурчагига осиб қўйилган суратнинг тагига «1921» санаси ёзиб қўйилган эди: чол шу йилдан бошлаб расм чиза бошлаган бўлса керак, деб ўйладим.

Сурат анча уқувсизларча чизилган бўлса-да, ранглари ёрқин ва тиниқ эди. Суратда қуюқ ўрмондан маймунни етаклаб чиқаётган барваста гавдали йигит тасвирланган эди. Йигитнинг кўзлари тийрак ва ишонч билан порлаб турар, маймуннинг бўйнига солинган кишан таранг тортилган эди. Расмда чол нима демоқчи бўлганини тушунмасам-да, лекин йигитнинг юзидаги ишончдан ҳайратга тушдим; қизғиш ва жавдари бўёқ йигитнинг кўнглидаги ҳиссиётни тўла акс эттира олган эди. Кейинги суратларда чолнинг қўли анча келишиб, бўёқлар тиниқ ўз ўрнини топган, табиат манзаралари тобора гўзаллашиб борарди, ранглар ҳам турфа хил эди. Бироқ бир лаҳзада осмону фалакни қоплаган кузги қарғалар каби суратларга қандайдир мавҳумлик ёпирилиб кириб келарди, йилма-йил қора бўёқли суратлар ортиб бориши мени ҳайратга солди мавҳумлик тасвирда ҳам, бўёқда ҳам сезиларди. Мен ҳар бир манзарада бошқа ранглар ўрнини қора ранглар олаётганини гувоҳи бўлдим. Ўттизинчи йилларда чизилган суратлар эса яна ҳам мавҳумроқ эди, энди бу йиллардаги суратларни қора ранг буткул қоплаб олганди. Чол суратларни пала-партиш чизган бўлса керак, деб ўйлагандим, чунки чолнинг масъул хизмат даври мана шу йилларга тўғри келарди. Мен суратларга қараб туриб, уларнинг мақсаду маслаксиз ёзилганини ҳис қилдим. Фақат биринчи суратдаги йигитнинг кўзидаги қатъият ва ишонч беихтиёр ҳар қандай кишини ўзига ром қилиб қўярди, сиз ҳам мана шу йигит изидан номсиз, исёнкор сафарга отлангингиз, ваҳимали зим-зиё ўрмондан авлод-аждодаларингизни ва ақлу идрокингизни хурофот ҳамда бидъатнинг қуюқ ўрмонидан олиб чиқиб, сизга бахт ва саодат, ҳидоят ва камолот ваъда қилаётган ёруғ рангли қарашлару алғов-далғов ҳаёт қўйнига ташлагингиз келиб қоларди. Сиз йигитнинг кўзига қараб турсангиз унинг тантана қилишига ишонардингиз. Музейдаги дўстим ҳам шундай ҳисларни бошидан кечирган бўлса керак, чолни роса мақтаганди. Ана шу суратида чол ўзини қобилиятли ва истиқболли рассом сифатида намоён эта олган эди. Агар чолнинг биринчи ўн йилликдаги суратларига эътибор берсангиз, сизни ҳам беихтиёр чолнинг навқиронлик давридагидек улурвор кайфиятлар чулғаб оларди.

Мен кейинги йиллардаги суратлар шунчаки қўл чиқиб кетмаслик учун чизилган бўлса керак, деган фикрга келгандим; бу йиллардаги суратларда ҳувиллаб қолган қишлоқлар ва кўчалар, эгалари ташлаб кетган уйлар, ўзига чорлаб турган қабристонлар, ўлим иси келиб турган ҳар хил қуроолар, йиғлаётган аёллар ва болалар, бийдай далани босиб кетган ўлак-сахўр куз-ғунлар, мурдалар ортилган аравалар, панжарали камералар, ёниб ётган қишлоқ қандайдир қўрқувдан (худди «Помпеянинг сўнгги куни» каби) донг қотиб қолган оломон, сирли махлуқлар, йиртқич ҳайвонлар, юзларига ҳар хил жоңдорларнинг ниқобларини кийиб олган одамлар (карнавал бўлса керак деб ўйлагандим), базму жамшид қилиб ўтирган шотирлар, ароқ навлари, турли хил таомлар, яланғоч аёллар, маъсума қизлар, қовжираб қолган гулларнинг суратлари акс этган эди. Бу суратлар илҳом ё мақсад билан чизилганига ишониб қийин эди. Биронта суратда ҳам акс эттирилган манзарага тушунмай, чолга қарадим. Чол овқатини еб бўлган ва менга тескари ўтирганча, матога яна қўнғирроқ тус берарди. У гўё менинг бу ердалигимни унутгандай эди. Чолнинг кейинги суратларида биронта ҳам мукамал тасвирланган одамни кўрмадим. Ҳамма суратлар бўёқларнинг мато юзига чаплаб ташланганидан иборат эди. Бу суратларга хос мавҳумликдан ҳайратга тушдим. Чунки чол буларни энг яхши суратлари ичидан танлаб, териб қўйган эди. Ўша куни мен чолнинг маҳалладошлари мақтаганчалик рассом эканлигига сира ишонмадим ва унинг суратларини кўриб, яна ҳам ҳафсалам пир бўлди. Бу суратлар менга умид кўшинлари ташлаб кетган умрнинг ташландиқ қароргоҳларига ўхшаб туюлди. Энди уни шунчаки номига мақташган бўлса керак, деб ўйлай бошладим. Суратлардаги мавҳумлик негадир юрагимни ғаш қилганди. Бироқ чолнинг ҳаёти бир пайтлар бир кечада пориллаб очилган гулдек тўсиқ билмас шиддат билан бошланганини, сўнг бу шиддат ҳаётнинг мавҳум ирмоқларига худди ёз ёмғири жазирама саҳрога синган каби қўшилиб кетганини суратларига қараб ҳис этгандим. Унинг ўша навқиронлик даврини эслатаётган қонталаш ва шилпиқланиб қолган бўлса ҳам, ҳали тийрақлик билан тикиладиган кўзларида қол-

ган эди. Бу кўзлар ҳам ҳар қандай ишонч ва умиддан маҳрум эди.

Чолнинг ёнига қайтар эканман, у чизаётган суратга бир зум кўз ташладим: устига чанг тушмасин деб, дока ёпиб қўйган суратда одамнинг ва қандайдир ҳайвоннинг оёқлари тасвирини кўрдим. Ва бу ҳол мени бироз ҳайратга солди — полотнода ниҳоят кўп йиллардан кейин одам сурати пайдо бўлган эди. Сурат ҳали чала эди. Мунқайиб қолган чол сурат қаршисида тиз чўкиб турганга ўхшарди, бўёқлар ҳам чолга зўрва бўйсунар, гўё улар ҳам бу беҳуда ва мавҳум манзараларни акс эттиришдан буткул чарчагандай эди.

— Хўш, — деди у менинг идиш-товоқни йиғиштира бошлаганимни кўриб, суратлар сизга ёқдими?

Елка қисдим ва суратларга тушунмаганимни айтдим. У чарчаганидан милқларига ёш сизиб чиққан ҳорғин кўзларини менга ачингандек, бир зум қадаб турди-да кейин бош силкиди.

— Ҳа, тўғри, биз тушунарсиз яшадик, — деди ғамгин тусда, — ҳар босган қадамимиз одамлар учун шубҳали ва қоронғу бўлиб қолган, албатта, бунга сиз эмас, ўзимиз айбдормиз.

У худди одамнинг устидан кулаётгандай ёки киноя қилаётгандай истехзо билан гапирар, ҳар бир сўзи асабларни зирқиратиб, арралаб ўтарди. Ким билади балки менга шундай туюлгандир. У энди гап тамом дегандай қўлига мўйқалам олди. У мен билан бошқа гаплашгиси келмаётган, агар мени бу ерда кечгача қолсам ҳам унинг бирон оғиз гапириши гумон эди. Идишни олиб тезда чиқиб кетдим. Чол менга қайрилиб ҳам қарамади. Узоқ вақтгача унинг гапини ўзимча мулоҳаза қилиб юрдим. Бироқ менга нима учун шундай деганига ҳеч тушуна олмадим. Чолнинг суратлари ичида менга фақат маймун етаклаб бораётган йигит сурати ёққан эди. Тўғри, мен тасвирий санъат соҳасида ёмон мухлис эдим, лекин йигитнинг кўзларидаги ишончдан ҳайратга тушар ва унинг қатъиятли чехраси тез-тез кўз олдимда намоён бўлиб турарди. Қолган суратлари эса алоғ-чалоғ эсимда қолганди. Икки кунлардан сўнг эса биринчи суратдан бошқа ҳамма суратлардаги манзаралар бир-бирига аралашиб кетди, сўнг йўл-йўлакай дарахтга бир зум

қўниб ўтган қушлар каби хотирам дарахтларидан учиб кетди.

Бошқа бир куни чолнинг олдига овқат олиб кирганимда яна ўша шилта ҳидидан қўнглим озиб кетаёзди. Лекин мен энди ҳар бурчақда путурдан кетаётган умрнинг таназулидан дарак бериб турган қўланса ҳидга қўника бошлаган эдим. Биз бу гал анча суҳбатлашиб қолдик. Қизиғи шундаки, у жуда саводли эди ва шу вақтгача нимаики қилган бўлса, ҳаммасини билиб, англаб туриб қилганга ўхшарди. У Тициани ҳам, Пикассони ҳам, модернизмнинг ҳозирги намоёндалари Жорж Брак ва Умберто Бачанини ҳам билар ва уларнинг ижодидан жуда яхши хабардор эди. Бироқ биз ўша куни у билан мутлақо бошқа нарсалар ҳақида гаплашгандик. У ҳаётда нима яхшилигу нима ёмонлик, ҳеч қачон фарқлаб бўлмайди, яхшилик — айна пайтда кимларгадир ёмонлик, ёмонлик эса айна пайтда кимларгадир яхшилик бўлиб туюлади, менинг умримда англаган хулосам, шу деди.

— Йўқ, — дедим мен унинг салмоқ билан, менинг хулосам ҳамманинг хулосаси бўлиши керак деган оҳангда гапиришидан гашим келиб. — Булар мутлақо қарама-қарши тушунчалар. Ёмонлик яхшилик бўлиши сира ҳам мумкин эмас, нимаики ҳурликка, эрқа, эзгуликка зид бўлса, у ёмонлиқдир, — дедим.

У ҳали ёш бола экансан-ку, дегандек димоғ аралаш кулди. Сўнг жиддий тортиб, неларнидир эслагандай гапира бошлади.

— Мен умр бўйи ёмонликка ҳам, яхшиликка ҳам тенг хизмат қилдим. Чунки нима иш қилсам ўша ишим икки қисмга бўлинар эди. Сиз билан тортишмоқчи эмасман, фақат битта мисол келтирмоқчиман. Бир вақтлар жуда мартабали бир дўстим бўларди, ўзи софдил эди-ю сал обрўталаб эди. У йигирма етти йил амал курсисини ҳеч кимга бермади; уста одам эди. У нима қиларди, денг? Юқоридан шунча хом-ашё бор, деб буйруқ келарди. Буйруқни инкор этиб ёки муҳокама қилиб бўлмасди, — биз ана шундай руҳда тарбияланганмиз, — уни бажариш керак! Бажариш учун бутун корхона ишчилари ўн тўрт-ўн олти соатдан ишлашлари керак. Бу эса — биласизки, расман мумкин эмас. Тўғрироғи, мумкину, яъни турли-туман ташаб-

буслар ташкил қилиб бажарса бўлади, бироқ ўн икки ой бундай қилиб бўлмайди. Одам машина эмас. Бу минглаб одамларни майиб қилиши мумкин. Йўқ десанг, курсини топширавер; бошқаси албатта шундай қилади. Битта сен ҳалол бўлганинг билан ҳаёт гўзал бўлиб қолмайди. Шунда менинг дўстим энг мақбул йўлни танлаган. Таъкидлайман, ўзи жуда софдил, оқибатли одам эди. У ҳамма ишни бажарилди деб, қоғозга қўл қўйиб бераверган. Бошқа корхоналарни ҳам бу ишга тортган, улар «биздан бугина, сиздан угина» деб ёзиб бераверган. Азбаройи одамларнинг тақдирини ўйлаб шундай қилган. Дўстим шу йўл билан ўзича буйруқлар мустабидлигига қарши курашган. Йигирма етти йил одамларни қоғозлар билан ҳимоя қилган. Охир оқибатда унинг ажали етиб ўлди. Кейин унинг гўрига тош отиш бошланди; у ҳимоя қилган минг-минглаб одамлар унга биринчи бўлиб тош отдилар — ўрнига бошқани сайлашди, бу бошлиқ буйруқни қандай бўлса шундай бажариш учун кўлидаги ҳамма нарсадан фойдаланди — ҳатто кучдан ҳам. Даромад камайган, садақа сўраш кўпайган, бора-бора одамлар олдинги бошлиқни афсус билан эслашган, унинг тўғри йўл танлаганини англашган. Хўш, айтингчи, бу ерда нима яхшилигу нима ёмонлик. Буни қандай фарқласа бўлади. Бири одамларни ўйлаб, қонунни суиистеъмол қилди, иккинчиси қонунни ўйлаб, одамларни хароб қилди. Мен бу ерда қайси бири ёмонлик, қайси бири яхшилиқ, ҳеч фарқлай олмайман. Умрим давомида ҳам буни фарқлай олмадим.

— Эътиқод-чи, — дедим унинг салмоқ билан гапиршидан аччиғланиб, тўғриси унинг далиллари мени бироз довдиратиб қўйди; у ўз умри ҳақида жуда кўп ўйлаган эди, афтидан, шунинг учун қатъият ва ишонч билан гапирарди. — Эътиқодли одамлар тўғрироғи, эътиқоди мустаҳкам одамлар яхшилиқ билан ёмонликни жуда теран англайдилар, — дедим ва гапимдаги баландпарвозликдан ўзим уялиб, тўхтаб қолдим.

— Эътиқод! — деди у ғуссали оҳангда, — агар бир умр эътиқод қўйиб, шунга ишониб, курашиб ёниб-куйиб, яшасангу, бир куни эътиқод қўйган нарсангиз пуч, ёлғон ва пуфлаб шиширилган шардай омонат, сиз эзгулик деб сиғинган нарсалар асли разолат эканини

англаб қолсангиз бундай демасдингиз; ана шунда умрингиз ёмонлик билан яхшиликнинг фарқи қолмаган худди йўлдан чиқиб кетган шаддур-шулдуур, бўм-бўш аравага айланарди. Сиз эса бўшлиқни тўлдириш ва аравага нимадир юклаш учун ҳар қандай ёвузликдан ҳам қайтмасдингиз. Шуми эътиқод?! Мен бу сўзни ишлатмай қўйганимга ҳам қирқ йилдан ошиб кетди. Бу сўз шунчалик сержило, жимжима, сохта, баланд-парвозки, эшитсам кўнглим айнийди.

У алам билан хириллаб тўхтаб қолди. Унинг жаҳли чиққан, негадир кўнгли тўлиб кетганди, ҳозир бирон нарса десам, жеркиб ташлаши аниқ эди. У ўзининг фикрини маъқулламаганларни ёқтирмасди, афтидан. Унинг бутун умр яхшилик нима-ю, ёмонлик нималигини излай-излай, жавоб тополмаганини ўзимча тасаввур қилиб, даҳшатга тушдим, ҳатто унинг ўша куни тушунмаган расмларига ҳам андак тушунгандай бўлдим; бу суратлар — ўз-ўзига ишонмаган, умрини турли адовлар ва юпанчлар билан беҳуда ўтказган одамнинг ҳаёт ҳақидаги ўйлари, унинг мавҳумликка мустаҳиқ қалбининг парча-парчалари эди. Умри поёнига етган сайин дунёнинг бепафқат хулосаларидан қочиб, у мана шу сокинлик ва ёлғизликнинг қуюқ ўрмонига яширинганди. Ўзининг ўтган умрига мана шу ёлғизлик қўйнидан туриб назар солмоқчи, ўз умрига ҳам хулосалар ясамоқчи эди, шекилли, унинг гапларидан бу сезилар, лекин менимча ўзига зарур хулосани ҳануз топмаганди. Унинг ёлғиз ҳаёти менга чириган дарахтнинг ёлғизлигидек мудҳиш ва мавҳум бўлиб туюлганди. Афтидан, ёлғизлик унинг сўнгги бошпанасига айланганди. Унинг гапларида одамнинг вужудини заҳарловчи нимадир бор эди. У билан чорак соат гаплашиб, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Нимагаки ишонсам, чол ҳаммасини чилпарчин қилиб ташлаган, мени ҳам ўзининг ишончасизлиги билан заҳарлаб улгурганди. Ўша кундан сўнг мен ичимга кириб олган чолнинг қиёфасидаги шайтонни вужудимдан қувиб чиқаргунча, узоқ вақт ўз кўнглимни ўзим кўтариб, фақат қувноқ ҳикоялар ўқиб юрдим.

Чолнинг олдига бошқа қайтиб чиқмадим. Ҳовлидаги чиркин ва шилта ҳидидан, чолнинг қўланса гапларидан ҳамон ўзимга келолмаётгандим. Эсласам кўнглим ай-

нир, бирдан ҳамма нарсага қизиқишим йўқолар эди. Уй бекаси ҳафтада бир марта чолга овқат киритиб турар, унинг берилиб қандайдир сурат чизаётганини айтарди. У суратга тушунмасди, шунингдек, чолни ҳам ёмон кўрар, лекин қаровсиз чолга бутун кўча овқат киритиб тургани учун улардан айрилгиси келмасди. Умуман, бева аёлларда табиий шафқат ҳисси бўлади. Уларнинг кўнгли юмшоқ, тез таъсирланиб, тез хафа бўлишади.

Мен бора-бора чолнинг суратлари билан ҳам, унинг тақдири билан ҳам қизиқмай қўйдим, ўша пайти Онеттининг ҳикояларини таржима қилаётгандим. Ўша пайтлари чол камдан-кам эсимга келарди, эсимга тушган онлари эса кўз олдимда қора шарпа каби пайдо бўлар ва бу шарпа мени тинмай таъқиб қиларди. Баъзан биринчи суратни эслаб, хаёлларга толардим, хаёлларим ҳам суратдаги йигитнинг кўзлари каби ҳузурли эди-ю. Мени фақат чол чизаётган сўнгги суратгина озроқ қизиқтириб турарди, чунки, сезишимча, чол охириги суратини чизмоқда эди. Уни баъзан йўлда — озиқ-овқат дўконига чиқиб келаётган ҳолатда кўриб қолардим ва кунма-кун ҳаёт асари йўқолаётган юз-кўзларига, ўз умри учун аянчли хулосалар тўлиб ётган ва уни масхара қилгандек кўклам билан бирга тобора гўзаллашиб, яшариб бораётган атрофидаги оламни кўрмаслик учун ерга яна ҳам кўпроқ эгилиб қолган қадди-қоматига қараб, шу мудҳиш фикримга ишонгим келарди.

Бутун қиш давомида чолни икки марта — дарвоза ёнига курси қўйиб, ўзини ҳувоққа тоблаб ўтирган ҳолда кўрдим. Уй бекаси кўп жаврайдиган аёл эди. У бутун маҳаллани гийбат қилиб чиқар, сўнг яна чолни «тафтиш» қиларди. У чол ҳақида ижирғаниб гапирарди, лекин овқат киргизишни қанда қилмасди: унга айниқса, чолнинг маҳалла-кўйникига ўхшамаган одатлари ёқмасди.

Баҳорнинг бошларида ҳордиқ ойдан қайтиб келиб, уйга киришим билан уй бекаси кўзида ёш билан қарши олди ва уч кун бурун чолнинг қазо қилганини айтди. Вужудимга совуқ шилимшиқ нарса ўрмалагандай жунжикиб кетдим ва бирдан хаёлимга чолнинг суратлари келди. «Уй ҳали қаровсиз, — деди менга уй

бекаси, — ўғлини ҳеч қаердан топишолмади, яна қўлга тушган бўлса керак».

Кечқурун чолнинг ҳовлисига ўтдим. Ҳовли ҳувиллаб ётарди. Шилта ҳиди чолнинг ўзи билан бирга йўқолган, бироқ чиркин хид ҳали гупиллаб димоғни куйдирарди. Чолнинг суратлари бир чеккага йиғиштирилиб қўйилганди. Чолнинг сўнги суратини излай бошладим. Чол суратни чизиб улгурганми, йўқми, мени жуда қизиқтирарди. Сарик матони ниҳоят топдим ва унинг юзидаги қовозни юлиб олиб шоша-пиша суратга тикилдим. Кўзимга ниҳоятда тиниқ ранглар лоп этиб урилди — бу сурат қирқ йил ичида чизилган маҳзун суратларга сира ўхшамас эди. Мен расмдаги манзарадан бир нафас донг қолдим; суратда худди биринчи расмдаги ўрмон акс эттирилган эди. Фақат бу суратда маймун умидсиз кўзларига ғам чўккан мункайган бир чолни ўрмон сари етаклаб кетарди.

Суратнинг шошиб чизилгани кўриниб турарди. Кўп жойига бўёқлар номига чапланган эди. Чолнинг ўзи ҳам умри охирлашганини билган ва шунинг учун шошганди. Расмнинг орқа фонидagi ранглар меъёрига етмаганди. Бу қуёш ботиб, атрофга чўккан хира қоронғуликни эслатарди. Бироқ ана шу қўнғир ранг фонида маймун ва одамнинг қиёфаси равшан акс этган, одамнинг юзидаги умидсизликни яна ҳам кучайтирган эди.

Мен ўшанда беихтиёр ҳаёт каби санъатнинг кириш ва чиқиш эшиклари борлиги ҳақида ўйлагандим. Чолнинг суратлари гўё сирли қўрғон эди; чолнинг илк суратини кўрган дақиқадаёқ бу қўрғонга кириб қолгандим ва унинг суратларидан қолган совуқ ҳиссиёт билан бирга юрагим ғаш бўлиб юришимнинг сабабини топгандай бўлдим. Шу кунгача чолнинг қўрғонида яшаган эдим ва ҳозир бу қўрғон эшигидан бийдай кимсасиз далага чиқиб қолгандай ҳис этдим ўзимни. Вужудимга шилимшиқ, жирканч бир нарса ўрмалаб кирди, кўнглимни чолнинг суратларидан қолган ваҳима эгаллади.

Ўзим яшайдиган уйга қайтиб кирганимда бека маҳалла қўмитасида ишлайдиган кекса бир киши билан гаплашиб ўтирарди. «Маҳалла кексалари йиғилишиб, уйни кимгадир бермоқчи бўлишибди, — деди у мен-

га, — уй оламан деб юргандингиз, мана шу уйни ола қолинг».

Бирдан димоғимга ҳовлидаги дов-дарахтлардан тортиб, гуллару ҳар битта ғишггача ўрнашиб қолган чиркин ҳид гуп этиб урилди; кўнглим беҳузур бўлгандай ижирганиб кетдим.

— Йўқ, — дедим мен ўз хонамга кетар эканман. — Ҳозирча уйсиз яшаб тураман.

МУОЛАЖА

(Рўзномачи йигитнинг ёзганлари)

— Қаршингизда учта касал турибди, — деди профессор, — яхшилаб разм солсаларингиз, бу уч одамда ўхшаш жиҳатларни кўрасизлар, зеро, касалликнинг ушбу уч ҳолати ҳозир тиббиётнинг энг муаммоли ва мунозарали масалаларидан биридир. Бу уч одам касалликнинг муолажа босқичларига мисол бўла олади. Мана буниси, — у курсига икки ҳамшира эркак қуршовида ўтирган, қўллар орқага боғланган барзанги кишини кўрсатди, — ҳозиргина тутиб келинди: бизни бу касал тоза сарсон қилди; уни кўндириш ва ушлаш учун роса тўрт соат вақтимиз кетди. Ҳали бизнинг муолажаларимиз унга таъсир қилмаган— касалликка қандай йўлиққан бўлса, шундай ҳолатда сизларнинг қаршингизда турибди: уни бу ерга бизнинг муваффақиятларимизни тузукроқ тасаввур қилишларингиз учун олиб келдик. Айни дақиқада тутқаноқ уни қистовга олган энг қалтис давр: унинг эси жойида эмас ва ҳозир ғайритабиий кучга эга. У хаёлига нима келса, шуни қилади, ҳеч нарсадан, ҳатто ўзини юқори қаватдан ташлашдан ҳам тап тортмайди. Унинг хаёлига ҳар хил нарсалар ўз шаклини бузиб кўрина бошлайди, қандайдир шарпалар пайдо бўлади, мияда изчиллик сусаяди, воқеликни тўғри идрок этолмай қолади, ўрнини палапартишлик олади. У шу дақиқада қўли ечиқ турса беш-олти кишига бўйин бермайди ва қандайдир хаёлида кўринган шарпалар билан жанг қилаяпман деб ўйлайди. Қадимги даврларда ҳам шу касал билан оғриганлар ҳақида маълумотлар бор, бироқ у пайтлар, бу касал онда-сонда учраб турган. Бизнинг замонамизда бу касалга

Йўлиққанлар сони кескин ошиб кетди. Тиббиётда бу касалнинг муқим номи йўқ, уни ҳар ким ҳар хил номда атаган: биз уни шартли равишда «Қутқут» касали деб атадик. Бу касаллик ростдан ҳам қутқуга ўхшайди. Касал хаёлининг қутқусига тушиб қолади. Бу жуда юқумли ва хавфли, бундай касалга йўлиққанлар атрофдагиларга жиддий зарар етказадилар. Ана шуни ҳисобга олиб, биз шифохонамизни йилдан-йилга кенгайтираяпмиз. Агар сизлар касалнинг пешонасига ва бурнига эътибор берган бўлсаларингиз, — у барзангининг бурнини ушлади, биз ҳам барзангига яқинроқ бориб, бурун ва пешонасини бир сидра кўздан кечирдик. — Унда аниқ кўриниб турган қизил пайларга кўзингиз тушади — бу асабнинг зўриқиши оқибати. Касал мана шу ҳолатда жуда хавфли бўлади, унга эҳтиёт чоралари кўрмай туриб, яқинлашиш маън этилади. У сизга ҳеч иккиланмай ташланиши мумкин, сиз унинг хаёлида кўринган зўравон ёки ўзини ўлдириш учун пусиб келаётган қотил бўлиб туюласиз. Шу топда у ғирт телбага айланади: «мени хўрлашаяпти» деган фикр бутун шуурига ўрнашиб қолган, у хаёлидаги зўравонни нима қилиб бўлса ҳам ўлдириш тараддудига тушган. У хаёлида ўзи учун макон ясаб олган. Биз шартли қилиб, унинг тасаввуридан келиб чиқиб, «озод дунё» деб атай қоламиз. «Озод дунё» унга тинчлик бермайди. Ҳар бир нарса унга зўрлик бўлиб кўринади, ҳатто сиз ҳам унга зуғум қилиш учун турганга ёки кулганга ўхшайсиз. У ўзича «озод» бўлишнинг йўли ва режаларини тузади: бу режалар нақадар жўн ва болаларча содда бўлмасин, у бундан ортиғига қодир эмас, чунки у телба, телбалик эса баъзан болаликка ўхшаб кетади.

Муолажанинг шартли шуки, уни аввал тинчлантириш зарур. Бунинг учун мавжуд дори-дармондан бемалол фойдаланиш мумкин. Лекин уни махсус хонада, махсус назорат остида сақлаш зарур. Бу хил одамлар ўта сершубҳа бўлишади; сизнинг ҳар бир ҳаракатингиздан гумонсирайди, ишонмайди, ҳаммасини ўз билганича қилгиси келади, ўзини эркин қўйишларини сўрайди, сизга қўйиб юбор деб ёлворади, худди ёш боладек йиғлайди, айтиш пайтда боладек тез алданади. Касалликнинг бу ҳолатида одам кўпинча, агар таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ўзича парвардигор би-

лан «алоқа» боғлайди. Шунинг учун ҳам қандайдир ёзувчи бу касалликнинг худога элтувчи кўприк деган. Мен илоҳиётчи эмасман. Шу сабабли касалнинг бу томони мени қизиқтирмайди. Мени албатта, унинг жисми қизиқтиради: агар танадаги ўзгаришларни йўлга сололсангиз унда руҳга ҳам таъсир этган бўласиз. Қадимда бундай одамларни кўпинча руҳнинг одамлари деб аташган. Шу сабабли ҳам руҳ бирламчи деган ғоялар кенг ёйилган, кишининг жисми унинг руҳидан келиб чиқиб баҳоланган. Лекин биз ҳамиша жисм бирламчи деймиз ва муолажамиз ҳам шу йўлда олиб борилади. Касал ростдан ҳам шу пайтда руҳнинг тузоғига тушиб қолган, аммо буларнинг ҳаммаси жисмдаги ўзгаришларнинг оқибатидир, биз шундай ҳисоблаймиз. Руҳ жисмдаги ўзгаришдан сўнг бузилади. Бола нега ёмон хаёлга бормади. Чунки унинг жисми ҳали ёмонликни фарқлайдиган ва уни тушунадиган даражада эмас. Касаллик ҳам шундай. Мана ҳозир унинг сўзлаш усулига эътибор беринг.

У шундай дея барзангининг ёнига ўтди ва унинг қаршисига ўтириб, ҳамшираларга ишора қилди ва касалнинг қўллари ечиб қўйилди — у кўкариб кетган қўллари ишқалаб қўяркан, профессорга хўмрайиб тикилди ва унга нимадир демоқчи бўлди, бироқ бўғзидан сўз чиқмай дудуқланиб қолди, у негадир ўзини бир неча киши кузатиб турганидан жуда безовта эди. Узоқ тикилиб турди, афтидан ўзининг қўлини ечдириб қўйгани учун профессордан жуда миннатдор эди. У профессорга яқинроқ сурилиб, нақ унинг қулоғига нимадир деб шивирламоқчи бўлди.

— Қани айтчи, — деди профессор уни нарироқ суриб, — сен бу ерга қандай келиб қолдинг?

— Учиб келдим, — деди барзанги томдан тараша тушгандек, атрофдагиларга қўрқа-писа кўз ташларкан. Ҳамшираларнинг ва профессорнинг юзида истеҳзоли кулгу пайдо бўлди. — Мана бундай учиб келдим, — у қандай учиб келганини ўрнидан туриб кўрсатмоқчи эди, лекин ҳамширалар уни яна жойига ўтиргизиб қўйишди.

— Хўш, кейинчи, — сўради профессор биз билан кўз уриштириб, олгач, диққат қилинглар дегандек кўрсатгич бармоғини кўтарди.

— Мана булар уриб туширишди, — деди барзанги бирдан умидсизланиб. Кўзларида сўлгинлик пайдо бўлди, қўлини милтиқ қилиб кўрсатди. — Тап...сўнг боғлаб олишди...Мени қўйиб юборишдими-а? — сўради профессорга илинж истаб тикиларкан профессорнинг қулоғига паст овозда шивирлай бошлади. — Булар мени жинни деб ўйлашаяпти, шунинг учун қўлларимни боғлаб қўйишди. Сизга айтсам, — ҳамширалар эшитмасин дегандай пичирлади, — буларнинг ўзлари жинни...уларнинг гаплашганларини эшитиб қолдим...қандайдир жиннилар тўғрисида гаплашишди, ўзлари ғирт жинни..

— Профессор унинг гапини тасдиқлаб, ҳамшираларга, бош силкиб қўйди. Сўнг бизга ўтирилиб гапида давом этди:

— Жинни ҳеч қачон ўзининг жиннилигини тан олмайди... аксинча, ўзидан бошқа ҳамма жинни деб ўйлайди. Лекин қутқут касали билан руҳий касаллик бир-биридан кескин фарқ қилади, жиннилар беозор кишилар, гарчи тутқаноқ тутса-да, улар тартиб-қоида ни тез тушунишади, уларни муолажа қилиш осонроқ. Булар эса бирдан ҳамма нарса ўзлари истагандек бўлишини истаб қоладилар, ўзларининг «озод дунёси» билан сизу биз яшаётган дунёни қиёслайди. Ўзича кўп нуқсонлар топади, биз бу дунёда яшай олмаймиз, деб туриб олишади ва шу туфайли ҳам доим кимдир бизни «эзиб, янчаяпти», деган қутқу билан яшашади, шу қутқу билан ухлолмай чиқишади, ҳар бир шарпадан чўчиб тушишади, афтидан хаёлларида ўзларини қандай қатл этишаётганини ҳам кўришса керак. Шунинг учун ҳам унинг гаплари иложи борица тасдиқлаб турилгани маъқул. Бу ерда ҳеч қандай вайритабий нарса йўқ. У ростдан ҳам ўзини ўта ақлли деб ҳисоблайди. Агар фаромуш хотирлигини ва диққати бошқа нарсага — уни жуда ҳаяжонга солган, шуурини қамраб олган қандайдир ҳодиса билан банд бўлмаса, у ростдан ҳам шу дақиқаларда жуда ақлли бўлиб кетади. Ғоят маънили ҳикматлар айтиши, маърузалар қилиши мумкин, хулосалари ҳам одамни бирдан ўйлантириб қўяди. Агар эътибор қилган бўлсаларинг у «учиб келдим» деди. Ростдан ҳам тутқаноқ пата унинг руҳи парвоз қилиб юради, яъни бизнинг тилда «парвоз дав-

ри» деб аталади, — у сизу биз амал қиладиган ўлчовларга сиғмайди, сиз билан биз учун чиқарилган қонунлар ва ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган удумлар, урфлар, одатлар унинг учун аҳамиятини йўқотади, — бизга ғоят инсонпарвар кўринган қонун ва қоидаларни зўравонлик қоидалари деб атай бошлайди, гўё зўравонликнинг турларини кашф этади, у сиз билан биз бемалол яшашимиз ва бахтиёр бўлишимиз мумкин бўлган ҳаётни, ахлоқни ғофиллик деб билади, яъни у бу бичимларнинг ҳеч бирига амал қилмай, ўзича ҳамма нарсанинг тескари томонини кўради, ҳеч қайси шаклга бўйсунмай, «парвоз» қилиб юради.

Бошқа манбаларда бу давр «исён даври» ҳам дейилади. Бу даврда касал ҳамма нарсани бузишни, ҳамма нарсага қарши чиқишни истайди, ҳамма нарсани ўзининг ўлчови билан ўлчайди, у шундай дақиқада вайрон қилсам, бузсам, деган ўжар фикр билан ёнади. Ақидаларингиз эскиради, у энди ҳеч нарсага ярамайди, уни бузиб, янгидан қуриш керак деб хитоб қилади. Кўзига ҳамма нарса таназзул бўлиб кўринади: унинг шуурида, албатта, касаллик таъсири бу, ғалаён бошланади — у вайрон қилиш, бузиш ишқига тушади, баъзан ростдан ҳам ўзи яшаётган уйни ёки кўзига кўринган нарсани ёқиб юборади ёхуд бузиб ташлайди! Унинг ҳолатини сиз билан биз ўрганган ахлоқ билан баҳоломоқчи бўлсангиз, ғоят кулгили бўларди, чунки у сизнинг ёнингизда ҳеч бир тортинмай ёзилиши ёки қизу жувонларнинг олдида қип яланғоч ечиниб чўмилиши мумкин. Бу ҳолатни сизу биз ахлоқсизлик деб атаймиз, лекин у ахлоқсизлик дея олмайди, у бунинг фарқига бормади, унинг учун эски қонун-қоидалардан ҳеч бирининг аҳамияти қолмаган: айтдимку, сизларга у ўзича «озод» бўлиб олган деб, мана шу «озод» дунёсига эришиши учун зўравонни ўлдириш керак деган фикр уни дамо-дам қистовга олади. Зўравон унинг назарида, албатта, сиз билан биз, чунки биз унинг ҳаммамизга ўхшаб ҳаёт кечиршини, биз амал қилган тартиб-қоидаларга амал қилишини истаймиз, уни табиий ҳолатга қайтармоқчи бўламиз. Албатта, зўравонлик унинг хаёлида ўзига хос маънога эга. Энг хавфлиси уни одамлар қутуриб кетдилар, улар мени еб қўйишмоқчи, деган васвасали фикр доимо безовта

қилади; уни одамлардан бездириб қўйган нарсаси ҳам шу: назарида атрофдагилар уюшиб, ўзига фитна қилишаётгандек туюлади, у булар мени тириклай еб қўймоқчи деган гумон охир-оқибат уни вас-вас қилиб қўяди, шу сабабли ҳам у тўшаги тагига болта қўйиб ётади. Бундай одамлар бир неча марта шу фикр қутқусида энг яқин кишиларини чопиб ташлаган ҳодисалари кўп бўлган. У одамлардан ҳоли қолган пайтлари болтасини қайта-қайта қайрайди, уни қандай ишлатишини машқ қилади ва болтани қайрашдан роҳат қилади, агар шу пайт бирон киши унинг олдига кириб қолса, шартта ташланиб қолиши мумкин. Узоқ вақтгача бу касалликни руҳий касаллик ҳисоблашиб, даво йўқ деб келинарди, бироқ бизнинг шифохонамиз бу қарашларни йўққа чиқарди ва тиббиёт соҳасида жуда илгарилаб кетди. Биз бир неча тур касалларни даволаб чиқардик. Ҳозир биздан тажриба ўрганувчилар сони кўпайиб бормоқда. Улар анча пайтгача бизнинг муваффақиятларимизга ишонмай келишганди, энди эса ўзлари биз билан яқин алоқада бўлмаганлари учун пушаймон бўлишмоқда.

— Уларни даволашдаги янги услубларингиз нимадан иборат, — сўрадик биз профессор бир оз жим қолганидан фойдаланиб.

Профессор мийғида муғомбирона кулиб қўйди. У муҳим давлат сирини айтишдан бош тортаётган элчига ўхшарди.

— Энг ибтидоий усулда, — деди қувлик билан бизга тикилар экан. — Кўплар биз янги муолажа усули топганимиз ҳақида шов-шув қилиб юришибди. Аслида бизнинг услубимиз унчалик янги эмас, демокчиманки, биз азалдан мавжуд бўлган усулларни фақат замонавий тарзда такомиллаштирдик, холос. Янгилиги ҳам шу ерда. Биз тиббиётда фойдаланилмай келинган услубни ҳеч иккиланмай фанга татбиқ қилдик ва бу ҳол кутилмаган натижаларга олиб келди, сўнг биз бу усулни маданий олам билан бовлаш учун яна такомиллаштирдик, бир неча даврларга бўлдик, илмий асосларини изоҳладик. Ҳамма тажрибаларимиз пухта ва юз фоиз натижа бера бошлади, сизларга айтсам, ҳали тиббиётда ҳеч қайси муолажа усули юз фоиз натижа бермаган. Биз эса бунга эришдик. Тажрибамиз унчалик му-

раккаб эмас, ҳатто оддий, анъанавий ва четдан қараган кишига бир оз дағал бўлиб туюлади. Гўё биз инсонни хўрлаётгандек, ҳуқуқини топтаётгандек бўламиз. Лекин, менимча, энг муҳими инсоннинг соғлиги, касални қайси йўл билан бўлса ҳам тузатишдир. Биз инсонпарварлик тўғрисида сафсата сотмаймиз, аксинча, уни амалга оширамиз.

Калтаклаш тиббиётда ҳамиша қораланган. Бироқ бу ишни азбаройи инсоннинг соғлиги ва бахтиёр яшаши учун қилаётганимиз сабабли ҳам бизнинг муолажа ўзини оқлайди. Сўнгги тажрибаларимиз кўрсатаяптики, жисмдаги қон ва асаб ҳаракатини тартибга солиш учун калтаклаш касалликни тузатишнинг зарур омилларидан бири бўлиб қолиши хавфи бор. Бизнингча, бу тажрибанинг келажаги анча мунозарали, бироқ порлоқ бўлса керак, агар мана бу касалнинг у якка ҳамшира билан турган ёшгина йигитни кўрсатди, — бадинини кўрсаларингиз пўрсилдоқ хивич зарбларини кўрасизлар, — у шундай деб йигитнинг кўйлагини кўтариб, елкасини очиб кўрсатди. Йигит яна калтаклайди деб ўйлади шекилли, кўллари билан бўйнини тўсиб олди ва ер остидан профессорга чўчиб назар ташлади; унинг елкаси моматалоқ бўлиб кетган, енгил ингичка хивичнинг ўрни чизиқ-чизиқ бўлиб шилиниб қолган, кўкариб турган жойлари пўрсиб-пўрсиб шишиб чиққан, хивич терини тигдай кесиб ташлаган ва елка яра-чақага тўлганди.

— Кўриб турганларингдек, бу касалга нисбатан калтаклаш тажрибаси самарасини бермоқда, касалда бирдан ижобий ўзгариш пайдо бўлди. Илгари у қанча урманг на калтак зарбини, на жон оғриғини сезарди. Унинг руҳи танасидан ташқарида юргандай парво ҳам қилмасди. Бироқ кўраяписизларки, унда ҳатто сезги ҳам пайдо бўлмоқда, у оғриқни олдиндан сезиб, шунга тайёрлანаяпти. Бизнингча, унинг сезгилари яна танасида аста-секин уйғонаяпти, у тузала бошлади. Касал аввалига кунига икки марта, сўнг у дош беролмагач, бир марта, ҳозир кунора калтаклаб турилибди. Шунга эътибор бериш зарурки, калтаклаш муолажасини жиддий йўлга қўйиш зарур. Бунинг учун даволовчининг аниқ иш режаси ва касаллик ҳақида аниқ хулосаси талаб қилинади. Сўнг хивчинга ҳам эътибор бериш керак.

Хивчин эгилувчан, текканда терини кесиб ташлайдиган, касалнинг қулоғи ҳам ўрганиши учун ҳавода товуш ҳосил қилиб турадиган бўлиши зарур. Чунки, бу шовқин муолажанинг иккинчи босқичида жуда ҳам иш беради. Муолажа изчил, узлуксиз давом эттирилади. Аввалига касал ҳеч нарсани сезмай тиржайиб, ҳиринглаб туради. Уч кунлардан сўнг у кулишдан тўхтаб, бирдан жиддий бўлиб қолади — унинг руҳидаги лоқайдлик сўна бошлайди, хаёли сал тиниқлашади. — ўн кунлардан сўнг у калтакни кўрса елкасини ушлайдиган, ўзини олиб қочадиган бўлади, сўнг ҳар хивчин тушганда додлай бошлайди; — бу яхши аломат, бу сезгилари қайтиб келаётганидан дарак. — Бориб-бориб хивчиннинг тагига ўзи елкасини тутиб келадиган бўлади, — мана шу ҳолат жуда муҳим чунки ақл касаллик устидан қолиб чиқади. Бунга мунтазам муолажа туфайли эришилади. Калтаклашнинг турли йўллари бор, бироқ барча калтакловчи асбоб эгилувчан ва ингичка бўлмоғи керак, чунки, баданда жиддий жароҳат пайдо бўлмаслиги ва бунинг учун доимо ҳушёр туриш шарт. Инсоният қадр-қиммати бизда юксак қадрланади, биз уни ҳеч қачон майиб қиладиган даражада калтакламаймиз, — мана шунинг ўзи инсонпарварлик эмасми? Агар касал биринчи калтаклашда дош беролмаса, унда бир неча кун сабр қиламиз, сўнг яна бошидан бошлаймиз, агар яна чидолмаса, яна озроқ кутилади. Калтаклашни кунма-кун ошириб бориш муолажада катта аҳамиятга эга. Хивични учи билан савалашни, биз «енгил савалаш» деб атаймиз, унда хивичнинг учигина касалнинг баданига тегади, шарт-шарт кесиб ташлайди. Бу калтаклаш даврида оғриқдан кўра касални товуш кўпроқ безовта қилади. Хивичнинг учи кесиб юборган жароҳатлардан қон тинмай оқиб туради, гоҳида баданининг ранги қанақа эканлигини билиб бўлмай қолади. Хивичнинг учи бир маромда баданга тегиб туриши шарт, зарб ҳам бир хил бўлиши керак. Қонни кўриб, муолажани тўхтатиш ярамайди, бу касалликнинг янада чўзилишига олиб келади, қонга ҳам, баданнинг кўкариб кетганига ҳам қарамай тинимсиз савалаш зарур, бу ҳам касалнинг баданида сезиш қобилиятини пайдо қилади, уни муолажага тайёрлайди, биз баъзан бу даврни «тайёрлаш даври» деб

ҳам атаймиз. Тайёрлаш даври ҳар касалда ҳар хил кечади, шу сабабли савалаш ҳам ҳар бир касалнинг умумий аҳволу руҳиятидан келиб чиқиб жорий этилади. Тайёрлаш даври деярли ҳамма касалда энгил ўтади, ҳушдан кетишлар, дод-войлар деярли бўлмайди. Касал бу даврда ўзининг озод дунёсида бемалол яшайверади. Сўнг касал икки кунга дам олади, у махсус хоналарда, яъни атайлаб музлатилган ва зах хоналарда сақланади: бу шунинг учун керакки, унинг яралари газак олиши шиш боғлашиши зарур — бу муолажанинг зарур шартларидан биридир. Газак олган яра касалнинг баданида оз-моз оғриқ уйғотади, унинг хаёлидаги шарпаларни оз бўлса ҳам чалғитади. Мана шу пайтдан калтаклашнинг иккинчи даври бошланади. Йиринглаб шишган яралар яна хивчининг учи билан саваланади, кўкариб турган яралар энди касалда чинакам оғриқ пайдо қилади, аввалига тайёрлаш давридаги каби тиржайиб туради-ю, бироқ газак олган ярани тилиб ёрган хивчин унинг жону жонидан ўтиб кетади. У ўзини бардам тутиш учун кўзини юмиб, тишини тишлаб олади. Баъзан оҳ деб қўяди, баъзан жуда терлаб, ҳолдан тояди, баъзи касаллар эса токи учинчи босқичгача оғриқни сезмай кулиб тураверишади. Иккинчи босқичда савалаш терининг қип-қизил гўшти чиқиб қолгунча давом этади. Сўнг олдинги хонада яна уч кун сақланади, яралар обдан газак олиши, йиринглаши ва баданни қалтироқ босиши кучаяди. Учинчи давр касал учун энг оғир давр, бу даврда у ҳушидан кетиши мумкин, лекин савалашдан тўхтамаслик керак. Бу даврда касал фарёд қилади, ялинади, унинг хаёлидаги севимли «озод дунёси» аста-секин парчалана бошлайди, бизнинг хивчинлар учи парчалаб ташлайди, унинг ўрнига бутун вужудини оғриқ, хивчиннинг қулоғи остидаги таҳдидли виз-виз этган товуши эгаллайди. У ўзининг «дунёсидан» шу тахлит биз яшаётган мана шу дунёга қайтиб туша бошлайди. У энди кечасию кундузи қандай қилиб хивчин зарбига чидашни, қандай қилиб, ақалли бир марта бўлсада хивчин зарбидан қутулиб қолишини ўйлаб чиқади, ўзича бунинг турли режаларини тузади, айёрликлар қилади. Хивчинчини чалғитиш учун унга қандай қизиқарли гаплар айтсам ёки қандай қилиб кўнглини олсам дея ўйлаб

юради. Кўриб турибман, сизлар ҳам жилмайиб қўйдиларингиз, тўғри, касалнинг бу орзуси энди васваса, қутқу эмас, бу бизнинг мураккаб ва айни пайтда содатманд дунёмизга хос бўлган, сизу бизнинг орзуларимиз каби ўта ҳаётий орзу. Кейинги муолажалар касални шунчаки ҳушёр қилиш мақсадида ўтказилади, ундан кейин эса касал калтакка ўрганиб қолади, ҳудди кашандалардай унга ҳам калтак тез-тез хумор қилиб туради, шунинг учун тузалиб кетганидан сўнг ҳам касални маълум пайтгача калтаклаб туриш маслаҳат берилади, — масалан, беш-олти йил, яна бир нарсани унитмаслик зарур; калтаклаш ва хивчин ишлатиш ҳаманинг қўлидан келмайди. Биз махсус хивчин ишлатишни ўргатадиган курслар очганмиз, тўғри, ҳозир бу курсни кенгайтиришга бизда маблағ йўқ, лекин бу курсни битирганлар хивчинни ишлатишнинг устаси фаранглари бўлиб етишади. Муолажанинг натижаси хивчинни қандай ишлатишга ҳам боғлиқ. Мана қаршиларингда касалхонамизнинг энг тажрибали хивчинчиси турибди. — Шундай дея у бизга санитарлардан бирини кўрсатди — биз «калтак» қўпол сўз бўлгани учун буларни «хивчинчи» деб атаيمиз. Шусиз ҳам кўплар бизнинг калтак ишлатиш услубимизга қарши. Бу хивчинчи ўнга яқин касални даволашда фаол иштирок этди, энди бу ҳам ҳаётини хивчинсиз тасаввур қилолмайди. У ўз ишининг шайдоси, савалашни ҳам иштиёқ билан, қиёмига келтириб бажаради, унга қўл учуда бажариш ёки қалбакилик қилиш деган нарса ёт. У ҳатто ҳеч қачон санокдан ҳам адашмайди, баъзида ҳафталаб хивчинлашдан бўшамайди. Касалларни гоят севганидан ва уларнинг тезроқ тузалиб кетиш тарафдори бўлганидан буни астойдил истаганидан, азамат чарчаш, ҳоришни билмайди. Баъзи оғзига бўш кимсалар буларни шафқатсиз деб гап тарқатишади, аслида булардан меҳрибон ва кўнгилчан одамлар йўқ. Келажакда шифохонамизда бундай тажрибали «хивчинчи»ларни яна ҳам кўпайтириш режасини тузаяпмиз, зеро бизнинг шифохонага талаб ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

— Тажрибаларингизни кенгроқ қўллашга нималар ҳалақит берапти? Наҳотки бошқалар бу ютуқларингиздан беҳабар бўлса? — сўрадик биз.

— Кўп нарса, — деди маърузаси бизга таъсир қилаётганидан ва қизиқа бошлаганимиздан жонланиб кетган профессор. У ўзининг тажрибаларини кўпдан буён кимгадир гапириб бериш иштиёқида юргану, лекин ҳеч ким унинг узундан-узун изоҳларига дош беролмай гапини эшитмаёқ жўнаб қолган ва шундай пайтда биз келиб қолиб, профессор ҳаммасини бизга биратўла гапириб ташламоқчига ўхшарди. — Аввалига маблағ, кейин имкониятларимиз тор. Иншоотимиз кенгайиб бораяпти, бироқ савалаш босқичларида касални сақлайдиган тагида совутгич ўрнатилган махсус хоналарга жуда муҳтожмиз. Бизда бундай хоналар кам. Шунингдек ҳамма ҳам бизнинг тажрибаларимизни кўллаб-қувватлаётгани йўқ: кўплар «бошқалар нима дейишаркин, хориждагилар бизни масхара қилишмасмикан?» деб истихола қилиб туришибди, баъзилар эса бутунлай қарши. Улар асли янгиликка ҳамиша қарши бўлиб келишган, эскича, сийқаси чиққан усулларда ишлаб, ўрганиб қолишган, шу сабабли бирор янги ғоя туғилса, уни жон-жаҳдлари билан йўқ қилишга киришадилар. Кўриб турганларингдек, биз ҳатто касалларнинг кийимини ҳам ювиб улгурмаяпмиз. Одам етишмайди. Улар шу кийимларини токи касалхонадан чиқиб кетгунларича кийиб юрадилар, мана қаранг, — у ёш йигитнинг дўлва-дўлва бўлиб кетган, қон ва доғ боскан исқирт кўйлагини кўрсатди. — биз шу ҳолича уни шифохонадан чиқариб юборишга мажбурмиз. Хизматкорларимизнинг иш ҳақи жуда оз. Тажрибани кенгроқ жорий этиш учун хивчинчилар тайёрлайдиган курсларнинг сонини ҳам кўпайтириш муаммо бўлиб турибди.

— Касал сизларга қайтиб эҳтиёж сезмайдими? — биз профессорнинг нигоҳини бошқа ёққа буриш учун эрта-индин чиқиб кетиши керак бўлган касалга ишора қилиб сўрадик. — Профессор ҳозир ўша ўзига кенгроқ йўл бермаётганлардан жуда қаттиқ хафа бўлгандек, бизга «бу ҳолатда ишлаб бўладими?» деган маънода қараб турарди; унинг кўзлари жуда ҳам чиройли эди, биз бу кўзлар олдида бир оз шошиб қолдик: бундан ташқари, у суҳбатдошига доим жилмайиб, юмшоқ ва ювош тикиларди. Биз унинг меҳрли нигоҳи қаршисида бир оз хижолат чека бошладик.

— Балким шифохонадан чиққач, яна қутқу касалига йўлиқар, соғайиш вақтинчадир?

— Айрим ҳолларни истисно қилганда касал биз билан қайта учрашмасликка ҳаракат қилади. — У бизни ўзининг даволаш усули тобора қизиқтираётганидан жуда хурсанд эди. Энди ҳар бир саволимизга бажонидил жавоб берар ва ҳеч бир нарсани эътибордан қочирмасликка тиришарди. — Профессор биздан кўзларини олиб, касалга тикди — у бу ердаги муолажани умр бўйи унутолмайди, шу сабабли кўп ҳолларда унда тутқаноқ содир бўлиши ботиний ўтиб кетади. У аввалгидай хаёл асири бўлолмайди. Биров сезиб, биров сезмай қолади. Биз уларни назорат қилиб турамыз, агар касаллик аломатлари сезилса, дарҳол олдини оламиз: кўпроқ тинчлантирувчи усулларни қўлаймиз ва касал шифохонага келмаёқ тузалиб кетади. Мабодо у яна шифохонамизга тушса биз муолажа муддатини аввалгисига нисбатан бир оз чўзиб, савалашни изчиллаштирамыз, бу марта хивчин эмас, бошқа бирон йўғонроғидан, масалан қамчиндан фойдаланишга тўғри келади, қамчиннинг учига тишли тунука ўрнатамыз. Тўғри, иккинчи бор муолажага дош беролмай, бахтга қарши, қамчиннинг тагидан қайтиб тура олмайдиганлари ҳам бўлиб туради. Бу камдан-кам ҳолларда учрайди. Аксарият бирор жойи бир оз майиб бўлса ҳам — бу албатта, бизнинг эътиқодга хилоф, лекин начора, шунга мажбурмыз, — соғайиб чиқиб кетишади ва бошқа бизга эҳтиёж сезмайди.

— Учинчи мартачи!? — сўрамоқчи бўлдик биз.

Бизга учинчи марта ташриф буюришмайди, — деди виқор билан профессор гапимизни бўлиб, кўпгина шифохоналардан биз шу жиҳатимиз билан фарқ қиламыз. Учинчи марта бизнинг шифохонага қайтиб келиш ҳодисаси ҳали бўлмаган, демак, биз бу соҳада ҳам олдинлаб кетганмыз. Агар киши учинчи марта даволанишга эҳтиёж сезмаса, бу оламшумул гап-ку? Шундай эмасми?!

Муолажа савалаш билан тўхтайдими? Бу негадир галати. Наҳотки бошқа дори-дармон ишлатилмаса?

— Асло, муолажа тўхтамайди. Биз ҳам тиббиёт фанининг ютуқларидан унумли фойдаланамиз. Дори ҳам укол ҳам қилинади. Савалаш фақат танани табиий

ҳолатига қайтаради, мия рефлексларини тана билан маромлаштиради, у энди бўлмағур хаёллардан «тозаланари». Лекин ҳали бу буткул тузалган деган гап эмас. Мана бу касал, — у ёш йигитни кўрсатди, — анча соғайиб, хаёлий дунёсидан энди сиз билан биз яшаётган дунёга қайтиб тушган бўлса ҳам, бироқ ҳали мия фаолиятида нуқсон бор. У ердаги хулёлар вақтинча пусиб турибди; оғриқ уларни ҳозирча мия пўстлогининг ички қисмига ҳайдаб юборган, у ҳар қандай маҳал яна тажовуз қилиб қолиши мумкин. Бундай пайтда касалга савалаш қор қилмайди. Бошига махсус ускуна орқали (бу ускунани менинг ўзим ихтиро қилдим) савалаш жараёнидаги фарёд ва (ингроқ ўзиники бўлиши шарт, чунки ўз товуши мияга тез сингади) ингроқ ёзилган шовқин юборилади. Ундан ташқари касал ётган хонанинг тўртта бурчагига ҳам товуш кучайтиргич ўрнатилиб, қўйилади, шундагина шовқин миянинг ҳужайра ва бўшлиқларини буткул қамраб олади, касал бир неча кунгача бу шовқин таъсирида атрофдаги оламдан узилади ва бошини чангаллаганча шовқиндан қутулиш учун хона бўйлаб зир югуриб юради.

Шовқин миянинг барча катакчаларига аста-секин жойлашиб олади, уни энди ҳеч нарса билан мия қобиқларидан ҳайдаб чиқариб бўлмай қолади. Чунки, шовқин мияни ҳар қандай руҳий хавфдан сақлаб, унга ҳар дақиқада савалаш муолажасини эслатиб туради. Шовқин сингишган мия ҳамиша тоза ва соғлом бўлади, унинг зўриқишига асло ҳожат қолмайди. Муолажа, демек, юз фоиз ўзини оқлайди. Шовқин юбориш икки ҳафтагача чўзилади. Бу калтаклашга қараганда енгил ва тез ўтса ҳам касал анча қийналади. Шовқин аввал орқа мияга юборилади, орқа мияни шовқин ба-тамом тўлдиргач, ундан узунчоқ мияга, сўнг ўрта, охирида чакка ва пешона бўлагига йўналтирилади. Бунинг учун ҳам махсус маҳорат талаб қилинади. Негаки, шовқинни кўзланган катакчага ҳеч бир адашмай йўналтириш зарур. Агар масофада адашилса, касал бутунлай фалаж бўлиб қолиши мумкин. Шовқин юборишар экан, касал чинқириб юборади — унинг қўлоёғи маҳкам боғлаб қўйилади, бир хил тўлқинда шовқин изма-из йўналтирилади ва босим ҳам аста-секин

ошириб борилади, касалнинг фарёди ҳам кучаяди. Бироқ бунга парво қилмаслик керак. Шовқин мияга сингиб, секин чўқади. Касалнинг бутун вужуди тутқанок тутгандек қалтирайди. Томирлари кўқариб кетади, пешонадаги ажин кўпаяди, аммо бора-бора тинчиб, оғриқни сезмай қолади. Ана шу пайтдан жуда унумли фойдаланиш керак, иложи борича миянинг марказий қисмига шовқин юбориб қолиш зарур. Уч-тўрт кун ўтгач, унинг ҳаракатчан қисмига яна шовқин юборилади. Бу усул ўта зийраклик ва тажриба талаб қилади. Шовқин муолажаси тутагач, касалга икки ҳафтача ором берилади. Ана шу даврда у мутлақо тузалади, миянинг қора хаёл тарқатадиган қисми батамом шовқинга тўлади. Ингрок ва фарёдлар энди ҳар бир ҳужайрада садо бериб туради, алоқа ҳужайралари орқали бутун вужудга тарқайди, тана ва юракдаги алоқа беихтиёр мана шу шовқинга бўйсунди, шовқин қон томирларида ҳам оқади, ана шу лаҳзалар касал учун энг саодатли дамлар, у қутқу ва васвасадан бутунлай қутулади, ҳаёт гўзал ва маъноли кўриниб қолади. Онадан қайта тузилгандек енгил тортади, кераксиз «юк» ва «зўрланишлар»дан халос бўлади, шовқин унинг хотирасини ва олдинга ҳаётига боғлиқ кўпгина хаяжонли воқеаларни буткул ўчириб ташлайди, ёқимтой, мўмин ва ўта баодоб одамга айланади. Ҳатто одамни астойдил тарбияласангиз ҳам бундай ютуққа эришолмасиз. Бу хил одамлар ҳеч қачон ортиқча нарсаларни ўйлашмайди, ўзига юклатилган вазифани сиз ўйлагандан ҳам аъло даражада бажаради. У энг юксак тарбия кўрган кишилар билан одоб борасида рақобатлаша олади. Биз ҳозиргача қилган тажрибаларимизни умумлаштириб, шундай хулосага келдик: одам миясининг анчагина қисми киши учун нокерак тасаввурлар билан тўла, унинг киши учун зарурати йўқ, аксинча миянинг бу қисми кишини тез толиқтириб қўйиши мумкин. Одам учун ҳавfli бўлган жуда кўпгина кечинма-майлларини мана шу қисм ишлаб чиқаради. Шу хулосадан келиб чиқиб, одамнинг қутқу касалига йўлиқшини кутиб турмай, болалигидаёқ миянинг ана шу қисмини жонсизлантириш ёки бўлмаса бизнинг усулда мияни аниқ режага бўйсундириш керак. Бу қисм киши бошига кўп балолар олиб келиши мумкин. Биз

ушбу фикримизни яқин орада, вакилларнинг махсус мажлисига қўймоқчимиз. Чунки қутқу касалига ҳамма йўлиқиши мумкин, айниқса, бизнинг асаб билан иш-лашни талаб қиладиган давримизда бу касалга йўлиқиши жуда осон.

Хуллас, касал шовқин муолажасидан сўнг ўзини яхши ҳис қила бошлайди, иштаҳаси очилади, хушмуомала бўлиб қолади. Мана бу учинчи касалимиз эртаиндин шифохона билан хайрлашадиган фахрий касал. Биз шифохонамиздан ким тузалиб чиқиб кетса, уни фахрий аъзоликка қабул қиламиз; у бундан сўнг бизнинг шифохонамиздаги барча имтиёзлардан фойдалана олади. У ҳозир оддек соғ. Эт битиб яраларининг ўрни билинмай кетди. Мана, — у шундай дея учинчи — бурчакдаги касалнинг қорнига нуқди. Касал унга жавобан қуллуқ қилди ва лабини четида хушомадона жилмайиб қўйди, — қорин ҳам қўя бошлади. Илгари уни касал безовта қилса, энди қорни кўпроқ ўйлантиради. Бу яхши аломат. Сизлар биласизлар-ки, соғ одамгина қорнининг ғамини ейди. Кўриб турганларингиздек, жуда серилтифот, ҳар бир ҳаракатингизга қуллуқ билан жавоб беради. Мана шуниси бироз ошиб кетган; баъзан ҳаддан ортиқ илтифот қилиб қолади. Лекин бу мутлақо зарарли эмас. Аксинча, бу юксак маданиятли кишиларга хос бўлган фазилат, бизнинг шифохона ўзига хос тарбия мактабини ҳам ўтайди. Биз касалнинг табиатини мутлақо ўзгартирамиз. Илгари, ҳатто касалга йўлиқмасдан олдинлари ҳам ўзида бўлмаган хислату фазилат бизнинг муолажамиздан сўнг касалнинг феъл-атворида пайдо бўлади. Яъни у олий фазилатлар эгаси бўлиб қолади; ҳали ҳеч қайси мактаб бу ютуққа эришмаган. Биз киши табиати ўзгармасдир деган азалий қарашларни мутлақо йўққа чиқардик. Илм кишининг ҳаётини эмас, унинг табиатини ҳам ўзгартиришга қодир экан; касалнинг соғайиш жараёни тўғрисида биз шифохонамиз ходимлари билан икки жилдли мулоҳазаларимиз баён қилинган қўлланма тайёрлаганмиз. Бу қўлланма тез кунларда ўқувчилар қўлига тегади. Ана шунда бизнинг усулимиз воят илмий ва инсоннинг саломатлиги йўлида қилинган энг улуғ ишлардан бири эканлигига ҳамма бирдек амин бўлишади.

Профессор касалнинг қандай соғайганини кўрсатиш учун унинг қорнини кўрсатди. Сўнг у елкасини очди; хивчин излари билинмай кетган, тери семиз ва ялтироқ эди. Бунга жавобан касал дарров қуллуқ қилди. Профессор эса бизга ғурурли табассум билан кулиб қўйди. У ўз ипидан жуда мамнунга ўхшар ва бизга ўзининг шифохонаси тўғрисида кўпроқ нарсалар гапириб бергиси келарди. Шунинг учун ҳам яна нима тўғрисида гапирсам экан, дегандек, атрофини зир кузата бошлади. Барзанги эса бизга ва профессорга таҳдид ва шубҳа билан тикилиб турарди, ким билади, балким у бизни, профессор айтмоқчи, «озод дунёсига» бостириб кирган босқинчи деб ёки «ззиб янчаётган зўравонлар» деб ўйлагандир, унга ўта хунук ва ғаним бўлиб кўринаётгандирмиз. Аслини олганда касалларнинг ичида фақат ўшагина жуда бесаранжом эди, уни яна темир ўтиргичга қўшиб боғлаб ташлаган, унинг барзангилиги ва жунунваш қиёфаси кўзларини бургутлар чўқиб олаётгандек, Прометейнинг ҳайкалини эслатарди, бизга вазаб ва таҳдид билан қараб турар, қолган икки касал унга нисбатан хотиржам эдилар — ёш йигит яна мени уришмасмикан деган хавотирда гоҳ-гоҳ ён-верига ва ҳамшираларга кўрқиб-пусиб назар ташларди, учинчи касал тўзиб қолган кўйлаги билан беўхшов дўмпайиб турган қорнини ёпмоқчи бўлиб беҳуда уринар ва ўзига қараган одамга дарҳол қуллуқ қилиб кўярди. Деразада қуёшнинг сўлгин шугъалари ўйноқларди. Барзанги икки-уч марта қўлидаги занжирларни узиб ташламоқчидек чираниб тортилди, чиранганда кўзлари катта очилиб, юзи кўкариб кетди, занжирни узолмагач, у узоқ пишнаб ўтирди. Унинг қиёфасида ва яна олайган кўзларида ростдан ҳам қандайдир тажовуз яширинган эди. Агар унинг қўллари ечиқ бўлса, бизларга ҳам ташланиб қолиши муқаррар, деб ўйладик унинг боғлиқ қўлларига мамнун қараб қўйиб, айна маҳал унинг бандилигидан хурсанд эканимизни яширгимиз келмади. Ўзимизни унинг олдида эркин ва эътиборли ҳис қила бошладик. Бирдан ҳамма нарсани бузиб, ўрнига хаёлидаги дунёнинг қонун-қоидаларини жорий қилмоқчи, шу вақтгача мавжуд бўлган ҳамма нарсани вайрон қилмоқчи бўлган одамнинг чўғдай кўзлари, унинг атрофидаги одамлар

учун ўта хавфли бўлган «исён даври», шафқатсизлик билан қисилиб турган муштлири, бизни бир оз ташвишга солиб турарди. Шу билан бирга биз профессорнинг пухта одам эканлигига ҳам, касалнинг қўлидаги занжир ҳеч қачон узилиб, бизга ташланиб қолмаслигига ҳам амин эдик.

Биз ўзига «озод дунё» яратмоқчи бўлган, қўллари боғлиқ бу «исёнкор»га озроқ истеҳзо билан тикилиб қўярдик. Ахир анови қуллуқ қилиб турган хушмуомала ва боадоб киши билан бу жазавали, жунунбашара барзанги ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Биз иккаласини обдон қиёслаб бўлгачгина профессорнинг тажрибалари ниҳоятда оламшумул воқеа эканлигини англай бошладик. Бу беҳад катта ютуқ, ўйладик биз, ичимизда. Профессор эса бизга яна нимадир гапириб бериш иштиёқида эди, зеро бундай ютуқ билан қанчалик мақтанса ва жар солса арзирди.

Ўзининг гапларига қизиқсиниб, қулоқ солаётганимиз унга жуда ёқиб қолган, шифохонаси ҳақида яна нимадир гапириб бериш ёки кўрсатиш билан бизга ўзининг миннатдорчилигини билдирмоқчига ўхшарди.

Профессор гапларим унчалик ишонарли бўлмади деб ўйлади шекилли, бизни савалаш муолажаси бораётган хоналарга бошлади. Биз узун даҳлиздан айланиб, хирагина ёритилган ертўлага тушдик.

— Биз ташқаридагиларни безовта қилмаслик учун муолажани мана шу ертўлада ўтказамиз. Бу ер зах, айни пайтда, яра айниши учун ҳавоси қулай, эшикларга зирх қопланган.

Мана эътибор беринг, мана бу эшиқдан бирон сас ҳам ташқарига чиқмаяпти, бу юқоридагиларнинг хотиржам ишлаларига имкон беради. Бироқ эшикни очишимиз билан биз касалларнинг доду фарёдини эшитамиз. Фарёд эшитилса, билгинки, иш кетаяпти, шифохонадагилар берилиб ишлалаяпти, ўз бурчларини чин юракдан адо этишаяпти.

У шундай дея пиллапоя сўнгидаги темир қопламали эшикни очди ва бизни ичкарига таклиф қилди. Қулоғимизга бирдан ғалати ва бўғиқ фарёдлар эшитила бошлади: товушларнинг кўплиги ва сервахмлигидан биз сукунат ҳукмрон ўрмондан юриб бориб қиёмат

бошланган ялангта чиқиб қолгандай ҳис этдик ўзимизни. Бироқ профессор бизни торгина даҳлиз бўйлаб товушлар томон хотиржам қиёфада бошлаб борарди, узун даҳлизнинг икки томонида хоналар бўлиб, улардан фарёдлар ва хувиллаган товушлар, баъзан телба-вор дағдағали сўкинишлар эшитиларди. Профессор даҳлиз бўйлаб бориб, ўнг тарафдаги зич эшикни силтаб очди ва бизни ичкарига ундади.

Хонада махсус тайёрланган ўриндиққа ётқизилган, елкасининг қип-қизил эти чиқиб қолган, қўл-оёғи боғлиқ касални барваста, ярим белигача ечинган ҳамшира — хивчинчи тик ҳолда саваларди. Унинг бадани ва юзи жиққа терга ботган, мушаклари бўртиб, уни яна ҳам ваҳимали қилиб кўрсатарди. У бизни кўриб, савалашдан тўхтади ва профессорга савол назари билан тикилди? У афтидан, ертўлада бегона одамларни кўриб, бир оз ажабланганди. Профессор давом этавер дегандек ишора қилди ва ўзи бизга ўгирилиб;

— Сизлар хивчиннинг учига ва касалнинг юзига эътибор берингизлар, — деди. — Бояги айтганимдай ҳар хивчин тушганда касал тобора ўзгариб бораётганини сезишларингиз мумкин.

Биз хивчинчига, сўнг ҳавони визиллаб кесиб ўтган хивчиннинг учига қарадик. Хивчиннинг учи касалнинг шусиз ҳам қавариб қолган елкасини кесиб ўтди, касал инграб қўйди: хивчиннинг изида ҳалқоб қон пайдо бўлди ва у секин қўлтиққа оқиб туша бошлади: аммо хивчин иккинчи бор яна олдинги жойга тушди ва қон оқишини тўхтатиб қўйди — касал олдингидан қаттиқроқ инграб юборди: умуман, унинг елкасида соғ жой қолмаган, хивчинчи бутун елкани маматалоқ қилиб бўлгач, энди савалашни қайтадан бошламоқда эди? Профессор айтгандай, у ҳақиқатдан ҳам жуда уста эди? Хивчинни учи тегиб кесиб юборган, жароҳатлар ораси худди ўлчагандай икки эндан ошмасди, баданга жуда эътибор билан тўқиладиган ва чизиқчали қизил гул солинадиган кашта нуқси урган эди: касал инграб юборар экан, хивчинчининг кўзлари йилтиллаб кетаётганини сезиб қолдик. Унинг юзида шафқатсиз бир кўникма билан мамнуният ифодаси қоришиб кетган, бошқа ҳолатда, бошқа бир жойда худди мана шу ҳолат инсонни таҳқирлашнинг энг тубан усули бўлиб кўрин-

са-да, айнан шу ерда, биз турган ертўлада бу унчалик тубанлик бўлиб туюлмас, аксинча, унга хивчин жуда ярашар, унинг афти-ангорига касалнинг юзидаги ўзгариш билан унинг кўзидаги шодлик ифодаси бир пайтнинг ўзида пайдо бўлишига қараб туриб, у айнан мана шу шифохона учун ёки айнан савалаш учун туғилган деб ўйлаш мумкин эди. У савалашнинг бутун ҳадисини олганди; хивчинни енгил, ҳеч бир зўриқмай мўлжаллига урарди; хивчин касалнинг баданига тушаркан, хивчинчининг юзида қандайдир интизорлик, бесабрлик балқир, касал инграб юборгач бу ифода унинг бутун юзига тарқаб, ўрнини бу ингроқдан уйғонган мамнунлик эгалларди. Биз хивчинчи ўз хивчинини баланд кўтарар экан, у мана шу хивчинлар орасидаги оний лаҳзада бетоқат бўлиб, касалнинг юракни эзадиган ва унга ҳузур бахш этадиган ингроғини жуда соғиниб қолишини, шу оний лаҳза ҳам унга кўплик қилаётганини англаб қолдик. У иложи борича мана шу лаҳзани камайтиришга ва ингроқни эшитиб тезроқ роҳатланишга тиришиб, хивчинни унчалик юқори ҳам кўтармай тушуради. Биз унинг ўз касбига жуда меҳр қўйганини ва касалнинг фарёди унга ҳузур бағишлашини ва мана шу лаззатни ҳаётнинг бошқа ҳеч қайси бир неъматига алмаштирмаслигини ҳис этиб, профессорнинг сўзлари ростлигига ишондик. Елкани қийма-қийма қилиб ташлаган хивчин визиллар экан, хивчинчи ана шу товушдан куч олаётгандай, мушаклари яна ҳам бўртиб кетарди. Биз профессорнинг баъзи хивчинчилар ўн соатлаб чарчоқ нималигини билмай ишлайди ва шунда ҳам улар эмас, касал тоб беролмагач, маълум кун тартибига бўйсунушга мажбур бўламиз, деганини эсладик. Хивчинчи ўз ишини қунт билан бажаради. Унинг савалашни касални сулайтириб ташлашга эмас, бутун баданда оғриқ қўзғашга, профессор айтгандек, касалнинг сезги ва хаёлини баданга қайтаришга, яъни муолажага мўлжалланганди, бу эса катта билим ва усталикни талаб этарди. Касални сулайтириш учун савалаш ваҳшийликдир, деганди профессор. Унга шифо бахш этиш учун савалаш эса мутлақо бошқа нарса, бу хил савалашда касалнинг ҳеч жойи синмайди, майиб бўлмайди, бу фақат мияни хушёр қилади, уни ҳар хил кераксиз силқиларидан тоза-

лайди. Хивчинчи эса ўз хивчинининг кучидан завқ олаётгандек эди. У аввал елкадан пастга томон, сўнг пастдан елкага қараб, бир маромда, бир хил зарб билан, бежирим нақш чизаётгандай айнан аввалги жароҳатлар устидан саваларди. Шундай қилса оғриқ кучлироқ бўлар, хивчин баданни жизиллатиб юборарди, чамаси. Ҳавони кесиб ўтаётган хивчин товуши ва инграш фақат хивчинчига эмас, профессорга ҳам лаззат бағишларди, афтидан, унинг юзида ҳам инграшдан сўнг худди энди ёриша бошлаган тонгги осмон сингари мамнунлик зоҳир бўлар, ҳар инграшга жавобан бу мамнунлик бутун юзни эгаллаб, кенгайиб борарди.

Азал-азалдан давоси йўқ деб келинган касалга шифо бахш этаётганидан, хавфли, ақлли қусур, ўз хулёси билан қутурган ва бутун дунёни бузиб янчмоқчи бўлган одамни яна соғлом кишилар сафига қайтараётганидан ва баданда оғриқ қўзғалиб, касал инграй бошлаганидан у беҳад шод эди. Биз унинг энди мана шу ингроқ ва фарёдларсиз ҳаётини тасаввур ҳам қилмаслигини, хивчин ва фарёдлар умрининг гўзал лаҳзаларига, мазмунига айланганига ишонгандик; ҳаётда ҳеч бир нарса ўзининг режалари ва орзулари амалга ошаётган палладек кишига ҳузур бахш этолмайди.

Хивчинчи баъзан нафас ростлаш учун бир неча дақиқа савалашдан тўхтар экан, касал йиринги қотиб қолган, тер селдай оқиб тушаётган юмуқ кўзларини очар ва тўғрисидаги унинг ингроғи ёзиб олинаётган ёзув аппарати қўйилган курсининг оёқларига тикилганча қотиб қоларди. Унинг пакки билан яхшилаб қирилган тақир бошида кўм-кўк чакка томирлари яққол кўзга ташланар ва боши ҳам хивчиндан сачраган қон билан беланган эди, мана шу оний ором палласини яна кўпроқ чўзишни истаётгани шундоқ кўзларидан кўриниб турарди. У оғриғу инграшдан толиқиб, энди жимгина уйқута кетгиси келгандай, бошини тирсагига қўйиб, кўзини юмар, бироқ бу юмуш калтаклаш давридагидек безовта ва бесаранжом эмас, аксинча атрофдагиларни шафқат ва мурувватта чорловчи ҳолат эди. Бироқ салдан сўнг елкасига келиб тушган хивчиндан кўзлари ялт очилиб кетар ва у елкаси оша хивчинчига қарамоқчи бўлиб беҳуда уринар, беш-

олти хивчиндан сўнг лабларини тишлаганча кўзларини юмиб оларди. Ялт этиб очилар экан, кўзларида барзангининг кўзларидаги жунун ва телбалик чарақлаб кетар, томирлари қоқшолдай бўртиб чиқарди. Гўё унинг касали ҳар калтак тушганда ялт этиб очилаётган кўзларидан отилиб ташқарига чиқиб кетаётгандай эди. «Унинг мулойимлашган ва ювош тортганига қарамай савалашни давом эттираммиз», — деганди профессор, — «чунки бу ювошлик ва ингроқлар алдамчидир, касал чинакам фарёд чексагина тузала бошлайди». Хонани зах, қон, тер ва яна қандайдир, касал чиқарган бўлса керак, қўланса ҳид тутиб кетганди; биз хонада узоқ туролмадик, бўғилиб, безовта бўлаётганиммизни кўрган профессор бизни ташқарига етаклади.

— Бошқа касалларни кўришга товлари қалай? — сўради профессор биз яна ертўла даҳлизига қайтиб чиққач. Бутун даҳлизни фарёд ва хивчиннинг визиллаши тутганди.

Биз йўқ дегандек бош чайқадик, шусиз ҳам шифохонада кўп қолиб кетган, мўлжалдаги вақтимиз аллақачон тугаган эди.

— Ихтиёрларинг, — деди профессор жилмайган куйи. — Мен фақат сизлар зерикиб қолманглар, деб яна бирон хонага киритмоқчи эдим.

Биз узун тош ётқизилган йўлак бўйлаб пиллапояга, ундан кўтарилиб, бояги темир эшик орқали ташқарига чиқиб олдик. Эшик ёпилиши билан овозлар худди сеҳрлангандек бирдан тинди: бу ёғида на сас, на товуш эшитиларди. Биз кунимиз беҳуда ўтмаганидан ва шундай улуғ одам билан танишганиммиздан беҳад хурсанд эдик, атрофимиздан келишган ҳамширалар жилмайиб ўтишарди. Умуман, шифохона бизда яхши таассурот қолдирганди, узун даҳлизда ботаётган қуёшнинг сўлғин нурлари тўшалиб ётар, лекин бутун даҳлизни ёритишга энди ожизлик қилишини билгандай, секин-секин шифтга томон чекинмоқда эди.

Биз турли-туман ускуналар, қурилиш асбоблари, хандақлар билан тўлиб-тошган шифохона ҳовлисига чиққаниммизда қават-қават қилиб, тифиз қуриб ташланган, ғоят кенг ва улкан иншоотларга кўзимиз тушди, баъзи узоқлардаги биноларда қурилиш ҳали ҳам давом этар, кўтармаларнинг ғийқиллагани, қурувчи-

ларнинг бақир-чақирлари эшитиларди; шифохона сал бўлмаса нақ кичкина шаҳарчага айланган эди. Биз кичиринда бу нарсаларга эътибор бермаган эдик, энди эса ҳар бир нарса профессор бошлаган улуғ ишдан даракчидай бўлиб туюлар; ҳеч нарсани кўздан қочирмасликка тиришардик.

Шифохонамизга талаб кучайиб кетди, — деди профессор бизга иншоотлар оралаб борар эканмиз, — Шунинг учун иншоотларимизни қуриб улгурмаяпмиз. Палапартишлик ва биноларнинг дағал кўриниши шундан. Бироқ кейинги тажрибалар шуни аниқладики, касалнинг муолажасига бу дағаллик ижобий таъсир қиларкан. Биз ана шу нарсани ҳисобга олиб, биноларни иложи борича кўримсиз ва аянчли кўринишда қураяпмиз.

Ростдан ҳам бинолар жуда кўпол кўринишда эди: кўплари тик турган бочкалар, баъзилари ўрмалайдиган қурт, баъзилари ўрмалайдиган қўнғиз шаклида эди: шифохона ҳовлиси янги қурилишдан кўра харобага айлантирилган шаҳарга кўпроқ ўхшарди. Бироқ профессор ана шу кўринишнинг касал руҳига ниҳоятда ижобий таъсир қилиши, касал руҳи билан бу бесаришга манзара ўртасида қандайдир уйғунлик борлиги тўғрисида тинмай гапирарди. Унинг гаплари бу харобага ўхшаш иншоотларга ажиб бир улўвворлик бахш этаётгандай, бинолар кўз олдимизда яна ҳам салобатлашиб борарди. Профессор ўта тартибли одам эди, у гапдан сира ҳам адашмасди, чунончи у бизга касаллик тарихи ва муолажа усулини тушунтирар экан, бирон марта ҳам тутулиб қолмаганди, ундан кейин биз у ҳар бир касалга ўз ўғли ёки яқин жигаридай жуда яхши муносабатда бўлиши ва уларнинг кўнглига озор бермасликка ҳаракат қилишини сезгандик. У ҳар жиҳатдан қобилиятли эди, унинг табиатида буюк одамларга хос бўлган барча хусусиятлар мужассамлашиб кетганди. Сукротона қиёфаси, миқти жуссаси, одамга доимо илиқ ва синовчан тикилиб турадиган кўзлари уни маҳобатли қилиб кўрсатарди: Биз шифохонада ўтказган мана шу озгина вақт ичида унга шайдо бўлиб қолган, гарчи буни ҳозир бир-биримиздан яширишга ҳаракат қилаётган бўлсакда, юзимизда унга нисбатан чуқур ҳурмат порлай бошлаган эди.

Мана бу бинони, — деди профессор биз энди кура бошланган улкан иншоотнинг олдига келгач, — муолажамиз ва муваффақиятимиз авлодларни ҳам доим ҳайратга солиб, бизнинг холис ва улуг ниятларимизни акс эттириб туриш учун бош мия шаклида қурмоқчимиз. Бу руҳий ҳолат бўлими бўлади: касални унинг қаршисига олиб келиб томоша қилдирамиз, сўнг худди касалнинг миясидаги каби нозарур қисмнинг чирогини ўчириб, қолган қисмларини равшанлаштирамиз. Бу тажриба тахминан бир ҳафтача давом этади, балким кўпроқдир. Бу бино қурилиб бўлгач, аниқ бўлади. Мана шу ҳолат касални муолажага тайёрлайди, у ҳам беихтиёр миянинг қолган қисми билан алоқани сусайтиради, билвосита бинога тақлид қила бошлайди. Биноанинг шукуҳи ва салобати уни ром қилиб кўяди, шу тақлид таъсирида ҳеч бир ташқи таъсирсиз касал ўзини муолажага тайёрлайди — бу муолажани осонлаштиради.

Биз бинонинг улканлиги, баҳайбатлигига қараб ҳайратланиб турар, профессор эса унинг ҳар бир қаватида жойлашажак ускуналарнинг афзаллигини тушунтирар, унинг бутун вужуди ҳозир нурли истиқбол билан чулганган гўё ўша олис қуёшнинг ёғдулари ҳалитдан унинг чеҳрасига тушиб тургандек ял-ял ёниб турарди.

— Ўйлайманки, бу ердан қутлуғ ниятлар билан чиқиб кетмоқдасизлар, — деди профессор бизни шифохонанинг торгина панжарали дарвозасига кузатиб чиққач. Ишни энди бошладик, биз жаҳоншумул воқеалар арафасида турибмиз: Бизнинг шифохона давримизнинг энг нодир ва шавкатли воқеаси бўлиб қолади, башарият ҳали бизлардан кўп миннатдор бўлади.

Биз унинг гапига ҳеч бир шубҳа қилмай у билан самимий хайрлашдик. У токи муюлишдан бурилиб кетгунча изимиздан қўл силкиб қолди, биз ҳозир унинг юзини кўрмасақда, худди енгилмас шаҳарни забт этгани тўғрисидаги хушxabарни бутун замин бўйлаб ёйиб чиқадиган чопарлар изидан қараб турган голиб шоҳдек изимиздан қараб турганини ич-ичимиздан сезиб борардик: қаршимиздаги гумбазда осиялиқ соат тўхтаб қолган, вақт қай маҳаллигини билиб бўлмас,

оёғимиз остига худди муолажа қилинаётган касалларнинг мунгли инграшидек хазон уюмлари гижирларди...»

ХАЁЛ ТУЗОҒИ

«Ўлим ҳам сени севиб қолибди...»

«Ромео ва Жульетта»

Воқифнинг изсиз йўқолгани ҳақидаги хабар мени бирдан эсанкиратиб қўйди; икки йиллик сафардан сўнг шаҳарга қайтиб келгач, биринчи қизиққан ва батафсил ўргана бошлаган ҳодисам ҳам унинг бедарак йўқолиши сабабларини аниқлашдан иборат бўлди.

Орадан анча вақт ўтган бўлса ҳам Воқифнинг мурасасиз, жангари сиймоси хотирам туйнугидан бот-бот мўралар ва унинг тўсатдан юйиб бўлганига сира ишонгим келмас, зеро, йўқолишига даҳддор бўладиган бирон зуҳурот қолмаган, ваҳоланки, унга таниш-нотаниш бўлган кишилар бир-бир сўроққа чақиртирилганди, мен қанчалик елиб-югурмай қидирув бўлимидагилар ҳам шу маълумотдан нарига ўтишмади.

Иродаси ва фикр юритишига мен ҳамиша ҳавас қилиб юрадиган бу йигитнинг шунчаки сабабсиз юйиб бўлишига ҳеч кўниколмасдим.

Учрашиб қолганда ҳаёт ҳақида, келажак ишларимизу дунёда биз ва фақат биз кашф қилишимиз мумкин бўлган ороллар ҳақида гаплашардик. Тўғри, унинг на ишда, на ошиқликда омади юришди, ҳамма жойда бетгачопарлиги панд берар, у эса ҳеч эгилишни истамас эди. Ойлаб ишсиз, чўнтагида пулсиз юрган пайтларида ҳам тушкунликка тушмаганди. У палла Воқиф эҳтиросли ва кўнгли тоза йигит эди, тирикчилик уни чучмал мақолалар босиладиган деярли нуфузи йўқ рўзномага ишга киришга мажбур қилди.

Мен эса икки йилга сафарга кетдим. Шундан сўнг на у ҳақида, на Робия ҳақида бирон хабар эшитдим. Воқифга юборган хатларим манзилига етмай қайтиб келган кемалар янглиғ яна ўзимга қайтиб келаверар, зотан, Робиянинг кекса, баджаҳл отаси бу пайтда Воқифдан ўзгани куёв қилолмаслигига, ниҳоят ишонган ва қизи бу телбароқ йигитдан бошқа ҳеч кимга қалби

эшигини очмаслигини тушуниб етган, тўйга ҳам аста-секин розилик берадиган кайфиятда юрган кезлар эди ва менинг фаҳмимча, бу икки йил ичида тўй ўтган бўлиши керак эди — мен ўша олис юртда юриб, қарийб ўн йил давом этган, на ота-оналарнинг қистовлари, на ҳамма нарсани ўчириб ташловчи вақт, на иш, ҳаётдаги омадсизлик, на йиллар, на бошпанасиз, ижарама-ижара изгиб юриш ўчира олган, худди Афандининг бозорга боргани ҳақидаги латифа каби, ҳамма билган ва ҳамма ўқиган бу ошиқ-маъшуқлик қиссасининг эртақлар мисоли ҳайрли тугашига ҳеч бир шубҳа қилмаган эдим.

Шу сабабли, Воқифнинг қандай бедарак кетганлигини билиш учун, уни охирги кунлар кўрган кишилар билан бир-бир гаплашиб чиқдим.

Рўзномалар роса уч ой изма-из эълон берганига, қидирув бўлимидагилар фавқулодда жонбозлик кўрсатиб, барча шаҳару қишлоқларни бирма-бир текшириб чиқишганига қарамай, у сувга тушган гавҳар мисол ғойиб бўлган эди; тириклар орасида ҳам, ўликлар орасида ҳам уни топиб бўлмади... Мен умид қилган одамлар хомушланиб, секин бош чайқашди — бу бедарак кетиш улар учун мутлақо кутилмаган ҳол эди. Эски танишларимиздан ким билан учрашмай, бепарво елка қисишди — мен уларнинг қисилаётган елкаларига, чўғлари ўчган лоқайд кўзларига қараб туриб, худди ташландиқ ва хароб гўшадан кечиб кетишгандай, улар аллақачон Воқифни унутишганига амин бўлдим. Фақат баъзи танишлар бедарак кетишидан олдин Воқифнинг қандайдир бино, кон, болта ҳақида гапириб юрганини ғира-шира эслашди ва у ўша пайтдаёқ ақлдан оза бошлаган эди, деган тахминни ҳам рўқач қилишди. У ҳатто ҳамиша ўзи билан бирга олиб юрадиган, гўдаклигидаёқ поезд тагида қолиб ҳалок бўлган ота-онасининг суратини ҳам олмаган, гуё қайгадир шошиб чиққану ҳозир қайтиб келадигандек, китоблардан тортиб газета, кийимларигача — ҳамма нарсада унинг изи, нафаси сезилиб турарди. Воқеанинг тагига етишга бўлган уринишларим беҳуда кетди — ўрмонда адашиб қолган овчи қайси томонга юрмасин, фақат оч ва қутурган бўриларга дуч келгани каби, мен ҳам ҳар қадамда одамда таҳлика ва ваҳм уйғотадиган, йўлимда

мислсиз ҳайкал янглиғ қад кериб турган Номанумлик ва Йўқликка дуч келавердим, шунда кўнглим салтанатига маккор ва айёр жосус мисоли, эҳтимол, Воқифни ҳам мана шу Номанумлик ва Йўқлик айиклари ютиб қўйгандир, деган бир шубҳа ўрмалаб кирди. Ахийри Робияни излаб топишга аҳд қилдим. Назаримда, калаванинг бир учи унинг қўлида тургандай эди. Унга сим қоқиб, учрашув жойини келишиб олдик. Жума куни ишдан сўнг мен К. хиёбонидаги хилват қаҳвахонага қараб югурдим. Робия аллақачон шу ерда эди — у бурчақдаги курсида бошини қуйи эгиб ўтирар, шу туришда ғамга чўмган қадим маъбудага ўхшарди. Мени кўриб, кўзидаги ёшларни артди. У жуда озиб кетганди. Юзидаги малоҳатдан, кўзларидаги бизнинг тунд, жиддий, ҳамиша дунёвий масалаларга кўмилиб юрадиган асабий улфатчилигимизга бутун борлиқни яшнатиб-яшартиб келётган кўклам каби, ёшлик ва завқ улашадиган ҳаётбахш қувончдан асар ҳам қолмабди. Мен ўша дақиқадаёқ Воқиф фақат ўзини эмас, хасис ва очкўз дунёнинг бир илқис тухфаси бўлган бу гўзал малакни ҳам ҳаётнинг бедарак кўчаларига солиб кетганини англадим. Узоқ жимликдан сўнг мен ўзимни шубҳага солиб юрган саволни бердим. Робия анча пайтгача гапирмади, у менинг шундай савол беришимни олдиндан билган чоғи, юзида ҳеч қандай ажабланиш ҳам пайдо бўлмади.

— Ҳа, ғалати, — деди сўнг, бир оз титроқ овозда, — Сиз тўғри ўйлабсиз, ўшанда менинг ҳам ақлим ҳеч нарсага етмаганди. Энди ҳаммасига тушундим. Йўқ-йўқ, у ёвузлик қилгани йўқ, — бақириб юборди Робия, менинг юзимдаги ифодани кўриб. — Мана буни ўқиб кўринг, ўзингиз ҳаммасига тушуниб оласиз. Бунда ҳаммаси ёзилган.

У сумкасидан хийла қалин қўйин дафтарча олиб узатди. Мен Робияга қарадим, у жимгина йиғларди; илоҳийлик барқ уриб турган гўзал суратни қандайдир жазавали уқувсиз рассом бешафқатларча бўяб ташлагандай, кўз ёшлари унинг саҳар осмонидек тиниқ юзини баҳор жаласи янглиғ қошлаб олган эди.

Бу ёшлар одамзод излай-излай охири топажак ва бу дунёнинг асл маъною моҳияти ҳамда инсон умрининг интиҳоси ҳақидаги алал-оқибат хулоса қандай

бўлиши мумкинлиги тўғрисида бир иқрор эди. Унга ҳеч нарса дея олмадим. Дафтарчани олиб, шу ернинг ўзидаёқ ўқишга тушдим. Дафтардаги воқеалар икки йилча олдин ёзила бошланганди:

20 март

Бу бинони нега айнан шаҳар ўртасига қуришган, тўғриси, ҳеч ақлим етмайди. Шаҳардаги энг улкан ва маҳобатли бино ҳам шу бўлса керак.

Ҳамиша очиқ турадиган дарвозаси шу қадар каттаки, ҳатто бутун шаҳар аҳли бирданига кирса ҳам ўтиб кетадигандай туюлади менга. Бино менда ғалати ҳислар ўйғотмоқда. Бу ерда қандай маҳкама жойлашганини ҳам билмайман, бироқ эшикларидан то панжараларигача нақшинкор, қуббадор қилиб ишланганига қараганда, нуфузли бирон ташкилот ин қурганга ўхшайди. Сўраб билишим керак, у қандай ташкилот экан?

22 март

Бутун эзилиб ёмғир ёғди. Менга ёмғир жуда ҳам ёқади. Рутубат елкамни сирқиратиб оғритса ҳам ишдан яёв қайтдим. Бинонинг дарвозаси ланг очиқ турар, момоқалди роқ гулдураганида бино жуда ваҳимали тусга кирарди. Балким, шаҳарга ваҳм бағишлаб туриш учун бу бинони атайлаб қуришгандир?! Унинг улканлигига қараб туриб, одам беихтиёр шундай хаёлга боради. У кўринишидан ухлаб ётган баҳайбат махлуққа ўхшайди. Ёмғир яна бир кун шундай ёкса, йўлларда юриб бўлмай қолади.

23 март кундузи

Бутун ҳам ишга боришда бинонинг олдидан ўтдим. Балким, туман бўлгани учун менга шундай кўрингандир, бироқ, назаримда, бино кечагига қараганда бир оз катталашгандай туюлди. Қизиқ, дарвозаси ҳам хийла кенгайган эди. Туман орасида у яна ҳам ваҳимали тусга кирган, худди қалъани қўриқлаб ётган соқчилар мисоли тек қотган панжара устидаги найзалар намдан ялтираб турарди. Нега бино мени бунчалик ташвишга

солаётганига ҳайронман: истамасам ҳам оёқларим шу томонга тортаверади. Уни кўриш ва ваҳимадан титраш менга зарурмикин? Кечаси яхши ухлай олмаганим учун чарчаганга ўхшайман, бўлим мудиридан жавоб олиб, тушдан сўнг хонага кетаман.

кечаси

Бўлим мудури уйга кетишимга рухсат бермади. Шусиз ҳам бўлимдаги энг бебоши сизсиз, бир ойда уч марта ишга келмадингиз, деди.

Куни билан банд бўлдим, қандайдир шошилишч мақолалар тайёрладим. Иш худди охири йўқ йўлга ўхшар экан. Бутун вужудингни унга ботириб ташлаганинг ва ҳар бир лаҳзангни, сониянгни сарф қилганинг билан бир куни эрта тонгда ўйғонаркансану ҳали ҳеч нарса қилиб улгурмаганингни, ўрнингдан туришинг билан аскарни жанг кутаётгани каби, сени ҳам бир олам иш кутиб турганини англаб қоларкансан. Ҳаёт шу қадар чигалки, унинг ичига қанчалик кириб борсанг, шунчалик юзада эканлигингни сезиб қолаверасан. Балким, шу туфайли ёш-ёш йигитлар мўйлари чиқмай туриб, ҳаётдан безиб қолишар? Талабалик йилларимизда ҳаёт анча завқли эди, ўзимиз ҳам шаддоод йигитлар эдик, қанча ичсак тўймасдик, қанча есак шунча егимиз келаверарди, ҳатто ҳафталаб ичиб юришимиз ёки бемақсад аванаб ётишимиз мумкин эди — ҳаёт ҳеч қачон зерикарли туюлмасди. У пайтлар ҳамма нарса кўзимизга хушсаодат бўлиб кўринарди. Кўнглимиз тусаган киши билан гаплашар, кўнглимиз тусаган китобни ўқир, кўнглимиз тусаган ишни қилардик, умр дегани шунчалар азиз эдики, у фақат кўнглидан иборатдай бўлиб қолганди. Хоҳлаган кишимизга «Сиз аблаҳсиз», деб бетига айтаверардик, бунинг учун ҳеч кимга ҳисоб бермасдик, ҳеч ким бизни тергамасди. Ҳар бир ишни шунчалар иштиёқ билан қилардикки, агар у ўзимизга зарар келтирса ҳам ҳеч тушкунликка тушмасдик. Ҳар тонг деразамиздан зўрра сирғалиб ўтиб, бизга заррин қўлини узатаётган қуёшни соғинч ила кутиб олар ва «Салом, эй коинот атиргули» деб ҳайқирар, сўнг бугунги вазифамизни ўтаб бўлгандай, яна тўшакка таппа ташлаб, кўзларимиздаги уйқу зе-

рикиб, толикиб, охири қабоқларимиздан қочиб қолмагунча иштиёқ билан ухлардик. Хоналар тор бўлса ҳам бағримиз кенг дея, кечалари ҳеч бир самарасиз тортишувларга берилардик. У пайтлар ҳикматли гаплар айтишни, башорат қилишни шунчалар севардикки, гуё инсоният келажакка биз қуриб берган ҳаёл кўпригидан ўтадигандек туюлар, ҳар бир нарса бизга порлоқ истиқболимиздан дарак берар, гарчи энди умид гулларимизни узиб ташлаган бўлса ҳам, маъшуқаларимизнинг эшигини тонггача пойлаб чиқардик; уни кўришимиз билан хазонликка юз тутган дунёга яшариш фасли кириб келаётгандай, кўнгилларимиз нурафшон бўлиб кетар, унга китоблардан иқтибослар келтириб, муҳаббат ва вафо ҳақида эринмасдан сафсата сотардик; кўпинча, узун жумлаларимизга маъшуқамиз тугул, ўзимиз ҳам тушунмасдик, лекин, бахт бамисоли бир гулу уни бағримизга экиб қўйиш жуда ҳам жўн, осондай туюларди ва биз бир куни умримиз гулзорида шундай гул очилишига ҳеч бир шубҳа қилмасдик, зеро, ростдан ҳам ҳаёт довуллари бизга чикора эди, биз уни кутиб олишга ва енгилга ўзимизни тайёр деб ҳисоблар, руҳимиз ҳам шунчалар тетик ва кўтаринки бўларди. Баъзи-баъзида ўша дўстлар учрашиб қолсак, юзимиздаги умид харобаларини, орзуларимизнинг вайрон бўлган иморатларини бошлиқларимизга ёқиш учун ўрганган ширинсуханлигимизу оҳорланган кўйлак ҳамда бўйнимизда бўлма илондек осилиб турадиган хушбичим бўйинбоғларимиз билан яширганча тезроқ хайрлашиб жўнаб қоладиган бўлганимизни нима билан изоҳлаш мумкин?! Энди-энди ҳайрон қоламан: ўша, «инсонни гўзаллик қутқаради», дея соатлаб сўзамоллик қиладиган ва бу фикрида ҳаммиса собит ва қатъиятли бўлган, бахтни одамнинг ўзи яратади деган таомилга қаттиқ ишонадиган ва бу бахтни яратиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ўша ҳаётсевар ва саодатманд йигит наҳотки мен бўлсам? Ҳаёлий мўъжизаларга ишонадиган у йигит қайга йўқолди?! Ҳаёт саробмонад бир манзил эканлигига, уни ўзгартириб, қайтадан қуриб бўлмаслигига имон келтирган, қароқчига бор буд-шудини ўғирлатган ношуд савдогардек, фақат орзуларию туйғуларини эмас, ҳатто одамнинг ўзини ҳам номсиз махлуқотга айлан-

тиришга, уни ҳаёт ойнасидан буткул артиб ташлашга қодир бўлган маккор ва айёр «дунё» қаршисида ҳорғин ва мавҳум турган йигит билан у йигитчанинг қандай алоқаси бор? Қани у? Хаёлда бўлса ҳам бот-бот ўша йилларга қайтар эканман, қўл-оёри кишанланган қул хўжаси изидан кетиб бораётгандек, йиллар ўтган сайин ўзимни тонг ва шом изидан зир югуриб бораётган умр маҳрамига айланиб қолаётганимни ҳис қиламан. Балким, ҳаёт дегани маҳрамлик деганидир?! Унда, одамзоднинг аҳволи қафасдаги булбулдан ҳам хароброқ экан!

Нима бўлган тақдирда ҳам, бинони шаҳар ўртасига қуриш ғирт қабихликдан бошқа нарса эмас. Мен ҳатто уйда ҳам у улкан бинонинг салобатини ҳис қилиб ётаман.

29 март

Бир ҳафтадан бери қўшнимизникида йиғи-сиғи. Ўтган ҳафта бир тўда йигитлар шундоқ кўчанинг қоқ ўртасида эрини чавақлаб кетишганди. Йиғлайвериб, хотини муштдай бўлиб қолди. Мен ўлсам ҳам аёллар шундай йиғлашармикин?!

Эшигим мустаҳкам бўлиши учун янги қулф сотиб олдим...

1 апрел

Бутун иш бўлмади. Ҳисобчимизни бола-чақасига қўшиб чопиб кетишибди. Пул ахтаришган бўлса керак, деб тахмин қилишяпти. Кимдир қиморга алоқаси бор экан, деб шивирлади. Мозористон одам билан тўлиб кетди: ҳисобчи кўп кишиларга яхшилик қилган эди. Кечаси билан тушимга тобут кириб чиқди: бўм-бўш, баҳайбат тобут шаҳар кўчаларида лопиллаб учиб юрганмиш. Бўғилиб уйғониб кетдим... Менга бир нима бўлганга ўхшайди. Эртага ҳаммасини Р. га гапириб бераман. Шундай қилсам, енгил тортарман...

7 апрел

Юқори қаватда кимдир кечалари болта қайраб чиқяпти. Қайралаётган болта эканини аниқ биламан —

товуш ингичка ва қисқа-қисқа. Қўшнилариимиз нимагадир зимдан тайёрланишяпти... Эшигимни яхшилаб кулфладимми, текшириб кўриш керак.

18 апрел

Ишхонамиз бир пайтлар турма бўлган экан. Бугун эшик оғаси шундай деди. «Кечалари оҳ-воҳлар эшитилиб қолади, изидан шарақ этган қамчи товуши чиқади», деди у. Мен нега ўзим ўтирадиган хонада бадбўй тер ва яна алланарсаларнинг ҳиди кезиб юришининг сабабини энди сездим. Мен ўтирган хонада қанча одамнинг қони тўкилган экан? Қоровулнинг гапи қулоғимга ўрнашиб қолган экан, хонада ўтиролмадим, кун узоғи нималарнидир баҳона қилиб даҳлизда кезиб юрдим. Хонага кирсам, бирдан қулоғимга хивчин товуши келади, димоғимни айниган қон ҳиди тутади. Қон ҳиди келмаган бирон жой бормикин бу дунёда?!

Ҳамхонамдан «Сиз ҳам қон ҳидини сезяпсизми?» деб сўрагандим, у итникидан ҳам каттароқ бурнини икки-уч марта тортиб кўрди-да ҳеч нарса сезмаяпман» деди ва менга ғалати қараш қилиб қўйди. Сўнг ўрнидан турди-да, қайгадир чиқиб кетди. Мен унинг бўлим мудирининг олдига кетганини сездим. Ростдан ҳам сал ўтиб котиба қиз кириб, мени бўлим мудирини сўраётганини айтди. Бўлим мудирини нимадандир жуда безовта, қип-қизариб кетганди.

— Сиз нимага шама қилаётганингизни билмайман-у, — деди у кўзойнаги устидан ўқрайган кўзларини тикиб, — лекин тилга кўпам эрк берманг, ука. Буни сиздан ҳаётда кўпроқ нарсаларни кўрган одамнинг насиҳати деб қабул қилинг.

Хонадан чиқар эканман, мудирнинг хонасига ҳам қон ҳиди ўтириб қолганини сездим ва бўғилиб, кўнглим айнимасин деб тез-тез юриб чиқиб кетдим.

20 апрел

Кечаси билан ухлай олмадим. Назаримда кимдир эшикни чертиб чиқди. Ҳар хил шарпалар кўзимга кўриниб, то тонггача юрак ҳовучлаб ўтирдим. Ёлғиз яшаш мазорда қоровуллик қилишдан ҳам оғир экан.

22 апрел

Тушимда бир пайтлар жуда қалин бўлган дўстимнинг умримда кўрмаган укасини кўрибман. У менинг эшигимни тақиллатиб турган эмиш... Мен уйғониб даҳшатта тушдим. Дўстимнинг укаси икки йил олдин кўлга чўкиб ўлганди.

Дўхтир «қаттиқ чарчагансиз ёки нимадандир кўрққансиз», деди. У хўппа семиз ва афтидан, фаросатсиз одам эди: халати исқирт, бармоқларига тутилган йили бўлса керак, рақамлар ёзиб ташланганди. «Олдини олмасангиз, миянгиз суюлиб кетиши мумкин», деб кўшимча қилиб қўйди у кирлигидан ранги қанақалигини билиб бўлмайдиган сочиққа қўлини арттар экан. У ҳазиллашиб гапирдим ёки ҳар бир касални шундай деб кўрқитадими, билолмадим. Унинг олдидан таъбим тирриқ бўлиб чиқдим.

12 май

Бутун ишхонамиз қоровули билан яна гаплашиб қолдим. Туш пайти у мени чойга таклиф қилди. Гап яна ўз-ўзидан қамоқхонага бориб тақалди. У мени ўзига ҳайрихоҳ ва сирдош деб ўйлади чоғи, анча лақиллатди. Бу ер турма бўлган пайтлари, у ҳам шу ерда назоратчи бўлиб ишлаган экан. Шунинг учун биномизга ўрганиб қолган экан. Ишдан бўшагач, бирикки йил худди бир нарчасини йўқотиб қўйгандек бўлиб юрибди. «Бутун умрим ўтган бу ерда, ташлаб кетолмайман», деди. Унинг ёши етмишга яқинлашиб қолганди. Одат бўлса керак, ҳар дамда ниманидир суғуриб олаётгандай, ўз ёнини пайпаслаб қўярди. Гарчи ҳаёт уни кексаликнинг олис саҳросига етаклаб кетётган бўлса-да, у худди ўша навқиронлик пайтларидан куч олиб яшаётгандек, ҳали тетик ва бақувват эди.

«Ўқни аяб, кўпини болта билан чопиб ташлардик», деди у ҳали куч кетмаган қўлларига бир-бир кўз ташлаб. Яна анча нарсалар ҳақида гапирмоқчи эди, бироқ мен ортиқ ўтиролмадим. Назаримда, яна икки дақиқа қолсам, бу ердан ўзим ҳам тирик чиқмайдигандек эдим. Ишим кўплигини баҳона қилиб, чиқиб кетдим. Бутун

бино ҳали ҳам турма-ю, ўзим эса маҳбусдай бўлиб туюлдим. Энди қайси бинода яшайман?!

1 июн

Уйқумда ҳаловат бўлмаяпти. Кўзимга ҳар хил шарпалар кўринади. Кундузлари кимга қарамай, у қўйнига жуда ўткир болта солиб юргандай туюлаверади. Кеча бўлим бошлиғимиз кенг хирқа кийиб келди. Мен унинг ён чўнтагида хийла катта болта борлигини сездим. Олдин эътибор бермаган эканман. Фақат бўлим бошлиғи эмас, ишхонамиздагиларнинг ҳаммаси ярашмаса ҳам, кенг-кенг кийим кийиб юришаркан.

Ишдан кейин бир оз дам олиш учун телевизор қўйган эдим, болта ясайдиган қандайдир устахонани кўрсатишди. Мухбир болтани роса мақтади: «болта ҳатто тошни ҳам кесиб ўтади», деди у. Агар тошни кесса, одамнинг бошини кесиши ҳеч гап эмас. Телевизорни ўчириб қўйишга тўғри келди... Нега газетамизда тез-тез болтанинг сурати босилишини энди тушундим. Ё одамлар ақлдан озишяпти, ё мен.

10 июн

Анави бино ақлимни тамоман олиб қўйди. Кун билан унинг қаршисидаги дарахт остида бирон киши чиқармикин деб кутиб ўтирдим. Қизиқ йўлдан шунчалик кўп йўловчи ўтяптики, бирортаси гўё у йўқдай, бинога ақалли қайрилиб қарамайди. Наҳотки бино уларни ваҳимага солмаса? Кеч тушиб қолгач, уйга яёв қайтдим. Дам олиш куним ҳам беҳуда кетди. Барибир, бу қандай бино эканлигини аниқлашим керак. Уни аниқламай туриб ҳаётимда ҳеч нарсани ўзгартириб бўлмаслигини сезяпман.

14 июн

Эрталаб туриб жумракни бурасам, сув ўрнига қипқизил қон отилиб чиқди. Тоғора бир зумда қон билан тўлди. Ярим соатдан сўнг очган эдим, яна шариллаб қон тўкила бошлади. Афтидан, сув қозонига қон тўкилиб кетганга ўхшайди. Жумракни ҳам текшириб

кўриш керак. Ишга ювинмай жўнашга тўғри келди. Кечқурун уй хўжалигидан келган усталар жумракни бураб, очиб кўришдию, жаҳллари чиқиб кетишди. Лақиллатганим учун кейинги чақириқларимни қабул қилмайдиган бўлишди. Қонга эса эътибор ҳам беришмади. Ё бутун шаҳардаги жумраклардан қон оқиб турармикин?! Наҳотки, шу пайтгача қонга ювиниб юрган бўлсам!..

22 июн

Шаҳар уй-жой хўжалигидагилар ҳам, меъморчилик институтидагилар ҳам бинони эслай олишмади. «Биз лойиҳалаштирмаганмиз, бирон эски бино бўлса керак, лекин нега харитада кўрсатилмагам, ҳайронмиз», дейишди. Уларнинг олдидан кайфиятим тирриқ бўлиб чиқдим.

Бинонинг олдидан ўтаётиб, бир шляпали кишидан бу қандай бино, деб сўрагандим, у юзимга ажабсиниб тикилди-да, халтасини кўтарганича, орқасига қарай-қарай жўнаб қолди.

Одамлар нега бу бино ҳақида гаплашишдан ўзларини олиб қочишяпти?! Ростдан ҳам бинода қандайдир сир борга ўхшайди. Бўлмаса, шляпали кишининг бунчалар ўтакаси ёрилмасди.

Нега ўзлари қўрқадиган бинони яна ўзлари қуришаркин?!

2 июл

Телевизордан қандайдир муҳим йиғинни олиб беришди, унда арбоблар давлатлараро масалани муҳокама қилишаётган эди. Биттаси сўзлар, қолганлари қарсак чаларди. Минбардагиси қўлини пахса қилиб гапирар ва қўйин чўнтагини ушлаб-ушлаб қўярди. Шунда мен ўтирганлар ҳам баъзи-баъзида қўйин чўнтагини ушлаб қўяётганини сезиб қолдим. Наҳотки ҳаммаси қўйнига болта солиб олишган бўлса?! Қаплайиб туришига қараганда, чўнтақларидаги болтадан бошқа нарса эмас, бошқа нарса бўлганида, улар бунчалик ҳаяжонланиб ўтиришмасди.

Кечаси кўрган тушимни ишхонадагиларга айтган

эдим, улар уйланинг деб маслаҳат беришди... Уйланса, одам ваҳимали хаёллардан биратўла қутулар эмиш. Рага шундай деб айтган эдим, жилмайиб қўйди.

Август

Уй қоровули хонамга кириб олиб, икки соатча гап сотди. Унинг кўзига қараб, зимдан пайт пойлаб турганини сезиб қолдим. Бунинг устига, хиркаси чўнтагига шапалоқдай дастали бир нарса солиб олган эди. Бирдан хушёр тортдим. Мени аврай олмагач, ниятидан воз кечди шекилли, хонани ифлос тутманг, деб танбеҳ берганча чиқиб кетди. У чиқиши билан эшикни маҳкам ёпиб олдим.

Кўчада ҳам одамлар бир-бирига пайт пойлаб тикилиб қўяётганини сезиб қоляпман. Сўнгги кунларда шуни англаб етдимки, одамлар бу дунёга бир-бирини чавақлаш учун келган. Эҳтиёт бўлиб юришга тўғри келади... Мен кимнингдир болтаси тагида қолишни сира ҳам истамай-ман...

Дафтарнинг шу еридан бир неча варақ бўш эди. Балки, Воқиф бу варақларни кейинчалик тўлдириш учун атайлаб ташлаб кетгандир, ким билади!

Хаёлимни дафтардаги воқеалар банд этиб олгани учун, мен бунга ортиқча эътибор берганим йўқ. Лекин бу оппоқ варақлар ҳаётини шавқдан бўшаб қолган, хаёл ва ёлғизлик ваҳмида мустақил бўлган юракнинг акси эди, менда ёмон таассурот қолдирди. Аммо, юрагимдан кечган бу шубҳани Робияга билдирмаслик учун энди аниқ сана қўйилмай, шоша-пиша ёзила бошланган саҳифаларни ўқий бошладим:

«Сентябр»

Деразадан тунга қараб туриб, тўсатдан ойни кўриб қолдим. Қизиқ, тун ва ой унга жуда ўхшаркан. Балким, у тўғри ойдан тушиб келгандир?!

Сентябр

Жуда ғалати туш кўрдим. Тушимда ўз қабрим устида йиғлаб ўтирган эмишман. Қабр қошига «Бу ерга В. кўмилган», деб ёзиб қўйилган эмиш. Эрталаб ланж

бўлиб турдим... Мен ҳам болта сотиб олиб қўйишим керак, кимдир эски шаҳарда яхши болта сотади деганди, бугун иш пайти ўтиб келаман.

Сентябр

У мени бугун ҳам ишхонагача кузатиб борди. Унинг изидан илоҳий тароват тараларди, гўё қуёшнинг бир парчаси синиб ерга тушгану энди кўчанинг қоқ ўртасида теварак атрофга ҳаётбахш ёғду таралаётгандай, лекин уни мендан бошқа ҳеч ким кўрмаётгандай эди. Мен унга қараб туриб, ҳали дунёда бундайин гўзал хилқатни кўрмаганимга амин бўлдим. Унинг қошлари қадим усталар ясаган қиличдек эгик ва нафис эди, (О, бу қилич мени нимталаб ташласа нетади, деб ўйладим ўша сония). У тикилиб турганимни кўргач, одамлар орасига кириб, ғойиб бўлди. У гўё бир олов эди-ю, бир ёниб-ўчганди, изидан ҳаво жимирлаб қолди. У буриларкан, қулоғида ярим ой шаклидаги хийла катта сирғани кўриб қолдим. Афтидан, сирға жуда қиммат турса керак...

Бугун ҳатто жеркиб ташлаган бўлим мудирига ҳам кулиб жавоб кайтардим. Айниқса, котиба қизларга жуда хушмуомала бўлдим. Улар менинг ўзгариб қолганим сабабини билишолмай ҳайрон.

Сентябр

Биз эрта тонгданоқ ишга жўнадик. У ҳар куни тунлари эшигим ёнида айланиб юради: кечаси билан оёқ кийим пошнаси эшигим тагида тукиллайди. Бир куни пастки қаватдаги қўшним «кечалари уйингизга роса кўп аёллар келади-я», деб тиржайиб қўйди. Унга ҳеч нарса демай уйга кириб кетдим. У ҳали бирон марта ҳам эшигимни очиб киришга журъат қилгани йўқ; ҳамма ухлагандан сўнг зиналардан секин кўтарилиб эшигимнинг олдигача келади. У ерда анча туриб қолади, сўнг яна тош зиналарни тукиллашиб тушиб кетади. У афтидан, ичкарига мен томон киришга ҳамон журъат қилолгани йўқ, бироқ, эрталаб мени ишга кузатиш учун муқолишда кутиб туради. У бугун жуда очилиб кетган эди, сочи қуёш нурларида тунги ден-

гиздай ялтирарди. У мендан атиги ўн қадамча орқада борарди, лекин унинг нафасини, юрак товушини аниқ эшитиб турардим, елкам куйиб кетаётган бўлса ҳам қайрилиб қарашга журъат қилолмадим. Унинг кичкина кўкраклари ҳаяжондан қалтираб кетаётганини ҳам сезиб турардим. У изимдан арвоҳдай сассиз-шарпасиз эргашиб келарди. Мен ишхонага кириб кетгач, у муолишда бир оз айланиб юрди, сўнг қайрилиб хиёбонга кириб кетди. Изидан қараб туриб, уни севмаслик мумкин эмас, деб ўйладим.

Сентябр

У ҳар куни ишхонага телефон қилиб, хонада ўтирган-ўтирмаганимни текшириб кўради, Котиба қиз «Худди қабрдан чиқаётгандай, товуши бунча совуқ» деганди, уришиб бердим. Одамлар қўполлашиб, гўзалликни ҳис қилолмайдиган бўлиб кетишган. Котибадан унчалик хафа бўлмадим. Гўзалликни ҳис қилолмайдиганларга гўзаллик ҳақида гапириб ўтириш шарт эмас.

Р. га уни яхши кўриб қолганимни, эртами-кечми у билан бирга кетишимни айтдим. Р. узоқ йиғлади. Биламан, у мени касал бўлиб қолибди, деб ўйлайди. Мен унга соппа-соғлигимни, лекин у хаёлимни банд этиб олганини тушунтирдим. У йиғлаган кўйи чиқиб кетди. Кузатгани чиқмадим. Менга негадир ҳамма нарса барибирдай бўлиб қолган. Деразани очиб, ойга қарадим; ой худди унинг кўзларидай порлаб турарди. Қизик, ойда ҳам болта кўтариб юришармикин?!»

Ўқишдан тўхтаб, Робияга қарашга ҳам журъат қилолмасдан, куз шамоли ўйноқлаётган дарахтларга юзимни бурдим, бу сўзларни ўқиганим учун мен негадир Робиянинг олдида ўзимни гуноҳқордек ҳис этар, шу сўзларни Воқиф ёзганлигини тасаввур ҳам қилолмасдим. Булар ҳаммаси мен учун ғайритабиий, ақл бовар қилмас таассурот эди.

Йиртқичдан қочган қуён овчи тузоғига тушиб қолганидек, Воқиф ҳам ўзининг омадсизлик, тушкунлик ва умидсизликдан иборат умр бўронларидан қочиб, худди ўзи тасвирлаган шаҳар ўртасидаги улкан бино-

дай маҳобатли ва сервахм хаёл тузоғига тушиб қолган эди. Одам ҳаётига маҳбуслигини, бу ҳибсхонадан фақат хаёллар орқалигина учиб чиқиши ва шу йўл билангина кўнгли ва руҳини озод қилиши мумкинлигини узоқ уқубатлардан сўнг англаб етган кишигина шундай тузоққа тушиши мумкин.

Мен дафтарчанинг ҳамма варақларини ўқиб ўтиришга ўзимда куч тополмадим. Бир томондан, то сўнгги варақчага Воқиф учун энг яқин ва азиз бўлган, ўрталаридаги муносабатга Робиянинг тажанг ва бир сўзли отасигина эмас, уларни қийма қилишни истаган йиллар ҳам охири тан берган Робия ҳақида бирон илиқ сўз ўқимаганим мени ҳайратга солган бўлса, бошқа томондан, Робия ҳақида бирон хунук нарса чиқиб қолади-ю, бу парчаларни ўқиганим учун ўзимни сира ҳам кечира олмайман, деб кўрқдим, тўғриси, энди Воқиф ростдан ҳам телба бўлиб қолмаганмикин, деб ўйлай бошладим, зеро, ёзувларда телбалик ва ажал зуҳур этган, бу нарсани тан олиш мен учун ғоят оғир эди. Ундан ташқари, мени васвасага ўхшаш бу воқеаларнинг натижаси қизиқтира бошлаганди; мана шу ажибужи, сертахлика, худди занглаган занжир каби узуқ-юлуқ ёзувлар, шошиб, ҳафсаласиз ёзилган катта-катта хунук ҳарфлар, боши узилган илондек ўралиб ётган тиниш белгилари, тамаки ҳиди ўтириб қолган варақлар кўнглимдаги пайдо бўлган шубҳалар аро «Воқифнинг сўнгги кунлари яширинган кўрғонга, балким, тезроқ чиқарман», деган умид ҳам мени шундай йўл тутишга мажбур қилгандир?! Мен дафтарчанинг сўнгги варақларини ўқишга аҳд қилдим:

«25 октябр»

Ишхонадагилар мени ақддан озиб қолган деб ўйлашяпти. Уларга «қўлларингизга қаранг, ҳаммангизнинг қўлларингиз қон», деб бақирган эдим. Мен шунчаки жиззакилик қилганим йўқ. Кейинги пайтда кимнинг қўлига қарасам, кўзимга қонаётгандек кўринади. Кеча дорилфунунда «санъат назарияси»дан дарс берган ўқитувчимни учратдим. Қўларига қараб, унинг ҳам бармоқларидан қон оқиб турганини кўриб қолдим. Бу дунёда номаълум нарсалар шунчалик кўпки,

бу номаълумлик ҳар қандай одамни ютиб юбориши ҳеч гап эмас. Энг ёмони— ўзингга ўзинг номаълум бўлиб қолишинг. Номаълумлик ҳар кеча менинг устимга лашкар тўплаб келади, тузоқ ташлаб кўради. Ўзига ўзи номаълум одам — қиёфаси йўқ одам. Қиёфаси йўқ одам тириклар биносида яшай олмайди. Бу эски, бадбўй бинони қанчалар кезмасин, ўзига қиёфа тополмайди. Қиёфаси йўқ одам ўлган одамдир! Қиёфасиз одам ёзувсиз қоғозга ўхшайди. Бу қоғозга қанча кўп ёзма, барибир ўчиб кетаверади. Шунда, наҳотки ёзганларимнинг ҳаммаси ўчиб кетган бўлса, деб қўрқиб кетдим. Дарвоқе, ўзи йўқ қиёфа ҳақида ёзишдан нима фойда?!»

Дафтарчани ўқиб бўлиб, жим қолдим, Робия йиғидан тўхтаганди. У менга «қани, айтинг-чи, бу дунёдан бошқа нима ҳам топиш мумкин», дегандай қараб турарди. Кундалик менга жуда қаттиқ таъсир қилган, Воқиф ҳақидаги бутун тасаввурларимни ўзгартириб юборганди.

Мен саҳифаларга боққан кўйи заволга юз тутган қалбни кўриб турардим, зеро, бу дунёда заволдан бошқа нарсани топиб ҳам бўлмайди. Умринг яшаётган уйни қанчалик авайлаб-асрама, қанчалар нақшинкор устунлар ўрнатма, барибир бир куни деразангда худди орзиқиб кутилган ёр каби, завол қуёши порлаб туради.

— Бу дафтарни мен унинг хонасидан топиб олдим. Ўзим суриштирдим, шаҳарда ундай бино йўқ. Дарвоқе, бунинг нима аҳамияти бор? — деди Робия, сўлгин товушда. Сўнг бошини эгиб олди — у шу туришида мана шу дафтар саҳифалари, васваса ва таҳлика билан ўтган кунлар аро Воқиф излаб ўтган ва эндиликда ўзи излаётган саволларнинг улкан аксига жуда ўхшаб кетарди, мана шу аксининг ўзи Воқифдан қолган хотира ёки иккалалари ўртасидаги муҳаббатнинг тимсолигина эмас, балким дўзахдан ҳам юз карра мудҳишроқ ва аянчлироқ бўлган умрдан маъно ва мазмун излаган одамнинг ҳаёт ҳақидаги хулосаси ҳам эканлигини, Робиянинг ўзи эътироф этганидек, бинонинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, бедаракликка юз тутган қалбни фақат Яраттангина муҳокама қилишга

қодирлигини ва ҳаммамиз ҳам эртами-кечми барибир шу йўлни танлаяжагимиз ва шу хулосани топажагимизни ёқиб бўлинган ўчоқдек офтобнинг сўлғин нурлари тўкилиб турган, худди одамнинг ўтган кунлари каби, хазонлар уюлиб ётган ўша куз оқшоми жуда яхши тушуниб етгандим; алоҳал, ўлим маликаси қувлаб юрган ва елкасида унинг нафасини ҳис этиб бораётган ғулу ҳамда алдовга мубтало бўлган қалбнинг йўқлик оламига чекинишини тушуниш унчалик қийин эмас эди. Дафтардан менга шу нарса аён бўлгандики, шунчаки жимжималар аро йўқлик биносини кўра олган Воқифга тириклар орасида ҳам, ўликлар орасида ҳам жой қолмаган экан. Шунинг учун, орадан уч ойлар ўтгач, Робиянинг ҳам бедарак йўқолгани ҳақидаги хабарни эшитганимда, кундуздан сўнг зулмат бошланиши муқаррар бўлганидай, бу воқеанинг шундай яқун топганига ҳеч бир ажабланмадим.

ОЗОД ҚУШЛАР

Ҳаёт муъжизалардан иборат эканлигига сен ҳам ишонардинг. Сен ҳам бу асрдан муъжиза кутиб яшардинг. Ҳолдан тойиб ишдан қайтар экансан, кичкинагина муъжаз уйингда тўшакка чўзилганча, ёлғизлик салтанатидай кўримсиз, ҳувиллаган хонангда қандайдир муъжиза рўй беришини кутиб яшардинг. Бу муъжиза бир неча дақиқадан сўнг юз берадигандай ўз хаёлларингдан ўзинг лаззатланардинг. Сен муъжизасиз ҳам бахтли эдинг. Ер юзидаги миллионларча одамлардек осойишта ҳаёт кечирардинг. Ҳар ҳафтанинг сўнгида ўртоқларинг билан чойхоналарга, истироҳат боғларига борардинг. У ердан кайфиятинг кўтарилиб баҳри-дилинг очилиб қайтардинг. Бироқ негадир ўз ҳаётингни ўзгартирадиган, шавқу завқ олиб келадиган муъжиза кутиб яшардинг. Бу муъжиза гоҳ ғўзал бир қиз, гоҳ лоторея ютуғи қиёфасида, гоҳ қандайдир ўзинг ҳам билмайдиган қиёфада кўз олдингда намоён бўларди. Бироқ муъжиза сенинг хонанга тўсатдан кириб келишини, бутун ҳаётингни остин-устун қилиб юборишини ҳали билмасдинг. Сен ҳаётингдан ва хаёлинг жомидан тўкиладиган шаробдан масту мустар эдинг.

Ўша кун сен ишдан яёв қайтдинг. Кўчада бўлажак

аёз кунларнинг элчиларидай изғирин изғиб юрар, сенинг ёноқларингни, бурунларингни чимчилаб ўтарди. Ундан ўзингни ҳимоя қилиш учун қунишиб олгандинг. Тезроқ уйга етиб олиб, иссиқ хонангда мириқиб чой ичишни кўз олдингга келтириб, тезроқ юришга ҳаракат қилардинг, изғиринни худди ўткир қиличдай тилимлаб кетиб борардинг. Ўз кўчаларингга бурилганингда сен сал олдинроқ кетаётган қизил пўстинли, сочи елкасига ёйилган, бўйчан жувонни кўриб қолдинг. Бу кўчада яшайдиганларнинг барини деярли танирдинг. Дуркун оёқлари, бежиримгина тебранаётган елкаларига қараб жувоннинг ҳали жуда ёш эканлигини ҳис этдинг. Кўчада икковингдан бўлак ҳеч зор йўқ эди. Кайфиятинг чов эди. Шу сабабли аёл билан бемалол суҳбатлашишинг мумкин эди. Тез-тез қадам ташлаб, аёлга етиб олдинг, сўнг у билан ёнма-ён кета бошлардинг. Шундагина аёлнинг ҳаддан ташқари гўзал эканлигини билиб қолдинг. Аёл сенга бир қаради-ю, индамай кетаверди. Унинг кўзлари гўзал, жодули эди. Елкасига ёйилган сочлари худди қоядан тўкилаётган селдай силкиллаб турарди. Аёл сени батамом мафтун қилиб қўйган эди. Изғирин эса сенга рашки келгандай юзларингни тинмай чимчилар, аёлнинг эса оппоқ тиззаларини кўз-кўз қилиш учун этакларини очиб юборарди. Аёл сенга қарамай, дарҳол этакларини ёпар, сен унинг эндигина оқариб келаётган тонг шафагидай билинар-билинмас қизариб кетганини кўриб қолардинг. Аёлнинг лаблари изғирингга жаҳл қилиб титраб кетар экан, негадир бу сенга хуш ёқарди, аёл сенга осмондан юборилган тухфадай, беихтиёр завқинг келиб, жилмайиб қўярдинг. Сен аёлнинг бу шаҳарлик эмаслигини сезгандинг; аёлнинг юзи сўлим, тиниқ ва оппоқ эди. Кўнглингда меҳмонни кўрганда туғиладиган мезбонлик туйғулари жўш уриб кетганди. Аёл бизнинг кўчага адашиб кириб қолган бўлса керак деган ўйга боргандинг.

— Бу ерлик эмассиз, чоғи, — дединг томдан тараша тушгандай, тўсатдан, сирли қалъадаги қўшинни чамалаб кўраётган маккор лашкарбошидек синовчан оҳангда.

— Йўқ, шу ерликман, — деди аёл йўлида давом этар экан, сўнг сенга қараб, майингина жилмайиб

қўйди. Сен аёл ҳазиллашяпти, деб ўйладинг. Бироқ аёл жуда жиддий ва қатъий оҳангда гапираётган эди; у бу кўчани кўпдан бери биладигандай эркин ва хотиржам кетиб борар, муюлишлардан ҳам чалғимай ўтарди. У ростдан ҳам аниқ мақсад билан кетаётган сирли кўшинга ўхшарди.

— Унда бу кўчада турмасангиз керак, — дея саволингни дарров ўзгартирдинг.

Бу орада сен яшайдиган уйга яқинлашиб қолгандиларинг. Шу сабабли аёлдан ажралиб қоладигандай безовта бўла бошлагандинг. Вужудингга аёлнинг гўзал кўзларидан сен кўпдан бери кутган ва ҳар кеча ўйлайдиган қизнинг соғинчидай ширин бир орзиқиш оқиб кирганди.

— Йўқ, шу кўчада яшайман, — деди аёл ва шу сўзлари билан сени бутунлай янчиб ташлагандай кибрли назар ташлади. Сизлар ўзинг яшайдиган уйга бурилар экансизлар, яна сўрадинг:

— Қизиқ, мен ҳеч кўрмаган эканман-да, сизни.

— Мен ҳам, — деди аёл.

— Яқинда кўчиб келдингизми?

Аёл энди сенга хўмрайиб тикилди. Хўмрайиш ортида яна қанча саволлар берасиз, бунча шилқим бўлмасангиз деган нозли бир эркалаш бор эди.

— Мен шу ерда туғилганман. Ота-онам ҳам шу ерда яшашган.

Сен батамом тонг қола бошладинг. Бу маҳаллада фақат ўзинг танийдиганлар яшайди, деб ўйлардинг. Бу кўчада этикдўз иккита жухуддан бошқа биронта ҳам ўзга кишиларни кўрмаган эдинг. Кўчадагиларнинг ҳаммаси сенга таниш эди. Бироқ аёлнинг ота-оналарини эслай олмадинг. Зотан бу кўча сени ва сенинг болалик тасаввурингни серямоқ этагига солиб катта қилган кадрдон кўча эди. Сен уйинг рўпарасига келганда таққа тўхтадинг ва аёлдан ажралгинг келмай, уни уйга таклиф қилмоқчи бўлдинг. Бироқ аёл ҳам сен баробари тўхтади ва сенга ҳайрон бўлиб тикилиб, сумкасидан нимадир излай бошлади.

— Мана шу менинг уйим, — деди аёл ҳам тантанавор, ҳам хайрлашган оҳангда.

Сен жилмайдинг. Аёл сени яшайдиган бу уйни билади ва ҳазил қияпти, дея ўйладинг. Лекин аёл-

нинг ҳаракатлари қатъий эди. У ростдан шу уйда яшайдигандек тутарди ўзини. Шунда эсингга ҳамиша бирон ғаройиб воқеалар ўйлаб юрадиган ошноларинг тушди ва дафъатан миянгга аёлни тагин улар жўнатган бўлмасин, деган фикр келиб қолди. Аёлнинг кўзларидан ҳозиргина отилиб, кейин сочилиб кетадиган ҳазилнинг кўринишларини излай бошладинг. Бироқ аёл ҳамон жиддий, афтидан, ҳечам ҳазиллашгиси келмаётгандай сенга синовчан тикилиб турарди. Унинг кибри ва мафтункор кўзларидан, чиройли, оппоқ юзларидан, заҳархандалик билан қимтиб олган лабларидан атрофга ёт бир малоҳат тараларди. Аёл сумкасидан худди сенинг қўлингдагидек калит чиқариб, эшикни оча бошлагач, бир зум эсанкираб қолдинг.

— Кечирасиз, — дединг иложи борича қувноқ товушда. — Мен ҳам шу уйда яшайман.

Аёлнинг кўзларида ҳайрат ва ғазаб жилваланди. Сўнг буларнинг ўрнида қаҳр ўйноқлай бошлади. У сени қандайдир кўча шилқими деб ўйлаётган эди. Унинг кўзларидан бу фикрни уқиб олдинг-у, хўрлигинг келди.

— Агар ишонмаётган бўлсангиз, мана, марҳамат қилинг.

Сен уни четга суриб, ўз калитинг билан эшикни очдинг. Энди аёл сенга қизиқсиниб, бир эшикка, бир қўлингдаги калитга қараб қўйди, ниманидир ўйлаб, сенга шубҳа билан тикилганча туриб қолди.

— Балки ўғридирсиз, — деди соддалик билан деярли шивирлаб. — Бекор қиласиз, бизникида ўғирлашга арзийдиган нарсанинг ўзи йўқ.

— Қани эди, — дединг ўзингни қувноқ тутиб, — балки ростдан ҳам ўғридирман. Бироқ бу уй менга отамдан, отамга эса отасидан қолган.

— Менга ҳам отам-онамдан қолган, — деди аёл. — Уларга ҳам отасидан қолган.

— Уч хоналими? — деб сўрадинг сен хаёлингга келган режада бирдан қувониб, аёлни синаш учун.

— Ҳа, уч хона, ундан ташқари — айвон, ошхона, кўмирхона, қазноқ бор.

Сенинг ҳайратинг кўнглингда шубҳага айланаётган эди. Агар ҳозир отанг тирилиб келди, деса ҳам бунча-

лик ҳайратга тушмасдинг. Аёл сен яшайдиган уйни беками кўст тасвишлаб берганди. Сен энди аёлга шубҳаланиб тикилиб қолдинг. Балки, бу аёл эмас, қандайдир инсу жинсдир? Сен ҳеч қачон жинларга ва ажи-наларга ишонмасдинг. Бироқ ҳозир ишонгинг, тавба қилгинг келарди.

— Қизиқ, — дединг сен сўлғинлик билан, — балким, меҳмонхона деворига тоғнинг сурати солингандир?

— Бўлмасам-чи, — деди аёл. — Гуллар очилиб ётган тоғ этагининг сурати бор.

— Девордаги суратчи? Кимники. У одамларни ҳам танирсиз?

— Ҳа. У ерда ота-онамнинг сурати осилиб турибди.

— Ётоқ деворига қизил гилам осилган бўлса керак?

— Тўппа-тўғри, отамга ўртоғи сова қилган.

Сен ҳайратдан ўкириб юбораёздинг. Аёл сенинг уйинг ва сенинг отанг ҳақида гапирмоқда эди. Сен мўъжизага ишонардинг-у, бироқ мўъжизанинг бу тариқа ташриф буюришини сира ҳам хаёлингга келтирмагандинг. Мўъжиза ҳам худди аёллар каби маккор бўлиши мумкинлигини сен ҳали билмас эдинг.

— Сиз қаердан биласиз? — дея сўради аёл ҳам энди сенга ажабланиб тикилиб.

— Ахир мен шу уйда яшасам, қандай билмаслигим мумкин? — бақириб юбординг сен бир оз асабийлик билан.

Изгирин гоҳ сенинг, гоҳ аёлнинг юзида ўйноқларди. Аёлнинг этаklarини кўтарар, сенинг ёқангни қилпиратиб, жиғинга тегарди. Сен жуда ҳам совуқ қотдинг.

— Балким уйга кирармиз, — дединг сен аёлга ер депсинганча, — оёғим қақшаб кетяпти.

— Меники ҳам.

Иккаланг ҳам ҳар куни кириб-чиқиб турадиган йўлак бўйлаб, сўнг зинадан кўтарилиб, айвонли уйга кирдиларинг. Сен туғилганингдан бери юравериб, кўзингни юмиб ҳам топишинг мумкин бўлган уйда биринчи марта сени ёт бир аёл бошлаб борарди. Сенга қадрдон бўлиб қолган ҳовлига, икки туп ўрикка,

кичкинагина гулзорга, тунука ёпилган ошхона томига худди энди бир умр айрилиб қоладигандек нажат излаб боқардинг. Кўксинг юрак учун ардоқли бўлганидай, бу уй сен учун ардоқли ва азиз эди. Уйингдаги осойишталикдан ва осудалиқдан тонглари роҳат қилиб уйғонардинг. Бепоён денгизда сузаётган кемадек, сен ана шу осудалик қўйнида кун бўйи оҳиста сузиб юрардинг, худди гўзал бир кўшиқнинг нақоратидай, сен уйдаги осудалик мусиқасини баъзи-баъзида эҳтиёткорлик билан бузиб, ўзингнинг бахтли эканлигингни билдириш учун гўнғиллаб-гўнғиллаб қўярдинг. Назарингда ҳеч ким сени бу ердан ҳайдаб чиқаролмайдигандек ва буларнинг ҳаммаси қандайдир англашилмовчиликдай бўлиб туюлганди. Аёл мезбон каби мулозамат, илтифот билан муомала қилганча, эргаштириб борарди. Сизлар аввал айвондан, сўнг биргина даҳлиз орқали меҳмонхонага кирдиларинг. Ҳамма жиҳозлар сен қандай жойлаштирган бўлсанг, ўша ҳолатда турарди. Бундан сен хурсанд бўлиб кетдинг. Уйдан сенинг ҳидинг келарди. Буни сен даҳлизга кирган заҳотиёқ сезгандинг. Аёл эса худди ҳамма нарса ўзига тегишлидай эмин-эркин тутарди ўзини. У этигингни ечадиган жойни кўрсатгач, сен ҳар куни кийиб юрадиган шиппакларингни сенга мулозамат билан узатди. Меҳмонхонада ҳам ҳамма нарса сен қўйгандай жой-жойида турарди. Қайсидир йили бориб маҳлиё бўлиб қолган, сўнг рассом дўстингга айтиб чиздирган тоғ этагининг суратидан баҳор нафаси уриларди. Сен суратдаги харсанг устида пастдаги қўзичоққа хезланиб турган улоқчани кўриб, кўнглинг бир оз жойига тушди. Булар бари сеники эди. Сал олдин ичингга олган яна адашган бўлмай деган шубҳага асос йўқ эди. Бу ердан сени ҳеч ким қувиб чиқариши мумкин эмас эди. Кўнглинг хотиржам бўлиб, сени ҳайрон бўлиб кузатаётган аёлга зафар қозонгандек ғолибона тикилдинг.

— Эрим қайсидир йили тоққа чиққанда шу манзара ёқиб қолибди, — деди аёл сенинг девордаги манзарага тикилиб турганингни изоҳламоқчидек. — Бир рассом ўртоғини бошлаб келиб, деворга шу суратни чизди.

Сен аёлга яна қўрқиб тикилиб қолдинг. У менинг

фикримни ўқиб олиб ўзимга айтмаяптими, деган шубҳага бординг. Ахир ҳар куни мўъжиза содир бўлиб турган бу асрда одамнинг фикрини уқадиган машина яшаш ҳам ҳеч гап эмас-ку? Сен тагин машина-робот бўлмасин, деган шубҳада аёлни синчиклаб кузата бошладинг. Йўқ, унда машинага хос ҳеч қандай хусусият йўқ эди. Ҳатто у жуда гўзал ва жозибали эди. Бу гўзалликдан сенинг юрагинг дуқурлаб, беҳаловат ура бошлаган эди. Сен буларнинг ҳаммаси тагин тушим эмасмикин, деб ўйлаб қолдинг. Бу ўй ҳатто сенга таскин бергандай, сени юпатгандай бўлди. Тушда ҳар нарса бўлиши мумкинлиги бирдан қалбингдаги шубҳа ва гумонларни қувиб юборди ва сен ўзингни худди тушдагидек тута бошладинг. Аёлга кулиб, хотиржам тикилдинг. Уни кулдиргинг, кўнглини олгинг келди. Чунки барибир тезда уйғониб, бу англашилмовчиликлар барҳам топишига ишонар эдинг. Уйғонгач эса, сени ҳеч ким уй меники деб тергамас эди. Ҳеч қандай чалкашлик ҳам юз бермасди. Тонгда уйғонардинг-у, ўз уйингга ёлғиз хўжайин бўлиб, чой қайнатиб ичардинг, тўшагингда хоҳлаганча ағнаб-ағнаб ётардинг. Ҳеч ким сени таъқиб этолмаган бўларди. Бироқ туш узоқ ва сўнгсиздай давом этар, хатар ва гумонлар кўнглингда кўпроқ ёпирилиб кирарди.

— Ана у эса ота-онамнинг сурати, — деди аёл, — дарвоқе, буни сиз биласиз, шекилли?

Сен ота-онанг сурати осилиб турган жойга қарадинг ва даҳшатдан мурдадай қотиб қолдинг. Суратда отанг ва онанг сенга ҳар доимгидай кулимсираб, меҳрибонлик билан боқиб турарди, уларнинг кўзи, юзи, тикилиши — ҳаммаси сенинг ота-онанг эди. Бироқ бошидан ҳеч қачон дўпписини ташламаган отанг ялангбош, сочи ҳам алланечук патила эди. Онанг эса худди ёнингдаги аёлга ўхшаб сочларини ёйиб юборган, унинг сочлари ҳам худди аёлникидай тилларанг ва елкалари оша тўкилиб турарди. Сен бирдан ваҳимага тушдинг ва кўзларингга ишонмай, довдираб, аёлга тикилиб қолдинг.

— Уйнинг ҳужжатини кўрсам бўладими? — дединг шоша-пиша.

— Марҳамат!

Аёл сенга уй дафтарини келтириб берди. Ҳужжат-

да ҳамма нарса жойида эди; уй аёлга тегишли эканлиги тўғрисида кичкина изоҳ билан салобатли муҳр бор эди. Сен нариги хонага ўтиб, ҳужжатлар ётган жавондан ўз номингдаги уй дафтарингни ахтара бошладинг. Орқангдан ҳайрон бўлиб қараб турган аёлга эътибор бермай, ҳамма нарсани худди ақлдан озгандек ҳар ёққа сочиб ташладинг. Ниҳоят, эскириб, варақлари кўчиб кетган уй дафтарини топгач, қувончдан бақириб юбординг:

— Мана, мана бу ерда уй менга тегишли эканлигини билдирувчи муҳр бор.

Аёл ҳайрон бўлиб, сен узатган дафтарни варақлай бошлади. Сўнг сенга қараб, бурнини жийирди-да, яна қайтариб берди ва димоғи аралаш мазах билан кулиб кўйди. Ҳеч нарсага тушунмай, бир унга, бир дафтарга шошиб қараганча варақлай бошладинг. Уй сеники эканлиги тўғрисидаги тегишли муассасалар чиқарган қарор ёзилган варақ бўм-бўш эди. Сен батамом довдираб қолдинг ва аёл ўзингга энди янада кўпроқ шубҳа билан қараётганини кўргач, ҳар оқшом ўтириб газета ўқийдиган дераза олдидаги эски ором курсига ўзингни беҳол ташладинг. Сени буткул гумонлар чулғаб олган эди. Нажот излаб бутун уйни кўздан кечирдинг. Нимадир эсингга тушиб, чўнтақларингни тита кетдинг ва қип-қизил жилдли пастпортингни топгач, ирғиб туриб, аёлни кўз олдига бориб варақлашга тушдинг.

— Мана бу ерда ёзилган... мана бу ерда... — дея ҳансираб бақирдинг. Бироқ бирдан даминг ичингга тушиб тўхтаб қолдинг, иш жойингда маош бераётганда кекса, инжиқ кассир юз марталаб синчиклаб текширадиган «Яшаш жойи» деган варақда иккита узун чизикдан бошқа ҳеч қандай белги йўқ эди.

Сен яна ором курсига чўкканча бошларингни чангаллаб узоқ ўтирдинг ва шунда яна мен туш кўраётган бўлсам керак, деб ўйлай бошладинг. Аёл эса тепангда сенга ҳамон шубҳа ва ажабланиш билан тикилиб турар эди. Ким билади, у шу дақиқаларда сен тўғрингда нималарни ўйлади экан. Балким биронта учига чиққан қаллоб деб ўйлагандир; балким ўзи айтгандай муттаҳам ўғри деб ўйлагандир, балким кўчада юрадиган биронта шилқим деб ўйлагандир, балким уйига сурбетлик билан кириб олган босқинчи, деб ўйлагандир. Ҳар

қалай, унинг кўзлари сенга хавфсираб тикилиб турарди. Агар бу туш бўлса, сен ҳеч қачон бунчалик узоқ туш кўрмагандинг. Ҳар қандай хатарга юрагинг дош бермай уйғониб кетган бўлардинг. Лекин сен уйғонмасдинг. Қачон уйғонишинг ҳам номаълум эди. Балким сен уйғонгунча оёғинг остига яна бир аср йиқилар, балким сен асрнинг устига йиқилиб тушарсан. Балки, сени уйғотишга менинг бу мадорсиз ва кучсиз сўзларимнинг қудрати етишмас. Балким бу сўзлар сени уйғотиш ўрнига, сени кўпроқ вафлат чоҳига қараб етаклар? Тушмиди бу? Агар туш бўлса қачон уйғонардинг? Буни мен ҳам билмасдим, буни сен ҳам билмасдинг. Қачон уйғонасан сен?! Бу рўё салтанатини кўз олдиндан қачон супуриб ташлайсан? Бу салтанат сени тобора ўзига тобе қилиб, муте қилиб борарди. Сен ором курсисига чўкканча ожиз қиёфада ўтирардинг.

— Балким, уй хўжалиги бўлимига бориб учрашиб кўрармиз, — дединг сен ниҳоят аёлга умид билан тикилиб. Аёл сенинг кўзларингдаги илтижони кўриб, раҳми келди, шекилли, елка қисди.

— Марҳамат, менга барибир.

У ўзига ишонар, шунинг учун ҳам сен билан дунёнинг нариги бурчагига ҳам ҳеч иккиланмай бирга бораварди.

Сизлар изғирин ўйноқлаётган кўчага чиқдиларинг. Ивирин яна аёлнинг этагини ўйноқлай бошлади. Иккалаларинг ҳам гунг ва бир овиз гаплашмай, жим кетиб борардиларинг. Сен шу даъфада ҳеч нарсага ишонгинг келмасди. Гўё буларнинг барчаси рўё эди. Бироқ сен айна пайт ухламай ётганингни, уйғоқ эканлигингни ва қандайдир номаълум аёл билан бирга кетаётганлигингни англардинг. Сен бундай рўёни ҳатто тушларингда ҳам кўрмаган эдинг. Тушингга ҳамма нарса кирарди. Эҳтимол, бу аёлни ҳам қачонлардир тушингнинг кўчаларида кўргандирсан. Лекин сен ота-онанг, бобокалонларинг яшаб ўтган уйни ўзиники қилиб олган ва яна ҳаммаси тушдагидай эмас, ўнгдагидай содир бўлган воқеани ҳеч қачон кўрмаган эдинг. Сен ўзингга ҳам ишонгинг келмасди. Балки мен ҳеч қачон яшамагандирман. Бу уй ростдан ҳам аёлга тегишлидир ва мен тунгги капалак каби бу уйга адашиб кириб қолгандирман, деган фикр дамо-дам хаёлингга чарх урарди ва

аёлга шубҳа ва илтижо билан тикилиб-тикилиб қўярдинг. Шунда бирдан шу кунларда газеталарда шов-шув бўлган бир воқеа эсингга тушганди. Шаҳардаги тарих музейида ёшгина ходимани бўғизлаб кетишганди. Газетадаги хабарларга кўра, ходим ўша куни кечга томон ишдан сўнг ўз хонасида ишлаб ўтирган эди. Сўнг тўсатдан бутун музей шовқин-сурон ва тўполон бўлиб кетган эди. Музей қоровули хонасидан югуриб чиқаман деб пешонасини эшикка уриб олганди. Унинг эшиги қулфлаб ташланган эди. Шунда музейнинг кенг залида қандай шовқин бўлаётганини кўриш учун калит тирқишидан мўралаган ва ходимни найзаларининг учига илдириб чиқаётган қандайдир дубулғали кишиларни кўрган эди. Газетада қоровулнинг руҳий беморлар касалхонасида ётгани ёзилган эди. Музей ходимининг нимталаб ташланган жасади ёнидан еттинчи асрда ясалган қилич топиб олишган эди. Одамлар бу воқеани турлича изоҳлашарди. Кўплар бошқа сайёрадан тушган одамларнинг иши деб баҳолашарди. Кўплар эса мутлақо ишонмасди. Турли шарпалар касалхонада ҳам қоровулнинг кўзига кўриниб турибди, деб айтилган эди газеталарда. Сен бу хабарга мухбирбаччаларнинг навбатдаги уйдирмаси, деб ишонмагандинг. Лекин ҳозир бирдан ишонгинг келиб қолганди ва аёлга бирон шарпа ёки бошқа сайёрадан тушган одам эмасмикин, деб гумон билан қарагандинг. Йўқ, у арвоҳ эмас эди ва бошқа сайёраликлигини билдирадиган ҳеч қандай аломати йўқ эди. У ўзингдан ҳам кўра табиийроқ, сўлимроқ, гўзалроқ эди ва ёнингда аёзли осмонни тантанавор кезиб юрган ҳилол каби мағрур ва мафтункор қиёфада кетиб борарди. Сенинг кўринишинг сувга бўктирилган кучукдай аянчли эди. Бутун вужудинг муқаррар мағлубиятдан қалт-қалт титрарди. Уй хўжалиги бўлимига сен деярли умид қилмасдинг, шундай бўлса ҳам таваккал қилиб кетиб борардинг. Аёл эса ўзини безовта қилганидан норозидай баъзи-баъзида минғирлаб қўярди.

Сенга ҳамиша уй ҳақини ўз вақтида тўла, деб пўписа қилиб юрадиган бўлим мудури сизларнинг гапларингизни ҳайрон бўлиб эшитди, сўнг қандайдир ҳужжатларни текшириб, сенга ғазаб билан тикилиб турди-да:

— Уй қурилгандан буён бу хонимга тегишли. Сен қаёқдан келиб қолдинг? — деди.

Сен индамай ташқарига йўл олдинг. Бошқача бўлиши мумкин эмаслигини ўзинг ҳам сезгандинг. Аёл билан биргаликда энди сеники бўлмаган уйга қайтдиларинг. Аёлнинг мезбонга ўхшаб қилаётган мулозаматидан энди ғашинг келмасди; аёлга индамай бўйсиниб борардинг.

— Агар хоҳласангиз вақтинча қазноқдан жой қилиб беришимиз мумкин! — деди аёл уйга қайтиб кирганларингда, сенинг сўлиб қолганлигингдан раҳми келиб. — Совуғу, лекин начора, қиш ўтса, бирорта жой топиб оларсиз.

Сен рад этгандек бош силкитдинг. Ором курсисидан узоқ ўтирдинг. Деразаларга тун пардаси тортилгач, секин ўрнингдан туриб, ҳозирлана бошладинг.

— Кийимларимни олсам майлими? — сўрадинг аёлга тақдирингга тан бергандек.

— Қандай кийимлар?

Сен кийим жавонида териб қўйилган кийимларингга ишора қилдинг.

— Ахир улар эримнинг кийимлари-ку? — сал бўлмаса ҳайрон бўлиб бақирди аёл ва худди сен тортиб оладигандек жавоннинг олдини келишган қомати билан тўсиб олди.

Сен у билан тортишиб ўтирмадинг. Қуп-қуруқ, сўппайиб кетаётган қўлларингни сени вояга етказган дарчалар ва эшиклардан яшириш учун чўнтагингга тикиб батамом тор-мор этилган қўшиндай таниш йўлак орқали уйдан секин чиқиб кетдинг...

... Бу, тушнинг охири эмас эди. Бу ибтидоси эди. Бу тушни сен менга ўша совуқ изғиринли кунда гапириб бергандинг. Сенинг юзларинг умидсизлик ва ёлғизликдан гезариб кетган. Сен бу тушни гапирар экансан, мен ўзимга ишонмай қолгандим. Бу тушни сен менга гапириб берганмидинг ё менинг ўзимми?! Сен шу пайтда изғиринли кўчада манзилсиз дайдиб юргандирсан, аёз супургиси сени ҳам бу оқшом сахнасидан батамом супуриб ташлаш учун синган тушнинг бир парчасидек аёвсиз тортқилар, вазовот ўтида ёниб, учиб келаётган кўчманчи мўғул аскарининг эгнидаги қора рўдаподек сени осмону фалак қўйнида тинмай

хилпиратарди. Лекин бу тушни сен кўрдингми, менми, ҳануз билолмадим. Мен сени шундан кейин фақат бир марта учратдим. Сен Қ. майдонида ёввойи каптарларга дон сепиб ўтирардинг. Кўзларинг орзуманда порлаб турар, юзинг бахтдан яйраб кетганди. Мен сени кўздан бери шу ҳолатда кўрмаган эдим. Каптарлар сен ҳар дон сепганинда ҳуркиб, гуриллаб ҳавога кўтарилар, сўнг ҳеч қандай хавф йўқлигини билгач, қайтиб ерга қўнишар ва кукулай-кукулай сен сепган донларни териб ейишарди. Сен эса уларга худди гўзал манзарани кўргандай қараб турардинг. Мен сенинг ёнингда турганча, сен бу каптарларга қараб нималарни ўйлаётганингни билгим келарди. Сен бу ватансиз қушларга қараб нималарни ўйлаган эдинг? Балким сен уларнинг бежирим ва кескир қанотларига қараб озо қушлар ҳақида ўйлагандирсан? Балки, уларга боқиб ватан ҳақида ўйлагандирсан? Балки туйғуларингни каптарларга айлантириб, узоқ-узоқларга учуриб юбормоқчи бўлгандирсан? Балки сен ҳеч нарса ҳақида ўйламагандирсан? Сен шунчаки кунни кеч қилиш учун ёки ўзингнинг уйсиз эканлигингни унутиш ва бирон лаҳмга ёки вокзалнинг бир бурчагига бориб тунаш ва вақт ўтиши учун қушларни шунчаки эрмак қилиб ўтиргандирсан? Ёки бу қушларга қараб, уйсиз фақат ўзинг эмаслигинг, оламда миллионлаб уйсиз ва ватансизлар борлиги тўғрисида ўйлаб, ўзингни овутиргандирсан. Балким сен қалбингни мана шу қушларгагина очгандирсан? Мен сенинг ўша куни Қ. майдонида нималар ҳақида ўйлаганингни ҳалигача билолмадим. Кеч тушгач, ўрнингдан турдинг-да, қорни ёпиниб ухлаётган, деярли йўловчиси йўқ, ҳувиллаб ётган кўчага қараб, қоронғулик қаърига сингиб кетдинг. Мен сенинг изингдан қараб турар эканман, сенинг ростдан ҳам шу даъфа қушга ўхшашинг ҳақида ўйлагандим. Сен қор ўйноқлаётган кимсасиз кўчага қараб парвоз қилиб кетгандинг. Мен сендан ўша куни нималар ҳақида ўйлаганингни сўрай олмай қолгандим. Кейинчалик ҳам сенга бу саволни бера олмадим. Сен билан бошқа учрашмадик. Сенинг қушларга қараб нималарни ўйлаганингни ҳеч қачон била олмадим, бу менга армон бўлиб қолди. Сўрай десам, ўша куни сенинг каптарларинг ҳам қайларгадир учиб кетган эди. Ўша куни Қ. майдонида

кабутарларга дон сепиб, уларни орзуманд ва мастона кузатиб, юзида азоб ва изтироб акс этиб турган парижон йигит сенмидинг ёки менмидим? Балки мен кабутарларга дон сепаятганда ва сўнг кимсасиз кўчага қоронғулик қўйнига сингиб кетганимда изимдан шафқат ва ачиниш билан қараб қолган сендирсан, каптарларнинг қанотларидан менинг орзуларимни ўқимоқчи бўлган ҳам ва кабутарларнинг кичкина, ҳушёр кўзларида ўқилиб турган ҳам балки сендирсан?

Шундан сўнг мен сен ҳақингда турли миш-мишлар эшита бошладим. Сени кимдир маст одамларга қўшилиб, ер ости йўлларида тунаб юрганингни айтди. Кимдир эса сени вокзалда ётиб юрибди деди. Кейин эса иш жойинг ётоқхонасидан жой берди. Сен ҳақингда мен бошқа ҳеч нарса эшитмадим. Кимдир сени узоқ жойга қурилишга кетган деди. Кимдир чўлга кетган деди. Мен уларнинг гапига унчалик ишонмадим. Лекин сенинг биз яшайтган шаҳарни бир умр ташлаб кетганингни билардим ва ҳар кеча мўъжазгина уйимда тўшакка чўзилганча қандайдир бир мўъжиза юз беришини кутиб ётар эканман, гўё мўъжиза худди шу дақиқада юз берадигандек юрагим ширин лаззатдан ҳаприқиб кетарди, шунда беихтиёр сени ва ўша изгиринли кунни эслардим...

МУНДАРИЖА

ҚИССАЛАР

Уруш одамлари	3
Момоқўшиқ	113
Тун панжаралари	162
Қора китоб	193

ҲИКОЯЛАР

Шамолни тутиб бўлмайд	251
Ялпиз ҳиди	261
Бевақт чалинган бонг	280
Очилмаган эшик	304
Ажр	318
Маймун етаклаган одам	335
Муолажа	347
Хаёл тузоғи	370
Озод қушлар	386

Назар ЭШОНҚУЛ

ЯЛПИЗ ҲИДИ

Қисса ва ҳикоялар

Шарқ нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2008

Муҳаррир *Ш. Эргашева*
Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*
Рассом *Г. Шоабдурахимова*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусахҳихлар: *Ж. Тоирова, М. Зиямухамедова*
Саҳифаловчи *А. Шафиулина*

Босишга рухсат этилди 12.02.2008. Бичими 84x108^{1/32}. Балтика
гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 21,0. Нашриёт-
ҳисоб табоғи 20,99. Адади 5000 нусха. Буюртма № 4198. Баҳоси
келишилган нарҳда

**Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри Буюк Турон 41**